

83.3(33)  
M 2 6

ТОҲИР МАЛИК

# ТАФАККУР ГУЛШАНИ ИЧРА

*“Одамийлик мулки”га илова*

*(Биринчи китоб)*

121362



Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент – 2017


УЎК 389.2  
КБК 83.3(5Ў)  
М 22

**Малик, Тохир**

**Тафаккур гушани ичра** ("Одамийлик мулки"га илова). Биринчи китоб  
Тохир Малик – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2017. – 596 б.

*Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тохир Малиkning ахлоқ-одобга доир бир неча китоблари билан танишсиз. Ёзувчи кундалик дафтарига кўчириб юрган Қуръони карим оятлари, Ҳадиси қудсий, шарафли ҳадислар, ривоятлар, ҳикоятлар, мақоллар, ҳикматларни саралаб, мавзулар бўйича тартиб бериб, эътиборингизга ҳавола қилмоқда. Мазкур китоб оила даврасидаги тарбияга доир суҳбатларда ота-оналарга қўлланма, мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртидаги маърифий дарсларда эса маърузачиларга ёрдамчи, маслаҳатчи бўлади, деб ўйлаймиз.*


УЎК 389.2  
КБК 83.3(5Ў)



ISBN 978-9943-4911-4-4

© Тохир Малик  
© Ғафур Ғулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий  
уйи, 2017






## ХОЛИС НИЯТ ИЛА

*Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.  
Меҳрибон ва раҳмдил,  
Яратган ва белгилаган дақиқасида  
Ўз ҳузурига чақирувчи, пок ҳамда беқиёс  
улуғ Аллоҳим номини юрак тўрида  
сақлаган ҳолимда сўз бошлаяпман.  
Ё Раббим, Ўзинг хайрли оқибат бергайсен!*

1981 йили Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида “Тафаккур гулшани” деб номланган китоб нашр этилиб, зиёлилар диққатини ўзига жалб этди. Рус тилидан таржима қилинган китобга “ватанимиз ва хорижий муаллифларнинг афоризмлари ва ҳикматли сўzlари” деб изоҳ берилган эди. Мен у пайтда нашриётда ишлар эдим. Китобга шоир дўстим Асқар Қосим муҳаррирлик қилди. Айрим ҳикматларни ўзи таржима қилди, ҳатто шарқ ҳикматлари билан бойитди. Гап шундаки, китобда шарқ донишмандлари, улуғ шоирларининг ҳикматлари йўқ эди. Китобга тартиб берган москвалик зиёли одам фақат фарб маънавий оламига мурожаат қилган, шарқнинг бебаҳо ҳикматлар хазинасига қиё боқмаган эди. Бу кўпчилик қатори медавомида маърифат, маънавият соҳасида хизмат қилаётганлар, ҳатто ижодкорларнинг доимий равишда фойдаланувчи китоби бўлиб қолди. Китоб тузувчи тарбия соҳасидаги ҳикматларни жамлашда коммунистик гоё чегарасидан чиқмаган бўлса-да, ўтмишнинг буюк файласуфлари, ёзувчилари фикрларидан унумли фойдаланган эди. Бу иши таҳсинга сазовор бўлгани учун ҳам китоб узоқ йил умр кўрди.

Китобдаги Аристотель, Цицерон, Архимед, Демокрит, Еврипид... каби қадим файласуфлари, шунингдек, Бальзак, Диккенс, Байрон, Петрарка, Л.Толстой, Стендал... сингари улуғларнинг номлари ўзбек ўқувчилари, хусусан, каминага озми-кўпми таниш эди. Лекин уларнинг кўп ҳикматларидан бебаҳра эканман. Дунёга таниқли адибларнинг асарларини ўқиган чоғимда унинг



бадий маҳорати, қаҳрамон яратиш услуби каби жиҳатларига диққат қилиб, ундаги ҳикматларга эътибор қаратмаган эканман. “Тафаккур гулшани” бу борада менга янги бир мактаб бўлди. Файласуфлар, табиийки, илмий мақолаларида тарбия ва хулққа доир кўп ҳикматли гапларни баён қилганлар. Ёзувчилар эса ҳикматларни бадий асарларига сингдирганлар. Бу китобдаги ҳикматлар, таъбир жоиз бўлса, бадий асарлардан “териб-териб” олинган. Ёзувчи ҳикматни бирон-бир қаҳрамони тилидан баён қилган. Масалан, Антон Чеховнинг барча зиёлиларга яхши таниш “Инсонда барча нарса гўзал бўлиши керак” деган гапи саҳнадаги қаҳрамонлари тилидан жаранглайди. Файласуфларнинг у ёки бу мавзудаги ҳикматларида аниқлик мавжуд. Севги ҳақидаги ҳикматлари бир-бирини тўлдиради. Ёзувчиларда эса ундай эмас, ҳатто бир фикр ўзидан олдингисини инкор этиши мумкин. Чунки Анна Каренина қалбида чин сеvgи уйғонганда у муҳаббатга ишонган, улуғлаган бўлса, кейинроқ нафратлангани туфайли ишққа доир муносабатида зиддият пайдо бўлган. Л. Толстой ижодини ўрганувчилар унинг асарларидан ҳикматларни “териб-териб” олаётганларида бу ҳолатни инобатга олмаганлар. Анна Каренина тилидан берилган ҳикматлар энди ёзувчининг шахсий фикри сифатида китобларга кўчган. Оқибатда ёзувчининг дунёқарашиди муайянлик йўққа ўхшаб қолган.

“Тафаккур гулшани”даги деярли барча ёзувчиларнинг ҳикматларида шундай зиддиятларни кузатиш мумкин. Бадий адабиётда қаҳрамоннинг ички хитоблари берилади. Бунда нимадандир қаттиқ таъсирланган қаҳрамоннинг бир-бирига зид фикрлари баён этилади. Бир сатрда қаҳрамон “бу дунёни адолат занжири ушлаб турибди” деса, кейинги сатрларда бошидан ўтган ташвишлардан нолиб, “бу дунёда ҳеч қачон адолат бўлмаган, бўлмайди ҳам”, дейди. Ҳикмат тўпловчи мутахассислар эса бу икки фикрни ёзувчининг донишмандлиги сифатида тақдим этишади. Ёзувчи аслида бу фикрларнинг қай бирини маъқуллайди, деган саволга жавоб топишга уринишмайди. Бу вазифа ҳикматлар тўплами билан танишувчи ўқувчининг зиммасида қолади.

Ҳикматлар китобига тартиб беришда яна бир неча камчиликларга дуч келдим. Биринчиси – ўтмиш алломаларининг исмлари бир китобда ундай, бошқасида бундай. Масалан, бирида “Боязид”, иккинчисида “Абу Язид”. Араб ҳарфларидан кирилл ҳарфларига кўчиришда шундай хилма-хиллик вужудга келган, деб ўйлаб, мутахассисларга мурожаат қилсам, араб дунёсидаги китобларда ҳам шунақа ҳолат мавжуд экан.


Иккинчи камчилик – айрим ҳикматлар бир китобда Фалончини, иккинчисида Пистончини деб берилган. Масалан, “Онандан бош товлама...” байти бир китобда Рудакийники, иккинчисида Жомийники, деб берилган. Учинчи камчилик – таржимадаги хилма-хиллик. Бир ҳикматнинг (айниқса, ғарбга доир) бир китобдаги таржимаси иккинчи китобдагисидан фарқ қилади. Ҳатто маънолар ўзгариб кетган ҳолларни ҳам учратиш мумкин. Таржимонларнинг услублари, билим доиралари турлича бўлгани сабабли бу каби камчиликлар юзага келган.

Камчиликларга дуч келганимда бугун “Ҳикматшунослик” фанининг туғилишига зарурат бор экан, деган фикрга келдим. Ҳикматларни ўрганиш, таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш учун ҳикматшунос олимларнинг меҳнати керак. Бугун, афсуски, бундай ҳаракат йўқ, ҳикмат китобларига тартиб берувчи ижодкорларнинг ҳар бирлари ўзлари билган мақомларда йўрғалаяптилар. Умидимиз – ёш зиёлилардан, бугунми, эртагами, улар бу соҳага эътибор қаратадилар ва ҳикматшунослик фани ўз сўзини айтади.

Ҳикмат китобларини бир марта ўқиб, сўнг жавонга қўйиш дуруст эмас. Қайта-қайта ўқиш, фикрлаш, таҳлил қилиш, хулоса чиқариш ва энг муҳими, амал қилиш лозим. Ёмон хулқдан узоқлашиб, фазилат боғига қараб интилиш керак. Китоб ўқишдан мақсад аслида шу.

Азизлар, ҳикмат китобларини ўқиганингизда бир нарсага эътибор беринг-а: айрим ҳикматлар икки, ҳатто уч минг йил аввал айтилган. Унда баён этилган фикрлар ҳозиргача долзарб бўлиб турибди. Чунки инсон хулқида жиддий ўзгаришлар юз бермаган. Шакл ўзгарган, таъбир жоиз бўлса, либос ўзгарган, вужуд эса ўша-ўша. Фазилат ва иллатга доир муаммолар ҳам ўша-ўша. “Хулқи ёмон кимса йиртқич ҳайвонга қараганда минг баравар кўпроқ ёвузлик қилишга қодир” – бу ҳикмат сизнингча бугун айтилганми ё кечами ё ўтган йил ёки ўтмиш асрдами? Бу ҳикмат-чи: “Виждон азобию таънадан тўғри бўлмаган кимсани таълим-тарбия ва қийнаш билан ҳам тўғрилаш амримаҳол”. Энди бунисига эътибор беринг: “Бугунги кунда жамиятимизнинг юзини қора қилувчи пасткашлар, ёмонлар, бебошлар, ўғрилар, гиёҳвандлар ва нашавандлар... кеча тарбияларига эътибор берилмаган болалардир”. Мисол сифатида келтирганим биринчи ҳикматни милоддан аввалги 384-322 йилларда яшаган юнонларнинг буюк файласуфи, македониялик Искандарнинг устози Аристотель (Арасту ҳаким) айтган. Иккинчи ҳикмат 1075-1144 йилларда яшаган буюк аллома, “Жоруллоҳ”, (яъни “Аллоҳнинг қўшниси”), “Бутун дунёнинг устози”, “Хоразм фахри” деб ша-





рафланган Абулқосим Замахшарийга тегишли. Учинчиси эса XX-асрдаги энг машхур маърифатпарварлардан Абдулла Авлоний асаридан олинди. Бу ҳикматлардаги мақсад, моҳиятдаги яқинлик ҳақида таъкидлаш ортиқчадир. Мазкур китобни ўқиш жараёнингизда бундан икки юз йил аввал айтилган: “Қадимги донишмандлик шу қадар кўп дурдоналарни мерос қолдирганки, уларни бир-бирига қалаб чиқиш натижасида бутун бир йиқиб бўлмас девор вужудга келган”, “Минглаб йиллар давомида миллиард-миллиард одамлар орасидан етишиб чиққан буюк донишмандлар тафаккурининг шундай асл мевалари мавжудки, бу буюк инсонларнинг ақл дурдоналари вақт синовига чидам бериб, ғалвирдан ўтиб келмоқда. Ўртамиёна нарсаларнинг бари итқитиб ташланиб, фақат ўзига хос, теран, зарур нарсаларгина қолган”, “Мақолга айланиб кетган ёки алифбе ва китобларни безаб турувчи кўпгина ҳақиқатлар агар биз учун жонсиздек ва сийқа гапдек туюлмаганда эди, биз ниҳоятда ақлли ва жуда бахтли одамлар бўлардик”, “Донолар бисотини ўрганиш юксакликка кўтариб, бизни қудратли ва олижаноб инсонга айлантиради”, “Инсоният шунинг учун улуғворки, у кўп асрли энг қимматбаҳо маънавий бойликларни ўзлаштириб олади. Асрлар оша ярқираб тургувчи бу бойликларни унутиб, давр чанги пардасига дафн этмайди”, “Ҳар куни ақалли битта кўшиқ этиш, яхши расм кўриш ва иложи бўлса, истаган бир ҳикматли сўзни ўқиб олиш даркор... Мен, айниқса, зиддиятли ҳодисаларга синчковлигимни уйғотувчи ва ўша зиддиятларни ҳал этиб берувчи ҳар турли ихчам ҳикматли сўзларни қадрлайман”, деган ҳикматларнинг нақадар тўғри эканига ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз.

Яқинда бир ташкилотга учрашувга таклиф этишиб, порохўрлик иллати ҳақида гапириб беришимни илтимос қилишди. Ислом дини 1437 йилдан бери Аллоҳнинг порани ҳаром қилганлиги ҳақида одамларни огоҳлантириб келади. Ундан аввал Инжил ва Тавротда ҳам бу танбехлар мавжуд. Лекин одамлар Худодан, жаҳаннам азобидан қўрқамиз, дейишади-ю, бу ҳаромдан тийилишмайди. Оят ва ҳадисларга асосланиб, ҳаётий мисолларни таҳлил этган донишмандлар бу иллат ҳақида неча минглаб ҳикматлар ёзиб қолдирганлар...

Беш-олти йил муқаддам қайсидир таҳририятга кирганимда стол устида “Тафаккур гулшани” китобини кўрдим. “Демак, бу китобдан ҳали ҳам фойдаланишар экан-да”, деб ўйладим. Кейинроқ яна шу ҳолга гувоҳ бўлиб, энди таажжубландим.


Бундан олдинроқ ижодкор укаларимиздан бири насроний ҳомийлар ёрдамида Швецияга бориб келиб, уларнинг кутубхонала-

рини, насроний динига доир илмнинг ғоят юксаклигини айтиб ҳа-  
яжонланганида, мен “шарқ донишмандларининг қайси асарларини  
ўқигансиз?” деб сўрадим. Ўша нохуш суҳбатда аён бўлди-ки, ижод-  
кор укамиз Қуръони каримнинг ўзбек тилидаги маъно таржима-  
сидан, ҳадисларнинг таржималаридан бебаҳралиги камлик қилиб,  
Махмуд Кошғарий, Ғаззолий, Абу Лайс Самарқандий, Жалолид-  
дин Румий, Фирдавсий Тусий, Носир Хисрав, Юсуф Хос Ҳожиб...  
каби улуғларнинг номларини сал-пал эшитгану, асарлари ҳақида  
тасаввури йўқ экан. Абу Лайс Самарқандий, Ғаззолий каби алло-  
маларнинг номларини эса эшитмаган экан. Бу нодон ижодкорга  
қарата “Сиёсатнома”, “Калила ва Димна”, “Саодатнома”, “Қутадғу  
билик”, “Девону луғатит турк”, “Ҳибатул ҳақойиқ” каби дурдона  
асарлар ҳақида гап очишга ҳожат ҳам йўқ эди. Ўзининг бойлигини  
билмай туриб, ўзгаларнинг китобларидан таъсирланиш менга но-  
донлик бўлиб туюлди.

Шу воқеалардан кейин “Тафаккур гулшани”га қайта тартиб  
бериш лозим экан”, деган фикр уйғонди. Тўғри, кейинги йигир-  
ма йил ичида ҳикматлар тўпламидан иборат кўп китоблар нашр  
этилди. Лекин буларда асосан шарқ хазинасидан фойдаланилиб,  
дунё ҳикматлари киритилмади. Мен ўйлай-ўйлай “Дунё ҳикмат-  
лари хазинаси”нинг дурдоналарини бир китобга жамлашга ҳа-  
ракат қилишни ният қилдим. Албатта, бу китоб мукамалликка  
даъво қилмайди. Лекин маърифат ва маънавиятга доир ишлари-  
мизда фойдаси тегиши мумкин, деб ўйладим.

Китобдан ўрин олган ҳикматларнинг ҳаммаси муҳтарам  
ўқувчига бирдай ёқади, деган фикрдан узоқман. Мени таъсир-  
лантирган бирон ҳикмат бошқа бир кишини қойил қолдирмас-  
лиги ҳатто, ёқмаслиги табиий ҳол. “Тафаккур гулшани”даги “Эр-  
как киши қанча хушрўй бўлса, унинг эр ва оталиги шунчалик  
беқарор”, деган фикрга сиз қандай қарайсиз? Менингча, ёзув-  
чи бу ўринда масалага бир томонлама ёндошган. Хушрўй киши-  
лар орасида у беш-ўн беқарорни учратиб, шу қарорга келгандир.  
Лекин буни “ҳикмат” деб атасак, миллионларча хушрўй, доно,  
вафоли кишиларни камситган бўлмайми? Шарқ донишман-  
дининг маълум бир масала юзасидан айтган фикри билан ғарб  
мутафаккирининг фикри орасида қарама-қаршилиқ бўлиши ҳам  
мумкин. Масалан, оиладаги эр-хотин муносабати, ҳалол-ҳаром  
масалаларида ҳар биримизни ўйлантирадиган жиҳатлар мавжуд.  
Шу боис сизга ёқмаган ҳикматни дарров инкор этмай, атроф-  
лича фикрлашни, бошқа ҳикматлардаги ғоя билан солиштириб,  
мантиқ тарозисида тортиб кўришингизни истардим. Шундай  
қилсак, ҳақиқат ҳикматини англаб етишимиз осонроқ бўлади.





Китобдан ўрин олган барча ҳикматларни ўзим компьютер саҳифасига кўчирдим. Матн кўчирувчилар хизматидан фойдаланмаганимнинг биринчи сабаби, бу ҳикматлардан қайта-қайта баҳраманд бўлишни истадим, иккинчи сабаби ҳикматларни кўчираётган чоғимда улуғлар билан юзма-юз туриб суҳбатлашгандай бўлиб, руҳимга гўё ажиб бир қувват оқиб кирди. Мен турли китоблардан кўчирмадим, гўё донишмандлар ҳикматларни менга ўзлари бир-бир айтиб туришгандай бўлишди. “Ақлни пешламоқликда қадим даҳоларни ўқишдан кўра яхшироқ восита йўқ; улардан биронтасининг китобини ақалли ярим соатгина кўлингда тутсанг, ўзингни ўша заҳотиёқ қайтадан туғилгандек, руҳинг енгиллашгандек, ўзинг мусаффолашгандек, кўтаринкилик ва бардамликни ҳис этасан – гўё тип-тиник булоқда чўмилиб чиққандек бўласан”, деган ҳикматнинг нақадар тўғри эканига шу иш жараёнида қайта-қайта амин бўлдим. “Ҳар куни жаҳоннинг энг донишманд кишилари билан мулоқотда бўлишдан кўра қимматлироқ ҳеч нима йўқ”, деган фикрим янада қатъийлашди.

Эҳтимол, ҳикматлар билан танишиш жараёнида сиз – азиз китоб муҳиблари руҳида ҳам шундай ёқимли туйғу уйғонар. Ана шунда ўтмишда ўтган улуғ донишмандлар ҳақиға, уларнинг ҳикматларини турли замонларда китобларга жамлаб бизларга еткизган ижодкорлар ҳақиға ҳам дуолар қилинг. Ҳеч шубҳа йўқки, ўтган минг йиллар давомида бу ҳикматлар жуда кўплаб одамларнинг маънавий оламини бойитган, адашганларга тўғри йўл кўрсатган. Кўпга манфаатли бўлгани учун ҳам бу ҳикматлар узоқ яшади ва бизлардан кейин ҳам яшаб қолади, зурриётларимизнинг тарбиясига хизмат қилади.

Ижозатингиз билан мутолаага доир бир-икки маслаҳатимни айтсам: мазкур китоб бир ўтиришда ёки бир ойда ўқиб чиқиб, сўнг токчага қўйиладиганлардан эмас. Таъбир жоиз бўлса, биттаси – уйингизда, иккинчиси – хизмат хонангизда турса яхшидир. Ўқиганларингиздан ўзингизга ёққанларини дафтарчангизга ёзиб олсангиз янада яхши. Буларни оила даврасида айтиб, таҳлил қилиб берсангиз улуғ хизматни амалга оширган бўласиз. Ниҳоят, ҳар куними ё ҳафтадами, ўзингизни ўзингиз имтиҳон қилиб кўринг: “Ўқиган ҳикматларимдаги фазилатлардан қайси бири мени безаб турибди?”, “Қайси иллатлардан тезлик билан қутулишим керак экан?” – деган саволларга жавоб топишга ҳаракат қилинг. Агар ўзингизда учта иллатни аниқласангиз-у, ҳафта ёки ой давомида улардан қутулишни ўйламасангиз, сиз ютқизикдасиз. Ўқиган ҳар бир китобингиз сизни ва фарзанд-

ларингизни тарбиялашга хизмат қилиши керак. Фазилатингиз бойимаса, иллатингиз йўқолмаса, вақтни бекорга совурибсиз.

Эндиги гап китоб тартиби хусусида: аниқки, энг доно насиҳатлар, ҳикматлар – Аллоҳнинг каломлари, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳадисларидадир. Шу боис ҳар мавзу аввалида оятлардан намуналар, айрим оятларга ёзилган тафсирилардан, ҳадислар ва уларга ёзилган шарҳлардан намуналар беришни лозим топдим. Бу борада шайх-ур раисимиз Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг “Тафсири ҳилол”, “Ҳадис ва ҳаёт” китобларидан фойдаландимки, ўқилишдан ва амал қилишдан ҳосил бўлажак савоблардан ул устозимизнинг пок руҳлари ҳам баҳраманд бўлажак, иншооллоҳ! Ўқиш жараёнида фазилатли аллома ҳақларига, ота-оналари, устозлари ҳақларига дуолар қилишингизни сўрайман. Шунингдек, ўз илмлари билан Ислом маърифатини тарқатишда самарали хизмат қилиб келаётган мухтарам шайхларимиз Алоуддин Мансур, Абдулазиз Мансурларнинг таржималаридан ҳам фойдаландимки, улар бажараётган ишлар учун Аллоҳ таоло улуғ ажрлар бергай ва хайрли хизматларини бардавом қилгай, омин!

Европалик файласуф, адибларнинг ҳикматлари асосан рус тилидан ўтган асрнинг иккинчи ярмида, Шарқ ҳикматлари эса форс, араб, турк тилларидан ўтмиш асрларда Огаҳий каби улуғларимиз томонидан ва бу кунларда ёш ижодкор-олимлар томонидан таржима қилинган. Ўтмиш адабий тилимизнинг оҳанрабои билан танишмоғингиз учун баъзи ўринларда таржималар билан бир қаторда “Қутадғу билиг”, ҳазрат Алишер Навоий асарларининг айримларини асл кўринишида тақдим этдик. Лекин азиз ёшларимизнинг тушунмоқлари қийинроқ бўлгани учун кўпроқ қисмини бугунги адабий тилимизда бердик.

Китобнинг сўнгги саҳифаларида фойдаланилган адабиётлар рўйхатини беришдан мақсад: бу китоблардаги барча ҳикматлардан фойдаланишнинг имкони бўлмади. Ҳикматлар маъқул келган бўлса, рўйхатдаги адабиётларни топиб ўқисангиз, маънавий хазинангизнинг янада бойиши шубҳасиздир.

Шунингдек, бизларга ўз ҳикматларини, насиҳатларини мерос қолдирган улуғлар ҳақида қисқа-қисқа бўлса-да, маълумот бердик. Бу азизларнинг китобларини топиб ўқиб борсангиз янада гўзал иш бўлади.

“Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё”, дейдилар. Излаган ҳикматингизни мазкур китобдан топсангиз, унга амал қилиб, чиройли ҳаётингизни яна гўзаллаштирсангиз не ажаб!

Мазкур китоб саҳифалари орқали бўлажак ғойибона учрашувимизнинг оқибати хайрли бўлгай, омин!

## ТАРБИЯ МЕЗОНИ – ҲУСНИ ХУЛҚ

Мардуд бўлган шайтон шарридан қутулмоқ учун Аллоҳ таолодан паноҳ тилайман.

Аллоҳ таоло номи билан бошлайман. У Зот дунё ва охирада бандаларга меҳрибондир.

*“Батаҳқиқ, Биз Бани Одамни азизу мукаррам қилиб қўйдик ва уларни қуруқлигу денгизда (от-улов ва кемаларга) кўтардик ҳамда уларни пок нарсалар ила ризқлантирдик ва уларни Ўзимиз яратган жуда кўп нарсалардан мутлақо афзал қилиб қўйдик”. (Қуръони карим маъноларининг таржимаси, Исро сурасидан)*

Тафсир:

Аллоҳ таоло борлиқдаги турли-туман мавжудотларни бир-бирларидан афзал қилиб яратган Зот. Ана ўша Зот бу ояти каримада Одам боласини борлиқдаги ҳамма нарсадан азизу мукаррам қилиб яратганининг хабарини бермоқда. Аввало, одамнинг шакли, барча аъзоларининг тузилиши азизу мукаррамликдан далолат бериб туради. Бошқа махлуқотларда у шакл, бу мутаносиблик ва бу каби аъзолар йўқ. Сўнгра, Аллоҳ таоло одамни Ўз қўли билан яратиб мукаррам қилди. Ўз руҳидан жон пуфлаб улуғлади. Бундай шарафга ҳеч бир махлуқот муяссар бўлган эмас. Шу боисдан ҳам, инсон азизу мукаррамдир. Аллоҳ таоло, яна, одам боласини Ўзи берган ақл билан мукаррам қилиб қўйди. Ақли билан инсон бошқа ҳамма махлуқотлардан устун туради. У, Аллоҳ берган ақл ила турли тадбирлар қилади, нарсалар ишлаб чиқаради, бошқа махлуқотларни ўз фойдасига ишлатади. Буларнинг ҳаммаси инсонни Аллоҳ азизу мукаррам қилиб қўйганининг намуналаридир.

Аллоҳ таоло инсонга ваҳий туширади. Одамлар ичидан Пайғамбар танлаб олади. Пайғамбарларга илоҳий китоблар нозил этади. Шариат ҳукмларини юборади. Буларнинг барчаси Аллоҳ инсонни азизу мукаррам қилганига намунадир. Аллоҳ таоло одамни Ўзининг ер юзидаги халифаси қилиши ҳам шунга далолатдир...

...Одам бошқа махлуқотлардан мутлақо афзал саналади... Лекин бу афзалликнинг жавобгарлиги ҳам бор. Қиёмат куни ҳар бир берилган афзаллик ва неъматлардан сўралади. Ҳисоб-китоб қилинади.



\* \* \*

“Чиройли хулқ кишининг бўйнидаги Аллоҳ таолонинг розилигидан бўлган ҳалқадир. У ҳалқа раҳмат занжирларига уланган. Раҳмат занжирлари эса, жаннат эшиги ҳалқасига туташган. Чиройли хулқ қайси тарафга юрмасин, занжир уни ўзига тортиб туради ва ўша эшикдан уни жаннатга олиб киради. Ёмон хулқ кишининг бўйнидаги Аллоҳ таолонинг ғазабидан бўлган ҳалқадир. У ҳалқа азоб занжирига боғланган. Занжир эса, дўзах эшигига уланган. Ёмон хулқ қаёққа юрмасин, занжир уни ўзига тортиб туради ва ўша эшикдан дўзахга киришига сабаб бўлади”.

\* \* \*

Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

– Шубҳасиз, Қиёмат куни менинг мажлис ва суҳбатимга энг яқин ва маҳбуб киши сизлардан ахлоқан яхши бўлган кишидир ва Қиёмат куни менинг мажлис ва суҳбатимдан энг узоқ ва мардуд киши сизлардан эзмалик қиладиган, беҳуда сўзлайдиган ва мутавайҳиқ бўлган кишидир.

– Ё Расулalloҳ (с.а.в.), мутавайҳиқ киши кимдир? – деб сўрадилар.

– Кибру ҳаволи бўлган кимсалар, – деб марҳамат қилдилар.

\* \* \*

Саҳобаи киромлар Расулulloҳдан (с.а.в.): “Тўзал ахлоқ нима, йа Расулalloҳ?” деб сўрашганида, Саййидимиз жавоб қилдилар-ким: “Сенга зулм қилганни кечир, сенга бермаганга сен бер, сендан алоқасини узган билан алоқа ўрнат, борди-келди қил”.

\* \* \*

Бир куни Расулulloҳ (с.а.в.) даврадагилардан: “Қиёмат куни менга энг яқин бўлчиларингиз кимлигини айтиб берайми?” – деб сўраганларида саҳобалар жим туришди. Бу саволларини икки ё уч марта қайтарганларидан кейин улар: “Ё Расулalloҳ, айтиб беринг”, – дейишди. Расулulloҳ (с.а.в.): “Улар ахлоқда ҳалққа ёқимлироқ бўлганларингиздир”, – деб марҳамат қилдилар.

\* \* \*

Абдуллоҳ ибн Амр айтадиларким: “Расулulloҳ (с.а.в.) кўпинча: “Эй Раббим! Мен сендан тан соғлигини, нафснинг ёмон йўлларга бошлашдан сақланишни, ўзингга ва халқларингга ишончли бўлишни, яхши ахлоқли бўлиш ва тақдирга рози бўлишга муяссар қилишингни сўрайман”, – деб дуо қилар эдилар”.

\* \* \*

“Аъробийлар Расулуллоҳдан (с.а.в.) сўрадилар: “Ё Расулаллоҳ! Инсонларга берилган фазилатларнинг энг яхшиси нима?” Расулуллоҳ (с.а.в.) жавоб бердилар: “Инсонларга берилган фазилатларнинг энг яхшиси ахлоқдир”.

\* \* \*

Пайғамбаримиз алайҳиссаломга:

– Фалончи аёл кундузлари рўза тутади, кечалари бедор бўлиб намоз ўқийди. Бироқ, унинг хулқи ёмон: қўшниларига тили билан азият етказади, – дейишди.

Шунда Расули акрам (с.а.в.):

– Унинг бу ишларида хайр йўқ. У аёл жаҳаннам аҳлидандир, – дедилар.

\* \* \*

*Қил тафаҳхус ўз айбингни, эй писар,  
Ўзга айбига назар қилма, назар.  
Айби кўп бўлса кишининг, бегумон,  
Халқнинг айбин қидириб юрар ҳар он.*

(Ахтарий қаламига мансуб “Арбаин”дан. “Ўзининг айб ва нуқсонлари ҳақида ўйлаб, уларни тузатишга ҳаракат қилаётгани учун бошқаларнинг айб ва нуқсонлари билан иши бўлмаган одам нақадар бахтли!” – деган шарафли ҳадис асосида ёзилган)

\* \* \*

“Расулуллоҳ (с.а.в.), қўл остидаги ходимни ҳам, хотинни ҳам ҳеч қачон урмаганлар. Жиҳоддан бошқа жойда ҳеч бир жонзотни қўллари билан урмаганлар. Икки ишдан бирини танлаган бўлсалар, гуноҳ бўлмаса, албатта осонини танлаганлар. Агар гуноҳ иш бўлса, ундан узоқлашардилар. Ўзлари учун ҳеч қачон интиқом (ўч, қасос) олмаганлар. Агар Аллоҳ таоло ҳаром қилган нарсалар содир қилинсагина Аллоҳ таоло амри учун жазолаганлар”.

\* \* \*

“У зотнинг хулқлари Қуръон эди. Қуръон рози бўлган ишдан рози, Қуръон норози бўлган ишдан норози бўлар эдилар”. (Ҳазрати Оиша)

\* \* \*

“Жисмингиз қанчалик соғлом бўлмасин, қалбингиз мараз экан, билингким, Аллоҳ наздида, сиз митти кўнғиздан ҳам ҳақирроқдирсиз”. (Ибн Масъуд)

\*\*\*

Ҳазрати Умар, Аллоҳ ундан рози бўлсин, “Менга айбларимни кўрсатувчи кимсага Аллоҳ хайр берсин!” деб дуо қилар эканлар. У муҳтарам зот кўпинча Солмон Форсийга, Аллоҳ ундан рози бўлсин, мурожаат қилар эканлар. Бир куни “Менинг айб ва қусурларимни айтинг”, деганларида Солмон Форсий аввал у ҳазратдан узр сўраб кейин: “Эшитишимча, дастурхонга икки хил зидиган махсус икки шимингиз бор эмиш?” – дебдилар. Ҳазрат Умар бу дашномни эшитиб: “Булардан бошқа яна айбим борми?” – деб сўрабдилар. Солмон Форсий “Йўк”, – деб жавоб қилганларида у шарафли зот: “Шу иккиси ҳам менга етарли”, – деган эканлар. Ҳазрати Умар Ҳузайфадан, Аллоҳ ундан рози бўлсин, ҳам ўз қусур ва айбларини сўраб турар эканлар. Ҳатто бир куни у кишидан: “Сен мунофиқлар масаласида Аллоҳ Расулининг сирдошими?” – деб сўраган эканлар. Ҳазрати Умар ўз қадр-қимматларининг юксаклигига ва мартабаларининг баландлигига қарамай, ўз нафсларини ҳамиша шундай шубҳа остида тутар эканлар.

\*\*\*

“Гўзал хулқ учта хислат билан ҳосил бўлади: ҳаромдан тийилиш, ҳалолни излаш, аҳлига бағрини кенг қилиш”. (Али ибн Абу Толиб)

\*\*\*

“Кечаларнинг бирида Абу Дардо намоз ўқиш учун ўринларидан турдилар-да, тонг отгунича: “Эй Аллоҳ! Мени чиройли қилиб яратганингдек, ахлоқимни чиройли қил!” – деб йиғлаб чиқдилар. Шунда мен у зотдан: “Эй Абу Дардо! Нима учун тун бўйи қилган дуойингиз фақат ахлоқингизни чиройли ва яхши қилиш ҳақида бўлди?” – деб сўрадим. Абу Дардо: “Бир мусулмон банда ўз ахлоқини яхшилашга ҳаракат қилавериб, охири шу яхши ахлоқи уни жаннатга киритди. Агар у ахлоқини ёмон қилаверса, шу ёмон ахлоқи уни дўзахга киритади”, – дедилар”. (Умми Дардо)

\*\*\*

“Менга хулқи ёмон обиднинг ҳамроҳ бўлганидан кўра, хулқи яхши фожирнинг ҳамроҳ бўлгани суюклироқдир”. (Фузайл ибн Йез)

\*\*\*

“Шундай банда бор, чиройли хулқи билан жаннатнинг баланд даражаларига етади, гарчи обид бўлмаса ҳам. Шундай банда бор, ёмон хулқи сабабли дўзахнинг энг қуйи қаватларидан жой олади, гарчи обид бўлса ҳам”. (Анас ибн Молик)



\* \* \*

Искандар Зулқарнайн саркардалари билан ўтирганда улардан бири дедики:

– Эй олампаноҳим! Сиз кўп уйланинг, фарзандларингиз кўпайсин. Дунёда сиздан анчагина ёдгор қолсин.

Бу насиҳатни эшитган Искандар Зулқарнайн кулимсираб қўйиб жавоб қайтарди:

– Менинг ёдгор фарзандларим – ҳаммага қилган яхши муомалам, яхши сўзларим ва гўзал хулқ-атворимдир. Булар туфайли халқ мени ҳурмат билан тилга олади. Номимни доимо яхшилик билан ёд этади.

\* \* \*

Кел, эй обид, ўзингни айлагил хок,

Ҳарому шубҳадин хулқингни қил пок. (*Сўфи Оллоёр*)

(Эй Аллоҳга бандалик қилиб юрган инсон, ўзингни тунроқ билан тенг қилгину ҳаром ва шубҳали нарсалардан бўғзингни тийиб, хулқингни поклагин.)

\* \* \*

“Ҳар кимда адаб йўқтур, суннатдан маҳрум бўлур. Ҳар кимки суннатни тутмаса, фарзлардан маҳрум бўлур. Ҳар кимки фарзларни бажармаса, маърифатдан маҳрум бўлур. Ҳар кимки маърифатдан маҳрум бўлса, тавҳиддан маҳрум бўлур. Ҳар кимки тавҳиддан маҳрум бўлса – кофир бўлур...”. (*Абдуллоҳ ибн Муборак*)

\* \* \*

“Мўмин фикр ва ибратларга, *мунофиқ* хирс ва орзу-ҳавасга машғул. Мўмин фақат Аллоҳдан умид қилади. Мунофиқ Аллоҳдан бошқа барчадан умидвор. Мўмин Аллоҳдан бошқа барчасидан омонда. Мунофиқ Аллоҳдан бошқа ҳаммасидан хавфда. Мўмин молини бериб, динини қолдиради. Мунофиқ динини бериб, молини қолдиради. Мўмин яхшилик қилади ва йиғлайди. Мунофиқ ёмонлик қилади ва кулади. Мўмин хилватни ва ёлғиз қолишни яхши кўради. Мунофиқ кўкликка аралашишни, йиғилишларни суяди. Мўмин экади ва ҳосили фасод топишидан кўрқади. Мунофиқ экилганни суғуради, пайҳон қилади, яна ҳосилдан умидвор. Мўмин тадбиру сиёсат ўз изига тушиши учун яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтаради, ислох қилади. Мунофиқ раёсат, яъни бошқарувни кўлга киритиш учун амру наҳй қилади, лекин бузади. (*Ҳотамул Асом*)

\* \* \*

“Гўзал хулқнинг ўнга белгиси бор: зиддиятнинг камлиги, чиройли адолат, хато изламаслик, ёмон феъл ё амални сезиши билан дарҳол уни яхшилашга киришиш, кечиримли бўлиш, азиятларга чидаш, нафсини маломат қилиш, ўзганинг эмас, ўзининг айби билан чегараланиш, катта-ю кичикка очиқ юзли бўлиш, ўзидан хоҳ паст, хоҳ баланд мавқели кишига хушмуомала бўлиш”. (Юсуф ибн Асбот)

\* \* \*

“Қалб – танада подшоҳ, аъзолари эса унинг лашкарларидир. Демак, аъзолар неки амал қилаётган бўлса, ҳаммаси қалб амри биландир”. (Аҳмад ибн Таймийя)

\* \* \*

“Виждон азобию таънадан тўғри бўлмаган кимсани таълим тарбия ва қийнаш билан ҳам тўғрилаш амри маҳол”.

\* \* \*

“Гўзал сифат ва ҳусни хулқ сийратлари беазамаган кишини ҳеч қандай чиройли кийимлар кўркам қилолмас, гуноҳ ва хатолардан сақланмаган кимсанинг қалби айбдан сира фориғ бўлмас”.

\* \* \*

“Қабоҳатли суврат, чиркин юзнинг ва ёмон чеҳранинг орқасида ярамас хулқдан бошқа нарса йўқдир”. (Абулқосим Замахшарий)

\* \* \*

“Таълим фақат сўз ва ўргатиш билан бўлади. Тарбия эса амалий иш, тажриба билан бўлади”. (Абу Наср Форобий)

\* \* \*

“Ҳусни хулқ – очиқ юзли, хайру саховатли бўлиш, озор беришдан тийилишдир”. (Ҳасан Басрий)

\* \* \*

“Гўзал хулқ – озорлардан тийилиш ва машаққатга сабртоқатдан иборат”. (Шоҳ Кирмоний)

\* \* \*

“Гўзал хулқнинг энг қуйи даражаси – машаққатларни кўтариш, мукофотдан кечиш, золимга раҳм-шафқат қилиб, унга мағфират тилаш”. (Саҳл ибн Тустарий)

\* \* \*

“Инсон зоҳирида қанчалик гўзал хулқли бўлса ҳам, била туриб виждонсиз ва бадахлоқ кимсалар билан дўст тутинган бўлса, ахлоқсизликда ўшалар билан баробар ҳисобланади”. (Имом Шофиъий)

\* \* \*

Луқмони Ҳакимнинг ўғиллари оталаридан сўрадилар:

– Отажон, инсондаги хислатларнинг қайсиси яхшироқ?

– Дини, – дедилар Луқмони Ҳаким.

– Демак, иккитами: дини ва моли? Ё учтами: дини, моли ва ҳаёси? Ёки тўрттами: дини, моли, ҳаёси ва гўзал хулқи? Ёхуд бештами: дини, моли, ҳаёси, гўзал хулқи ва саховати? Ё олти-тами..? – дея яхши хислатларни бир-бир санаётган ўғилларига Луқмони Ҳаким дедилар:

– Болажоним, агар кишида бу бешта хислат жамланса, демак у ҳақиқий муттақий, Аллоҳ таолонинг дўсти, шайтондан халос бўлган инсондир.

\* \* \*

Луқмони Ҳаким ўз ўғилларига дебдилар: “Қариндош уруғлардан алоқангни узма, ўйлаб иш тут. Одамларни ғийбат қилма, одамлар ёмон ишга бош қўшса, сен уларга қўшилма. Шошилиб иш тутма, бойлик деб ўзингни ғам-қайғуга ташлама. Ўз қадрини билмаган одамдан яхшилик умид қилма. Ўтиришлардан ўз жойингни бил, одамларнинг сўзларига қулоқ сол, одамлар сўраса, гапир, ўзингдан улуғлар олдига тушиб юрма, одамлар ичида бошингни қуйи солиб ўтирма, ўнгу чапга қарайверма, меҳмонлар олдида бировга ўшқирма, меҳмонга эса иш буюрма. Маст ва девона одамлар билан ҳамсухбат бўлма. Бекорчи одамлар билан кўчада ўтирма. Ўз фойдангни ўйлаб обрўйингни тўкма. Ўзига бино қўювчи такаббурлардан бўлма. Хусуматдан узоқ бўл, сенга иш буюрсалар бажар, ваъда қилсанг, албатта уддасидан чиқ. Ҳеч кимни ранжитма...”

\* \* \*

“Қиз эрмас бу ялнчуқ, кишилиқ қиз ўл”. (Юсуф Хос Ҳожиб)

(«Ялнчуқ» – одам демакдир, «кишилиқ» – одамийлик, «қиз» – «қадрли» деган маънони англатади. Ҳикматнинг мазмуни: «Одамнинг ўзи қадрли эмас, одамийлиги қадрлидир».)

\* \* \*

“Ташқи гўзаллик, қиёфадаги жамол – булар иккови ҳам ёқимли бўлиши керак, одамлар ўзаро учрашганларида ушбу гў-



зал жамолни кўришга рағбат қиладилар. Лекин шакл чиройи она қорнида ато қилинади, уни ўзгартиришга ҳеч бир зот қодир эмас. Аммо хулқ-атворга келсак, уни Аллоҳнинг амрларига мувофиқ даволаб, тарбиялаб, гўзал – покиза тутиб, ёмон ҳолларга туширмаслик мумкин”. (Абу Райҳон Беруний)

\*\*\*

“Хулқ” ва “хулук” калималари айни илдиздан келади, яъни иккаласи биргаликда қўлланувчи сўзлардир. Асос эътибори билан бири зоҳирий, иккинчиси эса ботинийдир, яъни, инсоннинг ички дунёсига оиддир. Масалан, “фалончининг хулқи ва хулуқи гўзал” дейилса унинг ички ва ташқи гўзаллиги тушунилади. “Хулук” ташқи туйғулар билан идрок қилинадиган сурат, ҳайъат ва шакл маъноларини билдиради. “Хулқ” эса ботинга далолатдир ва инсоннинг ташқи кўринишида намоён бўлмайдиган омилдир. Унинг ҳақиқати инсоннинг ахлоқи, табиати ва амаллари билан майдонга чиқади. Инсон ташқи кўриниши билан аслида кимлигини қанчалик яширмасин, бир кун ички кўриниши албатта намоён бўлади. Инсон ташқи кўринишидан завқ олиш учун бир кўзгуга муҳтож бўлгани каби, ички оламини, феъл ва тамойилларини ўрганиш ва лозим кўрилган шаклда тарбиялаш учун ҳам бир авлиёнинг файз ва талқинларига, яъни, инсонларни тарбия қиладиган, ўзига ўзини таништирадиган кўнгил кўзгусига муҳтождир”.

\*\*\*

“Хулқ ҳақида тўлақонли тасаввур ҳосил қилиш учун тўртта нарсани назардан кочирмаслик керак: биринчиси – яхши ва ёмон феъл. Иккинчиси – яхши ва ёмон феълни қилишга қодирлик. Учинчиси – яхши ва ёмон феълдан хабардорлик. Тўрттинчиси – нафсининг ҳолати бўлиб, нафс доимо ё яхшиликка ёки ёмонликка мойил бўлади. Бу икки ишдан бирига эришиш унга осон кечади”.

\*\*\*

“Билки, Аллоҳ бир бандасига хайр ато этмоқчи бўлса, унга ўз нафсининг қусур ва айбларини кўра оладиган басират беради. Кимнингки басирати ўткир бўлса, қусур ва айблари ўзига албатта кўринажак. Киши ўз айбларини билганда эса, уларни даволаш имконига эга бўлади. Лекин, афсуским, инсонларнинг кўпчилиги ўз қусур ва айбларини кўрмайди. Аҳвол шундайки, баъзан киши бир мўъмин қардошининг кўзидаги тарикдай кирни кўради-ю аммо ўз кўзидаги ёнғокдай доғни кўрмайди. Кимки ўз нафсининг айбларини кўрмоқчи бўлса, бениҳоя тўғри ба-

121362

сиратли киши билан дўст тутинмоғи жоиз. Токи бу дўст унинг ахволини, ҳаракат ва атворларини кўз остида тутсин. Зоҳирий ёки ботиний хунук бир феълини кўрса, унга танбеҳ берсин”.

\* \* \*

“Лекин, очиғини айтганда, бундай хислатларнинг баҳоси ошиб кетди. Жуда оз кишилар бундай феъл-атворларга эгадирлар. Дўсту улфат, ошна-оғайнилар орасида бир-бирига лаганбардорлик қилмайдиганлар, бирининг айб ва қусурларини наридан бери ёймайдиганлар, ҳасад қилмайдиганлар жуда озайиб кетди. Дўст-улфат, ошна-оғайнилар ичида, ҳеч шак-шубҳасиз, ҳасадгўйлар, ғаразгўйлик билан иш юритиб, айб ва қусур бўлмаган бир ҳаракатингни айб ва қусур деб гап тарқатувчилар ёхуд табиий лаганбардорлиги туфайли қусур ва айбларингни юзингга айтмайдиганлар бор. Мана шундай сабабларга кўра Довуд Тоий инсонлардан ажрашиб кетган эди. Ўзидан: “Нега инсонлар билан ош-қатик бўлмайсан?” деб сўралганида у шундай жавоб берганди:

– Менга айб ва қусурларимни айтмайдиган инсонлар билан яқин юриб нима қиламан? Диндор кишилар учун энг сеvimли нарса – бошқаларнинг танбеҳи билан ўз қусур ва айбларидан воқиф бўлмоқдир.

Мана, буюқларимизнинг ҳоли!.. Афсуски, бизнинг замонамизда иш терсига қараб кетди. Аҳвол шу даражага етдики, энди бизларга насихат қиладиган, айб ва қусурларимизни айтадиган кишиларни энг ёмон инсонлар ўрнида кўрадиган бўлиб қолдик. Бу – иймонимиз заифлашганининг *аломатидир*. Чунки ёмон феъл-атворлар – *чақонғич* илонлар ва чаёнлардир. Агар либосимиз этагига бир чаён ёпишиб, чақай деб турганда бизга биров бундан хабар берса, албатта унга миннатдор сўзларимизни айтамыз, севинамиз ва чаённи чертиб ташлаб, ўлдиришга чоғланамиз. Ҳолбуки, бу чаённинг зарари бадангадир, берадиган азоби эса бир кун, ярим кун давом этади. Ёмон ахлоқнинг қалб софлигига берадиган зарари эса кўрқинчлироқдир, ўлимдан кейин эса абадиян ва ё мингларча йил давом этадиган кўрққуликдир. Шунини биламизми? Билсак, нечун биров бизга қусур ва айбларимизни айтса, бундан сеvinмаймиз, бу қусур ва айбларни йўқотиш билан машғул бўлмаймиз. Аксинча, биз ҳам у кимсага насихат қилишга киришамиз ва шундай деймиз:

– Ўзинг ҳам шундай-шундай қиласан. Ўзингнинг ҳам шундай қусурларинг бор!

Унинг насихатини шу тариқа қабул этамыз ва тескарисини қилиб, орада душманчилик туғилишига сабабчи бўламиз. Бу ҳол – гуноҳлар кўплиги сабаб бўлган қалб қашшоқлигидандир. Буларнинг асли эса иймоннинг заифлигидандир...”



\* \* \*

“Яхши хулқ мурсаллар саййидининг сифати, сиддиклар амалининг афзали, муттақийлар меҳнатининг меваси, обидлар риёзатининг натижаси, янада тўғрироғи, яхши хулқ – диннинг ярмидир”.

\* \* \*

“Ёмон хулқ – ўткир заҳар, хор қилувчи бузуклик, оламлар Парвардигоридан узоқлаштирувчи разолат, янада тўғрироғи – шайтоннинг хизматига ёлланишдир. Яхши хулқ жаннат неъматларига очиб қўйилган қалб эшиги бўлса, ёмон хулқ – жаҳаннамга очиб қўйилган эшиқдир. Жаҳаннам эса ёқиб қўйилган бир оловдирки, алангаси баданларни тешиб ўтиб, юракларга қадар етади”.

\* \* \*

“Билгил! Одамлар гўзал хулқнинг моҳияти, унинг нима эканлиги ҳақида кўп гапирдилар, лекин аслини очиб бера олмадилар. Гўзал хулқ меваларини санадилар, аммо буни-да тўла қамраб ололмадилар. Балки, хотирига нима келса, ўша пайт зехнида нима бўлса гапирдилар, гўзал хулқ чегараларига эътибор қаратмадилар. Гўзал хулқнинг барча самараларини ўз ичига олган моҳиятни муфассал баён қилолмадилар”.

\* \* \*

“Фарзандларингизнинг уятчан бўлиши уларнинг келажақда яхши феъл-атворли бўлишидан хушхабардир.

19

\* \* \*

“Болани тоза Ислом фитратида ўстириш учун илк тадбир уни ҳалол луқма билан таомлантиришдир”. (Абу Ҳомид Ғаззолий)

\* \* \*

“Ёмон хулқ чил-чил синган кўзага ўхшайди. Уни ямаб ҳам, лой ҳолатига қайтариб ҳам бўлмайди”. (Ваҳб ибн Мунаббиҳ)

\* \* \*

“Адабли бўлмоқ фақирларга йўланмақдир. Адабли бўлмоқ дунёдорларга зийнат ва оройиш бағишлайди”. (Абу Усмон Жаририй)

\* \* \*

“Ҳикмат дарахти! Ундаги меваларни кўролмайдиган кишилар ғаразли ва зиёнкор бўладилар. Улар қўлларида бесўнақай хода билан кечаси ўрик қоқишга чиққан кимсага ўхшайдилар”. (Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий)

\* \* \*

“Қандай бўлсанг – шундай кўрин, қандай кўринсанг – шундай бўл!”

\* \* \*

“Иймон недир?” дея сўрадим. У қалб қулогига эгилиб: “иймон одобдан иборатдир”, дея шивирлади”.

\* \* \*

“Менинг бу байтим байт эмас, маъно жахонидир. Латифам ҳам латифа эмас, тарбиядир. Қиссаларим ҳам оддий сўзлар йиғиндиси эмас, таълимдир. Яширин бўлган нарсаларни изоҳ ва идрок эттириш учундир”.

\* \* \*

“Пайғамбарлар ва уларнинг ворислари – авлиёлар, яъни комил инсон бўлганлар башарият ниқоби билан ўралган қуёшлардир. Уларнинг ҳимоясида бўлки, сенга доим ёмонлик қиладиган нафсингнинг қўлидан қутуласан”.

\* \* \*

Шайх Саъдий ҳазратларидан ҳикматки:

“Ҳаммомда менга бир сиқим тупроқ – гил бердилар. Гил гул каби ёқимли ҳид таратди. Мен ажабланиб гилга дедим:

– Эй гил, сен гулмисан ё анбармисан? Гулдек ҳид таратишинг мени маст қилди.

Гил деди:

– Эй Саъдий!.. Гул ҳам, анбар ҳам эмасман. Балки тупроқларнинг-да энг хокисориман. Лекин бир куни гул билан ошно бўлдим. Шу гулнинг хушбўй ҳиди кўксимга ёйилди. Мендаги ёқимли ҳид ўша гулнинг ҳидидир. Йўқса, Мен оддий бир гил – тупроқман холос...

*Шайх ҳазрат бу ҳикоят билан кишиларга бир ибрат дарси бериб, бундай дейдилар:*

– Эй инсон!.. Гўзал феъл-атворли кишиларни ўзингга дўст қилиб олсанг, уларнинг гўзал феъллари сенга таъсир этади. Оқибатда сен ҳам улар каби гўзал хулқли бўласан. Гул ҳиди гилга таъсир қилгани каби, яхши кишиларнинг гўзал ахлоқи ҳам сенга таъсир этади ва ҳақиқий инсон бўлиб етишасан. Яхшиларнинг ёнида ўтирмақ, мушк-анбар дўқонида ўтирмаққа ўхшайди. Киши бу дўқонда ҳеч нарса харид қилмаса ҳам, доимо фойда олади. Аввало кўнгли ёқимли ҳидлардан баҳра олиб, роҳатланади. Бадфеъл кимсалар билан бирга бўлишни эса, темирчи дўқонида ўтирмаққа қиёс қилса бўлади. Ким бу жойда ўтирса, у албатта дўқоннинг нохуш ҳидидан ёки оташ учқунларидан зарар кўради.

\* \* \*

“Яхши хулқнинг ўн хил белгиси бордир: \*бўлар-бўлмаста одамлар билан жанжаллашмаслик; \*инсофлик; \*бирорнинг айбини қидирмаслик; \*бирор кишидан нолойиқ иш содир бўлса, уни яхши йўлга солиб юбориш; \*агар айбдор ўз айбини бўйнига олган бўлса, уни кечирди; \*муҳтожларнинг хожатини чиқариш; \*бошқаларга ёрдам қўлини чўзиш; \*ўз нафсини тия билиш; бошқаларга очик чеҳра билан муомала қилиш; \*доим яхши сўзлаш”.  
(“Ахлоқи Муҳсиний” китобидан)

\* \* \*

“Ахлоқ инсонларни яхшиликка чақиргувчи, ёмонликдан қайтаргувчи бир илмдир. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладурган китобни “ахлоқ” дейилур. Ахлоқ илмини ўқуб, билуб амал қилган кишилар ўзининг ким эканини, Жаноби Ҳақ на учун халқ қилганини (яратганини), Ер юзида нима иш қилмак учун юрганини билур. Бир киши ўзидан хабардор бўлмаса, илми, уламони, яхши кишиларни, яхши нарсаларни, яхши ишларнинг қадрини, қимматини билмас. Ўз айбини билуб, иқрор қилуб, тузатмакга саъй ва кўшиш қилган киши чин баходир ва паҳлавон кишидир”.

\* \* \*

“Инсон икки нарсадан мураккабдур: бири – жасад, иккинчиси – нафсдур. Жасад кўз ила бор нарсаларни кўрур. Аммо нафс идрок ила яхшини ёмондан, оқни қорадан айирур. Жасаднинг ҳам, нафснинг ҳам бирор сурати бордурки, ё яхши ё ёмон бўладур. Жасаднинг сурати ҳаммага маълум бир нарсадурки, ҳар вақт кўзга кўринуб турадур. Аммо нафснинг сурати кўзга кўринмайдурган, ақл ила ўлчанадурган бир нарсадурким, буни “хулқ” деб аталур. Агар бир киши ёшлигида нафси бузулуб, тарбиясиз, ахлоқсиз бўлуб ўсдимди, “Аллоҳу акбар!” бундай кишилардан яхшилик кутмак – ердан туруб юлдузларга қўл узатмак кабидур”.

\* \* \*

“Боланинг саломати ва саодати учун яхши тарбия қилмак – танини пок тутмак, ёш вақтидан маслақини тузатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан сақлаб ўсдурмакдир. Тарбия қилувчилар табиб кабидурки, табиб хастанинг баданидаги касалига даво қилгани каби тарбияни боланинг вужудидаги жаҳл маразига «яхши хулқ» деган давони ичидан, «поклик» деган давони устидан беруб, катта қилмак лозимдур. Зероки, «Хассину ахлоқакум» амри шарифи узра хулқимизни тузатмакка амр



ўлинганмиз. Лекин хулқимизнинг яхши бўлишининг асосий панжаси тарбиядур... Хукамолардан бири: «Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатларнинг тинч ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлидур», – демиш. Шариати исломияда ўз болаларини яхшилаб тарбия қилмак – оталарга фарзи айн, ўз миллатининг етим қолган болаларини тарбия қилмак фарзи кифоядир...”

\* \* \*

“Тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур”.

\* \* \*

“Бугунги кунда жамиятимизнинг юзини қора қилувчи пасткашлар, ёмонлар, бебошлар, ўғрилар, гиёҳвандлар ва нашавандлар... кеча тарбияларига эътибор берилмаган болалардир”. (Абдулла Авлоний)

\* \* \*

“Тарбияли бола улуғларни иззат ва ҳурмат қилур. Ўзи баробариға яхши муомала қилур. Ва ўзидан кичикларға шафқат ва марҳамат қилур. Ҳар кимнинг кадрини билур. Ўзидан рози қилмоқға ҳаракат қилур. Қўлидан келганича бошқа инсонларға ёрдам берур. Инсонликға ярашган ишлардан ўзини тортмас. Ярашмаган ишларнинг (қанча фойдалик бўлса ҳам) яқинига бормас. Ўзи билмайдурғон сўзларға ва қўлидан келмайдурғон ишларға асло аралашмас. Доимо яхшини яхши, ёмонни ёмон дер. Ҳар сўзни вақтиға ва жойиға қараб сўзлар. Ҳар ишда бир фойдани кўзлар. Ўзлариға ёки бошқа инсонларға фойдаси тегмайдурғон ишларға кадам қўймас. Ҳеч кимнинг ишиға, кучиға зарар еткурмас. Тарбиясиз, ёмон болаларға қўшилмас. Ота ва онасининг, муаллим ва халфаларнинг сўзларидан чиқмас. Ҳар ишда инсофни қўлдан бермас. Бировдан бир яхшилик кўрса, эсидан чиқармас. Қўлидан келмаган ишни устиға олмас. Устиға олган хизматини қилмай қолдирмас. “Миллат” деган сўзни жонидан ортиқ суяр”.

\* \* \*

“Одобли бўлурман деган киши ҳар нарсаға иззат кўзи ила боқуб, иззат олур. Қайси иш кўзига яхши кўрунса, ул ишни қилмоқға ҳаракат қилур. Ва қай иш кўзига ёмон кўрунса, ул ишдан ўзини тортур. Бундай қилган киши, албатта, одобли бўлур”. (Мунаввар қори)

\* \* \*

“Кўрайлик-чи, биз мусулмонлар, хусусан туркистонликлар, ўз фарзандларимизга тарбия беряпмизми ёки йўқми? Савол-

нинг охиридаги сўз бунга жавоб бўла олади, яъни “йўқ!” Мен бунни шундай исбот қиламан: биз, туркистонликлар болаларимиздан кўра молларимизга яхшироқ қараймиз. Эшак ва қўйларимизни фарзандларимиздан ҳам кўпроқ яхши кўрамыз, деб айтмаянман. Йўқ-йўқ, болаларимиз жонимиздан ҳам азиз. Улар назаримизда ҳаммадан суюкли ва ардоқли. Лекин бахтимизга қарши шунини эътироф қилиш лозимки, шунча муҳаббат ва меҳрга қарамасдан, эшак ва қўйларимиздан камроқ тарбиялаймиз! Менинг бу сўзларимдан ҳайрон бўлманг, сабр қилинг, даъвомни исботлайман. Фалон нарсани тарбиялаш, яъни уни аста-секин камолга етиштиришдир. Назаримизда қўйнинг камоли унинг семизлиги ва соғломлигидадир. Эшакнинг камоли унинг кучи, оёқларининг бақувватлиги ва яхши юришидадир. Фараз қилинг, қўзи ёки хўтик сотиб олиб уйга келтирасиз. Диққат билан уларга қараб, бир муддатдан кейин қўйни семиртириб, эшакни бақувват ва йўрға қиласиз, яъни уларни тарбиялаб, камолга етиштирасиз. Аммо азиз фарзандларингизга шундай диққат билан тарбия бермайсиз. Баҳона қиласизки, болангиз ҳам камолга етишган. Эътироз билдиришингиз мумкинки, биз молларимизни боқишга қанча уринсак, фарзандимиз тарбиясига улардан юз баробар кўпроқ ҳаракат қиламиз, деб.

Бу даъвоингиз маълум бўлса-да, аммо тўғри эмас. Далил шулким, кимнинг уйида моли бўлса, текширса кўрадики, йил давомида унинг молларидан биттаси ҳам касал бўлмаган, аммо фарзанди ҳеч бўлмаса, уч марта хасталикка чалинган. Бас, маълум бўладики, у киши молининг касал бўлмаслигига кўпроқ эътибор берар экан. Сўзингиз тўғри бўлса ҳам менинг даъвойимга ҳеч зарари йўқ, чунки боланинг соғлиғига эътибор бериш ҳам фарзанд тарбияси билан шуғулланишни билдирмайди. Ҳақиқатдан агар одам қўй ва эшакка ўхшаб камол топиши, соғлиқ, билакларининг кучлилиги билан чегараланиб қолганида эди, биз ҳам фарзанд соғлиғи учун бўлган ҳаракатни, фарзанд тарбияси деб атардик. Тану тўшли ва соғлом болани камолга етишган деб қабул қилардик.

Одамнинг камоли фақат соғлиқ ва кучдан иборат бўлмай, балки жисмонан, ақлан ва ахлоқан юксалишдан иборат. Одамнинг жисми, ақли ва ахлоқи турли касаллик ва нуқсонлардан узоқ бўлиши лозим. Одам ҳам ўз манфаатини ўйлаб, ҳам яқинларини бахтиёр қилишга қодир бўлиб ўсиши лозим. Зотан, бу мантиқий олишувларга нима ҳожат бор?”

\* \* \*

“Болалар ахлокий тарбияни мухитдан оладилар, бошқача қилиб айтганда, болалар сувга ўхшайдилар, сув идишнинг шаклини олганидек, болалар ҳам мухитнинг одоб-ахлоқини қабул қилдилар”.

\* \* \*

“Тарбия уч қисмдан иборат: бадан тарбияси, ақлий тарбия ва ахлоқ тарбияси” (Абдурауф Фитрат)

\* \* \*

“Киши бир ишни сидқидилдан, чин ихлос билан қилса, шу иш давомли бўлади; ундан яхши бир натижа ва ютуқ кутилади. Ихлоссиз амал бизни ҳеч вақт мақсадга олиб бормади”. (Умар Форук Жазарий)

\* \* \*

“Эй дўстим, агар сенда фазл дарёсининг дур-гавҳари бор бўлса, уларни насиҳатларингни қабул қилиб, шу насиҳатларга амал қилувчи яхшиларнинг оёқлари остига тўк. Насиҳатларинг зое кетмайди”.

\* \* \*

“Сен ўзингни кўрмоқ истайсанми? У ҳолда кўзгудаги ташқи қиёфангга эмас, ичингдаги кўзгуга боқ”.

\* \* \*

Сув, Олов ва Ахлоқ – уччаласи дўстлашиб, сайрга чиқишди. Бир-бирларидан хавотирланиб, Сувдан сўрашди:

- Агар йўқолиб қолсанг, сени қаердан топамиз?
- Қаерда шариллаш овозини эшитсангиз, мен ўша ерда бўламан, – деди Сув.
- Қаерда тутун кўрсангиз, мен ўша жойда бўламан, – деди Олов.

Навбат Ахлоққа келганда, у бундай жавоб берди:

- Мени йўқотсангиз, излаб юрманг. Ҳеч қаердан топа олмайсиз.

\* \* \*

Ҳиндистонлик донишманд ўғлига бундай насиҳат қилибди: “Азиз ўғлим, қўлингга кирмаган ёки қўлингдан кетган нарсача учун қайғурма. Ҳар ерда куракда турмайдиган беҳуда сўзлар сўзлаб юришдан йироқ бўл. Нокас, қурумсоқ кишидан қарздор бўлма. У билан асло муомала қилма, кейин пушаймон қиласан. Шарм-ҳаёсиз ва бахил киши билан суҳбатдош бўлма, шундай ярамас одамлар билан қўшни бўлмасликка ҳаракат қил. Ўз ку-



чинг оркасида нон топиб егил, текинхўрликка ўрганма, олижаноб мард одамлар билан суҳбатдош бўлсанг, яхшилик билан ном чиқарасан. Мақтанчоқ ва эзма одамлардан ҳазар қил...”

\* \* \*

Бошқа бир донишманднинг насиҳати будир: “Фалокатга дучор бўлишни истамасанг – мағрур ва мутакаббир бўлма. Роҳатда яшашни истасанг – дилингни ҳирсдан пок қил. Хору зорликни истамасанг – таъмагир бўлма, ўзингга яхшилик қилинишини истасанг – яхшилик қил, ҳеч кимга озор берма, яхшиликни улуғ иш деб бил. Қадр-қимматинг ошишини истасанг – баланд ҳимматли бўл. Ишинг пушаймонлик билан натижаланишини истамасанг – аввал яхшироқ ўйлаб, доно, тажрибакорлар билан кенгашиб, сўнгра ишга кириш. Ўзингни ҳаммага севдиришни истасанг – феъл-атворингни тузат, адабли, тарбияли бўл. Обрўга, иззат ва ҳурматга эга бўлишни хоҳласанг – ҳалол меҳнат қил. Ҳамманинг қошида ишончли, марғуб ва мақбул одам бўлишни истасанг – ёлғончиликдан сақлан, чақимчи, ифвогар бўлма, маънисиз, тутуруқсиз сўзларни айтиб юришдан ҳазар қил. Мабодо ўнғайсиз ҳолда қолсанг, ишингда муваффақиятсизликка учраб, қайғу-ҳасрат ичида қолсанг – дод-фарёд қилиб юрма, сабр қил. Ўнғайсиз ҳолдан қутулиш чорасига кириш...”

\* \* \*

Донишманддан сўрадилар:

– Дунёда инсон учун энг яхши нарса нима-ю энг ёмони нима?

Донишманд жавоб қайтарди:

– Дунёда инсон учун энг яхши нарса – гўзал ахлоқли, тарбияли, саъй-ғайратли бўлиб, шу гўзал хислатлар билан ном чиқариш. Ўлимдан ҳам баттар ёмон нарса эса ахлоқсизлик, тарбиясизлик ва ялқовлик билан ном чиқаришдир.

Донишманддан яна сўрадилар:

– Одамлар хулқлари жихатидан неча тоифага бўлинадилар?

Донишманд дедики:

– Тўрт тоифага. Биринчи тоифадагилар бир ишни қилишга сўз берадилар ва сўзларининг устидан чиқадиладар. Бу гўзал сифатли одамлар хулқи. Иккинчи тоифадагилар сўз бермайдилар, лекин индамасдан юриб ишларини кўнгилдагидек дўндирадилар. Бу жувонмардлар хулқи. Учинчи тоифа оғизни кўпиртириб сўзлайди, ваъдалар беради. Аммо амалда ҳеч бир иш кўрсатмайди. Бу мунофиқлар шеvasи ва ҳийлакорлар ишидир. Тўртинчи тоифадагилар сўз ҳам бермайдилар ва ҳеч бир иш ҳам кўрсатмайдилар. Бу хасис ва пасткаш одамлар хулқи.

– Яхши хулқ одамга қандай фойдалар еткази? – деб сўралди.

Жавоб берилдики:

– Адабли, тарбияли одам бошқаларга муҳтож бўлмас. Балки бошқалар унга муҳтож бўлурлар. Яхши хулқли одам бировдан койиш эшитмас. Ҳамма уни дўст тутар. Ёмон хулқлидан ҳамма ўзини олиб қочур. Ёмон хулқдан қочган кимса босиб ўтган масофаси қадар соғлом бўлади.

\* \* \*

“Адабнинг кўркамлиги насабнинг ярамас томонларини беркитади. Фазилат аслзодалик ва насл билан эмас, балки илму одоб билан ҳосил бўлади”.

\* \* \*

“Хулқи ёмон кимса йиртқич ҳайвонга қараганда минг барабар кўпроқ ёвузлик қилишга қодир”.

\* \* \*

“Ахлоқий фазилатлар одамнинг ниятида акс этади”.

\* \* \*

“Ахлоқли киши ҳатто ўз ҳаётидан айрилган тақдирида ҳам дўстлари ва ватани учун кўп ишларни қилади”.

\* \* \*

“Олижаноблик қандай бўлишини билиш учун эмас, балки яхши инсон бўлиш мақсадида фикр юритишимиз лозим”.

\* \* \*

“Олижаноблик ҳақида муҳокама юргизиш, бу ҳали олижанобликни билдирмайди, худди шунингдек, одиллик ҳақида ўйлашнинг ўзи ҳам амалда одил бўлиш деган гап эмас”.

\* \* \*

“Табиат инсон кўлига қурол – интеллектуал ахлоқий куч-қудрат берди, лекин бу қуролни акс томонга хизмат қилдириши ҳам мумкин, бинобарин ахлоқий эътиқоди, жинсий ва дид инстинктлари паст бўлган одам энг нопок ва ваҳший кимсага айланиб қолади”.

\* \* \*

“Турлича хато қилиш мумкин, аммо тўғри йўл эса битта, шу сабабли ҳам тўғри йўлдан кўра хато қилиш осон; мўлжалга тегишдан кўра тегмаслик ўнғай”. (*Арасту ҳақим – Аристотель*)

\* \* \*

“Билмай хато қилиб қўйган унча ғазаб тўкмаслик керак”.



\* \* \*

“Ўзини-ўзи алдаш – даҳшат! Чунки бунда алдовчи ҳамиша алданувчида мужассам бўлади”. (Афлотун ҳаким-Платон)

\* \* \*

“Тарбия қийин иш ва тарбия шарт-шароитларини яхшилаш – ҳар қандай кишининг ҳам муқаддас бурчларидан биридир; зеро, ўзини ва теварак атрофидагиларни маълумотли қилишдан ҳам кўра муҳимроқ иш йўқ”.

\* \* \*

“Сериқсонлик, шубҳасиз, ёмон; аммо ундан ҳам ёмонроғи – ўзини уларни тан олмаслик истаги, бунда мазкур нуқсонларга ўз-ўзини алдаш ҳам қўшилади”.

\* \* \*

“Одамларни ҳамма нарсага ўргатишади-ю, аммо андишага ўргатишмайди. Ҳолбуки, улар билимдонлик билан эмас, ўзлари ҳеч қачон ўрганмаган ўша андишалилик билан ажралиб туришга кўпроқ интиладилар”.

\* \* \*

“Бизнинг бутун фазилатимиз фикрлаш қобилиятимиз борлигида. Шундай экан, тўғри фикрлашга интилайлик: тўғри фикр алоқ-одобнинг пойдевори”.

\* \* \*

“Инсоннинг маънавий фазилати ҳақида ҳукм чиқарганда унинг айрим жонбозликларини эмас, кундалик ҳаётини ҳисобга олиш даркор”.

\* \* \*

“Назаримизда болаларнинг аъзойи-бадани ва руҳиятини табиат қандай яратган бўлса, шундайлигича қолдираверишдан қониқмаймиз – биз уларнинг тарбияси ва ўқиши ҳақида ғамхўрлик қиламиз, токи яхши янада яхшиланиши, ёмон эса ўзгариб, яхши бўлиши керак”. (Лукиан)

\* \* \*

“Хато бор-йўғи нотўғри мулоҳазаларнинг оқибати холос, аммо ўжарлик билан хатода туриб олиш кўзга яққол ташланса, бу иродасизлик белгисидир”.

\* \* \*

“Ўзни бенуқсон ҳисоблаш адашишнинг энг тўғри йўлидир”.

\* \* \*

“Бировларнинг нуқсони учун ўзингга панд беришинг (ўзим кўпинча шундай қиламан) нотўғри бўлганидек, ўз нуқсонларингни бировда кўриб, уни танқид қилишинг ҳам мутлақо ўринсиздир. Нуқсонга ҳеч ерда ўрин қолдирмай, ҳамиша ва ҳамма жойда уни фош этиш керак”.

\* \* \*

“Тарбия бизни йўлдан оздирмай туришининг ўзи кифоя эмас, у тобора бизни яхшилаб бормоғи лозим”.

\* \* \*

“Душмандан ҳам ўрганиш мумкин”. *(М. Монтен)*

\* \* \*

“Тарбия икки негизга – ахлоқ ва оқилликка таянмоғи лозим: биринчиси – яхши фазилатни ўстирса, иккинчиси ўзгалар иллатидан ҳимоя қилади. Агар фақат ахлоққагина таянилса, унда сиз ғирт бефаҳмлар ёки додвойчи дардисарларни, фақат оқилликка таянилса – худбин шахсиятпарастларни тарбиялаб етиштиришингиз мумкин”. *(Н. Шамфор)*

28

\* \* \*

“Ҳар бир мамлакатда инсонни вояга етказиш санъати идора этиш услуби билан шу қадар чамбарчас боғланиб кетганки, ижтимоий тарбияга доир у ёки бу муҳим ўзгаришни давлат тузумининг ўзига ўзгартиш киритмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас”.

\* \* \*

“Чавандозликдан хабари йўқ одам отни қандай миниш ҳақида маслаҳат бермайди. Аммо ахлоқ масаласида биз бошқачароқ иш тутамиз. Бу ерда биз ўзимизни ҳамма нарсани биладиган ва истаган одамга насиҳат қилишга қодирмиз, деб ҳисоблаймиз”.

\* \* \*

“Одамларга инсон табиати, тажрибаси, идрокига асосланган инсоний ахлоқ керак”. *(К.Гелвеций)*

\* \* \*

“Агар киши айнан бир хатони икки марта такрорласа, у қўлини кўтариб ё тутуруқсизлигини ёки қайсарлигини тан олиши керак”. *(Ж. Лоример)*

\* \* \*

“Тарбия чинакам тарбия бўлсагина юксак эзгуликдир, акс ҳолда, у ҳеч нимага ярамайди”. (Р. Киплинг)

\* \* \*

“Ўсиб-улғайиш ҳар жиҳатдан – жисмоний ҳам, унга уйғун ҳолда ақлий, гўзаллик, латифлик ва ахлоқий жиҳатдан ҳам мутаносиб бўлмоғи керак, яъни, тарбияланаётган болада ахлоқий софлик, маънавий бойлик, жисмоний баркамоллик уйғунлашиб кетмоғи шарт”. (П. Лесгафт)

\* \* \*

“Барча одамлар янглишадилар, лекин буюк кишиларгина ўз хатоларини тан оладилар”. (Б. Фонтенел)

\* \* \*

“Уятчанлик ўз хатоларингни тан олишдан бошқа барча ҳолларда ўринлидир”.

\* \* \*

“Аҳмоқ ўзи билмай яхши маслаҳат бериб қолса, ақлли одам уни қилиши керак”. (Г. Лессинг)

\* \* \*

“Мактаб вояга етаётган авлод тафаккурини шакллантириш устахонасидир; агар келажакни қўлдан чиқаришни истамасанг, мактабни қўлда мустаҳкам тутмоғинг керак... Мактабнинг вазифаси муайян билимларни беришдангина иборат эмас, балки шу билимларнинг жонли ҳаёт билан чамбарчас боғлиқлиги ва улар қай тарзда шу ҳаётни ўзгартира олишини кўрсатишидадир”. (А. Барбюс)

\* \* \*

“Тарбиячи-муаллимнинг бутун фахри ўқувчиларида, ўзи сочган уруғларнинг ўсишидадир... Муаллим энг масъул вазифани адо этади – у инсонни шакллантиради... Илмда кучли бўлган, уни яхши эгаллаган ва унга ихлос қўйган муаллимгина жами ўқувчиларга самарали таъсир кўрсата олиши мумкин”. (Д. Менделеев)

\* \* \*

“Аёл эрқакка қараганда болаларни яхши тушунади, лекин эрқакда болалик аёлникидан кўп”.

\* \* \*

“Учишни ўрганмоқчи бўлган киши аввало тик туришни, юришни, югуришни, тирмашишни, рақс тушишни ўрганмоғи керак: бирданига учишни ўрганиб бўлмайди”.



\* \* \*

“Биз ҳамма нарсага эгалик қилишни истаймиз, худди ҳамма нарсага эгалик қилиш учун вақтимиз етарлидай”. (Ф. Ницше)

\* \* \*

“Муваффақиятли тарбиянинг сири – ўқувчига ҳурматда... Болаларга ҳурмат – уларни эркалитиб қўйиш, айтганларига сўзсиз юравериш эмас. Болалар ўз тарбиявий талабларини ҳаётга қатъият билан татбиқ этувчи муаллимларни ҳурмат қиладилар”.

\* \* \*

“Инсонлар дунё ва ҳаёт ҳақидаги фикрларини баён этишар экан, феъл-атворларини ҳам намоён қилаётганларини билмайдилар”.

\* \* \*

“Шартларни ўзгартириш билан феъл-атвордаги нуқсонларни тўғрилаб бўлмайди”.

\* \* \*

“Тараққиётнинг чинакам белгиси – бойлик ёки таълим даражаси эмас, шаҳарнинг катталиги эмас, ҳосилнинг мўл-кўллиги ҳам эмас, балки шу ўлка бағрида тарбия топган инсон қиёфасидир”.

\* \* \*

“Ўқиркансан, худди бирор луғатдаги каби ўқиганларинг хотирангнинг бир чеккасида қолиб кетмаслиги лозим. Улар вужудинг ва қонинггача сингиб кетиши учун чуқур ўйлаб, мулоҳаза юритиб ўқишинг керак”.

\* \* \*

“Ҳозирги жамиятлар учун тарбия масаласи келажак тақдири билан боғлиқ ҳаёт-мамот масаласидир... Аввалги замонларда воҳрислик ёрдамида, асрий урф-одатлар, уруғ-аймоғчилик ва халқ удумлари ёрдамида эришилган нарсаларга эндиликда фақат таълимнинг кўмаги билангина эришиш мумкин”. (Э. Ренан)

\* \* \*

“Маърифатли одамлар шуни яхши биладиларки, инсониятнинг келажаги ўсиб келаётган авлоднинг тарбиясига батамом боғлиқдир”.

\* \* \*

“Ҳар бир одам икки хил тарбия олади: биринчи тарбияни ўз ҳаёт тажрибаларини сингдириш йўли билан ота-она беради, иккинчиси, янада муҳимроғини эса унга ҳаётнинг ўзи ўргатади”. (К. Мар)

\* \* \*

“Тарбия ишида ҳар бир кишининг ўзига хос қобилиятини ривожлантириш ҳақида ғамхўрлик қилиш билан айна чоғда, уларда атрофидагиларга нисбатан масъулият ҳиссини тарбиялашга ҳам эътибор бермоқ зарур” (А. Эйнштейн)

\* \* \*

“Меёридан ортиқ берилган доридан наф бўлмагани сингари адолат меёри чегарасидан чиққан дашном ва танқиддан ҳам наф йўқ”. (А. Шопенгауэр)

\* \* \*

“Ҳақиқат баъзан нафрат туғдиради... Ҳақиқатни ёмон кўрадиган одамлар уни дадил айтадиганларни ҳам ёмон кўрадилар”. (Ф. Феленон)

\* \* \*

“Биз кўпинча бошқаларнинг нуқсонини гапирамиз, лекин ҳаммавақт ҳам улардан ибрат олиб, ўз камчиликларимизни тўғрилайвермаймиз”.

\* \* \*

“Ўзлари ҳақидаги бор ҳақиқатни чин юракдан эшитадиган одамлар камдан-кам учрайди”.

\* \* \*

“Калтафаҳм одамлар одатда ақлларига сиғмаган нарсаларнинг ҳаммасини қоралайдилар”.

\* \* \*

“Сохта фазилатли кишилар ўз камчиликларини бошқалардан ҳам, ўзларидан ҳам яширадилар, чинакам фазилатли кишилар эса ўз хатоларини яхши биладилар ва улар ҳақида очикдан-очик гапираверадилар”.

\* \* \*

“Бизнинг ҳар қандай нуқсонимиз шу нуқсонни яширмоқчи бўлиб қилган найрангларимиздан кўра кечирарлидир”.

\* \* \*

“Хатолар, агар уларни тан олишга бўйнинг ёр берса, ҳамиша кечиримлидир”.

\* \* \*

“Ўргатмоқ учун сўкиш, ёрдам бермоқ учун ҳақорат қилиш шарт эмас”.

\* \* \*

“Одамларнинг маслаҳатлашмоқчи бўлиш одатларида қанчалар риёкорлик бор! Маслаҳат сўраётган киши ўз дўстининг фикрларига ҳурмат билан қулоқ тутаётгандек кўрсатади ўзини, ваҳоланки, аслида унга кимнингдир эътибори керак, кимдир унинг ишини маъқуллаб, ўша иши учун жавобгарликни ҳам ўз зиммасига олиши керак”.

\* \* \*

“Истеъдодсиз кишилар кўпинча талаби катта танқидчилардир; улар имкони бор оддий ишларни ҳам уддалай олмай, нима қилиш ва уни қандай қилишни билмаганлари ҳолда бошқалардан бутунлай имконсиз ишларни талаб қиладилар”.

\* \* \*

“Шундай одамлар борки, уларнинг бор хизмати ҳеч нима қилмасликдир”.

\* \* \*

“Фанда дарсларни ёдда тутиш учун уларни такрорлаб туриш керак; ахлоқда эса хатоларни қайтармаслик учун уларни ёдда тутиш керак”.

\* \* \*

“Яхши муаллим бўлиш учун нимани ўқитсанг – ўшанга, кимни ўқитсанг – ўшаларга меҳр қўймоғинг зарур... Сўз деган нарса тарбиячи-муаллимларга ўз фикрларининг баёни учун эмас, балки бошқалар тафаккурини уйғотиш учун берилган... Қаердаки бўлмасин, сўз одамлар ўртасидаги воситачилик хизматини ўтар экан, айниқса таълим соҳасида ортиқча гапириш ҳам, гапни тўмтоқ тугатиш ҳам номақбулдир” (В. Ключевский)

\* \* \*

“Энг нозиктаъб кузатувчи ва энг теран мутафаккир доимо энг шафқатли ҳакамдир; ўз тасавуридаги азобдан жафо чеккан одамовигина кишининг яхши фазилатларини қадрсизлантириб, ёмон сифатларини бўрттириб кўрсатишга мойилдир”. (Г. Бокл)

\* \* \*

“Агар киши ножўя иш қилиб қўйиб, буни бошқалар билиб қолишидан қўрқса, у киши яхши томонга ўзгариши мумкин. Агар киши яхши иш қилиб, буни бошқалар билишини жуда истаса, у бошқаларнинг таънасига қолиши мумкин”. (Хун Цзичэн)

\* \* \*

“Ҳар қандай киши ҳам ўзи тушунадиган насихатга қулоқ солади”.



\*\*\*

“Шундай одамлар борки, ҳеч қандай ақлли фикрлар билан машғул эмаслар ва шунинг учун ҳам ҳеч қачон адашмайдилар”.

\*\*\*

“Ҳали ёш эканмиз, хато ҳам фойдадан холи эмас, фақат уни то қаригунча судраб юрмасак бўлгани”.

\*\*\*

“Агар сиз одамларни аслида улар қандай бўлсалар, шундайлигича, барча нуқсонлари билан қабул қилсангиз, ҳеч қачон сиз уларни яхшилаш олмайсиз. Агарки, сиз одамлар билан нуқсонсиз одамлардек муносабатда бўлсангиз, сиз уларни ўзингиз кўрмоқни истаган юксакликка кўтаришингиз мумкин”.

\*\*\*

“Яхши маслаҳатни қабул қилмоқ – шахсий имкониятларни янада оширмоқ, деган сўз”.

\*\*\*

“Баъзи одамлар табиати ҳазилни қандай тушунганидан ҳам маълум бўлади”.

\*\*\*

“Чиройли фикр билан кучли феъл-атвор бирлашса, мўъжизалар юз беради”.

\*\*\*

“Мабодо, узоқ ўзга юртлардан келган бирорта мусофир Европача ахлоқ тўғрисида тасаввурга эга бўлишни истаса, мамлакатимиздаги илм-фан аҳволи, мукамал санъатимиз, театр-юмшоқлик ва гапларимиздаги сертавозуълик, ёшу қарининг эрталабдан-кечгача бир-бирларига гал бермасдан, катталарга ялтоқланиб хизмат қилишдан бошқа ишлари йўқдек юришларини кўргач, ахлоқий покликнинг аксини кўрган бўлур эди”.

\*\*\*

“Рухий қувват – ясан-тусанда эмас, инсоний фазилатлардадир”.

\*\*\*

“Менинг вазифам – ҳақиқатни айтиш, аммо, унга ишонишга мажбур этиш эмас”.

\*\*\*

“Биров юз ёшга кириб ўлса-да, аслида, туғилганидаёқ ўлган”.

\* \* \*

“Одамлар, инсоний бўлинглар! Бу сизнинг биринчи бурчингиз. Барча ҳолатлар, барча ёшдагилар, инсонга бегона бўлмаган барча нарсалар учун шундай бўлинглар”.

\* \* \*

“Маънавий хасталикни даволаш учун уни аниқлаш, очиш керак ва бу энг қулай ва тўғри йўл ҳисобланади”.

\* \* \*

“Гўзалликни ҳис этган кишигина чин инсон ҳаёти моҳиятини англаб етиши ва тушуниши мумкин”.

(Ф. Эдмонт)

\* \* \*

“Камчиликларни танқид қилмай туриб бир-бирини англаш бўлмайди, бинобарин, бирлик ҳам бўлмайди”.

(Ф. Энс)

\* \* \*

“Тарбия бобида оғир масалаларни четлаб ўтмаслик, ҳаспўшламаслик керак, аксинча, уларни биринчи даражали масала сифатида кун тартибига кўндаланг қўймоқ лозим”.

\* \* \*

“Ёлғон билан ўзни алдамаслик керак... Бўялмаган аччиқ ҳақиқатнинг юзига тик қарамоқ учун мард бўлмоқ керак. Иллат билан қатъий кураш олиб бормоқ учун уни кўрқмай тан ола билиш керак. Ошкоралик шундай бир тўғри, ўзи етказган жароҳатни ўзи даволайди. Агар биз ҳатто аччиқ ва оғир ҳақиқатни ҳам тўппа-тўғри айтишдан кўрқмасак, биз ҳамма нарсани ва ҳар қандай қийинчиликларни енгишни ўрганиб оламиз, албатта ва сўзсиз ўрганиб оламиз”.

\* \* \*

“Ҳеч бир амалий иш қилмайдиган одамгина хато қилмайди... Хато қилмайдиган одам доно эмас. Бундай одамлар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Унчалик жиддий хато қилмайдиган ва уни тез ва осон тузата оладиган кишигина донодир”.

\* \* \*

“Агар хатода туриб олинса, агар уни чуқур асослаб бера бошланса, агар уни “охиригача етказилса”, арзимаган хатодан ҳам ҳар вақт ҳаддан ташқари катта хато келтириб чиқариш мумкин”.



\* \* \*

“Кечаги куннинг хатоларини таҳлил қилиш билан биз бугун ва эртага хато қилмасликни ўрганамиз... Ўз хатоларимизни тан олишдан чўчимаслигимиз, уларни тузатиш учун кўп мароталаб, қайта-қайта меҳнат қилишдан қўрқмаслигимиз керак – ана шунда камолот чўққисини эгаллаймиз”. (У. Лин)

\* \* \*

“Тўрт нарса тўрт нарсага, яъни улуғлик – одоб, тарбияга, хурсандлик – хотиржамликка, яқинлик – дўстликка, ақл – тажрибага муҳтождир”. (Жолинус)

\* \* \*

“Ахлоқийлик деганда биз фақат ташқи муомалани кўзда тутмаймиз, балки ниятнинг бутун ички заминини тушунамиз”.

\* \* \*

“Зеҳни ўткир ва ҳар нарсага қизиқувчан, лекин одамови ўжар болалар бўлади. Мактабда бундайларни кўргани кўзлари йўқ, доимо уларга ишончсизлик билан қарайдилар; ваҳоланки, яхши тарбия берилса, улардан буюк одамлар чиқади”.

\* \* \*

“Ким болаларни уларнинг ўзлари ўзлаштира оладиган даражада эмас, балки мен ўзим истаган даражада ўқитишим зарур, бўлмаган топшириқлар болани фақат бузади ва ўз бурчига масъулиятсиз муносабатда бўлишга ўргатади”.

\* \* \*

“Тарбиячи тарбияланувчиларга муайян билим бериш билангина эмас, балки одоби, турмуш тарзи, ҳар кунги воқеаларга муносабати билан ҳам таъсир кўрсатади”. (М. Нин)

\* \* \*

“Тарбиячи ўзининг қайсидир эҳтиросига эрк берар экан, унинг эҳтиросларни жиловлаш ҳақидаги гаплари фойдасиз; ўзи гатишга уриниши ҳам самарасиз бўлиб чиқади”. (Ж. Локк)

\* \* \*

“Тарбиячининг маънавий даражаси қанчалик тубан, ахлоқий қиёфаси бемаза бўлса ва у фақат ўз тинчи ва оромини ўйласа, гўё болаларнинг ташвиши тақозо этган ҳар хил буйруқ ва тақиқларни шу қадар кўп чиқараверади”

(Я. Корчак)

\* \* \*

“Тарбияловчининг ўзи зеҳнли, ниҳоятда босиқ, хушфезъл, юксак ахлоқий хислатларга эга бўлмоғи керак... Тарбияловчининг ўзи тарбияланган бўлмоғи зарур”. (М. Драгоманов)

\* \* \*

“Гўзаллик туйғусини сингдирмай туриб, тўлақонли баркамол инсонни вояга етказиш мумкин эмас”.

\* \* \*

“Аслида ахлоқсизлик “етарли даражада ахлоқли эмас”, дегани, нотўғри ҳам қисман тўғридан ташкил топган-у, бўлмаса у нотўғри деб айтилмас эди”.

\* \* \*

“Барча янглишишларга ўз эшигингни беркитсанг, унда ҳақиқат ҳам ташқарида қолиб кетади”.

\* \* \*

“Ҳар бир гўдак – Тангрининг инъоми, унинг бизга бўлган ишончи йўқолмаганлигининг белгиси”.

\* \* \*

“Ҳатто қароқчилар тўдаси ҳам тўда бўлиб қолишлари учун қандайдир ахлоқ талабларига риоя қилишлари шарт”. (Р. Тҳакур)

\* \* \*

“Агар биз бутун дунёда тинчлик ўрнатишни истасак, ишни болалар тарбиясидан бошлашимиз зарур”. (Махатма Ганди)

\* \* \*

“Одамхўрлик одамхўрлар мамлакатада ахлоқ доирасида ҳисобланади”. (С. Батлер)

\* \* \*

“Айтишларича, сиёсатдаги энг яхши қоида маъмуриятчиликни ошириб юбормасликдир. Бу қоида тарбияга ҳам шу даражада мувофиқ келади”. (Ж. Польш)

\* \* \*

“Ёшлигингдан яқин кишиларингнинг гуноҳини кечишга, ўз гуноҳингни эса мутлақо кечирмасликка ўрган”. (А. Суворов)

\* \* \*

“Шундай одамлар борки, уларга ҳар қандай тўғри сўз ҳам қанчалик мулойимлик билан айтилмасин, оғир ботади”.

\* \* \*

“Адаб яхшилик билан ёмонликнинг фарқини билиш, фойда билан зарар орасидаги тафовутни англашдир. Адаб воситасида киши ўз жонини ёмонликлардан – иллатлардан даволайди, ёқимсиз айблардан поклайди, чиройли фазилатлар билан безайди.

Адаб кишини энг чиройли хулқ билан қуроллантиради. Натижада барча ақл эгалари бундай кишидан ҳар ишда рози бўлишади. Адаб эгаси эса кундан-кунга обрў топади, ахволи яхшиланади, ишлари равнақ топади.

Баъзи ҳақимлар адабни энг маъсум ва кўркам феълга эга бўлиш десалар, баъзилари нафсни барча қабиҳ одатлардан тозалаш дейишади. Демак, кимда адаб бўлса, бу ноёб неъмат. Адаб – ақлнинг суянчиғи, барча фазилатларнинг жони”.

\* \* \*

“Инсонни камолга етказувчи нарса адабдир. Адаб илм эгалаш, бадий, ахлоқий, шеърий асарларни мутолаа этишдан ҳосил қилинади. Камолга етиш учун тилни адаб билан қуроллантириш, қўлни эса тўғрилиқка одатлантириш лозим. Донолар айтади: “Адаб ақлли киши учун улуғлик ва фазилатдир”. Шунинг учун айтадилар: “Адаби йўқнинг ақли йўқ”. Олимлар: “Адабсиз ақл, ақлсиз адаб йўқ”, дейдилар. Демак, ақл ва адаб бир-бирига боғлиқ. Инсонда ҳар иккови мавжуд бўлсагина, у ҳақиқий камол эгаси бўлади. Айтадилар: “Адаб икки хилдир: ҳикмат адаби ва хизмат адаби. Ҳикмат адаби поклик ва тўғри йўлга етаклайди. Хизмат адаби эса бадавлатлик ва обрўга етказди”. Ҳар иккиси ҳам улуғ фазилат бўлиб, бири азиз қилса, иккинчиси қудратли қилади”. (Абдулқодир ал-Барзанжий)

\* \* \*

“Миллатнинг бебаҳо бойлиги – халқнинг маънавий қиёфасидир”.

\* \* \*

“Энг аввало тарбияланувчингизнинг том маънодаги одам бўлиб етишиши ҳақида ғамхўрлик кўрсатинг”. (Н. Чернишевский)

\* \* \*

“Киши қанчалик ақлий ва ахлоқий жиҳатдан камол топган бўлса, у ўзини шунчалик озод ҳис қилади, унга ҳаёт шунчалик кулиб боқади”.

\* \* \*

“Одамга ўзининг кимлигини кўрсатиб берсангизгина у ўзини енгил ҳис этади”. (А. Чехов)



\* \* \*

“Бир умр чўтка кўрмаган кўйлакни тезда тозалаб бўлмаганидек, одамни ҳам бирданига қайта тарбиялаш мумкин эмас”.  
(М. Салтиков-Шчедрин)

\* \* \*

“Инсон ахлоқсизликдан ҳузур-ҳаловат топиши мумкин эмас; фақат ахлоқ ва яхшилик билангина у олий ҳузур-ҳаловатга етишади”.

\* \* \*

“Ақлий ҳаловатга ахлоқий фазилатлар туфайли эришилади”.

\* \* \*

“Киши мутлақо жиддият билан меҳнат қилмаса, яъни ўзи ейдиган бир бурда нонини ўз меҳнати билан ишлаб топмаса – у бахтли бўлолмайди”.

\* \* \*

“Чириган, ҳаво кириши билан тўзонга айланадиган Миср мўиёсига ўхшаш одамгина танқид тегишидан кўрқади”.

\* \* \*

“Қабихликни келтириб чиқарадиган шароитларга тегмай туриб ҳақиқат талаб қилиш – ёмғир ёғаётганда тош ётқизилмаган кўчада лой бўлмаслигини талаб қилиш билан барабардир”.

\* \* \*

“Тарбияда бутун иш тарбиячининг ким эканлигига боғлиқ... Тарбиячи ўз тарбияланувчисини ҳар жиҳатдан билиши баробаринда тарбиячи билан тарбияланувчи орасида тўла ишонч бўлоғи лозим”.

\* \* \*

“Барчани ўз гази билан ўлчаш тор ақл кўчасига киришдир”.  
(Д. Писарев)

\* \* \*

“Энг довюрак одам ҳам, токи унда қатъий эътиқод йўқ экан, номардга айланиши мумкин”. (Э. Делакруа)

\* \* \*

“Инсон тарбиясининг бош йўли – ишончдир... Тарбиячи инсонни ҳар томонлама тарбиялашни истаса, даставвал ўзи инсонни ҳар томонлама ўрганмоғи лозим... Тарбиячи, тарбия кучи шу қадар беқиёски, ундан ҳеч қачон бутун борлигича фойдалана

олмаслигига ишонган бўлиши керак... Тарбиячи мансабдор тўра эмас, агар у мансабдор тўра бўлса – тарбиячи эмас”.

\* \* \*

“Ҳеч бир мураббий ўзининг асосий вазифаси ўз тарбияланувчиларини ақлий меҳнатга ўргатишдан иборатлигини ва бу вазифа дарс ўқитишдан ҳам кўра муҳимроқ эканлигини унутмаслиги лозим”.

\* \* \*

“Диққат-эътибор кўнглимизнинг ягона дарчаси, онгимиздаги бор нарсаларнинг бари сўзсиз шу дарча орқали ўтади”.

\* \* \*

“Ўз фикрини мустақил ифодалай олмаслик – иллат; лекин мустақил фикрга эга бўлмаслик эса ундан ҳам баттарроқ иллат; мустақил фикрлар мустақил орттирилган билимлардангина туғилади”. (К. Ушинский)

\* \* \*

“Ўзгаларнинг дастури маслаҳат овозидан бошқа нарса эмас”. (Н. Рубакин)

\* \* \*

“Яхши кишилар юксак ахлоқий етуклик ва юксак ахлоқий обрў билан ажралиб турадилар”.

\* \* \*

“Киши хато қилиши мумкин. Хатони мунофиқликка йўймайдилар. Ҳақ иш бир неча хатодан кейин ҳам ўлмайди. Жуда бўлмаганда асосий ғояси мустақкамлигича қолади. Агар биринчи қадамдан натижа чиқмаса, иккинчисидан чиқади”.

\* \* \*

“Одам болаликданоқ яхшилик ва гўзаллик куртакларисиз ҳаётга қадам қўймаслиги керак, авлодларни ҳам яхшилик ва гўзаллик куртакларисиз ҳаётга йўллаб бўлмайди”. (Ф. Достоевский)

\* \* \*

“Давлатнинг гуллаб-яшнаши, халқнинг фароғати бешак олижаноб хулқ-одобга боғлиқ, олижаноб хулқ-одоб эса тарбия туфайлидир”. (Н. Новиков)

\* \* \*

“Хатони сезиш унча қийин эмас, бамаъни одамни ажратиб турадиган хусусият ўша хатодан тузукроқ йўл топиб беришидир”. (М. Ломоносов)

\* \* \*

“Болаларни ўқитишдаги бош масала уларга нима ўргатилаётганида эмас, балки қандай ўргатилаётганлигидадир. Болага яхши ва мохирона ўқитрилган одатдаги, кундалик нарсалар унинг тушунчасига мос тушмайдиган, ғализ изоҳланган юксак ҳақиқатлардан кўра келажакда унга юз қарра кўпроқ фойда беради”.

\* \* \*

“Агар ўқувчиларда ташаббускорлик ва фаоллик ривожланмас экан, ҳар қандай билим жонсиздир; ўқувчиларни фақат фикрлашга эмас, истакка ҳам ўргатмоқ керак”. (Н. Умов)

\* \* \*

“Тарбиянинг бош вазифаси одамни яхши ҳатти-ҳаракатларга мажбур этишгина эмас, балки улардан ҳузурланишга ҳам ўргатишдир; фақат ишлабгина қолмай, ишни севиш ҳам керак”. (Ж. Рескин)

\* \* \*

“Маънавийликка меъмор иморатга қандай ёндашса, худди ўшандай ёндашадиган одамлар ҳам бор: улар бинонинг ўзлари учун яшашга қулайлигини биринчи ўринга қўйишади”.

40

\* \* \*

“Яхши кўриш туфайли қандайдир жон куйдириб айтилган насихатни ёвуз ният ёки гуноҳ деб ҳисоблаш лозим эмас... Ёлғон гапириш бошқа, гапда адашиш, қасддан эмас, адашиш оқибатида ҳақиқатдан чекиниш бошқа гап” (П. Абеляр)

\* \* \*

“Идроклилиқ ва ахлоқийлик ҳамиша бир-бирларига мувофиқ келади”.

\* \* \*

“Одамларга ҳақиқатни айтишга ўрганиш учун киши ўзига ҳақиқатни айтишни ўрганиши керак”.

\* \* \*

“Танқид ёмонликни қоралаши билан бирга, нима қилганда ўша ёмонлик бўлмаслигини кўрсатсагина самарали бўлади”.

\* \* \*

“Ўзгаларни алдаш ишни чигаллаштиради ва бир қарорга келишни қийинлаштиради; лекин ҳақиқат деб рўқач қилинган инсон кўнглидаги ёлғон эса одамни умрбод нобуд этади”.



\* \* \*

“Хатолар ақл беради... Ишни тузатиб бўлмайдиган даражага олиб боргандан кўра хатони тан олиш анча олижанобрқдир”.  
(Л. Толстой)

\* \* \*

“Ахлоқийлик ақл кучининг туйғу кучига нисбатлилиги демакдир. Туйғу қанчалик кучли бўлса ва ақл ундан устун турса, одам инсоний ишларга шу қадар чуқурроқ шўнғийди. Ақлни тўлдирадиган ва ўтмаслаштирадиган туйғулар бор ва айна замонда туйғулар ҳаракатини совутадиган ақл ҳам бор”. (М.Пришвин)

\* \* \*

“Ақлга бўйсунган ва инсоннинг яхшиликка табиий интилишидан келиб чиқадиган ахлоқдан ўзга ахлоқ бўлиши мумкин эмас”. (П.Бейл)

\* \* \*

“Ҳаётдан узиб олинган ахлоқ ҳар қандай ахлоқий моҳиятни йўқотган ҳаёт янглиғ ахлоқсиздир”.

\* \* \*

“Танқид янглишишнинг, қуруқ гапнинг душмани бўлиш ба-робаринда ҳақиқатнинг энг муҳим таянчидир. У ҳақиқатнинг онаизори ва айна дамда дояси ва ризқ берувчи дўстидир... Танқид қоннинг яхши айланишидир, усиз турғунлик ва касалликка чалиниш муқаррар. Шунга кўра – ҳақиқат танқид билан тирик”. (В. Плеханов)

\* \* \*

“Ахлоқ одамлар аро мавжуд бўлган муносабатлар ва шу муносабатлардан келиб чиқадиган масъулиятлар ҳақидаги фандир”.

\* \* \*

“Ўз ҳаёт тажрибасини ҳар томонлама бойитмаган одамнинг тарбияси – беҳуда”. (П. Гольбах)

\* \* \*

“Агар бола ёмон иш қилганлиги учун жазоланиб, яхши иш қилганлиги учун тақдирланса, у яхши ишни фақат фойдаси учун қиладиган бўлади”.

\* \* \*

“Ахлоқ бахтли бўлишга ўргатмайди, у бахтга лойиқ бўлишга ўргатади”. (И. Кант)

\* \* \*

“Шундай маънавий бойликлар борки, одам, жуда бўлмаганда, оддий, ўртамиёна одам уларсиз яшай олмайди. Бу маънавий бойликларга биринчи навбатда ахлоқий дунёқараш киради. Агар сиз одамдан унга янгисини бермай туриб, унинг ахлоқий мезонини тортиб олсангиз – сиз уни зулматга йўлиқтирасиз, кўр одамни йўлда қоқилтириб, уни ҳалокатга итарасиз”. (В.Воровский)

\* \* \*

“Ишдаги хатони топиш – ҳали бу ўша ишнинг буткул норасо эканлигини исботлаш эмас... Тўла тузатилган хатоларни алоҳида зарурат бўлмаганда ҳам эслайвериш тўғри эмас”.

\* \* \*

“Ўзгаларнинг иши тўғрисида қаттиқ гапирган одам ўзининг иши ҳам бошқаларникидан яхшироқ бўлишини ўз зиммасига юклайди”.

\* \* \*

“Иллатнинг сабабини топиш – деярли унга қарши давони топиш деган сўз”.

\* \* \*

“Ўзингнинг эмас, ўзгаларнинг янглишишига тоқат қилишингни, тушуниш ва қадрлаш мумкин, лекин разилликка эса мен тоқат қилолмайман”.

\* \* \*

“Ҳар доим тинч ва осойишта бўлинг, ҳар жойда ширин ва гапиринг ва мулойим бўлинг, қарабсизки, виждонсизлик, алдамчилик, нодонлик учун кенг йўл очиб берилибди: ҳеч ким уни фош ҳам этмайди, ҳақиқатнинг қудратли сўзини айтадиган одам ҳам йўқ”.

\* \* \*

“Яхши ҳамки, танқиднинг ўзи танқидга муҳтож, йўқса, у кимга кўринса, унга даҳшатли қурол бўлиб хизмат қилган бўлур эди”.

\* \* \*

“Гап ҳеч вақт хато қилмасликда эмас, балки уни мардларча тан олиб, ақл билан иш кўришингдадир”.

\* \* \*

“Одам қанчалик қудратли, ахлоқи қанчалик юксак бўлса, ўзининг заиф томонлари ва камчиликларига ҳам шунчалик журъат билан қарай олади”.

\* \* \*

“Тарбия – буюк иш: тарбия билан инсон қисмати ҳал этилади... Таълим ва камолотнинг тури кўп, уларнинг ҳар бири ўзича муҳим, аммо ахлоқий таълим уларнинг барчасидан юкори турмоғи лозим... Яхши тарбия ҳар қандай нодон кишини ҳам одам қаторига қўшади”.

\* \* \*

“Панд-ўғитлар ҳар қанча яхши бўлмасин, агар улар ўқувчи кўз ўнгида уни қуршаб турган бутун воқеликни изоҳлаб бермаса, мисоллар билан тасдиқланмаса, улар ғирт фойдасиз ва ҳаттоки зарарли бўлиб чиқади”.

\* \* \*

“Ҳеч бир одам мукамал, яъни тўла шаклланган ҳолда дунёга келмайди, аммо унинг бутун ҳаёти бетиним ҳаракатдаги ўсиш ва доимий шаклланишдан иборатдир”. (В. Белинский)

\* \* \*

“Фақат кучли одамгина ўз айбига иқрор бўлади. Фақат кучли одам камтар, фақат кучли одам кечиради... ҳатто ёзилиб кулган ҳам кучли одам, аксарият унинг кулгиси кўз ёшларидир”.

\* \* \*

“Эътиқод назария йўли билан сингдирилади, хулқ эса намуна кўрсатиш орқали шакллантирилади”.

\* \* \*

“Шундай ҳаёт ҳақиқатлари мавжудки, уларни сиёсий ҳуқуқлар сингари маълум ёшдан кейингина бериш мумкин”.

\* \* \*

“Қуруқ жавоблар одилона саволларни маҳв этади ва ақлни ишдан чиқаради”. (А. Герцен) .

\* \* \*

“Хатоларни тузатиш ўрнига қайсарлик қилиш ҳар бир одамнинг ёки бутун бир жамоатнинг обрўсини тўқади”.

\* \* \*

“Маслаҳатга кирмайдиган одамга ёрдам бермаслик керак” (Б. Франклин)

\* \* \*

“Ҳақиқатни гапириш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Ҳақиқат раҳмдилликдан устун туради... Танқид қилиш ҳуқуқига



эга бўлиш учун бирон-бир ҳақиқатга ишониш керак... “Бундай қилма”, дейиш етарли эмас. “Мана бундай қил”, деб қўшиб қўйиш ҳам керак”.

\* \* \*

“Ўз устингиздан кулишдан чўчиманг, ўз-ўзини танқид ҳам худди ювиниш каби зарурдир... Хатолардан кўркманг, уларсиз яшаб бўлмайди” (М. Горкий)

\* \* \*

“Инсон ўзини бошқача қилиб бўяб кўрсатмаган бўлсагина ўз кучига ишонади”. (П. Павленко)

\* \* \*

“Ким ўз камчиликларини тан олишдан уялса, бора-бора у ор-сизларча катта гуноҳ бўлган ўз қабиҳликларини ҳам оқлай бошлайди”. (Г. Сковорода)

\* \* \*

“Бировнинг хатоси – бошқага сабоқ... Ким узлуксиз равишда ғайрат билан интила бориб, ўз камчиликларини йўқотса ва хатоларини енгса, у шахсий камолотида юксак чўққиларни забт этади”. (Ж. Рей)

44

\* \* \*

“Мен умрим давомида ихлосмандларимга қараганда танқидчи дўстларимдан, айниқса уларнинг танқиди мулоим ва дўстона су-хан билан изҳор этилганда кўпроқ фойда олганман”. (М. Ганди)

\* \* \*

“Ҳеч нима қилмайдиган одамгина хато қилмайди. Ҳолбуки, унинг асосий хатоси ҳам шудир”. (А. Толстой)

\* \* \*

“Одамнинг яхши томонини кўра билиш ҳамиша қийин. Одамдаги яхши жиҳатларни одатда хаёлан тасаввур қилишга тўғри келади ва тарбиячи шундай қила билиши лозим. У одамга, ҳатто бирмунча янглишиш хавфи бўлса ҳам яхши умид билан ёндашмоғи лозим”.

\* \* \*

“Нима қилиш кераклиги ҳақида сиз қанчалик тўғри тасаввур яратганингизга қарамай, агар узоқ қийинчиликларни енгиб ўтиш кўникмасини тарбияламаган экансиз, сиз тарбияда ҳеч нарса қилмабсиз, дейишга ҳақлиман”.

\* \* \*

“Болани, хатто энг ёқимли бўлса ҳам, ишда исботланмаган курук сўз эмас, ҳаётий намуна тарбиялайди”.

\* \* \*

“Одамни қачондир ўз жасурлигини намойиш эта оладиган, майли – босиқликми, тўғри сўзликми, унча-мунча йўқчиликка бардошликми, сабр-қаноатлиликми, довюракликми – ишқилиб, шундай хислатларни намойиш эта оладиган шароитга қўймай туриб, мард инсонни тарбиялаш мумкин эмас”.

\* \* \*

“Катта ишончни катта талаб билан қўшиб олиб бориш – энг маъқул тарбия усулидир. Агар одамдан кўп нарса талаб этилма-са, ундан кўп нарса олиб бўлмайди”. (А. Макаренко)

\* \* \*

“Ҳайхот, энг қийини – узоқ йиллар давомида ҳар куни меҳнат қила билиш жасоратидир. Камчиликлар ҳақида шовқин-сурон кўтариш – бунинг учун катта ақлнинг кераги йўқ. Сафсата ва курук гап ҳақиқатан ҳам нафратга лойиқ. Гапдан кўра иш қилиш керак”.

\* \* \*

“Том маънодаги ўз-ўзини танқид – виждоннинг овози”. (В. Сухомлинский)

\* \* \*

“Ўзгалар сенга шафқатсиз бўлишини истамасанг, ўзинг ўзингга шафқатсиз бўл”. (Л. Леонов)

\* \* \*

Изоҳ: Тилимизда “Хулқ”, “Ахлоқ”, “Адаб”, “Одоб” сўзлари кўп ҳолларда маънодош сўзлар – “синоним” сифатида қўлланилади. Бунда хатолик йўқ, деб ўйлаймиз. Чунки “Яхши ахлоқли”, “Яхши хулқли” деганимизда ҳам, “чиройли одобли” деганимизда ҳам, “ахлоқсиз” ёки “одобсиз” деганимизда ҳам бир маъно англаймиз. Лекин бу икки атама орасида оз бўлса-да, фарқ мавжуд. Бу ҳол одамга хос фазилат ва иллат даражаларини белгилашда кўринади. Масалан, бир бола салом бермаса, одобсиз (аксинча бўлса, “одобли”) дейилади. Агар киши бузуқ ишлардан қайтмайдиган бўлса, у “ахлоқсиз” дейилади. Демак, “одоб” “хулқ”нинг дастлабки даражаси, десак, янглишмасмиз. Яхши хулққа эришган одамни ўрта мактабни битирганга қиёсласак, одоблини бошланғич синфни якун-

лаган, десак, балки ўхшатишимиз ўринли бўлар. Шунини эътиборга олиб, ҳусни хулқ бобида одобга доир ҳикматларни алоҳида жамлаб, эътиборингизга ҳавола этмоқни маъқул кўрдик.

#### **Ҳусайн Воиз Кошифийдан:**

Адабнинг маъноси ёмон сўздан ва бефойда ишдан нафсни тийиш, ўзининг ҳамда бошқа кишиларнинг иззатини сақлаб, обрўйини тўкмасликдир. Ҳақиқий адаб барча ишларда Рисолатпаноҳ (с.а.в.) суннатига риоя қилишдир. Тобеликни жойига қўйган киши ўз адабини камолга етказган бўлади. Чунки “Адабний роббий фа-аҳсана таъдибий”. (“*Парвардигорим менга адаб ўргатди, бас, менинг ўрганган адабим бошқаларнинг адабидан яхшироқдир*”) мактабхонасида ҳеч ким унинг адабидек адаб ўрганиб, ёқимсиз адаблардан пок бўла олган эмас.

Қитъа:

Ул маводибдин адаб ўрганким,  
Адаб ўргатган анга ҳазрати Ҳақ.  
Сабоқ олғил сан ул кишидинким,  
Кибриё лавҳидин ул олди сабақ.

Одобли одам барчага яхши кўринади. Мамлакатларни забт этувчи подшоҳлар ва жаҳонга оро берувчи шаҳаншоҳлар адабга риоя қилсалар, халқ ҳам уларнинг изидан юриб, одоб йўлидан чиқмайди. Подшоҳнинг иши тартибда бўлса, халойиқ маишати ҳам муҳайё бўлади.

Маснавий:

Истоли, Ҳақдин адаб тавфиқини,  
Беадаб топмади Анинг фазлини.  
Бас, адабдин нур топти бу фалак,  
Ҳам адабдин пок бўлдилар малак.

Улуғлар айтибдиларки, барча сармояларнинг яхшироғи ва жамики зийнатларнинг маҳбуброғи барча одам учун, хусусан, олам подшоҳлари учун адабдур.

Китобларда ёзилишича, Миср подшоҳи Рум султони билан адоват биносини бузиб, дўстлик риштасини боғлади ва унинг ўғлига қизини никоҳлаб берди. У ҳам қизини унинг ўғлига ақди никоҳ қилди. Бу дўстлик туфайли элчи ва номалар тез-тез ва қайта-қайта икки томондан келиб ва бориб турди. Бу икки давлат соҳиби бир-бири билан дўстлашганидан иккала мамлакат ҳам обод ва фаровон бўлди. Улар ҳеч бир ишни маслаҳатсиз адо қилмас эдилар, катта ва кичик ишларда бир-бирига хабар етказиб турар эдилар.

Бир куни Миср подшоҳи Рум шаҳаншоҳига хабар юбориб, унда фарзандларимиз ҳаётимизнинг асоси ва тирикчилигимиз-



нинг нишонасидирлар, бизлар вафот этганимиздан кейин ному нишонимиз ҳаётда улар орқали боқий қолади, деди. “Демак, уларнинг бизлардан кейин хотиржам ва хушҳол яшашларининг ғамини ейишимиз керак. Мен ўғлим учун ажойиб нафис матолар ва ҳисобсиз яхши от, туя ва бошқа хайвонот, қуллар, кўшк ва иморатлар, тегирмону ерларни захира қилиб қўйдим. Сиз ўзингизнинг жаҳоноро раъингиз билан фарзандингизнинг келажаги учун қандай тадбир кўрдингиз ва нималарни муҳайё қилиб қўдингиз?” деб сўради.

Байт:

Тирикдур диёрида ҳар кимки ул,  
Қўюб кетди ўрнида яхши ўғул.

Бу хабар Рум подшоҳининг қулоғига етгач, табассум қилди ва дедики, “Мол бевафо, ёру бебақо дилдордир, унинг ҳисобини қилмоқ на керак. Бу беш кунлик ўтар дунёда ўткинчи матоларга алданиш керак эмас. Мен фарзандимни адаб сарпоси билан ораста қилдим. Яхши сифат ва одобларни унинг учун захира қилдим. Молга завола етади, аммо адаб ўзгармайди ва йўқ бўлмайди”.

Бу хабар Миср подшоҳига етгач, шундай деди: “У рост айтибди. “Ал-адаб хайрун мин аз-заҳаб”. (Адаб олтиндан яхшироқдир) Бу ҳақда айтадилар:

Адаб ганжига етмас ганжи Қорун,  
Бўлолмас ҳам тенг мулки Фаридун.  
Эмас манзур хуш аҳлиға моли,  
Нечукким, молнинг бордир заволи.  
Улар матлуби бўлмиш илму одоб,  
Ки тобмишлар адабдин яхши алқоб”.

Савол: Футувват нима? Жавоб: “Футувват шудирки, хилватда бўлса ҳам зоҳир бўлгандан сўнг шармисор бўладиган ишни қилмаслик ва ҳаммага яхши ахлоқ билан муомала қилиш. Зеро, халқларнинг дўстлигини фақат яхши ахлоқ билан ҳосил қилмоқ мумкин. Саъдий Шерозийдан байт:

Ба ҳама халқи жаҳон хулқи писандида намой,  
Ки сўи “Хулди барин” роҳ бар он аст, эй дил.  
(Жаҳон халқи билан яхши ахлоқда бўл, зеро, “Хулди барин”).  
(Саккиз жаннатдан бирининг номи) томонга йўл шу ердандир)  
Яна бу хусусда Бедил (раҳимахуллох) айтадилар:  
Ба ҳусни хулқ Бедил метавон дар жаннат осудан,  
Чи ҳожат бар дили дўзах нишастан аз шароратҳо.  
(Эй Бедил, яхши ахлоқ билан жаннатда осудаҳол яшашинг мумкин. Ёмон амалларни қилиб, дўзах қаърида ўтиришига на ҳожат)

\* \* \*

Одоб – мўъминнинг кўркидирки, унинг ичига ахдга вафо, тўғрисўзлик, хиёнатдан ҳазар, севги-муҳаббат ҳам киради (*Умар Форук Сайдо Нақшбандий*)

\* \* \*

\*Одобли инсон барча одамларнинг яхшисидир, барча халқлар учун ёқимлидир. У кишилар орасида гўзалроғи ва ҳурматлироғидир. Одобли одам тенгдошлари орасида ҳам таҳсинга лойиқ, ҳеч қандай совға бермай ҳаммани шод қилади; ҳеч нима ҳады қилмай, кишиларнинг ғамини аритади.

\*Одоб кичик ёшлиларни катталар дуосига сазовор қилади; ёшлар у дуо баракасидан умрбод баҳраманд бўладилар. Одоб улуғлар кўнгида ёшларга меҳр уйғотади ва у одобли фарзандга муҳаббат кўнгилда абадий қолади. Ёшларни кўзга улуғ қилиб кўрсатадиган феъл-атвор одобдир, одоблиларнинг юриш-туришида халқ улуғворлик кўради.

\*Одоб кишилар қилиши мумкин бўлган ҳурматсизлик эшигини беркитади ва одамни ҳазил-мазахдан, камситилишдан сақлайди. Одоб одам табиатига инсонийлик бахш этади ва киши мизожига одамийлик манзилида ором беради.

\*Одобдан кичикларга шунчалик фойда етадиган бўлса, катталарга нечоғлик яхши эканини тасаввур қилинг. Одоб ва тавозуъ (ўзни паст тутиш, хоксорлик маъносини англатувчи бу сўз бугунги имлода “тавозу” ёки “тавозе” деб олинган бўлса-да, биз аслидай ёзишни маъқул кўрдик) меҳр-муҳаббатнинг зебзийнатидир; одобсизлик дўстликка путур етказди. Одоб ва тавозуъ дўстлик ойнасига жило беради ва икки орага ёруғлик бағишлайди.

Тавозуъ ва одоб эгаларига ҳамма таъзим қилади ва ҳурмат билдиради. Одоб уруғини эккан одамнинг ҳосили жавоҳир бўлади. Одобли ва гўзал хулқли одамлар кўпаяверса, халқнинг дўстлиги, инсонларнинг бир-бирига меҳр-муҳаббати борган сари кучаяди. Агар киши одоб ва тавозуъ каби яхши хулққа эга бўлса, ўзи ҳам халқнинг иззат-ҳурматиغا сазовор бўлади. Дўстлар орасида меҳрли суҳбат, гўзал ҳамжиҳатлик бўлса, қандай яхши! Бундай ахил, иттифоқ, муҳаббатли, одобли бўлиш дўстлар учун бахтиёрликдир!

\* \* \*

“Тавозуъ ва адаб аҳлига таъзим ва ҳурмат етар ва ул донани эккан бу маҳсулни жамъ етар”.

\* \* \*

“Одоб – гапирганда тилингни асрашинг, ёлғиз қолганингда қалбингни асрашинг, ташқарига чиққанингда кўзларингни асрашинг, еганда томоғингни асрашинг, чўзганингда, узатганингда қўлингни асрашинг, юрганингда оёғингни асрашинг ва барча ишларингда вақтингни асрашингдир. Ким аъзоларини асрамаса ва вақтини зое этса, унинг аъзолари одобсизликка кетади. Ким вақтининг қадрига етса, вақтини ва аъзоларини асрайди”. (Абу Барқ Варроқ)

\* \* \*

“Одоб бир булут, унинг бир томчи ёмғири яхши кишиларнинг амал экинзорига ёғса, кўкаламзорга айлантиради ва яхши ном ҳосилидан фойдалар хирмонини барпо қилади”.

\* \* \*

“Одоб – улуғлик ва юксаклик қасрининг нарвони, бу нарвон орқали барча мақсад манзилига етиш мумкин... Инсон фарзандига одоб ажойиб тож, одамийлик безаги учун қимматбаҳо гавҳардир”. (Бархурдор ибн Маҳмуд)

\* \* \*

“Жамиятда бир одамнинг ёмон хулқи ҳаммага таъсир қилади. Сачраган озгина лой минг чандон кўп ҳажмдаги сувни булғайди”. (Мажидиддин Хавофий)

\* \* \*

“Фазилат наслу насаб билан эмас, балки одоб билан топилади”.

\* \* \*

“Ҳақиқий инсон ҳамиша илм ва хунар олишга интилади. Илм бир дарахт бўлса, одоб унинг мевасидир. Одобсиз илм мевасиз дарахт кабидир”.

\* \* \*

“Болалар ўз оталаридан мерос қилиб оладиган уч афзал нарса бор: хушмуомалалик, одоб ва садоқат”. (Муҳаммад Зеҳний)

\* \* \*

“Ўз устингизда ишланг ва одоб илмини ўрганишдан тортинманг. Умрингизни нодонликда зое кеткизманг. Агар илму одоб олисда бўлса ҳам, излаб топинг. Ҳар қандай буюмни ҳам, молу дунёни ҳам илмдан улуғ ҳисобламанг. У дунёнинг ҳам ғамини енг. У дунёни бу дунёга сотманг”. (“Насиҳати ҳукамо ва мақолати кубаро” китобидан)



\* \* \*

“Одоб инсоннинг кўркидирки, унинг ичига ахдга вафо, тўғри-сўзлик, хиёнатдан ҳазар, севги-муҳаббат ҳам киради”. (*Умар Форук Сайдо ал-Жазарий*)

\* \* \*

“Одобсизлик бошланган жойда адабиёт тугайди”. (*Меҳмет Акиф Эрсой*)

\* \* \*

“Кўп зебу зийнатга берилиш одоб ва ҳаёни қочиради”. (*Титлия*)

\* \* \*

“Биродар, сен мени аввало азобдан халос эт, сўнг насиҳат қиларсан”.

\* \* \*

“Биз танлайдиган тақдиримиздан кетиш ўрнига, йўлда кутиб оламиз”.

\* \* \*

“Ўз қалби устидан ғолиб чиқиш энг юксак ғалабадир”.

\* \* \*

“Қориндан каттароқ кўзга эга бўлмаслик керак”. (*Ж. Лафонтен*)

\* \* \*

“Кийинишда олифталик қилмасдан нафис бўлишга ҳаракат қилинг: одоб – кўркамлик, исрофгарчилик эса – олифталик белгисидир”.

\* \* \*

“Гўзаллик – бу қисқа муддат ҳокимлик қиладиган қироличадир”. (*Сукрот ҳаким*)

\* \* \*

“Гўзалликка бошқа яхши фазилатларни ҳам қўшишга интилинг”. (*Эзон*)

\* \* \*

“Пала-партиш кийиниш маънавиятнинг сусайганидан далолат беради, бу пала-партишлик ва қайсарлик тагида мунофиқлик яширинган бўлиши мумкин”.

\* \* \*

“Камтарлик билан йўғрилган гўзалликкина гўзаллик дея аталишга ҳақли. Камтарлиги бўлмаган гўзаллик – гўзаллик эмас, шунчаки хушбичимликдир”.

\* \* \*

“Гўзаллик бутун оламини қалбга олиб кирадиган куч ва истеъ-  
додга эга”. (М. Сервантес)

\* \* \*

“Ял-ял ёнган ёшлик ҳусни ортиқча пардоз-андоздан гуллаган  
пайтидаёқ хазон бўлади”. (Леонардо да Винчи)

\* \* \*

“Яхши, дилкаш одамни кўзидан билса ҳам бўлади”. (М. Аврелий)

\* \* \*

“Рўйи заминда биз учун энг мароқлиси – инсоннинг нурли  
чеҳрасидир”. (Г. Лихтенберг)

\* \* \*

“Инсон чеҳраси ҳамиша унинг ички оламини акс эттиради,  
шу сабабли фикр юзда акс этмайди, деб ўйлаш хатодир”.

\* \* \*

“Ички гўзаллик билан йўғрилмаган ҳеч қандай ташқи ҳусн  
мукамал бўла олмайди”. (В. Гюго)

\* \* \*

“Ўта гўзаллик, энг дилбар ташқи қиёфа ҳам агар ҳеч ким  
шайдо бўлмаса – арзимас сариқ чақа”. (О. Бальзак)

\* \* \*

“Қалб гўзаллиги ҳатто хунук танга ҳам кўркамлик бахш эта-  
ди, худди шунингдек, қалб бемаънилиги энг ажойиб қиёфага ва  
таннинг энг дилбар аъзоларига ҳам қандайдир алоҳида доғ ту-  
ширадики, улар бизда нотайин ижирғаниш уйғотади”.

\* \* \*

“Мафтун этиш – ҳаракатдаги гўзалликдир... Ортиқча ҳаша-  
матсиз биз гўзалроқмиз”. (Г. Лессинг)

\* \* \*

“Инсон чеҳраси унинг тилига нисбатан кўп ва қизиқроқ нар-  
саларни айтиб бериши мумкин: тил фақат инсон фикрларини  
баён этса, чеҳра – фикр моҳиятини кўрсатади”. (А. Шопенгауэр)

\* \* \*

“Гўзаллик – ҳақиқий бахт-саодат ва расмана қаҳрамонлик бў-  
либ, у баландпарвоз гапларга муҳтож эмас”. (В. Раабе)

\* \* \*

“Хотин кизларда гўзал бўлмоқ учун биргина имконият мавжуд, лекин жозибатор бўлмоқликнинг юз минг имконияти бор”.

\* \* \*

“Жозиба чехрага қараганда, кўпинча ақлда мужассамдир, чунки юз хусни яққол кўзга ташланади, унинг кутилмаган сирасрори йўқ; бироқ ақл кишининг истагига қараб, у хоҳлаган меъёрда оз-оздан очилиб боради”. (Ш. Монтескье)

\* \* \*

“Кўпчилик томонидан эътироф этилган зўр фазилатли ва ақлли одам гарчанд бадбуруш бўлса ҳам хунук саналмайди: бадбурушлик аслида бору, аммо у диққатни тортмайди”. (Ж. Лабрюйер)

\* \* \*

“Тан гўзаллиги ошиқларни шайдо қилиши мумкин, уларни бир умр мафтун этиш учун эса қалб гўзаллиги талаб этилади”. (К. Колтон)

\* \* \*

“Маънавий фазилатлар хусни оширади, лекин, афсуски, бизнинг замонда фазилатсиз гўзаллик қалб учун эмас, фақат кўз учун керак”.

\* \* \*

“Ташқи мусаффолик ва кўркамлик, ички мусаффолик ва кўркамликнинг ифодаси бўлиши керак”. (В. Белинский)

\* \* \*

“Гўзаллик баъзи хислат ва белгилардан иборат эмас, балки умумий ташқи қиёфада ва унда ҳаётнинг моҳияти қай даражада акс этишидадир”. (Н. Добролюбов)

\* \* \*

“Гўзал, келишган қад-қомат, кўркам қиёфа, хушовозли кишининг ошиғи олчи бўлиши мумкин. Лекин гўзалликка ортиқча баҳо бериб юбориш ярамайди: бошқа фазилатларсиз гўзалликнинг ўзи зарар келтириши ҳам мумкин”. (Я. Корчак)

\* \* \*

“Яхши хулқ юз кўркига қараганда минг чандон афзалроқдир. Яхши хулқ сизни мафтун этса, хусн фақат диққатни тортади”. (А. Ламартин)

\* \* \*

“Чехра – қалб ойнасидир”. (М. Горкий)



## ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН:

- \* Айғир қандай бўлса, от шундай.
- \* Бешикда теккан, кафанда кетар.
- \* Бир каттанинг гапига кир, бир – кичикнинг.
- \* Бола кўрганини қилар, ота – билганини.
- \* Бола – лой, она – кулол.
- \* Бола туққанники эмас, тарбиялаганники.
- \* Болани сўксанг – бети қотар, урсанг – эти.
- \* Боғинг бўлса, қўра қил, ўғлинг бўлса – мулла қил.
- \* Боқсанг ботир қиласан, тергасанг – тентак.
- \* Бузишга ўрганма, тузишга ўрган.
- \* Бузиғи қариса ҳам, ғамзаси қаримас.
- \* Букрини гўр тузатар.
- \* Дарахтдан мева оламан десанг, ниҳоллигидан парвариш қил.
- \* Дарахтига кўра – меваси, ота-онасига кўра – боласи.
- \* Дарё тўла сув бўлса ҳам, ит тили билан сув ичар.
- \* Дарё чучук – ариқ чучук, дарё аччиқ – ариқ аччиқ.
- \* Етти ёшга етгунча ер тўғмоғин ерсан.
- \* Игна қаёққа юрса, ип ҳам шу ёққа юрар.
- \* Иллат кетар, одат қолмас.
- \* Итни қопағон қилган – эгаси.
- \* Катта арава қайдан юрса, кичик арава шундан юрар.
- \* Катта бошлар, кичик ташлар.
- \* Одам одамдан қутулар, ўз феълидан қутулмас.
- \* Олти кун оч қолсанг ҳам, отанг одатини қўйма.
- \* Она сути билан кирмаган, тана сути билан кирмас.
- \* Она қилса зўрликни, бола тортар хўрликни.
- \* Онадан кўрган тўн бичар, отадан кўрган – ўқ йўнар.
- \* От билан бўлса эшакнинг охури,  
Ранги юқмас, феъли юқар охири.
- \* Ота ғайратли бўлса, бола ибратли бўлар.
- \* Отадан – ўғил, онадан – қиз.
- \* Отаси бузуқнинг бири бузуқ, онаси бузуқнинг бари бузуқ.
- \* Семиз қўзининг гўшти яхши, оқил онанинг – қизи.
- \* Сув билан экин ўсар, тарбия билан – одам.
- \* Сув бошидан лойқа.
- \* Сув бошидан яхши, ҳосил – тагидан.
- \* Қон билан кирган жон билан чиқади.
- \* Таёқ айиқни ҳам мулла қилар.
- \* Теракка қараб тол ўсар, онага қараб – қиз ўсар.
- \* Тойни от қилгунча эгаси ит бўлар.

- \* Тоғ ердан ўсиб чиқар, одам – ота-онадан.
- \* Тулпор – биядан, мард – энадан.
- \* Тўққизида қандай – тўқсониди шундай.
- \* Уста қандай – шогирд шундай.
- \* Устоз – билимли, шогирд – илмли.
- \* Чархни бузган парраси, қизни бузган – онаси.
- \* Эгри бутқни ниҳолида тобини ол.
- \* Эр боласи – эр, шер боласи – шер.
- \* Эрка тутса онаси, талтаяди боласи,  
Тўғри тутса онаси – юртга эга боласи.
- \* Эрка ўғил ёвга ярамас, эрка қиз – ишга.
- \* Эшиги ёмоннинг уйига борма,  
Онаси ёмоннинг қизини олма.
- \* Югансиз отни ўргатиб бўлмас.
- \* Ўзинг пиширган ош – айланиб ич, ўргилиб ич.
- \* Ўғлингни севсанг – қулдек ишлат.
- \* Ўғри ўрганганини ўлгунча қўймас.
- \* Қарғани боққан билан қуш бўлмас.
- \* Қиз берсанг – отасига қараб бер, қиз олсанг – онасига қараб ол.
- \* Қизни онаси тийсин, ўғилни – отаси.
- \* Қориндаги қилиқ қора ерда қолар.
- \* Қуш уясида кўрганини қилар.
- \* Қўзи қўчқордан нишон, ўғил – отадан.
- \* Хўкизнинг ўтини еб, қўйнинг қилиғини қилма.
- \* Одобинг – обрўйинг.
- \* Одоб – олтиндан қиммат.
- \* Осмон офтоби билан, одам одоби билан.
- \* Одоб – кишининг зебу зийнати.
- \* Одобли киши зийнатли, зийнатли киши иззатли.
- \* Ақл – ёшдан, одоб – бошдан.
- \* Бола азиз – одоби ундан азиз.
- \* Одобли элда азиз.
- \* Одоб бозорда сотилмас.
- \* Сўз – кишининг ўзаги, одоб – кишининг безаги.
- \* Одобли келиннинг супургиси хашак остида турар.
- \* Одобли ўғил – кўкдаги юлдуз,  
Одобли қиз – ёқадаги қундуз.
- \* Одобининг белгиси – эгилиб салом бергани,  
Яхшилигин белгиси келиб-кетиб тургани.
- \* Одобнинг боши – тил.
- \* Одобсиз бетга чопар.
- \* Олтин олмай одоб ол, одоб олтин эмасми?

- \* Ота бўлиш осон, одоб бериш қийин.
- \* Қиз бола уйда яхши, эр бола элда яхши.
- \* Яхши қиз эрта туриб соч тарар,  
Ёмон қиз кеч уйғониб, нон сўрар.
- \* Эшик очиқ бўлса ҳам, рухсат сўраб кир.
- \* Хусн – хусн эмас, одоб – хусн.
- \* Чакки юрсанг – дакки ерсан.
- \* Устозингга тик қарасанг, тўзасан,  
Ҳурмат қилсанг, аста-аста ўзасан.
- \* Ҳўл ёғочни эгмагин, тегмаганга тегмагин.
- \* Ҳуш хусн эмас, одоб хусн (*Хусн хулқи билан чиройли*)
- \* Ўғирлик ош баданга юқмас, ёмон бола ота-онага боқмас.
- \* Яхши бола – отага қувват, ёмон бола – укубат.
- \* Чакки юрсанг – дакки ейсан.
- \* Уста борида қўлингни тий, устод борида – тилингни.
- \* Турқи бузукдан хулқи бузук ёмон.
- \* Тек турганга шайтон таёқ тутқизар.
- \* Тегирмонни сув бузар, одамни одам бузар.
- \* Садақасига қараб – савоби, сўзига қараб – жавоби.
- \* Оғани кўриб – ини ўсар, опани кўриб – сингил.
- \* Отанг таъзирини олмай десанг, одам таъсирини ол.
- \* Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл.
- \* Ота олдидан ўтма, одоб олдидан кетма.
- \* Ота олдида кек урма, одобингга чек урма.
- \* Кўп ўйнаган бола – эл кўзида ола.
- \* Каттанинг уялгиси келса – кичикка тегар.
- \* Каттани катта десанг – ўзидан кетар,  
Кичикни катта десанг – каттага етар.
- \* Катта иззатда, кичик – хизматда.
- \* Боланинг эркаси – битнинг сиркаси.
- \* Адабни беадабдан ўрган. (*Изоҳ: Луқмони Ҳакимдан: “Адабни кимдан ўргандингиз?” деб сўрадилар. Жавоб бердиларки: “Адабни беадаблардан ўргандим, уларнинг ҳаракатларидаги менга мақбул бўлмаган нарсалардан ўзимни сақладим (Шайх Саъдийдан) Айрим ривоятларда бу ҳикмат Ийсо алайҳиссаломга нисбатан ҳам айтилган*)
- \* Бирор инсон табиатини билмоқчи бўлсангиз, дўстларига эътибор беринг. (*Япон мақоли*)
- \* Бўри капасини ўзгартиради, феълини эмас. (*Турк мақоли*)



## БИРИНИ ОЙ АНГЛА, БИРИСИН КУЁШ

\*\*\*

“Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. Она-си унга кийналиб ҳомиладор бўлиб, не азобда тукқандир. Унга ҳомиладор бўлиш ва уни (сутдан) ажратиш (муддати) ўттиз ой-дир. Энди у қачон вояга етиб, қирқ ёшга тўлганида: “Парвардигорим, мени Сен менга ва ота-онамга инъом этган неъматингга шукр қилишга ва Ўзинг рози бўладиган яхши амалларни қилишга муваффақ этгин ва Ўзинг мен учун зурриётимда ҳам яхшилик қилгин (яъни фарзандларимни ҳам аҳли солиҳ бандаларингдан қилгин) Албатта, мен Сенга (қилган барча гуноҳларимдан) тавба қилдим ва, албатта, мен мусулмонлардандирман”, – деди”.  
(*Куръони Карим маъноларининг таржимаси, Аҳқоф сурасидан*)

\*\*\*

“Эй инсон, Парвардигоринг, сизларга Ёлғиз Унинг Ўзига ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этди. Агар у икковидан бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга қараб “уфф” дема, уларга озор берма, сўзларин қайтарма ва уларга доимо яхши сўз айт. Улар учун меҳрибонлик ила хокисорлик қанотингни паст тут ва “Роббим, алар мени гўдаклик чоғимда тарбиялаб ўстирганларидек, Сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин”, деб ҳақларига дуо қил”. (*Исро сурасидан*)

\*\*\*

“Аллоҳга бандалик қилинглари ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманглари! Ота-онангизга яхшилик қилинглари!”. (*Нисо сурасидан*)

\*\*\*

“Биз инсонларни ота ва онасига яхшилик қилишга буюрдик. Чунки уни болалик ҳолида (яъни ҳомиладорлик пайтида) онаси заифлик (ожизлик) устига заифлик бўлган ҳолида қорнида кўтариб юрди, туғилгандан сўнгра икки йил эмишда давом этди. Биз инсонга: “Менга ва ҳам ота-онангга шукргузор бўл”, деб буюрдик (*Изоҳ:чунки Аллоҳ сени йўқдан бор қилди. Ота ва онанг тарбият этди*) Қиёмат куни Менинг ҳузуримга қайтасан. Агар ота-онанг сенга ўзинг билмаган нарсани – Аллоҳга ширк келтиришни буюрса, шунда уларга итоат қилма! Балки уларга дунёда яхшилик қил ва хизматларини бажо келтир!”. (*Луқмон сурасидан*)

\*\*\*

Саъд ибн Абу Ваққос дедилар: “Аллоҳ таоло Қуръони каримдан тўрт оятни менинг ҳақимда туширди. Онам: “Сен Муҳаммаддан ажралмағунингча мен ҳеч нарса емайман ҳам, ичмайман ҳам” деб қасам ичган эдилар. Шунда Аллоҳ таоло: “Агар улар (яъни ота-онанг) сени ўзинг билмаган нарсаларни Менга шерик қилишга зўрласалар, у ҳолда уларга итоат қилма, Уларга (гарчи кофир бўлсалар-да), дунёда яхши муомалада бўлгин”. (Луқмон сурасидан), деб буюрди”.

\*\*\*

Шарафли ҳадисларда Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:  
“Оталарингизга меҳрибон бўлинглар, шунда сизлар ҳам фарзандларингиздан меҳр-мурувват кўрасиз”.

\*\*\*

“Ота-онанинг йиғлаши боладан норози бўлганларидан далолат беради ва бу эса катта гуноҳлардандир”.

\*\*\*

“Ким ота-онасини рози қилса, Аллоҳни рози қилган бўлади. Ким ота-онасини ранжитса, Аллоҳни ранжитади”.

\*\*\*

“Кимни умрининг узайтирилиши ва ризқининг орттирилиши қувонтирса, ота-онасига яхшилик қилсин ва улар билан яхши алоқа ўрнатсин”.

\*\*\*

“Кимни отаси билан қабрда алоқасининг давом этиши қувонтирса, отаси вафотидан кейин унинг ака-ука, опа-сингилларига яхшилик қилсин”.

\*\*\*

“Яхшиликнинг энг афзали кишининг отаси вафотидан кейин унинг дўсти билан яхши алоқа қуришидир”.

\*\*\*

Ҳофиз Абу Бакр Баззор Будайда оталаридан ривоят қиладилар: Бир одам зиёратда онасини кўтариб юриб тавоф қилдираётган экан. Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан «Онамнинг ҳаққини адо қилдимми?» – деб сўрабди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Йўқ, бир оҳ тортининг ҳаққини ҳам адо қилганинг йўқ», деган эканлар».

*(Мазкурнинг яна бир гўзал давоми ҳам мавжуд:*

*Абу Бурда ибн Аби Мусо Ашъарийнинг айтишларича, Абдуллоҳ Ибн Умар бир яманлик одамнинг ўз онасини опичлаб, хонаи Каъба-*

ни тавоф қилдириб юрганини кўрдилар. У одам бир байтни оҳанг билан ўқиркан:

Онаи зорим учун бўйнимни эгкан теваман (туяман),  
Тевага минган онам ҳорсаларда, мен чарчамам.

У шунни ўқиб туриб, Абдуллоҳга қаради-да: «Эй Абдуллоҳ ибн Умар! Мана шу хизматим билан мен онамнинг хизматини қила олдимми?» – деб сўради. «Йўқ, бу хизматинг сени туғиш вақтида онагни қийнаб тутган тўлғоқларининг биттасига ҳам баробар эмас», – дедилар».)

\* \* \*

Бир киши Муҳаммад алайҳиссаломдан:

– Мен онамни кўтариб Маккани зиёрат қилдирдим, ҳақини адо қилдимми? – деб сўради.

Расулуллоҳ (с.а.в.) унга жавоб қилдилар:

– Йўқ, у сени кучоғида олиб юрганда “фарзандим униб-ўссин, катта бўлсин”, деб ўйлаганди. Сен эса кўтариб юрган пайтингда онангнинг ўлими ҳақида ўйлардинг...

\* \* \*

Бир киши Ҳажга бормоқчи бўлди. Аммо кекса онасини ёлғиз ташлаб кетишга кўзи қиймади. «Устозга бораман, нима десалар шу», деб ҳазрати шайх Абу Ҳозими Маданий ҳузурларига келди. Шайх ҳазратлари ухлаётган эдилар. Уйғониб дедиларки: «Ушбу дам тушимда Пайғамбаримизни (алайҳиссалом) кўрдим. Дедиларки: «Ҳажга кетмоқдан кўра она ҳаққини сақламоқ сенга яхшироқдир». Сен онангнинг ризосини истаки, Аллоҳнинг ризоси шундадир.

\* \* \*

Башир ибн Саъд (р.а.) ўз ўғиллари Нуъмон ибн Баширни кўтариб Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келдилар-да: «Ё Расулаллоҳ! Мен шу ўғлим Нуъмонга фалон-фалон нарсаларни бердим, сиз шунга гувоҳ бўлинг», – дедилар. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Барча болаларингга ҳам шундай нарсаларни бердингми?» – деб сўрадилар. Башир: «Йўқ, фақат Нуъмоннинг ўзигагина бердим», – деган эдилар, Расулуллоҳ (с.а.в.): «Шундай қилган бўлсанг, мен бунга гувоҳ бўла олмайман, бошқа одамларни гувоҳ қил», – дедилар. Кейин: «Ўзингнинг фарзандларингнинг ҳаммаси сенга бир хилда яхшилиқ қилишларини хоҳлайсанми?» – деб сўрадилар. У киши: «Албатта, шундай бўлишини хоҳлайман», – деган эдилар, Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ундай бўлса, Нуъмоннинг ўзигагина бериб, бошқаларини маҳрум қилишинг дуруст эмас», – дедилар



(Имом Бухорий ҳазратлари «мазкур ҳадисдаги Расулulloҳ (с.а.в.)нинг «Мен бунга гувоҳ бўлмайман», деган сўзларидан «бошқалар гувоҳ бўлган тақдирда болаларингдан биттасига бериб, бошқаларига бермасанг ҳам бўлаверади», деган маънони англамаслик керак», – деб изоҳ берадилар)

\* \* \*

Муовия ибн Ҳайида (р.а.) айтадилар: «Расулulloҳ (с.а.в.)дан «Эй Расулаллоҳ, мен яхшилигимни кимга қилсам бўлади?» – деб сўрадим. «Онангга», – дедилар. Мен бу саволни уч марта қайтарсам ҳам Расулulloҳ «Онангга», деявердилар. Тўртинчи марта сўраганимда: «Отангга ва яқин бўлган қариндошларингга», – дедилар.

\* \* \*

Расул алайҳиссалом минбарга чиқаётиб, бир қадам ташлаб «омийн» дедилар. Яна бир қадам ташлаб яна «омийн» дедилар. Учинчи қадамни босганларида ҳам «омийн» дедилар. Минбардан тушганларида саҳобалар «Ё Расулаллоҳ! Хутба ўқиш учун минбарга чиқаётиб нима сабабдан уч марта «омийн» дедингиз?» – деб сўрашди. Шунда Расулulloҳ (с.а.в.): «Мен минбарга чиқаётганимда Жаброил алайҳиссалом келиб «онаси ва отаси ҳаётлик вақтида ёки булардан бири ҳаёт бўла туриб, уларнинг розилигини олмаган ва жаннатий бўла олмаган ва бу имкониятни бой берган фарзанднинг бурни ерга ишқалансин!» – дедилар. Мен ҳам «омийн» дедим» – дедилар.

\* \* \*

Дарро ибн Озибдан (р.а.) ривоят қилинишича, у киши: «Мен Расулulloҳ (с.а.в.)нинг имом Ҳасанни елкаларига миндириб: «Эй Раббим! Мен бу набирамни севаман, Сен ҳам уни севгин!» деб келаётганларини кўрган эдим», – дедилар.

\* \* \*

Анас ибн Молик (р.а.) айтадилар: «Ҳазрати Оишага (р.а.) бир бечора хотин тиланиб келди. Оиша унга учта хурмо берган эдилар, у ёнидаги икки боласига биттадан хурмо берди-да, биттасини ўзи учун олиб қолди. Болалар хурмоларини еб бўлишиб, яна оналарига умид билан қарашди. Она қўлида ушлаб турган хурмони иккига бўлди-да, болаларига узатди. Расулulloҳ (с.а.в.) келганларида Оиша бу воқеани ул жанобга айтиб берган эдилар, Сарвари коинот (с.а.в.) дедилар: «Сен бунга нима учун ажабланасан? Икки боласига марҳамат, меҳр-шафқат қилгани учун Аллоҳ таоло ҳам унга марҳамат қилади».

Расулulloх (с.а.в.):

– Биби Марямнинг ўғиллари хазрати Ийсо алайҳиссалом билан Журайжга сўзлаган боладан бўлак ҳеч бир бола бешикдалигида гапирган эмас, – дедилар.

Саҳобалар: «Ё Расулаллох, Журайж ва унга сўзлаган бола ким эди?» деб сўрашганида, Расулulloх бу ривоятни айтиб бердилар:

– Журайж ўзининг доимий ибодати билан машғул роҳиб бўлиб, унинг ибодатхонаси атрофида бир подачи сигирларини ўтлатиб юрар эди. Шу ибодатхона яқинидаги қишлоқда яшовчи бир хотин подачи ёнига келиб-кетиб турарди. Журайж бир куни ибодат билан машғул эканида онаси келиб чақирди. Журайж онасининг овозини эшитди, аммо ибодатни давом эттирайинми бузиб, жавоб қилайинми деб ўйга толди. Ўйланиб-ўйланиб, ибодатини бузмай, онасига жавоб қайтармади. Онаси иккинчи, учинчи марта ҳам чақирганида жавоб бўлмагач, «Аллоҳ таоло сени фоҳиша хотинларга йўлиқтирсин», – деб дуойибад қилиб, изига қайтиб кетди. Орадан кўп ўтмай ўша подачи ёнига келиб-кетиб турадиган хотин бола туғиб қўйди. Уни бузқликда айблаб, подшоҳ ҳузурига келтириб, сўроқ қилишганда «Бу бола ибодатхонадаги роҳибдан бўлган», – деб тухмат даъвосини қилди. Буни эшитган подшоҳ ғазабланиб, «роҳибнинг ибодатхонаси бузилсин, ўзи бу ерга келтирилсин!» деб амр қилди. Буйруққа асосан ибодатхона бузилиб, Журайжнинг қўллари арқон билан боғланиб келтирилди.

Журайж йўлда кела туриб, томоша қилиб турган фоҳишаларга кўзи тушди-да, кулиб қўйди. Подшоҳ: «Бу хотин туғилган болани сендан бўлган, деяпти», – деди. Журайж хотинга қараб: «Шундайми?» – деб сўради. Хотин «Ҳа, шундай», – деди. Шунда Журайж йўртакдаги болага қараб: «Сенинг отанг ким?» – деб сўради. Чақалоқ тилга кирди-да: «Менинг отам подачи», – деб жавоб қилди ва унинг гапини тўпланганларнинг ҳаммаси аниқ эшитди. Подшоҳ тухматчи ва зинокор хотин билан подачини жазога ҳукм қилгач, Журайжга узр айтиб: «Энди ибодатхонангни янгидан қуриб берамиз», – деди. Журайж бу таклифни қабул қилмагач: «Ибодатхонангни кумушдан қуриб берайинми?» – деб сўради. Журайж бу таклифни ҳам қабул қилмай: «Ҳашамнинг кераги йўқ, ибодатхона аввалги ҳолига келтириб берилса кифоя», – деб жавоб қилди. Шундан сўнг подшоҳ:

– Хўш, менга айт-чи, қўлларингни боғлаб олиб келаётганларида ғазабланиш ўрнига нима учун кулдинг? – деб сўради.

– Юз берган воқеани кўзим билан кўриб кулгим келди. У ҳам бўлса, онамининг менга қилган дуойибадлари эди, – Журайж шундай деб бўлиб ўтган воқеани сўзлаб берди.

\* \* \*

Набий (с.а.в.) сафарга чиққан уч киши ҳақида гапириб бердилар:

Сафардаги уч киши тунаш учун бир ғорга кирди. Бу он тепадан бир харсанг тош кулаб, ғор оғзини беркитиб қўйди. Тошни суришга уринишди, аммо уддалай олишмади. Ниҳоят, улар бажарган яхши амалларини эслаб, Аллоҳга дуо-илтижо қилишга қарор беришди. Улардан бири шундай деди:

– Ё Аллоҳ, менинг қари ота-онам бор эди. Мен қўйларимни ўтлатгани олиб чиқардим, қайтиб келгач, соғардим. Соғилган сутни аввал ота-онамга ичирардим. Кейин эса болаларим ва хотинимга берардим. Бир куни кеч қолдим. Қайтганимда ота-онам ухлаётган эканлар, уларни безовта қилиб уйғотгим келмади. Болаларим эса оч қолишди. Шундай қилиб тонг отди. Аллоҳ, шубҳасиз биласан, буни Сенинг розилигинг учун қилдим. Бизни бу қийинчиликдан қутқар.

Унинг ҳамроҳлари ҳам қилган яхши амалларини айтиб, дуолар қилишгач, тош сурилиб ғор оғзи очилди.

\* \* \*

Анас ибн Моликдан (р.а.) ривоят қиладилар:

«Расулulloҳ (с.а.в.) ёнларида Суффада эдик. Ҳижрат қилган бир аёл Расули акрамнинг хузурларига келди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) уни аёллар ёнига, ўғлини эса бизнинг ёнимизга юбордилар. Орадан кўп ўтмай, аёлнинг ўғли вабога чалиниб, вафот этди. Сарвари олам (с.а.в.) йигитнинг кўзларини юмганларидан сўнг, уни ювиш учун тайёргарлик кўраётганимизда менга:

– Эй Анас! Бор, онасига хабар қил, – дедилар.

Онасига хабар бердим. Онаси келиб, ўликнинг оёқ учи томонига ўтирди ва фарзандининг совуб қолган оёқларини ушлаб дуо қилди:

– Аллоҳим! Мен ўз хоҳишим билан мусулмон бўлдим. Сенинг динингга кирдим. Бутларга сиғинишни тарк этдим. Ўз хоҳишим билан Сенга юқиндим ва Пайғамбарингни севдим. Аллоҳим! Мени бало-мусибатларга дучор қилиб, бутпарастрларни севинтирма ва тоқатим етмайдиган ушбу мусибатни менга юклама...

Аллоҳга қасамки, аёл дуо қилиб бўлар-бўлмас, ўликка жон қайтди, бола оёқларини қимирлатиб, кўзларини очди. Расулulloҳ (с.а.в.) вафот этгунларига қадар ҳам у йигит тирик эди...»

\* \* \*

Расулulloҳ (с.а.в.) сафарга кетмоқчи бўлган бир одамдан: “Боқининг керак бўлган ота-онанг борми?” деб сўрадилар. У одам “Ҳа”, деди. Расулulloҳ улардан рухсат олган-олмаганини сўрадилар. У одам: “Йўқ”, деди. Шунда Расулulloҳ: “Қайт ва



улардан рухсат сўра. Рухсат беришса, чиқ, бўлмаса, улар олдидаги вазифангни бажар”, дедилар.

\* \* \*

Абу Усайд (р.а.) хикоя қиладилар:

«Биз Расулulloҳ (с.а.в.) ҳузурларида эдик. Шу вақт бир киши келиб: «Ё Расулаллоҳ! Ота-онамнинг ҳаёт вақтларида қилган яхшиликларимдан ташқари уларнинг вафотидан кейин яна нима қилсам шу яхшилигим давом этади?» – деб сўради.

Расулulloҳ (с.а.в.) унга дедилар:

– Тўртта нарсани қилиб юрсанг, уларга қиладиган яхшилигинг давом этаверган бўлади. Уларнинг бирламчиси – ота-онанг ҳақларига дуо қилсан ва гуноҳларини кечирмакни Аллоҳ таолодан сўрайсан. Иккиламчиси – уларнинг насиҳат ва шаръий вазиятларини амалга оширасан. Учламчи – уларнинг дўстларини ҳурматлайсан ва тўртламчи – қавм-қариндошлар билан улар туфайли қарор топган қариндошлик алоқаларини узмайсан.

\* \* \*

Ҳазрати Оиша онамиз (р.а.) айтадилар: «Расулulloҳ ҳузурларига бир аъробий келиб: «Сизлар ёш болаларингизни ўпасизми? Бизларда бундай одат йўқ», – деди. Расулulloҳ (с.а.в.): «Аллоҳ таоло сенинг кўнглингдан раҳматини тортиб олган бўлса, уни мен қандай қилиб сенинг кўнглингга жойлай оламан», – дедилар.

\* \* \*

Абу Ҳурайра (р.а.) айтадилар: «Расулulloҳ бир куни набиралари имом Ҳусайнни ўпдилар. Бу вақт ҳузурларида Акраъ ибн Ҳобис ўтирган эдилар. У киши: «Менинг ўнта болам бор, улардан биттасини ҳам мен ўпган эмас-ман», – дедилар. Жаноби Расулulloҳ (с.а.в.) унга қарадилар-да, дедилар: «Марҳаматли бўлманган кишига Аллоҳ таоло ҳам марҳамат назари билан қарамайди».

\* \* \*

Ривоят қилурларким, ҳазрати Умар (р.а.) бир мўътабар одамни шаҳар ҳокими этиб тайинламоқчи бўлдилар. Котиб фармонни ёзишга киришган онда бир гўдак кириб амиралмуслиминнинг тиззаларига чиқиб, ўтириб олди. Халифа болакайни ўпиб, эркаладилар.

Ҳокимликка тайинланаётган киши буни кўриб:

– Бу гўдак ўз ўғлингизми? – деб сўради.

– Йўқ, бу бир камбағалнинг фарзанди. Ота-онаси вафот этган. Болани ўз тарбиямга олганман, – дедилар ҳазрати Умар.

У киши халифанинг мулойим қалбли, шафқат, марҳаматли эканликларига ажабланиб, деди:

– Менинг ўнта фарзандим бор. Мен ўз болаларимни ҳам эр-калаб, ўпмайман. Болаларим мени кўришганда зириллаб туришади. Ота шундай бўлиши керак эмасми?

Халифа бу сўзларни эшитиб, ёзилган фармонни олиб йиртиб ташладилар-да дедилар:

– Бу одамни ҳоким этиб тайинлашни истамайман. Ўз фарзандларига тошкўнгил бўлган одам халққа қандай манфаат етказиши мумкин?

\* \* \*

Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) Тайсала ибн Миёсдан «Дўзахдан кўрқиб жаннатга киришни хоҳлайсанми?» деб сўрадилар. «Албатта хоҳлайман», дедилар Тайсала. «Ота-онанг тирикми?» – деб сўрадилар. «Отам вафот этганлар, аммо онам борлар», дедилар Тайсала. Шунда Абдуллоҳ ибн Умар дедиларки: «Катта гуноҳлардан ўзингни сақлаганингдан кейин онангга қаттиқ гапирмасанг, унинг об-овқатини бериб турсанг, албатта жаннатга кирасан», – дедилар.

\* \* \*

Ривоят қилдиларким, Марвон ибн Ҳакам Мадинадан бир жойга сафарга кетганларида ўз ўрниларига Абу Ҳурайрани қолдириб кетардилар. Абу Ҳурайра Зу-л-Ҳулайфада туриб, ўзлари бир хонада, оналари эса бошқа хонада яшардилар. Абу Ҳурайра қачон ўз хоналаридан ташқарига чиқадиган бўлсалар, оналарининг эшиги олдига келиб салом берардилар-да: «Мени ёшлигимдан тарбият қилганингиз учун сизга Аллоҳ таолонинг раҳмати бўлсин», – дер эдилар. Оналари ҳам у кишининг саломларига жавоб қайтариб: «Катта бўлганингда менга яхшилик қилаётганинг, розилигимни олаётганинг учун сенга ҳам Аллоҳ таолонинг раҳмати бўлсин», дер эдилар. Абу Ҳурайра ташқаридан қайтиб келганларида ҳам она-бола ўртасида шу муомала такрорланарди.

\* \* \*

Абу Ҳурайра (р.а.) икки одамни кўрдилар ва биридан иккинчиси билан алоқасини сўрадилар. “У менинг отам”, деб жавоб қайтарди. Абу Ҳурайра унга: “Уни исми билан чақирма, юргангидан ундан олдинда юрма, ундан олдин ўтирма”, дедилар.

\* \* \*

Луқмони Ҳакимдан сўрадилар:

– Насихатларингизнинг кўпи ёшларга таалуқли бўлади. Аммо ёши катталарга аталгани камроқ, бунинг сабаби нимада?

Жавоб бердилар:

– Боғбон ерни юмшатиб бир дарахт кўчати ни ўтказиб, унинг атрофини хас-хашакдан, зарарли ёввойи ўтлардан тозалаб, керак бўлган вақтда сув бериб турса, умуман яхши эътибор бериб тарбияласа, тез вақтда дарахт вояга етади. Унумли, серхосил бўлади. Бола ҳам ёшлигидан бошлаб яхши тарбия қилинса, гўзал ахлокли, одобли этиб ўстирилса, у бола ўзига ота-онасига бахт-саодат келтиради, жамиятнинг энг фойдали аъзоси бўлиб етишади. Шунинг учун мен ёшлар одоб ахлоқига, таълим-тарбиясига кўпроқ аҳамият бераман, ваъз-насиҳатларимнинг кўп қисми ёшларга оид бўлади.

\* \* \*

“Боланинг ёши ўнга яқинлашганида номаҳрам аёллар ёнида ўтириши мумкин эмаслигини англадинг”.

\* \* \*

“Болага кичкиналигида билим бер, яхши ишлари учун мукофотла, ёмонларининг ёмонлигини ўзларига тушунтир”.  
(Саъдий Шерозий)

\* \* \*

Шайхлар дебдиларким: «Волидука – роббука», яъни отанг – парвардигорингдир. Дейилмиш бу маънодан ширк кўрилмаслиги, аксинча, «тарбиячи Тангрига итоат этганинг каби ота-онага ҳам итоатда тургин», дейилмиш маънони уқмоқ жоиз. Тангрининг инсон тарбиясига оид амрини болага энг аввало ота-она етказади. Бу ўринда «роббука» – тарбиячи эканига ишора ҳамда масъулият юки ҳам англашилса дуруст бўлар. Халқда «Ҳаким ота» номи билан машхур зотлардан Ҳаким Сулаймон «ота – қодири қаййум, она – розиқи марсум», деган эканлар. Яъни ота Аллоҳнинг абадий қудрат эгаси сифатига, она эса Аллоҳнинг барча жонзотга ризқ берувчи сифатига ўхшатиляпти.

\* \* \*

“Эй фарзанд, билғилким, ақл юзасидан фарзандга ота-онани ҳурмат қилиш вожибдур, нединким унинг асли ота ва онадур. Ота ва онани нима учун ҳурмат қилурман деб кўнглингга келтурмағил, билғилки улар сенинг учун ўлимга ҳам тайёр турадурлар.

Ҳар фарзандки, оқил ва доно бўлса, ҳеч вақт ота ва онанинг меҳр ҳақини адо қилмоқдин холи бўлмағусидир. Ота-она фармонбардордур. Бу фармонбардорликда ҳам иш бўлғай ва ҳам фармон бўлғай. Ота-онанинг иши сени парвариш қилмоқдур ва



фармони сенга яхшилик ўргатмоқдур. Эй фарзанд, шул важдин ота-онангни сал ҳам ранжитмағил.

Ота-онанинг ҳақиға дин нуқтаи назаридан риоя қилмасанг ҳам, ақл юзидан, муруват юзидан риоя қил ва кўрғил: ота-она аслида сени жон ва дил била парвариш қилмишлар. Агар улар ҳақида камчиликлар қилсанг, тақсир кўргузсанг, сен ҳеч яхшиликка сазовор эмасдурсан, нединким ҳар киши аслининг яхшилигин билмаса, ўзганинг ҳам яхшилигин билмағусидир. Ўз фарзандинг сенинг ҳақингда қандай бўлишин тиласанг, сен ҳам ота-онанг ҳақида шундай бўлғил, нединким сен ота-онангга нима иш қилсанг, фарзандинг ҳам сенинг ҳақингда шундоқ иш қилур, чунки одам мевага, ота-она дарахтга ўхшайдур. Дарахтни ҳар қанча яхши тарбият қилсанг, меваси шунча яхшироқ ва ширинроқ бўлур. Ота-онага иззат ва ҳурматни қанча кўп қилсанг, уларнинг дуолари шунча тезроқ мустажоб бўлур.

Зинҳор мерос олмоқ ҳирси била ота-онанг ўлимини тиламағилки, уларнинг ризқи била сенинг ризқинг етишур. Ота-онанинг ўлимини тиламағил, чунки ота-она ўлмай юрсалар ҳам ризқинг етишаверади, нединким, ризқ тақсимлангандур ва у ҳар йўл била восил бўлур. Рўзий насиба учун ўзингни кўп ранж-машаққатга қўймағил, бул насиба ранж ва азоб-уқубат била зиёда бўлмағусидир (*Амир Унсурулмаолий Кайковус*)

\*\*\*

“Таниқлигу шарафинг отангдандир, меҳрибонлик, мушфиқлик онангдандир”. (*Абулқосим Замашарий*)

\*\*\*

“Баъзи китобларда ўқидимки, фарзанд учун ота-онанинг ҳузурида икковининг изнисиз гапириш, икковидан олдин юриш (ўнган ҳам, чапдан ҳам) лозим бўлмайди. Борди-ю, уни икковлари чақирисса, аввал жавоб бериб, сўнгра уларнинг орқаларидан юради”. (*Фарқанд Сабахий*)

\*\*\*

“Аёл кишига энг ҳаққи кўп киши эрдир, эркак кишига энг ҳаққи кўп киши – онасидир”. (*Абу Лайс Самарқандий*)

\*\*\*

«Ҳақиқий фарзанд ҳар бир соҳада ўз отасининг ҳукмига тобе бўлади”. (*Бархурдор ибн Маҳмуд*)

\*\*\*

“Ким отасини ва онасини лаънатласа, унинг ўзи ҳам лаънатлангандир”. (*Ҳишом ибн Урва*)

\* \* \*

“Она ҳаққига диққатли бўл, уни бошингга кўтар. Зеро, оналар тўлғоқ машаққатини чекишни бўйинларига олмаганларида чақалоқлар дунёга келиш учун йўл топа олмас эдилар”.

\* \* \*

“Бир хотун ўзининг тўрт ёшлик қизини етаклаб боғчага чиқди. Ул вақт баҳор фасли эди. Боғча ёнига кўкарган яшил ўланлар ва новда учида очилишга яқинлашган гул ғунчалари ила зийнатланмиш эди. Яшил ўланлар орасида ҳар тарафга чўзилиб кетган узун-узун йўллар боғчанинг ҳуснини орттурмиш ва ўртадан ўтадурғон улуғ сув боғчани иккига айирмиш эди.

Бу боғчага кирғанда ёш қизнинг кўнгли очилуб, ҳар тарафга югурмоқча бошлади. Гоҳо ўланлар устига ётуб юмаланур эди. Гоҳо кўзига яхши кўринган гулларни узиб, кўксига тақуб, онасига кўрсатарди. Онаси сув бўйида ўтириб, қизининг ёқимли ҳаракатларини томоша қиларди. Лекин бу хурсандлик узоққа бормади. Сув бўйида янгигина очилган бир гулни кўриб, узаман, деганда қизнинг оёғи тойиб сувга йиқилди. Онаси бу ҳолни кўриб, “Дод, болам! Сан ўлгунча ман ўлай!” – деб қизининг орқасидан ўзини сувга отди. Бу товушни боғбон эшитиб, югуриб келди. Буларни бу ҳолда кўриб, кийимларини ечиб, ўзини сувга ташлади. Бориб, аввал онасини қутқармоқчи бўлганди, онаси: “Мани қўй, аввал боламини қутқар”, – деб боғбонга ялинди. Боғбон ҳам қабул қилиб, аввал болани қутқариб, сув четига чиқарди. Боғбон қайтиб борғунча бечора она хийла ерға оқуб бормиш, ўз жонини боласига қурбон қилмиш эди”. (*“Адибус-соний” китобидан*)

\* \* \*

“Дунёда болаларга энг дўст ва меҳрибон кишилар ўзларининг ота ва оналаридурлар. Ҳар она ўз боласини аввал тўққиз ой қорнида кўтариб юради. Сўнгра қанча азоб ва меҳнатлар ила туғар. Бола туғулган замонда “инга” деб йиғламоқдан бошқа бир нарсани билмас. Она бечора шу болани гоҳ кўтаруб, гоҳ ётқизуб, гоҳ турғузуб, гоҳ ўтқузуб тарбия қилар. Йиғласа, овулар. Оч қолса, эмизиб тўйғузар. Алҳосил, боланинг хурсандлиғи ва саломатлиғи нима ила бўлса, ҳар бирини қилур. Керак бўлганда, молини ва жонини боласидан аямас. Ота эса кеча ва кундуз ишлаб топган нарсасини болаларининг ош, нон ва кийимлариға сарф қилур. Бунинг устига “Ўзумдан сўнгра болаларимға қолсун, болаларим кишиға муҳтож бўлмасин”, деб бир нарса орттириб қўймоқ ҳаракатида бўлур. Ота-онанинг кеча ва кундуз Худодан тилаган нарсаси болаларининг саломатлиғи ва узун умр кўрмоғи, дунё

ва охиратда бахтли бўлмоғидур. Болаларга бундай дўстлик ва яхшиликни ота-онадан бошқа ҳеч ким қилолмайду. Шул сабабли болаларга ўз ота-оналарини чин кўнгил ила дўст тутмоқ, буюрган ишларини қилмоқ, қайтарган ишларидан қайтмоқ лозимду.

Байт:

*Кишининг бор эрса ото ва оноси,  
Ғаниматду анга аларнинг ризоси.  
Худонинг қошида қабули яқинду,  
Ото ва ононинг болага дуоси.  
Оларнинг ким оғритса кўнгилларини,  
Қиёматда бўлгай жаҳаннам жазоси”. (Мунаввар қори)*

\* \* \*

“Уйланишнинг биринчи мақсади фарзанддир. Авлодни тарбиялаш инсониятнинг хизматидир. Қачонки биз яхши ахлоқ эгаси бўлган фарзандларни тарбияласак, шундагина бўйнимиздаги бу хизмат мажбурияти соқит бўлади. Кимки, бадахлоқ болаларни тарбия эста, инсониятга хизмат эмас, балки душманлик қилган бўлади. Жамият уларнинг фарзандларидан безор бўлади. Хуш ва яхши ахлоққа эга бўлган фарзанд, хушахлоқ иймон соҳиб бўлган ота-онадан туғилади, агарда ота ва она ахлоқсиз бўлсалар, уларнинг тарбиялари соясида ўсган фарзанд ҳам бадахлоқ бўлади. Бинобарин, куёв ва келин хушахлоқ бўлишлари энг яхши фазилатдир”. (Абдурауф Фитрат)

\* \* \*

“Фарзандларингизнинг илм ва адабини ўзингизнинг илм ва адабингиз билан чекламанг, уларни келгуси замон учун тайёрланг, чунки улар сизнинг замонангизга тегишли эмас, улар келгуси замон одамларидир”. (Афлотун ҳаким)

\* \* \*

“Ота-онага муҳаббат – барча яхши фазилатларнинг онаси”. (Цицерон)

\* \* \*

“Иззат-ҳурмат ота ва онани, шунингдек, болаларни ҳам кўриқлаб турувчи посбондир; у ота-онани кулфат ва ғамдан, болаларни эса виждон азобидан қутқаради”.

\* \* \*

“Она юраги битмас-туганмас мўъжизалар манбаи... Она юраги мисоли чуқур жарлик, тубидан ҳамиша кечирим топасиз”.



\* \* \*

“Онанинг бахти маёқдай келажакни ёритади, аммо ўтмишга хотира каби қайтади”.

\* \* \*

“Она муҳаббатидан муқаддасроқ ва беғаразроқ ҳеч нарса йўқ; ҳар қандай меҳр-муҳаббат, ҳар қандай эҳтирос унга нисбатан ё ожиз ё ғаразлидир”. (В. Белинский)

\* \* \*

“Болаларинг сенга қандай муносабатда бўлишини истасанг, ота-онангга ҳам шундай муносабатда бўл”. (Исократ)

\* \* \*

“Оталар ва болалар бир-бирларидан рози-ризолик кутиб ўтирмасдан, зарур нарсаларни олдиндан бир-бирларга беришлари лозим. Лекин бу ишни биринчи бўлиб ота қилиши керак”. (Диоген)

\* \* \*

“Сиз ота-онангиз билан қандай муомалада бўлсангиз, болаларингиз ҳам сиз билан шундай муомала қилишини ёдда тутинг”. (Фалес)

68

\* \* \*

“Ота-оналар билан фарзандлар ўртасидаги муносабат ҳам севишганлар ўртасидаги муносабат сингари оғир ва шу қадар ҳаяжонлидир”. (А. Моруа)

\* \* \*

“Болалар йигирма беш ёшгача ота-оналарини севадилар; йигирма беш ёшда уларни қоралайдилар; сўнгра уларни кечирадилар”. (И. Тэн)

\* \* \*

“Энг разил, айна пайтда энг оддий ва азалий кўрнамаклик – фарзандларнинг ота-онани қадрламаслигидир”. (Л. Вовенарг)

\* \* \*

“Ота-оналар билан фарзандлар ўртасида бутунлай сир бўлмаслиги дунёда энг кам учрайдиган ҳодисадир”.

\* \* \*

“Дунёда ота-оналарнинг фарзандлари билан очиқ гапиришларидек кам бўладиган нарса йўқ”. (Р. Роллан)

\* \* \*

“Болалар ўз ота-оналарида ўтмишни, ота-оналар ўз фарзандларида келажакни кўрадилар; ота-оналарда болаларига нисбатан фарзандларнинг ота-оналарга муҳаббатига қараганда кўпроқ меҳр учратар эканмиз, бу қайғули, айни дамда табиий ҳолдир. Хотиротлардан кўра орзу-умидларини кўпроқ яхши кўрмайдиган одам борми?”. (И. Этвес)

\* \* \*

“Аввалига биз болаларимизни ўргатамиз. Сўнгра ўзимиз улардан ўрганамиз. Кимки буни хоҳламас экан, ўз давридан орқада қолади”. (Я. Райнис)

\* \* \*

“Васийликка олинган болами ёки бутун халқми, бундан қатъи назар, у балоғатга етгач, қоида бўйича васийлик тўхтатилади. Балоғат ёшидан кейин давом этадиган васийлик зўравонликка айланади”. (В. Гюго)

\* \* \*

“Тўғри, фарзандларга – ҳали улар бола эканлар – ота-оналар томонидан васийлик қилиниши, бироқ айни пайтда улар бир умрга бола бўлиб қолмасликларига тайёрланилиши лозим”. (Х. Виланд)

\* \* \*

“Гап кимнинг боласи эканлигингда эмас, ким билан улфат тутишганигингда”. (М. Сервантес)

\* \* \*

“Албатта ўғил ўзига хотин танлаш ҳуқуқига эга, бироқ ўзининг бутун бахтини муносиб наслида қолдириб кетаётган ота ҳам бу ишда лоақал маслаҳати билан иштирок этишга ҳақлидир”. (В. Шекспир)

\* \* \*

“Ҳаётнинг муҳим вазиятларида ота-онанинг суянчиғи бўлиш ажойиб иш, бироқ уларнинг кўп икир-чикир ва бемаъни талаблари жонли, эркин, дадил истейдодни бўғади”. (А. Грибоедов)

\* \* \*

“Ҳар бир она ўзига қараганда қизи яхшироқ эрга тегишига умид қилади ва ўғли ҳеч қачон онасидан яхши хотин ололмаслигига ишонади”. (М. Андерсен-Нексе)

\* \* \*

“Ўз фарзандларини бахтли қилишга интилувчи меҳрибон она кўп ҳолларда ўзининг тор қарашлари, калтабин мўлжаллари, кераксиз ғамхўрлик ва меҳрибонликлари билан уларнинг қўлоёқларини боғлаб қўяди”. (Д. Писарев)

\* \* \*

“Кўрнамак ўғил бегонадан ёмон. У жинойтчидир, чунки онага нисбатан эътиборсиз бўлишга ўғилнинг ҳақи йўқ”. (Г. Мопассан)

\* \* \*

“Сен болаликдан она кўзларига боқиб, улардаги ташвиш ва ҳаловатни, тинчлик ва ҳаяжонни кўришга ўрганмаган экансан, бир умрга ахлоқий жиҳатдан ногирон бўлиб қоласан. Севгидаги ёввойилик сингари ахлоқий ногиронлик ҳам кишилар бошига кулфат, жамиятга зарар келтиради”.

\* \* \*

“Инсон бошида учта кулфат бор: ўлим, қарилик ва ёмон фарзандлар. Қарилик ва ўлимга ҳеч ким ўз эшигини ёпа олмайди. Бироқ ёмон фарзандлардан уйни фарзандларнинг ўзлари асраши мумкин”.

70

\* \* \*

“Онанг ва отанг билан ростгўй бўл. Улар маъқулламасдан қилиш мумкин бўлмаган иш учун улардан рухсат ва ижозат сўра. Итоаткор фарзанд бўлиш қиз ва ўғилнинг ҳақиқий эркинлигидир”. (В. Сухомлинский)

\* \* \*

“Дастлабки пайтларда бола учун она тарбияси ҳамма нарсадан муҳимроқдир, бинобарин ахлоқ болага туйғу сифатида сингдириб юборилмоғи керак”. (Г. Гегел)

\* \* \*

“Бизга яхши оналарни беринглар, биз яхши одамлар бўлиб етишамиз”. (Жан Поль)

\* \* \*

“Болага муносабат масаласида ўз хулқи ахлоқий бўлиши учун ҳам она зарур билимларга эга бўлмоғи керак. Нодон она эса меҳру муҳаббати қанчалик кучлилигидан қатъи назар, ёмон тарбиячи бўлиб қолаверади”. (И. Мечников)



\* \* \*

“Ота дунёдан кўз юганида, болаларига ота ўрнини босадиган аёлгина чинакам онадир”. (И. Гёте)

\* \* \*

“Меҳри чексиз, бутун дунёни кўкраги билан боққан аёлни – Онани шарафлайлик! Инсондаги бутун гўзаллик қуёш нурлари-ю, Она меҳридан”.

\* \* \*

“Жаҳоннинг бутун ғурури оналардан. Қуёшсиз гуллар очилмайди, севгисиз бахт йўқ, аёлсиз муҳаббат йўқ, онасиз шоир ҳам, қаҳрамон ҳам бўлмайди”.

\* \* \*

“Инсон ўз онасини рухий жиҳатдан ҳам ўзига қадрдон деб билиши ноёб бахтдир”. (М. Горкий)

\* \* \*

“Фарзандларингизни тилини тийишга ўргатинг, гаплашишни ўзи ҳам ўрганиб олаверади”. (Б. Франклин)

\* \* \*

“Ҳашаротни ўлдиришда айбдор топилган фарзандингни қаттиқ жазола, чунки одамни ҳам ўлдириш шундан бошланади” (Пифагор)

\* \* \*

“Агар болангизга ён бераверсангиз, у сизга ҳукмдор бўлади; ҳатто уни итоат эттириш учун ҳам дақиқа сайин унинг айтганига кўнишингизга тўғри келади”.

\* \* \*

“Болалар билан элбурутдан юксак материялар, уларнинг мағзини чақиш хусусида фикрлашиш ярамайди. Болалар орасида худди шундай шарҳловга дуч келганларидан кўра пасткашроғи йўқ. Ақл-идрок қолган барча қобилиятлардан кейин тараққий этади. Бинобарин ишни ақлни пешлашдан бошлаш – тескари иш юритиш деган сўз. Агар барча нарсаларнинг сабаб-моҳияти, изоҳи болаларга маълум бўлганда эди, уларни тарбиялашга зарурат қолмаган бўлур эди”.

\* \* \*

“Ҳар бир ёш ўзининг алоҳида мойилликларига эга, аммо одам хамиша қандай бўлса, шундайлигича қолади. Ўн ёшда у – ширинликлар шайдолиги, йигирмада – жазманлик, ўттизда – лаззатланиш, қирқда – шухратпарастлик, эллиқда – хасислик измида”.

\* \* \*

“Табиат томонидан мактаб яратиш ато этилган инсонга ҳеч қанақа ўқитувчи зарур бўлмайди”.

\* \* \*

“Ахир, яхши фарзанд, яхши эр, яхши ота дегани, айнаи чоғда, яхши фуқаро эмасми?”.

\* \* \*

“Қалбимизни нима эгалласа, руҳимиз аста-секин шунга мослашади; буюк воқеалар фақат буюк инсонларни яратади”.

\* \* \*

“Ахлоқ бузуклиги зеб-зийнатнинг муқаррар оқибатидир, ўз навбатида хулқ бузуклиги – дидлар бузуклигига етаклайди”.

\* \* \*

“Истеъдод сизлардаги барча фазилатларни кўрсатишга хизмат қилади, гарчи бирорта фазилатингиз бўлмаса ҳам...”

\* \* \*

“Одамдан, уни инсон қилиб етиштиришдан олдин, файласуфни етиштириш бутунлай шарт эмас”.

\* \* \*

“Бир соатлик иш бир кунлик тушунтиришдан кўпроқ нарса-ни ўргатади, негаки, агар мен болани устахонада машғул этсам, унинг қўллари миясининг фойдасига ишлайдилар: ўзини ҳунарманд ҳисоблаган ҳолда, у файласуф бўлиб етишади”.

\* \* \*

“Вояга етганларида нима ишлар билан шуғуллансалар, шунга ўргансинлар, унутишлари керак бўлган нарсаларга эмас”.

\* \* \*

“Кишини ирода эркинлигидан маҳрум этиш – унинг ҳаракатларини ҳар қандай ахлоқийликдан маҳрум этиш демакдир”.

\* \* \*

“Яхши тарбиянинг фазилатлари ҳақида кўплар фикр юритадилар. Ундан мен талаб қилишни хоҳлаган биринчи нарса – у кўплаб бошқаларини ҳам тақозо қилади, бу – сотқин киши бўлмаслик”.

\* \* \*

“Илк тарбия ҳамма нарсдан ҳам муҳим бўлиб, у шубҳасиз, аёллар гарданидадир”.

\* \* \*

“Инсоннинг тарбияси у туғилган пайтдан бошланади; у хали гапирмайди, ҳали қулоқ солмайди, аммо ўрганаётир. Тажриба таълимдан олдин келади”.

\* \* \*

“Инсон тарбияси у туғилиши ҳамоноқ бошланади; чақалоқ ҳали гапирмайди, сўзга қулоқ солмайди, аммо ўргана бошлайди. Билиш тажрибадан келиб чиқади”.

\* \* \*

“Яхши тарбия сифати ҳақида кўп мулоҳаза юритадилар. Тарбия деганлари гарчи яхши хислатларни ўз ичига олса-да, мен ундан, энг аввало, сотқинлик иллатидан муҳофаза қилишни талаб этардим”.

\* \* \*

“Ота болаларни бино қилиш, уларни едириб-ичириш билан ўз зиммасидаги вазифанинг учдан бир қисминигина бажарган бўлади. У фарзандини фазилатли одамзот қаторига қўшмоғи, жамиятга эса фаол кишиларни етиштириб бермоғи керак. Шу учала қарзини узиши мумкин бўлгани ҳолда бу ишни бажармаган ҳар қандай ота айбдордир. Борди-ю, бу қарзнинг ярминигина узса, янада баттарроқ айбдор бўлади. Кимки зиммасидаги оталик бурчини бажармаса, у ота бўлиш ҳуқуқидан маҳрумдир”.

\* \* \*

“Болаликка болалик онларида пишиб етилиш имконини беринг. Болаликни севинг, унинг ўйин ва эрмакларига, мурғаккина табиий туйғуларига эътибор беринг! Лабдан кулгу аримайдиган, қалб шу оламдан тўхтовсиз ҳузурланадиган ўша дақиқаларни қай бирингиз, ахир, армон билан эсламайсиз? Болани ақли ва мулоҳазали қилмоқ учун уни бақувват ва соғлом ўстиринг: майли, у ишласин, тинмасин, югуриб-елсин, бақириб-чақирсин, ишқилиб, доимий ҳаракатда бўлсин. Агар болалардаги шўхликни ўлдирсангиз, сиз ҳеч қачон доноларни етиштира олмайсиз”.

\* \* \*

“Тарбия соҳасидаги энг оғир нуқсон ҳаддан ташқари шошқалоқликдир”.

\* \* \*

“Ортиқча қаттиққўллик ва ҳаддан зиёда шафқатлилик бўлади: буларнинг ҳар иккаласидан ҳам бирдек қочиш керак”.  
(Ж. Ж. Руссо)



\* \* \*

“Кўпдан-кўп бахтсизликларнинг илдизи шундаки, ёшликда-ноқ болани ўз хоҳишларини тизгинлашга, бу ишни қилиш мумкин, бунисини албатта қилиш керак, буни қилиш эса мумкин эмас, деган тушунчаларга тўғри ёндашишга ўргатилмайди”.

\* \* \*

“Қоровулдан тортиб министрчага – истаган ходимни худди шундай ёки ундан ҳам қобилиятлироғи билан алмаштириш мумкин. Яхши отани эса яхши ота билан алмаштириб бўлмайди”.

\* \* \*

“Болалар гўзаллик, ўйин, эртақ, музыка, расм, хаёл, ижодиёт оламида яшамоклари керак. Ўйин шундай бир улкан ёруғ ойнадирки, у орқали боланинг руҳий дунёсига, уни ўраб олган олам ҳақида ҳаётбахш тасаввур ва тушунчалар тўлқини кириб туради. Ўйин синчковлик ва қизиқувчанлик оловини ўт олдирувчи учкундир”. (В. Сухомлинский)

\* \* \*

“Болалар жамиятнинг ҳаётбахш кучи. Уларсиз жамият жонсиз ва совуқ кўринади”.

74

\* \* \*

“Болаларни ўстириш ва тарбиялаш катта жиддий ва ҳаддан ташқари масъулиятли ишдир”.

\* \* \*

“Болангизни у билан гаплашаётган, бирор нарса ўргатаётган ёхуд унга бирор иш буюраётганингиздагина тарбиялаяпман, деб ўйламанг. Сиз уни ҳаётингизнинг ҳар сониясида тарбиялаб борасиз. Сўзингиз оҳангидаги зиғирдек ўзгаришни ҳам бола сезиб ёки ҳис этиб туради, фикрингиздаги озгина бурилиш ҳам кўринмас йўллар билан болангизга етиб турадики, буни ўзингиз ҳам сезмай қоласиз”.

\* \* \*

“*Болаларимиз – бизнинг* кексалигимиз. Яхши тарбия – бизнинг бахтли кексалигимиз, ёмон тарбия – бўлғуси ғам-аламларимиз, кўз ёшларимиз, бошқа одамлар олдидаги, бутун мамлакат олдидаги айбимиз демак”.

\* \* \*

“Ота-она муҳаббатининг фақат болага қаратилиши даҳшатли адашувдир”.

\* \* \*

“Фаоллик, иш, хизмат, катта ёшдаги кишилар ҳаётида нечоғли аҳамиятга молик бўлса, болалар учун ўйин ҳам шундай муҳим аҳамият касб этади. Бола ўйинда ўзини қай ҳолда тутса, ўсиб-улғайгач, ишда ҳам аксари ўзини шундай тутати. Шу босидан ҳам бўлажак арбобнинг тарбияси аввало унинг ўйинида юз беради”. (А. Макаренко)

\* \* \*

“Халқнинг бахт-саодати болаларни тўғри тарбиялашга боғлиқ”. (Ж. Локк)

\* \* \*

“Дунёда гўдакнинг чулдирашидан ҳам кўра тантаналироқ мадҳия йўқ”.

\* \* \*

“Болалар бахтни дафъатан ва беихтиёр ҳазм қилиб олаверадилар, негаки, уларнинг ўзи табиатларига кўра шодлик ва бахтдан иборатдирлар”.

\* \* \*

“Болани бахтли қиламан деб, уни гўдакликдан эркалатиб-талтайтириб юбориш ақдан эмас”. (В. Гого)

\* \* \*

“Болалар меҳнатга шодлик бағишлайдилар, аммо муваффақиятсизликлар улар туфайли яна ҳам кўпроқ ранж келтиради; болаларнинг шарофати билан ҳаёт янада ширин, ўлим эса у қадар даҳшат солмайдигандек туюлади”. (Ф. Бэкон)

\* \* \*

“Бола учун биринчи сабоқ, майли, итоаткорлик бўла қолсин – шунда сен нимани зарур деб топсанг, ўша иккинчи сабоқ бўлади (Т. Фуллер)

\* \* \*

“Болаларнинг мурғак қалбига ҳеч бир нарса ибратдек кучли таъсир этмайди ва барча ибратлар ичида эса ота-она ибратидан кўра чуқурроқ ва мустаҳкамроқ ўрин оладиган ибрат йўқ”. (Н. Новиков)

\* \* \*

“Ахлоқий тубанликдан, ўринсиз ширинсўзликдан огоҳ бўлмаса ҳар ким, ҳолини кўрар бир кун”. (Ж. Чосер)

\* \* \*

“Тарбия... ниҳоятда машаққатли иш. Мана энди ҳаммаси жойида бўлди, деб ўйлайсан! Қарасанг, ишлар бошқача: ҳаммаси энди бошланаётган бўлади”. (М. Лермонтов)

\* \* \*

“Бола тарбияси учун давлатни бошқаришдан кўра ҳам теранроқ мушоҳада, ундан ҳам чуқурроқ донишмандлик керак”. (У. Ченнинг)

\* \* \*

“Боласини суйишни товуқ ҳам билади. Уларни тарбиялай олмоқ эса – қобилият ва кенг ҳаётий билимларни талаб этувчи давлат миқёсидаги буюк ишдир”. (М. Горький)

\* \* \*

“Мезанадан туриб ваъз айтиш, минбарда ҳаммани оғзингга қаратиш, ўртага чиқиб сабоқ бериш биргина болани тарбиялашдан кўра хийла енгилроқдир”. (А. Герцен)

\* \* \*

“Ота-оналар кўпинча “тарбия” сўзи билан “маълумот” сўзини чалкаштириб қўядилар ва болага маълум дарсларни ўқитиб-ўргатиш билан унга тарбия бердик, деб ўйлайдилар. Йиллар ўтгач, ота-оналарининг ҳафсалалари пир бўлишининг сабаби ҳам мана шунда”. (А. Рубинштейн)

\* \* \*

“Менинг фикримча, барча мутафаккирлар тарбияни йўрғакдан бошлаш керак, деган хулосага келганлар”.

\* \* \*

“Бола ҳақида ҳаққоний ва адолатли фикр юритмоқ учун биз уни ўз оламидан юлиб олиб, ўзимиз билан тенг қўймаслигимиз, балки биз уларнинг руҳий оламига кириб бормоғимиз керак”. (Н. Пирогов)

\* \* \*

“Ота-оналар ўз болаларини серташвиш ва саховаткор қалб билан севадиларки, бу нарса бола тарбиясига зарар етказди. Бошқача бир зийрак осойишта муҳаббат ҳам борки, у болаларни виждонли қилиб тарбиялайди. Ҳақиқий оталик муҳаббати худди шундай бўлади”. (Д. Дидро)

\* \* \*

“Ота бўлиш оталик қилишдан анча енгил”. (В. Ключевский)



\* \* \*

“Болаларни ширинликлар, печенье ва конфетлар билан сийлаб, улардан соғлом кишилар етиштириб бўлмайди. Маънавий озиқ ҳам худди егуликка ўхшаб оддий ва тўйимли бўлмоғи керак”. (Р. Шуман)

\* \* \*

“Болаларни ҳаммавақт ҳам тақдирлайвериш ярамайди. Бунинг оқибатида улар ўзларига бино қўя бошлайдилар ва уларда сал нарсага ўзларини тарозига солиш фикри кучая боради”. (И. Кант)

\* \* \*

“Боланинг сазасини ўлдиравериш ва барча ҳаракатлари, ўй-фикрларини тинимсиз йўлга солавериш уни ҳаётга яроқсиз қилиб боради”. (Ф. Лесгафт)

\* \* \*

“Болага сажда қилманг: улғайганида у кўп қурбон беришларини талаб қилади”. (П. Буаст)

\* \* \*

“Ҳатто болалар билан муомалада ҳам тўғри сўз бўл: бирон нарса ваъда қилдингми, бажар, акс ҳолда уни ёлғончиликка ўргатасан”.

\* \* \*

“Ҳаққонийлик ҳамма жойда, айниқса тарбия масаласида энг муҳим омилдир”.

\* \* \*

“Болаларни шафқатсизлик билан ҳам қўрқитолмайсан, улар фақат ёлғонгагина тоқат қила олмайдилар”. (Л. Толстой)

\* \* \*

“Ўзингиз шубҳа билан қараган нарсани болага мутлақо ўргата кўрманг, агар сиз унинг нозик-ниҳол йилларида болалик онларининг покизалиги ва илк таассуротлари унда муҳрланиб қолсин, деб унинг қалбига нима биландир таъсир этмоқчи бўлсангиз, у ҳолда ҳаммадан ҳам ёлғон гапиришдан огоҳ бўлинг, чунки айтилаётган нарсанинг ёлғонлигини ўзингиз сезиб турасиз”. (Ж. Рескин)

\* \* \*

“Болаликка буюк ҳурмат-эҳтиром билан қараш лозим”. (Ювенал)

\* \* \*

“Инсон шахсиятини чинакамига ҳурмат қилувчи киши уни ўз фарзанди сиймосида, яъни бола ўз “мени”ни ҳис этиб, теваарак атрофдаги оламдан ажралиб чиққанини англаган дақиқалардан бошлабоқ ҳурмат қилмоғи зарур”.

\* \* \*

“Болани сўкишса, уришса ва турли йўллар билан хафа қилишса, у энг кичик ёшиданок ўзини ёлғиз сеза бошлайди”. (Д. Писарев)

\* \* \*

“Гўдак идрокли вужуддир. У ўз ҳаётидаги эҳтиёжлар, қийинчиликлар ва тўсиқларни яхши билади. Бу ўринда унга нисбатан золимона амру фармонлар, мажбурий тартиб-интизом, ишончсиз назорат эмас, балки ширин муомалали муроса, тажрибага ишонч, ҳамкорлик, аҳил яшаш кўпроқ қўл келади”. (Я. Корчак)

\* \* \*

“Ўз болалигини унутган тарбиячи – ёмон тарбиячидир”. (М. Эбнер-Эшенбах)

\* \* \*

78  
“Майли, бола шўхлик ҳам, тўполон ҳам қилсин, фақат бу шўхлиги ва тўполони зарарли бўлмасин, жисмоний ва ахлоқий ҳаёсизликка айланиб кетмасин; майли, бу шўхлиги ва тўполони беихтиёр, ўйланмай қилинган бўлсин, аммо аҳмоқона ва бемаъни бўлмасин, бинобарин, аслида руҳсизлик ва жонсизликдан ёмони йўқ”. (В. Белинский)

\* \* \*

“Қобилиятни кўрсатиш учун имконият бўлмаган жойда қобилиятнинг ўзи ҳам йўқ”. (Л. Фейербах)

\* \* \*

“Мажбурлаб ўргатиш, сиқик, зўрлаш туфайли эришилган ҳамма нарса омонат, нотўғри ва ишончсиздир”. (Я. Корчак)

\* \* \*

“Болалар ҳамиша нима биландир бажонидил банд бўладилар. Бу жуда фойдали, шунинг учун унга ҳалақит бериш эмас, аксинча, уларнинг доимо бирор-бир иш билан машғул бўлишларининг чора-тадбирларини кўриш керак”. (Я. Коменский)

\* \* \*

“Худди бола фикри каби бола ҳиссиёти ҳам зўрлик қилмасдан бошқарилмоғи лозим”. (К. Ушинский)

\* \* \*

“Кам таҳқирланган бола ўз қадр-қимматини яхши англайдиган киши бўлиб етишади”. (Н. Чернышевский)

\* \* \*

“Болаларни қилмаган гуноҳлари учун қийнаш ёки лоқал арзимаган айблари учун уларга қаттиқ жазо бериш уларнинг ишончи ва хурматидан бутунлай маҳрум бўлиш демакдир”.

\* \* \*

“Умрининг охиригача фақат бир нарса: фарзандлари ўз ўлимидан унчалик куймасликлари учун асос бериб келадиган ғалати оталар ҳам бўлади”. (Ж. Лабрюйер)

\* \* \*

“Бемаъниларча кўнгилчан бўлиш ҳам ҳаддан ташқари қаттиққўл бўлиш сингари ақлсизликдир”. (А. Писемский)

\* \* \*

“Умуман, барча ахлоқсиз муносабатлар ичида болаларга қуларча муносабатда бўлиш энг катта ахлоқсизликдир”. (Г. Гегел)

\* \* \*

“Ота-оналар айна ўзлари сингдирган нуқсонлари учун фарзандларини камдан-кам кечира оладилар”. (Ф. Шиллер)

\* \* \*

“Мен ор-номусга ва эркинликка ҳурмат руҳида ўстирилаётган ёш қалбни тарбиялашдаги ҳар қандай зўрликни қоралайман. Қаттиққўллик ва мажбурийликда қандайдир қуллик белгилари бор, мен ақл, эҳтиёткорлик ва маҳорат билан қилиш мумкин бўлмаган нарсага куч билан асло эришиб бўлмайди, деб ҳисоблайман”. (М. Монтен)

\* \* \*

“Қўпол куч ишлатганга қараганда яхши гап билан ҳар доим кўпроқ натижага эришасан”. (Эзон)

\* \* \*

“Ахлоқий таъсир кучи ҳар қандай кучдан устундир”. (Н. Гоголь)

\* \* \*

“Инсон ҳис-туйғулари кўпинча сўзга нисбатан намунадан кучлироқ ўт олади ёки бўшашади”. (П. Абеляр)



\* \* \*

“Қабрингиз устида йиғлай олишлари учун фарзандларингизнинг кўз ёшини тўкманг”. (Пифагор)

\* \* \*

Ўғрилардан бири ушланиб, жазога ҳукм қилинганда бир қизча подшо ҳузурига келиб, тиз чўкиб, йиғлаганича ўтиниб сўрабди:

– Отамнинг қўлларини кесишга буюргансиз. Биламан, ҳукмингиз адолатли. Лекин отамнинг мендан кичик яна тўрт фарзандлари бор. Онамиз касалвандлар, бизларни боқа олмайдилар. Агар отамизнинг қўлларини кестирсангиз, ҳаммамиз очдан ўламиз. Бизларга раҳм қилинг, отамизнинг қўлларини кестирманг. Агар қўл кесмасликнинг бошқа иложи бўлмаса, у ҳолда отамнинг қўллари ўрнига менинг қўлимни кеса қолинг.

Подшо бу гапни эшитиб, кичкинагина қизнинг ота-онасига муҳаббати бу қадар улуғлигидан ҳайратда қолди. Қизни синамоқ мақсадида унга:

– Майли, отанг қўли ўрнига сенинг қўлингни кестираман. Қўлингни бугун эмас, эртага кесишади. Эртагача яхшилаб ўйлагин, кейин яна пушаймон еб юрмагин, – деди.

Эртаси куни жазо майдонида яна одам тўпланди. Қизнинг отасини келтирдилар. Қиз ҳам ҳозир бўлиб, отасига деди:

– Отажон, сира қўркманг, мен подшога «Отамнинг қўллари ўрнига менинг қўлимни кестиринг», деб ялиндим. Илтимосим қабул бўлди. Ҳозир менинг қўлимни кесиб, сизни озод қилишади.

Қиз шундай деб, кундага қўлини қўйди. Бу ҳолатдан подшо ҳам, тўпланганлар ҳам кўз ёши тўкдилар. Қизнинг отаси озод этилди. Ота-болага илтифотлар кўрсатилди. Подшонинг амри билан жазо майдонидаги кунда олиб ташланиб, унинг ўрнига бир мрамар тош тикланди-да, бу сўзлар ўйиб ёзилди:

«Бир ёшгина қиз отасининг қўли ўрнига ўз қўлини фидо этишни истади. Шу қиздек фарзандга эга бўлган ота-она қандай бахтиёрдир...» (Донолар бисотидан)

## ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН

- \* Ота-она – олтин қанот.
- \* Ота олдида кек урма, одобингга чек урма.
- \* Отанг боласи бўлма, Одам боласи бўл.
- \* Аналик уйнинг ори бор, оталик уйнинг зари.
- \* Ота – ақл, она – идрок.
- \* Ота – билак, она – юрак.
- \* Бахмал билан банотнинг қўхналиги бўлмас,  
Ота билан онанинг қарилиги.
- \* Бақироқ туя норинг, бақироқ ота – мадоринг.
- \* Мен – азиз, отам – мендан азиз.
- \* Отасини оғритган эл ичида хор бўлар,  
Онасини оғритган парча нонга зор бўлар.
- \* Ёшнинг ҳурмати – қарз; қарининг ҳурмати – фарз.
- \* Олтмишга кирган отадан ош сўрама.
- \* Қариларни қарғитма, ёш жонингни оғиртма.
- \* Минг игнани йиғнасанг, тугма бўлмас,  
Минг аммани йиғнасанг, она бўлмас.
- \* Ота бўлмай, ота қадрини билмас,  
Она бўлмай, она қадрини билмас.
- \* Ота-онанг давлатинг, фарзандларинг – савлатинг.
- \* Онангни кафтингда тутсанг, синглингни бошингда тут.
- \* Ота-бола – бир боғ,
- \* Бири – гул, бири – боғбон.
- \* Ота-бола уришар, оға-ини юлишар.
- \* Ота – хазина, ака-ука – таянч, дўст эса – ҳар иккови.
- \* Ёмон ўғил боққунча, этагингни қоқ,  
Ёмон қизни боққунча, дўппингни қоқ.
- \* Отангни соғинсанг, тоғангни кўр.
- \* Бирни берсанг отангга, мингни оласан болангдан.
- \* Ота бола учун тахт ясар, бахт ясата олмас.
- \* Онангга бошингни хам қил, отангга гапингни кам қил .
- \* Ота-онанг – чин дўстинг,  
Ошна-оғайнинг – йўл дўстинг.
- \* Олти оға йиғилиб ота бўлмас,  
Етти янга йиғилиб она бўлмас.
- \* Отаси борнинг унуми, онаси борнинг тиними бор.
- \* Ота моли қўшилмаса, бола бойимас.
- \* Отаси аччиқ олма еса, ўғлининг тиши қамашар.
- \* Эрта тур, отангни кўр, отангдан сўнг отингни кўр.

- \* Яхши бола – отага қувват, ёмон бола – уқубат.
- \* Яхши бола – суюк, ёмон бола куюк.
- \* Яхши бола тўрга тортар, ёмон бола – гўрга.
- \* Яхши бола ёғ келтирар, ёмон бола доғ келтирар.
- \* Яхши бола ном келтирар, ёмон бола ғам келтирар.
- \* Яхши бола шон келтирар, ёмон бола қон келтирар.
- \* Яхши бола – отага қувват, ёмон бола – уқубат.
- \* Яхши бола суюк, ёмон бола – куюк.
- \* Яхши боладан раҳмат, ёмон боладан – лаънат.
- \* Қобил фарзанд – жонга пайванд.
- \* Қобил ўғил отга миндирар, ноқобил – отдан туширар.
- \* Қиз бола уйда яхши, эр бола элда яхши.
- \* Қизим бор, деб керилма, эсли-хушли бўлмаса.
- \* Қизни эркалатсанг – эрнингга (*номусингга*) тепар,  
Ўғилни эркалатсанг – бурнингга тепар.
- \* Қизнинг эркаси – эчкининг серкаси.
- \* Ота безори – Худо безори.
- \* Отангга қилганингни болангдан кўрарсан.
- \* Яхши бўлса – бола, ёмон бўлса – бало.
- \* Яхши фарзанд – гул, ёмони – бир пул.
- \* Яхши ўғил отадан олти ботмон зиёд бўлар,  
Ёмон ўғил отадан олти ботмон кам бўлар.
- \* Яхши ўғил тиндирар, ёмон ўғил ўлдирар.
- \* Яхши ўғил уй тузар, ёмон ўғил тўй бузар.
- \* Яхши ўғил – эл обрўси, яхши қиз – уй обрўси.
- \* Яхши ўғилдан раҳмат етар, ёмон ўғилдан – лаънат.
- \* Ўғил-қиз яхши бўлса, ота-она хурсанд,  
Ўғил-қиз доно бўлса, элу юрт хурсанд.
- \* Қизнинг қилиғи кўчада билинар.
- \* Ёмон фарзанд ота-онани ерга қаратар,  
Яхши фарзанд ота-онани элга оралатар.
- \* Ёмон фарзанд пойгакка туширар,  
Яхши фарзанд тўрга ўтқизар.
- \* Ёмон ўғил – молга ўртоқ, яхши ўғил – жонга.
- \* Фарзанд – белнинг қуввати.
- \* Фарзандинг – давлатинг, фазилатинг, зийнатинг.
- \* Ўғил билан қизинг – бамисоли икки кўзинг.
- \* Қизи борнинг бахти бор, ўғли борнинг тахти бор.
- \* Отали ўғил – хўжали қул.
- \* Отасиз ўғилнинг оғзи катта.
- \* Қиз – овулнинг кўрки, ўғил – овулнинг эрки.



- \* Қизингга эрк берсанг, бахтини топар,  
Ўғлингга эрк берсанг – тахтини.
- \* Она ақли – қиз ақли; ота сўзи – ақл кўзи.
- \* Отангга не қилсанг, олдингга шу келар.
- \* Яхши ўғил бийлар ота молини,  
Ёмон ўғил сочар ота молини.
- \* Ота қарғиши – ўқ, она қарғиши – дўқ.
- \* Отанг билан мақтанма, отинг билан мақтан.
- \* Ота-она дуоси ўтга, сувга ботирмас.
- \* Ота рози – Худо рози.
- \* Ёмон ўғил кўп бўлса ҳам, ёмон она бўлмайди (*Бенгал мақоли*)
- \* Тарбиясиз ўғил – буралмаган мўйлов (*Тамил мақоли*)
- \* Ўғил ёмон бўлса – она, неvara ёмон бўлса буви гуноҳкор.
- \* Ёш отасига, кекса боласига суянади (*Вьетнам мақоллари*)

\* \* \*

Баён этилмиш оятлар, ҳадислар, мақоллар, ҳикматларни англаб, қалбимизга муҳрлаб олганимиздан кейин дуога қўл очайлик:

Ё Аллоҳим, ё Раббим! Гуноҳларимизни афв эт. Кимники отаси ёки онаси ёки икковлари ҳаёт бўлса, уларнинг умрларига-ризқларига барака бер. Дардмандларининг дардларига даво бер. Фарзанду набиралари бахти иқболини кўриш саодатини насиб айла. Фарзандларини гўдаклик чоғида қандай раҳм ва шафқат билан тарбия этган бўлсалар, Сен ҳам уларни шундай шафқатинг билан паноҳингда асра. Ҳақ йўлингдаги ота-оналарнинг фарзандлари ҳақиқа қилган хайрли дуоларини даргоҳингда қабул ва мақбул айла. Ҳақ йўлингдан адашганлар орасидаги ота-оналарга ҳидоят бер. Ота-онасини ўзингнинг байтинг – Каъбатуллоҳ зиёратига олиб бормоқни ният қилиб юрган фарзандларнинг ниятларини амалга ошир. Оталари ёки оналари, ёки икковлари билан ёнма-ён юриб, «лаббайка!»ни айтиб Ҳаж ибодатларни солиҳ равишда амалга оширмоқларини насиб айла. Ота-оналарининг қадрига етмай юрганларнинг қалбини юмшат, кўзларини оч, инсофу тавфиқ ва ҳидоят бер. То қиёматга қадар туғилиб, яшовчи зурриётларни бизлар йўл қўйган хато ва гуноҳлардан асраб, ота-оналарга иззатда бўлувчи солиҳ фарзандлардан қил.

## ОИЛА – САОДАТ САРОЙИ

\* \* \*

“Аллоҳ сизларни тупрокдан, сўнгра нутфадан яратиб, кейин жуфт-жуфт килиб қўйди”. (*Қуръони Карим маъноларининг таржимаси, Фотир сурасидан*)

\* \* \*

“Ва Унинг оят-белгиларидан сизларга сокинлик топишингиз учун ўзингиздан жуфтлар яратганлиги ва ораларингизда меҳру муҳаббат ва марҳаматни солиб қўйганидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавмлар учун оят-белгилар бордир”. (*Рум сурасидан*)

\* \* \*

“Аллоҳ сизларга ўзларингиздан жуфтлар қилди ва сизларга жуфтларингиздан болалар ва набиралар қилди ҳамда сизларни пок нарсалардан ризқлантирди”. (*Наҳл сурасидан*)

\* \* \*

“У сизларни бир жондан яратган ва ором олсин учун ундан жуфтини яратган Зотдир. Вақтики у жуфтини ўраганида, енгил хомиладор бўлди. Бас, у билан юрди. У оғирлашганда эса, икковлон Роббилари Аллоҳга: “Агар бизга солиҳ (фарзанд) берсанг, албатта, шукр келтирувчилардан бўламиз”, деб дуо қилдилар”. (*Аъроф сурасидан*)

\* \* \*

«Оналар болаларини тўла икки йил эмизадилар. (Бу ҳукм) эмизишни камолига етказишни истовчилар учундир. Уларни (оналарни) меъёрида озиклантириш ва кийинтириш отанинг (*эрнинг*) зиммасидадир. Ҳеч кимга тоқатидан ортиқ (масъулият) юкланмайди» (*Бақара сурасидан*)

\* \* \*

«Хотинларингиз сизларнинг экинзор ерларингиз бўлади (*бу сўзлар билан Қуръон эр-хотиннинг яқинлашувидан биринчи муддао – фарзанд талаб қилиш эканига ишора қилмоқда*) Зироат ерлари уруғ сепганда самара беради. Хотин ҳам экинзордир ва ҳосили – фарзанд. Бас, ўз хотинларингиз билан фарзанд ниятида алоқа қилинг ва келажакда ўзларингиз учун фарзанд тарбияланг. Аллоҳдан қўрқинг, унинг қаҳрига илинмангиз. Бас, туғилиш ва висол учун берган қувватни бекор қолдирманг ва зое қилманг. Эй Муҳаммад, саодат муждасини (жаннат хушхабарини) иймонлиларга бергин» (*Бақара сурасидан*)

\* \* \*

«Агар аёл киши ўз эридан зуғум ва юз ўгириш содир бўлишидан кўркса, икковлари ўзаро сулҳга келишишларида уларга гуноҳ йўқ. Сулҳ яхшидир. Нафсларга қизганиш ўрнаштирилгандир. Агар яхшилик ва тақво қилсангиз, албатта, Аллоҳ нима қилаётганингиздан хабардордир» (Нисо сурасидан)

### Тафсир:

Оилавий ҳаётда, турли сабабларга кўра, эрда хотинига нисбатан нафрат пайдо бўлиши мумкин. Наттижада эр хотинидан ажралмоқчи ёки ундан юз ўгириб, талоқ ҳам қилмай, муомала ҳам қилмай ташлаб қўймоқчи. Хотин эридан ажрашни хоҳламаса, ярашишга уринади. Эрнинг нафратига ёки юз ўгиришига сабаб бўлган ишларни бартараф этиши билан уни рози қилиб, ажралмай қолишга тиришади.

Мисол учун, ҳатто ўз қонуний ҳаққи бўлмиш маҳрнинг ҳаммасидан ёки бир қисмидан воз кечиб юбориши мумкин. Нафақа бермасанг ҳам майли, ёки озроқ нафақа берсанг ҳам талоқ қилмасанг бўлди, дейиши мумкин. Шунга ўхшаш ҳолатга қараб турли таклиф ва муросалар билан сулҳ тузиб ажралмай қолишда гуноҳ йўқ экан. Шунинг учун ҳам оятнинг давомида: «Сулҳ яхшидир», дейилмоқда. Исломда турли усулларни қўллаб, оилани сақлаб қолишга ҳаракат қилинади. Ушбу чоралар ҳам мазкур рағбатдан келиб чиққан. Оятнинг давомида нафсларнинг қизганишга ҳозир у нозир эканликлари таъкид этилмоқда. Яъни инсон табиатида қизганишга мойиллик мавжуд. Одам молу мулкни, чиройли нарсаларни ёки мансабни қизғанади. Ана шу табиий ҳол эътиборга олинса, хотин томондан таклиф қилинган молу мулк ёки айрим қулайликлар эрдаги қизганиш табиатини кўзғаб, ажралмай қолишга ундаши мумкин. Лекин инсоний алоқалар фақат молу мулк ёки баъзи бир манфаатлар асосидагина қурилмайди. Балки яхшилик, савоб ишлар қилиш каби ҳолатлар ҳам кўп. Жумладан, хотинидан нафратланиб, уни талоқ қилмоқчи бўлган ёки юз ўгириб тек ташлаб қўймоқчи бўлган эркак шу хотиннинг ажралиши истаги йўқлигини билгач, унга яхшилик қилиб, тақво юзасидан ўзи билан олиб қолса, яхши бўлади. Аллоҳ унга ажр ва савоб беради.

\* \* \*

«Агарда эр-хотин тинчлик ва розилик билан ажрашсалар, Аллоҳ кенг марҳамати ва карами билан уларни бир-биридан беҳожат қилади» (Нисо сурасидан)

\* \* \*

«Агар эр-хотиннинг оралари бузилиб кетишидан кўрксангизлар, эрнинг уруғ-аймоғидан бир ҳакам, хотиннинг уруғ-аймоғи-



дан бир ҳакам чақирингиз. Агар улар ислоҳ қилишни истасалар, Аллоҳ эр-хотин орасига иттифоқликни солур. Албатта, Аллоҳ Билгувчи ва Хабардор Зотдир» (Нисо сурасидан)

### **Тафсир:**

Бу ояти каримада гап ҳам эр, ҳам хотин томонидан келишимовчилик чиққан пайтида кўриладиган чора ҳақида кетяпти. Шундай ҳолат юзага келдики, энди оиланинг сирини ташқарига чиқармасдан ҳал этишининг иложи йўқ. Энди бошқаларнинг аралашуви билан оилани сақлаб қолиш чоралари кўрилиши шарт. Эр ўзи рози бўлган қариндошларидан, хотин ҳам ўзи рози бўлган қариндошларидан ҳакам тайин этади. Агар оила ҳали ёш бўлса, бу вазифани ота-оналар бажаришади. Муфассирлар бу ўринда «ўзи рози бўлган» деб алоҳида таъкид этишади. Бунга сабаб улар тайин этган ҳакамлар даъволарни эшитиб, шунчаки насиҳат қилиб қўйиш билан чекланишмайди. Улар ҳукм ҳам чиқарадилар ва эр ҳам, хотин ҳам уларнинг ҳукмига рози бўлишлари керак. Ҳакамлар танланганида ақллари, турмушининг пасту баландидан ўтиб келган тажрибалари инобатга олинади. Энг муҳими, ҳар икки томоннинг ҳаками Аллоҳдан кўрққан ҳолда адолатли ҳукм чиқаришига ҳаракат қилишлари керак бўлади. Агар ўртада тақво бўлмаса, икки томон ўзи томонга оғиб кетаверса, унда адолат қарор топа олмайди. Бу ўринда тақво адолатни юзага чиқарувчи муҳим омилдир. Ҳакамларнинг асосий вазифаси эру хотин орасини ислоҳ қилишидир. Шунинг учун ҳам ояти каримада «агар улар ислоҳ қилишни истасалар», деб уларга ислоҳчилик нисбати бериляпти. Айрим уламолар «Ҳакамларга фақат яраштириши – ислоҳ ҳуқуқи берилган», дейдилар. Яна айримлари «Ислоҳ қилишининг иложи йўқлигига амин бўлишса, эру хотинни ажратиб қўйсалар ҳам ҳақлари бор, шунингдек, улар тегишли жазо чораларини, молу мулкка оид масалаларни ҳам ҳал қилишади», дейдилар. Албатта, ҳакамлар ўзларининг инсоний чекланган илмлари ва имкониятлари доирасида ҳукм чиқарадилар. Қолгани эса, ҳар бир нарсани Ўзининг чексиз илми ила билувчи ва ҳар бир ишдан хабардор Аллоҳ таолонинг ўзига ҳавола. (Тафсирлар муаллифи шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф)

\* \* \*

Шарафли ҳадисларда Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: “Никоҳ менинг суннатимдир, ким менинг суннатимдан юз ўгирса, мендан эмасдир”.

\* \* \*

“Худо ҳаққи, мен сизлардан ҳам кўпроқ парҳезкор ва Аллоҳдан кўрқадиган одамман, лекин рўза тутаман, ифтор қиламан, намоз ўқийман, ухлайман ва уйланаман. Ким бу суннатдан юз ўгирса, у менинг умматим эмас”.

\* \* \*

“Сизларнинг энг ёмонларингиз хотин олмаган кишидир”.

\* \* \*

“Уйланинглар ва ўз нуфузларингизни зиёда қилингларким, қиёмат куни мен сизларнинг кўплигингиз билан фахр қиламан”.

\* \* \*

“Эй ёшлар жамоаси, сиздан ким никоҳга қодир бўлса, уйлансин. Албатта, у кўзни тўсувчи ва фаржни сақловчидир. Ким қодир бўлмаса, рўзани лозим тутсин, бу унинг учун бичилишдир”.

**Шарҳ:**

Бу ҳадисдаги “никоҳга қодир бўлса”, деб таржима қилинган ибора арабчада “боаъ” дейлиб, моддий, маънавий ва жисмоний жиҳатдан никоҳга қодирлик маъносини англатади. Демак, шу маънодаги қудратга эга бўлган ҳар бир мусулмон уйли-жойли, оилали бўлишга ҳаракат қилиши керак. Агар никоҳга моддий ёки маънавий жиҳатдан қудрати етмаган, сарф-ҳаражатни кўтара олмайдиган ёки уйланса, умр йўлдошига зулм қилишдан ўзини тўхтата олмайдиган ёшлар бўлса, рўза тутмоқликлари керак. Шу йўл билан улар шаҳватларини босадилар. Чунки рўза туфайли кишининг шаҳвати пасайиб, бошқа жинсдагиларга шаҳват билан қарамайдиган, фаржини зинога шилатмайдиган ҳолга келади. Оддий ҳолатларда эса, бу икки хавфнинг олдини никоҳ олади. (Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф)

\* \* \*

“Хотинларнинг ҳақларига риоя этингиз. Улар билан меҳр-шафқат ила муомалада бўлингиз. Уларнинг ҳақлари хусусида Аллоҳдан кўрқингиз. Хотинлар сизларга Парвардигорнинг омонатидир”. (Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг Вадо хутбаларидан)

\* \* \*


“Мусулмоннинг уйи жаннат боғидан бир боғчадир”.

\* \* \*

“Огоҳ бўлинглар. Барчангиз раҳбарсизлар ва ўз қўл остидагиларингиздан сўралурсизлар. Одамлар устида турган имом раҳбардир ва у ўз остидагидан сўралур. Эр киши ўз аҳли байтида раҳбардир ва у ўз қўл остидагидан сўралур. Аёл киши эри ва (эрининг) ўғли уйда раҳбардир ва у ўз қўл остидагидан сўралур”.

**Шарҳ:**

Ислонда оила бекалиги буюк шараф бўлиши билан бирга, улкан масъулият ҳамдир. Оиланинг бекаси бўлганидан кейин, унинг ички ишларининг ҳаммаси ўша беканинг қўлида, ихтиёрида бўлади. Оила-



нинг иқтисоди беканинг тежамкорлигига, ўзига ишониб топширилган тирикчилик воситаларига хиёнат қилмаслигига ва исроф қилмаслигига боғлиқ бўлади. Энг улкан масъулиятларидан бири эса, фарзандни туғиб, чиройли боқиб, етук инсон қилиб тарбиялашдир. Бу масъулиятни муслима аёллар доимо шараф билан адо этиб келганлар. Хулоса қилиб айтилганда, муслима аёлнинг оиладаги масъулияти беқиёсдир. Эрнинг ишлари муваффақиятли бўлишида аёлнинг тутадиган ўрнини ҳеч ким инкор қила олмайди. “Эрни эр қиладиган ҳам хотин, ер қиладиган ҳам хотин”, деб бежиз айтилмаган. Гап ҳар бир муслима аёл ўз масъулиятини тўла тушуниб етишида қолган, холос. (Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф)

\* \* \*

“Аёлларнинг яхшиси – назар солсанг, қувонтирадиган, амр қилсанг, итоат этадиган ва ғойиб бўлсанг, ўз нафсида ва молингда сени муҳофаза қиладиганидир”.

\* \* \*

“Агар қайси бир аёл беш вақт намозини ўқиса, бир ой рўзасини тутса, фаржини сақласа ва эрига итоат қилса, унга: “Жаннатнинг қайси эшигидан хоҳласанг киравер”, дейилади”.

\* \* \*

“Агар бировни бировга сажда қилишга амр қилувчи бўлсам, хотинни эрига сажда қилишга амр қилган бўлур эдим”.

\* \* \*

“Агарда хотинларингиз шаръий ва савоб ишларда сизларга бўйсунмасалар, уларни мажруҳ қилмасдан ва кўкартирмасдан, қаттиқ озор бермасдан уринглар”.

\* \* \*

“Огоҳ бўлинглар! Албатта, сизнинг хотинларингизда ҳаққингиз бордир ва хотинларингизнинг сизда ҳақлари бордир... Уларнинг сиздаги ҳақлари: уларнинг кийимларини ва таомларини яхшилаб қўйишингиздадир”.

\* \* \*

“Аллоҳ азза ва жаллага энг ёмон кўрилган ҳалол – талоқдир”.

\* \* \*

“Талоқ тушганда Аллоҳ таолонинг арши ларзага келади”.

\* \* \*

“Аллоҳ олдида энг ёмон мубоҳ – талоқдир”.



\* \* \*

“Қайси хотин безарурат ва эҳтиёжсиз эридан талоқ талаб қилса, жаннат ва Аллоҳнинг раҳмати унга тегмайди”.

\* \* \*

“Ҳеч бир мўмин ўз хотинидан нафрат қилиши тўғри эмас. Зеро, хотинининг баъзи одат ва атвори унинг назарида ёмон кўринса ҳам, баъзи одатларидан рози бўлади. Бас, унинг ёмонликларини яхшиликларига бахшида этсин”.

\* \* \*

“Қай бир хотин бу дунёда эрига озор берса, албатта, унинг “хури ийн”дан бўлган хотини “Унга озор берма! Аллоҳ сени ҳалок қилсин! У сенинг олдингда қўноқ бўлиб турибди, холос. Яқинда сени тарк этиб, биз томон жўнайди”, дейдилар”.

\* \* \*

“Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, қўшнисига озор бермасин ва аёлларга доимо яхшилик қилинг! Чунки улар қовурғадан яратилгандирлар. Албатта, қовурғанинг энг эгри жойи юқори қисмидир. Агар уни тўғрилайман деб уринсанг, синдирасан. Агар уни тек қўйсанг, эгрилиги бўйича қолур. Бас, аёлларга доимо яхшилик қилинг!”. *(Мазкур ҳадис бошқа ривоятда бундай баён этилган: “Албатта аёл киши қовурғадан яратилгандир. У сен учун бир йўлда мустақим турмас. Агар сен ундан эгрилигича ҳузурлансанг, ҳузурланиб қолдинг. Агар уни тўғрилайман десанг, синдирасан. Унинг синиши талоғидир”)*

\* \* \*

“Мўмин банда Аллоҳга бўлган иймондан сўнг эришган энг яхши нарса – солиҳа хотиндир, унга қараса, хурсанд қилади ва Аллоҳнинг амрини бажаришда ёрдам беради”.

\* \* \*

“Аёл тўрт нарсаси учун никоҳланади: моли учун, ҳасаби учун, жамоли учун ва дини учун. Бас, диндорини танла”.

\* \* \*

“Дунёнинг ҳаммаси матоъ (ҳузурланишдир) ва дунёнинг энг яхши матоъси солиҳа аёлдир”.

\* \* \*

“Албатта, Аллоҳ рашк қилади. Мўмин ҳам рашк қилади. Аллоҳнинг рашки – мўминнинг Аллоҳ ҳаром қилган нарсасини қилмоғидир”.

\* \* \*

– Эй Аллоҳнинг Расули, аёлларнинг қандоғи энг яхшисидир?  
– деб сўралди .

– Қачон назар солса, сурур бағишлайдигани. Қачон амр қилса, итоат қиладигани ва эрига ўз жонида ва молида у ёқтирмайдиган нарса ила хилоф қилмайдигани, – дедилар.

\* \* \*

“Қай бир хотин ўлса-ю, эри ундан рози бўлса, жаннатга киради”.

\* \* \*

“Ё Расулаллох, биз нафсимизнинг, шаҳватимизнинг орзусини қондирамиз, бундан ҳам савоб ҳам топамизми?» деб сўрашганларида жавоб бердиларким: «Албатта! Шундай қилмасангиз, гуноҳ йўли билан қондиришингиз мумкин... Шунинг учун ҳам савобдир”.

\* \* \*

Севиқли Пайғамбаримиз (с.а.в.) саҳобаларига: “Ахлатхонада битган гулдан эҳтиёт бўлинг”, дедилар. Асҳоб: “Ахлатхонада битган гул қандай гул, ё Расулаллох?” – деб сўрадилар.

– Ёмон муҳитда, ислоний тарбиядан узок, ахлоқсиз бир оилада етишган аёл, – деб жавоб бердилар.

\* \* \*

Имом Али розияллоху анҳунинг хотинлари, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг қизлари бўлмиш Фотимаи Заҳрони ранглари оқарган, ҳолдан тойган ҳолда кўриб: “Сенга нима бўлди, Фотима?” – деб сўрадилар. Фотима онамиз: “Уч кундан буён уйда егулик нарса топилмайди”, – дедилар. Имом Али: “Шундай экан, айтсанг бўлмасмди?” десалар: “Тўйимиз куни отам – Аллоҳнинг Расули алайҳиссалом “Ҳой Фотима! Агар Али бирор нарса топиб келса, егин, бўлмаса, сўрамагин”, деган эдилар”, – деб жавоб бердилар.

\* \* \*

Эзгу зотли Ҳафса бинт Умар яхши хулқли Фотимага дедиларки:  
– Сен нечун эрингга бу қадар бўйсунурсан?

Ҳазрати Фотима айтдиларки:

– Менинг эримга бўйинсиниб хизмат этмагимдан муроду мақсадим Тангри таолонинг ризосидир. Шу аснода эримнинг даъво қилмиш нарсаси ҳам тугайди. Яъни эримга кўп хизмат қилмоғим Аллоҳ учундир. Шу йўсин мен эримнинг дунё ва охираат даъвосини адо этаман. Бунинг учун эрим мендан хушнуд бўлади.

Яна дедиларки:

– Бир хизмат билан икки тоат енгил бўлди. Бири – Аллоҳ ризолиги. Иккинчиси – эримнинг шод бўлгани. Киши бир хизмат билан бундай улуғ савобларга муяссар бўлгач, нима учун Аллоҳ буюрганга бўйинсунмас экан? Холбуки, Аллоҳ таоло хотинларга эрларига бўйинсунмоқни буюради.

\* \* \*

“Бир киши аёлига муҳаббат билан боқса ва аёли ҳам унга шу кайфиятда юзланса, Аллоҳ таоло иккаласига ҳам раҳмат назари билан қарайди ва қўлларини қўлларига қўйганларида иккисининг ҳам гуноҳлари бармоқлари орасидан тўкилиб кетади”. (*Саҳиҳи Муслим* дан)

\* \* \*

“Хотинларга итоат этманг. Уларга қаршилик қилиб турмасангиз, уйдан барака кетади”. (*Умар ибн Хаттоб*)

\* \* \*

“Ўз аҳлингизни қадрланг. Зеро, улар учар қанотингиз, ўрнашган пойдеворингиз ва тутар қўлингиздир”

\* \* \*

“Ёмон хотин мисоли гўзал кийинган чаённинг ўзидир”. (*Али ибн Абу Толиб*)

\* \* \*

“Очлик ва қийинчилик фитнаси билан имтиҳон қилиндингиз, сабр этдингиз. Мўл-кўлчилик фитнаси билан ҳам синаласизлар. Мен сизларнинг аёллар фитнасига учрашингиздан кўпроқ хавотирдаман”. (*Муоз ибн Жабал*)

\* \* \*

“Бир солиҳа аёл эрига етти кун хизмат қилса, Аллоҳ унинг қаршисидаги дўзахнинг етти эшигини ёпиб, жаннатнинг саккиз эшигини очади”. (*Жаъфар Содиқ*)

\* \* \*

“Хотиннинг нафсоний орзуларига бўйсунган ҳар бир эркакни Аллоҳ жаҳаннам оташига отмай қўймайди”.

\* \* \*

“Киши аҳли-аёлига ишлатиш учун қарз сўраб, кейин уни узишга ҳаракат қилса-ю, шу қарз билан вафот этиб қолса, Аллоҳ таоло унинг даъвогарларини рози қилади”. (*Ҳасан Басрий*)



\* \* \*

“Хотиннинг жиҳоди – эрга итоат этмоқликдир”.

\* \* \*

“Эркакларнинг камолоти шуки, ким ота-онасига яхшилик қилса, силаи раҳм ришталарини боғласа, аҳли-аёли ва фарзандлари билан ҳам хулқини яхши қилса, динини сақласа, молини харомдан ислоҳ қилса, унинг ортиғидан инфоқ-эхсон берса, тилини сақласа, ўз уйини лозим тутса, яъни ишидан вақтида келса, ўша эркакларнинг комилидир”. (Фузайл ибн Иёз)

\* \* \*

“Хожатини арз этиб ёрдам сўраб келган кишини ноумид қайтариш, жохил-нодон кишилар билан суҳбатдош бўлиш, ҳеч кимга манфаат етказмай, фақат мол-дунё орттириш учун умр ўтказиш ва ўз оила аъзоларининг аҳволига қарамай, уларни тангликда қолдириш – бадбахтлик нишонасидир”. (Фахриддин Розий)

\* \* \*

“Хотин зоти агар қалбинг улар ишқига гирифтор бўлганини сезса, бурнингни тупроққа ишқайди”. (Абулқосим Замахшарий)

\* \* \*

92 “Хотинларда иффат, поклик энг улуғ жамолдир. Хиёнатга хиёнат қилиш билан қарши турма, балки хоинларни тарк эт”. (Абу Аъло ал-Мааррий)

\* \* \*

“Энг яхши хотин шундай хотинки, у хаёли ва ориятли бўлади. Энг муҳими, оилада тўкин-сочинлик ва бараканинг сабабчиси бўлади”. (Муниддин Жувайний)

\* \* \*

“Шундай одамлар борки, муҳаббат бўстонини оралаб, уйланишга қадам қўймайдилар ва бу файз боғининг гулзоридан гуллар термайдилар, доимо ғам уйида ўзлари яккаю танҳо ўтирадилар”.

\* \* \*

“Шундай қизга совчи қўймоқ керакки, бу қизнинг чеҳраси очик, юзида олижаноблик ва иффат намоён бўлсин, поклик ва покизалик пардаси орқасида тарбияланган, чиройли иш ва одатларга ўрганган бўлсин. Бундай қиз энг яхши ҳадя бўлиб, ёшлик ва ҳаёт дастурхонининг лаззатини зиёда қилади”. (Бархурдор ибн Маҳмуд)

\* \* \*

“Кўзёши аёлнинг тузоғидир”. (Жалолиддин Румий)

\* \* \*

“Доимо кулиб турувчи эрнинг хотини дунёда энг яхши хотиндир”. (*Абулқосим Фирдавсий*)

\* \* \*

“Бадхулқ ва бемаъни эрга учраган аёлнинг асосий вазифаси шундан иборатки, у бор кучини сарфлаб, эрининг нотўғри йўлдан кетаётганини тушунтириши, унга ваъзу насиҳат қилиши, барча чора-тадбирларни қўллаганда ҳам эрининг тузалишига ишонч йўқ бўлгач, ундан кўнгил узиши, қутилиш йўлини қидириши керак”.

\* \* \*

“Оилавий масалада эр билан хотин ўртасида тотувлик ва маслаҳатлашиб иш тутиш бўлмаса, бундай оила азоб ва машаққат масканига айланади”. (*Олимаат ал-Банот*)

\* \* \*

“Бегона аёлни севиш – саримсоқ ейишнинг ўзгинаси. Буни ҳеч қачон бекитганингга қарамай, охир-оқибатда ҳиди билиниб қолади”.

\* \* \*

“Олтин ва аёллар нақ оловнинг алангасига ўхшайди, уларга боқсанг – тананг қизийди, тегсанг – куюсан”. (*Кабир Деҳлавий*)

\* \* \*

“Дили бузук, ўзгаларнинг покдомон ва иффатли қиз-жувонларига кўз олайтирувчи нопок кишилар ҳақиқий разил ва ифлос кишилардир”. (*Муҳаммад Жавҳар Заминдор*)

\* \* \*

“...аввал олғон хотуни Бека Султонбегим эди, Санжар мирзо Марвийнинг қизи эди. Бадиуззамон мирзо мундин туғиб эди. Кўп кажхулқ эди. Султон Ҳусайн мирзони кўп оғритур эди. Кажхулқлиғидин мирзо батанг келди, охир қўйди ва халос бўлди, не қилсун ҳақ мирзо жониби эди.

Зани бад дар саройи накў

Ҳам дар ин олам аст дўзахи ў.

(*Яхши кишининг хонасидаги ёмон хотин шу дунёнинг ўзидаёқ унинг дўзахидир*)

Тенгри ҳеч бир мусулмонга бу балони солмағай. Ёмон хўйлуқ, кажхулқ хотун илоҳий оламда қолмағай”. (*“Бобурнома”дан*)

\* \* \*

“...дўст бўлмағон хотиндин қочғил, нединким, дебдурлар: «Кадбону (*ишчан уй бекаси*) бўлмағон тезроқ банд бўлур, аммо

у масобада (ҳолатда) эрмак. Бунингдек хотин сенинг молинг-ни кўлингдин олиб, сўнгра сени унга молик бўлурға қўймағай, ундин сўнг сен унинг хотини бўлурсан, лекин у сенга хотин бўлмас”.

\* \* \*

“Хотин пок ниҳод (тоза табиатли) ва пок дил бўлсун; кадбону (ишчан уй бекаси) эрига дўст бўлғай. Хаёлиғ, тақводор, тили қиска, молни яхши сақлағувчи бўлсин. Дебдурларки, яхши хотин эрнинг ва умрнинг роҳати бўлур. Агар хотининг хўбрўй, меҳрибон ва мақбул бўлса ҳам ихтиёрингни унга буткул бермағил ва унинг ҳукми остиға кирмағил. Нединким, Искандарга дебдурлар: “Доронинг қизин нима учун олиб хотин қилмассан, бағоят хушрўйдир?” Искандар деди: “Жаҳон халқиға голибман, энди бир хотинга мағлуб бўлсам, кўп ёмон кўринур”.

\* \* \*

“Хотин олсанг улуғ салоҳлиғ (яхши) хонадондин хотин талаб қилғил. Ҳар турлик авбошнинг қизин олмағил, нединким, хотинни уйнинг кадбонлиғи учун олурлар, шахват учун олмаслар. Хотин камолга етгон, оқила бўлгон, онасининг кадбонлиғин (сариштали уй бекаси эканлигини), отасининг кадхудолиғин (онла хўжаси эканини) кўргон ва билгон бўлсун. Агар бундай нозанин кўлингга тушса, уни асло қўлдин чиқармағил ва жаҳд қилиб уни олғил”. (*“Қобуснома”дан*)

\* \* \*

“Яхши хотин – оиланинг давлати ва бахти. Уйнинг озодалиги ундан, уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги ундан. Ҳуснли бўлса – кўнгул ёзуғи, хушмуомала бўлса – жон озиғидир. Оқила бўлса, рўзғорда тартиб-интизом бўлади, асбоб-анжомлар покиза ва саранжом туради.

Киши бу каби жуфти ҳалол билан қовушса, агар бундай бахтга эришса, ғам ва кулфатда сирдошга, ошкор ва пинҳоний дард-аламда ҳамнафас ва маҳрамга эга бўлади. Турмушда бошингга ҳар қандай жафо тушса, ҳамфирдинг у; тескари айланувчи фалақдан бошингга ҳар бало келса, кўмақдошинг у. Кўнглингга ғам юзланса, у ҳам ғамнок; баданингга хасталик ва заифлик етишса, унинг ҳам жони ҳалак.

Уйланган одамнинг баъзи қийинчиликлари осонлик билан битади, аммо, қийинчиликлар орта борса хавfli бўлади. Бу хилдаги чигалликларни бартараф қилишда умидсизланмай, сабр-тахаммул қилинса, ҳар қалай бирга яшаш мумкин бўлади.



Аmmo, Худо кўрсатмасин, номувофиқ хотин учраса, ўз уйингда халокатли иллат пайдо бўлади. У беандиша, шаллақи бўлса, кўнгил ундан озор ва ёмонлик ахтарувчи бўлса, ундан руҳ азоб чекади. Тили аччиқ бўлса, барчанинг дилини яралайди; покиза бўлмаса, ундан эрига юзи қоралик келтиради. Агар майхўр бўлса, у уй ободлиги йўқолади, ахлоқсиз бўлса, оила расво бўлади.

Юқорида таърифи берилган яхши хотинлар жуда кам туғилади. Кимга шундай хотин учраса, бошига бахт қушининг қўнгани шудир”. (*Алишер Навоий*)

\*\*\*

Бир чўпоннинг солиҳа, фаросатли хотинига ҳамма ҳавас қиларди. Ҳамма шу чўпонни “энг бахтли одам” деб таърифларди. Қишлоқда кимки хотини билан келишолмай қолса: “Бор, чўпоннинг хотинидан ибрат олиб кел”, дерди. Бир куни хотини билан жанжаллашиб қолган қишлоқ оғаси ҳам шундай деди. Хотин “Мен кимману чўпоннинг хотини ким! Ундан нимани ўрганардим!” деди. Кейин “бу хотинни ҳамма мақтайди бир бориб кўрайинчи”, деб қизиқиб йўлга чиқди. Борса, чўпон хотини ҳовлидаги идишда турган сувдан олиб ичаётган экан. Қишлоқ оғасининг хотини чанқаган эди, “шу сувдан ичайин”, деб сўради. “Хўп, – деди чўпон хотини, – сизга ҳозир ичкаридан муздай сув олиб чиқаман, бу илиб қолган”.

– Ичкарида муздай сув бўлса, ўзингиз нима учун бу илиган сувдан ичяпсиз? – деб ажабланди оғанинг хотини.

– Хоним, эрим бу онларда далада, жазирамада юрибдилар. Мешларидаги сув қуёш нурида илиб қолгандир. Эрим у ёқда илиган сув ичсалару мен бу ерда муздек роҳатбаш сув ичсам, меҳрибон хотинлигим қаерда қолди!

\*\*\*

“Кимнинг хотини дўст, меҳрибон ва уйи саранжом-саришта бўлса, у киши ҳақиқатан бахтиёрдир. Агар хотининг иффатли, номусли, очиқ юзли ва ширинсўзли бўлса, у хоҳ гўзал, хоҳ хунук бўлсин, бирибир уни сев, яна ҳурмат қил. Бу сўзлар ёлғиз хотинларгагина эмас, эркакларга ҳам махсусдир. Эр ва хотин ҳамжихат ва ҳамфикр бўлсалар, уларнинг кўзлаган ҳамма мурод ва мақсадлари ҳосил бўлди, демакдир”. (*Донолар бисотидан*)

\*\*\*

“Агар келин-куёв бировларнинг гапларига, фисқу фасодларига кирар эканлар, уларнинг ширин турмушлари бузилади, ораларига совуқлик тушади”. (*Аҳмад Дониш*)

\* \* \*

“Энг ёмон хотин шундайки, эри билан келишмайди”.  
(Муҳаммад Хусайн)

\* \* \*

“Қиёмат куни хотиндан сўраладиган биринчи нарса – намоз, сўнг эрининг ҳаққи”. (Каъбул Ахбор)

\* \* \*

“Хотиннинг эр устидаги ҳаққи бештадир: аёл аврат бўлгани учун унинг сатрдан чиқишига йўл қўймаслик, чунки бу – гуноҳ ва эркаклик ғурурининг топталишидир; хотинига таҳорат, намоз, рўза каби зарур илмларни ўргатиш; уни ҳалолдан овқатлантириш, чунки, гўшт ҳаромдан ўсса, олов билан эрийди; унга зулм қилмаслик, чунки аёл эр учун омонатдир; агар хотин ҳаддидан ошса, бундан ҳам ёмонроқ ҳолатга тушиб қолмаслиги учун унга насиҳат қилиш”. (Абу Лайс Самарқандий)

\* \* \*

“Урғочи туя инграса нор туя бўзлайди”. (Маҳмуд Кошғарий)

\* \* \*

“Аёл кўп нарсани талаб қилмайди: фақат унинг эри ҳар қандай аёл олдида кучли бўлса-да, ўз аёлининг олдида заиф бўлиши керак”. (Араб ҳикмати)

\* \* \*

“Оила қурган киши кеманинг ичига тушган одамга ўхшайди. Кема денгиз ўртасига йўл олади. Ўғил-қизнинг туғилиши бу кемани бошқаришни қийинлаштиради”.

\* \* \*

“Миллатлар шарафини юқори мартабага кўтарадиган нарса милёнлар ила саналмақда бўлган аскарлару дунёда энг буюк ва зўр бўлган кемалар эмас, балки... оиладир”

(Ризоуддин ибн Фахриддин)

\* \* \*

“Уйланиш бу ҳаётда шерикликнинг аҳду паймонидир. Эр-хотин бирга бўла туриб, ҳаёт йўлида биргаликда бўлмоқ ва бир-бирларига ёрдам бермоқ учун аҳд қиладилар. Бир-бирларининг ҳаққига зулм, жафо ва хиёнатни раво кўрмайдилар. Табиийки, эр-хотин агарда диёнатли ва ахлоқи ҳамидага эга бўлсалар, шу аҳду паймонларига бир умр собит қоладилар. Шу нарса аниқки, ваъдага хилоф қўйилган ҳар бир қадам шу аҳду паймон-

нинг бузилишига олиб келиб, бадбахтлик ва тинчсизликни оила-  
лар бошига келтиради (Абдурауф Фитрат)

\* \* \*

“Тўй қилиш учун эр-хотин бўлинмайди. Эр-хотин бўлиш учун  
тўй қилинади. Орзу-хавасни тўйда бир маротаба эмас, тўйдан  
кейин ҳар куни кўриш керак”. (Абдулла Қаҳҳор)

\* \* \*

“Уч кимса киши кўнглини вайрон қилиб, тинчини бузади: булар  
– ёмон кўшни, ноқобил фарзанд ва бадфеъл хотин”. (Арасту ҳаким)

\* \* \*

“Ҳар қандай никоҳ устидан бир нарса амр қилиб турмоғи ло-  
зим: ҳар бир одам ўз ҳузур-ҳаловати учунгина эмас, балки ўз  
юрти манфаатларини кўзлаган ҳолда никоҳдан ўтмоғи керак”.  
(Афлотун ҳаким)

\* \* \*

“Чавандозларга қайсар отлар қанчалик зарур бўлса, жанжал-  
каш хотин ҳам менга шунчалик зарур. Худди чавандозлар бўй-  
сунмас отларни енгиб, бошқаларини осон бошқаришганидек,  
мен ҳам хотиним Ксантиппа орқали бошқа одамлар билан муо-  
мала қилишни ўрганаман”.

\* \* \*

“Уйланасанми ё уйланмайсанми – барибир пушаймон бўласан”.

\* \* \*

“Қандай бўлмасин уйланинг. Аёлингиз яхши чиқса – бахтли  
бўласиз, акси ҳолда файласуф бўласиз”.

\* \* \*

“Дунёнинг роҳати ҳақиқий дўст, меҳрибон хотин, қобил фар-  
занд ва саломатликдир. Негаки, фақат шуларгина кишига хо-  
тиржамлик келтира олади”.

\* \* \*

“Тўғриси айтиладиган бўлсак, уйланиш – бир бало, аммо ке-  
ракли бало”. (Сукрот ҳаким)

\* \* \*

“Никоҳ кишилиқ жамиятининг биринчи поғонасидир”. (Цицерон)

\* \* \*

“Олов, аёл ва денгиз – уч мусибатдир”. (Эзон)



\* \* \*

«Кимга яхши куёв учраган бўлса, у одам ўғиллик бўлибди.  
Кимга ярамас куёв йўлиққан бўлса, у одам кизини йўқотибди»  
(Демокрит)

\* \* \*

“Оила табиатнинг шоҳ асарларидан биридир”. (Ж. Сантаяна)

\* \* \*

“Хамма одамлар хато қиладилар, лекин оилали одамлар бу-  
нинг фарқига тезроқ борадилар”. (Р. Скелтон)

\* \* \*

“Одамларни телба қилган хотинлар беҳисоб, аммо телбани  
одам қилган бир хотин бордир”. (Л. Рочифолкауд)

\* \* \*

“Минглаб тасодифлар синовидан ўтадиган эр-хотин муҳаб-  
бати кундалик энг оддий ҳодиса бўлишига қарамасдан энг гўзал  
мўъжизадир”. (Ф. Мориак)

\* \* \*

98

“Оилани бузишга мўлжалланган ҳар қандай ижтимоий наза-  
риялар яроқсиз, шу билан бирга номақбулдир. Оила – жамият-  
нинг дурру гавҳари”.

\* \* \*

“Аёл кишини изтиробларга қўйган ҳолда эркакни бахтли қи-  
лиш қийин”.

\* \* \*

“Кимки аёл ҳуқуқини ҳимоя қилса, бола ҳуқуқини ҳам ҳимоя  
қилган бўлади. Бошқачароқ айтганда – у келажакни ҳам ҳимоя  
қилади”. (В. Гюго)

\* \* \*

“Оила мўъжазгина бир жамиятчадир, бутун инсоният жами-  
ятининг дахлсизлиги ҳам унинг жипслигига боғлиқ”. (Ф. Адлер)

\* \* \*

“Хизматда бўлганингда иккита ҳақиқат эсингда бўлсин: “Фақат  
одиллик донишмандлик ёғдусини сочади. Фақат беғаразлик обрў  
келтиради”. Уйингга келганингда иккита ҳақиқатни эсингда тут:  
“Фақат хушмуомалалик осойишталик келтиради. Фақат тежамкор-  
лик орқали фаровонликка эришилади”. (Хун Цзичэн)

\* \* \*

“Оилавий муҳаббат одамлар орасида кенг тарқалган, энг мустаҳкам муҳаббатдир. Шунинг учун ҳам у кишилар ҳаётига таъсир кўрсатиш жиҳатидан одамнинг энг муҳим ва энг ҳаётбахш туйғусидир”.

\* \* \*

“Муҳаббат, разил кишилар ўйлаганидек, инсон ҳаётидаги фақат никоҳ давригача бўлган ўткинчи воқеа эмас. Бу эр-хотиннинг бутун ҳаёти давомида яшаб, мустаҳкамланиб борадиган туйғудир”. (Н. Чернишевский)

\* \* \*

“Бахтли оилаларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшайди, бахтсиз оилаларнинг эса ҳар бири ўзича бахтсиздир”.

\* \* \*

“Пишириб-қуйдириш, тикиб-ямаш, кир ювиш, болаларга қараш фақатгина аёлларнинг иши, буни қилиш эркак кишига уят деган ғалати, илдиз отиб кетган янглиш фикрлар мавжуд. Ваҳоланки, бунинг акси уятлироқ: ҳолдан тойган, қачон қарасанг нимжон, ҳомиладор аёл зўр-базўр овқат тайёрлаётган, кир юваётган, касал боласига қараётган бир пайтда, кўпинча бекор юрган, вақтини бўлар-бўлмас ишлар билан ёхуд бутунлай бесамара ўтказаётган эркакларга уят”.

\* \* \*

“Ўз уйида бахтли бўлган кишигина бахтлидир”.

\* \* \*

“Аксари эркаклар ўз хотинларидан қадр-қиммат талаб қилдилар, аслида уларнинг ўзлари бунга арзишмайди”.

\* \* \*

“Фисқ бирор жисмоний қусурда намоён бўлмайди. Ахир, жисмоний дағаллик фисқу-фасод эмас-ку; чинакам фисқ-фужур жисмоний алоқада бўлаётганинг аёлга нисбатан ахлоқий покиза муносабат қилмаслигиндир”.

\* \* \*

“Эркакка ўхшамоқчи бўлган аёл худди аёлсифат эркак сингари тасқарадир”. (Л. Толстой)

\* \* \*

“Биргина қалб устига уй соламан деган одам уни бамисоли оловдан нафас олаётган тоққа қураётгандай. Ўз бахту саода-

тини фақат оилавий ҳаётдан кутган киши эса бундай уйни қум устига қуради”.

\* \* \*

“Ақл-идроки эрта тўлишган одам ўзини фақат оилавий ҳаётга бағишлай олмайди. Умум манфаатлари йўлида ундан воз ҳам кечолмайди”.

\* \* \*

“Ўз эрининг фикру хаёлини банд этган орзу-ҳаваслардан бегона яшаган, уларни рўёбга чиқаришга интилмаган аёл, бор-йўғи эркакнинг ўйнаши, тежамкор бека, энагадир, лекин “хотин” деб аталган олижаноб сўз замиридаги ҳақиқий аёл эмас”. (А. Герцен)

\* \* \*

“Оилавий манфаатлар деярли ҳаммавақт ижтимоий манфаатларни хароб этади”. (Ф. Бекон)

\* \* \*

“Оилавий ҳаётда рўй бериб турадиган майда-чуйда кемтикларни фақат кучли муҳаббатгина текислаб кетиши мумкин”. (Т. Драйзер)

100

\* \* \*

“Тутун алангадан пайдо бўлганидек, никоҳ ҳам муҳаббатга уйғунлашиб кетади”. (Н.Шамфор)

\* \* \*

“Ҳар қандай киши модомики, никоҳдан ўтган экан, никоҳ қонунларига бўйсунишга мажбур этилиши керак”. (К.Маркс)

\* \* \*

“Севмаган одамингга турмушга чиқиш қабоҳатдир”. (Д. Писарев)

\* \* \*

“Дилдаги ишончдан келиб чиқадиган, иштирок этаётган кишиларнинг ихтиёрий, оқилона иноқликларига асосланган оилавий ва ижтимоий муносабатларгина мустаҳкам бўлиши мумкин”. (Н. Добролюбов)

\* \* \*

“Уйланиш ўз ҳуқуқингни икки баравар камайтириб, зимангга тушадиган мажбуриятни эса икки ҳисса оширишинг демакдир”. (А. Шопенгауэр)



\* \* \*

“Эр-хотин ёстикдош бўлгунларига қадар бир-бирларининг одатлари, феъл-атворларини мукамал ўрганмаган эканлар, уларнинг турмуши бахтли бўлмайди”.

\* \* \*

“Эр-хотинлик оилавий ҳаётда бўлганидек, умуман, ҳаётда ҳам фақат муваққат хузур-ҳаловатдангина иборат эмас, у теппа-тенг мойиллик, ўзаро қизғин эҳтирос, феъл-атворлар ўхшашлигини ҳам тақозо қиладики, жамиятга зарур бўлган бу ақида абадий муаммо бўлиб қолаверади”.

\* \* \*

“Муҳаббат оилавий машмашаларни шу қадар ёқтирмайдик, чинакамига бахт-саодатли бўлмоқ учун бир-бировингда энг олижаноб фазилатларни топа билмоғинг керак”. (О. Бальзак)

\* \* \*

“Ҳаётларини бир-бирига боғламоқчи бўлганлар никоҳга қадар ҳамма нарсага кўзларини катта очиб қарашлари, никоҳдан кейин эса баъзан кўриб-кўрмаганга олишлари керак”. (М. Скюдери)

\* \* \*

“Никоҳнинг шундай хусусияти борки, ундан кейин санамга тавоф этиш барҳам топади. Бинобарин, эркак киши ўз маъбудасига яқиндан туриб боқса, у қайтадан оддий аёлга айланади”. (Ж. Аддисон)

\* \* \*

“Омадли никоҳ ҳар куни таъмир этиб турилиши керак бўлган бинодир”. (А. Моруа)

\* \* \*

“Никоҳ баҳсу мунозаралар билан бўлиниб турувчи узундан-узоқ суҳбатдир”. (Р. Стивенсон)

\* \* \*

“Никоҳ мустақиллик жиҳатидан теппа-тенг бўлган эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларнинг ифодасидир, бунда мутелик ҳам бир хил, мажбурият ҳам бир хил”. (Л. Анспахер)

\* \* \*

“Никоҳ кўп ташвиш туғдиради. Аммо никоҳсиз турмушда ҳам ҳеч қандай шодлик йўқ”. (С. Жонсон)

\* \* \*

“Никоҳсиз турмуш ахлоқсизлик оқибатидир. Ҳар иккала жинс ҳам ўзларини яхши одамлар қаторига қўшадиган қовушувдан қочиб, аксинча, хароб қиладиган қовушув исканжасига тушадилар”. (Монтескье)

\* \* \*

“Оилавий муҳаббат – инсон зурриётини кўпайтиради, дўстона муҳаббат уни такомиллаштиради, гайриахлоқий муҳаббат эса барбод этиб, ерга уради”. (Ф. Бэкон)

\* \* \*

“Яхши хотин билан яшаш – ҳаёт бўронларида сенга бир паноҳдай хизмат қилса, ёмон хотин билан яшаш эса – кулбангда кўтарилган бўрондай гап”. (Ж. Птитсен)

\* \* \*

“Эр кишининг истеъдоди худди аёл жозибасига ўхшаб – қуруқ ваъданинг ўзи. Чинакам улугворлик учун эса унинг қалби ва феъл атвори ҳам ўз истеъдодига монанд бўлмоғи керак”. (О. Бальзак)

\* \* \*

102 “Фақат эри ва ўз болаларинигина севишни биладиган, қолган бирор нарса ҳақида тушунчаси йўқ ва бошқа бир нарсага интилмайдиган аёл кулгили, аянчли ва эркак зоти муҳаббатига муносиб бўлмаганидек, ўз хотини ва болаларидан бошқани билмайдиган эркак ҳам худди шундай кулгили, аянчли ва номуносиб одамдир”.

\* \* \*

“Никоҳ муҳаббатнинг қарор топишидир. Том маъноси билан пишиб етилган юраккина чинакамига сева олади ва шундагина муҳаббат никоҳ мисолида ўзига ҳадя этилган энг олий мукофотни кўради ва ҳар қандай шухрат қаршисида ҳам хираланмайди, балки офтоб нуридан ўзининг хушбўй исли гулларини барқ уриб очилтиради”.

\* \* \*

“Шунга қатъий иймоним комилки, эр-хотин иттифоқи тева-рак-атрофдагиларнинг аралашувидан холи бўлмоғи керак. Бинобарин, бу икки кишидан бошқа ҳеч кимнинг иши эмас”.

\* \* \*

“Окила рафиқам! Агар эринг ёнингда бўлишини истасанг, шунинг пайига тушгинки, токи у ҳеч ерда сенинг ҳузурингдаги каби роҳат-фароғат ва мулойимликка дуч келмасин”. (Пифагор)

\* \* \*

“Аёлнинг аёллигини ўша аёл қандай эркакни севганидан билса бўлади”.

\* \* \*

“Аёлни инсон сифатида кўриш ва қадрлаш – заруратгина эмас, балки ахлокли кишиларимизга насиб этиши мумкин бўлган муҳаббатнинг бош шарти ҳамдир”.

\* \* \*

“Аёлнинг вазифаси – эркакнинг қалб шуурини, ундаги олижаноб эҳтиросларни алангалатиш, бурч туйғуси ва юксаклик ҳамда буюкликка бўлган интилишини қўллаб-қувватлашдан иборатдир – аёлнинг қисмати шу ва бу қисмат буюк ва муқаддасдир”.

\* \* \*

“Биз учун аёл бахти хусусидаги маънавий масъулиятни зиммага олганимиз ҳолда унинг қалбига, ҳаттоки билмай туриб озор бериб қўйишдан ҳам ортиқроқ бахтсизлик бўлмайди”. (В. Белинский)

\* \* \*

“Никоҳ остонасидан ўтган жуфтлик гўё маънавий олами битта бўлган шахсга айланмоғи керак”. (И. Кант)

\* \* \*

“Аёл киши ўзидан паст турган эркакни сева олмайди. Беҳузур, завқ-шавқсиз муҳаббат – бор йўғи дўстликдан иборатдир”. (Ж. Санд)

\* \* \*

“Фақат тубан, қўполдан қўпол, ифлос миягина қачон қараса аёл бадани гўзаллиги билан банд бўлади ва ўзининг ҳар нарсага бош суқаверадиган фикрларини фақат ўша нарсага бураверади”. (Ж. Бруно)

\* \* \*

“Хотин-қизларга ҳаёсизларча муносабатда бўла олувчи шахс инсон сифатида ҳам ишончни оқламайди; у умум ишига ҳам худди шундай шармандаларча муносабат қилади, унга бошдан-оёқ ишониш мумкин эмас”. (А. Макаренко)

\* \* \*

“Аёл ишончини суиистеъмол этиб, муҳаббатини оёқости қилган, ожизгина вужудини қийнаб, кўзидан алам ёшларини оқизган одам, менинг наздимда, аблаҳ ва разилдир”. (Ш. Нодье)



\* \* \*

“Фақат ярамас одамгина аёллар билан тортинмай муносабатда бўлади”. (М. Русинек)

\* \* \*

“Тўла асосга эга бўлмаган рашк на ўзини, на ўз маҳбубига кўнгил боғлашга доир ҳуқуқни ҳурмат қилолмаган ожиз одамларга хос иллатдир; бу “меники” деган ҳайвоний инстинкт даражасида турган жонзотнинг бачкана ҳукмронлигини кўрсатади”. (В. Белинский)

\* \* \*

“Рашк бирон нарсани йўқотишдан кўрқадиган ярамас, очкўз ҳайвон эҳтиросидир; бу ҳиссиёт одамга муносиб бўлмай, чириган расм-русмларимиз ва мулкдорлик ҳуқуқининг оқибатидирки, уни ҳис қилувчи, фикрловчи, хоҳловчи, эркин зотга ҳам қўлламоқчи бўладилар”. (Д. Дидро)

\* \* \*

“Сен топинган ва севган аёлни кўз ўнгингда ҳақоратлашларига йўл қўйиш мумкин эмас”. (Р. Роллан)

\* \* \*

“Аёлни ҳурматлаш – ҳар бир софдил киши туғилишидан бошлаб рия қиладиган бурч”. (Лопе де Вега)

\* \* \*

“Севимли аёлнинг ҳаттоки қаҳри ҳам биз бахтли дамларимизда бошқа аёллардан топишимиз маҳол бўлган чексиз жозиба билан тўлиб-тошгандир”. (Стендал)

\* \* \*

“Эр киши танлаган қаллиққа қараб туриб, у одамнинг кимлиги, ўз қадр-қимматини биладими-йўқми, осонгина билса бўлади”. (И. Гёте)

\* \* \*

“Кўпинча, эр бир ҳолатда-ю, ёнидаги аёл эса суҳсурдайлигини кўраемиз. Демак, биз эркакнинг аёл қадрлаган яширин фазилатларини билмаймиз: бу кўнгил иши, эҳтимолки, ҳақиқий муҳаббат ҳам шудир” (М. Пришвин)

\* \* \*

“Букилмас иродасини, қатъиятли эканини кўз-кўз қилмайдиган, нима иш қилса ҳам ўзига ярашадиган камтар ва ифбатли аёлдан гўзалроқ нима бор?”. (А. Фадеев)

\* \* \*

“Ҳамма ерда ва ҳамиша аёл кишининг энг олижаноб фазилати камтарликдир”. (Н. Карамзин)

\* \* \*

“Эр ва хотин муҳаббати – ихтиёрий келишувдир, буни уларнинг қай бири бузса, фақат хиёнатда айбланади, аммо аёл она бўлгач, унинг бурчи янада кучаяди, бинобарин табиат унга зурриёт масаласини ишониб топширган” (Г. Мопассан)

\* \* \*

“Ўз муҳаббати билан олишаётган аёлнинг қатъияти оламда мавжуд жами қатъиятларнинг энг олижанобидир”.

\* \* \*

“Қаерда аёллар, қизлар қаттиққўл, талабчан бўлсалар, ўша ерда ўсмирлар ҳақиқий эркак бўлиб етишадилар”.

\* \* \*

“Аёлга муносабат – номус, шарм-ҳаё, одоб, олижанобликнинг энг нозик ўлчови, раҳмдилликни тарбиялашнинг олий мактабидир”.

\* \* \*

“Қиз болани ҳурмат қил, унинг номуси ва шарафини, инсоний ғурурини авайла. Сенга ёққан қиз – сенинг бўлажак рафиқанг, болаларингнинг онаси. У – барҳаётлигининг гарови, у сени болаларинг қиёфасида яна қайта дунёга келтиради”. (В. Сухомлинский)

\* \* \*

“Табиат аёлга шундай дейди: уддасидан чиқсанг гўзал бўл, хохласанг оқила бўл, аммо идрокли бўлмоғинг шарт”. (П. Бомарше)

\* \* \*

“Муҳаббат бобида аёллар эркакларга нисбатан анча сермулоҳазакордирлар, чунки муҳаббат аёл учун том маънодаги улуғ нарса ва бутун ҳаётининг мазмунидир”. (У. Ирвинг)

\* \* \*

“Тўғрилиқ ва самимият эрларнинг ҳам, хотинларнинг ҳам энг яхши безагидир”. (О. Генри)

\* \* \*

“Хотин-қизларнинг ахлоқ масаласидаги қатъийликлари – бамисоли упа-элик, бу билан улар ўз ҳуснларига ора берадилар”.

\* \* \*

“Яхши аёл – ҳеч кимнинг нигоҳи тушмаган бир хазина, уни топган киши ақлли бўлса, бу ҳақда ҳеч кимга мақтанмайди”.

(Ф. Ларошфуко)

\* \* \*

“Қиз боланинг жамики бойлиги – унинг номуси, бу бойлик ҳар қандай меросдан ҳам қимматлидир”. (В. Шекспир)

\* \* \*

“Қизларни ўзларига, ўзларининг қизлик ғурурига катга ҳурмат билан ёндошишга ўргатмоқ зарур. Уларни ҳатто ўзларига ёққан йигитларга ҳам қисман зуғум сочиб туришга ўргатиш керак”. (А. Макаренко)

\* \* \*

“Эркак зотики, аёлга эҳтиромсиз қарай бошладими, демак, деярли ҳамиша биринчи бўлиб бу ишни аёл бошлаганини кўрсатади”. (Д. Дидро)

\* \* \*

“Ҳозирги жамиятда кимгадир муҳаббат боғлаган аёл тўққан ҳар томчи кўз ёшида эркакларга қарши оғир айбнома бор”.

(Д. Писарев)

\* \* \*

“Аёлларга хос ўлмас назокат яхши эркакларга ҳамиша қанот бағишлаб келган”. (Р. Роллан)

\* \* \*

“Деярли ҳар бир аёл севги бобида энг юксак жасоратларга ҳам қодирдир”. (А. Куприн)

\* \* \*

“Аёл фидойиликни тушунибгина қолмай, ўзини фидо қилишни ҳам билади”. (И. Тургенев)

\* \* \*

“Аёлсиз ҳаёт тонги ва оқшоми заиф, кундузи эса – ғамгин бўлиб қолар эди”. (П. Буаст)

\* \* \*

“Агар аёл эркакликни даъво қилмай, охиригача аёллигини қилса, у кўпроқ иззат-ҳурматга сазовор бўлади. Аёлда аёлга хос фазилатларни чеклаб, эркаклик хислатларини кучайтириш унга зиён етказиш демакдир”.



\* \* \*

“Жинс масаласига тааллуқли ҳамма нарсада аёл билан эркак кўпгина муштарак жиҳатларга ҳам, кўпгина тафовутларга ҳам эга. Уларни бир-бирлари билан таққослаш қийин, чунки уларнинг тузилишларида жинс билан бевосита боғлиқ нарса нима-ю, унга боғлиқ бўлмаган нарса нима эканини аниқ белгилаб олиш анча мушкул”.

\* \* \*

“Эркаклар билан аёллар ўртасидаги муштаракликнинг ҳаммаси инсоний табиатга тааллуқли, уларни бир-биридан фарқлантириб турадиган жиҳатларнинг ҳаммаси эса, жинс масаласига доирдир”.

\* \* \*

“Агар қалбимиз соф бўлса, “аёл” сўзи биз учун улуғворликка лиммо-лимдир”. (Э. Сенанкур)

\* \* \*

“Комил эркак билан комила аёл ташқи жиҳатларига кўра, бир-бирларидан қандай фарқлансалар, маънавий қиёфаларга кўра ҳам бир-бирларига унча ўхшамайдилар ва бу уларнинг комиллигига заррача ҳалал етказмайди”.

\* \* \*

“Эркак киши бақувватлиги биланоқ аёлнинг кўнглини ола билди. Бу, албатта, севги қонуни эмас, лекин бу – табиат қонуни. Бу қонун муҳаббатдан кўра қадимийроқ”.

\* \* \*

“Аёлнинг қудрати – унинг жозибасида. Аёл ўзининг латофатию таровати билан эркакни унга хос бўлган кучни ҳис қилишга ва уни ишга солишга мажбур қилади. Бу кучни уйғотишдаги энг синалган санъат шундаки, қаршилиқ кўрсатиш йўли билан бу кучга ҳаёт бахш этилади”.

\* \* \*

“Севги ҳар иккала жинс вакиллари учун бир-биридан батамом фарқланувчи оқибатларга олиб келади”.

\* \* \*

“Аёллар эркак зотини хаёлларига бошқа келтирмасликлари учун эркакларнинг ҳаммаси ортиқ ҳеч нарсага ярамайдиган бўлиб қолмоқликлари керак бўлади”.

\* \* \*

“Хуркаклик ва хаёни заиф жинсга табиат ато қилган. Унинг ёрдамида аёл кучли жинсни ўзига бўйсундириб олади”.

\* \* \*

“Инсонни ҳар жиҳатдан улуғ қилиб яратиш Яратганга маъқул бўлган: эркакка чексиз интилишлар, майллар ато этган ва айни чоғда, у эркин бўлмоғи ва ўз-ўзини бемалол бошқара билмоғи учун уларни жиловлаб турадиган қонун ато этган. Эркакка Яратган ўлчоғсиз эҳтирослар ато этган ва айни чоғда, шу эҳтиросларни ўз изми билан ҳаракатга солмоқ учун эҳтирослар ёнига ақлни ҳам қўшиб қўйган”.

\* \* \*

“Жинслар ўртасидаги ўзаро муносабатнинг фарқловчи хусусияти – кучлироқ жинс вакили зоҳирангина фармонбардор бўлиб кўринади, аслида эса, заиф жинс вакилига қарамдир”.

\* \* \*

“Ҳомиладорлик масалаларини аёлнинг ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди, агар истаган эркак оталик ҳақиқага эга бўлаверадиган бўлса, боланинг отаси бўлмаган бўларди”.

\* \* \*

“Эркак киши аёлнинг ўзига нисбатан хайрихоҳлиги билан ҳисоблашмоғи ва ўз навбатида, аёлга манзур бўлишга ҳаракат қилмоғи керак”.

\* \* \*

“Эркак охиригача аниқ билмайдики, у заифа мавжудот устидан ўзининг қудрати важдан ғалаба қозондими ёки аёл унга ўз ихтиёри билан берилдими? Аёл зотининг энг оддий макри шундаки, у эркакнинг кўнглидаги ана шу шубҳани йўқ бўлишига йўл қўймайди”.

\* \* \*

“Эркак киши инсон қалби тўғрисида аёл кишидан яхшироқ фалсафий фикр юритади, аммо аёл эркаклар қалбидагини ундан яхшироқ ўқийди”.

\* \* \*

“Аёллар асабларимизни, ортиқча шахсиятпарастлигимизни юмшатади; улар бизга қайдан бунёд бўлганимизни эслатиб туришади”. (М. Баррес)

\* \* \*

“Номус эр-хотин тотувлигининг қони ва жонидир”. (Д. Фонвизин)

\* \* \*

“Аёлнинг энг биринчи ва энг муҳим фазилати – беозорлик”  
(Ж. Ж. Руссо)

\* \* \*

“Аёлларни севинг ва иззат қилинг; улардан фақат юпанч эмас, балки илҳомингизга куч, маънавий ва ақлий қобилиятларингизни икки барабар оширувчи қудрат ахтаринг”.

\* \* \*

“Эркак ва аёл – бамисоли икки майин товушки, инсон қалбидаги торлар уларсиз ҳақиқий ва тўлақонли оҳанг беролмайди”.  
(Ж. Мадзини)

\* \* \*

“Эркакларнинг ишончидан кўра аёлларнинг гумони кўпроқ тўғри бўлиб чиқади”. (Р. Киплинг)

\* \* \*

“Аёл севгисидан мусаффо бўлмаган, унинг мардлигидан мадад олмаган ҳамда камтарона йўриғига юрмаган одам ҳақиқий ҳаёт кечирмаган ҳисоб”. (Ж. Рескин)

\* \* \*

“Аёл – бу юк сўз. Унда қизлик мусаффолиги, дўстга хос фидойилик, она жасорати мужассамлашган”. (Н. Некрасов)

\* \* \*

“Токи ер юзида биттагина аёл мавжуд экан, улар ҳақида ҳамиша нимадир янги гап айтиш мумкин”. (С. Буффлер)

\* \* \*

“Ўз бахти учун севикли кишиси олдида қарздорлигини тан олмаслик кечирилмас мағрурликдир”. (Г. Лессинг)

\* \* \*

“Эркакнинг никоҳдаги ҳукмронлиги унинг иқтисодий ҳукмронлигининг оддий оқибатидир ва иқтисодий ҳукмдорлик тугаши билан никоҳдаги ҳукмронлик ҳам тугайди”.

\* \* \*

“Агар фақат севги туфайлигина вужудга келган никоҳ ахлоқий бўлса, унда севгиси давом этаётган никоҳгина ахлоқийдир”.  
(Ф. Энс)



\* \* \*

“Бахтсиз никоҳ оқибатида юз берадиган қўйди-чиқди, менимча, ажралмайдиган никоҳдан кўра ахлоқлироқдир, негаки, шу қўйди-чиқди туйғайли ёлғонга чек қўйилади”. (А. Рубинштейн)

\* \* \*

“Бир томонлама ўзни қурбон бериш – оилавий ҳаётда ноўрин нарса, чунки у иккинчи томонни ҳақоратлайди”. (Ж. Голсуорси)

\* \* \*

“Аёл кишини ҳурматлай билган эркаккина уни таҳқирламаган ҳолда ундан ажралиша олади”. (С. Моэм)

\* \* \*

“Никоҳ оний бир туйғуга асослангани учун ҳам абадий эмас. У беқарор ва бузилиб кетиши ҳам мумкин. Аммо қонунчилик никоҳнинг бузилишини жуда қийинлаштириб қўйиши ва инжиқлик олдида ахлоқий ҳуқуқни ҳимоя этмоғи керак”. (Г. Гегел)

\* \* \*

“Муҳаббатни нечоғли илоҳийлаштирмасинлар, аммо табиат бу гўзал туйғуни одамларнинг бахти учунгина эмас, уларнинг кўпайиши ва униб-ўсиши учун ҳам бахшида этганини кўрмаслик мумкин эмас”. (В. Белинский)

\* \* \*

“Фақат севиб уйланишнинг гашти бор, холос; бирор қизга унинг қадди-қомати келишганлиги учунгина уйланиш худди бозордан кераксиз бўлса ҳам кўзга кўринган буюмни сотиб олиш билан баробар”. (А. Чехов)

\* \* \*

“Хотинни ўзингга тенгларидан ол, ўзингдан юқорилардан олсанг, унинг қариндошлари устингдан хўжайинлик қилишади”. (Калебул)

\* \* \*

“Аёллар бир-бири тўғрисида фикр юритсалар, жуда кам ҳоллардагина янглишадилар”.

\* \* \*

“Аёллар ҳар юзтанинг тўқсон тўққиз вазиятида ўзларини овсарроқ кўрсата олишади, лекин юзинчи марта эркаклардан айёрроқ эканлиги билиниб қолади”.

\* \* \*

“Аёллар севгидан нарини кўрмайди, унинг табиати севгидан нарига ўтмайди”. (*Фихте*)

\* \* \*

“Эркак киши ўз аёлининг ўтмишига доимо катта эътибор беради”. (*Агата Кристи*)

\* \* \*

“Бир-бировларини олти ойдан кам билган кишиларнинг турмуш қуришларига йўл қўймаслик керак”.

\* \* \*

“Хотиннинг хўрлашига йўл қўйган эркак – эркак ҳам эмас, аёл ҳам эмас, демак, шунчаки ҳеч нима!”. (*Наполеон*)

\* \* \*

“Беладонна” – италянчасига “гўзал аёл”, инглизчасига – “ўлдирадиган заҳар” дегани. Икки тилнинг чуқур ўхшашлигининг ажойиб мисоли” (*А. Бирс*)

\* \* \*

“Уйланиш – ҳуқуқларнинг ярмини камайтириш, мажбуриятларни эса икки баравар ошириш, демакдир”. (*А. Шопенгауэр*)

\* \* \*

“Ишқ безгакка ўхшайди. У иродага боғлиқ бўлмаган тарзда пайдо бўлади ва сўнади”. (*Стендал*)

\* \* \*

“Бугун Оврупада ишқ отини олган ҳоллар ҳайвонлик ҳавасларидан бошқа нарса эмасдир. Оврупада ишқ деб тикилган у ҳайвонлар ҳаваси киши камолига сабаб бўлмас, кимсанинг руҳини юксалтирмас”. (*Абдурауф Фитрат*)

\* \* \*

“Болалари қиёфасида эрини қайта дунёга келтиролмаган аёл эрини йўқ қилган аёлдир”.

\* \* \*

“Агар фақат ўзингни билсанг, яхшиси, оила қурма. Бахтли муҳаббатнинг асл мазмуни ўзни бағишловдир. Фақат ўзинигина ўйлайдиган кимса ҳеч нарса ҳады этолмайди, фақат олишни билади ва шу тариқа муҳаббат деб аталган туйғунинг барча фазилатларини заҳарлайди. Шахсиятпарастлик бу ўринда худди жисмоний иллатдек халақит беради”.

\* \* \*

“Севгилим ёнимда бўлса, ертўла ҳам жаннат, деган баланд-парвоз гаплар билан ўзингни овутма. Никоҳ фақат маънавий эмас, моддий қовушув ҳамдир. Оила қурмоқчи экансан, моддий жиҳатдан нечоғли мустақиллигинг ҳақида, турмуш ўртоғингни бокиб, кийинтириб, бошпана топиб бера оласанми, мана шулар ҳақида ўйлаб кўр”.

\* \* \*

“Оилавий ҳаёт, эҳтимолки, ҳеч қачон сидирғасига қувончдан иборат бўлолмайди. Фақат шоду ҳуррамликкагина эмас, ғаму андухга ҳам, ташвишу бахтсизликка ҳам шерик бўла бил”.

*(В. Сухомлинский)*

\* \* \*

“Эркаклар аёлга ҳурматсизлик қилишганда билингки, аёл улар билан муомалада биринчи бўлиб ўзи ҳаддан ошган”.

\* \* \*

“Аёллар хушомадкорона ёлғонни бир ютишда ичишади, аччиқ ҳақиқатни эса – томчилаб”. *(Д. Дидро)*

\* \* \*

“Аёлни унаштиришда ҳеч қачон қатнашма: негаки агар у эрига ёқмаса, у бир умр сени лаънатлаб ўтади. Агар унга маъқул келса, сени бир эслаб қўймайди ҳам”.

\* \* \*

“Мен катта-катта тошларни ағдар-тўнтар қилдим, аммо қайночасининг уйида яшаётган ичкуёв қисматичалик оғир ҳеч нарсани топмадим”.

\* \* \*

“Аёлнинг чинакам гўзаллиги – унинг феъл атвори мулойимлигида, аёлнинг жозибадорлиги эса – сўзларининг майинлигида”. *(Ахикар)*

\* \* \*

“Севги худбинликдан кучлироқ: аёлни ҳатто у сиздан нафратланганда ҳам севиш мумкин” *(Л. Вовенарг)*.

\* \* \*

“Аёл қалбини очадиган калит камдан-кам эркакларда бўлади. Аксарият эркаклар аёл қалбини лўм билан очишади”. *(Жеветский)*



\* \* \*

“Агар кишининг хонадони қирқ ёшга киргунча болалар қий-чуви билан тўлмаса, ваҳима билан тўлади”. (Ш. Сент-Бев)

\* \* \*

“Уйланиш бамисоли лотерея ўйинига ўхшайди. Аммо унда ютуқсиз чиптани йиртиб ташлаш имконияти йўқ”. (Л. Питер)

\* \* \*

“Ўз уйимиздаги бало ҳақида ҳаммадан кейин эшитамиз; фарзандларимиз ва хотинларимизнинг нуқсонлари ҳақида эса бу тўғрида барча қўшнилар бақир-чақир қилиб юрганида ҳам билмаймиз”. (И. Евсевий)

\* \* \*

“Қайнота куёвни хуш кўрмайди, келинни ёқтиради; қайнона куёвни хуш кўради, келинни ёқтирмайди. Дунёда ҳамма нарса мувозанатда”.

\* \* \*

“Ёмон кўрган кишинг билан яшагандан кўра яхши кўрган кишингни соғиниб яшаш анча енгил”. (Ж. Лабрюйер)

\* \* \*

“Бузуқчилик Бойлик билан нонушта, Камбағаллик билан тушлик, Қашшоқлик билан кечки овқатни қилади ва Шармандалик билан тунайди” (Б. Франклин)

\* \* \*

“Севимли аёлни йўқотишдан аламли ва айни пайтда қисқа муддатли йўқотиш йўқ”. (Л. Вовенарг)

\* \* \*

“Гўзал аёл кўз учун – жаннат, қалб учун – дўзах, чўнтак учун эса ғоратдир”. (Б. Фонтенел)

\* \* \*

“Мен ёшларни эҳтиёткор бўлишга чақираман: таъмағирлик билан қилинган никоҳ – қабиҳ никоҳдир”. (П. Филонович)

\* \* \*

“Икки нарса киши қўлида бўлса увол: гўзалликка мағрур бўлган кишига берилган хусн, иккинчиси – гўзаллик қадрини билмайдиган кишига тушиб қолган хотин”. (Хуррамий)

\*\*\*

Замона хотунини йўлга солмоқ  
Эрур осон ул ишдин жанг қилмоқ...

(Бу замонда хотинларни тўғри йўлга солмоқ бир қальани жанг қилиб олмоқдан мушкулдир.)

Ўшал хотунки, номахрам назардур,  
Агар шамсу камардур мочаи хардур.

(Хотин бегона эрларга қарагувчи бўлса, гарчи ўзи ойдек, куёшдек гўзал бўлса-да, уни урғочи эшак, демоқ лозим.)

Жамии жониворлар тушса кўзга,  
Ҳамиятлик бўлур тўнғиздин ўзга.

(Барча ҳайвонларда ҳам рашк бор, фақат тўнғизда йўқ, модасини қизганмайди.)

Таажжуб фитналикдур бу замона  
Тушубдур эрлар аҳволи ямона. (*Сўфи Оллоёр*)

(Ажаб фитналар кўпдир бу замонда. Эрлар ўзларини ёмон аҳволга солганлар. Яъни уларда ғайрат ва рашкдан асар ҳам қолмай, хотинларини бозорларга пардасиз юборурлар. Хотинини сира рашк қилмайдиган, била туриб бегона эркакдан қизганмайдиган эрни даюс дейдилар. Бошқача айтилса, ўз хотинига қўшмачилик қилувчи эркак даюсдир. Севиқли Пайғамбаримиз (с.а.в.) жаннатга кирмайдиган уч тоифадан бири, деб айнан шу даюсни, билиб туриб хотинини ёмон йўлга киришига йўл қўйган эркакни айтганлар)

\*\*\*

«Агар сен хотинингга рашклик қилмасанг, у сенга самимият била муносабатда бўлур. У сенга ота-онанг ва фарзандингдин ҳам мушфиқроқ бўлур ва сенга ундин дўстроқ киши топилмас. Агар унга ғайрат кўргузсанг, сенга минг душмандин душманроқ бўлур ва бегона душмандин ҳазар қилса бўлур, лекин ундин ҳазар қилиб бўлмас» (*Кайковус*)

\*\*\*

“Эй аёл, рашкдан эҳтиёт бўл, рашк талоқ калити саналади. Сенга насиҳатим шуки, эрингга таъна қилаверма, чунки таъна нафратни келтириб чиқаради”. (*Абдуллоҳ ибн Жаъфар*)

\*\*\*

“Рашк, бу бошқалардан кўра ўзига кўпроқ азоб бериш санъатидир”. (*Александр Дюма*)

\* \* \*

“Чинакамига севган одам рашк қилмайди. Муҳаббатнинг асл моҳияти – ишонч. Борди-ю, муҳаббатдан шу ишончни тортиб олинг-чи, унда сиз унинг ўз кучига бўлган ишончни, давомийлиги, жамики нурафшон томонлари – бинобарин, барча улуғворлигини тортиб олган бўласиз”. (А. Сталь)

\* \* \*

“Муҳаббатнинг рашкдан яқинроқ дўсти бўлмаганидек, ундан баттарроқ душмани ҳам йўқ: бу баайни темирнинг ўзида пайдо бўлиб, кейин унинг қаттол душманига айланадиган зангнинг ўзгинасидир”. (Ж. Бруно)

\* \* \*

«Ғайрат мардин (ҳақиқий рашкни) бажо келтурғил. Беғайрат кишини киши демағил. Ҳар кишида ғайрат бўлмаса, дини ҳам бўлмағусидир».

\* \* \*

“Рашк – бамисоли бир махлуқ, у ўзидан ўзи бошланиб, йўқ гапларни юзага чиқаради”.

\* \* \*

“Рашкчилар баҳона ахтариб ўтиришмайди, улар шу сабабсиз касалга мубтало бўлганлари туфайли ҳам рашкчидирлар”.

\* \* \*

“Рашк шубҳалари қутқуси билан мутлақо гуноҳсиз одамни ҳам ҳақоратлаб қўйиши мумкин”. (В. Шекспир)

\* \* \*

“Рашкчилар чумолини – фил, қумурсқани баҳайбат махлуқ, тахминни – рост қилиб кўрсатадиган ваҳима ойнаги орқали қарайдилар”. (М. Сервантес)

\* \* \*

“Рашк ошиқ учун азоб-уқубат, маъшуқа учун ранж-изтироб манбаидир”. (К. Гольдони)

\* \* \*

“Жазавали рашк манфаатпарастлик ва шухратпарастлик қилгандан ҳам баттарроқ жиноятларни юзага келтиради”. (Ф. Волтер)

\* \* \*

“Жазавали севгидан худди нафратдан кўрққандай кўрқиш керак. Муҳаббатки мустаҳкамми, у ҳамиша беғубор ва осойиштадир”. (Г. Торо)



\* \* \*

“Ёқтирмаслик, ҳадик, шубҳа ҳамда рашк ҳурмат ва ишончнинг етишмаслигидан келиб чиқади”. (Д. Писарев)

\* \* \*

“Эркаклар рашки уларнинг қон-қонига сингиб кетган шахсиятпарастлик, вужудини туйқусдан қоплаб олган иззатталаблиги ва сохта манманлигининг қўзишидан пайдо бўлади”.

\* \* \*

“Турмушга чиққан аёл тахтга чиқишни билиши лозим бўлган кулдир” (О. Бальзак)

\* \* \*

“Рашкни муҳаббатга хос бўлган зарурий нарса деб ҳисоблаш кечирилмас англашилмовчиликдир”.

\* \* \*

“Кимники севмай қўйишибдими, ўзидан кўрсин, сабаби, бу нарсани унинг ўзи вақтида пайқамаган”.

\* \* \*

“Шундай олижаноб муҳаббатлар борки, улар рашкка ўрин қолдирмайди”.

116

\* \* \*

“Рашкда муҳаббатдан биргина, иззатталаблиқдан эса тўқсон тўққиз улуш бор”. (Ф. Ларошфуко)

\* \* \*

“Дунёда инсон юрагини жирканч манзаралар билан тўлдириб рашк каби хўрловчи кулфат бўлмаса керак, деб ўйлайман”.

(А. Франс)

\* \* \*

“Ишончни йўқотган хотинга нисбатан ишончни йўқотган эр уч карра бахтсизроқдир”.

\* \* \*

“Барча хотинларнинг ташвишлари бир хил... Ўйнайдиган ҳеч ким бўлмаса, йиғлашга тушишади”. (Кобо Абэ)

## ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

- \* Эр-хотиннинг уриши – дока рўмолнинг қуриши.
- \* Онасини кўргину қизини ол.
- \* Уйланишдан олдин иккала кўзингни катта оч, уйланганингдан кейин биттасини юм.
- \* Қизил гул экканнинг хирмони бўлмас,  
Яхшини суйганнинг армони бўлмас.
- \* Қолган кўнгил – чиққан жон.
- \* Ҳусн тўйда керак, мухаббат – кунда.
- \* Ёғмас булут элни алдар, ёмон хотин – эрни.
- \* Иноқ оилада бешик бўшамас.
- \* Келининг яхши бўлса – берди Худо,  
Келининг ёмон бўлса – урди Худо.
- \* Кўча севгиси уйни барбод этар.
- \* Кундошлик – кўнгил ғашлик.
- \* Кундош – бошингда тош, кўзларингда ёш.
- \* Хотиннинг яхши бўлса, ёқанг оқарар,  
Хотиннинг ёмон бўлса – соқолинг оқарар.
- \* Хотиннинг яхши бўлса, тўйга бормоқ не ҳожат,  
Хотиннинг ёмон бўлса, азага бормоқ не ҳожат.
- \* Хотиннинг ёмони – умрнинг эгови.
- \* Хотиннинг ёмони эр қаритар.
- \* Хотиннинг ёмони – эрнинг заволи,  
Хотиннинг яхшиси – эрнинг камоли.
- \* Хотиннинг зўри – эрнинг шўри.
- \* Хотиннинг яхшиси меҳмон келганда билинар.
- \* Хотиннинг қақилдоғи – тегирмоннинг шақилдоғи.
- \* Эговни эгов дема, ёмон хотинни де.
- \* Яхши хотин арпа унни кабоб қилар,  
Ёмон хотин буғдой унни хароб қилар.
- \* Яхши хотин белгиси – хиром қилар терини,  
Ёмон хотин белгиси – ерга букар эрини.
- \* Яхши хотин ишлик бўлар, ёмон хотин – тишлик.
- \* Яхши хотин йигит номин кўтарар,  
Ёмон хотин йигит номин йўқотар.
- \* Яхши хотин йўқ нарсангни бор этар,  
Ёмон хотин кенг уйингни тор этар.
- \* Яхши хотин кулмасдан бурун кулдиарар,  
Ёмон хотин ўлмасдан бурун ўлдиарар.
- \* Яхши хотин кўпга қўшар, ёмон хотин кўпдан чиқарар.

- \* Яхши хотин олиб берсанг йигитга,  
Минг куни бир кун бўлиб ўтар.  
Ёмон хотин олиб берсанг йигитга,  
Бир куни минг кун бўлиб ўтар.
- \* Яхши хотин – уй бўстони, ёмон хотин – зимистони.
- \* Яхши хотин – уй зийнати, ёмон хотин – тўй зийнати.
- \* Яхши хотин – уйнинг гули.
- \* Яхши хотин эрини элга бош қилур,  
Ёмон хотин эрини гадо қилур.
- \* Яхши хотин – ярим ризқ.
- \* Яхши хотин – ҳамиша баҳор.
- \* Яхшининг кетидан қолма, ёмоннинг қизини олма.
- \* Моли йўқ деб, эрдан кечма,  
Чўпи йўқ деб, ердан кечма.
- \* Сержанжал уйда барака йўқ.
- \* Эрни эр қиладиган ҳам хотин, қаро ер қиладиган ҳам хотин.
- \* Хотиннинг сариштаси – одамнинг фариштаси.
- \* Яхши рўзғор – жаннат, ёмон рўзғор – жаҳаннам.
- \* Тотув турмуш – узок умр.
- \* Уйда роҳати йўқнинг кўчада фароғати йўқ.
- \* Ўйламай қурилган турмуш тўйдан кейин бузилар.
- \* Бўз яктак қичитар, яхши хотин тинчитар.
- \* Ёмон турмуш яшатмас.
- \* Яхши хотин – ярим бахт.
- \* Эр яхши бўлса, хунук хотин ҳам гўзал бўлур.
- \* Ақлли аёл эрининг камчиликларига бир кўзини ёпар ва иккинчи кўзи билан унга қараб яшар.
- \* Уч нарса умрни узайтирар: кенг уй, яхши улов ва меҳрибон хотин. *(Араб мақоли)*
- \* Узук бармоққа, ёр эса қалбга ярашук бўлиши керак.
- \* Ота пули билан уйланган киши, хотин қадрин билмас.  
*(Арман мақоли)*
- \* Меҳрибон хотин меҳрибон биродар ва меҳрибон ўртоқдан афзалдир. *(Грузин мақоли)*
- \* Мўҳаббатсиз хотин – насияга олинган кийим *(Суахили мақоли)*
- \* Эркак бўлмаса – уй етим, аёл бўлмаса – ошхона.
- \* Икки эгалик хонадонда тотувлик, икки ҳокими бўлган мамлакатда осойишталик йўқ.
- \* Қиз ақли эр излайди, йигит чиройли хотин. *(Вьетнам мақоли)*
- \* Эр-хотиннинг урушига уй остонаси кулар.
- \* Нозсиз хотин – ёлқинсиз ўтин.
- \* Яхши хотин – турмушга қўшар ҳусн *(Тоҷик мақоллари)*



## СЕВГАН СУЙГАНИГА ЭТАР ИТОАТ

“Айтинг (эй Мухаммад): “Агар Аллоҳни севсангиз, менга эр-гашингиз. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират этади. Аллоҳ кечиргувчи ва раҳмлидур”. (Куръони карим маъноларининг таржимаси, Оли Имрон сурасидан)

### Тафсир:

Маккада Исломга қарши кураш олиб борган душманлардан бири бўлмиш Каъб Ибн Ашрафни ва унинг одамларини Пайғамбаримиз алайҳиссалом динга даъват этардилар. Улар эса: “Биз Аллоҳни жуда қаттиқ севамиз!” дейишарди. Ана шу ҳодиса юқорида мазмуни келтирилган оятнинг нозил бўлишига сабаб бўлди. Пайғамбарга эргашмоқ Аллоҳнинг Пайғамбарга ўргатган, у эса инсониятга намуна қилиб кўрсатган илоҳий хулқ асосларига риоя қилмоқ демакдир. Мўминларнинг Аллоҳни севиши Унинг амрига итоат этишлари ва фақатгина Унинг ризосини ўйлаб иш кўришлари демакдир. Аллоҳнинг мўминларни севиши эса, уларни афв этиши, мукофотлаши, раҳмати ва тавфиқи билан уларга икром кўрсатиши демакдир. Ким тўрт нарсани даъво қилса-ю, тўрт нарсага амал қилмаса: жаннатни севаман деса-ю, Аллоҳга итоат этмаса, Пайғамбарни яхши кўраман деса-ю, унинг гўзал ахлоқига эргашмаса, камбағал ва фақир бенаволарни ёқтирмаса, жаҳаннамдан қўрқаман деса-ю, гуноҳ қилишдан чекланмаса, Аллоҳни севаман деса-ю, мусибатларга дучор бўлганда, инграб зорланишдан тийилмаса, у ёлғончидир. Зеро, Робиа тул Адавийя бундай дейди:

“Севаман!” дейсану, этасан исён,  
Бу ҳолинг ажойиб, бўламан ҳайрон.  
Итоат қилгин-да, севсанг гар албат,  
Севган суйганига этар итоат.

Чиндан ҳам, севганининг аломати суйганига мослашмоқ ва сев-гилиси ёқтирмаган амаллардан тийилмоқдир. Бир кун улуғларимиздан бўлган Шиблийнинг ҳузурига бир жамоат келади. Мезбон меҳмонларнинг кимлигини сўрайди. “Дўстларингиз бўламиз”, деб жавоб беришади улар. Бу жавобни эшитган Шиблий ўгирилиб, уларга тош отади. Қочаётганларида уларга қарата: “Нега қочяпсиз? Агар сизлар ҳақиқий дўстларим бўлсайдингиз, мендан келган балодан қочмасдингиз!” – дейди. Яна давом этади: “Муҳаббат аҳли севги косасидан насибасини ичади, ер юзи ва шаҳарлар уларга торлик қилади. Алоҳни танийдилар, Унинг буюклигидан қўрқадилар, қудратидан ҳайратланадилар. Аллоҳнинг севги коса-

сидан ичадилар. Унинг дўстлик денгизида чўкадилар ва яна Унга муножот қилиш билан лаззатларга фарқ бўладилар”. Шундан сўнг Шиблий ушбу байтни ўқийди:

Ишқинг мени сархушлик уммонига отди,  
Кўрганмисан севиб сархуш бўлмаган зотни?

(Абу Хомид Ғаззолий)

\* \* \*

“Албатта, Аллоҳ яхшилик қилувчиларни, ибодатини жону кўнгилдан адо этган бандаларини севади”. (Бақара сурасидан)

\* \* \*

“Мен бир қулимни севдимми, унинг кўрадиган кўзи, эшитадиган қулоғи, гапирадиган тили, ушлайдиган кўли, юрадиган оёғи бўламан”. (Ҳадиси қудсийдан)

Шарафли ҳадисларда Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

“Ким менинг ахлоқимни ихё этса (такрорласа, тикласа), мени севганидир. Ким мени севса, қиёмат куни жаннатда мен билан биргадир”.

\* \* \*

“Аллоҳга қасамки, сизлар мусулмони комил бўлмагунингизча жаннатга кира олмайсиз. Мусулмони комил бўлишингиз учун бир-бирингизга муҳаббат қўймоғингиз шарт. Ўрталарингизда муҳаббат пайдо бўлиши учун саломни ошкора берингиз ва бир-бирингизга жаҳл қилишдан сақланингиз. Чунки жаҳл – тарашлагувчидир. Яъни у сочни тарашламайди, балки динни тарашлайди”.

\* \* \*

“Бир-бирларингни яхши кўрсанг, у билан жанжаллашма. Ҳар иккала томонга ёмонликни кўзгатадиган ҳаракатни ҳам қилма ва унинг ҳақида суриштирма. Чунки суриштирган кишинг унинг душмани бўлса, йўқ нарсаларни гапириб, ораларингизни бузиб қўйиши мумкин”.

\* \* \*

“Икки киши бир-бирини яхши кўрса, уларнинг афзали шу биродарига муҳаббати қаттиқроқ бўлганидир”.

\* \* \*

“Умматимга шундай бир замон келадикки, беш нарсани севиб, беш нарсани унутадилар: дунёни севадилар, охиратни унутадилар. Мол-мулкни севадилар, охиратда ҳисоб беражакларини унутадилар. Халқни севадилар Ҳақ (Аллоҳ)ни унутадилар. Гуноҳ ишга бериладилар, ёмон амалларни яхши амалга айлантиришни

ва тавба қилишни унутадилар. Саройларда, кўшкларда яшашни севадилар, қабрни унутадилар”.

\* \* \*

“Аллоҳ таоло тоатида бўлган бир биродарини Аллоҳ учун яхши кўрса ва унинг ўзига “Мен сени Аллоҳ учун яхши кўраман”, – деган бўлса ва иккаласи ҳам жаннатга киришга муваффақ бўлишса, Аллоҳ тоатида бўлгани учунгина яхши кўрганнинг даражаси иккинчисининг даражасига нисбатан юқорироқ бўлади”.

\* \* \*

Мужоҳид ибн Жубайр дейдилар: “Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг саҳобаларидан бир киши мени учратиб, елкамдан ушладилар-да: «мен сени яхши кўраман», – дедилар. Мен у кишига: «Мени сизга яхши кўрсатган Аллоҳ таоло сизга ҳам Ўз муҳаббатини қўйсин!» – дедим. Шунда у киши Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг «Бир одам бировни яхши кўрса, яхши кўрганлигини унинг ўзига билдирсин», деган ҳадисларини эшитмаганимда, сени яхши кўришимни ўзингга айтмаган бўлардим», – дедилар».

\* \* \*

“Севги-муҳаббат худбин истакларни йўқ қилмоқ, манманликни ёқиб юбормоқ ва ишоратлар денгизида нафсни бўғмоқдир”.  
(Иброҳим Ховвос)

\* \* \*

“Аллоҳнинг муҳаббатига лойиқ зотларда ўн икки хислат сақланмоғи лозим: На ёлғон, на рост гапга қасам ичмаслик; ёлғондан сақланмоқлик; ваъдасидан қайтмаслик; махлуққа лаънат ўқимаслик; ҳеч кимни дуойи бад қилмаслик (яъни қарғамаслик); зулм кўрса таҳаммул (сабр) этмоқлик; ҳаромлардан сақланмоқлик; ўзини ҳеч кимсадан улуғ кўрмаслик; ҳеч кимсанинг хотирини синдирмаслик (ранжитмаслик); муридни инжитмаслик; қазо келса сабр ва шуқр қилмоқлик; Аллоҳ фарзларини бажо келтирмоқлик”.

(Ҳариси Муҳосибий)

\* \* \*

“Сидқ аломати учдир: \*унинг олдида дунёнинг тупроқчалик ҳам қадри бўлмас, яъни олтин ва кумушни тупроқ ўрнида кўргай. \*Халқнинг мақтови-ю дашноми унинг олдида баробардир, на мақтовидан севингай ва дашномидан оғрингай. \*Шаҳватни ичидан чиқаргай, очликдан хушнуд ва шод бўлгай, андоқким, дунё аҳлининг тўқликдан шод бўлгани каби”.

(Шужоъ Кирмоний)



\* \* \*

“Муҳаббат нишони улдурки, яхшиликдан кеккаймас, жафодан эгилмас”. (Яҳё Бин Муоз)

\* \* \*

“Ҳаромни тарк этмоқ – авом зуҳди. Ҳалолнинг ҳам кўпини тарк этмоқ – хосларнинг зуҳди. Аллоҳдан чалғитадиган ҳамма нарсани тарк этмоқ – орифларнинг зуҳдидир”.

(Имом Аҳмад Ханбал)

\* \* \*

“Банда қачонки Аллоҳга қайтгай ва Аллоҳ амрига ёпишгай, ўзини ва Ҳақдан бошқасини унутгай. «Қаердан келурсан ва не истарсен?» деб сўрасалар, «Аллоҳдан!» дер, бошқа жавоби бўлмагай. Банда бу сифатли бўлса, нафсини ўлдирган бўлур. Не сўзласа, унинг сўзи Ҳақ сўзи бўлгай, не эшитса ҳам, фақат ўша бўлгай! Зеро, ўзи ул ерда бўлмагай ва айтарки: «мен кимман, билмайман, найларман, қайдаман...»

– Нимани истайсан? – деб сўрасалар, айтарки:

– Аллоҳ!

– Нимани билурсан? – деб сўрасалар, айтарки:

– Аллоҳ!

Бутун аъзойи бадани ҳам айтур: «Аллоҳ!» «Аллоҳ!» Зеро, унинг бутун вужуди Аллоҳ билан тўлғундир ва Аллоҳсиз жойи йўқдур”. (Абу Саид Харроз)

\* \* \*

“Муҳаббат – исордир (ўзини аямай бағшлаш) Унинг тўрт маъноси бор: \*зикри доимий бўлиб, шунинг билан шод бўлмоқ, \*Ҳақ билан унс (дўстлик) тутмоқ, \*дунё ишларидан буткул узилмоқ, \*Ҳақдан тўсувчилардан узилмоқ”. (Абдуллоҳ Муҳаммад Фазл Балхий)

\* \* \*

“Умр ва ризқнинг баракали бўлишини Аллоҳ таолога итоат қилишда кўрдим. Дунёю охират яхшилигини Расул алайҳиссаломнинг суннатига эришишда кўрдим. Неъмат бутунлигини неъмат бергувчидан миннатдор бўлишда кўрдим”.

\* \* \*

“Хору зорликни махлуқлар хизматида, азизу мукаррамликни Холик хизматида бўлишда кўрдим”.

\* \* \*

“Кўнгилхушлиги ва унинг фақр йўлида хурматга сазовор бўлиши дилда Ундан (Аллоҳдан) ўзга, ёдда жонондан (Аллоҳдан) ўзга нарса бўлмаслигидир. Ҳар бир кўнгил шундай сифатга эга

бўлса, уни кўнгил деб билгил. Йўқса, денгиз ёки кон бўлса-да, ундан воз кечгил. Унга маскан бўлган кўнгил – кўнгилдир, йўқса, гулшан бўлса ҳам гулхандир”. (Хожа Абдулла Ансорий)

\*\*\*

«Аллоҳ севгисининг аломати Қуръон севгисидир. Қуръон севгисининг аломати Пайғамбар севгисидир. Пайғамбар севгисининг аломати унинг суннатига ва гўзал ахлоқига эргашишдир. Суннатга тобе бўлишликнинг аломати охират ҳаётини унутмасликдир. Охират ҳаётини унутмасликнинг аломати дунёга хирс қўйишдан, ҳаром ва ғайримашруъ даромад йиғишдан қочишликдир”. (Саҳл бин Абдуллоҳ Тустарий)

\*\*\*

“Аллоҳнинг лутфи бўлмасдан бир кимса унга етишолмас. Аллоҳга етишишнинг йўли унинг Расули ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.)га эргашишдир”

(Жунайд Бағдодий)

\*\*\*

“Аллоҳнинг муҳаббати бор бирон кимсани севган одам Аллоҳни яхши кўради. Аллоҳга итоатли кимсани сийлаган одам Аллоҳни иззат-икром қилаётган бўлади”. (Суфён Саврий)

\*\*\*

“Неъматлар (яхшиликлар) инкор қилиниши ва раҳмдиллик узилиб қўйилиши мумкин, аммо кўнгилларнинг бир-бирига яқинлигидек нарсани биз кўрмадик”. (Абдуллоҳ ибн Аббос) (Кўнгилларнинг яқинлиги мустаҳкам бўлса, инкор ҳам қилинмайди ва узилиб ҳам кетмайди. Чунки одамлардан энг аввал кўтариладиган нарса – кўнгилларнинг яқинлигидир)

\*\*\*

“Агар сенга “Аллоҳни яхши кўрасанми?”-десалар сукут қил. Чунки “яхши кўрмайман”, десанг, иймондан чиқасан. “Яхши кўраман”, десанг, балки керагича яхши кўрганлар каби яхши кўра олмайсан. Керагича яхши кўра олмаганинг ҳолда “яхши кўраман”, деб Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлишдан сақлан”.

(Фузайл ибн Йез)

\*\*\*

“Севги – инсон табиатини завқлантирувчи хузурбахш лаззатга майл этишидир. Севгининг олий даражаси «Ишқ» дейилади. Ошиқлар ўз маъшуқаларининг висолига етиш-

моқ учун ҳеч нималарини, ҳаттоки, жонларини ҳам аяма-гайлар. Ҳазрат Юсуфни севиб, тилларда дoston бўлган Зулайҳо бунинг ёрқин мисолидир. Чиндан ҳам Зулайҳо ишқ йўлида мол-мулкани, ҳатто гўзаллигини ҳам йўқотади. У етмиш туяга юк бўладиган инжу жавоҳирга соҳиба эди. Бебаҳо зебигардонларини Ҳазрат Юсуфга бўлган ишқи йўлида сарф этади. Кимда-ким «Мен бугун Юсуфни кўрдим», деса унга қимматли маржонларидан бирини берарди. Шу тариқа, совға қила-қила ҳеч бир нарса қолмайди. Ҳар нарсани «Юсуф!» деб чақирарди. Унга бўлган чексиз ишқи туфайли «Юсуф» калимасидан бошқа ҳамма сўзларни унутганди. Бош кўтариб кўкка қараса, юлдузлар маржондай тизилиб, «Юсуф» исмини ёзгандай бўлиб кўринардилар.

Яна ривоят қиладиларки, Зулайҳо иймонга келиб, Ҳазрат Юсуфга текканидан кейин, ўзини ул зотдан четлатишга уринади ва тоат-ибодатга берилиб, узлатга чекина бошлайди. Энди бу ишқи Ишқнинг ҳақиқий соҳиби Аллоҳга қаратилган эди. Ахвол шундай эдики, Ҳазрат Юсуф уни тунда ётоққа даъват этсалар, у висол онини кундузга сурар, кундуз даъват этса, фурсатни тунга сурар ва шундай дерди:

– Эй Юсуф, мен сизни Аллоҳни танимасдан олдин севгандим. Лекин уни танигандан кейин аслида унга оид бўлган севгидан бошқасига ўрин қолмади. Аллоҳдан бўлган бу севгимга бошқани шерик қилмайман”.

\* \* \*

“Айтадиларки, ҳақиқий севги-муҳаббат уч нарсадан билинади: бирида – севган суюқлисининг сўзини бошқалар гапидан устун кўяди. Иккинчисида – севувчи суйганининг суҳбатини бошқалар суҳбатидан аъло билади. Учинчисида – севган суйганини мамнун этишни бошқаларни мамнун этишдан юқори ҳисоблайди. Бир олимдан сўрадилар: “Ошиқ деб кимга айтилади ва унинг ҳоли қандай бўлади?” Олим жавоб берди: “Инсонлар билан оз алоқада бўлади. Кўпроқ Рабби билан юзма-юз қолади. Кўриниши сассиз-садосиз, лекин узлуксиз тафаккур ҳолида бўлади. Қараганда кўрмайди, чақирганда эшитмайди, суҳбат чоғи ҳеч нарсани англамайди. Бошига бир фалокат тушса, эзилмайди. Оч қолса, очлигини ҳис этмайди. Кўриниши пажмурдадир. Аллоҳдан бошқасидан кўрқмайди. Узлатда Аллоҳга муножот этади. Дунёлик юзасидан дунё аҳли билан олишмайди”.

(Абу Ҳомид Фаззолий)



“Ишқ – порлоқ юлдуздир, башарият кўзининг нуру зиёси шундан. Ишқ – товланиб турувчи гавҳардир – инсоният тожининг зийнати ва баҳоси шундан. Ишқ – толеъ қуёшидир, қайғули диллар тиканзори ундан гулшан. Ишқ – балқиб турган тўлин ойдир, қоронғи кўнгиллар кечаси ундан равшан. Ишқ – кенг денгиздир, ҳар тўлқини юз ақлу хуш кемасини ғарқ қилади. У баланд тоғдир, ҳар чўққиссининг ўткир қирраси минг зуҳд-тақво эгасининг бошини учиради. Ишқ – куйдирувчи шуъладир, кўпгина жон ва кўнгилларни хашакдек ёқади. Ишқ – алангали чақмоқдир, кўпгина жону дилларни ёлқини билан кул қилади. Ишқ – аждаҳодир, оламни дамига тортмоқ унинг тилаги. Ишқ – қаҳрли подшоҳдир, олам аҳлини ёппасига қирмоқ унинг мақсади, у ҳар қанча қон тўккани билан зерикмайди, у ҳар қанча одамни қон қилса ҳам қоникмайди. Ишқ – яшиндир, ақлу дин хирмонини куйдиради, у бўрондир, куйганларнинг кулини кўкка совуради. Ишқ – шунчалар қайсарки, унинг олдида подшоҳ ҳам гадо ҳам тенг, у шундай зулмкорки, унинг қошида ифлос-фосиқ ҳам, покдил ошиқ ҳам бир... Дунё бозорининг ғавғоси ва дунёда бор ҳамма нарсаларнинг савдохонасидаги шовқин-сурони – ишқ туфайлидир...”

“Ишқ ичра куйиб-ёнмаганни ишққа берилган дема! Ким жонини фидо қилмас экан, уни ошиқ санама. Ишққа мубтало бўлган киши кўнглидан чиққан ўт вайронани ёндириб юборувчи аждар дами каби қудратлидир... Кимки Ишқ аро ўтга айланса, ажабланманг, чунки ўтга нимаики тушса, у ҳам ўт бўлиб ёнади. Ишқ бир ўт каби унинг вужудини чулғаб олади, негаки, олов атрофида айланган киши ўртанмай қолмайди. Ишқ билан ўйнашиб бўлмайди. Жисмингга ўт тушса, у сени қуюндек саргардон қилади. Ишқ осмонида қайси ёққа чақин тушса, у шу ондаёқ жонни шуъла селобига ғарқ қилиб юборади. Ишқ чақмоғи хонумонини куйдириб юборади, хонумон нима деган гап, бутун жаҳонга ўт қўяди!..”

“Сиддиқлар (*яъни Ҳақгўйлар*) Ҳақнинг жамолини очиқ кўриш умиди билан яшайдилар ва шунинг билан матлубдирлар (*севимлидурлар*) Уларнинг Ҳақни кўз билан мушоҳада қилиш умидлари ўзни унутиш даражасига етган ва бундан ҳам ўтиб, ҳалок бўлиш мақомига кўтарилган бўлади. Агар ҳодисалар бўрони осмон гулшанининг бир қабатини учуриб кетса – улар беҳабар ва агар юлдузлар гул баргини ҳар томонга совурса, буларга асар қилмайди.

Уларнинг хислари Ҳақ жамолини кўриш тавбиши билан ишдан чиққан, шавқ-завқлари эса унга бўлган ишқларининг ҳужуми остида йўқолиб битган”.

\* \* \*

«Дард (ишқ) аҳлининг нафаси бир ўтдирки, қаттиқ кўнгилни юмшатади ва дийдаси қаттиқ одамни ҳам йиғлатади. Куйганларнинг дами шундай елки, у манманлик хашагини совуради ва жаҳолат тупроғини супуради. Дўст дийдорини кўришни истасанг – ошиқ бўл. Бунинг уддасидан чиқмасанг – ошиқлар атрофида бўл. Агар сенда у ўтнинг шўъласини кўриш ҳаваси бўлса, бир учқуни сен томонга юзланса басдир.

Ишқ бир ўтдурки, онинг шуъласидин бир шарар,  
Тушса гардун пардасиға ўртар андоққим, харир,  
Сенки жисминг парда торидин дағи бўлғай наҳиф,  
Тушса ул янглиғ чоқин тузгайму ул тори ҳақир”.

*(Алишер Навоий)*

*(Ишқ – бир ўтдир, агар унинг шуъласидан бир учқун осмон пардасига тушса, уни майин шойидек ўртайди. Сенинг жисминг тори эса, ана шу парда ипидан ҳам нозикдир. Агар унга ўшандай чақин тушса, бечора тор чидай оладими?)*

126

\* \* \*

Ишқ дардила хушам, эл чек иложимдан табиб,  
Қилма дармон ким, ҳалоким захри дармонимдадир *(Фузулий)*  
Дейилмоқчким: «Мен бу ишқ дарди билан бахтиёрман, сархушман. (Аллоҳни бутун қалби ила сева олиш бахтини ҳеч бир саодатга қиёслаш мумкин эмас.) Бу ҳолимдан мамнунман. Эй табиб, сен мени даволашдан қўл торт, воз кеч! (Ахир Аллоҳ ошиғини даволашга уриниш – Аллоҳдан узоқлантиришга уриниш ва бу ундан буюк бахтни тортиб олиб қўйиш ҳаракати эмасми?) Сен мени даволама, ташла бу дорингни, бу дори-дармонда ажалим захри бор. Мен даволансам, нобуд бўламан. (Менинг Аллоҳдан узоқлашганим – ўлим билан баробардир.) Қўй, шу ошиқлигимча қолай, шу хасталигимча ўлай! (Ўладиган бўлсам ҳам шу ошиқлик ҳолимда дунёни тарк этайким, мен учун маъшуқнинг юзини кўриш бахти ҳам бордир)».

\* \* \*

Изламагил олислардан  
Кўнгулдадир мақоми. *(Юнус Эмро)*  
(Яъни Аллоҳ таолони узоқлардан, осмондан ёки бошқа томондан излама, унинг мақоми сенинг кўнглингадир. Кўнглинг,

яъни қалбинг ишқ билан Аллоҳни билиш ва унга етиш ишқи билан ёниб ўртанади. Уни севиш ва ҳар бир нарсани унинг ризоси учун қилиш ва шундай йўллар билан асосий мақсад – Аллоҳ тарафидан севилган бир қул бўлиш)

\* \* \*

“Орифнинг камтар даражаси улдурким, муҳаббат ўтида ёниб тугангай. Бир карра маърифат ҳаловати кишининг кўнглида Фирдавсдаги минг кўшкдан афзалдир”.

(*Самадоний Боязид Бистомий*)

\* \* \*

“Ким уч нарсани даъво қилса-ю уч нарсадан ўзини покламаса, у алданган бўлади: \* Аллоҳнинг ўртага қўйган ахлоқ асосларига риоя қилиш завқли эканидан лоф урсаю лекин дунё севгисидан воз кечмаса.\* Амалларни ёлғиз Аллоҳ учун қилишни севишини айтсаю лекин инсонларнинг унга таъзим қилишидан мамнун бўлса.\* Аллоҳни севаман десаю лекин нафсини тарбия қилмаса”.

\* \* \*

“Ҳақ севгиси нишони уч нарса ила белгили бўлур: киши саховатда денгизга ўхшар, шафқатда қуёшга ўхшар, тавозуъ ва масканатда (*мискинлик*) туфроққа ўхшар. Ҳар иш мужоҳада (*нафсни энгиши йўлида қураиши*) бирлан бўлмоғи керакким, ундан Аллоҳнинг фазли кўрилгай. Ҳар ким Ҳақни билди, унинг саволга эҳтиёжи қолмади”. (*Илм аҳли бисотдан*)

\* \* \*

Муҳаббат жомидин топса киши баҳр,  
На қилсун мол-мулки Мовароуннаҳр.

(Биров муҳаббат жомидан баҳра олиб, унинг бир қултумини ичди, дегунча молу-мулкка, гарчи у молу-дунё Мовароуннаҳр мулкидан кўпроқ бўлса-да, назар-писанд қилмас. Муҳаббат жомидан ичган кимсанинг истаги фақат маъшуқига (Аллоҳга) қаратилган бўлади)

Кўнгил мулкига бир олий сифатдур,  
Муҳаббат ганжи боғи маърифатдур.

(Кўнгилнинг давлати ва мулки шундайин бир юқори сифатдирки, уни сўз билан васф қилиб бўлмайди. Чунки, кўнгил муҳаббат боғи ва хазинасининг манбаи ва Аллоҳнинг назаргоҳидир. Шундай экан, уни баён қилиш қачон мумкин бўлган?)

Ризои ҳазрати маъбуд ўшанда,  
Жамии истаган мақсудлар анда.



(Ҳақ таолонинг ризоси ўша кўнгилда, исталган ниятларнинг барчаси ўша кўнгил уйида бўлса, албатта буларни васф қилиш мумкин эмасдир)

Анингдек мулкнинг султони бўлсанг,  
На ҳожат ер юзининг шоҳи бўлсанг.

(Сен шу кўнгил мулкининг шоҳи бўлсанг, ер юзига султон бўлишликка асло ҳожат қолмайди. Зероки, дунё подшоҳлиги – фоний, охират шоҳлиги – боқий.)

Агар хандалча бўлса меҳри ағёр,  
Бўлур ботин кўзи маҳжуби асрор.

(Агар бир аҳлиллоҳнинг кўнглида қалампир уруғичалик Аллоҳдан бошқанинг муҳаббати бўлса, ўша кимсанинг кўнгил кўзи Аллоҳ таолонинг сирларидан пардаланади. Яъни у кишига Аллоҳ таолонинг сирлари ёпиқ бўлади)

Нечукким, заррайи хас тушса кўзга,  
Қилур, албатта, кўрмакликинг ўзга.

(Чунки, масалан, агар заррадек бирор нарса кўзга тушса, албатта, кўзнинг кўришини ўзгартиради. Унинг кўриши нарса тушмасдан илгаригидек бўлмайди. Шунинг каби юқоридаги байтга қайтилса, бир аҳли муҳаббатнинг кўнглига Аллоҳдан бошқа нарсанинг муҳаббати тушса, албатта, Аллоҳ таолони севмоғи ўзгаради. Шу сабабдан аҳлиллоҳнинг кўнглида зарра миқдори Аллоҳдан ғайрининг муҳаббати бўлмайди. Эртаю кеч Аллоҳ ризолиги талабида бўлади.)

Ибодат банданинг манзури бўлса,  
Беҳ ул эрнинг уйинда ҳури бўлса.

(Бир банданинг завқи ва ишқи Аллоҳнинг ибодатида бўлса, унинг уйида бир ҳур қиз бўлса ҳам, ўша гўзал қизга майлу муҳаббат билдирмас. Ҳамиша Аллоҳнинг Ишқида бўлиб, тоату ибодатини қилур.)

Кел, э толиб, кўзинг ибрат билан оч,  
Муҳаббатсиз кишидан қуш бўлиб қоч.  
Муҳаббат аҳлининг жўёни бўлғил,  
Ўшалким, учради, қурбони бўлғил.

(Сен ҳамиша Аллоҳни севучиларни изла. Баногоҳ улар сенга учраб қолсалар, йўлларида фидо бўлиб, ўзингни қурбон қил. Зеро, аҳлиллоҳни топмоқ – Худонинг ўзини топмоқликдир. Демак, ўзни қурбон қилмоқлик – Аллоҳга нисбатандир”.

Кел, э соқий, муҳаббат жомидин май,  
Харидор илгина бергил, паёпай. (Сўфи Оллоёр)

(“Кел эй соқий, муҳаббат шаробини бизларга ичиргил. Уни бу харидор қўлига устма-уст қуйиб бергил”. Бу ерда «соқий»дан мурад – Тангрининг ўзидир. «Харидор» – солик.)

\* \* \*

“Хар бир мавжудот муҳаббатга муҳтождир, севишга қобил бўлмаган одам мавжуд эмадир”.

\* \* \*

“Севги-муҳаббат обрўли одамни хор қилиши, тубан одамни эса ҳурматли инсонга айлантира олиши мумкин”.

\* \* \*

“Ишқ либосини кийишдан ор қилиш ва муҳаббат лаззатидан бебахра бўлиш табиатнинг оғир жафоси ва касаллик тақозосидир”. (*Мажидиддин Хавофий*)

\* \* \*

Бир куни Искандар Зулқарнайнга хабар берибдиларким:  
– Фалончи қизингизни севиб қолибди!  
– Севиб қолган бўлса, нима қилишим керак? – деб сўрабди подшоҳ.  
– Уни ўлдириш керак, фармон беринг, – дейишибди.  
– Биров севгани учун, бошқа биров эса ёмон кўргани учун ўлдирилаверилса, дунёда одамзотдан ном-нишон қолмайди-ку? – деган экан подшоҳ.

\* \* \*

“Севги билан ўйланг, севги билан гаплашинг, севги билан ҳаракат қилинг – ҳамма нарсага жавоб топасиз”. (*Меммес Айлен*)

\* \* \*

“Муҳаббат боғлаш – сен ўзинг саодат билган нарсангни бошқа бировга илиниш, илинганда ҳам ўзинг учун эмас, балки ўзинг севган одамнинг ҳаққи, имкониятингга қараб бу саодатни унга бахш этишингдир”.

\* \* \*

“Ёмон инсонлар кўрққани учун итоат этишади, яхши одамлар севгани учун”. (*Арасту ҳақим*)

\* \* \*

“Ўзгага азоб бермай, фақат эзгуликка интилган муҳаббатгина адолатлидир”. (*Демокрит*)

\* \* \*

“Сен ўзинг кўрққан одамни ҳам, сендан кўрққанни ҳам севиш мумкин эмас”. (*Цицерон*)

\* \* \*

“Севги барча туйғулар ичидаги энг қудратлисидир, шунинг учун ҳам у ақлу хаёлни, қалб ва вужудни эгаллаб олади”. (Ф. Волтер)

\* \* \*

“Агар сўзнинг назм лаззатидан ҳарорати бўлмаса ва шеърнинг ишқ ҳароратидан куйиши бўлмаса, уларни нурсиз шамъ ва бошлиқсиз тўда деб билинг”. (Аҳли шуаро ҳикматларидан)

\* \* \*

“Севгига аниқ таъриф бериб бўлмайди. Севги қалб учун ҳокимлик қилиш истаги, ақл учун ички ўхшашликка интилиш истаги, тана учун эгаликка интилувчи нозик ва пинҳоний истакдир”.

\* \* \*

“Севги худди оловга ўхшаб тиним билмайди: у умидсизлик ёки кўрқув домига тушиши ҳамано сўнади”.

\* \* \*

“Ҳақиқий баркамол одам нодонларча эмас, дарвишларча севиб қолиши мумкин”.

\* \* \*

“Ҳеч бир устомонлик билан муҳаббатни узоқ вақт яширмак мумкин эмас. Агар севги бўлмаса, уни устомонлик билан кашф этиб ҳам бўлмайди”.

\* \* \*

“Биз ҳамиша ўзимизга мафтун бўлганларни севамиз, аммо ўзимиз мафтун бўлганларни ҳамиша севавермаймиз”.

\* \* \*

“Чинакам севги худди арвоҳга ўхшайди: ҳамма унинг ҳақида гапирди, аммо уни кўрганлар кам”.

\* \* \*

“Севгидан сақловчи турли-туман дорилар бор, лекин ҳеч бирдан даво йўқ”.

\* \* \*

“Қатъий феъл-атвор кишиларни муҳаббат туйғуларига қаршилик кўрсатишга мажбур этади, лекин шу қатъият айна вақтда ўша туйғуларга ҳарорат ва умрбоқийлик бағишлайди; кўнгилчан одамлар эса, аксинча, эҳтиросларга осонгина берилдилару, лекин ҳеч вақт бу ҳисларга чинакамига тўлиб-тошиб юрмадилар”.



\* \* \*

“Ошиқ ва маъшуклар бир-бирлари билан учрашганларида мутлақо зерикмасликларининг боиси шундаки, улар тўхтовсиз равишда ўзлари ҳақида гапирадилар”.

\* \* \*

“Дўстлик ва муҳаббатда биз ўзимиз билган нарсалардан кўра билмаган нарсаларимиздан кўпроқ бахтиёрликка эришамиз”.

\* \* \*

“Муҳаббат ҳеч қачон талаб қилмайди ва ҳамиша бахшида этади. Муҳаббат доимо уқубат чекади, ҳеч вақт эътироз билдириб, ўзи учун интиқом олмайди”. (М. Ганди)

\* \* \*

“Одам ўзини севишга камдан-кам ҳолдагина мажбур эта олиши мумкин, аммо ўзини ҳурматлашга ҳамиша мажбур қила олади”. (Б. Фонтенел)

\* \* \*

“Дунёда қуёшдан сулув илоҳиёт йўқ, чин муҳаббат оташидан кўра ўткирроқ оташ йўқ”.

\* \* \*

“Севгисиз ҳаёт ҳаёт эмас, шунчалик тирикчилик ўтказишдир. Севгисиз яшаш мумкин эмас, айна шу севиш учун ҳам одамга юрак берилган”.

\* \* \*

“Севгининг оқибати ҳамиша бир хил – янги одамнинг туғилиши! Мен бола ҳақида эмас, бир-бирини севувчи одамлар ҳақида гапиряпман. Ахир, бу туйғу қалбни янгилайди, одамларни бошқачароқ, яхшироқ, гўзалроқ қилади”. (М. Горький)

\* \* \*

“Севилиш – бой бўлишдан ҳам афзалроқ, чунки суюкли бўлиш – бахтли бўлиш демақдир”. (К. Тилъе)

\* \* \*

“Севги манман юракларни ҳам бўйсундиради, димоғдорларни шафқатга ўргатади, аммо унинг асосий хусусияти – нимаики бор, барини нафосатга ўраб, юксакларга кўтаради”. (М. Рид)

\* \* \*

“Чин севги ҳар қандай одамни покизалаштириб, онадан бошқа туғилгандай кўкка кўтаради”. (Н. Чернишевский)

\* \* \*

“Севги кўпинча ақлли кишиларни ақлдан оздиради ва ақл-сизларга ақл беради”. (Д. Дидро)

\* \* \*

“Энг ақлли эркак севган пайтида ахмоққа айланади; энг енгилтак қиз эса севса ақлли бўлиб қолади”. (М. Сафир)

\* \* \*

“Севилганингга ишонсанг, бу ҳижронни енгиллаштиради. Охирги “алвидо” ҳам агар ҳануз унда севги садоси эшитиларкан, ўзининг аламли маъносини йўқотади”. (Ж. Аддисон)

\* \* \*

“Дўстликни ҳам, севгини ҳам изламаган одам шуларнинг ҳар иккаласини йўқотган одамдан кўра минг карра ночордир”. (Ж. Поль)

\* \* \*

“Севги мислсиз қудратга эга: дунёда унинг ғамига йўлиқишдан ҳам оғирроқ жазо йўқ, ундан баҳраманд бўлишдан ортиқроқ бахт йўқ”.

\* \* \*

“Кутилган ишқ гўзалдир, аммо кутилмаганда келгани ундан ҳам яхшироқ”.

\* \* \*

“Муҳаббат шундай сохта танга ясовчики, у тиним билмай мисни олтинга айлантирувчигина бўлиб қолмай, вақти-вақти билан олтинни мисга айлантириб турувчи ҳамдир”.

\* \* \*

“Қалби муҳаббатда маънавий роҳатланишнинг жисмоний роҳатланиш билан теппа-тенг бўлишини орзу қилган одамнигина ҳақиқий инсон деб тан оламиз”.

\* \* \*

“Фақат кучли муҳаббатгина биргаликдаги ҳаёт давомидаги англашилмовчиликларни ювиб кетади”. (О. Бальзак)

\* \* \*

“Севги қизамиққа ўхшайди, қанча кеч келса, шунча хавфли”.

\* \* \*

“Севги нигоҳи шундайки, унга мис – олтин бўлиб, қашшоқлик – бойлик бўлиб, йилт этган учкун – дур бўлиб кўринади”.

(М. Сервантес)

\* \* \*

“Севги худди чакмоқ каби қудратли, аммо у момақалдиросиз чакнайди, унинг энг кучли зарбалари ҳам ёқимлидир”.

(М. Ломоносов)

\* \* \*

“Севги инсоннинг барча заифликлари ичидаги энг қизиғи ва энг кечирарлисидир”. (Ч. Диккенс)

\* \* \*

“Ҳақиқий севги жонга тегмайди. У маънавий мустаҳкам бўлгани учун ҳам ўчмайди”.

\* \* \*

“Севги – дарахтга ўхшаш; у ўз-ўзидан ўсади, бутун вужудимиз бўйлаб илдиз отади ва ҳатто кўпинча вайронага айланган юрагимизда ҳам ниш отиб, гуллашни давом эттираверади”.

\* \* \*

“Ўйигитда севгининг биринчи белгиси тортинчоқлик, қизда эса дадилликдир. Иккала томон ҳам яқинлашиш ҳолатига мойилдир ва улар ўзаро бир-бирларининг хислатларини қабул қилиб оладилар”.

\* \* \*

“Аёлга муҳаббат биз учун буюк, ҳеч нарсанинг ўрнини босолмайдиган аҳамият касб этади; у худди гўштга сепиладиган туздек: юракка сингиб, уни бузилишдан сақлайди”. (В. Гюго)

\* \* \*

“Ёқтириб қолишнинг вақт-соати йўқ; юрак тепиб тураркан, истаган пайтда севиш мумкин”. (Н. Карамзин)

\* \* \*

“Севишганларни оғир жасоратга, ақл бовар қилмас хавфхатарларни енгиб ўтишга даъват этувчи муҳаббатнинг қудрати туганмасдир”. (Ж. Боккаччо)

\* \* \*

“Севги ҳам энг нозик кўкатнинг тош-метин ерни, қоялар бағрини ёриб, ниш уриб чиқишига ўхшайди. Қайси ханжар, қайси гурзи, қайси найза севги кучига бас кела оларди? Ҳеч нарса унга қарши туролмайди”. (Г. Торо)

\* \* \*

“Севги ҳар қандай қисматга ҳам зарба беради”.



\* \* \*

“Севги юқумли касалликка ўхшайди; ундан қанчалик кўрқсак, унинг олдида шунчалик заифмиз”. (Н. Шамфор)

\* \* \*

“Ёлғиз одам фақат соядан иборатдир. Кимники ҳеч ким севмаса, у ҳамма жойда ва ҳамма даврада яққа-ёлғиздир”. (Ж. Санд)

\* \* \*

“Севги ўлимни йўқ қилади ва уни қуруқ шарпага айлантиради. У маъносиз ҳаётга маъно бағишлайди, бахтсизликни бахтга айлантиради”.

\* \* \*

“Муҳаббат ўз ўтида ўртанган одамни саодатли қилади, унинг ўзига хослиги шунда”.

\* \* \*

“Бошқа одамнинг қалбидаги муҳаббатни маҳв этишдан ҳам оғир ва кечирилмас гуноҳ йўқ”. (Г. Ибсен)

\* \* \*

“Севги ўлимдан ва ўлим даҳшатидан кучли. Фақат севги билан, фақат у туфайлигина ҳаёт бор ва давом этади”. (И. Тургенев)

\* \* \*

“Севгидан кўрқиш – ҳаётдан кўрқиш деган сўз. Кимки ҳаётдан кўрқса, демак, у чала ўликдир”. (Б. Рассел)

\* \* \*

“Қиз бола севгида оқила ва талабчан бўлгани яхши. Муҳаббат – қайноқ ҳис-туйғу, аммо унга ақл, идрок ҳокимлик қилмоғи керак”.

\* \* \*

“Севги бобидаги маънавий бузуклик ва қўполлик жамиятимизга катта зиён етказади. Севгини фақат ишрат деб ўйлайдими мумкин?”. (В. Сухомлинский)

\* \* \*

“Муҳаббатнинг минг хил қирраси бор, ҳар бири ўз нури, ўз ғуссаси, ўз бахти ва ўз тотли бўйига эга”. (К. Паустовский)

\* \* \*

“Ҳар бир севги ўзича чин ва гўзалдир, фақат у бошда эмас, юракда бўлмоғи керак”.

\* \* \*

“Агар фақат хоҳиш ва ақл-идроқ амри билангина севги масаласи ҳал этилганда эди, унда ишқ туйғу ва эҳтирос бўлолмасди. Энг оқилона муҳаббатда ҳам ҳиссиёт учқуни бор, чунки муносиблик жиҳатидан тенг бўлган бир неча шахсдан фақат биригина танлаб олинади ва бу танлаш қалбнинг беихтиёр интилишига асосланади”.

\* \* \*

“Одам сўраб-суриштирмасдан, ҳаттоки ошиқлигини ўзи ҳам сезмасдан ва тан олмасдан беихтиёр севиб қолади. Бу туйғу одам боласининг миясига боғлиқ эмас, бу табиий бир ҳолат бўлиб, юракнинг юракка беихтиёр талпинишидир”.

\* \* \*

“Севгининг худди инсон ҳаётига ўхшаб ўз тараққиёт қонунлари, ўз мавсумлари бор. Унинг гуллаб-яшнаган баҳори, ёндиргудек ёзи, охир-оқибат кузи ҳам келадими, у баъзилар учун иссиқ, чароғон ва серҳосил бўлса, айримлар учун совуқ, чирик ва мевасиз келади”.

\* \* \*

“Муҳаббат севикли кишида унда йўқ фазилатни кўриб кўпинча янглишади, лекин баъзан шу муҳаббатнинг ўзи унда ақл ва кўз илғай олмайдиган гўзаллик ёки буюкликни ҳам кашф этади”.

\* \* \*

“Ўтти яллиғлантириб туриш учун ёқилғи зарур бўлганидек, севгига ҳам теран мазмун керак”.

\* \* \*

“Инсон йиртқич ҳам, фаришта ҳам эмас; у ҳайвонона, дарвишона эмас, балки инсончасига севмоғи лозим”.

\* \* \*

“Муҳаббат ҳаёт офтоби ва суруридир. Бироқ бизнинг давримизда ўз бахти кошонасини биргина муҳаббат заминига қуриш ва шу асосда юрагидаги барча хоҳиш-истакларини тўла рўёбга чиқаришга умид боғлаган кишининг холига вой! Бизнинг замонамизда бу ўзининг қадр-қимматидан юз ўгириб, эркакликдан воз кечиш деган гап”. (В. Белинский)

\* \* \*

“Севгида ҳам худди нафратга ўхшаб турфа хил туйғулар уйғунлашиб кетиши мумкин: ўкинч ҳам, роҳат ҳам, шодумонлик

ҳам, алам ҳам, қўрқув ҳам, жасорат ҳам, ҳаттоки ғазаб ва нафрат ҳам”. (К. Ушинский)

\* \* \*

“Муҳаббат – шундай бир ғойибона мамлакатдирки, ҳар биримиз унга қараб ўз кемамизда сузиб борамиз, бу кемага шахсан ўзимиз дарғалик қиламиз ва уни фақат ўз йўлимиз билан бошқариб борамиз”.

\* \* \*

“Менинг қиёфамда сен севган одам, сўзсиз, мендан яхши; мен унчалик эмасман. Лекин сен мени сев, шунда мен ўзимдан кўра яхшироқ бўлишга интиламан”. (М. Пришвин)

\* \* \*

“Чин муҳаббат на ўта дадиллик ва на енгилтакликдир; тортинчоклик уни эҳтиёткор қилади; муҳаббат кўп нарсага журъат этмайди, чунки борини ҳам йўқотиб кўйишдан қўрқади”. (Ж. Ж. Руссо)

\* \* \*

“Бизни кўрарга кўзи йўқ одамни севишимиз инсон фазилатига ёт нарсадир”. (Г. Филдинг)

\* \* \*

“Нафратни яшириш осон, севгини яшириш – анча маҳол, беғамликни яшириш эса ҳаммадан ҳам қийиндир”. (Л. Берне)

\* \* \*

“Муҳаббат ё яхшилик ёинки ёмонликдир; агар яхшилик бўлса, унга инонмоқ, агар ёмонлик бўлса, у ёмонликдан қутулмоқ даркор”. (А. Мюссе)

\* \* \*

“Мажбурий муҳаббат қуриб адо бўлади; унинг ўзи туб моҳияти билан эркинликдан иборатдир, у зўрлик, рашк ёхуд даҳшат билан чиқиша олмайди”. (П. Шелли)

\* \* \*

“Ҳаётга муҳаббат уйғотмоқ учун озгина умиднинг ўзи кифоя. Икки-уч кундан сўнг эса умид йўқолиши мумкину, аммо ўртада муҳаббат туғилиб қолади”.

\* \* \*

“Севги ажиб бир гул, аммо тубсиз жар ёқасида ўсувчи бу гулга яқин бормоқ ва узмоқ учун жасорат керак”.



\* \* \*

“Одамнинг иродаси қанчалик кучли бўлса, муҳаббатдаги вафоси ҳам шунчалик кучли”.

\* \* \*

“Одатий ҳаёт тарзидан оғишмаслик табиийлик деб аталади. Ўз-ўзидан маълумки, севган одамнингга ёлғон гапириш у ёқда турсин, ҳаттоки ҳаққониятнинг мусаффолигини, зиғирдек бўлса-да, бўяб ёхуд нотўғри тушунтириш ҳам асло мумкин эмас”.

\* \* \*

“Муҳаббат – ўз кучига яраша туйғу уйғота биладиган ягона эҳтиросдир”.

\* \* \*

“Севиш – ишқида ўзинг ўртанган ва сени ҳам севган зотни бутун туйғу аъзоларинг билан жуда яқиндан кўриб, туйиб, сезиб, вужуд-вужудингдан хузурланишингдир”.

\* \* \*

“Жондан севмаган одам учун ҳаётнинг ярми ва бунинг устига энг гўзал қисми мавҳумлигича қолаверади”

\* \* \*

“Энг доно киши ҳам севиб қолгач, энди ҳеч бир нарсани асл ҳолатида кўра олмайди... Унча кўзга ташланмай юрган аёл ҳам бутунлай бошқача кўриниб, биттаю битта зот бўлиб қолади”.

(Стендал)

\* \* \*

“Дунёда даҳшатли ёвузликлар кўп, аммо ҳаммасидан ҳам даҳшатлироғи – муҳаббатни бўғиш”. (Б. Прус)

\* \* \*

“Бошқалардан нафратланишнинг бадали ўзини жуда оз севишдир”. (Э. Имовер)

\* \* \*

“Инсонлар бошқаларни ким бўлганлари учун эмас, улар билан ўзларини қандай ҳис қилганлари учун севадилар”. (И. Федерман)

\* \* \*

“Муҳаббат ўлимдек кучлилигини биламиз, аммо у шишадек мўрт ҳамдир”. (Г. Мопассан)

\* \* \*

“Савдойи қизни севиб қолган одам унга бениҳоя қизгин, кучли эҳтирос билан талпинади, бу хил муҳаббатнинг сабаби – ё

ошиқ табиатидаги танतिकлик ё бўлмаса маъшуқада хусн сеҳру жодусидан кўра кудратлироқ бўлган сирли сеҳру жодунинг мавжудлигидир”.

\* \* \*

“Кимнингдир яхши одамга айланишини истасангиз, севишига рухсат беринг”. (*Овидий*)

\* \* \*

“Сенинг кимлигинг учун эмас, сен билан биргалигимда менинг ким бўлганим учун севаман”.

\* \* \*

“Ошиқ бир оловдир, аммо унинг қалбингизга иссиқлик олиб кириши ёки уйингизни ёқиб юбориши номаълум”. (*Р. Жрофт*)

\* \* \*

“Бир нарсага кўр-кўрона ошиқ бўлма. Севганингни қўлга кирита олмасанг, қўлга киритганингни севишга урин”. (*Жорниелим*)

\* \* \*

“Хамма нарсани шу қадар севги билан бажарингки, токи ҳеч қачон бошқа шаклда такрорлашга ўрин қолмасин”. (*Й. Деан*)

\* \* \*

“Бир нарсамизни йўқотаётганимизни тушунгандагина севишни бошлаймиз”. (*Г. Честертон*)

\* \* \*

“Эркаклар кўрганларида, хотинлар эса эшитганларида ошиқ бўладилар”. (*В. Вайд*)

\* \* \*

“Севганининг камчиликларини хуш кўрмаган уни севмайди”. (*Демалдер*)

\* \* \*

“Севган аёлини ва севган ишини топган эркак ер юзида жаннат топган кабидир”.

\* \* \*

“Ҳамма асосий тушунчани унутади. Инсонлар сизни, сиз эса уларни севганингиздагина севишади”. (*П. Морол*)

\* \* \*

“Баъзан лаблар тугатмаган сўзларни кўзлар тамомлайди”.

\* \* \*

“Кимни севсангиз кетишларига изн беринг. Қайтсалар, ҳар доим сизникидир. Агар қайтмасалар, ҳеч қачон сизники бўлмайдилар”.

\* \* \*

“Ошиқ бўлишнинг яхши йўли нима эканлигини биласизми? Фақат яхши нарсаларни ўйланг ва ёмон хаёлларга эрк берманг”.

(Р. Бандлер)

\* \* \*

“Хотинларнинг қалбига олиб борувчи йўл эркакларнинг ҳамёнидан ўтади”. (Б. Доне)

\* \* \*

“Севиш мўъжизавий бир доридир. Ўзимизни севиш ҳаётимизда мўъжиза яратади”. (Л. Хай)

\* \* \*

“Бир-бирингизни севинг, бахтли бўласиз. Бу шунчалар оддий ва шунчалар қийиндир”. (М. Мунинг)

\* \* \*

“Ҳаётни идрок этиш ва уни бошқа бир зот сиймосида севиш – инсоннинг вазифаси ҳам, истеъдоди ҳам мана шундадир: ҳар бир киши ўзини бошдан-охир битта одамгагина бағишлай олиши мумкин”. (А. Барбюс)

\* \* \*

“Ишқ – бахтга очиладиган эшикнинг энг энг муҳим калитидир”. (О. Холмз)

\* \* \*

“Ишқ – кўзларсиз кўриш, қулоқларсиз эшитиш. Нафрат эса – ҳеч нарса!”. (Д. Хартон)

\* \* \*

“Айрилиқ муҳаббат учун баайни оловга теккан шамолдай гап: у кучсиз оловни ўчиради, каттасини эса гувиллатиб юборади”. (Р. Бюсси)

\* \* \*

“Кўнгил боғлаш учун ўта синчковлик шарт эмас, муҳаббат эса ҳаддан ошириб кўрсатадиган кўзгу (луна) ёрдамида пайдо бўлмайди”. (Т. Браун)



\* \* \*

“Севги кўққисдан, ҳеч ким ўйламаганда туғилади. Юрагимизнинг ўртаниши ва тақдиримизнинг ҳал этилиши учун арзимас бир жозибали нигоҳнинг ўзи кифоя”.

\* \* \*

“Ўз севганингни соғиниб аҳволинг танг бўлиши кўрарга кўзинг йўқ одам билан яшашдан юз чандон енгилроқ”. (Ж. Лабрюйер)

\* \* \*

“Агар севсанг, муҳаббатингга арзийдиганни сев. Севилган одам Арасту ҳаким ёки Афлотун ҳаким даражасида бўлиши шарт эмас, лекин оз бўлса-да, идрок эгаси бўлмоғи керак”. (Қобус)

\* \* \*

“Муҳаббат! Бу барча эҳтиросларнинг чўққиси ва энг ғолибидир. Аммо унинг ададсиз забткорлик кучи чексиз-чегарасиз олижаноблик ва деярли тасаввурга сиғмайдиган даражадаги беғаразликдан иборат”. (Г. Гейне)

\* \* \*

“Ошиқ-маъшуқлар бир-бирига руҳан монанд бўлганларидагина муҳаббат чинакам эзгу ҳиссиётга айланади, шундагина муҳаббат инсониятнинг келажакдаги тараққиётида бизга ваъда қилинган ижтимоий хайрли ишларнинг, одамлар орасида биродарлик ва шахслар тенг ҳуқуқлигининг дебочаси ва гаровига айланади”. (Н. Добролюбов)

\* \* \*

“Муҳаббат бениҳоя буюк туйғулиги учун ҳам ҳар кимнинг шахсий, пинҳона иши бўла олмайди!”.

\* \* \*

“Бузуқ одамлар муҳаббатсиз бўлади. Шу сабабдан уларда уят ҳам йўқ. Ундай одамлар муҳаббатга эҳтиёжсиз бўлганликлари учун ҳам уни тилаб олиш, ўзларида тақдим этгулик муҳаббат бўлмагани сабабли ҳам уни ҳадя этишни уддалаб кетаверадилар”. (Б. Шоу)

\* \* \*

“Севги – шахс ҳаётини безовчи ва ниҳоясига етказувчи серҳашам, нафис гулдир: лекин у бошқа ҳамма гулларга ўхшаб бир томони билан, бепоён осмонга ўзининг энг яхши кўриниб турган томони билан очилмоғи зарур”.

\* \* \*

“Муҳаббат ва дўстлик шундай бир аҳил акс садодирки, улар олган нарсасинигина бир-бирига қайтаради”.

\* \* \*

“Мен ҳаётда муҳаббатга шоҳона ўрин берилишини инкор этаман ва унинг мутлақ ҳукмронлигини ҳам инкор қиламан, майда ҳавасни ожизона оқлашларига ҳам эътироз билдираман”. (А. Герцен)

\* \* \*

“Севги – бир-бировингга қараш эмас, балки биргалашиб бир томонга қараш демакдир”. (А. Сент-Экзюпери)

\* \* \*

“Ҳар бир киши ўзида севилишдек бир эҳтиёж сезадикки, бу туйғу уни ўз кўзи ўнгида юксакликка кўтаради; аммо одамни турлича: бирини беадад меҳр-шафқат билан, яна бирини эса доимий жиддият билан севмоқ керак”. (Ж. Санд)

\* \* \*

“Муҳаббат бахт хазинасидир: қанча кўп берса, шунча кўпга эга бўлади”. (Н. Мюллер)

\* \* \*

“Муҳаббат фикрни хиралаштирмай тиниқлаштириши, қоронғилаштирмай равшанлаштириши, бинобарин, инсоннинг қалби ва ақл-идрок гўшаларида қарор топиши ва бачкана эрмаклар туғдирувчи ташқи хою ҳавасларгагина хизмат қилмаслиги керак”. (Ж. Мильтон)

\* \* \*

“Инсонни севиш дегани нима ўзи? Бу, инсонга нима яхши бўлса, шундан қувониш, унинг фароғати учун нимаики зарур бўлса, ҳаммасини бажо қилиш, ўзининг бу ҳимматидан лаззат топиш, роҳатланиш демакдир”

(Н. Чернишевский)

\* \* \*

“Севмоқ – бошқа бир одамнинг бахтида ўз шахсий бахтингни топмоғинг дегани”. (Г. Лейбниц)

\* \* \*

“Муҳаббатга ҳаётнинг шиддатли синовлари ҳам, севги қандай бошланганлиги хусусидаги жонли хотиротлар ҳам баб-баравар зарурдир”. (А. Фадеев)

\* \* \*

“Ақл-идрокли одам кўр-кўрона севмайди, агар у севса – кимни нима сабабдан севишини билади”. (Н. Шелгунов)

\* \* \*

“Хурмат ва эҳтиромсиз муҳаббат бебақо ва беқарор бўлгани каби, муҳаббатсиз иззат-икром ҳам совуқ ва заифдир”. (Б. Жонсон)

\* \* \*

“Иззат-хурматсиз севги узоққа бормайди, юксакликка ҳам кўтарила олмайди: у бир қанотли фариштадек гап”. (А. Дюма)

\* \* \*

“Инсонни севиш, унинг хаётига ҳалал бермаслик, инсон тирикчилигини кераксиз ташвишлар ва ортиқча ғамхўрликлар билан заҳарламаслик шундай бир афсундирки, бунга ҳар кимнинг ҳам қурби етавермайди”.

\* \* \*

“Ақл-идрок маъқулламаган муҳаббат қонунсиз бўлиб чиқади: ақл-идрокнинг овозини ўчирмоқлик эса ҳирсга, ҳайвоний одатларга эрк бермоқ деган гап”. (Д. Писарев)

\* \* \*

“Иродасиз хаёлпарастлар ўйлаганидек, муҳаббатнинг севинчи ва ҳасрати инсонни, айниқса юрагида ўти бор, мард одамларни бўлар-бўлмасга асир қилавермайди”. (В. Скотт)

\* \* \*

“Муҳаббат бу охир-оқибат одам боласининг ўз кадр-қимматини бошқа кишиларда акс этишидан ўзга нарса эмас”. (Р. Эмерсон)

\* \* \*

“Муҳаббатнинг баҳоси – унинг синовидан ўтаётган одамнинг баҳоси билан баб-баравар. Соф одамларда ҳамма нарса соф бўлади”. (Р. Роллан)

\* \* \*

“Севгини қимматбаҳо буюмдай авайланг. Унга бир ёмонлик қилдингизми, тамом, иккинчисидан ҳам сира ёлчимайсиз”.

(К. Паустовский)

\* \* \*

“Севги бобидаги сохтагарчилик ижтимоий офатлардан биридир”. (Э. Сенанкур)



\* \* \*

“Мен ҳар қандай таркидунёчи мажруҳликка нафрат билан қарайман, муҳаббат гуноҳ қилиб қўйганда ҳам уни ҳеч вақт қораламайман, аммо чинакам ахлоқлиликнинг йўқолиш хавфи ва эҳтирос ўзини улуғлашга интилаётгани кўнглимни эзади”. (Ф. Энс)

\* \* \*

“Фақат маънавийликни кўзлаган муҳаббат сояга айланади; лекин агар у маънавийликдан бошланмаса, разилликнинг худди ўзгинасидир”. (Г. Сенкевич)

\* \* \*

*Дониш аҳлидан:*

“Роҳат ва саломатликни истаган киши бирор нарсага ҳаддан зиёда муҳаббат боғламаслиги ёки ундан нафрат қилмаслиги, ортиқча сўзлашдан чекиниши ва текширилмасдан ҳар кимга ишониб кетмаслиги керак”.

\* \* \*

“Муҳаббатсиз ҳаёт кечириш ёмон турмуш кечириш эмасдир. Аммо аста-секин ўлишдир”.

\* \* \*

“Агар дарахт кесилса, ўрнидан янги навда кўкариши мумкин. Аммо муҳаббат ниҳоли жафо арраси билан арраланса асло кўкармас”.

\* \* \*

“Севги фақат ўзига қарши бўлган гуноҳдан ташқари барча гуноҳларни кечириши керак”. (О. Уайльд)

\* \* \*

“Ким севгини билмабди, демак, у дунёга келмабди... Ким бир марта эс-ҳушини йўқотмаган”.

## ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

- \* Муҳаббат – бир сўз, маъноси – дунё.
- \* Муҳаббат – битта, кўз – тўртта.
- \* Муҳаббат бойликка бокмас.
- \* Муҳаббат – дил меваси.
- \* Муҳаббат ёш танламас.
- \* Муҳаббат кетса, нафрат келар.
- \* Муҳаббат муҳаббатни туғдирар.
- \* Муҳаббат – уй пойдевори, вафо – устун.
- \* Муҳаббат чирой танламас, уйку – жой.
- \* Муҳаббатнинг кўзи кўр.
- \* Муҳаббатсиз умр, ўт олмас кўмир.
- \* Олтин зангламас, севги қаримас.
- \* Очлик ош танламас, ошиқлик – ёш танламас.
- \* Парвона – ўз ошиқлигининг қурбони.
- \* Пўлат оловда, севги ҳижронда синалар.
- \* Севган билан қўшилиш – дугорга тор таққандай,  
Севмаган билан қўшилиш – захарли илон чаққандай.
- \* Севган севганини дейди, севмаган кимни дейди?
- \* Севганга султонсан, севмаганга ултонсан (*қулсан*)
- \* Севганинг – олтиндан азиз.
- \* Севганингга севгингни бер, истаганга – этингни.
- \* Севги бозорда сотилмас.
- \* Севги – бир, макон – икки.
- \* Севги деган икки кўзда.
- \* Севги ёрдамчи тиламас.
- \* Севги пулга сотилмас, қўнгил пулга топилмас.
- \* Севги қаримас, асл чиримас.
- \* Севгида зорлик бор, зўрлик йўқ.
- \* Севгинг оз – умринг оз; севгинг соз – умринг соз.
- \* Севгининг баҳори билан шодланма, ёз-у қиши ҳам бордир.
- \* Севгининг аслини булбулдан сўра, гулзор қадрини – гулдан.
- \* Севгининг кўзи айб кўрмас.
- \* Севгисиз қўнгил – вайрона.
- \* “Севдим”, деб мақтанма – “севилдим”, деб мақтан.
- \* Синадингни – сев, синамадингни – қўй.
- \* Синалган севги букилмас, букилса ҳам сўкилмас.
- \* Соф севги сотилмас ё кесакдек отилмас.
- \* Сохта ошиқ ишқ-севгидан лоф урар,  
Ой ўтмасдан мушт ўқталиб, дўқ урар.
- \* Сочингни кунда тара, ёрингга кунда қара.

- \* Суйганимнинг кўнгли учун суймас ошни ичарман.
- \* Суймаганга суйканма.
- \* Сулув бўлган билан ёр бўла олмас,  
Туя бўлган билан нор бўла олмас.
- \* Тоғнинг кўрки қор билан, эрнинг кўрки ёр билан.
- \* Тутунсиз ўт бўлмас, ёрсиз – йигит.
- \* Чин севгининг тили бўлмас.
- \* Чиройнинг борида чинорингни топ.
- \* Эр севмаса, эл севмас.
- \* Юрак юракка дарак берар.
- \* Юрт севганни қиз севар.
- \* Чиройли чиройли эмас, суйганинг – чиройли.
- \* Ўз суйганинг ўзингга сулув.
- \* Ўчоқдаги ўт бошқа, юракдаги ўт бошқа.
- \* Қалбга қаримоқ йўқ, севгига – ўлим.
- \* Қизил гул экканнинг хирмони бўлмас,  
Яхшини суйганнинг армони бўлмас.
- \* Қизинг кимни суйса – куёвинг шу.
- \* Қимиз кимники – ичганники,  
Қиз кимники – суйганники.
- \* Ҳамма дардга бор даво, ошиқлик дарди – бедаво.
- \* Ҳар ким беёрдир – бемордир.
- \* Қолган кўнгил – чиққан жон.
- \* Бир этикка икки оёқ сиғмас,  
Бир юракка – икки муҳаббат.
- \* Биров парини севибди, биров – қурбақани.
- \* Гул баҳона – дийдор ғанимат.
- \* Гул – ҳаёт безаги, севги – инсон безаги.
- \* Гулга боқ – тиканни кўр, ёрга боқ – жафони кўр.
- \* Гулсиз булбул – ёрсиз булбул.
- \* Дарди йўқ – кесак, ишқи йўқ – эшак.
- \* Ёлғизликда ёр яхши.
- \* Ёрим бор, деб ёрилма, ҳақиқий ёр бўлмаса.
- \* Ёшликда берган кўнгил айрилмас бало бўлур.
- \* Интизорлик ўлимдан ёмон.
- \* Ишқ бошқа, ҳавас бошқа – бу йўлда хато қилма.
- \* Ишқ – муқаддас ўт, ҳавас – лойқа сув.
- \* Ишқи бор – ўйнар, дарди бор – йиғлар.
- \* Кўнгил гулини севги суви суғорар.
- \* Кўнгил кўнгилдан сув ичар.
- \* Маъшук қайда бўлса, ошиқ шунда бўлар.
- \* Агар фақирлик эшикдан кириб келса, муҳаббат деразадан  
чиқиб кетади.



## ВАФО ГУЛИ

\*\*\*

“Аллоҳга берган аҳдингизга вафо қилингиз”. (Қуръони Карим маъноларининг таржимаси, Анъом сурасидан)

\*\*\*

“Зинога яқинлашманглар! Чунки у бузукликдир – энг ёмон йўлдир”. (Исро сурасидан)

\*\*\*

“Зинокор аёл ва зинокор эркак – икковларидан ҳар бирини юз даррадан уринглар. Агар сизлар Аллоҳга ва Охират Кунига имон келтиргувчи бўлсангизлар Аллоҳнинг бу ҳукмида (яъни зинокорларни дарралашда) сизларни уларга нисбатан раҳм-шафқат туйғулари тутмасин! Уларнинг азобланишига бир тоифа мўминлар гувоҳ бўлсинлар!”. (Нур сурасидан)

### Тафсир:

Ояти каримада зикр қилинган юз дарра уриш жазоси ҳали оила қурмаганлар учун тайин этилгандир. Яъни, никоҳда бўлмай, эр-хотинлик ҳаётини таниб олмаган кишилар зино қилсалар, бу оятнинг ҳукмига биноан уларга юз даррадан урилади.

“Зино” шариатда қуйидагича таърифланади: “Зино – эр кишининг ўз никоҳида бўлмаган аёл билан жинсий алоқа қилишидир”. Худди шу маънода зино барча жамиятларда ахлоқий жиҳатдан разилат, диний жиҳатдан гуноҳ, ижтимоий жиҳатдан номуссизлик саналади. Бу умумий қоидадан фақат инсонийлигини йўқотган жамиятларгина четга чиққанлар. Чунки соф инсоний табиат ҳеч қачон зинони яшилик сифатида қабул қила олмайди. Зеро, инсониятнинг боқий қолиши, камол топиши учун эр ва аёлнинг ўртасидаги алоқа доимий ва мустаҳкам аҳду вафо, жамият томонидан кафолатланган аҳду паймон асосида бўлиши керак. Шундай бўлмаса, наслу-насаб поклиги ҳам, ота-болалик туйғуси ҳам, оила ҳам, жамият ҳам қолмайди. Инсоният таназзулга юз тутлади. Зино поклик ва олиймақомликни йўққа чиқарадиган амалдир. Шунинг учун ҳам ҳамма халқлар, ҳамма динлар, ҳамма жамиятлар зинони қоралаганлар.

Шу билан бирга, айрим халқлар, динлар, қонунлар зино жазога лойиқми, йўқми, деган масалада ихтилоф қилганлар. Инсоний табиати бузилмаган жамиятлар зинони ҳеч иккиланмай, “жазога лойиқ иш” деб ҳисоблаганлар. Табиати бузук, маънавий покликдан кўра шаҳватга кўпроқ интиладиган жамиятларда эса, зино-

ни икки тоифага бўлишади: биринчиси – оддий зино, яъни эрсиз аёл билан жинсий алоқада бўлиш. Бу зинога эътиборсиз қарашган, жуда борса, жарима солиши билан чекланганлар. Иккинчиси – эри бор хотин билан жинсий алоқа қилиш. Бу хилдаги зинони “турмуш ўртоғига хиёнат қилиш” деб аташади. “Хиёнат қилганларга” турли жазолар ҳам тайин этилган. Масалан, қадимги мисрликлар эркакни таёқ билан қаттиқ калтаклашган, хотиннинг эса, бурнини кесшишган. Ҳиндлар зинокор аёлни итларга егизишган, эркакни қиздирилган темир сўрига ётқизиш, атрофидан олов ёқишган. Рим қонунлари бўйича қадимда зинокорларнинг мол-мулки мусодара қилинган, кейинроқ ўлим жазосига ҳукм қилинган, сўнгра умрбод қамоқ жазоси билан алмаштирилган. Яхудийларда эса ўлимга ҳукм этилган... (шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф)

\* \* \*

“Албатта, иймон келтирганлар ичида фоҳиша тарқалишини яхши кўрадиганларга бу дунёю охиратда аламли азоб бордир. Аллоҳ билади, сизлар билмассизлар”. (Нур сурасидан)

\* \* \*

“Зинокор эркак фақат зинокор аёлга ёки мушрикага уйланур. Зинокор аёлга фақат зинокор эркак ёки мушрик уйланур. Ва бу (яъни зинокор аёлларга уйланиш) мўминларга ҳаром қилингандир”. (Нур сурасидан)

\* \* \*

“Одамлар ичида эркакларга борасизларми? (яъни “эркаклар билан жинсий алоқа қиласизларми?” – дейдилар Лут алайҳиссалом) Ва Раббингиз сиз учун яратган жуфти ҳалолларингизни тарқ қиласизларми?! Йўқ! Сиз ҳаддан ошган қавмсиз (инсонлик чегарасидан чиққан қавмсиз)! Ва уларнинг устига бир ёмғир ёғдирдикки, бас, огоҳлантирилганларнинг ёмғири қандоқ ҳам ёмон бўлди”. (Шуаро сурасидан)

(Аллоҳ таоло уларнинг устига **тошдан** ёмғир ёғдириб, битта ҳам қўймай ҳалок этди. Шунинг учун ҳам ҳанафий мазҳабидаги баъзи фақиҳлар Лут алайҳиссалом қавми кирдикорини қилган бачавозларни тошбўрон қилиб ўлдирши керак, дейдилар)

\* \* \*

“Улар (аёлларингиз) сизлар учун бир либосдир, сиз ҳам улар учун бир либосдирсизлар”. (Бақара сурасидан)

\* \* \*

“...бузуқ ишларнинг ошкорасига ҳам, маҳфийсига ҳам яқинлашмангиз”. (Анъом сурасидан)

\* \* \*

“Эй Муҳаммад), мўминларга айтинг, кўзларини (номахрам аёллардан тикишдан) тўссинлар ва авратларини харомдан сакласинлар! Мана шу улар учун энг пок йўлдир”... “Мўминаларга ҳам айтинг, кўзларини номахрам эрларга тикишдан тўссинлар ва авратларини харомдан сакласинлар”. *(Нур сурасидан)*

\* \* \*

“Эй Одам фарзанди, бирор гуноҳ ишга қўл урмасдан бурун ҳамиша бўлғувси жазо ва азобларимни эсла”... “Агар сен дўзахни ёмон кўрсанг, Парвардигоринг гуноҳ ишларни ёмон кўради. Бас, У ёмон кўрган ишларни қилма! Раббинг сени ўзинг ёмон кўрадиган жойдан асрайди”... “Қачонки сенга бирор мусибат ёки офат етса, қара: агар ўша мусибат сенга нопок ҳолда турганингда етган бўлса, демак, билгилки, бу офатнинг сабабчиси ўзингсан!”

\* \* \*

“Номахрам аёлга қараш шайтоннинг захарли ўқларидан биридир. Ким Мендан қўрқиб, у назарни тарк этса, эвазига шундай иймон бераманки, унинг ҳаловатини, албатта, қалбида топади”.

\* \* \*

“Эй Одам фарзанди! Албатта, соч ва соқолинг оқи Менинг нурумдандир. Мен нурумни ўз дўзахим оловида куйдиргани ҳаё қиламан. Шундай экан, сен ҳам Мендан ҳаё қилгин”. *(Ҳадиси қудсийдан)*

Шарафли ҳадисларда Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

Бир араб Пайғамбар алайҳиссаломга “Сенга келурман”, деб ваъда қилди. Расулуллоҳ (с.а.в.) бу арабни кутиб, қирқ кун уйдан чиқмадилар. Бир куни ўша араб келиб, салом берди. Набий муҳтарам алиқ олмадилар. Араб бундан ранжиб, сабабини сўраган эди, дедилар: “Сен мунофиқсан, мунофиқнинг саломини олиш жоиз эмасдир”.

\* \* \*

“Мусулмонга мусулмоннинг қони, моли ва номуси харомдир”. *(Мусулмон учун мусулмоннинг қонини тўкиши ёки молини ўзлаштириб олиши харом бўлганидай (Аллоҳ таоло томонидан қатъий равишда таъқиқланганидай), унинг номусига тегиши ҳам харомдир)*

\* \* \*

Анас ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: “Меърож кечаси бир тўда кишиларга дуч келдим. Тирноқлари билан юзларини тимдалардилар. “Эй Жаброил, кимлар булар?”



деб сўрадим. Жаброил: “Булар – инсонларни ғийбат қилганлар, инсонларнинг ор-номусларига тил теккизганлар”, деди”.

\* \* \*

Набий алайҳиссалом: “Одамлар ўтадиган йўлда ўтирманглар”, дедилар. “Ё Расулаллоҳ, ахир биз у ерда суҳбатлашиб ўтирамиз-ку?” дейишди. “Унда йўлнинг ҳақини бериб ўтиринглар”, дедилар. “Йўлнинг ҳақи нима?” деб сўрашганида “Кўзни бегона аёлларга қарашдан тийиш, бировга озор бермаслик, саломга алик олиш ва яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтаришдир”, дедилар.

*Демак, йўлда ўтирган одам энг аввал югурик кўзини номаҳрамларга тикишдан тиймоғи лозим. Энди, агар кўз беихтиёр ҳаром нарсага тушиб қолса-чи? Бу ҳақда шарафли ҳадисда дейиладики:*

“Эй Али, бир қарашга иккинчи қарашни эргаштирма! Зеро, биринчиси сенга фойда, иккинчиси сенга зиён (яъни гуноҳ)”.

\* \* \*

“Ҳалол бўлмаган нарсаларга қараш Иблиснинг ўқига нишон бўлиш демакдир. Ким Аллоҳдан қўрққанидан ҳаром нарсаларга қарашни тарк этса, Рабби унга шундай иймон берадики, у қалбида бу иймоннинг тотини ҳис этади”.

\* \* \*

“Ҳаромдан тийилган назар учун берилажак энг катта неъмат, шубҳасиз, Қиёматда бўлади”.

\* \* \*

“Ҳар бир кўз Қиёмат Кунни, албатта, йиғлайди. Фақат Аллоҳ таоло ҳаром қилган нарсалардан бурилган кўз, Аллоҳ таоло йўлида тунлари бедор бўлган кўз ва Аллоҳ таолодан қўрқиб, пашшанинг бошидек ёш тўккан кўз йиғламайди”.

\* \* \*

“Хотинларингизнинг номусли бўлишини истасангиз, бошқаларнинг хотинларига ёмон кўз билан боқмангиз”.

\* \* \*

“Сиздан энг хавотирланиб қўрққан нарсам – қоринларингиздан ва белингиздан қуйида бўладиган шаҳват ва фитналардир”.

\* \* \*

Саодат асрида Расулulloҳ (с.а.в.) асҳоб ила суҳбатда эдилар. Бир йигит кириб келиб, одобсизлик билан:

– Ё Расулаллоҳ, мен фалончи аёл билан яқинлашмоқчиман, у билан зино қилмоқ истайман, – деди.

Асҳоби киром бу муомаладан ранжидилар. Улар орасида ғазабланганлар, ҳаёсиз йигитни уриб-суриб Пайғамбаримиз ҳузурларидан чиқариб ташлашни қасд қилганлар ҳам бўлди. Баъзилари эса дўқ қилдилар. Суюкли Пайғамбаримиз ғазабдагиларни тийдилар, “Йигитга тегманг, бери келсин”, дедилар. Йигит яқин келиб, тиз чўкиб ўтирди. Пайғамбаримиз унинг тиззасига ўзларининг муборак тиззаларини теккизиб ўтирдилар ва дедилар:

– Йигит, бировнинг онанг ила бундай ёмон иш қилишини истайсанми? Бу жирканч ҳаракат сенга хуш келадими?

Йигит шиддат билан: “Йўқ, Расулаллоҳ!” деб хитоб қилди.

Яна дедилар:

– Ундай бўлса, бу жирканч ишни қилганинг аёлнинг авлодлари, яқинлари ҳам бундан қувонмайдилар. Агар бу хунук ишни сенинг онанг, синглингга қилсалар яхшими? Ёки холанг, амманг ёки қариндошларингдан бири ила шу ишни истасалар яхши кўрасанми?

Бу саволдан сўнг йигит ўрнидан сапчиб туриб кетиб: “Йўқ!” – деб бақириб юборди.

Расулаллоҳ (с.а.в.) дедилар:

– Бошқа одамлар ҳам бу ишдан хурсанд бўлмайдилар ва ҳеч бири буни яхши кўрмайди. Айт, синглингга шундай қилсалар суюнасанми?

– Йўқ, асло!

Шундан кейин ҳазрат Пайғамбаримиз муборак қўлларини йигитнинг кўкрагига қўйиб бундай дуо қилдилар:

– Аллоҳим! Сен бу йигитнинг қалбини покиза қил. Номуси ва шарафини муҳофаза айла ва гуноҳларини кечир.

Йигит Расулаллоҳ (с.а.в.) ҳузурларидан қувонган ҳолда чиқди.

\*\*\*

Ҳар ки зонийдир, ғиноси йўқ ўлур,  
Меҳнату фақру аноси чўқ (кўп) ўлур.  
Ҳар фақир ўлан қилурса қушлуғу (чоштгоҳ намози)  
Кетиб фақирлик, ортади хушлиғи.

(Ахтарий қаламига мансуб “Арбаин”дан. “Зино қилишга мойил кимсага бойлик муяссар бўлмайди; чоштгоҳ намозини ўқишга одатланган бандага эса фақирлик яқинлашмайди”, деган шарафли ҳадис асосида ёзилган)

\* \* \*

“Сухбатдошингга бир нарса ваъда қилсанг, ўшани амалга ошир. Ваъда қилган нарсангни амалга оширмасанг, орангизда адоват пайдо бўлади. Эсланган вақтингда сенга ёрдами тегмайдиган ва унутганингда сени эсламайдиган сухбатдошдан паноҳ беришни Аллоҳ таолодан сўраб юр!”. (Довуд алайҳиссаломдан)

\* \* \*

Бу даҳр ажудеки, вафоси йўқ анинг  
Бир фоҳишаедекдурки, ҳаёси йўқ анинг.

(Мазкур байтда “вафо” сўзи “маккора замонанинг вафоси йўқ” деган маънода қўлланилган. Оламда абадий ҳеч нарса бўлмагани учун мумтоз адабиётда дунёга, хусусан инсон ҳаётига “вафосиз”, деб сифат берадилар. Ҳолбуки, дунёни яратган Холиқ абадийликни ваъда этмаган, аксинча, бу дунёнинг ўткинчилигини қайта-қайта таъкидлаган. Шу нуқтаи назардан дунёни бевафоликда айблаш ғалати туюлади)

“Вафо” баъзи ўринларда “доимийлик” ёки “абадийлик” маъноси-ни ҳам беради:

Ангаким жаҳондин вафо етмади,  
Жаҳон ичра тинмади, то кетмади.

Мумтоз адабиётда “вафо” сўзини “ишонч” маъносида ҳам қўлланилган:

Ки билса жаҳонға вафо йўқ турур,  
Жаҳон аҳлиға ҳам бақо йўқ турур.

“Вафо аҳли” дейилганда вафодорлар, аҳдида турувчилар назарда тутилади. Бу хушхулқ эгаларини “қавлимаҳкамлар” ҳам деб атайдилар.

“Вафо гули” – аҳдида туришлик. Бу атама сафо-покликни ҳам англатади.

“Вафо жоми” – ёридан вафо кўришлик:

Ҳар киши ҳам қилса вафо жоми нўш,  
Кўнгли муҳаббат майидин урса жўш. (Алишер Навоий)

\* \* \*

“Карам ва мурувват – халқни вафодек бир яхши сифатдан маҳрум кўрибдилар ва уни топиш учун йўқлик дунёси томон кетибдилар.

Жаҳон гулшани вафо гули зийнатидан бўшаб қолган, башариёт гули вафонинг муаттар ҳидларидан айрилган. Дунёнинг қоронғи тупроқхонасини вафо шамъи ёритмаяпти ва замон бе-



вафолар кўнгли билан улфатлашяпти. Вафонинг наргис гули давр чаманига кўз солмайди ва кишиларнинг кўнгил гунчасида кўролмаслик ва ҳасаддан ўзга нарса топилмайди.

Вафо – шундай бир покиза кўнгулли маҳбубаки, у табиати ва кўнгли пок бўлмаган кимсага ром ва улфат бўлмайди; вафо шундай покзот бир матлубаки, у зоти тоза, табиати пок бўлмаган одамга яқинлашмайди ва унга рағбат кўрсатмайди. Вафо – шундай асл гавҳарки, у инсоният тожиги зийнатдир. Лекин дунёда вафога лойиқ инсон йўқдирки, бу унинг бошидаги жиғада порлаб турса. Аммо олам элида одамийлик йўқдир. Шунини ҳам унутмаслик керакки, вафо – ҳаё билан пайваста, ҳаё ҳам вафо билан боғлиқдир.

Карам ва мурувват ота ва онадирлар; вафо билан ҳаё эса буларнинг икки эгизак фарзандларидир. У икковида қанча равшанлик ва софлик бўлса, бу икковида ҳам шунчалик жипслик ва бирлик бор. Ҳар бир юракда вафо бўлса, у ерда ҳаё ҳам бор ва ҳар масканда у топилса, бу ҳам барқарор. Вафосизда ҳаё йўқ; ҳаёсизда вафо йўқ. Агар, кимда бу икки сифат бўлмаса – унда иймон ҳам йўқ. Ва агар кимда иймон бўлмаса, унда одамийлик ҳам йўқ...

Камолга етган одамлар – ҳаёли; камол топмаганлар – нуқсонли ва ҳаёсиз.

...Ҳар кимга бир вафо кўрсатдим, ундан юз бевафолик кўрмагунча қутилмадим; ҳар ким билан бир меҳр-муҳаббат муомаласида бўлдим, минг жабру жафо тортмагунча халос бўлмадим.

### **Байт:**

Кимга қилдим бир вафоким – юз жафосин кўрмадим?  
Кўргузиб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим.

Давр бевафоларининг жабридан дод! Ва замон беҳаёлари зулмидан фиғон ва фарёд! То олам пайдо бўлганидан бери бу ўтда ҳеч ким менчалик ўртанмаган; то бевафолик бошланганидан бери ҳеч ким мен каби бу алангада ёнмаган. Замон кишилари бевафолигидан бағримда тиконлар бор ва давр халқи беҳаёлигидан кўксимда яралар бор. Булар ҳақида ёзай десам, катта чидам менга вафо қилмайди ва барчасини қаламга олай десам, узок умр давомида ҳам тугатиб бўлмайди”. (*“Маҳбуб ул-қулуб”дан*)

\* \* \*

Кел, эй содиқки қилдинг сидқ лофин,  
Ўланча қилмағил ваъда хилофин. (*Сўфи Оллоёр*)  
(*Эй Аллоҳ таолони ва Унинг пайғамбарини ҳақ деб билувчи со-*

диқ банда, энди сен ростлик даъвосини қилсанг, ўлар кунгача ваъдангга хилоф қилмасдан тур. Чунки ваъдада тўғри турмоқ яхши ахлоқнинг юқори мартабасидир)

\* \* \*

Иброҳим Халилуллоҳнинг ўғиллари Исмоил алайҳумассалом Маккадан Фаластин ерига бориш учун чиққанларида Абдуррахмон исмли кимсага йўлиқдилар. Бу кимса дедики:

– Эй Аллоҳнинг Расули, агар сизлар мени йўлдошликка олсангиз эди, мен ҳам сизлар билан борур эдим.

Исмоил алайҳиссалом кўндилар. У киши яна дедики:

– Уйимда баъзи ишларим бор, бир оз кутсангизлар, уларни бажариб келсам, сўнг бирга борур эдик.

Исмоил алайҳиссалом “Яхши, кутамиз”, деб ваъда қилдилар. “Келурман”, деб кетган Абдуррахмон ваъдасини унутиб, қайтиб келмади. Исмоил алайҳиссалом ваъдаларига хилоф қилмай, ваъда берган ерларида уни олти йил кутдилар. Абдуррахмон еттинчи йили шу йўлдан тасодифан ўтиб, Исмоил алайҳиссаломга дуч келди-ю, ваъдасини эслади. Уят ели билан тутдек тўкилиб, йиқилди. Исмоил алайҳиссаломга узрлар дафтарини очиб, оёқлари остига кўз ёш дурларини сочди. Исмоил алайҳиссалом эса лутф билан: “Хуш келдинг, сафо келдинг, айтган сўзингга турдинг”, деб тавозуъ қилдилар.

\* \* \*

Жангларнинг бирида Абдуллоҳ ибн Муборак Рум элининг жуда кучли, хайбатли аскарлари билан тўқнаш келдилар. Яккама-якка олишдилар, қилич солдилар, гурзи билан урдилар, хуллас, харчанд уринишмасин, бир-бирларини енга олмадилар. Шунда Абдуллоҳ ибн Муборак: “Танаффус қилайлик, жангни тўхта-тиб турайлик, мен намозимни ўқиб олай”, деб рақибдан озгина муҳлат сўрадилар. Рақибга бу илтимос маъқул келиб: “Яхши, мен ҳам ибодатимни қилиб олай”, деб нари кетди. Абдуллоҳ отни соҳилга боғлаб, оқаётган сувда таҳорат олдилар. У одам ҳам ўз эътиқодига кўра нималардир қилди. Абдуллоҳ намозни ўқиб бўлиб, дуо қилар чоғларида ўзларича: “Шу одамни отдан ҳеч ағдара олмадим, ҳозир отидан тушган, ҳимоясиз ҳолда ўтирибди. Фурсатдан фойдалансаму бостириб бориб, ўлдирсам-чи?” деб ўйладилар. Аммо бир қарорга келмай туриб Қуръони каримдаги: “*Аҳдга вафо қилинглар, зеро, аҳд-паймон Қиёмат кунинда сўраладиган шидир*”, мазмунли оят эсларига тушди.

Ҳа! Инсон сўз бердими, аҳдлашдими, аҳдида туриши керак! Бунинг ҳисоби бор! Нима учун дуо чоғи, фикр ёмонлик томонга

ўзгарганида айнан шу ояти қарима беихтиёр ёдга тушди? Биз бундай ҳолларда “беихтиёр” дейишга ўрганиб қолганмиз. Ҳа, бу инсоннинг ихтиёридан ташқари. Аммо Аллоҳ таоло хоҳлагани учун шундай бўлган. Бу ўринда ҳам Аллоҳ таоло ўз оятини эслатди ва гўё бундай танбех берди-ки: “Эй бандам, сен Менинг яхши бандаларимдансан, аҳдга вафо қилиш ҳақидаги оятни унутдингми? Аҳдингга вафо қил!” Оятни хотирлатиш замирида шу маъно яширинган эди. Абдуллоҳ ибн Муборак буни яхши англадилар ва йиғлай бошладилар. Жангни бошламоқ қасдида яқинлашган рақиб у зотни бу аҳволда кўриб ажабланди:

– Эй одам, нега йиғлаяпсан? Ўлимингнинг яқинлигини сезиб, кўрққанингдан йиғлаяпсанми? – деб сўради.

– Раббим мени сен туфайли йиғлатди, – дедилар Абдуллоҳ.

– Нега? Қандай қилиб? – деб баттар ажабланди рақиб.

– Мен дуо қилаётган пайтимда сенинг устингга беҳос ҳужум қилиб, ўлдириш истаги туғилди. Шу нафаснинг ўзида Аллоҳ таоло менга аҳдга вафо қилиш ҳақидаги оятини эслатди. Мен бу жангга Раббимнинг розилигини истаб келсаму, қилмоқчи бўлган ишимни қара! Шунини ўйлаб йиғлаяпман, тўғри йўлимни йўқотганимдан йиғлаяпман...

Бу гапни эшитиб, рақиб ҳам йиғлади ва “Сизнинг динингиз ҳақ дин экан”, деб калима келтирди-да, мусулмон бўлди. Инсон қалби қилич билан эмас, шу тарзда гўзал ахлоқ билан эгалланди.

\* \* \*

Бир подшоҳ ўғлига шундай васият қилган экан:

“Ўғлим, давлатингда қаллоб, мунофиқ, ибодат ва тоатни қилмайдиган одамни ишлатма, ходим қилма ва ишонма! Чунки у сенга вафо қилмайди. Агар у вафодор бўлганида эди, Раббисига вафо қилган бўларди. Модомики, Раббисига вафо қилмаган, намоз ўқимаган, покиза ва ҳалол юрмаган, аҳдида турмас экан, сенга ундан ҳеч яхшилиқ келмайди. Аллоҳ таолога вафодор қулларнигина ўзингга ходим қил!”

\* \* \*

“Эй фарзанд, қилган аҳдингга, ваъдангга вафо қил. Ваъдага вафо қилиш – жувонмард ва камол эгаларининг иши, мақташга лойиқ бўлган атоқли зотларнинг хислатидир. Юзи вафо холи билан безалган одам ҳамманинг кўнгил хушини ўз муҳаббати тузоғига илинтирмасдан қолмайди. Ваъдасига вафо қилмаган киши ўз обрўсини йўқотади. Эй фарзанд, бир кишига ваъда берсанг, ваъдангга вафо қил. Оқил киши бажаришига кўзи етадиган



ишга ваъда беради. Ваъда бериб қўйиб, уддасидан чиқа олмай шарманда бўлишдан ёмон нарса йўқ. Шунинг учун кучинг етмаган нарсага ваъда берма.

Вафо йўлида гар собитқадам сан,  
Ки ҳеч вақт кўрмагайсан ранжу ғам сан.  
Будур пандим сенга, зинҳор-зинҳор,  
На аҳд этсанг, вафосин қилғил изҳор”. (“Қобуснома”дан)

\* \* \*

Қадимги араб подшоҳларидан Нўъмон ибн Мунзирнинг бири ярамас ва бири яхши икки одати бор эди. У йилда бир кунни “Ғазаб куни” деб белгилаб, кўчага чиқарди-да, биринчи дуч келган одамни ҳибсга олдириб, ўлимга ҳукм қиларди. Яна бир кунни “Марҳамат куни” деб белгилаб, биринчи учраган одамга совғалар берарди.

Тоий лақабли камбағал бир киши “Ғазаб куни”да Нўъмон ибн Мунзирга дуч келди. Золим подшоҳ у бечорани ўлдириш қасдида жаллодни чақирди. Шунда Тоий ёлвориб деди:

– Менинг хотиним ва фарзандларим бор. Кунимни ўтказишдан жуда-жуда қийналдим. Оилам оч-яланғоч яшайди. Гадоёлик қилиб оиламни зўрға боқиб турибман. Бугун эҳтиётсизлик қилиб, “Ғазаб кунингиз”да сизга дуч келиб қолдим. Биламан, мени ўлдирасиз, лекин ҳозирнинг ўзида ўлдириш ёки кечки пайт жонимни олиш сиз учун фарқсиз бир иш. Мен шаҳардан унча узоқ бўлмаган бир қишлоқда яшайман. Менга рухсат беринг, тиланчиликдан топган озиқ-овқатларимни оиламга олиб бориб берай. Сўнгра оилам ва ёру дўстларим билан хайрлашиб, кун ботарда қайтиб келаман. Ваъдамга хилоф қилмайман, бунга ишонинг.

Подшоҳ унга раҳм қилмади, бир кафил топилмагунча рухсат бермаслигини айтди. Нўъмон ибн Мунзирнинг суҳбатдоши Шурайк ибн Адий Тоийнинг қабиласидан эди. Тоий унга қараб мурожаат қилди:

– Эй Шурайк ибн Адий! Мен ўлимдан кўрқмайман. Фақат оч-яланғоч қолаётган оиламга ачинаман. Менга кафил бўл. Уйимга бориб, топганларимни оиламга ташлаб, хайрлашиб олай. Кун ботгунча шу ерга етиб келаман.

Шурайк илтимосни қабул қилди. Подшоҳдан рухсат теккач, Тоий қишлоғига йўл олди. Кун ўтиб, қуёш уфққа бош қўйса ҳам Тоийдан дарак бўлмади. Подшоҳ жаллодни чақириб, кафилликка ўтган Шурайкни қатл этишни буюрди. Шу чоқда узоқда бир одамнинг югуриб келаётгани кўринди. Шурайк:

– Шошиб келаётган киши Тоий бўлса керак, озгина сабр қилинг, – деб ўтинди.

У адашмаган эди. Тоий терлаб-пишиб, холдан тойганича, хансираб кириб келди ва подшоҳга деди:

– Ваъдамга вафо қилдим. Шомга етиб келолмасам, кафилим Шурайк менинг ўрнимга катл бўлади, деб жуда-жуда қўрқдим. Аллоҳ таолога шукрки, вақтида етиб келдим. Олижаноб Шурайкдан миннатдорман, энди эса подшоҳим, ихтиёр ўзингизда, “Ғазаб куни” да жон бериш қисматимда бор экан, мен ўлимга тайёрман.

Подшоҳ бу ҳолни кўриб, хайрат дарёсига чўмди. Сўнг Тоий ва Шурайкка қараб айтди:

– Сизлардан ажойиброқ кишини кўрмадим. Эй Тоий, дунёда ҳеч кимга ваъдага вафо қилиш майдонида турадиган жой қолдирмадинг. Эй Шурайк, карам, шафқат ва марҳаматинг билан ҳаммани хайратга солдинг. Мен сизларнинг учинчингиз бўлолмасам ҳам, олижаноблигингизга қойил бўлиб, бугундан эътиборан “Ғазаб куни” ни бекор қилишга аҳд этдим.

Подшоҳ Тоий билан Шурайкка инъом-эҳсон қилиб, ҳурматлаб, уйларига қайтишга рухсат берди.

\* \* \*

Сўзин бузғон кишини яхши эрлар:

“Қусиб қайтиб ани ичгунча”, – дерлар (Сўфи Оллоёр)

*(Яхши инсонлар сўзида турмаган кимсани қусган қусиқни қайта ичмак билан тенг қилурлар. Қусиқ ичмаклик макруҳ бўлганидек, аҳли булағо (сўз усталари) қошида сўзда турмаслик ҳам макруҳдир)*

\* \* \*

“Одам дунёларга тенг шараф эгасидир. Ит эса жирканч махлукдир. Аммо яхшилиқни билмайдиган бевафо одам – яхшилиқни унутмайдиган, вафодор итдан пастдир. Вафодор қўтир ит – вафосиз гўзал, барно йигитдан яхшироқдир:

Бевафо ҳақношунос элдин йироғлиғ истаким,

Келмади ҳаргиз алардин ғайри бедоду жафо.

Итга итлик айламак жону кўнгул бирла бўлур,

Ҳақшунос ўлса у бўлса анда ойини вафо. (“Маҳбуб ул-қулуб”дан)

*(Яхшилигингга вафо ила жавоб қайтармайдиган одамдан йироқ бўлишга интил. Чунки улардан ҳеч қачон жабру жафодан бошқа нарса келмайди. Итга жону кўнгил билан боғланиши мумкин, агар яхшилиқни билувчи вафодор бўлса)*

\* \* \*

“Бир киши кураш тушмоқ илмида бағоят олим эрди ва уч юз олтмиш амал билур эди. Иттифоқо, ўз шогирдларидин бирининг жамолига хоотири майл этиб, ҳар куни зиёдароқ тарбия қилур

эди ва таълим берур эрди. То уч юз эллик тўққиз амални ўргатди. Аммо бир амалнинг таълимида таъхир қилиб, тааллулға солди (бир баҳона билан кейинга сурди) Алқисса, шогирд қувват ва суръатда барча полвондин баланд бўлди ва онинг била кураш тутмоқға ҳеч кишида қувват ва мажол қолмади, то бир кун подшоҳнинг олдида дедиким: “Устодимнинг мендин зиёдалиги тарбиятда улуглик жиҳатидиндур, йўқ эрса, қувватда ман ондин кам эрмасман ва санъатда баробардурман”. Подшоҳга бу сўз оғир келиб, буюрди, то иккови кураш тушғайлар ва бир улуг майдонни таъйин этдилар. Подшоҳ бошлиқ аркони давлат аъёни ҳазрат, барча шаҳру саҳронинг халойиқи ва ер юзининг паҳлавонлари – барча ҳозир бўлдилар. Шогирд фили мастдек бир навъ садмат била майдонга кирдиким, агар олдида кўхи оҳанин бўлса эрди, бир ҳамлада жойидин кўпорур эрди. Устод билдиким, қувватда ўзидин зиёдадур. Ҳамул ўргатмай пинҳон сақлагон амали била кураш тутди. Шогирд ани дафъ эта олмай ожиз бўлди. Устод ани икки кўли била ердин кўториб, боши устига чиқариб ондоқ ерга урдиким, халоқий ғарив ва ғулғула садосин авжидин ошурди ва подшоҳ устодга хилъат ва неъмат берди ва шогирдга зажр ва маломат қилди ва деди:

– Нечун тарбият қилгон устодинға бевафолик қилиб, муқобил бўлдинг?

Шогирд ер ўпиб, деди:

– Эй подшоҳ, устод зўрлик била мени йиқмади, лекин кураш илмида бир амални мендин дариг тутуб ўргатмамиш эрди. Бугун ҳамул амал билан мени йиқди.

Устод деди:

– Ул амални мундоқ бир кун учун ўргатмай сақлаб эрдим, нединким, ҳакимлар дебдурлар: “Дўстга андоқ қувват бермагилким, бир вақт сенга душманлик қилса, муқобил бўла олмағайсан. Эшитмадингмуким, бир киши ўзининг парвариш қилгон шогирдидин жафо кўруб на сўз айтубдур.

Қитъа:

*Вафо йўқ эрдиму оламда ҳаргиз,*

*Ва ёхуд қилмади аҳли замона.*

*Ки ҳар ким отмоқ ўқ ўрганди мендин,*

*Мани ул оқибат қилди нишона.*

Подшоҳга устоднинг бу достони бағоят хуш келиб, буюрди, кўп неъматлар еткурдилар. Шогирдга сарзаниш қилиб, таъна таёгин урдилар, то мундин сўнгра устои ҳақида бевафолиғ қилмағай ва ўзгаларга доғи танбеҳ бўлғай”. (“Тулистон”дан)



\* \* \*

“Кўз кўрмаган, ғойибда ваъда қилинган нарса учун шундай ёнидаги шахватни тарк қилган киши қандай гўзал!”

\* \* \*

“Қарашдан сақланинглр. Чунки у қалбда шахват уруғини экади ва у қалб эгасини фитнага солиш учун етиб ортади”. (Ийсо ибн Марям)

\* \* \*

“Очкўзликдан ҳамда яхши овқат, ичкилик, хотин-халажга берилишдан ўзини тутиш иффат саналади”.

\* \* \*

“Авратга қараган кишига ҳам, авратни кўрсатган кишига ҳам Аллоҳнинг лаънати бўлсин!”

\* \* \*

“Кўзлар шайтоннинг тузоқларидир. Вужудга энг тоза ва энг шиддатли таъсир ўтказувчи аъзо кўздир. Ким Раббига итлоат этиб, аъзосини нафсининг эътиборидан қолдирса, ният қилган амалига етишади. Ким дунё завқларига тўйиш учун аъзосини нафсининг эътиборида қолдирса, ниятидаги амалларини ўзи учун зое кеткизган бўлади”.

\* \* \*

“Жаннатга муштоқ киши бу дунёда шахватларини унутади”. (Али ибн Абу Толиб)

\* \* \*

“Мен сизларнинг аёллар фитнасига учишингиздан кўпроқ хавотирдаман. Улар олтин ва кумуш билакузуклар тақиб, Шом ва Яманнинг юпқа, безаквор куйлақларини кийиб, бойни чарчатиб қўюрлар, камбағални эса тополмаган нарсаларини топишга мажбур этурлар”. (Муоз ибн Жабал)

\* \* \*

“Кимки аъзоларини шахватлар билан тўлдирса, билсинки, қалбига афсус ва надомат уруғини эккан бўлади. Чунки энг ёмон қуллик – шахват қуллигидир”. (Абу Яҳё Варроқ)

\* \* \*

“Нон бўлатуриб, яна қўшимча егуликларни ишташ шахватдир. Кимки дунё шахватларини севса, хорликка ҳозирлигини кўраверсин”. (Ваҳиб ибн Вард)

\* \* \*

“Бир куни Луком тоғида ҳосилга кирган анорларни кўриб қолдим. Егим келиб, биттасини уздим. Ёриб қарасам, анор ҳали хом экан, ташлаб юбордим. Шунда чеккароқда оч ва юпун ҳолда ётган, устида пашшаю арилар гужгон ўйнаётган бир одамга кўзим тушиб, салом бердим. “Ва алайкум ассалом, эй Иброҳим”, – деди у.

– Мени қаердан танийсан? – деб сўрадим.

– Улуғ ва қудратли Зотни таниган одамга ҳеч нарсадан хавф йўқ, – деб жавоб берди.

– Сенда улуғ ва қудратли Зотга суюкли бир ҳолни кўряпман. Аллоҳ таоло сени арилардан ҳимоя қилишини нега сўрамаяпсан?

– Мен ҳам сенда Аллоҳ таолога суюкли бир ҳолни кўряпман. Нега Аллоҳ таолодан анорга бўлган шаҳватдан сени тийишни сўрамадинг? Ахир, анорнинг “чақиши” арининг нишидан шиддатлироқ-ку! Негаки, арининг чақишидан етган оғриқ бу дунёда тугайди, анорники эса охиратда ҳам давом этади, – деди у”. (*Иброҳим Хавос*)

\* \* \*

“Шаҳват – табиий зарурат. Унинг яратилишидан муайян фойда кўзланган. Агар таомга бўлган иштаҳа бутунлай сўнса, инсон ҳалокатга юз тугади. Агар шаҳвоний истак кесилса, насл қирқилади”.

\* \* \*

“Кўп ҳолларда инсон шаҳватга бўйин эгади. Ақл ўз идорасини унга топширади. Натижада, шаҳват қутуриб, бузуқликларга бошлайди. Риёзат билан шаҳватни мўътадилликка ўргатиш мумкин”.

\* \* \*

“Эртага ўладиган каби вужуд аъзоларингни ҳаромдан кўриқла”. (*Абу Хомид Ғаззолий*)

\* \* \*

“Мен ул кишидин таажжуб этарманки, ҳаёдан сўз айтиб, ўзи Аллоҳ таолодан ҳаё қилмағай”. (*Абдуллоҳ Манозил*)

\* \* \*

“Субҳаналлоҳ! Бандалар гуноҳ ишлардан ҳаё қилмаслар. Аллоҳ таоло кўриб уялар...”. (*Яҳё Ибн Муоз*)

\* \* \*

“Кимки бир номаҳрам хотиннинг юзига шаҳват тариқи билан қараса, қарагувчининг кўзига эриган кўрғошин қуярлар”. (*“Ниҳоя”*)

\* \* \*

“Хар кишики, номахрам хотин билан сўз ўйнашса, у киши айтган ҳар сўзи учун минг йилгача дўзахда қолади... Номахрам билан зино қилинса, зинкорлар Қиёмат Куни одил ҳукм қилиниб шайтон билан занжирбанд этилиб, дўзахга ташланарлар. Шайтони лаъинки, ўта душмандир. Бояги зиночи ўша шайтон билан бирга дўзахга кирар”. (*“Ширъатул ислом” китобидан*)

\* \* \*

“Бир ёш хотин номахрам бўлса, унга салом бермоқ ҳаромдир. Ўша ёш хотин салом берса, унга жавоби салом қилмоқ ҳаромдир. Чунки у ёш хотиннинг овози авратдир. Шунинг учун эшиттириб айтган сўзи ҳаром бўлади. Демак, ул ёш хотиннинг овози аврат бўлса, у билан сўзлашмоқлик раво кўрилмас. Хуллас, эй одамлар, Аллоҳ таолонинг ғазабидан қўрқсангиз, номахрам хотинлар томон қарашдан сақланинглар, номахрамларга кўз қаратманглар. Номахрам аёл сари қарагандан кўра, шу кўзларингга ниш санчганлари яхшидир. Бу дунёнинг даврони бир замон келиб ўтар, аммо Қиёмат давронидан омон қолмоқ йўқдир. Чунки, Қиёмат Куни жуда шиддатли бўлади. Гуноҳи бор кишининг боши қуйи бўлади. Қиёматда баъзи кишилар юзларини қора қилгудек гуноҳларини яширмоқ истасалар, қўл ва оёқлари гуноҳларидан хабар берурлар. Зероки, ул Кунда Аллоҳ таоло оғизларга муҳр урар. Сўзлаша олмаслар. Гувоҳликни қўлу оёқлари қилурлар. Қиёмат Кунида барча аъзоларинг бизларни нима учун ҳаромга ишлатдинг, дея даъво қилурлар ва ота-онанг гуноҳларингни айтиб, халқ олдида шарманда қилурлар. Ўша Кунда бутун жисминг гуноҳларинг хусусида беҳисоб даъволар қилади. Шунда сен пушаймон бўларсан. Аммо бу пушаймонлардан фойда бўлмас. Чунки ўкинч ери бу дунёдир, охират ери эмас”. (*“Фатавойи хулоса”, “Хизонатул фатаво”, “Шарҳи аврод” китобларидан*)

\* \* \*

“Хар кимнинг кўнглида шаҳват кўп бўлса, ложарам уни лаънат кафанига ўрагайлару надомат туфроғига дафн қилгайлар. Ҳар ким шаҳват нафсини ўлдирса, ложарам уни раҳмат кафанига ўраб, саломат туфроғига дафн айлагайлар”. (*Самадоний Боязид Бистомий*)

\* \* \*

“Хаёни қўлдан берган одам кек сақлайдиган ва сўкинадиган бўлади. Ғам пардаси унинг ақлини қоплайди, фаросати, зеҳни-заковати озаяди. Бундай бахтсизликка мубтало бўлган одам-



нинг бутун қилган иши, сўзи ҳаммага ёмон кўринади. Берадиган маслаҳатлари ўзига зиён етказди. Илгари уни яхши, деб юрган дўстлари энди уни ёмон деб ҳисоблайдилар. Бошқаларнинг гуноҳини ҳам унинг бўйнига тўнкайдилар”.

\* \* \*

“Ақл ва ҳаё ажралмас дўстдир. Бири йўқолса, иккинчисини ҳам топиб бўлмайди” (“Калила ва Димна”дан)

\* \* \*

Умар ибн Ҳаттоб замонларида намозини доимо масжидда жамоат билан ўқийдиган бир йигит бор эди. Ҳазрати Умар у йигитни таквоси учун жуда яхши кўрардилар. Йигит ҳар хуфтон намозидан сўнг қари отасини зиёрат қилар эди.

Йўл бўйидаги уйлардан бирида яшовчи хотин бу йигитга ошиқ эди. У ҳар куни йигит йўлини пойлаб, уни ўзига оғдиришга уринарди. Ниҳоят, бир сафар йигит ўзини бошқара олмай, аёлнинг ортидан эргашди. Бироқ, остонани босиб ўтар экан, Аллоҳ таолони эслаб, хушёр тортди ва Аъроф сурасидаги: “*Тақво қилгувчи зотларни қачон шайтон томонидан бирор васваса ушласа, Аллоҳни эслайдилар, бас, тўғри йўлни кўра бошлайдилар*” мазмунли ояти каримани ўқиди-ю, хушсиз йиқилди. Аёл дарҳол жориясини чақирди. Икковлари йигитни кўтаришиб, отанинг уйига элтдилар ва эшикни тақиллатдилар. Эшикни очган ота беҳуш ётган ўғлини кўрди. Уни ичкарига олдилар. Йигит ярим тунда ўзига келди.

– Ўғлим, сенга нима бўлди? – сўради ота. Йигит бўлган воқеани сўзлагач, “ўғлим, қайси оятни ўқидинг?” – деб яна сўради. Йигит мазкур оятни такрор ўқигач, яна ҳушидан кетди. Сўнг жон таслим қилди. У дафн этилгач, Ҳазрат Умарга хабар етказдилар. Ҳазрат Умар келиб, йигитнинг отасига таъзия изҳор этгач, “Нега мени чақирмадингиз?” – деб сўради.

– Эй мўминлар амири, вақт алламаҳал бўлиб қолган эди, сизни безовта қилгимиз келмади, – деди ота.

– Ундай бўлса юринг, қабр бошига борайлик, – дедилар халифа.

Икковлон у ерга етгач, “Эй фалончи!” – деб йигитнинг отини айтиб чақирдилар ва Раҳмон сурасидаги: “*Парвардигори ҳузурида туришдан (яъни, Парвардигор олдида туриб ҳаёти дунёда қилиб ўтган барча амалларига жавоб беришидан) кўрққан киши учун икки жаннат бордир*” мазмунли оятни ўқидилар.

Иттифоқо, қабрдан йигитнинг овози эшитилди:

– Эй Умар! Сиз эслатган икки жаннатни Раббим менга икки бора инъом қилди!..

\* \* \*

“Ким иффат билан хулкланса, саховатли, хаёли, сабрли, кечиримли, қаноатли, парҳезкор, латиф, зариф, барчага кўмакчи, бетама бўлади. Агар иффат меъеридан ошса ёки кам бўлса, хирс ва очкўзлик, кўполлик ва беҳаёлик, исрофгарчилик ва хасислик, риёкорлик ва шармсизлик, ҳасад, ичқоралик, бойларга ялтоқланиб, камбағални камситиш каби иллатлар юзага чиқади”. (Абу Хомид Ғаззолий)

\* \* \*

Ҳазрати Усмон ҳузурларига бир киши кириб келганда у зот: “Сенинг кўзларингда зино изларини кўряпман”, деганларида у киши кўрқиб кетади. Чунки йўлда кетаётиб бир уйнинг чала ёпиқ эшигидан қараганида очиқ-сочиқ ювинаётган аёлни кўрган экан.

\* \* \*

Бир иймон эгаси вафот этганда яқин таниши “Раҳматли бизникига келганларида эшикни тақиллатардилар-у, то ичкаридан эр овозини эшитмагунларича туткични тортиб турардилар. Мабодо аёл киши “Ким?” деб овоз берса, туткични қўйиб юбормай, гапларини айтиб кетардилар”, деди. Бу баъзиларга оддий гап бўлиб туюлиши мумкин. Лекин, бизнингча, бу одобда иймон қудрати бор.

162

\* \* \*

“Ўзингдан ҳам худди бошқа одамлардан орлангандек орлашинг ва бир ўзинг бўлиб туриб ҳам бошқалар билса-билмаса, бундан қатъи назар, бари бир ёмон ишдан тортилишинг керак. Аммо ҳаммасидан ҳам ўз виждонингдан уял”. (Демокрит)

\* \* \*

Ҳазрати шайх Утбат ул-Ғуломни вафотларидан сўнг улуғлардан бири тушида кўрди. Қарасаки, шайх ҳазратлари юзларининг бир ёни суяк-қобурға бўлиб қолган эди. “не сабабдан бундай бўлдингиз?” деб сўрадилар. Жавоб бердилар: “Устозимнинг ҳузурларига борган эдим. Бир чиройли ўғлон чиқди. Бир мартагина боққан эдим. Вафот вақти келганда Ҳақ таоло мени жаннатга буюрди. Йўлимда дўзах бор эди. Бир илон чиқиб келди. Ўзини устимга отди. Бир юзимга урди ва айтди: “Бир марта боққанга бир марта урмоқдир. Агар яна бир марта боқсанг эдинг, чақиб олардим”.

\* \* \*

Афлотун ҳакимдан: “Қалб учун қай бири зарарлироқ – эшитилган нарсаларми ёки кўз қарашларми”, деб сўрадилар. Жавоб берилди:

– Кўз ила қулоқ қалб учун бир қушинг икки қаноти ўрнида-  
дир. Қуш фақат кўш қанот билан уча олади, оёқда тура олади.  
Баъзан қанотлардан бирининг патлари юлинаркан, мувозанат  
бузилади. Шу сабабли зўрға оёққа туради. Қулоқ эшитган лу-  
зумсиз, харом нарсалар ва кўз кўрган кераксиз, харом нарсалар  
қалбга бир хил даражада зарарлидир.

\* \* \*

“Халол бўлмаган нарсаларга назар ташлашдан сақла-  
ниш керак. Чунки уларга қараш қалбни маънан ўлдирув-  
чи ўқдир, унга зулм қилувчи султондир. Ҳикмат аҳлининг  
бу хусусдаги баъзи сўзлари: “Ўнгда-сўлда дуч келганга на-  
зар ташлайверишинг кўп афсусларга сабаб бўлади”. Ўнгу сўлга  
қарайвериш ғайриахлоқий ҳодисаларни юзага келтиради, ин-  
сонни разил қилади, жаҳаннамда узоқ муддат қолишга боис-  
дир. Кўзларингга эгалик қил. Агар уларни эркин қўйиб юбор-  
санг, ахир бир кун сени ёмонликка олиб боради. Гар уларга  
эга экансан, бошқа барча аъзоларингга ҳам эга бўла оласан”  
(Абу Ҳомид Ғаззолий)

\* \* \*

Эй кўзларим, бир боқиш-ла кўрдингиз-у наф,  
Кулатдингиз айб жарига қалбимни тўнаб.  
Эй кўзларим, юрагимдан тортинг қўлингиз,  
Икковлашиб бир кишига ҳужум қилдингиз (Қози Аржоний)

\* \* \*

Кел, эй мўмин агар тарсанда бўлсанг,  
Кўзингни сақлағил ҳар қанда бўлсанг.  
(Эй мусулмон, кўнгиб бериб ваъзу насиҳатни эшит. Қаерда бўл-  
санг ҳам, Аллоҳдан кўрқсанг, кўзингни бегона хотинлардан сақлаб,  
уларга қарамагил)

Қавий бўлсин ҳамиша нуқтайи чашм,  
Мабодо қолмағай боло тушиб хашм.  
(Кўзингнинг нуқтаси маҳкам бўлмай, тушиб хашм бўлиб қол-  
масин. Бу ўринда “чашм” ва “хашм” сўзларида ўйин бор. Байтнинг  
маъноси эса бундай: кўз қорачуғинг кучли бўлсин, яъни номаҳрам  
аёлга қарамасин. Йўқса, Аллоҳ таолонинг ғазаби келур)

Назар қилгунча, э нафси маъйуб,  
Тушуб кўз нуқтаси кўр бўлгани хўб (Сўфи Оллоёр)  
(Бу байтда ҳам “кўз” ва “кўр” сўзларининг ўйини бор. Маъноси –  
номаҳрам хотинга қараган кўзнинг кўр бўлгани яхши)



\* \* \*

“Назаринг ҳамиша оёқ остида бўлса, саодатли бўларсан. Аммо номаҳрам аёлларга кўз қаратсанг, Қиёмат Кунда ўқинчда қоларсан. Кўз қонли бўлса ҳам, номаҳрамларга қарамаса, бу кўз ҳақиқий кўздир. Бундай кўз хатарли ерга, яъни номаҳрамларга қараган соғ кўздан яхшидир. Аллоҳ таолонинг азобидан қўрқиб номаҳрамларга боқмайдиган кўз қандай яхшидир! Аммо шундай бўлмаса, кўзнинг косасидан чиққани дуруст. Шундай экан, номаҳрамлардан кўзингни юм, эй Аллоҳ таолодан қўрқувчи инсоннинг фарзанди! Имоми Аъзам ҳазратлари юмганлари каби юм. Абу Ханифа ҳазратлари кўркам йигитларга кўзлари тушмаслиги учун уларни орқаларига ўтирғизиб сабоқ берар эмишлар. Сен юрагим тоза бўлгани учун номаҳрамларга қарасам зиёни йўқ, деб лоф урма. Чунки имоми Аъзам каби эмассан. Зеро, ул зот шундайин сўфийликлари билан йигитларга суқланиб қарашдан сақланганлар. Инсоф юзасидан айтганда, сен қанчалар собир ва сўфий бўлсанг-да, унингдек эмассан. Сен номаҳрамлар юзига қарамоғингни қўймас экансан ва қарашда давом этаркансан, билгилки, шайтон сабрингни узиб, ихтиёринг жиловини қўлига олиб, ўзингни зинога бошлар.

Бас, шундай экан, эй инсонлар, нахот гуноҳ нарсаларга қарайсиз?! Зеро, номаҳрамларнинг юзлари нақадар гўзал бўлса-да, улардан қанчалар лаззат олинса-да, буларнинг бари фонийдир. Шундай экан, нима учун жонингизга зулм қилиб, ўзингизни ўзингиз жаҳаннам ўтига соласизлар?”

(“Саботул оживин”нинг насрий баёнидан.)

\* \* \*

“Кишининг маломатга лойиқ энг ёмон сифати рашкчи бўлмаганидир”. (Абдуллоҳ ибн Масъуд)

\* \* \*

“Мўмин киши рашкчи бўлиши керак. Бирор эркак ва аёлнинг фахш ишларини билса, ҳеч рози бўлмасин. Агар қодир бўлса, қўли билан қайтарсин, бўлмаса, тили билан. Ҳеч бўлмаса, қалби билан ёмон кўрсин”.

\* \* \*

“Ҳаё икки хил бўлади: сиз билан одамлар орасидаги ҳаё, Аллоҳ билан сизнинг орангиздаги ҳаё. Одамлар билан сизнинг орангиздаги ҳаё қараш ҳалол бўлмаган нарсалардан кўзингизни тўсишингиздир. Сиз билан Аллоҳ ўртасидаги ҳаё Аллоҳнинг неъматларини билмоғингиз ва сўнгра Унга гуноҳ қилишдан уялишингиздир”. (Абу Лайс Самарқандий)

\* \* \*

“Зухд ва иффат уч даражадир: фарз бўлгани, бу харомлардан сақланишдир. Соғликни сақловчи бу ҳаром бўлиши эҳтимол нарсалардан сақланмоқдир. Фозил бўлмоқ, бу ҳалол нарсаларда мўътадил ҳаракат қилмоқдир”. (*Иброҳим ибн Адҳам*)

\* \* \*

“Зухд-иффат зухдни яширмоқдир. Агар зухд соҳиби (*зоҳид*) инсонлардан қочса, уни изла. Агар инсонлар зухд соҳиби атрофида ўралашиб юрган бўлса, ундан қоч”. (*Ибн Муборак*)

\* \* \*

“Хожаким, биби борида додакка айланғай, бибининг иффат этаги қулға булғанғай”.

(*Агар эр иффатсизликни касб этиб, ўз хотинига вафосизлик қилса, хотинининг иффат этагини унинг қули булғайди.* (Қадимда иффатли кишини “иффатмаоб”, деб, покдомонликни эса “иффатпаноҳ” деб атаганлар)

\* \* \*

“Ким кўп гапирса, кўп адашади. Ким кўп кулса, ундан ҳаё ва одоб йўқолади”. (*Умар ибн Ҳаттоб*)

\* \* \*

“Ўлмоғим ва тирилмоғим, сўнг ўлиб, яна тирилмоғим бировнинг авратига қарашимдан ва бировнинг менинг авратимга қарашидан уч қарра севимлироқдир”. (*Солмон Форсий*)

\* \* \*

“Ким бировнинг парда-ҳижобини оёқ ости қилса, ўзининг аврати очилади”. (*Мансур ибн Аммор*)

\* \* \*

“Мен ул кишидан ажабланаманки, ҳаёдан сўз айтади ва ўзи Аллоҳ таолодан шарм тутмайди”. (*Абдуллоҳ Манозия*)

\* \* \*

“Эркагу аёллар учун энг чиройли ҳусн – шарму ҳаёдир”.  
(*Абдуллоҳ Муқниъ*)

\* \* \*

“Аёл зоти учун поклик ва ҳаё энг улуғ жамолдир. Эркак зоти учун эса мардлик ва энг ярашиқли хислатдир. Бу хислати бўлмаганлар хиёнатдан қайтишмайди. Агар сенга ёрингдан хиёнат етса, билки, катта синов ичидасан. Бу синовдан омон ўтай десанг, хиёнатга хиёнат билан жавоб қилма ва хиёнатчини тарк эт”. (*Абул Аъло ал-Мааррий*)

\* \* \*

“Иймон яланғочдир, унинг либоси – тақво, зийнати – ҳаё, моли – иффатдир”. (*Ваҳб ибн Мунаббих*)

\* \* \*

“Хар ким уч нарсани севса, шайтон уни тез йўлдан оздиради: яхши емоқ, яхши киймоқ, аёллар билан ўтирмақ”. (*Увайс Қараний*)

\* \* \*

“Эшигингни ёпасан, пардаларингни туширасан, одамлардан уяласан, аммо калбингдаги Қуръондан, хар бир махфий нарсани билгувчи улуғ Зотдан ҳаё қилмайсан”.

\* \* \*

“Бадбахтнинг нишонаси беш нарсадир: кўнгли қаттиқ бўлмақ, кўзи ёшсиз бўлмақ, бешарм ва беҳаё бўлмақ, дунёга мойил бўлмақ, умидсиз бўлмақ”. (*Фузайл ибн Иёз*)

\* \* \*

“Уятли киши одамларнинг сарасидир, уятсиз киши – одамларнинг тубани”. (*Юсуф Хос Ҳожиб*)

\* \* \*

“Тараллабедод қилиб юриш инсоннинг фикр-хаёлини бузуқликка бошлайди. Бузуқ фикр-хаёл эса қайғу-ҳасрат келтиради”. (*Анушрвон*)

\* \* \*

“Йигитлар учун – шарм-хаё ва баҳодирлик, кексалар учун – сабр ва маърифат яхшироқдир”. (*Саъдий Шерозий*)

\* \* \*

“Хар бир ақл эгаси шарму ҳаё йўлида мустаҳкам туришни ўз ҳаёти равнақининг асоси қилиб олса, замонанинг катта-кичиги унинг хузурига ва суҳбатига харидор бўладилар”. (*Бархурдор ибн Маҳмуд*)

\* \* \*

“Ҳаё кишиларни ёмон йўлдан қайтарувчи ва яхшилик сари ундовчидир. Кимнинг ҳаёси бўлмаса, унинг уяти бўлмайди. Барча қабих ишларни қилишдан ҳам қайтмайди. Кишида ҳаё бўлса, нафс унинг устидан ҳоким бўлолмайди ва ўз йўлига соллолмайди”. (*Муҳаммад Жавҳар Заминдор*)

\* \* \*

“Ақл-идрокдан маҳрум бўлган бош – сувсиз чашмага, адабсиз, тарбиясиз йигит – эгар-жабдуксиз отга, шарм-хаёсиз хотин



– тузсиз таомга, илмига амал қилмаган олим – хушбўй, аммо гули йўқ бўстонга ўхшайди” (Абул Муъин)

\* \* \*

“Ҳаё ва андиша дунёда тартиб сақлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ҳаё йўқолса, ҳеч кимда виждон ҳам қолмайди. У ҳолда дунёда тартиб бузилади. Кишилар бир-бирига бефарқ қарайдиган бўладилар”.

\* \* \*

“Агар орадан шарму ҳаё кўтарилса ва киши кишидан уялмаса, олам низомига ҳалал етади”. (Хусайн Воиз Кошифий)

\* \* \*

“Диёнат ва номус бир оиланинг саодати ва интизоми учунгина эмас, балки бир мамлакатнинг саодати ва барқарорлиги учун ҳам зарур ва лозимдир”. (Абдурауф Фитрат)

\* \* \*

“Иффат деб нафсимизни гуноҳ ва бузук ишлардан сақламоқни айтулур. Бизларни гуноҳ ва маъсиятдан сақлагувчи, ҳаром-ҳаришдан нафсимизни асрагувчи фақат иффатимиздур. Иффат эрлардан кўпроқ хотунлар учун олмосдан қиммат, инжудан қадрли зийнат ва фазилатдур. Иффатли киши ҳар вақт назари ибрат ила ҳаракат қилур. Кеча ва кундуз фикри, зикри ватандошларига, қариндошларига яхшилик, хайрихоҳликдан иборат бўлур. Сўзида, феълида содиқ бўлуб, виждонга терс, инсониятга келишмаган муомаладан ҳазар қилур. Ҳазрати Али розияллоху анху: “Иффат хотунларнинг энг зийнатли либоси, эрларнинг сармояйи улуввиятидур”, демишлар.

Ҳазрати Лукмон: “Иффат номуснинг энг маҳкам суянчиғидур. Нафснинг ҳужумига шул қувват ила муқобила қилинур”, – демишлар.

Афлотун ҳаким: “Иффат хотундан кўпроқ эрларга ярашадурган бир сифатдур. Хотун иффати адаб ва номусини сақловдур. Эрларнинг иффати бутун инсоният адабларига шомилдур. Иффатсиз инсон яланғоч жасад кабидур”, – демишлар.

Зотингга зийнат ўлан иффатни дилда сақлагил,  
Шаҳвату нафсинг сани бўлғусидир ақлингга кул.  
Ҳар кишининг дунёда йиртилса иффат пардаси,  
Нафси шайтондек ани бир кун солур бўйнига ғул”.

\* \* \*

“Ҳаё деб ишда, сўзда адабни риоя қилмакни айтилуру. Ҳаё дилни равшан қиладурган бир нурдурки, инсон ҳар вақт шул маънавий нурнинг зиёсига мухтождур. Шариат буюрмаган, одамлар суймаган ишларни ишламак – ғийбат, ҳажв, масхара, сафсата, сўкув каби одамларнинг нафсига, иффатига тегадурган адабсиз сўзларни сўзламак зўр ҳаёсизликдур. Иффатнинг пардаси, виждоннинг ниқоби ҳаёдур. Шунинг учун ҳар бир ҳаракатимизда, сўзимизда ҳаёни қўлдан бермаслик лозимдур. Ҳаё пардаси ила ўралмиш инсонларнинг иффат пардаси йиртилмас. Ва бу чодир шундай муборақдурки, анча-мунча саҳв-хатоларни беркитуб йўқ қилур.

Ибн Сино ҳаким: “Инсонда доим турадурган ҳусн ва латофат ҳаё ила иффатдур. Ҳаёсиз юз жонсиз жасад кабидур”, – демиш.

Расули акрам набийи муҳтарам афандимиз: “Ал-ҳаё минал-иймони” – ҳаё иймондандир; “Иза лам тастаҳ фааснаъ мошиъта” – ҳаё қилмаз эсанг, истаган ишингни ишла”, – демишлар. Муҳйиддин: “Инсоннинг суратидаги қизиллик секин-секин кетар, ҳаё қизиллиги асло кетмас. Ёшлик ҳуснининг қизил рангининг ҳаё ила зийнат-латофатга эга бўлурулар”, демишлар.

Сукрот ҳаким: “Хотунларнинг энг гўзали ҳаё ва иффат пардасига ўралганларидур”, – демиш.

Ҳаё, номус иймона далилдур,  
Ҳаёсиз доимо хору залилдур.  
Уялма маърифат ҳосил қилувдан,  
Маорифсиз кишилар мурда дилдур”.

\* \* \*

“Шаҳват нафснинг таайишиндан, тааддисиндан ҳосил бўладурган бир қувватдир. Ҳикмати табиийя қонунининг аҳкоми азалиясина қараганда, ҳиссиёти шаҳвония бақойи ҳаётга махсус бир қуввайи фатриядур. Шаҳват инсоннинг хазинаи зи қиймати ўлдиғи учун сурати машруъада сарф қилинса, вужуднинг закоти, балки бани башар наслининг мадори ҳаётидур. Ҳар ишда ифрот ва тафрид мақбул бўлмагани каби бу хусусда ҳам ҳасиллик ила исрофдан сақланмак лозумдур. Агар шаҳватни ғайри машруъ бир йўлда суистеъмол қилинса, амонатга хиёнат қилган бўладур. Зеро, емак учун яратилган бир неъматнинг қадр ва қийматини билмасдан, хорлаб, ўринсиз ерларга ташламоқ, оёқ ости қилмоқ зўр куфрони неъматдур. Яхши хулқларнинг ичида фаришталарнинг ғибта қиладурганлари шаҳватнинг машруъ ерларга сарф қилмакни риоятдан иборатдур. Шаҳват инсон

учун яратилмиш бир салохдурки, агар ўрнига истеъмол қилинса, вужудимизни ҳар хил тааррузлардан сақлар, ўринсиз ерларга сарф бўлса, инсоннинг иффатини барбод қилмак ила баробар ҳаётини хароб қилур. Бир киши қўлидаги асбобига мағрур бўлуб, нобоб ерга урса, ул асбобни ўтмас қилгани каби масъулиятдан нафсини ҳам қутқаролмас. Афсус, бизим ёшларимизнинг аксарлари шаҳват ғалабаси-ла нафси амораларина мубтало бўлуб, сифлис (захм) маразларига гирифтор бўлурлар. Қанча меҳнат ва машаққат ила топган олтунларини боқузмак учун сарф қилуб, олтундан қадрли азиз умрларини касалхоналарда исроф қилурлар. Уламолардан бири: “Ҳаёт ибодатнинг асбоби ўлдиғи каби шаҳват ҳам убудиятия хизмат вазифасини адо қилур. Ва бу вазифалар ҳақ ила адо қилинмаса, инсоният ила ҳайвоният орасида нима фарқ бўлур”, -демиш.

*Агар шаҳватка дил берсанг, бўлур қалбинг қаро, кам-кам,  
Кетар наслинг ўқи, бел қуввати, кўздан зиё, кам-кам.  
Тамоми ихтиёринг нафси бадни илгина берсанг,  
Маразларга дучор айлар, бўлур рангинг, фано, кам-кам.  
Бузуқ йўлларга исроф айласанг, молингни, жонингни,  
Қўлингдан дину дунё, иш кетар, шарминг, ҳаё, кам-кам”.*

(Абдулла Авлоний)

\* \* \*

“Кўзни аёлларга тикишдан, уларнинг суратларини томоша қилишдан тиймоқ керак. Ақлнинг сўнишига, ҳаё пардасининг йиртилишига ва энг муҳими – ибодатнинг “мазаси” йўқолишига асосий сабаб ана шудир”.

\* \* \*

“Кўз ҳаромга қараганида виждонни, қалбни ғам-аламлар, бузуқ захарли фикрлар, хароблик ва разолат қоплайди. Шаҳвоний кучлар ҳаракатга келгудек бўлса, одам ўзи билмаган ва сезмаган ҳолда ҳалокатга, разолатга ва бузуқ ўй-фикрлар гирдобига тушиб қолади”.

\* \* \*

“Ҳаромга қарашлик орзуси руҳни қорайтиради. Қоп-қора, сим-сиёҳ бўлиб балчиққа булғанган руҳдан қалбга фақат захар томчилайди”. (Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо Жазарий)

\* \* \*

“Уят фақат инсонга хос туйғудир. Ҳайвон уят пайдо қилолмагани учун инсонга яқинлаша олмайди, лекин инсон уятини йўқотиб ҳайвонга яқинлашиб қолиши мумкин”.



\* \* \*

“Хар қандай қонунга ҳам чап бериш мумкин, лекин уятга чап бериб бўлмайди. Чунки қонун одамдан ташқарида, уят эса одамнинг кўксига бўлади”. (Абдулла Қаҳҳор)

\* \* \*

“Ўзингдан ҳам худди бошқа одамлардан орлангандек орла-нишинг ва бир ўзинг бўлиб туриб ҳам бошқалар билса-билмаса, бундан қатъи назар, бари бир ёмон ишдан тортилишинг керак. Аммо ҳаммасидан ҳам ўз виждонингдан уял”. (Демокрит)

\* \* \*

“Кўрқок, ҳаёсини йўқотган одам хар қандай пасткашликка ҳам рози бўлиши мумкин”. (Ж. Лабрюйер)

\* \* \*

“Уят ва номус – бамисли либос: кийилиб, эскиргани сари унга бефарқ қарай бошлайсан”. (Апулей)

\* \* \*

“Одамлар олдида уялиш яхши фазилат, аммо бундан ҳам яхшироғи ўзингдан ўзинг уялишингдир”.

\* \* \*

“Одамнинг маънавий камолотда қай поғонага кўтарилганини нимадан уялиши ва уялмаслигидек аниқ кўрсатиб берадиган нарса йўқ”. (Л. Толстой)

\* \* \*

“Аёлга Яратган чексиз иштиёқлар ато қилар экан, бу иштиёқлар ёнига ҳаёни ҳам қўшиб қўйганки, ҳаё тийиқсиз иштиёқларни жиловлаб туради. Буниси ҳали ҳолва – ўз қобилиятларини яхшилик йўлида сарфлаган одамга Яратган сахийлик билан инъомлар ҳам беради. Мен ҳалол турмуш тарзидан кўнглимизда пайдо бўладиган мамнуният туйғусини назарда тутмоқдаман”.

\* \* \*

“Инжил”да бир қонун бор – бу қонунга мувофиқ зўрланган қиз унинг номусига тажовуз қилган эркак билан баравар жазога мустаҳиқ қилинар эди”. (Ж. Ж. Руссо)

\* \* \*

“Одамларнинг кўпчилиги ақлсиз ва беҳаёдир, хар ким ўз фойдасига жиннилик қилади”. (Роттердамлик Эразм)

\* \* \*

“Ақлли мавжудотлар табиатида ўзининг номукаммаллигини хис этиш иқтидори мавжуд; шу туфайли ҳам табиат бизга уятни, яъни ўз номукаммаллигидан орланиш туйғусини ато этган”. (Ш. Монтескье)

\* \* \*

“Одобни номусдан, номусни эса одобдан ажратиб бўлмайди. Башарти, униси ҳам, буниси ҳам нурай бошласа ва емирилса, бор кўркам бино йиқилади, қадрсизланади ва энди нафратдан бўлак ҳеч бир туйғу уйғотмайди”.

\* \* \*

“Дилда доғ кўтариб юргандан кўра бетнинг қизаргани маъқул”. (М. Сервантес)

\* \* \*

“Киши қизарган пайтда унда ажабтовур мурувватли “мен” уйғонади”. (Ф. Геббель)

\* \* \*

“Энг ашаддий қаллоблар ҳам хижолат тортаётган одамда уни бекорчи ва тентаклар тўдасидан ажратиб турувчи қандайдир хислати борлигини биладилар”. (М. Салтиков-Шчедрин)

\* \* \*

“Энг оғир шармисорлик, тенгсиз дард – ҳаётимнинг шуури, деб ардоқлаган нарсангни қаттиқ туриб ҳимоя қилолмаслигингдир”. (М. Горкий)

\* \* \*

“Номус инсон қалбидаги буткул эҳтиросларнинг энг кўрками бўлмиш севгининг жонидир”. (Стендал)

\* \* \*

Дониш аҳли дерларки:

“Вафо кишининг ўз навъига, хусусан яқинларига мардона муносабатда бўлишидир. Вафо қайси муносабатда бўлмасин, аҳдда, ваъдада туриш демак”.

\* \* \*

“Вақти келганда баъзи нарсалар учун жонни фидо қилиш мумкин. Аммо номусни ҳеч нарсага фидо қилиш мумкин эмас. Чунки номус жондан ҳам қимматлидир. Сувнинг софлиги унга қиймат бергани каби, инсоннинг номуси ҳам унга қадр келтиради”.

\* \* \*

“Хаё пардаси ила ўралмиш инсонларнинг иффат пардаси йиртилмас. Бу чодир шундай муборакдирки, анча-мунча хатоларни беркитиб йўқ қилур. Агар дурга садаф парда-ю либос бўлмаса эди, сувга қўшилиб йўқ бўлиб кетмасмиди?”

\* \* \*

Бир ҳукмдор хизматчисининг хотинига хуштор бўлди. Хизматчини бир баҳона билан сафарга жўнатди. Шомдан сўнг хотинни хобхонасига чорлади ва “Барча эшикларни ёп”, деб амр қилди. Хотин амрни бажарди. Ҳукмдор “Эшикларни беркитдингми?” деб сўради. “Уй эшикларини маҳкамлаб ёпдим, лекин ҳарчанд уринмай, бир эшикни беркита олмадим”, деди хотин. “Қайси эшикни айтяпсан?” деб ажабланди ҳукмдор. “Хаё ва иффат эшикларини”, деб жавоб берди хотин. Ҳукмдор бу жавобдан уялди. Ундаги хаё ҳам уйғониб, хотиндан узр сўради.

\* \* \*

“Пашшалар ахлат устида озикланганлари каби, ғафлат аҳли ҳам ўзларининг қўланса дунёсида бузғунчиликларини бахт деб биладилар”.

\* \* \*

“Хаё дилни равшан қиладурган бир нурдирки, инсон ҳар вақт шул маънавий нурнинг зиёсига мухтождир. Иффатнинг пардаси, виждоннинг ниқоби – хаёдир”.

\* \* \*

“Иффат ва хаё йўқолмас бир хусн, хаёсиз юз – жонсиз жасад”.

\* \* \*

“Иффат – ёмон нарсалардан ўзини пок сақлаш, демак. Иффат фазилати қиз учун қанчалар хусн бўлса, йигит учун ҳам шундай-дир. Бу борада талаб бир, Аллоҳ таоло ҳузурда жавоб ҳам бирдир.

\* \* \*

Бир ҳасадчи хотиннинг хаёли хотинни кўрарга кўзи йўқ эди. У ҳасад ва адоватнинг зўрлигидан бир кеча ўзининг кенжатой ўғлини ўлдириб, хаёли хотиннинг ҳовлисига ташлади. Эрта тонгда ҳукмдор ҳузурига бориб: “Ўғлимни қўшним ўлдирди!” деб дод-фарёд қила бошлади. Ҳукмдор фаросатли одам эди. Хаёли аёлни чақириб сўроқ қилди. Хаёли хотин бундай ярамас ишдан беҳабар эканини, ўзининг мутлақо бегуноҳлигини сўзлади. Шунда ҳукмдор унга дедики:

– Агар алдамаётган бўлсанг, ҳузуримизда либосларингни ечиб, қип-яланғоч турасан. Шундагина сўзларингга ишонажакмиз.



Ҳукмдор бу шартни айтиш билан унинг ҳаёли хотинми ё йўқми эканини аниқламоқчи эди.

Ҳаёли хотин ҳукмдорнинг талабини эшитиб, бошини қуйи эгди-да, деди:

– Бу ҳолга тушганимдан кўра ўлганим афзал. Мен бу шармандаликни сира қабул қила олмайман. Буюринг, мени қатл этсинлар...

Ҳукмдор бу бокира аёлга дилида офаринлар айтиб, уни чиқариб юборди-да, хасадчини чақиртириб:

– Агар хузуримизда ечиниб, қип-яланғоч бўлсанг, даъвоинг тўғри эканига ишонармиз ва қўшнингни қатл этажакмиз, – деди. Тухматчи хотин ҳукмдорнинг бу талабини фикр ҳам қилиб ўтирмай, ечинмоқни бошлади. Шунда ҳукмдор уни тўхтатиб:

– Сен тухматчи экансан. Бу қабиҳ ишни ўзинг қилиб, номусли аёлни айблагансан. Ҳаёсиз ва номуссизлигингни ўзинг исбот этдинг, – деб уни жазога ҳукм қилди.

\* \* \*

“Иффат” дейилганда шахват, яъни лаззат ва манфаатга бўлган интилишнинг ақлга бўйсундирилиши тушунилади ва у етти нарсани ўз ичига олади: ҳаё – уят ва енгилтаклик ҳисобланган ишлардан тийилиш; ҳусн-и ибтидо – яхши хислатларни эгаллаш ва имкон борича ўз яқинларининг оғирини енгил қилишга ҳаркат қилиш; сабр – нафсоний қувватларни жиловлаш; қаноат – еб-ичмак ва кийинмакнинг бориға рози бўлиб, имкон ва зарурат даражасидан ортиғини талаб қилмаслик; виқор – талаб қилинган нарсаларға эришишға бўлган ишонч ва бу йўлга шошма-шошарлик қилмасликдир (*виқор – вазминлик, улуғворлик, матонат. “Виқор шамъин ўчир” дейилганда мағрурликни емирмоқ назарда тутилади*); ҳайрият – маишатни ҳалол кечириш, молни яхшилик билан топиб, яхшиликка сарф қилиш (*ҳайрият – эзгулик демак*); саховат – ачинмасдан, қизғанмасдан, ҳаддан ошмасдан, молни керакли ўринларда ўзига, яқинларига ва муҳтожларға сарф қилиш малакаси.

\* \* \*

“Тан гўзаллигига шайдолик шахватға, дин гўзаллигига шайдолик ҳақиқатға элтади”.

\* \* \*

“Шарму ҳаё ниқобидаги чехра қутида сақланган қимматбаҳо гавҳарға ўхшайди”.

## ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН:

- \* Ваъда беришга шошилма, ваъдани бажаришга шошил.
- \* Ваъда вафоси билан гўзал.
- \* Ваъдага – вафо, вафосига – жазо.
- \* Бевафо дўстдан таёқ яхши, бебаҳра гулдан – япроқ.
- \* Бевафо ёр – жонингга дор.
- \* Бевафо ёрдан вафодор ит яхши,  
Бевафо ёрдан осилган дор яхши.
- \* Бевафода ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ.
- \* Бевафонинг асли кўнгли бегона,  
Бевафога кўнгил қўйган девона.
- \* Билдингки, бевафодир – кўнгил қўймоқ хатодир.
- \* Вафо қилган вафо топар, жафо қилган жафо топар.
- \* Бирга вафо – мингга вафо.
- \* Инсон бўлсанг вафо қил, вафосизлик – хато, бил!
- \* Сувсиз ҳаёт бўлмас, вафосиз – оила.
- \* Ўнтанинг ёр-ёри бўлгунча, биттанинг вафодори бўл.
- \* Қуш учади қаноти билан, йигит яшайди вафоси билан.
- \* Номусингни болалигингдан бошлаб асра.
- \* Беномусга кунда тўй.
- \* Беномусга не номус.
- \* Бор борини ейди, уятсиз орини.
- \* Жонингни фидо қилсанг қил, номусингни фидо қилма.
- \* Бойлик кетса кетсин, ор-номус кетмасин.
- \* Итнинг ори келса, суякка ҳам қарамас.
- \* Йигитнинг моли бўлгунча, ори бўлсин.
- \* Йигитнинг хуни – юз йилқи, ор-номуси – минг йилқи.
- \* Йигитнинг хўрлиги – ўлимдан қаттиқ.
- \* Мол – жоним садақаси, жон – орим садақаси.
- \* Қон билан кирган – жон билан чиқади.
- \* Эр йигитга икки номус – бир ўлим.
- \* Эр йигитни номус ўлдирар.
- \* Ори бўлмаган йигитдан номусли қиз яхши.
- \* Номуссиз юрмоқдан номусли ўлмоқ яхши.
- \* Бедов от туёғидан тойиларми?  
Мард йигит тўғри йўлдан қайриларми?  
Номуси, орияти бор йигитлар  
Ақча деб туққанидан айриларми?
- \* Рўзғорига файз кирмоқни ақли расо ёр келтирар,  
Ёрнинг ори бўлмаганда оилага зор келтирар.
- \* Мол сақлама, ор сақла.

- \* Орли орланиб турар, орсиз еб тўяр.
- \* Орсиз турмушдан орли ўлим яхши.
- \* Орсизга олти кун байрам.
- \* Мол – жоним садақаси, жон – орим садақаси.
- \* Ориятсиз одамдан қоч.
- \* Ножўя ишдан ёш бола ҳам уялар.
- \* Йигитни ор ўлдирар, туяни сарбон.
- \* Ори йўқнинг оҳори йўқ.
- \* Орли орига қараса, орсиз “енгдим”, дер.
- \* Орсизда ақл бўлмас, ақл бўлса ҳам нақл бўлмас.
- \* Ота билар орсиз талашар.
- \* Пардали қиз – парига тенгсиз.
- \* Отали етим – орсиз етим, онали етим – орди етим.
- \* Қор бошида қор бўлар, эр кишида ор бўлар.
- \* Эман дарахтининг эгилгани – сингани,  
Эр йигитнинг уялгани – ўлгани.
- \* Эчкида эт йўқ, орсизда бет.
- \* Одам очликдан ўлмас, ордан ўлар.
- \* Пастак тоғда қор бўлмас, ароқхўрда – ор.
- \* Хато қилмоқ бордир, тузатмаслик – ордир.
- \* Одамни номус ўлдирар, қуённи – қамиш.
- \* Уят – ўлимдан қаттиқ.
- \* Обрў иситар, уят – куйдирар.
- \* Ўзи юзсизнинг сўзи тузсиз.
- \* Ҳаёсизга ҳар куни ҳайит.
- \* Бетамизда бет йўқ, безорида уят йўқ.
- \* Қиз бор – наф текизар, қиз бор – гап текизар.
- \* Қизил эт кетар, қизарган бет қолар.
- \* Хотинсизлик – меҳнат, хотинбозлик – лаънат.
- \* Ғайрат – отда, ҳаё – кўзда.
- \* Ҳаёли ҳаёдан қўрқар, беҳаё недан қўрқар?
- \* Ҳаёси йўқнинг иймони йўқ.
- \* Ҳаёсизлар йиғилган ерда ҳаёлилар тоққа қочар.
- \* Беҳаёлар бел боғласа, ҳаёлилар уйга кирар.
- \* Шарманда – охир қолар армонда.
- \* Шармандага шаҳар кенг.
- \* Шармсизлик – шармандалик нишони.
- \* Шаъни-шавкат истасанг – шармандалик йўлдан қайт.
- \* Яхши қилар ор, ёмондан ҳамма безор.
- \* Қизил юзни қизартирма, узун тилинг қизартир.
- \* Ҳаё кетди – бало етди.



## СИЛАИ РАҲМ

\* \* \*

«Эй инсонлар, сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтини (Хаввони) вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Парвардигорингиздан кўрқингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда (яъни ўзаро муомалада) номи келтирилувчи Аллоҳнинг қаҳридан кўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз билан ажралиб кетишдан сақланингиз. Албатта, Аллоҳ сизларни кузатиб турувчидир» (*Қуръони Карим маъноларининг таржимаси, Нисо сурасидан*)

\* \* \*

«Агар иймондан юз ўгирсангизлар, яқин-ки, сизлар ер юзида бузғунчилик қилурсизлар. Ва қариндош-уруғларингиз билан ҳам алоқаларингизни, қариндошлик ришталарини узурсизлар! Ундай кимсаларни эса Аллоҳ таоло лаънатлагандир. Бас, уларнинг қулоқларини панд-насихат эшитишдан қар, кўзларини тўғри йўлни кўролмайдиган кўр қилиб қўйгандир». (*Муҳаммад сурасидан*)

\* \* \*

«Албатта Аллоҳ адолатга, чиройли амаллар қилишга ва қавм-қариндошга яхшилик қилишга буюрур ҳамда бузуқлик, ёмон ишлар ва зўравонликлардан қайтарур. У Зот шояд ибрат-эслатма оларсизлар, деб сизларга панд-насихат қилур».

(*Наҳл сурасидан*)

\* \* \*

«Бас, қариндош-уруғга, мискин ва мусофирга хайру-эҳсон қилиш билан ҳақларини адо этинг! Аллоҳ юзини кўришни истайдиган кишилар учун мана шу энг яхши ишдир. Ана ўшалар нажот топгувчилардир». (*Рум сурасидан*)

\* \* \*

«(Эй *Муҳаммад алайҳиссалом*) қавми-қариндошга, мискин ва йўловчига хайру-эҳсон қилиш билан уларнинг ҳақларини адо этинг ва исрофгарчиликка йўл қўйманг!

...Агар сиз Парвардигорингиз томонидан бўладиган марҳаматдан умидвор ҳолингизда ҳозирча қўлингизда бўлмагани сабабли хайр-эҳсон қилиш имконини топмай, (қавм-қариндош мискин ва йўловчиларга) хайр-эҳсон қилишдан ҳозирча юз ўгирадиган бўлсангиз, у ҳолда уларга юмшоқ сўз айтинг». (*Исро сурасидан*)

Абдуллоҳ ибн Аббос мазкур оятни шундай тафсир қилганлар:

«Бунда Аллоҳ ҳақларнинг энг зарурини беришга буюрди. Маблағи бўлса, амалларнинг энг афзали бўлган қариндошларга, мискин ва йўлда қолган мусофирларга беришга даъват қилади. Агар маблағи бўлмаса, ночор кишиларга қандай муомала қилиши лозимлигини ўргатади: «Парвардигорингдан кутадиган раҳмат (ризқ) қўлингда муяссар бўлмай, уларга қарай олмасанг, уларга мулойим гапир». Яъни ўша ночор одамни ноумид қилмай, «ҳозирча йўқ, аммо яна мол келиб қолар, шуни кутиб турибман», каби умидбахш сўзлар билан яхши вазда қилишга чорлаяпти. «Қўлларингни бўйнингга сиртмоқлаб қўйма, яъни бахиллик қилма. «Қўлларингни жуда ҳам ёйиб юборма», яъни бор-йўғингни бериб юбормаки, у вақтда маломатга қоласан. Чунончи, кейин келганларга ҳеч нима бера олмаганинг учун сени маломат қиладилар. Ҳамма молингни олиб кетганлар сени машаққатга солиб қўйган бўлишади ва сен толиқиб, қийналиб ўтираверасан» .

\* \* \*

«Эй Одам фарзанди, қариндошларингга яхшилик қилиб, қўшилиб юр, умрингни узун қилай» (Ҳадиси қудсийдан)

(Изоҳ: «Ким силаи раҳм қилса, умри зиёда бўлади», деган хабар зоҳирийдир. Яна баъзилар айтадилар: «Тақдир ўзгармайди, чунки Аллоҳ таоло «Бас, қачон уларга ажаллари етса, уни бирон соат кетга ҳам, илгарига ҳам сура олмайдилар» (Аъроф сурасидан), деган. Лекин умрнинг зиёда қилишининг маъноси ўлимдан кейин унинг савобларини ёзишда давом этмоқликдир. Ўлимдан кейин ҳам унга савоб ёзилаверилса, гўёки умри зиёда қилингандай бўлади.

(«Танбеҳул ғофилин»дан)

\* \* \*

«Эй Одам фарзанди! Молинг билан силаи раҳм қилгин, агар ўзингда бор нарсага бахиллик қилсанг ёки молинг кам бўлса, оёғинг билан боргин (яъни зиёрат қилавер)» (Ҳадиси қудсийдан)

Шарафли ҳадисларда Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

“Силаи раҳм қилмайдиган киши жаннатга кирмайди”.

\* \* \*

«Ким ризқи мўл бўлишини, ажали орқага сурилишини истаса, қариндошлик алоқаларини узмасин».

\* \* \*

«Аввал силаи раҳм қилган кишига кейин жавоб тариқасида силаи раҳм қилувчи ҳақиқий силаи раҳм қилувчи эмас. Чинака-



мига силаи раҳм қилиш деб силаи раҳм қилишдан бош тортган кишига силаи раҳм қилишни айтадилар».

\* \* \*

«Аллоҳнинг ғазабидан қўрқинглар ва силаи раҳм қилинглари. Чунки у сизлар учун дунёда ҳамма нарсадан яхшироқдир, муштаҳамроқдир. Охиратда сизлар учун янада яхшироқдир».

\* \* \*

«Агар сизда бирон қариндош бўлиб, оёгингиз билан юриб бормасангиз (яъни зиёратга бормасангиз дейилмоқчи), молингиздан бирон нарса бермасангиз, бас, албатта ундан узилибсиз».

\* \* \*

«Аллоҳ таоло уқубатини бу дунёда тезлатиб ва охиратга ҳам олиб қўядиган гуноҳларнинг энг лойиғи – қариндошлик алоқасини узиш...»

**Шарҳ:**

«Баъзи гуноҳларнинг уқубати бу дунёда кўрилса, юврилиб кетиб, у дунёга қолмайди. Лекин қариндошлик алоқасини узганнинг гуноҳлари уқубати бу дунёда ҳам тез етар экан ва охиратга ҳам албатта қолар экан. Бу эса, ушбу гуноҳнинг жуда катталиғи аломатидир».

\* \* \*

«Албатта, ичида қариндошлик алоқасини узувчи бор қавмга раҳмат тушмайди».

**Шарҳ:**

Бир одамнинг сабабидан бошқалар ҳам Аллоҳ таолонинг раҳматидан маҳрум бўлиб қолиши мумкин экан. Масалан, беш-олтита ака-ука, опа-сингиллардан фақат биттаси нима баҳона ёки сабаб бўлишидан қатъи назар, силаи раҳми узиб юрган бўлса, қолган барчалари ҳам Аллоҳ таолонинг раҳматидан маҳрум бўлиб қолишлари мумкин. Аслида, силаи раҳми узишга ҳеч нарса сабаб-баҳона бўла олмайди. Кимдир мерос талашиб ёки бошнинг ҳаққига хиёнат қилган бўлса, кўнглига оғир ботадиган гап айтган бўлса ёки ҳатто жоҳиллик қилиб яқинлари билан муштлашган бўлса ҳам охиратда, Аллоҳ таолонинг ҳузурида жавобини ўзи беради. Агар у бу дунёда қилган гуноҳлари учун тавба қилиб, уларни такрорламаса, солиҳ амаллар қилиб, истиғфор айтиб юрса ва асосийси, силаи раҳм қилишда давом этса, Аллоҳ таолонинг раҳматидан ҳар қанча умид қилса, ҳақли бўлади. Чунки Аллоҳ таолонинг Ўзи «Ким уни боғласа, боғлайман», деб



силаи раҳм қилувчи бандасини Ўзига яқин олишини айтган ва унга кўп яхшиликлар ваъда қилган.

Аммо юқорида айтилган сабаблар билан бўлса ҳам, силаи раҳмни узиб юрган кимса охирабда, Аллоҳ таолонинг ҳузурида жуда оғир аҳволга тушиб қолади. Чунки унинг биронта яхши амали қабул бўлмайди. Барча қилган яхшиликлари, ҳаттоки, ҳаж ва умра қилган бўлса, уларнинг савоби ҳам бекор бўлади. Энг оғири, энг фожиялиси шуки, бундай банда Аллоҳ таолонинг раҳматидан буткул бенасиб бўлади. Зеро, Аллоҳ таоло “Ким уни кесса, кесаман”, деб аниқ қилиб айтиб қўйган. Лекин энг ёмон тарафи шундаки, бундай кимсанинг касри уриб, унинг барча яқинлари, қавми, қариндошлари ва маҳалладошлари ҳам Аллоҳ таолонинг раҳматидан маҳрум бўлиб қолишлари мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар бир жамоа, ҳар бир қавм доим бир-бирларидан хабардор бўлиб, ичимизда шунақалар пайдо бўлиб қолмасин, ҳаммамиз унинг сабабидан балога қолмайлик, деб ўзаро силаи раҳмга ундаб туришлари керак. Қариндошлик алоқаларини узмасликка маҳкам туриб, тарғиб қилиб, ундай қилма, бу иш яхши эмас, сен сабаб бўлиб биз ҳам Аллоҳ таолонинг раҳматидан маҳрум бўлиб қоламиз, деб насиҳат қилиши билан бирга қаттиқ туриб талаб ҳам қилишлари керак.

\* \* \*

179

«Аллоҳ таоло «Мен дунёдаги барча борлиққа раҳм қилувчи Раҳмонман ва раҳмни яратиб, Раҳмон деган номимнинг ҳарфларидан таркиб топган «раҳм» сўзини унга исм қилиб қўйдим. Энди ким раҳмни (қариндошликни) узмасдан юрса, мен ундан раҳматимни узмайман ва ким уни узиб қўйса, мен ҳам ундан раҳматимни узиб қўяман», деган».

\* \* \*

“Аллоҳ азза ва жалла махлуқотларни халқ қилди. Бас, ундан фориғ бўлганида Раҳм ўрнидан турди. Аллоҳ ундан:

– Нега турдинг? – деб сўради

– Бу сендан кесилишдан паноҳ сўровчининг туришидир, – деди Раҳм.

– Сени боғлаганни боғлаб, кесганни кесишимдан розимсан? – деб сўради У зот.

– Ҳа, эй Роббим! – деди Раҳм.

– Ана шу сенга бўлсин! – деди У зот”

(«Раҳм» атамасига уламоларимиз “қариндошлар ва бир-бирига боғланадиган насаб силсиласи назарда тутилади”, деб изоҳ берадилар. Мазкур бошқа манбаларда бу таржимада келади: «Эй

Раббим, мен узилиб қолишдан паноҳ сўровчи сифатида ҳузурингда турибман», деб жавоб берди Раҳм. Шунда Аллоҳ таоло: «Эй Раҳм, сени узган кишилардан марҳаматимни узсам, шунга рози бўласанми?» деб сўраганида Раҳм: «Эй Парвардигори олам, мен бунга албатта розиман», деган эди. Шунда Аллоҳ таоло унга «Менинг сенга ваъдам шудир», деди».

### **Шарҳ:**

“Аллоҳ таоло Ўзининг холиқлик сифати ила барча махлуқотларни яратган чоғдаёқ Раҳм дарҳол ўрнидан туриб қариндошлик алоқалари кесилишидан паноҳ сўраган экан. Ўшанда Аллоҳ таоло қариндошлик алоқасини боғлаганлар ила алоқа боғлашга ва уни кесганлардан алоқасини кесишга ваъда қилиб уни рози этган экан. Аллоҳ таолонинг ваъдаси ҳаққ эканига заррача шубҳа йўқ. Бас, ҳар бир мўъмин-мусулмон банда қариндошлик алоқасини яхшилаб боғлаб боришга ҳаракат қилиши лозим.

Ҳадисни ривоят қилувчи улуғ саҳобий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу бу ҳадис маъносининг тасдиғи Куръони каримда ҳам борлигини таъкидлаб, “Муҳаммад” сурасидаги йигирма иккинчи оятни ўқиб кўришни тавсия қилган эканлар. “Эҳтимол, (иймондан) юз ўгирсангиз, ер юзида фасод қилиб, қариндошлик ришталарини узарсизлар?!” Бу оятда иймондан юз ўгириб, жоҳилиятга қайтишдан келадиган бу дунёдаги зарарлар эслатилмоқда. Аввало, бу иш ер юзида фасод қилиш бўлади. Чунки, иймонсиз кишилардан доимо ушбу ёмонлик келиб чиққан. Шу билан бирга, иймондан қайтганлар ўз қариндош-уруғлари, ёру дўстларидан қардошлик ришталарини узадилар. Бу ҳам улкан зарар ҳисобланади”.

\* \* \*

“Насабларингизни ёдлаб олинг, шунда қариндошларингизга силаи раҳм қилишга ўтасизлар. Раҳм (қариндошлик) яқин бўлса, узоқлик йўқ; агар у узоқ бўлса ҳам. Раҳм узоқ бўлса, яқинлик йўқ; агар у яқин бўлса ҳам. Қиёмат куни ҳар бир раҳм ўз соҳиби олдига келади. Агар у силаи раҳм қилган бўлса ҳам гувоҳлик беради. Агар у силаи раҳмни кесган бўлса ҳам гувоҳлик беради”.

### **Шарҳ:**

Бир одам иккинчи одамга узоқроқ қариндош бўлса ҳам, насаб маълум бўлса, шу нарса уларни яқинлаштиради. Аксинча, қариндошлик бўлмаса ҳам, одамлар бир-бирига жуда яқин бўлиб кетган бўлса, бунинг силаи раҳмга даҳли йўқ бўлади.

Ҳар бир раҳм қиёмат куни ўз эгасининг олдига келади. Агар банда силаи раҳм қилиб юрган бўлса, раҳм Аллоҳ таолонинг ҳузу-

рида “Бу банданг силаи раҳм қилган”, деб унинг фойдасига гувоҳлик беради. Агар банда қариндошлик алоқаларини узиб юрган бўлса, раҳм Аллоҳ таолонинг ҳузурида “Бу банданг қариндошлик алоқаларини узган, силаи раҳм қилмаган” деб унинг зарарига гувоҳлик беради. Шунинг учун ҳар бир киши ўз қариндошларини яхшилаб билиб олиши, билмаса оталаридан, катталардан сўраб-аниқлаб, алоқаларини яхши йўлга қўйиб олиши марғуб иш”.

\* \* \*

Абу Айюб Ансорий (р.а.) ривоят қилишларича, бир аробий Расулуллоҳ (с.а.в.)га яқинлашиб сўради: «Мени жаннатга яқин ва дўзахдан узоқ қиладиган амалларни айтиб беринг». Расулуллоҳ унга дедилар: “Аллоҳ таолонинг ўзигагина қуллик қиласан, унга ҳеч нарсани шерик қилмайсан, Аллоҳ буюрган намозларни вақтида адо қиласан. Молингдан закотни берасан ва силаи раҳм қиласан”.

\* \* \*

Абдуллоҳ ибн Абу Авф (р.а.) айтадилар:

«Арофат кечасида Пайғамбар (с.а.в.) билан бирга ўтирган эдик. Айтиб қолдиларким: «Силаи раҳмни узган киши бу кеча мен билан бирга ўтирмасин, биздан кетсин». Мажлис аҳлининг пойгагида ўтирган кишидан бошқа ҳеч ким ўрнидан турмади. Бир оз вақт ўтганидан сўнг у киши қайтиб кириб, жойини эгаллади. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) «Нима учун сендан бошқа ҳеч ким даврамиздан турмади?» деб сўрадилар. У киши айтдиким: «Эй Расулаллоҳ, сиздан бояги танбеҳни эшитиб, холамникига бордим. У киши билан жанжаллашиб, орамиз бузилган эди. Борганимда холам менга «Нима учун келдинг, бунақа одатинг йўқ эди-ку», деб сўрадилар. Мен сиз айтган ҳадиснинг хабарини бердим. Мендан олдинроқ холам кечирим сўрадилар, мен ҳам узримни айтдим». Расулуллоҳ (с.а.в.) бу гапни эшитиб дедилар: «Яхши қилибсан, бу кечани биз билан бирга ўтказ. Огоҳ бўлингларким, Аллоҳнинг раҳмати силаи раҳмни узган қавмга тушмайди».

Бир киши Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келиб: «Мен қариндошлар билан силаи раҳм қилдим, улар мендан узилдилар. Уларни афв этдим, менга зулм қилдилар. Уларга яхшилик қилдим, менга ёмонлик қайтардилар. Уларга энди худди ўзларидек муомала қилаверайинми?» – деди. Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: «Йўқ, бундай қилсанг, уларнинг гуноҳларига шерик бўлиб қоласан. Сен уларга яхшилик ва силаи раҳм қилишда давом этавер. Шунда сенга Аллоҳдан қувват давомли бўлади» (Бошқа бир ривоятда арз қилган киши «Улар жабру жафо қилсалар ҳам мен сабр



этаман», деганида Расулulloҳ (с.а.в.) унга қараб бундай деганлар: «Агар гапинг тўғри бўлса, уларнинг оғзига қиздирилган кулни солгандай бўлибсан. Сен шу ишингни давом эттираверсанг. Аллоҳ таоло сенга ёрдам беради ва уларнинг жабру жафосини дафъ қилади»)

\* \* \*

Абу Хурайра (р.а.) айтдилар:

“Қуръони каримда: “Эй Мухаммад, сен ўзингга яқин бўлган уруғ-аймоқларингни Менинг азобимдан кўрkit, уларни огохлантир”. (Шуаро сураси) деган оят келган вақтида Расулulloҳ туриб: “Эй Каъб ибн Луай болалари, эй Абдулманоф болалари, эй Хошим болалари ва эй Абдулмуталлиб болалари! Сизлар ўзингизни дўзах ўтидан кутқаринг. Эй Мухаммаднинг кизи Фотима! Сен ҳам ўзингни жаханнам ўтидан кутқаз. Менга эътимод қилма. Чунки қанча сўраб-ёлбормагин, қиёмат куни ташвишидан мен сени кутқазишга қодир эмасман. Аммо сизлар билан албатта қариндошлигим бор. Уни мен сизлардан узмайман”, деб ошкора нидо қилдилар.

\* \* \*

Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.) айтадилар:

«Расулulloҳ (с.а.в.) битта бармоқларини эгиб: «Раҳм сўзи Аллоҳ таолонинг Раҳмон номидан шу бармоғимдек униб чиққан бир шохчадир. Уни биров узмаса, Аллоҳ таоло узмайди ва ким узиб қўйса, Аллоҳ ҳам уни узиб ташлайди. Қиёмат куни Аллоҳ Раҳмга фасоҳатли, ўткир ва очик сўзлайдиган тил беради», дедилар».

\* \* \*

Жубайр ибн Мутъимдан ривоят қилинади:

“Умар ибн Хаттоб (р.а.) минбарда туриб: “Насабларингизни ўрганинг, сўнгра насабларингизга қараб қариндошлар билан силаи раҳм қилинг. Аллога қасамки, бир одам билан иккинчи одам ўртасида турли муносабатлар бўлади. Агар улар насабларини билишганида, уни беҳурмат қилишдан сақланган бўлишарди”, деди.

**Шарҳ:**

Бир одам бошқа бир одамга қариндош эканини билмай туриб, бирор ёмонлик қилиб қўйиши мумкин. Лекин “қариндош” деган тушунча бўлса, қариндошим экан, деб ёмонлик қилмайди. Шунинг учун, қариндошларни аниқлаб, билиб олиш керак. Исломда, аслида, ҳеч кимга ёмонлик қилишга тарғиб йўқ. Лекин банданинг одати шу – қариндошга бошқачароқ, илиқроқ муносабатда бўлади. Шунинг учун, насаби қаерга бориб тақалади, ким қандай қариндош бўлади – буларни аниқ билиб олса, жуда яхши бўларди. Бу нарса ҳатто

оддий инсоний муносабатларга – юшиоқ гапирши, юшиоқ муомага ҳам таъсир қилар экан. Ҳар бир киши ўз насабини ва у орқали қавм-қариндошини яхшилаб ўрганиб бориши яхши ши ҳисобланади. Кўпгина мусулмон халқлар айнан қариндошларини яхши таниб, уларга силаи раҳм қилиши ниятида авлодлари тарихини ўрганиб келганлар. Уларнинг бу борада авлоддан авлодга ўтиб келаётган силсилалари ҳам бор”.

(Шарҳлар муаллифи шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф)

\*\*\*

“Миллат ичида қариндошлик алоқаларини узганлар бор бўлса, бу миллатга фаришталар тушмайди”.

\*\*\*

«Ибн Масъуд бомдод намозидан кейин бир жамоат ичида ўтирарди. Дедики:

– Худо ҳаққи, қон-қариндошлик алоқаларини узганлар бор бўлса, орамиздан туриб кетсин! Биз Раббимизга дуо ўқимокчимиз. Қон-қариндошлик алоқаларини узганлар бор жойда осмон эшиклари ёпиқ бўлади, дуолар қабул этилмайди”. (Табароний)

\*\*\*

“Раббимиз Аллоҳ таборак ва таоло раҳмни яратиб, Ўзининг Раҳмон сифати билан марҳамат этдики: «Мен Раҳмонман, сен раҳмсан. Ким сени узса, узиламан; кимики сенга боғланса, боғланаман». Аршдан ўрин олган Раҳм эса кеча ва кундуз дер эканки: «Ё Парвардигоро! Сенинг йўлингда кимики менга боғланса, боғлангин, кимики Сенинг йўлингда мени узса, узилгин» (“Танбеҳул ғофилин”дан)

\*\*\*

“Уч тоифа одам қиёмат куни Аршнинг соясида бўлади: силаи раҳм қилувчи – унинг умри ва ризқи силаи раҳм билан зиёда бўлган эди; бир хотинки эри ўлиб, етим фарзандлари билан қолиб, уларни Аллоҳ беҳожат қилгунича тарбияласа; бир кишики, таом тайёрлаб, етим мискинларга едирса”. (Анас ибн Молик)

\*\*\*

«Мусо алайҳиссалом ҳамда бани Исроил учун денгизни ёрган Аллоҳга қасамки, албатта, Тавротда ёзилган: «Аллоҳдан қўрқинг, ота-онага яхшилик қилинг ва қариндошларга силаи раҳм қилинг, умрингиз зиёда бўлади. Енгилингизни янада енгил қилади, қийинчилигингизни кетказди» (Қабул Аҳбор)

«Уч нарсада кофир ва мусулмон баробардир: ким билан ахд-лашган бўлсанг, ахдингга вафо қилгин – хоҳ кофир бўлсин, хоҳ мусулмон. Албатта, ахд Аллоҳ учундир. Орада қариндошчилик бўлса, силаи раҳм қилгин – хоҳ кофир бўлсин, хоҳ мусулмон. Кимики сенга омонат берган бўлса, омонатини адо қилгин – хоҳ кофир бўлсин, хоҳ мусулмон» (Маймун ибн Маҳрон)

\* \* \*

“Қариндош-уруғ ва дўстларнинг хато-айбларини кечириш – мурувват ва олийҳимматлилик белгисидир”. (Фузайл ибн Йёз)

\* \* \*

“Сила насабдош қариндошларга ҳамда куда-андаларга яхшилик қилишдан иборатдир. Бу, уларга, гарчи узоқ бўлсалар ва ёмонлик қилсалар ҳам, лутф кўрсатиш, меҳрибонлик қилиш ва ҳолларидан хабар олиш билан бўлади”. (Бадриддин Айний)

\* \* \*

Силаи раҳмда ўнта мақталган хислат бор:

\* Силаи раҳмда Аллоҳнинг ризоси бор, чунки Аллоҳ таоло шунга буюради.

\* Уларга (мўъминларга) хурсандчилик етказмоқлик бор. Чунки улар силаи раҳм билан қувонадилар.

\* Силаи раҳмда малоикаларнинг ҳам хурсандчилиги бор. Чунки улар ҳам силаи раҳмга гувоҳ бўлган онларида қувонадилар.

\* Силаи раҳмда мусулмонлар шаънига яхши мақтов мавжуд.

\* Силаи раҳмда иблисга ғам етказмоқлик бордир.

\* Умрнинг зиёда бўлишида силаи раҳмнинг ҳиссаси бор.

\* Ризқнинг баракали бўлишини силаи раҳмсиз тасаввур этмоқ қийин.

\* Силаи раҳм туфайли вафот этиб кетганларга ҳам хурсандчилик етади. Фоний дунёни тарк этган аждодлар руҳи авлодларининг силаи раҳм билан боғланганларидан қувонади.

\* Силаи раҳмда дўстликнинг зиёда бўлиши бор. Бир сабаб ўртага тушиб, хурсандчилик ва ғамдан тўпланишган дўстлар бир-бирларига ёрдам берадилар ва бу улардаги дўстликнинг зиёда бўлишига ёрдам беради.

\* Силаи раҳмда кишининг вафотидан кейин ҳам ажрнинг зиёда бўлиши бор. Чунки қариндошлар уни ўлганидан кейин ҳам дуо қиладилар, яхшиликларини доимо эслаб юрадилар (Абу Лайс Самарқандийнинг “Танбеҳул ғофилийн” китобидан)



\* \* \*

Қодошлиқ киши куси чови бедук,  
Одошлиқ киши оти сови бедук.  
Қодошинг йўқ эрса юри тут одаш,  
Одаш эзгу бўлса, бу – булди қодош.

*(Қариндошлари бор одамнинг шаъни шуҳрати улуғдир. Дўсти бор одамнинг эса сўзи улуғдир. Кел, қариндошинг бўлмаса, дўст тут. Яхши дўст қариндош ўрнида бўлур)*

Ёғиз ер яшил сув ёрошти била,  
Оро юз чечаклар ёзилди кула.  
Ярашиқ юриса қодош ё одаш,  
Улардин бўлур қодошқа била *(Юсуф Хос Ҳожиб)*

*(Бўз тупроқ билан сув иттифоқ бўлгани учун юз хил гул-чечаклар кулишиб очилди. Қариндош ёр-биродарлар иттифоқ бўлишса, ундан тарқалган гўзал жамоатлар вужудга келади)*

\* \* \*

“Донишмандлар: “Ўз ғарази, манфаатинигина кўзлаган одам қариндош, хеш-ақрабо эмасдир”, деганлар” *(Саъдий Шерозий)*

\* \* \*

“Энг малъун қариндош шуки, ундан ўз қариндошларига наф етмайди”. *(Муҳаммад Хусайн)*

\* \* \*

Сўнгра раҳмнинг силасин қарз бил,  
Раҳм ўшул тоифаға фарз бил.  
Сойири нос ичра улуғ то кичик,  
Ёхуд аро ерда васат чаргалик.  
Кимки улуғроқ анга хидмат керак,  
Улки кичикроқ анга шафқат керак.  
Кимники қилсанг мутавассит хаёл,  
Асра анинг ҳурматида эътидол.  
Хидмат ила айлама тавқир ҳам,  
Шанъат ила айлама таҳқир ҳам.  
Тутқил анинг ҳурмати ичра зарур  
Қоидаи нуктаи “хайрул-умур”.  
Иззати ҳаддин кам эса хўб эмас,  
Ҳаддидин ортуқ доғи марғуб эмас.

*(Силаи раҳм инъомини – қариндошларга садоқат, меҳрибонлик, улар билан доимий алоқада бўлишни ўзинга қарз деб бил, уларга меҳр-шафқат, раҳм қилишни ўзинг учун фарз деб бил. Барча*

қариндошлар билан доимо алоқани узмай, улуғроғига хизмат қил, кичикроқларига шафқат кўрсатгин. Ўзинг билан тенгқур деб ҳисоблаганларингнинг ҳурматини ҳам меъёрида асра. Хизматини қилиб, уни ортиқча улуғлаб талтайтириб ҳам юборма, ёмон муносабатда бўлиб, таҳқир ҳам қилма. Қилган яхшилигингни ҳеч қачон юзларига солма. Хурматсизлик қилиб, ҳеч қачон дилларига озор берма Уни ҳурматлашда “ҳамма ишнинг ўртачаси яхши” деган маъноли қоидага амал қилишинг зарур (Мазкур сатрда “Хайрул-умури авсатуҳо” – ишнинг яхшиси ўртачасидир – деган шарафли ҳадисга ишора қилинган) Унинг иззати меъёридан кам бўлса ҳам, ҳаддидан ортиб кетса ҳам яхши эмас) (Алишер Навоий)

\* \* \*

“Қариндошлар ўртасидаги адоват бегоналар билан бўладиган адоватдан анча оғирдир”. (Демокрит)

\* \* \*

“Яқин кишиларингдан бирортаси етказган жароҳат айниқса қаттиқ азоб беради”. (Бабрий)

\* \* \*

“Нима учун сен бунча қаттиқсан? – деди кўмир бир куни олмосга. – Ахир биз яқин қариндош эмасми?”. (Ф. Ницше)

\* \* \*

“Бошқаларга нисбатан сенинг хурматинг ва муҳаббатингга сазоворроқ бўлган кишилар қариндошларингдир. Чунки улар ота-онангдан кейин сен учун энг яқин бўлган зотлардир. Қариндошларинг худди ота-онанг каби сени севишади, сенинг бахтиёр бўлишингни хошлашади, ҳамиша тинч ва роҳатда яшашингни орзу қилишади. Сен уларнинг катталарига ота-онангга қандай яхши муомала қилган бўлсанг, худди шундай муомала қил, кичикларни эса ўз ака-укаларинг ва опа-сингилларинг қаторида тут. Қариндошларингнинг ҳаммасига муҳаббат кўзи билан бок. “Қариндошим-ку, барибир мендан кечиб юборишмайди”, деб уларга совуқ муомала қилма, чунки орада муҳаббат бўлгандагина қариндош бўлади. Қариндошлик муҳаббатга муҳтождир. Орадан муҳаббат кетдими, қариндошлар бир-биридан узоқлашади ва ётларга айланади.

Қариндошингдан бирор кимса касал бўлиб қолса, ундан ҳол сўрашга боришни орқага сурма. Ғамли ва шодлик айёмларида бирга бўл, уни адо қилиш учун бутун кучинг билан ишга кириш.

Сен ўз қариндошларингни улуғласанг, уларга нисбатан шафқат ва марҳаматингни ишга солсанг, уларга ихлос қўйиб

муҳаббат билан янасанг, энг чиройли хулқлар ва кўркам муомалаларни амалга оширсанг, шундагина сен қариндошчилик бурчига амал қилган бўласан.

Сен қариндошларингнинг барчасига ҳам сеvimли бўлишга интил, уларга фойда ва наф етказиш йўлини ўйла, бемаъни хулқ-ахлоқинг билан уларнинг нафратларини келтирадиган ишларни қилма, ўз ёмон кирдикорларинг билан уларнинг кўнгилларига ғам солма.

Мана шу баён этилган насиҳатларга амал қилган кишининг қариндошлари уни иззат этади, яхши кўради, ҳар ишда ёрдам қўлини чўзади, яхши ном ва яхши сифатлар билан тилга олади. Агар сен шу қоидаларни ишга солсанг, кейинчалик ҳам қариндошларинг сени мактаб юришади, яхшиликларингни зикр этишади, чиройли хулқларинг ва меҳрибончиликларингни айтиб, руҳингни шод қилишади”. (*Абдулқодир ал-Барзанжийнинг “Муқтатафотти адабийя” китобидан*)

\* \* \*

“Иброҳим ўз қариндош ва биродарлариға муҳаббатлик бир бола эди. Бир кун қўшнисининг уйиға чиққанда қўшниси бир хизмат буюрди. Иброҳим аввал хизматни яхшилаб қилганлиги учун қўшниси олма берди. Олмаға қизиқиб, емоқчи бўлганида уйда касал бўлиб ётган синглиси эсига тушди. Олма ёлғиз ўзидан ўтмади. Синглисининг олдиға кируб: “Укам, қўшнимиз берган бу олмани санга келтурдим! Е!” – деди. Синглиси суюнуб, олмани олди. Ярмини ўзи еб, ярмини яна акасиға берди. Бу йўл ила бир олмани икковлари еб хурсанд бўлишдилар.

**Ҳисса:** Биродарлар бир-бирлариға шундай муҳаббатлик бўлмоғи лозимдур”. (*Мунаввар қорининг “Адибус-соний” китобидан*)

\* \* \*

“Сўзида турган – одамгарчиликни кучайтиради; сўзидан қайтган эса одамгарчиликни тарк этади”.

\* \* \*

“Сўз берган сўзида турсин. Сўзидан қайтган кишидан ёмон киши йўк”.



## ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

- \* Борсанг – қариндош, бормасанг – бегона.
- \* Қариндошингни ёмонлаб,  
Қайдан туққан топасан?  
Ўз отингни ёмонлаб,  
Қайдан тулпор топасан?
- \* Қоронғуда қичқирсанг, қариндош товуш берар.
- \* Қариндошли қаримас.
- \* Касал – ошдан, даво – қариндошдан.
- \* Ёт егунча, қариндош – ўлгунча.
- \* Меҳрсиз қариндошдан меҳр билган ёт яхши.
- \* Ёлғизликда ёр яхши, мунглашганда – қариндош.
- \* Яқинликнинг белгиси – келиб-кетиб тургани.  
Узоқликнинг белгиси – сира келмай юргани.
- \* Қариндошини сийлаган холи қолмас,
- \* Тўркунини сийлаган тўрга ўтмас.
- \* Оға-ини тотув бўлса, от кўп,  
Опа-сингил тотув бўлса, ош кўп.
- \* Оға-ини тотув бўлса, тоғни талқон қилар,  
Опа-сингил тотув бўлса, уйни бўстон қилар.
- \* Оға-ини талашса, ёв чопганда ярашар.
- \* Оғайни бирикса, бош кўпаяр,  
Овсин бирикса, ош кўпаяр.
- \* Сержанжал уйда барака йўқ.
- \* Суянишган йиқилмас.
- \* Талашган ерда тариқ битмас.
- \* Тирикликнинг кучи – бирликда.
- \* Қуда бўлгунча кўп синаш,  
Қуда бўлгач, кўп сийлаш.
- \* Барака – иноқликда, боқийлик – қувноқликда.
- \* Барака – тежамликда, ютуқ – аҳилликда.
- \* Беш бармоқ йиғилса, мушт бўлар.
- \* Эгачи-сингил иноқлиги – оиланинг қувноқлиги.
- \* Қайрағоч қалин бўлса, ёмғир ўтмас,  
Оға-ини тотув бўлса, хўрлик етмас.
- \* Ҳамжихатлик – давлат, ёлғизлик – кулфат.
- \* Тўнг айирган – мой ер, қариндош айирган – лой ер.
- \* Ўзингники ўзагингни узар.
- \* Қариндошингга қарз берма, берсанг – сўрама.

- \* Ўз отингни ёмонлаб, қайдан тулпор топарсан,  
Қариндошингни ёмонлаб, қайдан тукқан топарсан.
- \* Қариндошингни ошга чақир, чошга чақирма.
- \* Қариндошини сийлаган холи қолмас,  
Туркунини сийлаган тўрга ўтмас.
- \* Қозилашган қариндош бўлмас.
- \* Қозонга қараган – қариндош эмас,  
Қарашган – қариндош.
- \* Иноқлик жон киритар, ният бузилса, жон кетар.
- \* Иттифоқ битар, ноиттифоқ йитар.
- \* Йиртиқ уйни томчи ер, оғасиз эрни қамчи ер.
- \* Ахил оила бўлса, омад ўз оёғи билан келар.
- \* Олтовлон ола бўлса, оғзидагин олдирар,  
Тўртовлон тугал бўлса, тепадагин эндирар.
- \* От айилинг маҳкам бўлса, отинг тувлаб не қилар,  
Оға-ининг қобил бўлса, элинг тувлаб не қилар.

## ЯХШИЛИК ҚИЛ, ДАРЁГА СОЛ...

“Яхшилик юзингизни машрик ёки мағриб томонга буришингизда эмас. Лекин яхшилик ким Аллоҳга, охираг кунига, фаришталарга, китобга, Набийларга иймон келтирса ва яхши кўрган молини қариндошларга, етимларга, мискинларга, кўчада қолганларга, тиланчиларга, қул озод қилишга берса, намозни коим қилса, закот берса; аҳд қилганга аҳдига вафо қилувчилар, камбағаллик, қийинчилик пайтида ва шиддат вақтида ҳам сабр қилувчиларга хосдир. Ана ўшалар содиқ бўлганлардир. Ана ўшалар тақводорлардир”. (Куръони Карим маъноларининг таржимаси, Бақара сурасидан)

### Тафсир:

“Одатда одамлар яхшилик матлуб эканлиги ҳақида ихтилоф қилмайдилар. Яхшилик нима эканлиги ҳақида ихтилоф қиладилар. Ҳар ким ўзининг йўлини яхши деб тушунади. Яхшилик маъносига ўзича таърифлар келтиради, чегаралар қўяди, белгилар белгилайди. Улар яхшиликни белгилашда кўпинча ақлларини, ота-боболаридан қолган урф-одатларни, ўзлари яшаб турган жамиятдаги ўлчовларни тушунадилар. Бирлари яхшилик деб тушунган нарсани бошқалари мутлақо ёмонлик деб тушунишлари ҳам мумкин. Демак, яхшиликнинг ҳақиқатини мазкур ҳолларда устин тургувчи жиҳат белгилаши керак.

Ислом динида яхшилик Аллоҳ таоло “яхши” деган нарсалардир. Уларнинг нима экани ушбу оятда тўлиқ таърифлаб берилган...

...Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анҳу Набий алайҳиссаломдан, “Иймон нима?” – деб сўраганларида, Набийиъмиз Муҳаммад алайҳиссалом ушбу оятни тиловат қилганлар. Кейин яна қайта сўраганларида, яна шу оятни тиловат қилганлар. Шундай қилиб, Аллоҳ таоло битта оятда эътиқод асосларини, жон ва мол ибодатларини бирлаштириб, бир-биридан ажрамайдиган қилиб таърифлаб, уларнинг ҳаммасига “яхшилик” деб сарлавҳа қўйибди. Шунинг учун ҳам, ушбу унвон остига дохил бўлиб, унга амал қилганларни Аллоҳ таоло: “Ана ўшалар содиқ бўлганлардир. Ана ўшалар тақводорлардир”, – деб таърифламоқда...

...Ўтган азизларимиздан Суфён Саврий бу оятни ўқиб туриб: “Яхшиликнинг барча тури шу оятдадир”, – деганлар. Ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳи: “Ким шу оят билан сифатланса, Исломнинг барча соҳаларига кириб, яхшиликнинг бошидан тутган бўлади”, – деганлар”.



\* \* \*

“Одамларни яхшиликка чорлаб туриб, ўзингизни унутасизми? Холбуки, китобни тиловат қиляпсиз-ку, ақлни ишлатмайсизми?!” (Бақара сурасидан)

(Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳи ривоят қилган ҳадисда Набий алайҳиссалом: “Қиёмат кунини бир кишини дўзахга келтириб ташланади. Шунда унинг қорнидаги нарсалар ташиқарига отилиб чиқади. У дўзахда ўз қорнидан чиққан нарсалар атрофида худди тегирмонни айлантирадиган эшак сингари айланиб юради. Дўзахийлар уни ўраб олиб:

“Эй фалончи, сенга нима мусибат етди? Бизга амри маъруф, наҳйи мункар қилмаганмидинг?” – дейишади.

Шунда у:

“Сизларни яхшиликка чорлар эдим-у, ўзим қилмас эдим. Ёмонликдан қайтарар эдим-у, ўзим қилардим”, дейди”, деганлар.

Имом Аҳмад Набийимиз алайҳиссаломдан ривоят қиладилар: “Исро кечасида лаблари оловдан бўлган қайчилар билан қирқилаётган кишиларнинг олдидан ўтдим ва:

“Анавилар кимлар?” – деб сўрадим.

“Умматингдаги аҳли дунё ваъзхонлар. Одамларни яхшиликка чорлаб, ўзларини унутганлар ва холбуки, китобни ўқирдилар, ақлни ишлатмайдиларми?” – дейишди”)

\* \* \*

“Яхшилик уйларнинг орқасидан киришингизда эмас, лекин яхшилик ким тақводорлик қилса, шундадир. Ва уйларга эшиклардан киринг. Аллоҳга тақво қилинг. Шоядки, нажот топсангиз”. (Бақара сурасидан)

**Тафсири:**

“Ҳар бир яхшилик шарият белгиланган хайрли ишлардир. Одамлар ўзларича ўйлаб чиқарган ҳар бир нарса динда яхшилик бўла олмайди. Имом Бухорий ва имом Муслим саҳиҳ китобларида Баро розияллоҳу анҳудан ривоят қиладиларки, у киши: “Ансорийларда (мадийналик мусулмонларда) ҳаждан қайтиб келганда уйнинг эшигидан кирмаслик одати бор эди. Улардан бир киши ҳаждан қайтганда уйнинг эшигидан кирибди. Бу иши унга айб қилгандек қаралишига сабаб бўлибди. Шунда: “Яхшилик уйларнинг орқасидан киришингизда эмас” ояти тушди”, – деганлар”.

Бу ҳақда тўлароқ маълумот қуйидагичадир: ансорийларнинг тушунчасига кўра, ҳаж қилиб гуноҳидан покланиб уйига қайтган одам, ҳаждан қайтиб уйига биринчи киришида, гуноҳкорлик қилиб юрган эшикдан кирмай, уйнинг орқасидан дарча очиб кириши ях-

шилиқ эди. Улар шу тасаввурларга амал қилишарди. Иттифоқо, улардан бирлари ҳаждан келиб, уй орқасидан дарча очиб эмас, балки тўғри эшикдан кирибди. Бу иш бошқаларга айб бўлиб кўринибди. Табиийки, бу эски одат хусусида мусулмончиликнинг ҳукми нима бўлар экан, деган савол пайдо бўлади. Оят ўша бўлиши эҳтимол тутилган саволга жавоб тариқасида нозил бўлган ва бўлиб ўтган ҳодисага ҳам аниқ баҳо беради. Демак, яхшилиқ баъзи бир ишларга ўзича ҳар хил сифатлар бериб адо этиши билан эмас, балки тақво асосида, яъни Аллоҳ буюрганини қилиб, қайтарганидан қайтиши билан ҳосил бўлар экан”. (Тафсирлар муаллифи шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф)

\* \* \*

“Ўзингиз суйган нарсадан нафақа қилмагунингизча, ҳаргиз яхшиликка эриша олмассиз. Нимани нафақа қилишингизни Аллоҳ билувчидир (Оли Имрон сурасидан)

(Мусулмонлар бу маънога тўлиқ тушунган замонларда Аллоҳ таоло ваъда қилган яхшиликка эришиши учун ўзларининг энг яхши, суюкли молларини нафақа қилиб, улуғ даражаларга эришганлар. Имом Аҳмад ибн Ханбал раҳматуллоҳи алайҳи Анас ибн Молик ризияллоҳу анҳудан ривоят қиладларки:

“Абу Толҳа Мадинада ансорийлар ичида энг бой одам эди. Молю мулкининг ичида “Ҳаа” номли қудуқ энг маҳбуби эди. Бу қудуқ масжиднинг тўғрисида эди. Набий алайҳиссалому вассалом у қудуққа бориб, ширин сувидан ичардилар. “Ўзингиз суйган нарсадан нозил бўлганда, Абу Толҳа:

“Ё Расулуллоҳ, Аллоҳ: “Ўзингиз суйган нарсадан нафақа қилмагунингизча ҳаргиз яхшиликка эриша олмайсиз”, – демоқда, молю мулким ичида мен учун энг маҳбуби “Ҳаа” қудуғидир. Уни Аллоҳнинг йўлида садақа қилдим. Унинг яхшилигидан ва Аллоҳнинг ҳузуридаги савобидан умидворман. Ё Расулуллоҳ, шуни сизга бердим, Аллоҳ кўрсатган жойга ишлатинг”, – деди.

Шунда Набий алайҳиссалом: “Яхши, яхши, бу фойда берувчи мулк, мен уни қариндошларинг фойдасига ишлатсанг дейман”, – дедилар.

Абу Толҳа: “Шундай қиламан, ё Расулуллоҳ”, – деди. Сўнгра уни қариндошлари ва амакисининг ўғиллари фойдасига тайин қилди)

\* \* \*

“Яхшилиқ ва тақво йўлида ҳамкорлик қилинг. Гуноҳ ва душманлик йўлида ҳамкорлик қилманг”. (Моида сурасидан)

\* \* \*

“Яхшилик қилингизларки, нажот топасизлар”

“Аллоҳ сенга яхшилик қилганидек, сен ҳам яхшилик қил”.

“Ким бир яхшилик келтирса, унга у яхшилигидан кўра хайрлироқ мукофот бор. Ким бир ёмонлик келтирса, ёмонлик қилганлар фақат қилганларига яраша жазоланурлар”. (Қасос сурасидан)

\* \* \*

“Эзгуликнинг мукофоти фақат эзгуликдир”. (Раҳмон сурасидан)

\* \* \*

“Ким бирон яхши амал қилса, ўзи учундир. Ким ёмонлик қилса, ўз зиёнига қилур. Парвардигорингиз бандаларига зулм қилувчи эмасдир”. (Фуссилат сурасидан)

\* \* \*

“Эр-у аёл, ким мўъмин ҳолида яхши амал қилса, биз унга яхши ҳаёт кечиртирамиз ва албатта уларни қилиб юрган амалларининг энг гўзалига бериладиган ажр ила мукофотлаймиз”.

(Наҳл сурасидан)

\* \* \*

“Ахир Биз унга икки кўз, тил ва икки лаб ато қилмадикми?! Ва Биз унга икки йўлни (яъни яхшилик ва ёмонлик йўлларини) билдириб қўйдик-ку?”. (Балад сурасидан)

\* \* \*

“Улар енгилликда ҳам, оғирликда ҳам нафақа қиладиганлар, ғазабини ютадиганлар ва одамларни афв қиладиганлар. Аллоҳ яхшилик қиладиганларни ёқтиради”. (Оли Имрон сурасидан)

\* \* \*

“Агар сизни шайтон томонидан бирон васваса йўлдан оздириб (яхши хислат эгаси бўлишдан қайтармоқчи бўлса) у ҳолда Аллоҳ таолодан паноҳ сўранг. Зеро, У эшитувчи ва билувчи Зотдир”. (Фуссилат сурасидан)

\* \* \*

“Кимда ким яхши шафоат ила бировни ҳимоя қилса, унга ҳам ўша ҳимоясидан насиба – савоб бўлур. Кимда ким ёмон шафоат ила бировни ҳимоя қилса, унга ҳам ўша ҳимоясидан насиба – гуноҳ бўлур. Аллоҳ ҳар нарсага қодирдир”. (Нисо сурасидан)



\* \* \*

“Агар яхшиликни ошкора ва маҳфий қилсангиз ёки ёмонликни афв этсангиз, албатта, Аллоҳ афвли ва қодир зотдир”.

*(Нисо сурасидан)*

\* \* \*

“Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Сиз ҳар қандай ёмонликни яхшилик бўлган нарса ила даф қилинг (ёки энг гўзал сўзлар билан даф этинг) Шунда баногоҳ сиз билан ўрталарингизда адоват бўлган кимса қайноқ-содиқ дўст каби бўлиб қолур. Унга, ёмонликни яхшилик билан даф қилиш хислатига, фақат сабр-тоқатли зотларгина эришурлар, унга фақат улуг насиба эгасигина эришур”. *(Фуссилат сурасидан)*

\* \* \*

“... ва ёмонликни яхшилик ила қайтарадилар. Ана ўшаларга окибат диёри бордир”. *(Раъд сурасидан)*

\* \* \*

“... албатта яхшиликлар ёмонликни кетказади”. *(Худ сурасидан)*

\* \* \*

“Тақволи бўлганларга: “Раббингиз Ўз расулига нимани нозил қилди?” дейилганида, улар: “Яхшиликни”, дерлар”. *(Наҳл сурасидан)*

\* \* \*

#### **Ҳадиси қудсийдан:**

\* “Эй Одам фарзанди, ҳамиша яхши ва эзгу ишларни қилишга одатлан. Зеро, эзгулик – жаннатнинг калитидир. Ҳар ким уни қўлга киритса, жаннатга йўл топган бўлади”.

\* “Эй Одам фарзанди, қайси бандам бирон яхшилик амал қилишга қасд этса, лекин уни амалга ошира олмаса, унга (ўша яхшиликни ният қилгани учун) бир савоб, агар уни амалга оширолса, мен унга ўн марта хасанот-савоб қилиб, етти юз мартагача зиёда қилиб ёзаман. Агар бир ёмонликка қасд қилиб, уни амалга бажо келтирмаса, унга у ёмонликни ёзма йман.

\* “Эй Одам боласи, ғарибларга паноҳ бўлгин, қариндошлар билан алоқа қилгин, гадоларни юпатгин (ҳолига мадад бўлгин), мусибат етганда меҳрибонлик қилгин, етимни ҳурматла ва унга меҳрибон отадек бўлгин. Ким мана шу сифатда бўлиб, мендан дуо қилиб сўраса, албатта унга ижобат қиламан. (тилаганини бераман.)

Шарафли ҳадисларда Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

“Яхшилик фарзу вожибларни қилиш. Ҳаромдан ҳазар қилиш. Одамларга очиқ юз билан қараб, уларга эҳсон қилиш”.

\* \* \*

“Қаерда бўлсанг ҳам Аллоҳ таолога тақво қил. Ёмонлик ортидан яхшилик қил-ки, уни ювади. Одамларга ҳусни хулқ ила муомала қил”.

\* \* \*

“Бу дунёда яхшилик қилган кишилар охиратда яхшиликка эришадилар ва шариатда ёмонлик деб саналган ишларни қилувчилар охиратда ёмонликка дучор бўладилар”.

\* \* \*

“Одамнинг қилган яхшилиги учун ташаккур айтмаган киши Аллоҳ таолога ҳам ташаккур айтмайди”.

\* \* \*

“Яхшиликни раҳмдил, меҳрибон умматларимдан кутинглар. Шунда сизлар улардан умид қилган марҳаматларга эришасизлар. Тошбағир, қаттиққўл, бераҳм умматларимдан зинҳор яхшилик кутманглар, зеро, уларга Аллоҳ таолонинг лаънати ёғилиб туради. Эй Али! Аллоҳ таоло яхшиликни яратганда унинг ўз аҳлини ҳам алоҳида яратган ва уларга яхшилик ва хайрли ишларни яхши кўрсатиб қўйган. Шунинг учун улардан ким яхшилик кутса, албатта мақсадга эришаверади. Бунинг мисоли чанқоқ бўз ерга сув қўйиб юборилса, у ер қанчалик яшнаб эгаларини сероб қилгани каби яхшилик аҳли ҳам одамларга шунчалик манфаат ва баҳра етказур. Бу дунёдаги энг яхши кишилар охиратда ҳам яхшилар қаторида тургайлар”.

\* \* \*

“Қадар дуо билангина ўзгаради. Умрни яхшилик зиёда қилади. Шубҳасиз, киши гуноҳ қилиш билан ризқидан маҳрум бўлади”.

\* \* \*

“Сизни яхши ишларингиз шодлантурса ва ёмон ишларингиз қайғуга солса, сиз – мўминсиз”.

\* \* \*

“Биров қилган яхшилик қадрига етмаслик Аллоҳ таолонинг яхшилиги қадрига етмасликдир”.

\* \* \*

“Ким Аллоҳ таолонинг паноҳига сиғиниб, сизлардан ёрдам сўраса, унга ёрдам қилинг. Аллоҳ таолонинг номи билан бирор нарса сўраса, сўраган нарсасини беринг. Биров сизга моддий яхшилигини қилса, яхшилигини қайтаринг. Агар уни қайтаришга

қодир бўлмасангиз у киши ҳақиқа дуо қилинг. Токи у одамнинг қилган яхшилиги бекорга кетмаганини билсин”.

\* \* \*

“Ким моддий жиҳатдан бировга яхшилик қилса, унга ҳам яхшилик қайтарилсин. Яхшилик қайтаришга қурби келмаса, у кишини ғойибона мақтасин. Чунки мақташ ташаккур ўрнида ўтади. Аммо у кишининг яхшилигини яширса, ундан тонган, яхшиликни билмагандек бўлади”.

\* \* \*

“Яхшилик деб ҳисобланадиган ҳар бир иш садақа бўлади”.

\* \* \*

Ҳар ки шакли хўб ўлар, хулқи ҳасан,  
Ҳожатинг арз эт анга, кам этма сан.  
Хулқи бадга ҳеч бир замон, эй сарфароз,  
Ҳожатингни арз қилибон, кашф этма роз.  
(Ахтарий қаламига мансуб “Арбаин”дан. “Яхшиликни чеҳралари очик, хушрўй одамлардан кутинглар”, деган шарафли ҳадис асосида ёзилган)

\* \* \*

Абу Барада ал Асламий Расулуллоҳ (с.а.в.)га “Ё Расулаллоҳ! Менга бир амал буюринг-ки, ўшани қилгач, жаннатга киришга сазовор бўлай”, деб мурожаат қилдилар. Аллоҳ таолонинг элчиси марҳамат қилдилар: “Кишилар юрадиган йўлдан уларга озор берадиган нарсаларни олиб ташласанг, жаннатга кирасан”. *(Бош-қа бир ҳолатда дедиларки: “Бир киши кўчада ётган тиканни кўрди-да, бу тикан бирорта мусулмоннинг оёғига кириб, озор бермасин, деб четга олиб ташлади. Мана шу иши туфайли унинг гуноҳи кечирилади”.*

\* \* \*

“Яхшилик ҳусни хулқдир. Ёмонлик кўксингда тўқилган ва одамлар уни билиб қолишини ёқтирмаган нарсангдир”.

\* \* \*

“Яхшилик кўнглинг тўлган ва қалбинг рози бўлган нарсадир. Ёмонлик кўнглингда тўқилган, кўксингда тараддудланган нарсадир. Агар одамлар сенга фатво берсалар ҳам...”.

\* \* \*

Абу Масъуд Ансорий айтадилар: “Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига бир киши келиб : “Мен йўлда толиқиб қолдим, бир улов



беринг”, деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): “Менда улов йўқ. Лекин фалончига борсанг, у эҳтимол сенга улов берар”, дедилар. У киши айтилган одамга борган эди, илтимоси бажарилди. Кейин у келиб улов олганини айтганида, Расулуллоҳ алайҳиссалом “Ким бир яхшиликка далолат қилса, ўша яхшилик қилган кишига берилган савоб баробаринда савобга эга бўлади”, дедилар.

\* \* \*

Абу Бакр (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан сўрадилар:

– Инсонларнинг яхшиси ким?

У шарафли зот марҳамат қилдилар:

– Умри узоқ солиҳ амалли кишилар.

Яна сўрадилар:

– Инсонларнинг ёмони ким?

Саййидимиз марҳамат қилдилар:

– Умри узоқ ёмон амалли кишилар.

\* \* \*

Пайғамбаримиз алайҳиссалом аҳли мажлисдан: “Сизларнинг хайрлиларингиз ва шаррлиларингиз ҳақида хабар берайинми?” деб уч марта сўрадилар. Ҳозир бўлганлар: “Ҳа, хабар беринг”, дейишди. Марҳамат этдиларким: “Сизларнинг хайрлиларингиз яхшилигидан умид қилинган ва ёмонлигидан эмин бўлинмаган кимсалардир”.

\* \* \*

Зайду-л-Хайр (р.а.) айтдилар: “Ё Расулаллоҳ (с.а.в.)! Аллоҳ таоло яхшилик истаган кишининг аломати билан, Аллоҳ таоло яхшилик тиламаган кимсанинг аломати қандай бўлади, менга хабар беринг?” – дедим. Шундай марҳамат қилдилар:

– Зайд, қандай тонг оттирдингиз?

Мен: “Яхшиликни ва яхшилик аҳлини тилаб тонг оттирдим. Агар яхшиликка кучим етган бўлса, унга ҳаракат қилдим. Агар қўлдан чиқарган бўлсам, ғамгин бўлдим. Аммо яхшиликни орзу қилдим”, дедим.

Марҳамат этдиларки:

– Ана шу Аллоҳ таоло яхшилик тилаган кишининг аломатидир. Агар Аллоҳ таоло сизга бу аломатлардан ташқари бир нарса тилаганида уни сизга ҳозирлаган бўларди”.

\* \* \*

Иброҳим алайҳиссалом Каъбани қайта бунёд қилганларида тўрт бурчагининг ҳар бир бурчагида минг ракаатдан намоз ўқиб: “Роббим, шундай ибодат қилдим, сенга маъқулми, мақбулми?”

Сенга янада яхшироқ, мақбулроқ ибодат борми?” деб сўрадилар. Ваҳий келдики: “Ҳа, ё Иброҳим, бир фақир камбағалга бир лукма нон бериш...”

\*\*\*

“Яхшилик қилишларингиз билан шайтондан пешқадам бўлинглар. Шунда у ожиз қолади. Шайтонга кўз тикманглар. Акс ҳолда, у изингиздан етиб олиб, сизларни фитнага солади”.

*(Абу Бакр Сиддик)*

\*\*\*

“Жаннатга иштиёқи бўлган одам яхшилик қилишга шошилади. Жаҳаннамдан қўрққан одам нафсини ёмон амаллардан қайтаради. Ўлимни ҳақ билан одам дунё завқларини тубан кўради”.

*(Али ибн Абу Толиб)*

\*\*\*

“Яхши одам бўлиш учун ибодат қилишнинг ўзи кифоя эмас. Балки яхши қалбли ва ёмонларни ёмон кўрувчи бўлиш керак”.

*(Абдуллоҳ ибн Масъуд)*

\*\*\*

“Яхшилик қилганингизда Аллоҳга ҳамд айтинг, мабодо бирор гуноҳ иш содир этиб қўйсангиз, албатта Аллоҳдан мағфират сўранг”.

\*\*\*

“Ёдингизда бўлсин, яхшилик чиримайди ва ёмонлик унутилмайди. Яхшилик – мол ва давлатларингизнинг кўплигида эмас, яхшилик – кенг феълли, ахлоқли бўлиш, илм олиш ва Аллоҳ таолога ибодат қилишда бошқаларга ибрат бўлишдадир”.

\*\*\*

“Яхшиларни севиб, сиз ҳақингизда ҳақ бир гап айтилганида қабул қилар экансиз, хайр-баракот ичидасиз”. *(Абу Дардо)*

\*\*\*

“Бир мусулмоннинг оғзидан чиққан сўзни ёмонга йўйма, сен у сўзни яхшиликка йўйишга ҳаракат қил”.

\*\*\*

“Ким ўз сирини беркитса, яхшилик унинг кўлидадир”.

*(Умар ибн Хаттоб)*

\*\*\*

“Мўмин киши бири бажармаган ва бири ортда қолган икки яхшилик ўртасида бўлади”. *(Муоз ибн Жабал)*

\* \* \*

“Яхшилик хақида ўйлаш ўша яхшиликка амал қилишга ундайди. Ёмонликка надомат эса, ўша ёмонликни тарк этишга чорлайди” (Абдуллоҳ ибн Аббос)

\* \* \*

“Аллоҳ таоло Қуръони каримда яхши бандаларини “Аброр”. (яхшилик қилувчилар) деб мақтади”. (Абдуллоҳ ибн Умар)

\* \* \*

“Кимнинг яхшиликлари ёмонликларидан устун келса, унинг ёмонликлари зикр қилинмайди. Кимнинг ёмонликлари яхшиликларидан устун келса, унинг яхшиликлари зикр қилинмайди”.

\* \* \*

“Ниятларга кўра қанча-қанча ишлар улуг бўлади, яна қанча-қанча катта ишлар ниятларга кўра арзимасга айланади”.  
(Абдуллоҳ ибн Муборак)

\* \* \*

“Ўз қўлинг билан адо эта олмаган яхшиликни бошқаларнинг қўли билан ҳеч қачон қилолмайсан”. (Ваҳб ибн Мунаббаҳ)

\* \* \*

“Ўзингга раво кўрмаган нарсани ўзгаларга ҳам раво кўрма”.  
(Муҳаммад Хусайн)

\* \* \*

“Тўғри йўлдан ажралмаслик, инсофли, адолатли бўлиш, нафснинг ҳар орзусини бажо келтирмаслик, олим, фозиллар билан суҳбатдош бўлишлик, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат ва марҳамат этиш, самимий дўстларнинг маслаҳатлари билан ишга тутиниш, мухтожларга ёрдам этиш эзгуликнинг маъданидур”.  
(Абу Али ибн Сино)

\* \* \*

Анушервон мажлисида румлик, хиндистонлик ва эронлик донишманд Бузургмехр ҳозир эдилар. Суҳбатлашиб ўтирар эканлар, сўз “Ҳамма нарсадан оғирроқ, қаттиқроқ нарса нима?” деган саволга етди. Румлик донишманд:

– Қарилик, танглик, йўқчилик, – деди.

– Касаллик ва ғам-андух, – деди хиндистонлик.

– Ҳамма нарсадан оғирроқ ва қаттиқроқ нарса – ажалнинг яқинлашиб қолиши ва ҳаётда яхшилик қилмай, ёмон номга эга бўлиб вафот қилиш, – деди Бузургмехр.

Мажлис аҳли бу фикрга қўшилди.



\*\*\*  
“Ўзингга яхшилик қилишни истасанг, яхшилик қил, ҳеч кимга озор берма, яхшиликни улуғ иш деб бил”.  
(Сайид Али Ҳамадоний)

\*\*\*  
Жонкуярлик одатингни ҳеч кимсадан аяма,  
Кунлар ўтиб кетди энди, бўлди энди, бас, дема.  
Имкон қадар яхшилик қил, яхшиликнинг йўли кенг,  
Биров учун бўлгин ёқа, биров учун, майли, енг.  
Аллоҳнинг ҳам сенга фазли бўлар, юргил унутмай,  
Аллоҳ фазли инсонларга сени муҳтож этмагай.  
(“Мукошифатул қулуб”дан)

\*\*\*  
“Эвазига нарса кутиб қилинган яхшилик яхшилик ҳисоблан-майди, балки у оддий олди-бердидан иборат, холос”.  
(Абдибек Шерозий)

\*\*\*  
“Ҳар кимдан яхши қоида қолгон бўлса, анинг била амал қил-моқ керак. Агар ота ёмон иш қилгон бўлса, яхши иш била бадал этмоқ керак”.

\*\*\*  
“Шўр тупроқ ерда сунбул битмайди, ундай ерда умид уруғини нобуд қилма. Шунга ўхшаш, ёмонларга яхшилик қилиш ва яхши-ларга ёмонлик қилиш ҳам ўрнида бўлмайди”. (Мирзо Бобур)

\*\*\*  
“Одамларга зарари ҳам, фойдаси ҳам тегмайдиган кишидан фақирроқ одам йўқ”.

\*\*\*  
“Бирор-бир кимсага яхшилик қилсанг, шуни билки, сенинг саховатингдан у беҳад шод бўлгани каби, сенга ҳам шунчалик завқ насиб этади”. (Қобус)

\*\*\*  
“Яхшилар билан ҳамсуҳбат бўлиш ва донолар билан мулоқот қилиш саодатга элтади”. (Ҳусайн Воиз Кошифий)

\*\*\*  
“Яхшиликни билмайдиган арбобдан мадад кутиб, умрингни зое ўтказма”.

(Абдулқодир Бедил)

\* \* \*

“Яхши киши одамларни гапига қараб танламайди, лекин яхши гаплар номуносиб киши томонидан айтилса ҳам уни инкор қилмайди”.

\* \* \*

“Яхши киши бошқалар билан иноқ яшайди, лекин уларга эргашмайди, тубан киши бошқаларга эргашади, лекин улар билан иноқ яшамайди”.

\* \* \*

Яхши киши бошқаларга ўзларининг яхши томонларини кўришларига ёрдамлашади, уларга ёмон томонларини кўришни ўргатмайди. Тубан киши эса бунинг тескарисини қилади”.

\* \* \*

“Яхши киши бурчни биринчи ўринга қўяди, бурчини бажарганидан кейин фойда олади. Шунинг учун ҳам унинг фойда олиши одамларнинг меъдасига тегмайди... Яхши киши фақат бурчни билади, тубан киши фақат фойдани”.

\* \* \*

“Яхши киши тўғри ва қатъий бўлади, лекин қайсар эмас... Яхши киши ўзига талабчан бўлади, тубан киши ўзгаларга”.

\* \* \*

“Яхши киши кўнғироққа ўхшайди: агар чертмасанг – жарангламайди”.

\* \* \*

“Яхши киши ўзини айблайди, паст киши эса ўзгаларни... Яхши кишига майда ишлар билан баҳо бериш ярамайди, унга катта ишларни ишонса бўлади. Тубан кишига катта ишларни ишониб бўлмайди, унга майда ишлар билан баҳо берса ҳам бўлади”. *(Конфуций)*

\* \* \*

“Дўстингдан бир жафо келганда унинг минг марта вафо қилганини унутма. Чунки яхшилик гуноҳ олдида шафоатчи кабидир”.

\* \* \*

“Агар бизни ва розилигимизни истасанг, бунинг кўнгишларни ишғол қилиш билан амалга ошишини унутма!”.

*(Жалолиддин Румий)*

\* \* \*

“Севимли нарсаларга машаққат билан, яхшиликка эса ўзига севимли бўлган нарсаларни сарфлаш билан эришилади”.

\* \* \*

“Одамлар ўрганган, одатланган ва кўпчиликка маъқул бўлган нарсага кўр-кўрона қаршилик кўрсатма”. (*Абу Райҳон Беруний*)

\* \* \*

“Кўнглингизда яхши бир иш қилиш ҳаваси уйғонса, у ишни бажаришга дарҳол ошиқинг, бир бадгумонлик яхши ишдан сизларни қайтариб қўймасин. Бир ёмон иш қилиш кўнглингизга келса уни ижро қилишга ошиқманг, ўйлаб кўринг, шояд хотирангиз у ёмон ишдан нафрат қилиб, яхшилик тарафига айланса”.  
(*Сукрот ҳақим*)

\* \* \*

“Биз – инсонлар худди яхшиликка ундамаслик ва ёмонликдан қайтармаслик тўғрисида бир-биримиз билан келишиб олганга ўхшаймиз. Бу кетишда бошимизга қандай азоблар тушажанинги кошки билсайдик”.

(*Молик ибн Динор*)

\* \* \*

“Учта иш жаннат аҳлининг ахлоқларидан, улар фақат яхши кишилардагина топилади: ёмонлик қилувчига яхшилик қилиш; зулм қилган кишини кечириш; бирон нарсадан маҳрум этган кишига яхшилик қилиш”. (*“Танбеҳул ғофилин”дан*)

\* \* \*

“Инсоннинг ҳақиқий бойлиги бу дунёда қилган яхшиликларидир” (*“Кутуби Ситта”дан*)

\* \* \*

Ғофил бўлма элиг, ухлама, кўз оч,  
Сендан кейин қолсин, эзгу уруғ соч! (*“Қутадғу билиг”дан*)

\* \* \*

“Эзгуликни сув азақинда кемиш башинда тила”.  
(*Халққа яхшилик қил, уни сув тагига ташласанг-да, уни сув устида кўрасан*)

“Эзгу эр сўнгуки арир ати қалир”. (*Яхши одамнинг сўнгаги тупроқда чириса ҳам, номи абадий қолади*)

“Жалингуқ оғли жўқазур, эзгу ати қалир”. (*Одам боласи ўлиб кетади, яхши ном қолади*) (*“Девону луғотит турк”дан*)



\* \* \*

“Кимки ихлос билан бир амални қилса-ю, кейин ўша амалга мақтаниб, “мен фалон ишни қилдим”, деса, қабул бўлган ўша амали яхшилик рўйхатидан ўчирилиб, риё рўйхатига ёзилур”.  
(Суфёни Саврий)

\* \* \*

“Тўғри ва ҳақ йўлдан юрган кишининг қадам босиши арслон юришидан ҳам маҳобатлироқ, ҳайбатлироқдир”.

\* \* \*

“Кимки бахт-иқболли, солих кишиларнинг этагига ёпишса, у албатта муроду мақсадига эришиб, хайру барака топар”

\* \* \*

“Ёмон, норасо эътиқод билан қилинган эзгу иш сароб ва кул каби ҳеч қанақа фойда бермайди”. (Абулқосим Замахшарий)

\* \* \*

“Энг яхши кишининг икки қўли ҳам тўғри бўлади, у бир қўли билангина эмас, икки қўли билан яхшилик қилади”.  
(Боязид Бистомий)

\* \* \*

Искандар Зулқарнайнга қалъа гумбази ичида ётган ажиб бир тошни келтирдилар. Тошга бу сўзлар нақш этилганди:

“Эй бу тошни қўлга олган киши! Ҳаётинг жараёнида бу ҳикматларни эътиборга ол:

– Қўлингдан келганича ҳаммага яхшилик қил – дунёнинг обрўси яхшилик билан барпо бўлади. Дарахт парвариш билан, одам яхшилик билан камолга етади.

– Агар сенга биров ёмонлик қилса, сен яхшилик қилиб уни уялтир. Ёмонликка ёмонлик қилсанг, сен билан унинг орасида фарқ қолмайди. Ҳар иккинги ҳам ёмонлардан саналасиз”.

\* \* \*

Бағдод шаҳрига ёнгин тушди. Бир ҳожанинг икки ўғли олов ичида қолди. Ота-онаси фарёд уриб, чора топа олмадилар. Ҳазрати шайх Абул Ҳусайн Нурий у ердан ўтаётган эдилар. Дарҳол ўт ичига қирдилар-да, болакайларни олиб чиқдилар. Олов у кишини куйдирмади, балки ул муборак зот учун гулистон бўлди. Болаларнинг отаси ҳазратга миннатдорлик билдириб, бир коса тўла тилла тутди.

– Нурий тилла олса, оловдан болаларни чиқара олмас! – деб жавоб бердилар.

\*\*\*

“Инсонга “Нима иш яхшидир?” деди,  
– Хомушлик, хомушлик, яна хомушлик!” (Ибн Камолпошио)

\*\*\*

“Одамнинг яхшиси – ёмон нарсалардан сакланувчи. Пок бўл-  
гай ва ҳақ сўзни айтишда ҳеч нарсадан қўрқмагай. Хавфга туш-  
магай. Ўзи пок, кўзи покни Инсон деса бўлур”.

\*\*\*

“Яхши одамдан ёмонлар ҳам ёмонлиқ кўз тутмас. Яхши одам  
ёмонлардан ҳам яхшилиқни аямас. Яхшилиқ қила олмасанг –  
борий ёмонлиқ ҳам қилма. Яхшилиқни ёмонлиқдин яхшироқ  
билмасанг, борий ёмонроқ ҳам бўлма. Яхшилиқ қилишни билма-  
санг, яхшиларга қўшул. Яхшилиқ теграсида эврула (айлана) ол-  
масанг, яхшилар теграсида эврул”.

\*\*\*

“Яхши ё ёмон бўл; иккаласи бўламан деганнинг ўзи ёмон.  
Ёмон билан яхшининг орасида фарқ кўпдир. Икки кеманинг бо-  
шини ушлаган – фарқдир. Кимлар билан бўлсанг – шулардан-  
сан. Улар ёмон бўлса – сен ҳам ёмон, улар яхши бўлса – сен ҳам  
яхшисан. Демак, яхшилар этагини тутган яхшироқдир. Кўпги-  
на қобилиятли кишилар яхшилардан айрилди, ёмонлар суҳбати  
уларни нобуд қилди. Ёмондан яхшилиқ кутмоқ – беҳуда хаёл-  
дир. Итдан кийикка, мушукдан кабутарга раҳм-шафқат бўлиши  
маҳолдир”.

\*\*\*

“Мазлумга яхшилиқ қилсанг – золимдан омонда бўласан.  
Агар кучлилардан зарар кўрмайин десанг, кучсизларга фойда ет-  
каз. Ақли бор одам жанжаллашишдан қочади; дўстлашиш учун  
келишув эшикларини очади. Арининг ғувиллашида найза сан-  
чиш хавфи бор; асаларининг ғовурида болга муяссар бўлиш им-  
кони бор”.

\*\*\*

“Одам – дунёларга тенг шараф эгасидир. Ит эса – жирканч  
маҳлуқдир. Аммо яхшилиқни билмайдиган бевафо одам – яхши-  
лиқни унутмайдиган вафодор итдан пастдир. Вафодор қўтир ит  
– вафосиз гўзал, барно йигитдан яхшироқдир.

Бевафо ҳақношунос элдин йироғлиғ истаким,  
Келмади ҳаргиз алардин ғайри бедоду жафо.  
Итга итлик айламак жону кўнгул бирла бўлур,  
Ҳақшунос ўлсау бўлса анда ойини вафо.

(Яхшиликни билмайдиган бевафо одамдан йироқ бўлишга интил. Чунки улардан жабру жафодан бошқа нарса келмайди. Яхшиликни билувчи бўлгани учун итга жону кўнгил билан боғланиш мумкин)

\* \* \*

“Ҳаётда қандай кишиларни “яхши одам” деб иззат ва икромга лойиқ кўрамиз?” – деб донишманд бу хусусда шогирдларининг фикрини сўради.

– Киши бировга катта неъмат инъом қилса-ю бу неъматни кичик деб ҳисобласа, неъмат олган киши эса неъмат кичик бўлишига қарамай уни катта деб билиб қувонса, шукрона айтса, иккови ҳам таҳсинга лойиқдир, – деди биринчи шогирд.

– Давлатига мағрур бўлмаган ва камбағаллигига ғамгин бўлмаган эр ҳақиқий эрдир! – деди иккинчиси.

– Биров сўрамай туриб нарса берган, ўзгалар обрўйини тўкилишидан асраган, кишини хижолатликдан чиқарган киши мақтовга лойиқ кишидир, – деди учинчиси.

– Ҳар бирингиз рост гапларни айтдингиз, – деди устоз. – Булардан ташқари яна қудрати етишига қарамай ўч олишдан ўзини тийган, кўполлик қилишдан сақланган ва гуноҳкорларни кечириш ва уларга яхшилик қилишга қодир бўлган одам ҳақиқий иззат ва икромга лойиқдир!

\* \* \*

“Одамларнинг яхшироғи ўз қалбида яхшиликка йўл очгани ва ёмонликни ҳамда очкўзликни ҳайдаб чиқарганидир”

(Муҳаммад Зеҳний)

\* \* \*

“Яхшилик ва эзгулик ёмонликдан қочгани янглиғ ёмонлик ҳам яхшиликдан қочиб кетади”. (Мажидиддин Хавофий)

\* \* \*

“Ҳақшунослик деб бир кишининг қилган яхшилигини унутмасликни айтилур. Бутун оламдаги инсонлар ҳақшунослик ва дўстлик орқасида яшарлар. Қарс икки кўлдан чиқар. Шариатда яхшидик қилган кишига яхшилик қилмак вожибдур. Ҳукамолар ёмонлик қилган кишига ҳам яхшилик қилмак лозимдур, дерлар. Ҳосил, яхшиликдан зарар кўрган, боши ёрилган киши йўқдур.

Яхшиликдан дўстлик, меҳрибонлик туғар, икки кўнгил орасида улфат ва муҳаббат чўжуқлари югуришур, қувушурлар. Бу дўстликни жамол ва камоли ҳақшуносликдурки, бировдан кўр-



ган яхшилиқни унутмай, шунинг баробарига биз ҳам ўз вазифа-  
мизни адо қилмак лозим экан, ҳеч бўлмаса, тақдир қилмак ила  
биродарлик ва дўстлик ҳурмати адо қилмақимиз лозимдур.  
Чунки, мўмин биродари мўминдир.

Дилдан дил узра очиладур икки хил йўли,  
Меҳра меҳр йўли очилур, кина кин йўли.

Маълумдурки, ҳар бир миллатни тараққий ва таолийси ўз  
миллатига жон, мол, қалам ила ишлаган кишиларнинг хизматла-  
рини тақдир қилуб, вазифалар, ҳайкаллар, қаламлар ила ёд қи-  
луб, ўтуб кетган баҳодир, олим ва шоирларининг руҳларини шод  
қилуб, ишловчи кишиларнинг ғайрат ва жасоратларини зиёда  
қилмақда экан. Афсус, бизлар тақдир қилмак бир тарафда тур-  
сун, таҳқир, масхара, ҳатто тақфир қилмак ила қаршу олурмиз.

*Яхши ишдур ҳақни тақдир айламак ҳар хизмата,  
Ҳақшунос ўлмак ҳақиқий бир қувватдур, миллата.  
Ҳақшунос ўлмак-ла машҳур эрдилар пайғамбарим,  
Тўғри йўлни ташламак асло ёқишмас уммата”.*

*(Абдулла Авлоний)*

\*\*\*

“Ит қопмайди, от тепмайди дема, негаки бу одат уларнинг  
табиатида бордир”.

206

\*\*\*

“Қариндошларга, қўни-қўшниларга яхшилиқ қил, олган ҳадя-  
ларинг эвазига қимматлироқ нарса ҳозирла”. *(Маҳмуд Кошғарий)*

\*\*\*

“Қадимда эзгу ишларни кўп қилишарди, лекин гапиришмас-  
ди. Кейин ҳам қиладиган, ҳам гапирадиганлар келди. Энди эса  
фақат гапиришмоқда”. *(Умар ибн Ҳорис)*

\*\*\*

“Яхши кишилар ҳақида ёмон гумон қилиш – бадгумонлик.  
Лекин аҳли фисқдан нима фосиқлик зоҳир бўлган эса, шуни гу-  
мон қилишга ҳаққимиз бор”. *(Замжож)*

\*\*\*

“Биронта қоғозга имзо чекмоқчи бўлсанг, бирон одамни ран-  
житиб қўймасликни ўйла”. *(Қози Аҳмад Гаффорий)*

\*\*\*

“Тўзал феъл-атворнинг нишонаси ўн нарсадир: биринчи ни-  
шонаси – яхшилиқ, сўнг – инсофли бўлиш; бошқа одамдан айб  
қидирмаслик; бирон кишида ножўя ҳаракат кўрса, уни яхши

йўлга бошлаш; бир одам ўз айбига икром бўлиб узр айтса, узрини қабул қилиш; бошқалар учун машаққатни ўз устига олиш; фақат ўз манфаатинигина кўзламаслик; очиқ юзли, ширин сўзли бўлиш; муҳтожларнинг ҳожатини чиқариш; мулойим ва тавозуъли бўлишдир” (*Хусайн Воиз Кошифий*)

\* \* \*

“Ёмон ёмонлигини, яхши яхшилигини ташлай олмайди. Мабодо ташласа боши оғрийди, кўзи чиқади”.

\* \* \*

“Кўкармаган дарахтни, албатта, кесиш ва ўрнига янгисини экиш керак”.

\* \* \*

“Яхшиликка ўрганган бир банда осонлик билан яхшилигини кўймайди”. (*Абдулла Қодирий*)

\* \* \*

“Ўз туғилиши, ўз ишлари ва ўз фазилатлари билан ҳеч қандай фойда келтирмайдиган кишининг фақат номигина бор ва у тасо-дифан айтилган мутлақо бемаъни сўзга ўхшар”.

\* \* \*

“Сенинг ҳаётинг сенга қанчалик қимматли бўлса, бошқа махлуқларнинг ҳаёти ҳам ўзига шунчалик қимматлидир. Сен қанчалик ўз ҳаётингни эҳтиёт қилсанг, бошқа кишиларнинг ҳаётини ҳам шунчалик эҳтиёт қила бил”. (*Ҳинд ҳикматларидан*)

\* \* \*

“Агар бирор кишидан яхшилик кўрсанг, у кишини кўп макта, дуо қил... Мусулмонга шафқатли ва меҳрибон бўлиб, ўзингдек мусулмонга атаганигни бер”.

\* \* \*

“Ғуноҳкор кишининг ғуноҳини кечир, адоват илдизини қазиб ташла, кес ва кўчириб от”.

\* \* \*

“Яхши киши ёмонлик қилмайди, у ёмон ишлар учун ўч олиб қайтариб юрмайди”.

\* \* \*

“Улфати яхши кишининг ўзи ҳам яхши бўлади, яхши улфатли кишидан кўп яхшилик келади”.

\* \* \*

“Боши кетган яхшиликнинг сўнги ҳам кетгуси, олди келган хайрнинг охири келгуси”. (*Аҳмад Юғнакий*)

\* \* \*

“Жудаям ширин бўлмагинки, еб қўйишади. Жудаям аччиқ бўлмагинки, туфлаб ташлашади”. (*Буқрот ҳаким*)

\* \* \*

“Одамнинг ташқи қиёфасига эмас, ички дунёсига эътибор бериш керак. Агар одамнинг ташқи қиёфаси ҳам, ички дунёси ҳам гўзал бўлса, янада яхшироқдир”.

\* \* \*

“Ҳақиқий ва комил инсон ёмон хислатлардан, номаъкул ва номағруб хулқ-атвордан пок бўлади, гўзал сифат ва ахлоқ билан ўзини ораста қилади, ҳалол меҳнат қилиб умр кечиради, ёмонлардан четланади, яхшилар қаторидан жой олади, ҳеч кимга озор бермайди”. (*Азиз ибн Муҳаммад Насафий*)

\* \* \*

208

“Али исмлиқ фақир бир бола бор эди. Бир куни оч қолди. Нон излаб кўчага чиқди. Қўшнилardan бирининг Вали исмлиқ бир ўғли бор эди. Вали қўлига бир парча нон ушлаб, эшигининг олдида еб турган эди. Бечора Али эса очликдан ўлум даражасига еткан эди. Валининг қўлидаги нонни кўрғани замон олдига бориб, бўйнин эгиб, “ўртоқжон, озгина нонингдан берсанг-чи”, – деди. Вали эса тош кўнгиллик, шафқатсиз бола эди. Шу сабабли Алининг ҳолига ҳеч бир раҳм қилмай: “Бор кет, санга берадурган ноним йўқ”, – деди.

Орадан кўп вақт ўтмади. Бир куни Валининг бир эчкиси йўқолди. Вали эчкисини ахтармоқ учун далага чиқди. Кўп юрди, охирида ташна бўлди. Ҳар тарафдан сув излади, ҳар бир ердан сув тополмади. Сувсизликдан йиқилмоқ даражасига еткан ҳолда узокдан кўзи Алига тушди. Али бир дарахтнинг соясида қўйларини ўтлатиб, олдига бир кўзада сув қўйиб ўтирмиш эди. Вали шодлик ила Алининг олдига бориб: “Биродар, сув бермасанг, ташналикдан ўлурман”, – деди. Али фақир бўлса ҳам олижаноб бир бола эди. Валининг ҳолига шафқат ва марҳамат қилуб, кўзани узатди. Вали тўйгунича сув ичиб, ташналик балосидан қутулди. Ва ўзининг улда қилган марҳаматсизлигига Алидан афу сўраб, миннатдорлик изҳор этди”.

(“Адибус-соний” китобидан)



\* \* \*

“Одам болалариға лозим бўлган яхши ишларнинг бири мухтожларға шафқат ва марҳамат қилмоқдур. Шафқат ва марҳамат эса биров бир нарсани сўрагон вақтида бор бўлса, аямасдан бермак, агарда йўқ бўлса, ширин сўз ила узр этмоқ ва қўлдан келганича бошқаларға ёрдамда бўлмоқдур. Жаноби Ҳақ таоло ҳамма махлукларни бир-бириға мухтож ва бир-бириға сабаб қилуб яратмишдур. Подшо гадоға, гадо подшоҳға, бой фақирға, кофир мўминға, мўмин кофирға ҳосил, ҳамма бир-бириға мухтождир.

Бу мухтожлиқ ёлғиз инсонлар орасида бўлмай, инсонлар ила дунёдаги жонлиқ ва жонсизларнинг барчасини орасида ҳамма вақт кўрилмақдадур. Инсонлар минмоқ, юкларини ортмоқ, ерлариға экин сочмоқ, сут ва гўштларини емоқ ва ичмоқ учун от, туя, эшак, кўй, сигир, хўкиз, балиқ, товук каби ҳар хил ҳайвонларға мухтож бўлурлар.

Ҳайвонлар эса ризқларини ўткармоқ ва болаларини тарбия қилмоқ учун кўп вақтларда инсонлар тарафидан экилган ўт, пичан ва ғаллаларға ва солинган иморатларға мухтож бўлурлар. Шул сабабли шафқат ва марҳамат тўғрисида инсонлик, ҳайвонлик, кофирлик, мўминлик, яқинлик, узоғлик, бойлик ва фақирлик каби фарқларни эътибор қилмай, барчани баробар кўрмоқ лозимдур”. (Мунаввар қори)

\* \* \*

“Ким яхшилик қиламан, деб ҳаддан зиёд узоқ муҳокама қилса, яхшилик қилишга вақти қолмайди”.

\* \* \*

“Қуш балиқни осмонга кўтариб яхшилик қиляпман деб ўйлайди”. (Р. Тҳакур)

\* \* \*

“Бирон ҳодисанинг яхши ва ёмон эканини билдириш билан унга нисбатан нафрат ёки муҳаббат ҳисси туғдириш орасида жуда катта фарқ бор”.

\* \* \*

“Бошига иш тушган одамни шилиш – ўликнинг кафанини ечиб олишдай гап”.

\* \* \*

“Одамнинг ёмони бўлмайди. Биров тош, биров гул – ўз жойида иккови ҳам яхши”.

\* \* \*

“Ёмонликларни ўйлаган ёмонликка юз тутади. Яхшиликларни ўйлаган эса аксинча, яхшиликларга эргашади. Яхшиликларни ўйлагин, сен ҳам яхши бўласан”. (*Муҳаммад Камол*)

\* \* \*

“Баҳор ёмғири ерга ҳаёт бахш этади. Куз ёмғири эса ўтларни сўлдиради. Бу мисол ориф билан жохилнинг халққа қиладиган таъсирига ўхшайди”. (*Меҳмет Алтунбаши*)

\* \* \*

Мен одамлар учун яшайман!  
Қудратим шундадир,  
фаҳрим шундадир.  
Дўстларим – иқболим, баҳтим шундадир. (*Нозим Ҳикмат*)

\* \* \*

“Ҳар бир хайрли ишни иккинчиси билан шундай маҳкам боғлаб юбориш керакки, ўрталарида заррача ҳам оралиқ қолмасин – мана шуни мен ҳаёт роҳати, деб атайман”. (*М. Аврелий*)

\* \* \*

210  
“Аҳмақона ишлар қилиш пасткашлик, хавф-хатарсиз қилинган эзгуликлар эса оддий бир ҳолдир. Ҳаётини хавф остида қолдирса ҳам катта ва улуғ ишларни қилган одамгина яхши одамдир”.

\* \* \*

“Кўп яхшиликларни йўққа чиқариш учун озгина нуқсон етарлидир”. (*Плутарх*)

\* \* \*

“Яхши нарса ҳурматга сазовордир, ҳурматга сазовор нарса ҳар доим яхшидир”.

\* \* \*

“Инсондаги нуқсонлар худди унинг фазилатларининг давомига ўхшайди. Аммо агар фазилатлар керагидан ортиқ давом этса, кераксиз вақтда ва кераксиз жойда кўзга ташланса, улар нуқсондир”. (*Цицерон*)

\* \* \*

“Қўрққандан эмас, бурч туйғусидан келиб чиқиб бемаъни ишлардан ўзингни тийишинг лозим”.

(*Демокрит*)

\* \* \*

“Ухламоқчи бўлганигда кун бўйи қилган барча ишларингни бир аниқлаб олмагунча кўзингни юмма”. (*Пифагор*)

\* \* \*

“Нима адолатли эканини тушуниш, гўзалликни ҳис этиш, фақат яхшиликни раво кўриш – оқилона йўл-йўриқ мана шудир”. (*А. Платен*)

\* \* \*

“Эзгу ишни ҳеч қачон кейинга қолдирмаслик керак: ҳар қандай пайсалга солишлик ақлга мувофиқ эмас ва кўпинча хавфлидир”.

\* \* \*

“Пасткаш инсонларга яхшилик қилиш денгизга сув ташишга ўхшайди”. (*М. Сервантес*)

\* \* \*

“Фақат яхшилик қилиш кифоя эмас, яхшиликни кулар юз ила қилиш лозим”. (*Диодор*)

\* \* \*

“Яхшиликни табиий ҳолда, махсус тайёрланмасдан, худди гуллар ҳид таратганликлари каби қилмасангиз, ундан не фойда?”. (*С. Моэм*)

\* \* \*

“Яхшилик қиламан деб кўпинча зарар келтириш мумкин, шунинг учун яхшиликни ҳар томонлама ўйлаб қилиш зарур. Муваффақиятсизликдан кўпинча фойдали сабоқ олиш мумкин, шунинг учун янглишиш келгуси ишларга мадад бўлиши мумкин”.

\* \* \*

“Ёмонликни яширин қилиш, яхшиликни эса намоишкорона қилиш ёмон. Шунинг учун ҳам намоишкорона ёмонлик қилиш юзаки, яширин ёмонлик қилиш оғир оқибатли бўлади. Намоишкорона яхшиликдан фойда кам, яширин қилинган яхшилик буюк бўлади”.

\* \* \*

“Бировларнинг ёмон иш қилиб қўйганини эшитиб, уни айб-лашга шошилма. Эҳтимол, у тухматга қолган ҳалол кишидир. Бировнинг бирон-бир яхши иш қилганини эшитиб, унга дўст тутинишга шошилма. Эҳтимол, у ўз қадрини оширишга интилаётган нобакор кишидир”. (*Хун Цзичэн*)



\* \* \*

“Унутиш бу кучли яратувчан мавжудотларнинг буюк сиридир”. (О. Бальзак)

\* \* \*

“Яхши иш ўз кетидан яна бир яхши ишни чорлайди... Ҳар нарсага қарши турса бўлади, лекин яхшиликка қарши туриб бўлмайди... Кимдир томонидан қилинган яхшилик бизни унинг олда қарздор қилиб қўяди”.

\* \* \*

“Яшамоқ нафас олишдан иборат эмас, балки ҳаракат қилиш демакдир. Узоқ умр кўрган киши эмас, балки ҳаёт гўзаллигини бошқаларга яхшилик қилишда, деб билган кишигина узоқ яшган ҳисобланади”.

\* \* \*

“Баъзи одам юз ёшида қабрга кирган бўлади-ю, аслида эса туғилибоқ ўлган бўлади”.

\* \* \*

“Одамлар, инсонпарвар бўлинг! Бу сизнинг биринчи бурчингиз”.

\* \* \*

“Яхши ишларнинг яна бир афзаллиги шундаки, у қалбни юксалтиради ва уни янада эзгу ишларга мойил қилиб қўяди”.

\* \* \*

“Эзгуликда яшашимиз учун биз доимо ўз-ўзимиз билан кураш олиб бормоғимиз керак”.

\* \* \*

“Бемаъни иш қилинган пайтда эмас, балки орадан вақт ўтгач, уни эслаганимизда бизга азоб беради, чунки унинг жароҳати ўчмайди. (Ж. Ж. Руссо)

\* \* \*

“Ҳар қандай бўлмағур ишнинг ўз айбдори, елкасига туширадиган қамчиси бор”. (В. Ключевский)

\* \* \*

“Беғуноҳ бўлиш – айбсиз бўлиш деган сўз, марҳаматли бўлиш эса ўз ярамас ҳис-туйғуларинг ва ниятларингни енгиб ўтишинг демакдир”. (У. Пенн)

\* \* \*

“Инсоннинг ички оламидаги эзгулик – қуёшдир”.

\* \* \*

“Бировга қилинган яхшилик кишини шуниси билан ром этадики, у шафаққа ўхшаб охири ўчиб кетмайди, қайтага янада ёрқинлашиб ўзимизга қайтиб келади”. (В. Гюго)

\* \* \*

“Одамлар гоълар билан эмас, ишлар билан яшайдилар”. (А. Франс)

\* \* \*

“Одам икки марта яшамайди, лекин бир марта яшашни ҳам билмайдиганлар кўп”. (Ф. Рюккерт)

\* \* \*

“Мен эзгуликдан бошқа бирор афзалликни билмайман”.  
(Л. Бетховен)

\* \* \*

“Киши қанчалик доно ва саховатли бўлса, у кишилардаги яхшиликни шунчалик кўпроқ пайқайди”.

\* \* \*

“Инсон ўз яхшиликларини энг сўнгги чегарагача етказишга ҳаракат қилган тақдирда уни нуқсонлар қуршаб ола бошлайди”.

\* \* \*

“Инсон фаришта ҳам, ҳайвон ҳам эмас, унинг бадбахтлиги шундаки, у фариштага ўхшашга қанча кўп уринса, шунча кўп ҳайвонга айлана боради”. (Б. Паскал)

\* \* \*

“Бахтли онларимизда биз ҳамиша саховатлимиз, лекин яхшилик қилганимизда ҳамиша ҳам бахтли бўлавермаймиз”.  
(О. Уайлд)

\* \* \*

“Ҳар қандай эзгулик ошириб юборилган ҳамоно иллатга айланади”.

(Ф. Колльер)

\* \* \*

“Эзгулик – ҳеч эскирмайдиган бирдан-бир либосдир... Энг нозик ниҳоллар ҳам тошдай қаттиқ ерни, қоялардаги ёриқларни ёриб ўсиб чиқади. Яхшилик ҳам худди шундай. Ҳеч қандай тиғ, ҳеч қандай босқон, ҳеч қандай қурол инсон саховатининг қудратига тенг кела олмайди. Унга қарши туролмайди!”.

(Г. Торо)

\*\*\*

“Ўзингдан кейингиларга аввалгидан кўпроқ билим ва бахт қолдиришга интил, бизга мерос қолган нарсаларни такомиллаштириш ва кўпайтириш, тинмай меҳнат қилмоғимиз зарур бўлган соҳа мана шудир”. (Д. Дидро)

\*\*\*

“Ҳар бир субҳи тонгни ўз ҳаётинг ибтидоси деб бил ва қуёшнинг ҳар бир ботишини ўз ҳаётинг интиҳоси деб тушун. Шу кундалик қисқа ҳаётинг қандайдир хайрли иш билан, ўз устингдан бирон-бир ғалаба қозонишинг ёки ниманидир ўрганишинг билан нишонлансин”.

\*\*\*

“Яхшилик қилиш ҳар қандай юксаклик сари ташланган қадмдир; эзгулик қилмасанг, бир кунмас бир кун тубанлик сени ўз қаърига тортади, яхшилик ўрнига ёмонлик қиласан”.

\*\*\*

“Эзгуликни нафрат ёки айниқса адоват билан қилиб бўлмайди. У фақат муҳаббатдан туғилади”. (Ж. Рескин)

\*\*\*

“Барҳаёт Қуёшга тўғри боқинг. Шунда ҳеч қачон сояни кўрмайсиз”. (Х. Келлер)

\*\*\*

“Ўзини севиш бошқаларни сева олиш қобилиятига эга бўлганларда кўринади”. (Э. Фромм)

\*\*\*

“Яхшилик ёмонлик билан, ҳақиқат ёлғон билан, тараққиёт таназзул билан ҳеч қачон келишмаган ва келишиши мумкин эмас”. (Ж. Мадзини)

\*\*\*

“Кунни яхши бошлашнинг энг тўғри усули – уйқудан уйғонман”, деб ўйлашдир”.

\*\*\*

“Яхши кишилар шунинг учун ҳам яхшиларки, уларнинг ёмон бўлишлари учун кучлари етишмайди”.

\*\*\*

“Яхшиларнинг панд-насиҳати жиркантиради, баджаҳлларнинг панд-насиҳати кўрқитади”.



\* \* \*

“Биз ўз дидимизга ёққан нарсанигина мақтаймиз, яъни биз мақтаганимизда ўз дидимизнигина мақтаймиз – бу билан бошқа ҳар қандай яхши дидларга қарши бўлмаймизми?”. (Ф. Ницше)

\* \* \*

“Эзгу ишимиз учун топган савобимизни дунёвий мукофот билан тақдирлаш асносида биздан тортиб олишади”.

\* \* \*

“Ким чинакам қалб эгаси бўлмаса, у эзгулик қилишга қодир эмас: фақат хушфеъллик бўлиши мумкин”.

\* \* \*

“Кишилар жиддий ишларда ўзларини муносиб тутганлари ҳолда, майда ишларда асл қиёфаларини намоён этадилар”.  
(Н. Шамфор)

\* \* \*

“Ожиз кишини кўтариб қўймоқ унча катта иш эмас, кўтариб қўйгандан кейин унга мадад ҳам бериш керак”. (В. Шекспир)

\* \* \*

“Ёмонликни бутун вужуди билан ашаддий нафратлай билган одамгина яхшиликни юракдан сева олади”. (Ф. Шиллер)

\* \* \*

“Ҳаёт мен учун эриётган шам эмас. У менинг қўлимга бир лаҳзага берилган ва мен уни келажак авлодга тутқизишдан олдин мумкин қадар ёруғроқ аланга олдиришга мажбур этишим керак бўлган аллақандай ажиб машъалдир”.

\* \* \*

“Ярамас ниятлардан воз кечиш эмас, балки уларнинг мутлақо йўқлиги ҳимматдир”.

\* \* \*

“Ҳиммат – нуқсонга йўл қўйишдан ўзингни тийишинг эмас, унга интилмаслигингдир”.

\* \* \*

“Тўкилган обрў синган гулдонга ўхшайди – уни чегалаш мумкин, бироқ дарз кетган жойлари доимо кўриниб туради”. (Б. Шоу)

\* \* \*

“Барча яхши ишлар бора-бора ажойиб мевалар беришига қатъий ишонаман”. (М. Ганди)

\*\*\*

“Сенинг қандайдир нотўғри ишларингни ҳеч ким билмаслигини истасанг, бундай ишларни ҳеч қачон қилма”. (Р. Эмерсон)

\*\*\*

“Инсон одамларни севиши керак. Агар у одамларни севса, унинг яшаши осон бўлади. Қувноқроқ яшайди, чунки жаҳонда ҳеч ким одамовилардек бадбин умр кечирмайди”.

\*\*\*

“Ҳаёт фақат ёш билан ўлчанмайди. Йигирма тўрт йилгина яшаганлар ҳам бўлган, юзга чиққан қариялар ҳам бўлган. Фақат ўз нафси учун юз йил яшаган қариялар вақт ўтиши билан унутиб юборилади. Яхшиликни ўзига шиор қилиб яшаган, аммо қисқа умр кўрган йигирма тўрт ёшли йигит эса халқ қалбида узоқ вақт яшайди”. (М. Нин)

\*\*\*

“Ёмонликни чинакам ёмон кўрмаган одам яхшиликни ҳам чинакам яхши кўрмайди”. (Р. Роллан)

\*\*\*

“Эзгулик шундай бир лисонки, у орқали соқовлар тилга кириб, карлар эшитиши мумкин”. (К. Боуви)

\*\*\*

“Яхшилик ва камтарлик – шу икки фазилатдан киши ҳеч қачон чарчамаслиги керак”. (Р. Стивенсон)

\*\*\*

“Бировга яхшилик қилган киши ўзига яхшилик қилган бўлади, яхшиликдан яхшилик кутиб эмас, яхшилик учун яхшилик қилиш керак, чунки бундан одам битмас-туганмас ҳузур олади”.

\*\*\*

“Ҳаёт ҳам масал каби, узунлиги билан эмас, балки мазмуни билан қадрли... Узоқ яшаш эмас, тўғри яшай билишинг муҳимдир... Ҳаёт тўлақонли бўлса, узоққа чўзилади. Уни вақт билан эмас, қилган ишларимиз билан ўлчаймиз”. (Сенека)

\*\*\*

“Бошқаларга шодлик ато этиш – энг ноёб ҳаловатдир... Бошқаларни деб жон куйдириб юрувчи киши ўзининг адолат учун курашаётганига қатъиян ишонади: ўзи учун ниманидир тилаган одам эса худди гадойдек орланиб, уятга қолади”.

(Ж. Лабрюйер)

\* \* \*

“Қайси бир одамнинг у ёки бу бахтсизлигига шерик бўлган тақдирдагина, киши умумбахтсизликни ҳам ҳис қилиши мумкин”. (Ф. Энд)

\* \* \*

“Бошига кулфат тушган одамга яхши сўз билан тасалли бериш, кўпинча темир йўлдаги кўрсаткични вақтида тўғрилаб қўйишдек муҳимдир: ҳаёт йўлида равон ва хавфсиз кетишдан бир қаричгина масофа ажратиб туради” .

(Г. Бичер)

\* \* \*

“Ишлар фикрлар мевасидир. Фикр доно бўлса – ишлар ҳам яхши кўчади”. (Б. Грасиан)

\* \* \*

“Яхши ишда ҳар доим саховат ҳам, куч ҳам бу ишни охирига етказишга хизмат қилади”. (Ш. Монтескье)

\* \* \*

“Яхшилик қилган чоғингда кўксинг қандайдир тоғдек кўтарилиб, қонуний ғурурланасан, соф виждонли одамдагина шундай бўлади”.

217

\* \* \*

“Ҳаёт ўз-ўзича яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам эмас: сиз уни нимага айлантира олишингизга қараб яхшиликнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам уяси бўлиши мумкин”. (М. Монтен)

\* \* \*

“Муносиб яшалган ҳаётни йиллар билан эмас, балки қилинган хайрли ишлар билан ўлчамоқ зарур”. (Р. Шеридан)

\* \* \*

“Йиллар узоқ яшашликдан гувоҳлик бера олмайди; инсон ҳаёти нима иш қилинганлиги ва нимани туйганлиги билан ўлчанади”. (С. Смайлс)

\* \* \*

“Ҳар бир дақиқани чуқур мазмун билан бойита олган киши ўз умрини чексиз узайтирган бўлади”. (И. Курц)

\* \* \*

“Ўйлаган ишинг яхшиликка олиб келмаса, барча эзгу-орзуларинг беҳудадир”. (Ж. Жубер)



\* \* \*

“Ҳаётимизнинг абадий ва олий мақсади – эзгуликдир. Яхшиликни биз қандай тушунмайлик, ҳаётимизнинг ўзи яхшиликка интилишдан бошқа нарса эмас”.

\* \* \*

“Инсон тани учун сихат-саломатлик қанчалик зарур бўлса, қалб учун эзгулик ҳам шунчалик муҳим: эзгулинг бўлса, у ҳар ишда муваффақият келтирса, уни сезмайсан ҳам”.

\* \* \*

“Ясама эзгуликдан ёмони йўқ. Ошқора ёмонликдан кўра одам ясама эзгуликдан кўпроқ нафратланади... Эзгу иш машаққат билан қилинади, лекин бу бир неча бор қайтарилса, кўникмага айланади”.

\* \* \*

“Киши ўзига қанчалик кам талаб қилиб, одамларга шунчалик кўпроқ фойда етказса, унинг яхшилиги шу қадар улғдир; бошқаларга қанчалик кам фойда етказа туриб, ўзига кўпни талаб қилса, ёмонлиги ҳам шу қадар кўпдир”.

\* \* \*

218 “Бир одам учун эмас, балки ҳамма одамларнинг фароғатини кўзлаш ҳамisha муҳим масала бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади”.

\* \* \*

“Доимо бирор иш қилишни жуда истаган пайтингда тўхтаб, истаётган ишинг яхши-ёмонлигини ўйлаб кўр”... “Ишни ўйлаб кўргунча иккилан, ўйлаб кўргач, дадил бўл”... “Яхши ўйласанг, фикрлар пишиб, яхши ишларга айланади”. (Л. Толстой)

\* \* \*

“Беғам бўлманг, гафлатда қолманг! Ҳали навқирон, кучли, тегик экансиз, яхшилик қилишдан толманг”. (А. Чехов)

\* \* \*

“Айрим кишиларнинг қалби сув юқтирмайдиган қоғозга ўхшайди: яқин кишиларнинг кўз ёши уларга сингмай, думалаб тушиб кетаверади”. (П. Вяземский)

\* \* \*

“Яхшилик қилишни биладиган одам эмас, бировга ёмонликни раво кўрмайдиган киши саховат эгасидир”.

\* \* \*

“Шундай одамлар борки, энди одамшавандалик қилаётганинда, қаршингда махлукқа айланиб қоладилар”. (В. Ключевский)

\* \* \*

“Кўп одамлар яшаб туриб яшамайди, фақат яшамоққа уринади”. (В. Белинский)

\* \* \*

“Энг жирканчлиси – дунёда самарасиз яшамоқликдир”.  
(Н. Карамзин)

\* \* \*

“Одамзоднинг табиий интилишларини инсон оддийгина хулоса қилиб, икки оғиз сўз билан: “Ҳамма ҳам яхши яшасин”, дея ифодалаш мумкин”. (Н. Добролюбов)

\* \* \*

“Фақат ақли ва қалби тоза кишигина тўла маънодаги яхши ва ишончли одамдир”. (К. Ушинский)

\* \* \*

“Одамларга меҳр – шундай қанотдирки, у билан инсон ҳаммадан юксакка парвоз қилади... Менимча, инсон то тирик экан, у севади, агар у одамларни севмаса, унинг нима кераги бор!”

\* \* \*

“Энг яхши завқу сафо, ҳаётнинг энг катта қувончи ўзингни одамларга яқин ва керакли деб билишингдир... Умр ўтиб кетмоқда: ким унга етолмаса, аросатда қолади”.

\* \* \*

“Ҳаётда доимо ўзинг эриша олмаган бирон нарсага шайдо бўлиб яшаш керак. Инсон юксакликка интилган сари янада баркамоллашади... Инсон яшашга монелик қилувчиларга қарши курашган тақдирдагина унинг ҳаёти янада мукамал ва мароқли бўлади” (М. Горький)

\* \* \*

“Инсонийлик шафқат ва марҳамат билан бошланади ва ниҳоятсига етади. Инсонийликнинг асли шафқат ва марҳаматдир”.  
(Муҳаммад Камол Пилав)

\* \* \*

“Ичимизда раҳмоний ва шайтоний унсурлар, аъзолар бири-бирига қарши муттасил курашадилар. Бир томоннинг подшоҳи – ақл, ноиби – иймон, лашкарбошилари – илм, жўмардлик, ҳаё,

сабр, гуноҳлардан тийилиш ва шу каби ижобий сифатлар бўлиб, ҳар бирининг юз минглаб аскарлари бор. Қарши томоннинг подшоҳи – иблис, ноиби – нафс, лашкарбошилари – кибр, ҳасад, бахиллик каби ёмон одатлар бўлиб, уларнинг ҳам юз минглаб аскарлари бор.

Ўзлигини, ижобий ва салбий одатларни билмасдан туриб ушбу нозик жангу жадалда инсоннинг шайтоний унсурлар устидан раҳмоний унсурларининг муваффақият қозониши мумкин эмас”. (*Маҳмуд Асъад Жўшон*)

\* \* \*

“Ўйламай қилинган гуноҳ учун сўкмаганларидек, мажбур бўлиб қилинган яхшилик учун ҳам мақташ керак эмас”. (*Еврипид*)

\* \* \*

“Биз бошқа ҳеч нарсага миннатдорчиликдек чинакам миннатдор бўлолмаймиз”. (*М. Эбнер-Эшенбах*)

\* \* \*

“Кўрнамаклик – ожизлик аломати. Буюк зотлар ҳеч вақт кўрнамак бўлмайдилар”.

\* \* \*

Биздан нимадир яхшилик кўрган одамимизни учратсак, дарҳол унинг миннатдорчилик билдиришини эслаб қоламиз. Ваҳоланки, ўзимиз миннатдорчилик билдиришимиз зарур бўлган кишиларни кўрганимизда эса бу нарса хаёлимизга ҳам келмайди”. (*И. Гёте*)

\* \* \*

“Ақлли одамга миннатдорчилик сира оғирлик қилмайди”.  
(*Э. Булвер-Литтон*)

\* \* \*

“Миннатдорчилик барча яхшиликлар ичида энг оддийси бўлгани ҳолда, кўрнамаклик эса барча иллатлар ичидаги энг ёмон иллатдир”. (*Т. Фуллер*)

\* \* \*

“Кўрнамак одамдан ҳам мудҳишроқ яна ким бўлиши мумкин?” (*В. Шекспир*)

\* \* \*

“Миннатдорчилик – энг катта яхшиликларнинг бири. Аммо миннатдорчилик талаб қилишдаги меъёр эса ундан ҳам катта яхшиликдир”. (*Ф. Геббел*)



\* \* \*

“Қилган ҳар бир саховатинг учун миннатдорчилик талаб этиш – савдолашиш деган сўз”. (А. Декурсел)

\* \* \*

“Миннатдорчилик ташаккур билдирилаётган кишининг ҳуқуқи эмас, балки миннатдорчилик айтаётган одамнинг бурчидир; миннатдорчилик талаб қилиш – аҳмоқлик, миннатдор бўлмаслик эса тубанликдир”.

(В. Ключевский)

\* \* \*

“Ёмон киши, айниқса, ўзини яхши киши қилиб кўрсатганида хавfli”. (П. Сур)

\* \* \*

“Агар киши ўзи яхши кўрган одамига яхшилик қилган бўлса, кейин бу ишини ҳар қандай шароитда ҳам эслаб юрмаслиги керак”.

\* \* \*

“Яхшиликка яраша ташаккур билдира олиш ҳам осон эмас, бунинг учун кўп куч сарфлаш керак”.

\* \* \*

“Дунёда ортиқча миннатдорчиликдан кўра ортиқчалик йўқ”.

(Ж. Лабрюйер)

\* \* \*

“Ҳаммага ва ҳар кимга гапириб юриладиган яхшиликни яхши иш деб бўлмаиди”. (Д. Мукержи)

\* \* \*

“Ўзгага қилган мурувватингни дўстга ҳам, душманга ҳам мақтанма”. (Абулқосим Фирдавсий)

\* \* \*

“Нафратимизга учраган кимсаларнинг ёрдамига муҳтож бўлиш оғир мусибатдир”. (Қобус)

\* \* \*

“Кўрнамакка илтифот кўрсатиш – у қадар бахтсизлик эмас, аммо қабиҳ одамдан ёрдам сўраш катта бахтсизликдир”.

\* \* \*

“Яхшиликни дарров қайтараман дейишнинг ўзи кўрнамакликдир”.

\*\*\*

“Деярли ҳамма одамлар майда-майда яхшиликларга шукрона билдирадилар, кўпчилик эса унча арзимайдиган яхшиликлардан миннатдор бўлади, аммо ҳақиқий яхшиликнинг қадрига ҳеч ким етмайди”

\*\*\*

“Киши яхшилик қилишга қодир экан, қадр билмаслар билан тўкнашиш унга хавф солмайди”.

\*\*\*

“Пайти келганда қаттиққўл бўлишга қурби етадиган одамгина эзгулиги учун мақтовга сазовордир: акс ҳолда ироданинг бўшлиги ёки фаолсизлигидан келиб чиқадиган мулойимлик ҳам эзгулик бўлиб туюлиши мумкин”.

\*\*\*

“Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам юқувчан бўлади, шунинг учун кишининг қиладиган барча яхши ишларига ҳам, ёмон ишларига ҳам тақлидчилар топилади”. (Ф. Ларошфуко)

\*\*\*

“Сен дунёда кўрнамак инсонлар борлигидан ранжиб юрибсан. Виждонингдан сўра-чи, сенга яхшилик қилган одамларнинг бари ҳам ўзингдан рўшнолик кўрганми?”. (Сенека)

\*\*\*

“Агар хайрли иш қилсам-да, бу ишим ҳаммага аён бўлиб қолса, мен бундан севинмайман, ўзимни жазолагандек ҳис этаман”.  
(Н. Шамфор)

\*\*\*

“Кўрнамаклар тахмин қилганимиздан кўра анча оз, негаки сахийлар ҳам ўйлаганимизга қараганда анча кам”.  
(Ш. Сент-Эвремон)

\*\*\*

“Кўрнамакликнинг биринчи одими яхшилик қилган одамнинг ниятини синчиклашдир”. (П. Буаст)

\*\*\*

“Кўпинча елкага қўйилган қўл, бир жилмайиш, бир сўз, эшитувчи бир қулоқ, дилдан айтилган сўз ёки кичик самимий муносабатнинг кучини назарга илмаймиз. Аслида, буларнинг ҳаммасида ҳаётимизни ўзгартирадиган куч мавжуд”.

(Л. Пусгаклия)

\* \* \*

“Кимнинг қалби яхшиликка интилдими – у онасининг ёшлигини ўғирлаб, дунёга беҳуда келибди”.

\* \* \*

“Инсонларнинг етакчилари бўлган Пайғамбарларга боқ: доимо яхшилик билан инсонларга хизмат қилдилар. Асло ёмонлик қилмадилар. Ҳақиқий инсонийлик шундадир”.

\* \* \*

“Яхшиликка ҳар ким ҳам яхшилик қила олади. Ёмонликка яхшиликни фақат чин инсонгина қила олади”.

\* \* \*

“Қалбинг эшигини очиб қўйсанг, бошқаларнинг эшигини ҳам оча оласан”.

\* \* \*

“Одам атрофидагиларни севмоғи керак. Агар у барчани сева олса, турмуши яхши ва хушчақчақ бўлади. Чунки дунёда ҳеч ким ёлғиз яшай олмайди. Одамовиликни касб қилган одам ҳаммадан ёмон яшайди. Бошқаларга раҳм-шафқат қилиш, меҳрибонлик, одам фарзандини ўз бағрим, жигарим, деб тушуниб, уларга ҳам ўзини аягандек аяб қараш – буларнинг барчаси юрак ишидир. Одамгарчилик кишининг қалбида бўлади. Шу боис қалбни пок сақламоқ шарт”.

\* \* \*

“Ёмонликка ёмонлик билан жавоб бериш – ҳаққингдир. Яхшилик билан жавоб бериш – инсонийлигинг”.

\* \* \*

“Биров сенга ситам қилган бўлса ёки сен бировга яхшилик қилган бўлсанг, ҳар икковини ҳам унут”.

\* \* \*

“Ҳар бир нарсанинг бир шарафи бор: яхшиликнинг бир шарафи – уни тезроқ ижро қилишдадир”.

\* \* \*

“Яхшиларни ҳам, ёмонларни ҳам унутмангиз! Ўзи учун ва сиз учун жон фидо қилган кишилар ҳақидаги шаҳодатларни чидам билан тўплаб, ибрат олингиз”.



\* \* \*

“Яхши иш яхши сўздан афзалдир, яъниким, ҳар кимнинг сўзлари яхши бўлса-ю, иши ёмон бўлса, фойдасиз шамол кабидир”.

\* \* \*

“Бирор бир кимсага яхшилик қилсанг, шуни билгинки, сенинг саховатингдан у беҳад шод бўлгани каби, сенга ҳам шунчалик завқ касб этади”.

\* \* \*

“Яхшилик ташаккур билан янада зийнатланади ва ташаккур янги яхшиликнинг туғилишига сабаб бўлади”.

\* \* \*

“Ҳар бир нарсада исроф бор. Аммо яхшиликда йўқ”.

\* \* \*

“Одамларнинг қилган хайрли, фойдали ишларини мақтаб ўтиришдан кўра, улар каби хайрли ишлар қилиш афзалдир”.

\* \* \*

“Илтижо билан ёрдам сўровчининг ҳимоячиси бўлишдан яхшироқ яхшилик йўқ”.

\* \* \*

“Инсоннинг неча ёшга кирганини унинг кечирган ойлари, йиллари билан ўлчаманг, қилган хайрли ишлари билан ўлчанг”.

\* \* \*

“Яхшилик ҳақида ўйлаш, ўйлагани каби бўлишга интилиш инсонийлик даъвосида бўлганлар учун зарур қоидадур. Агар киши яхшилик ҳақида ўйламаса, у мудом яхшилик ҳақида ўйлайдиган кишиларга эргашиши ва улардек бўлиши лозим. Қалбида яхшилик яшамаган одам инсонийлик ҳиссидан маҳрум бўлади. Аллоҳ иймон келтирганларга “Яхшилик қилгинки, бу билан нажот топасан”, деган. Шунинг учун сенинг яхши ёки ёмон эканинг қалбингдаги ниятинг ва унинг “меваси” бўлган амалларингда билинади ва ўлчанади. Сенинг инсонийлигинг яхши ният ва амалингга боғлиқдир”.

\* \* \*

“Амал қалбга боғлиқ. Қалб ёмон бўлса, меваси бўлмиш амал ҳам ёмон бўлади. Қалб яхши экан, амал ҳам гўзалдир”.

\* \* \*

“Кундуз кечани таъқиб этган каби яхшилик ёмонликни таъқиб этади”.

\* \* \*

“Бошқаларни ёмонлама. Улар ҳақида яхши гапириб, эзгулик йўлини тут. Бу кишиларга қилинадиган энг катта яхшиликдир”.

\* \* \*

“Бошқаларга яхшилик қилиш учун мард юрак керак. То одамларнинг барчаси чинакам инсонлик даражасига етмагунларича бу юрак толмаслиги ва ишдан тўхтамаслиги шарт”.

\* \* \*

“Инсонларнинг энг яхшиси – ҳақсизликка қарши чиқиб, курашиб ҳалок бўлганлар. Энг ёмони эса – ноҳақлар ва золимлар олдида бўйин эгиб, унинг йўлида ўлганлардир”.

\* \* \*

“Одамлар фоний дунёда ё яхши кишиларга ёки ёмонларга тобе бўларлар. Шу сурат билан яхшилар ёки ёмонлар дафтарига ёзиладилар”.

\* \* \*

“Қилган яхшилигинг туфайли надомат чекма. Яхшилик Аллоҳнинг ризолиги қилингани боис сенинг надоматинг ёмонликка элтиб, яхшиликдаги савоб йўқолишига сабаб бўлади”.

\* \* \*

“Яхшиликнинг илдизи ҳам, ёмонликнинг илдизи ҳам қалбдадир. Ёмонлик қалбдан чиқариб ташланган кун кимса учун савобли кун бўлади. Одам ёмонликка қарши майдонга чиқмаса, яхшилик қила олмайди”.

\* \* \*

“Сенга яхшилик қилган одамни унутма, унутган кунинг инсонийликдан чиқасан”.

\* \* \*

“Яхшилардан ўрнак олган кунинг энг бахтиёр инсон бўласан”.

\* \* \*

“Одам боласи ҳамма нарсани ўргана олади. Лекин нечундир яхшиликка ўрганишга рағбати етишмайди”.

\* \* \*

“Ҳар бир яхшилик – гўзал хулқдир, у иймондан келади. Ҳар қандай ёмонлик ёмон хулқдир, у куфрдан келади”.

\* \* \*

“Яхшилик қилган кишингдан бир кун ёмонлик кўришинг ҳам мумкин. Расулulloҳ (с.а.в.)нинг “Яхшилик қилган кишингнинг ёмонлигидан сақлан”, деган сўзларини унутма.

\* \* \*

“Сени ҳам яхши, ҳам ёмон деганлар бўлади. Буларга шодланма ва қайғурма. Сен уларнинг кўр-кўрона гапларига ишонма. Фақат Аллоҳ таоло наздида яхши бўл, Унинг розилигига эриш. У билан севин”.

\* \* \*

“Ҳаёт можародир. Бу можарода кишилар яхши ёки ёмон нишонларни мўлжаллаб ўқ отадилар. Сен яхшилик ўқи отилган жойга нишон бўлишга интил”.

\* \* \*

“Шаҳвоний севги ёмонликка, илоҳий ишқ яхшиликка етаклайди”.

\* \* \*

“Аллоҳнинг ғазабидан кўрққан кишининг кўлидан кўп яхшиликлар келади. Кўрқмагандан ҳар қандай ёмонлик”.

\* \* \*

“Яхшилик етарли деб, ёмонлик оз, деб билма”.

\* \* \*

“Ит ҳам яхшиликни билади, бироқ, одамлар орасида яхшиликни билмайдиганлар ҳам топилади. Айрим одамлар эса “фашарт”, деган ўз қоидалари билан яшайдилар”.

\* \* \*

“Яхши кишилар бировдан ёмонлик кўрса ҳам яхшиликдан айрилмайдилар. Умри яхшилик қилиш билан ўтган киши вафот этса ҳам, яхшилиги яшайверади”.

\* \* \*

“Тил ва кўнгилни фақат яхшиликка ишлат. Бир куни тил ҳам, кўнгил ҳам кучдан қолганда афсусланма”.

\* \* \*

“Сенга яхшилик қилганларга албатта яхшилик қил. Уларнинг айби бўлса, афв эт, улар учун дуо қил. Ёмонлик қилганларга эса



инсонийлик йўлини кўрсат. Балки сўзинг уларни ислоҳ қилар. Шифобахш дори каби бўлар”.

\* \* \*

“Бир роҳиб олтмиш йил давомида баланд тоғ тепасидаги ибодатхонада умр ўтказибди. Пастдагиларнинг ҳаётидан хабар олиш ниятида отланиб, биттагина қулча олволибди. Унга бир гадо учраб, тиланган экан, қулчани берибди. Йўлда унга бир хотин учраб, фитнага солибди. Роҳиб фитна тўрига илинган онда унга ўлим хабари келибди. Вафотидан сўнг олтмиш йиллик тоат-ибодати тарозининг бир палласига, иккинчи палласига эса ягона зино гуноҳи қўйилганда гуноҳ палласи оғир келибди. Шу пайт бир дона қулча савоби тоат-ибодат палласига қўйилган экан, тарозининг амал палласи босибди”.

\* \* \*

Шундай тоифалар борки, уларнинг яхшиликлари зое кетади. Булар кимлар?

\*бировга эҳсон қилгандан сўнг унга миннат қилганлар; \*бировни кечирганидан сўнг унга азият берганлар; \*тузалмас дангаса ва ёлғончи одамларни тарбияламоқчи бўлган ҳукмдорлар; \*қўрслиги мулоҳимлигидан, зулми раҳматидан устун бўлган раҳбарлар; \*нонқўр фарзандларига ҳаддан ташқари умид боғлаган меҳрибон оналар; \*бировнинг ҳаққидан қўрқмайдиган одамларни мўътабар ҳисоблаб, уларга омонат берган сахий олижаноблар; \*ўртоқларининг бемаъни суҳбатлари билан фахрландиганлар, тўғри ва мўмин одамларга ишонмаганлар.

\* \* \*

“Донишманд дедики: “Эй одам, сен онадан туғилган вақтингда йиғлаб дунёга келдинг, аммо атрофингдагилар куларди. Энди сен жамият учун фойдали одам бўлиб етиш, халқнинг ҳурмат, муҳаббатига сазовор бўл. Дунёдан ўтар экансан, атрофингдагилар йиғлаб қоладилар, аммо сен кулиб кетарсан, чунки қилган гўзал ишларингни жамият унутмайди, номингни ҳурмат билан эслайди”.

### ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН:

- \* Яхшилик қил – дарёга сол, балиқ билур. Балиқ билмаса – Холиқ билур.
- \* Миннатдорлик айтиш – эзгу эҳтиёж, бахтдир – инсон очса инсонга қулоч.
- \* Сувга солсам, кўтармас мисқол темирни, олтин билан олиб бўлмас қолган кўнгилни.
- \* Мурувват эгаси зулм қилишни билмайди.
- \* Қошиқ билан ош бериб, сопи билан кўз чиқарма.
- \* Қудуқни ким қазир, сувини ким ичар.
- \* Ўтиб кетгунча экиб кет.
- \* Икки яхши уришса – ўзгаларга ем бўлар.
- \* Яхши билан юрсанг, етарсан муродга, Ёмон билан юрсанг, қоларсан уятга.
- \* Яхшини мақтаган ярашур, ёмонни мақтаган адашур.
- \* Яхшилиикни эрдан сўра, эр билмаса – элдан сўра.
- \* Ёмоннинг яхсиси бўлгунча, яхшининг ёмони бўл.
- \* Уйинг тор бўлса ҳам, кўнглинг кенг бўлсин.
- \* Яхшилик нур келтирар, ёмонлик – зулмат.
- \* Ёмонга бош бўлгунча, яхшига йўлдош бўл!
- \* Яхшиликни қадрловчи киши ўзини муносиб сақлар, Зарарни эсига келтирмай, доимо яхшиликни кўзлар.
- \* Илтижо билан ёрдам сўровчининг ҳимоячиси бўлишдан яхшироқ яхшилик йўқ.
- \* Яхши юрган ерига – тинчлик солар элига, Ёмон юрган ерига – ўт қўяди элига.
- \* Икки яхши қўшилса – бирини бири қийишмайди, Икки ёмон қўшилса – кенг дунёга сиғишмайди.
- \* Йўрғанинг қадри елганда билинар, Яхшининг қадри ўлганда билинар.
- \* Яхши айтар: “йўл қўйдим”; ёмон айтар: “мен енгдим”.
- \* Яхши билан дўстлашсанг, ўлгунингча хушлашар.
- \* Яхши билан йўлдош бўлсанг – етарсан йироққа, Ёмон билан йўлдош бўлсанг – тушарсан тузоққа.
- \* Яхши билан йўлдош бўлсанг – ишинг битар, Ёмон билан йўлдош бўлсанг – бошинг кетар.
- \* Яхши билан йўлдош бўлсанг – холва билан шакар, Ёмон билан йўлдош бўлсанг – обрўйинг тўкар.
- \* Яхши билан юрдим, йўлимни топдим, Ёмон билан юрдим, гўримни топдим.
- \* Яхши билан юрсанг – кунда бозор,

- Ёмон билан юрсанг – кўнглинг озар.
- \* Яхши билиб, ёмон тилиб сўзлар.
  - \* Яхши бир тавба қилади, ёмон – юз.
  - \* Яхши – боғу бўстон, ёмон – қора қозон.
  - \* Яхши бўлсанг – яқин кўп.
  - \* Яхши бўлсанг яшарсан, насибангни ошарсан.
  - \* Яхши бўлсанг – ўзарсан, ёмон бўлсанг – тўзарсан.
  - \* Яхши жонингга ўртоқ, ёмон – нонингга.
  - \* Яхши йиғит билан яхши от – кўпники.
  - \* Яхши одам ўйнаб-кулиб кечирар,  
Ёмон одам қону зардоб ичирар.
  - \* Яхши ошини ер, ёмон – бошини.
  - \* Яхши суйдирар, ёмон – сўндирар.
  - \* Яхши – шарофатли, ёмон – касофатли.
  - \* Яхши – эл ғамида, ёмон – ўз ғамида.
  - \* Яхши юрган ерида тинчлик солар элига,  
Ёмон юрган ерида ўт кўяди элига.
  - \* Яхши яхшига ёндаштирар, ёмон-чи, йўлдан адаштирар.
  - \* Яхши ўзини ёмоннинг ёнида танитар.
  - \* Яхши панд едирар, ёмон – панд.
  - \* Яхшига эл дил очар, ёмондан турмай қочар.
  - \* Яхшига қора юқмас, ёмонга эл боқмас.
  - \* Яхшида гина бўлмас, ёмондан гина кетмас.
  - \* Яхшидан ёмон чиқди, деб куюнма,  
Ёмондан яхши чиқди, деб суюнма.
  - \* Яхшидан – назар, ёмондан – хазар.
  - \* Яхшиларга хизмат қилсанг, ҳам айтади, ҳам қайтади.
  - \* Яхшилик икки жаҳонни орттирар.
  - \* Яхшилик нур келтирар, ёмонлик – зулмат.
  - \* Яхшилик тўрга элтар, ёмонлик – гўрга.
  - \* Яхшилик яхшидан қайтар, ёмон – юзига айтар.
  - \* Яхшилик қил, уйингга айтма.
  - \* Яхшилик қилмасанг, ёмонлик ҳам қилма.
  - \* Яхшилик қилсанг, яшир; яхшилик кўрсанг, ошир.
  - \* Яхшиликни дарёга қил, биёбондан топ.
  - \* Яхшиликни эрдан сўра, эр билмаса, элдан сўра.
  - \* Яхшини кўриб фикр қил, ёмонни кўриб – шукр.
  - \* Яхшини сўксанг – суягидан ўтар,  
Ёмонни урсанг – терисидан ўтар.
  - \* Яхшининг бели сингунча, ёмоннинг кўзи кўр бўлсин.
  - \* Яхшининг иши – жаннат, ёмонники – касофат.
  - \* Яхшининг насиҳатига кирмаган, ёмоннинг йўлига юрар.



- \* Яхшининг тилаги ҳам яхши, ёмоннинг нияти ҳам ёмон.
- \* Яхшининг яхшига ортар ҳиммати,  
Ёмоннинг яхшига ортар иллоти.
- \* Яхшининг қурбони бўл, ёмонни калтаклаб ур.
- \* Ўзингга раво кўрмагани ўзгага ҳам раво кўрма.
- \* Ўзингга яхшилик тиласанг – ўзгага ёмонлик қилма.
- \* Ўлганда гўринг кенг бўлсин, тирикликда – феълинг.
- \* Ўтиб кетгунча экиб кет.
- \* Қошиқ билан ош бериб, сопи билан кўз чиқарма.
- \* Қоқилса – суя, йиқилса – кўтар.
- \* Қуш кўнглини оғритма.
- \* Ғараз мараздан ёмон.
- \* Ҳар ким ўз қилмишидан топар,  
Ҳар кимнинг амали ўз оёғидан.
- \* Бир кишининг ҳаётини сақлаб қолиш етмиш ибодатхона  
солишдан ҳам яхшидир. *(Хитой мақоли)*
- \* Биров бутун бир боғни ҳадя қилади, бошқа биров эса бир  
бош узум ҳам бермайди. *(Арман мақоли)*
- \* Олижаноб кишидан илтимос қилсанг, тилакларинг бажо  
келтирар, мурувватсизга мурожаат қилсанг – қовоғин солар.
- \* Мукофотлашга пулинг бўлмаса, бошини силаб кўйишга кў  
линг бўлсин. *(Туркман мақоли)*
- \* Бир мурувватли киши халқнинг ҳамма ташвишларини ўз  
зиммасига олар, бошқа бир “олижаноб” киши эса бутун  
чорвани еб қўяр.
- \* Яхши одам қариликда ҳам ақлу ҳушини йўқотмас.  
*(Қирғиз мақоли)*
- \* Яхшидан етар шарофат, ёмондан етар касофат”.  
*(Тоҷик мақоли)*

## ЖАҲАННАМ КАЛИТИ

“Сен ҳаргиз Аллоҳ золимлар қилаётган нарсадан ғофил, деб гумон қилма. Фақатгина уларни кўзлар қотиб қоладиган кунгача қўйиб қўяди, холос. Улар бошларини кўтарган ҳолда югурурлар. Кўзлари ўзларига қайтмас. Кўнгиллари эса, бўм-бўш бўлур”. (Қуръони Карим маъноларининг таржимаси, Иброҳим сурасидан)

### Тафсири:

Бу ояти карималар Пайғамбар (с.а.в.)га хитоб қилиши билан бошланмоқда. У зотни Аллоҳ таолони ғофил деб гумон қилмасликка чорланмоқда. Албатта, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч қачон “Аллоҳ таоло ғофил”, деб гумон қилмайдилар. Лекин баъзи кишилар зоҳирда золимларга ҳеч нарса бўлмай, ўйнаб-кулиб юрганларини кўрганда турли хаёлларга боришлари мумкин. Баъзилар “фалончилар шунча золимлик қилса ҳам, уларга ҳеч нарса бўлмайди-я, Аллоҳнинг иқоби золимларга келадиган бўлса, ўшаларга келиши керак эди”, деган фикрларни хаёлдан ўтказишлари мумкин... Аллоҳ таоло золимларнинг ҳамма қилаётган ишларини жуда яхши билади. Ул Зотнинг фаришталари золимлар қилган ишларнинг заррачасини ҳам қолдирмай ёзиб, ҳисоб-китоб қилиб турибди. Золимларга гуноҳ қилган пайтдаёқ азоб келмаслиги Аллоҳ уларнинг амалидан ғофил қолганини англатмайди, балки атайлаб азобни ортга сурганини билдиради... “Кўзлари қотиб қоладиган кун” деганда қиёмат куни тушунилади. Ўша кундаги даҳшатдан, қўрқинчдан одамларнинг кўзлари қотиб, юмилмайдиган, қимирламайдиган бўлиб қолади. Золимларга ўша кун азоб-уқубат келади. Бу дунёдаги заррача ёмонликлари учун ҳам жазо оладилар. Улар қиёмат кунининг даҳшатидан, у кунда бериладиган азобдан қўрқиб, қочишига жой топа олмаган қушчага ўхшаб, типирчилаб қоладилар...

\* \* \*

“Бас, ким ҳаёти дунёдалик пайтида зарра мисқоличалик яхшилиқ қилса, Қиёмат кунида ўшани кўрур. Ким зарра мисқоличалик ёмонлик қилса, уни ҳам кўрур!” (Залзала сурасидан)

\* \* \*

“Уларга Аллоҳ жабр қилгани йўқ, балки улар ўзлари ўз жонларига жабр қилгувчи бўлдилар”. (Наҳл сурасидан)

\* \* \*

“Албатта, Аллоҳ одамларга ҳеч зулм қилмас, лекин одамлар ўзларига зулм қилурлар”. (Юнус сурасидан)

\* \* \*

“Зулм қилганлар азобни кўрган вақтларида, улардан у енгиллатилмас ва уларга муҳлат ҳам берилмас”. (Наҳл сурасидан)

\* \* \*

“Бузғунчилик қилганликлари сабабли азоб устига азобни зиёда қилурмиз”. (Наҳл сурасидан)

\* \* \*

“Аллоҳ золимларни севмайди”. (Оли Имрон сурасидан)

\* \* \*

“Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят этмас”. (Тавба сурасидан)

\* \* \*

“Балки ёмонлик – гуноҳларни касб этган кимсалар ҳаётларида ва ўлимларида, Биз уларни ҳам иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар билан тенг тутмоғимизни истайдиларми? Нақадар ёмон ҳукм қилурлар-а!”. (Жосия сурасидан)

\* \* \*

“Ёмонликларни қилиб юриб, бирларига ўлим етганда: “Энди тавба қилдим”, деганларга ва кофир ҳолларида ўлганларга тавба (қайтиш) йўқ. Ана ўшаларга аламли азобларни тайёрлаб қўйганмиз”. (Нисо сурасидан)

**Тафсир:**

Кофир ҳолида ўлганларнинг борар ери ўз-ўзидан маълум – дўзах. Уларнинг тавбалари ботил ва ҳеч қачон қабул бўлмайди. Аммо мўмин бўла туриб мўминликка тўғри келмайдиган иш қилганлар-чи? Уларга ўзларини ўнглаб олиш имкони берилган эди. Тавба эшиги очилган эди. Улар гуноҳларига тавба қилишлари, яъни гуноҳдан қайтиб, савобга юришлари керак эди. Аммо вақтида бу ишни қилмади. Энди ўлим кўзига кўриниб қолганда, “тавба қилдим” деганидан нима фойда?

\* \* \*

“Улар ўзларига зулм етган вақтда унга қарши курашиб ғолиб бўладиган зотлардир...”. (яъни, ноҳақ тажовуз ва зулм етганда ҳору зор бўлиб қолмай, иззатлари, ватанлари, дину диёнатлари учун душман устидан ғолиб кела олиш керак. Бу ҳам мўминлик учун шарт бўлган сифатлардан. Насроний динида “ўнг юзингга урсалар, чап юзингни ҳам тутиб бер”, деб золимларга мутеълик тарғиб қилинса, Ислолда мўмин ҳар қандай зулмга қарши курашиб ғолиб бўладиган кишидир. Зотан, золимнинг зулмидан қўрқиб, ҳақсизлик,



адолатсизликка қарши тура олмаган одамнинг иймони комил иймон ҳисобланмас)

“Ҳар қандай ёмонликнинг жазоси худди ўзга ўхшаган ёмонликдир (яъни ҳар бир ёмонликнинг ўзига яраша жазоси бордир) ... Энди ким интиқом олишга қодир бўлгани ҳолда афв қилиб ўртани тузатса, бас, унинг ажри Аллоҳнинг зиммасидадир. Албатта, у зулм қилувчиларни севмас”.

“Фақат одамларга зулм қиладиган ва Ерда ноҳақ ҳадларидан ошадиган кишиларни айблаш ва зулмнинг зўравонликлари учун жазолашгагина йўл бордир. Ана ўшалар учун аламли азоб бордир”. (Шўро сурасидан)

\* \* \*

“Ким зулмдан кейин тавба этса ва амали солиҳ қилса, Аллоҳ албатта тавбасини қабул қилади. Шубҳасиз, Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли Зотдир”. (Моида сурасидан. Анъом, Наҳл сураларида ҳам шу маънодаги оятлар мавжуд)

### **Тафсир:**

Гуноҳ қилган банда тавбага шошилмоғи лозим. Аммо бу ояти каримага чуқурроқ назар соладиган бўлсак, унда: “Тавба этса ва амали солиҳ қилса”, дейилмоқда. Мусулмон одам учун ёмонликдан тўхташнинг ёки қайтишнинг ўзи кифоя эмас экан. Ёмонликдан қайтиши билан бирга, яхшилик амалларини қилиши зарур экан. Чунки “Албатта яхши ишлар ёмон ишларни кетказади”. (Ҳуд сурасидан) Расулulloҳ бу хусусда дедилар: “Қаерда бўлсанг ҳам, бирор ёмон иш қилиб қўйганингдан сўнг дарҳол уни ювиб юборадиган бирор яхшилик қилиб, одамларга қўшил”. Киши ёмонликни қилмай қўйиб юраверса, орада бўшлиқ пайдо бўлади ва бу бўшлиқ уни яна ёмонотликка қайтариши мумкин. Шунинг учун ҳам яхшилик қилиши, тавбани қабул этиши шартларига қўшилмоқда. Ўғриликка қўл урган одам афсус ила тавба қилиб, унинг шартларига риоя этса, Аллоҳ таоло ҳузурда албатта унинг тавбаси қабулдир. Аммо у қўлга тушиб, иши қозихонага етса, унга нисбатан жазо чораси қўлланилиши шарт. Бу ерда уни кечириб бўлмайди. Пайғамбаримизнинг даврларида бир одам қимматбаҳо ридосини бошига қўйиб ухлаб ётганида, бошиқа бир шахс аста келиб, уни ўғирлайди. Бироқ, дам ўтмай қўлга тушади. Ридонинг эгаси уни ушлаб, Пайғамбаримизнинг ҳузурларига олиб боради. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ўғрининг қўлини кесишга амр қиладилар. Шунда ридонинг эгаси раҳм қилиб: “Майли, мен розиман, битта ридо учун қўли кесилиб кетмасин”, дейди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом унга: “Шу гапингни буни менинг олдимга олиб келмай туриб айтганингда бўлар эди. Жазо ҳукмини бекор қилиши энди мумкин эмас”, дедилар.

Ўғрининг айбўни ўғирланган мол эгаси кечиб юбора олмаганидек, ҳоким ҳам, ким бўлишидан қатъи назар, кечиб юбора олмайди.

Мадинаи Мунавварада бир аёл ўғирлик қилиб қўлга тушадди. Унинг қариндош-уруғлари бундан қаттиқ ташвишландилар. Агар қўли кесилса, бутун уруғимизга ор бўлади, деб қайғурадилар. Маслаҳатлашиб, “Усома ибн Зайд Пайғамбаримизнинг эркаси, уни ишга солайлик, кечириб юборсалар ажаб эмас”, дейишади. Усома ибн Зайд (р.а.) воситачилик қиладилар. Шунда Расулulloҳ (с.а.в.) қаттиқ ғазабландилар ва масжидда жамоат намозидан сўнг хутба қилиб: “Сизларга нима бўлдики, Аллоҳнинг ҳаддидан бўлмиш бир ҳадда менга воситачи қўясизлар. Аллоҳга қасамки, агар Муҳаммаднинг қизи Фотима ўғирлик қилса ҳам, қўлини кесаман! Сиздан олдин ўтганларнинг ҳалок бўлишига сабаб ҳам оддий одамга ҳадни (шаръий жазони) жорий қилиб, обрўлига эса жорий этмаслик эди”, дедилар.

\*\*\*

“Сиз улар қилаётган ёмонликни (кофирларнинг ёмонлиги назарда тутилган) гўзал сўзлар билан даф этинг”. (Муъминун сурасидан)

\*\*\*

“Улар ёмонликни яхшилик билан даф қилурлар”. (Қасос сурасидан)

\*\*\*

“Улар қилинган ёмон ишлардан бир-бирларини қайтармас эдилар. Бу қилмишлари нақадар ёмон иш!”. (Моида сурасидан)

\*\*\*

“Аллоҳ ёмон гапни (сўз билан) ошкор қилишни хуш кўрмайди. Магар мазлумдан бўлса, майли. Аллоҳ эшитувчи ва билгувчи зотдир”. (Нисо сурасидан)

#### **Тафсир:**

Қалбида тақвosi, виждонида ҳассослик бўлмаган одам ҳар қандай ёмон сўзни осонгина ошкора қилади. Атрофга ёяди. Ёмон сўзнинг тарқалиши кишиларни ва жамиятларни разолат ботқоғига ботирувчи ҳолдир. Ёмон гап-сўзларнинг тарқалиши кишилар ўртасидаги ўзаро ишончни йўқотади. Жамиятда ёмонлик ғолиб бўлгандек қилиб кўрсатади. Одамлар қалбида ишончсизлик ва умидсизлик руҳини тарқатади. Ёмон гапни ошкор қилиш икки одамнинг бир-бирини сўкишидан, ёмонлашдан ва ғийбат-бўхтон қилишидан бошланади. Сўнгра, аста-секин катталашиб, жамиятни ҳалокат жарри сари олиб келади. Ёмон сўзни ошкор қилишга мазлум, жабр чеккан одамгагина рухсат. Мақсад – золимнинг зулмидан жамият-

ни хабардор этиши (Тафсиллар муаллифи шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф)

\* \* \*

Бир одам ҳазрати Умарга “Аллоҳнинг китобидаги энг шиддатли ва қўрқинчли оятни биламан”, деди. Ҳазрат Умар бир чўп олиб, танбех учун уни аста уриб қўйдилар ва:

– Ўзингча қандай “тадқиқот” ўтказдингки, бундай бир оятни учратдинг? – дегач, ҳалиги киши кетди. Эртасига ҳазрати Умар унга учрашиб: “Сен айтмоқчи бўлган қайси оят эди?” деб сўрадилар.

– “Ким бирор ёмонлик қилса, албатта жазосини кўради”, оятидир. Зеро, ҳеч ёмонлик қилмаган одам йўқ. Шунга кўра, бирор тамиз ҳам азобдан қутула олмаймиз (нажот топа олмаймиз), – деди у киши. Ҳазрати Умар унга жавобан дедилар:

– Бу оят нозил бўлганида биз шунчалар қўрқдик-ки, ҳатто овқат еёлмай қолдик. Ниҳоят, Аллоҳ таоло: “Ким бирон-бир ёмон иш қилса ёки ўз жонига жабр қилса, сўнгра Аллоҳдан мағфират сўраса, Аллоҳнинг мағфират қилгувчи ва меҳрибон эканини топар-қўрар”. (Нисо сурасидан) мазмунли ояти каримасини нозил қилди.

Ҳадиси қудсийдан:

“Эй Одам фарзандлари! Мен зулмни ўзимга харом қилдим, бас, бир-бирингизга зулм қилманглар”.

\* \* \*

“Эй Одам фарзанди! Бирор заиф инсонга зулм ва зўравонлик қилишга нафсинг сени чорласа, ундан бурун ҳамиша ўзингдан кўра қудратлироқ Зот борлигини эсла. Ўша Зот сени ҳалиги заиф инсондан зўрроқ қилиб қўйгани каби, хоҳласа уни ҳам сендан зўрроқ қилиб қўйиши мумкин”.

\* \* \*

“Эй Одам фарзанди, билгинки, Мендан бошқа ёрдамчиси йўқ бечораҳол одамга зулм қилганларга нисбатан ғазабим қаттиқ”.

\* \* \*

“Эй Одам фарзанди, ёмонлик ва ёвузликлардан ўзингни узоқ тут. Зеро, ёмонлик дўзахнинг калитидир. Бу калит ўз эгасини албатта дўзахга бошлаб боради”.

\* \* \*

“Эй Одам фарзанди, эшитгин, кимики бир мискинга жабр қилса, мен уни Қиёматда чумоли сифатида хору зор қилиб турғизаман”.



\* \* \*

“Э Одам фарзанди! Яхши эшитиб олгинки, бандаларимдан ҳеч бири, ўзининг зулми, макр-ҳийласи, чақимчилиги, тажовуз-корлиги ва ғаразу ҳасадидадан одамларни тинч қўймагунича, ўзи ҳам Менинг азобларимдан тинч ва омон бўлмайди”.

\* \* \*

“Эй бандаларим, бу дунёда зулм қилишни қўйинглар, шу сизларга охират азобидан енгилроқдир”.

\* \* \*

Шарафли ҳадисларда Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

“Зулмдан тийилинг, зеро зулм Қиёмат кунининг зулмат ва қоронғуликларидир”.

*(Шарҳ: араб тилида бирор нарсани ўз ўрнидан бошқа ерга қўйишига “зулм” дейилади. Истилоҳда эса, бировга ноҳақдан ёмонлик қилиш зулм дейилади. Бировга унинг ўз айбига яраша таъзир берши жазо ҳисобланади. Аммо ўша таъзирни ҳаддан ошириб юборши зулм бўлади. Беайб одамга ёмонлик қилиш эса, бошдан-оёқ ҳаммаси зулм бўлади)*

\* \* \*

“Агар само аҳли ва дунё аҳли биргалашиб бир мўминни ўлдирсалар, Аллоҳ барчасини дўзахга юзгубан ташлайди”.

\* \* \*

“Золимларга ёрдам берган кимсага Аллоҳ ўша золимни бало қилиб қўяди”.

\* \* \*

“Сиздан ким бир ёмон ишни кўрса, қўли билан ўзгартирсин, агар унга қодир бўлмаса, тили билан ўзгартирсин, агар унга ҳам қодир бўлмаса, қалби билан ўзгартирсин. Бу иймоннинг заифлигидандир”.

\* \* \*

“Ким бировга унинг обрўсиданми ёки бошқа нарсадами озгина зулм қилган бўлса ҳам бугун – динор ҳам, дирҳам ҳам бўлмай қолмасдан аввал ундан розилик сўраб олсин. Агар унинг солиҳ амали бўлса, ундан қилган зулми миқдорича олинади. Агар унинг савоблари бўлмаса, соҳибининг гуноҳларидан олиб, унга юкланади”.

\* \* \*

“Ким бир қарич ерни ноҳақдан олса, қиёмат куни унинг бўйнига етти қават ерга ютқазилади”. (Шарҳ: бошқа ривоятда “Ким бир қарич ерни зулм ила олса, қиёмат куни унинг бўйнига етти қават ер ўралади”, тарзида баён қилинади. Маълумки, қадимдан то ҳозирга қадар ҳам кишилар орасида ер талаши бўлб келади. Тушунмаган одамлар турли воситалар билан бир қарич бўлса ҳам бировнинг ерини ўзига қўшиб олишга ҳаракат қиладилар. Бу зулмни қилган одам қиёмат куни мислсиз азобга дучор қилинади. Уни етти қават ерга ютқазилади ва унинг бўйнига етти қават ер тавқи лаънат қилиб ўраб қўйилади)

\* \* \*

“Кишининг ёмонлигига мусулмон биродарини таҳқирлаши етарли далилдир”.

\* \* \*

“Биродарига озор етказадиган назар билан ишора қилиш мўмин кишига ҳалол эмас”.

\* \* \*

“Ким ўз қулига зулм қилиб уни ноўрин урса, қиёмат куни албатта ундан қасос олинади”. (Расулulloҳ (с.а.в.) Умми Саламанинг уйларида бўлганларида чўрини чақирдилар. Чўри дарров келмади. Расули акрамнинг муборак юзларида норозилик аломати кўринди. Чўрига мисвакни кўрсатиб: “Қиёмат куни ўч олиш хавфи бўлмаганида эди, мен сени шу мисвак билан урган бўлардим”, дедилар)

\* \* \*

“Бир аёл ўзининг мушуги туфайли дўзахга кирди. Уни боғлаб қўйиб, унга таом ҳам бермади, уни ердаги нарсалардан емоғи учун қўйиб ҳам юбормади. У озиб-тўзиб ўлди”.

\* \* \*

“Ким ўз биродарига темир парчаси ила ишора қилса (ўқталса) ҳам фаришталар ўшани қўйгунча уни лаънатлаб турадилар. Агар ўша ўзининг ота бир ёки она бир ака-укаси бўлса ҳам”.

\* \* \*

“Бирортангиз силоҳ ила ўз биродарига ишора қилмасин. Яна шайтон қулига тегиб қўйиб, дўзахдан бир чуқурга тушиб турмасин”.

\* \* \*

“Лоқайд одам бўлманглар. “Одамлар яхшилик қилса, яхшилик қиламиз, одамлар зулм қилса зулм қиламиз”, деманглар.

Аммо ўзингизини одамлар яхшилиқ қилсалар, яхшилиқ қилишга, агар улар ёмонлик қилсалар, зулм қилмасликка ўргатинглар”.

\* \* \*

“Мўминга зарар келтирган ёки унга макр қилган малъундир”.

\* \* \*

“Аллоҳ наздида энг азиз банда қасосга кучи етса ҳам кечира олганидир”.

\* \* \*

“Ким ёмон бир иш қилса, у ишнинг гуноҳи ва бу иш ила амал қилганларнинг гуноҳи ўша ёмонликни биринчи бўлиб қилган кишига ёзилади”.

\* \* \*

“Қиёмат куни мўмин бандалар дўзахдан қутилганларидан кейин жаннат билан дўзах ўртасидаги кўприкда тўхтатилади ва ёруғ дунёда ораларида бўлган турли зулмлар учун бир-бирларидан қасос оладилар. Шу қасос олишдан тозаланиб бўлганларидан сўнггина жаннатга киришлари учун рухсат берилади. Мўмин бандаларнинг ҳар бири дунёдаги ўз жойига адашмай боришда қанчалик моҳир бўлса, жаннатдаги жойига боришда ундан кўра ҳам моҳирроқ бўлади”.

\* \* \*

“Фаразан бир тоғ иккинчи тоққа зулм қилса, бу зулм қилувчи тоғ албатта майда-майда қилиб юборилади”. *(Шарҳ: зулм шундай ёмон хулқ-ки, у асло кечирилмайди. Бу инсонлар ва ҳайвонлар учунгина эмас, ҳатто тоғ каби жамодот (ноорганик жисм)лар ҳам бир-бирига таъддий (ҳужум) қилса, албатта ўчини олиб берилади)*

\* \* \*

“Одамлар ичида Аллоҳнинг нафратига энг лойиқ кимса ашаддий хусуматчи кишидир”.

\* \* \*

“Ким гап нимада эканини англамасдан хусуматга киришса, то ундан суғурилиб чиққунча, Аллоҳнинг ғазаби остида бўлади”.

\* \* \*

Ҳазрати Ҳанзала Расулуллоҳ (с.а.в.)ни зиёрат қилмоқчи бўлдилар. Воил ибн Ҳожар деган зотни ҳам ёнларига олдилар. Йўлда Воил ибн Ҳожарнинг душманлари учраб, уни қўлга олмоқчи бўлибдилар. Шунда Ҳанзала ҳазратлари: “У менинг биродарим”, деб



қасам ичди. Душманлар унинг сўзига ишониб, Воилга тегмадилар. Расулulloҳ (с.а.в.) хузурларига келишгач, Ханзала бу воқеани баён этдилар. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: “Тўғри айтибсизлар, мусулмон-мусулмонга ака-укадир. Унга зулм қилмайди, молини ноҳақ тортиб олмайди, ҳаққини ҳам камайтирмай беради”.

\* \* \*

Молик ибн Анас ривоят қилдилар: Аллоҳнинг расули: “Золим биродарингга ҳам мазлум биродарингга ҳам ёрдам бер”, дедилар. “Э Аллоҳнинг элчиси, мазлумга-ку, ёрдам бераман, аммо золимга қандай ёрдам берай?” – деб сўрадим. Айтдилар: “Уни зулмдан қайтарсанг, ана шу сенинг унга ёрдамингдир”.

\* \* \*

Расулulloҳ (с.а.в.) саҳобалардан сўрадилар:

– Умматимнинг муфлисини биласизларми?

– Муфлис дирҳами ҳам, динори ҳам, матоси ҳам бўлмаган кишидир, – деб жавоб қилдилар.

Аллоҳ расули дедилар:

– Умматимнинг муфлиси Қиёмат куни намоз, рўза, закот билан келади. Шу билан бирга бировни сўккан, бировнинг молини еган, бировни зинокор деб айблаган, бировнинг қонини тўккан, бировни урган... Шу ишлари учун унинг яхшиликларидан олинади. Агар яхшиликлари тўловларини тўлашга етмаса, жабрланганларнинг хатолари олинаиб, унга берилади, сўнг дўзахга улоқтирилади.

\* \* \*

Расулulloҳ (с.а.в.)дан: “Қандай қулни озод қилган яхши?” деб сўрадилар. Расулulloҳ (с.а.в.): “Нархи қимматроқ ва эгасига кераклироқ бўлганни”, дедилар. “Агар шунга қодир бўлмаса-чи?” деб сўрадилар. “Ундай бўлса, камбағал ва етимларга ёрдам берасан ва ишларига кўмаклашасан”, дедилар. “Бунга кучим етмаса-чи?” деб сўрадилар. Расулulloҳ (с.а.в.) жавоб бердилар: “У вақтда одамларга озор беришдан ўзингни сақлайсан, бу ҳам ўз жонинг учун қилган бир садақа бўлади”.

\* \* \*

Расулulloҳ (с.а.в.) аломат-белги қилиш учун юзига тамға босилган бир ҳайвон ёнидан ўтиб қолдилар. Шу вақтда у ҳайвоннинг икки бурун тешигидан тутун чиқаётган эди. Шунда Расулulloҳ (с.а.в.): “Мана шу ишни қилган кишига Аллоҳ таолонинг лаънати бўлсин! Ҳеч ким бирон махлуқнинг юзига тамға босмасин ва юзига урмасин”, дедилар.

\*\*\*

“Қиёмат куни зиммангиздаги ҳақни албатта ўз эгаларига топширасизлар, ҳатто шохсиз қўй учун шохли қўйдан ҳам ўч олинади”. (Яъни, Қиёмат куни қасос олиниши муқаррар. Ҳатто бу дунёда бир-бирига зулм қилган ҳайвонлар ҳам қасоскордир, дейилмоқчи) Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: “Ким битта чумчуқни бекорга ўлдирадиган бўлса, у Қиёмат куни Аллоҳга: “Э Раббим, фалончи мени бир манфаат юзасидан эмас, бекордан бекорга ўлдирди”, деб арз қилади”. Расулulloҳ (с.а.в.) чумоли уясининг куйдирилганини кўриб: “Ўт билан азоблашга ўт Эгасидан бошқанинг ҳаққи йўқ”, дедилар.

\*\*\*

“Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага яхшилиқни вожиб этгандир. Агар ўлдирсангиз, чиройли ўлдиринг. Сўйсангиз, чиройли сўйинг. Пичоғингизни ўткирланг ва сўйганингиздан кейин дам беринг”. Пичоқни ўткирламай туриб ҳайвонни ётқизиши жоиз эмас. Бир киши пичоғини ўткирламай туриб, қўйни сўйиши учун ётқизганини Пайғамбаримиз алайҳиссалом кўрдилар-да, дедилар: “Буни икки марта ўлдиришни хоҳлайсанми? Ётқизишдан олдин пичоқни ўткирласанг бўлмайдами?”

\*\*\*

“Ёмонлик ўтини ёмонлик ўчиради”, деган одамлар бекор айтибдилар. Икки ўт ёқиб кўринг, улар бир-бирини сўндирадиларми? Ёмонлик ўтини фақат яхшилиқ ўчиради.

Ким ёмонликка айласа рағбат,  
Неча турли балолар кўргай”. (Луқмони Ҳаким)

\*\*\*

“Одамларнинг ишини айблаб, ўзи ўша ишни қилиши, одамларнинг айбини кўриб, ўз айбини кўрмаслиги, фойдасиз нарсада суҳбатдошига азият бериши банда ёмонлигидан далолатдир”.

\*\*\*

“Фожирлар билан ҳамсуҳбат бўлма, уларнинг фужурларидан ўрганасан”. (Умар ибн Хаттоб)

\*\*\*

Мўминларнинг амири ҳазрат Умар сувоқ қилаётган эдилар. Бир яхудий келиб: “Басра ҳоқими мендан юз минг динорлик мато олди, аммо ҳақини бермаяпти”, деб шикоят қилди. “Ёзишга бир нарсанг борми?” деб сўрадилар ҳазрат Умар. “Йўқ”, деди яхудий. Шунда ҳазрат Умар ердан бир сопол парчасини олиб, унга: “Сендан шикоят қилганларнинг сони йўқ. Аммо рози бўл-

ган одам топилмайди. Ё ёмонлик қилишни ташла ёки ҳокимликни қўй”, деб ёзиб бердилар. Бу “мактуб”ни олган Басра ҳокими ундаги салобатдан ҳушини йўқотаёзди. Яҳудийга дарров қарзини тўлади.

\* \* \*

“Ким золимга зулм қилишда ёрдам берса ёки бирор мусулмон кишининг ҳаққини поймол қиладиган ҳужжатни унга кўрсатиб қўйса, Аллоҳнинг ғазабига йўлиқади ва бу ишнинг гуноҳи унинг устига тушади”. (Абдуллоҳ ибн Масъуд)

\* \* \*

“Золимнинг зулмидан эзилган ва кўрқув босган тувалоқ инда ётган жойида жон беради”.

\* \* \*

“Бу умматга уч нарсадан зарарлироқ нарса йўқдир: пулни яхши кўриш, бошлиқ бўлишга интилиш ва султонлар эшигига қатнаш. Батаҳқиқ, Аллоҳ таоло улардан чиқиш йўлини ҳам кўрсатиб қўйган”. (Абу Хурайра)

\* \* \*

“Масъулиятсиз, кайфу сафо ичра яшаш иштиёқи ва гуноҳлар қалбни бутунлай ўраб олади. Яхшилик ва ҳақиқат туйғулари энди қалбга қандай кирсин?!”. (Абдуллоҳ ибн Муборак)

\* \* \*

“Жаҳаннамда денгиз соҳилига ўхшаган бир жой мавжуд. Унда туядек келадиган илонлар, чаёнлар бор. Агар жаҳаннам аҳли азобларнинг енгил бўлмоғи учун ёрдам сўрасалар “соҳилга чиқинглар”, дейилади. Чиқсалар, илонлар уларнинг лабларидан, юзларидан Аллоҳ таоло хоҳлаганича тишлаб олишади. Сўнгра териларини шилишади. Улар ёрдам сўраб дўзахга қочадилар. Улар қичима касалига гирифтор қилинади. Териларини қашийверганларидан суяклари кўриниб кетади. Шунда: “Эй фалончи, сенга бу ҳол азоб беряптими?” дейилади. У “Ҳа”, дейди. “Бу ҳол сенинг берган азиятларинг маҳсули, сен мўминларга зулм қилардинг”, дейилади”. (Зайд ибн Сумра)

\* \* \*

“Динни кеткизишда, муруватни ўлдиришда, лаззатни зое қилиб, қалбни банд этишда хусуматдан ашаддийроқ нарсани кўрмадим”. (Бишр ибн Абдуллоҳ)



\* \* \*

Абу Майсарадан зикр қилинади: “Бир киши дафн этилганидан кейин унинг қабрига Мункар ва Накир қамчи билан келишди ва: “Биз сени юз қамчи урамиз”, дейишди. Марҳум “мен бундай-бундай киши эдим”, деб фоний дунёдаги яхшиликларини баён қилди. Унинг гаплари шафоат бўлиб, ўнтасини ўчиришди. Банда яна яхшиликларини айтди. Шу тарзда ўчира-ўчира тўқсон тўққизтаси кетди, биттаси қолди. Мункар ва Накир унга бир қамчи уришди. Шунда қабр ичи ўт бўлиб ёнди. Ўша киши: “Нега мени урдингиз?” деб сўради. Айтишдики: “Бир зулм етган кишининг олдидан ўтаётган эдинг, у сендан ёрдам сўради, унга ёрдам бермадинг”.

Мазлумга ёрдам бермаган кишининг ҳолати шу бўлса, золимнинг ҳолати қандай бўлар экан?

\* \* \*

Боязид Бистомийдан “шайхингиз кимдир?” деб сўрадилар. Айтдилар: “Бир хотиндир”. “Не важҳ ила?” деб ажабландилар. Дедилар: “Бир куни важд ва тавҳид шавқи билан саҳродан кетар эдим. Бир хотинга дуч келдим. Бир қоп уни бор эди. “Шуни элтгин”, деди. Менинг кучим етмас, деб бир арслонга ишорат қилдим, қопни унга юкладим. Аммо кароматим изҳоридан кўрқиб, хотинга дедимки: “Бозорга етгач, кимни кўрдим дейсан?” Хотин: “Золим ва раъно Боязидни кўрдим, дегайман”, деди. “Нега?” деб ажабландим. Дедики: “Бу арслонни Аллоҳ юк учун сенинг арслонга юк ортганингни кўрсинлару сени соҳиби кароийғладим, тавба қилдим”. (*“Раънолик”нинг “мағрурлик, ўзини чиройли кўрсатмоқ” маъноси ҳам бор*)

\* \* \*

“Тўрт кишининг муҳаббатидан узоқ бўлинглар: биринчи – ёлғончидан йироқ бўлинглар, чунки у ҳамиша ғурурда бўлғай; иккинчи – ўз сўзининг вақтини илмайдиган аҳмоқдан йироқ бўлинг; учинчи – молидан закот бермайдиган бахилдан узоқ бўлинг; тўртинчиси – ёмон кўнгилли кишилардан узоқ бўлинг, зотан, булардан дунё-ю охирада кўп зиён етгай!”. (*Жавфари Содик*)

\* \* \*

“Агар бир кишини кўрсатиб: “Шуни ўлдирасан ёки ўзинг ўласан”, десалар, “Мен ўзимнинг ўлимимни афзал биламан”.

(*Афлотун ҳаким*)

\* \* \*

Лукмони Ҳаким бир бойга хизматга ёлландилар. Бой унга “ерга буғдой уруғи сочгил”, деб буюрди. Лукмони Ҳаким буғдой ўрнига арпа сочдилар. Буни кўрган бой ғазабланиб:

– Мен сенга буғдой сочгил, деган эдим, нега арпа сочдинг? – деди.

– Арпа сочсам, буғдой унмайдими? – дедилар Лукмони Ҳаким маънодор оҳангда.

– Эсинг борми, ҳеч вақт арпадан буғдой унадими? – деб янада ғазабланди.

– Ундай бўлса, нега сиз доимо халққа ёмонлик қиласиз-у, яна Аллоҳ таолодан яхшилик умид қиласиз. Яхшилик қилсангиз яхшилик, ёмонлик қилсангиз, албатта ёмонлик қайтади. Арпадан буғдой унмагани каби, халққа озор бериб, яна яхшилик умид қилманг, – дедилар Лукмони Ҳаким.

\* \* \*

“Тамом умрингизда ҳар бир ёмонликдан ва бекорчиликдан сақланинг. Инсон ўз уйининг эшигини бекитиб, вужудини сақлай олади-ю, лекин қалбининг эшигини бекитишдан ожиз бўлади. Қалбига қайғу, алам кўп вақт хужум қилиб туради. (Абул Аъло ал-Мааррий)

\* \* \*

“Ким ўзини султонга яқин тутишга интилса, мол-дунёси талон-торож хавфи остида қолади. Ким ундан ўзини тортса, шамширининг тиғига мубтало бўлади”.

\* \* \*

“Султоннинг хизматида бўлсанг ҳам, суҳбатидан ўзингни тий”. (Муиниддин Жувайний)

\* \* \*

“Подшоҳга яқин ва унинг хизматида бўлган кишилар хорланиш ва ҳақорат эшитишдан нолимасликлари керак. Сувга тушган ғаввос шўр сувдан тотимай иложи йўқ”. (Абдуллоҳ Муқниъ)

\* \* \*

“Ситамгар мусулмон одил ғайридиндан ёмонроқдир”.  
(Мажидиддин Хавофий)

\* \* \*

“Қаю хазианага зулмнинг бир ақчаси кирса, ул хазинани йиқмай қўймас”. (Пошшоҳўжа)

\* \* \*

“Золим ва фосиқ киши валиуллоҳдан: “Ибодатларнинг қайси бири афзалроқ?” деб сўради. Жавоб бердилар:

– Сенинг учун уйқу энг яхши ибодатдир. Чунки ухлаган пайтингда ҳеч кимга зарар бермайсан.

\* \* \*

“Мазлумнинг қўлидан ҳеч иш келмайди”, деб кеккайиб юрма, дунёда пайт пойлаб жавоб қайтарадиганлар ҳам бор...”

\* \* \*

Бир порсонинг йўли давлатманд кишининг қошидан тушди. Кўрдики, ул давлатманд бир бандани яланғочлаб, қўлин ва оёгин боғлаб, турлук-турлук уқубат била азоб берадур. Порсо деди: “Эй тавонгар, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло сенинг ўзунгдек маҳлуқни сенинг ҳукмунг сарпанжасига асир этубдир ва сени анга зўр ва ҳоқим қилибдур. Сен анга мунча зулм қилмоғилким, мабодо, маҳшаргоҳда анинг холи сендин яхшироқ бўлуб, сен онинг олдида шармсорлик чекмағайсен.

Маснавий:

Эй хожа, қилиб итоб изҳор,  
Бандага етурма жавру озор.  
Сен они неча дирамга олдинг,  
Зўр этдингу хизматинга солдинг.  
Аммо они сен яратмамишсен,  
Жисми ора жонни қотмамишсен,  
Бўлма бу сифат ғурур пайванд,  
Бор сандин улуғ доғи худованд.  
Гар ақл ила бор эрсанг ҳамоғуш,  
Ҳақ қаҳрини айлама фаромуш...

Қитъа:

Кўб итобу хитоб айламағил  
Бўлса гар хизматингда бир банда.  
Ки қиёматда бас қотиғ ишдур,  
Банда озоду хожа шарманда...

\* \* \*

Подшоҳ бир бегуноҳни қатл этмакни амр қилди. Ул бегуноҳ дедик: “Эй подшоҳ! менга қаҳр этмоқ билан ўзингга озор истамағил. Бу уқубат мендин бир дамда ўткусидир (яъни, бирпас азоб чекаману ўламан) Туганмас мазлама эса сенинг бўйнингда қолғусидир ва Қиёмат кунида пушаймон бўлғунгдир”

\* \* \*

Ҳукамо дебдурлар: “Ҳар кишининг кўнглиға бир ранж еткурган бўлсанг ҳамул ранждин эмин бўлмоғил, нединким, пайкон жароҳатдин ташқари чиқар ва озори кўнгулда қолур”.



Қитъа:

Билгил, албатта тангдил бўлгунг,  
Танглик бир кўнгулға еткурсанг,  
Ёғғусидир бошинг уза юз тош,  
Қальанинг борасиға тош урсанг. (*“Гулистон”дан*)

\* \* \*

“Эй ўғлим, бундай мақол бор: “Сен менга зулм қилсанг, сенга ҳам зулм қилгувчилар бор”. Бу ҳикматни англа ва ҳеч кимга зулм қилма! Молу давлатдан хазина тўпламай, илму хунарни хазина қил. Дўсту биродарларингни ўзингдан узоқлаштира, ҳар бир ишни маслаҳат билан адо қил!” Усмонли давлатининг қурувчиси Усмон Ғозий вафот этиши олдидан ўғли Ўрхон Ғозийни чақириб бу васиятни қолдирди: “Эй ўғил! Асло қўшинларинг ва бойлигинг билан мағрурланма. Ҳақиқий олим ва ориф зотларга ҳурмат кўрсатиб, саройингдан уларга жой бер. Менинг ҳолимдан ибрат олқи, заиф ва кучсиз бир чумолича бўлмай туриб, бу мавқега эришдим. Доимо адолат ва инсоф тарафида бўл. Сени зулмга даъват қилганларни давлатингдан узоқлаштирки, улар сени инқирозга етаклай олмасинлар”. (*Қайс ибн Соуда*)

\* \* \*

“Киши бировга ёмонлик қилса, энг аввало ўзига ўзи ёмонлик қилибди. Унинг ёмонлигидан ўзга қанча жабр кўрди? Унинг ўзи бу ёмонлиги эвазига қандай жазога лойиқ топилди? Тоғ бошига қўниб учган қуш тоғнинг нимасини орттирди ва нимасини қайттирди?”

\* \* \*

“Сизга узатилган ҳамма қўлни тутаверманг, чунки инсон ниқобидаги неча шайтонлар бордир”.

\* \* \*

“Кумушнинг ташқи кўриниши оппоқ бўлса ҳам, қўлда ва чўнтакда кўп ушланса, қора юқтиради. Шунга ўхшаш баъзи одамларнинг сўзлари зоҳирида кумуш каби порлоқ ва тоза кўринса ҳам, лекин қайғу ва зарар келтиради”.

\* \* \*

“Туноҳларнинг зулмдан-да каттароғи йўқдир... Золим қилган зулми учун тавба қилсин, зулм берган кишисидан кечирим сўраб олсин. Агар қодир бўлмаса, унинг учун истиғфор айтсин, дуо қилсин”. (*Абу Лайс Самарқандий*)

\* \* \*

“Агар ёмонлик қилмаган бўлсанг, кишилардан хадиксирамагин. Ҳамиша ўз қилмишингнинг ҳимоятига сиғингин” (Абдураззоқ Самарқандий)

\* \* \*

“Иймон кўпинча қалбдан ўлим вақтида суғуриб олинади. Гуноҳлар ичида иймонни қалбдан энг тез суғуриб олувчиси бандаларга етказилган зулм экан”. (Абу Бакр Варроқ Термизий)

\* \* \*

“Қаршилиқ кўрсатилмаган ёмонлик қаршилиқ кўрсатиб бўлмас ҳолга келади”. (Али Суад)

\* \* \*

“Ёвузлик ҳукмрон бўлган саройнинг қонуни шундай: ё сен эгарда ўлтиурсан ё сенга эгар ўрнатурлар”.

\* \* \*

“Тароқ аслида сочни тартибга солиш учун ишлатиладию, аммо шу билан бирга у сочларнинг баъзиларини жойидан юлиб туширади”. (Абу Али ибн Сино)

\* \* \*

“Кишилар орасида уч хилига кўпроқ ачинаман: олдин халқнинг йўлбошчиси бўлиб, кейин хорликка юз тутган кишига, олдин бой, кейин фақир бўлган кишига, дунё ўйинчоқ қилиб ўйнаган олимга”. (Фузайл ибн Иёз)

\* \* \*

“Ўткир қиличнинг бошга тушадиган зарбаси баъзи нодонларнинг ҳукми остида мутеъ-итоатда бўлиб юришдан афзалдир”.

\* \* \*

“Кўрқувга мубтало бўлган киши фақат қочишдан нажот излайди”.

\* \* \*

“Пора фақат ноҳақлигу золимларга ёрдам бергувчидир”.  
(Абулқосим Замахшарий)

\* \* \*

“Бир золим бирор кишини хафа қилса, йиғлатса-ю, мазлум у золимга қарши ҳеч нарса қилолмаса, мазлумнинг кўнгли озор топгани учун Ҳақ таоло золимдан унинг ҳақини олади”.

(Исмоил Фақирulloҳ)

\* \* \*

“Барчанинг жонига тегар даражада шафқатсиз ва учраган кимса сени туртиб кетар даражада юввош бўлма”.

\* \* \*

“Агар қайси ерда ғариб хўрланса, ўша мамлакат тезда вайрон бўлур”.

\* \* \*

“Дунё душманлик – адоват, жабр, жафо билан тўлди. Қани бирор вафога риоя қилувчи бўлса, уни сўраб топгин”.

\* \* \*

“Ёмонга яқин юрма, ёмоннинг суҳбати тезлик билан сени ярамас қилиққа ўргатади... Яхши феъл билан кишилар кўнглини олиб, ўзингни ёмон қилиқлардан сақлаб яша”.

\* \* \*

“Бирор кишига зўравонлик ва зулм қилма, агар киши қийинчиликка тушса, сен унга кўмак бер... Ёмонлик қилган кишига сен яхшилик қил, бу карам-шафқатнинг бошланишидир, буни яхши англа... Жафо қилувчига сен вафо билан жавоб қил, қонни қон билан қанча ювса ҳам, у аримайди”.

\* \* \*

“Кишиларнинг ҳамма феълени тугал кузатгин, ким карамли-шафқатли бўлса, уни эр киши деб ҳисобла. Карамсиз-шафқатсиз киши мевасиз дарахт кабидир. Мевасиз дарахтни кесиб, ёндиргин”. (Аҳмад Югнакий)

\* \* \*

“Бузуқ ниятли ва ёмон ахлоқли кишилар ўртага кириб қолса, иш тўғри бўлмайди”.

\* \* \*

“Одамгарчилиги бор мард киши ўзидан ва ўзиники эканига ҳеч ким тортишиб ўтирмайдиган нарсадан бошқасига эгалик қилмайди”.

\* \* \*

“Сезувчи ва зарарсиз нарсаларга алам етказишдан лаззат олувчи ҳар бир кишидан Худо ўч олсин!” (Абу Райҳон Беруний)

\* \* \*

“Ёмонлик қилганингдан кейин офатлардан эмин бўлма, чунки Яратганнинг берадиган жазоси аниқдир”.



\* \* \*

“Кўлдан келганча ҳеч бир дилга озор берма! Дилдан чиққан бир оҳ бир жаҳонни барбод қилади”. (Мирзо Бобур)

\* \* \*

“Эзгунинг (яхшининг) ҳар бир иши чиройли, ҳар бир қадами гўзал. Эзгу асло қаримайди. Ёмон юзга кирса ҳам эзгу бўла олмайди. Ёши кичик ёмон ўкинч билан қарийди. Узун ёшли эзгу эса севинчада юради. Эзгу ҳар куни янгидан-янги тилак-мақсадларга эришаверади. Ёмонларнинг эса кундан кунга мунг ва алами ортади.

Ёмонлар икки тоифадир: бирлари ўжар, қайсар ва ярамас бўлиб, уларнинг қилмиш-қидирмишлари тубанликдан иборат.

Оқ сут билан кирса қайси бир қилиқ,

Ўлим тугамагунча ўзгармас йўриқ.

Мижозга қўшилиб келаркан одат,

Уни буза олур бир ўлим фақат.

Бир удум яралса қоринда агар,

Қора ер қаърига кирганда кетар.

Иккинчи тоифа эзгуларга қўшилгудай бўлса, ўз рафторларини ўзгартириши, тубан ва ярамас хулқ атвордан воз кечиб, эзгуликка юз беришлари ҳам мумкин. Бунинг учун эса яхшиларнинг мадади даркор.

Ёмонга қўшилса, кўр, эзгу билиб,

Йўлини ростлагай ёмон ҳам кўриб.

Эзгулик – қимматбаҳо гавҳар, асл ипак ва тоза шоҳи мисоли – у доимо баланд қадрланади. Доимий эъвозда бўлади. Ёмонлик эса қадрсиз нарсадай гап. У доимо оёқ остида қолиб кетаверади.

Эзгу эзгуликдан чекмагай фиғон,

Ёмон ўз феълидан бўлар пушаймон.

Ёмонлик қилганнинг улуши – ўкинч,

Ёмонга яхши бўл, майли ҳар қачон.

Қайси эзгу ўз эзгулиги учун ўкинади? Номи чиққан ёмонлар ҳам охирида ўз ишларидан пушаймон қилади:

Бало, машаққатлар, ўкинч ва алам,

Ёмонлар улуши бўлади, болам. (“Қутадғу билиг”дан)

\* \* \*

“Шум ахлоқсизликка берилиб, ўзингни яхшилар сафидан чиқарма ва ёмонлар орасига қўшилма. Бу шум ақлга хилоф бўлса ҳам, нафс учун севимлидир. Агарчи у Ҳақ йўлида ғамли бўлса ҳам, шайтон йўлида марғубдир”.

\* \* \*

“Сўралдиким, не нима дурким фойдаси барча халойикка  
етар, дедиларким: ёмонларнинг йўқлиги”.

\* \* \*

“Ёмонларга лутфу карам қилмоқ – яхшиларга зарар ва озор  
бермакдир. Мушукни парвариш қилмоқ – кабутар учун офатдир.  
Шағол ёнини олмоқ – товуғ тухумини қуритмоқдир”.

Бўрини қўзи била қилғон семиз,  
Жамъи кийик хайлигадур раҳмсиз.

\* \* \*

“Ёмонлар билан ўлтирмагинки, гарчи ўзинг пок бўлсанг-да,  
ёмон суҳбат сени ифлос қилар. Қуёш қанчалар буюк бўлса-да,  
кичкина булут парчаси ҳам уни тўсади”. (Абдулхолиқ Ғиждувоний)

\* \* \*

Агар дунёда бўлса зўр бозу  
Вале анда қурилғандур тарозу.

(Сен бу дунёда куч-қувват соҳиби бўлсанг ҳам, одамларга зулм  
қилма. Чунки охирабда барча ишлар тортиладиган тарозу бор.  
Ҳисоб қиларлар у ерда)

Тараф мўре ва санда қуввати фил,  
Мусулмонликда анга марҳамат қил.

(Сенга тараф бўлмиш бир мусулмоннинг қуввати бир қумурс-  
қача, сенинг қувватинг филча бўлса, сен унга кучим кўп, деб зулм  
қилма. Зеро, мусулмонликда зўр кучсизга шафқат қилмоғи керак)

Агарчи ул оёқ остунгдадур хор,  
Худо маҳлуқидир, оғритма, зинҳор.

(Агар биров оёқ остингдаги бир тиканча бўлса ҳам, унга озор  
берма. У ҳам Худонинг маҳлуқидир)

Агар билсанг, неку афъоли баддин,  
Наъувзи биллаҳ андоғ муътақиддин. (Сўфи Оллоёр)

(Агар сен ёмон ишлардан эзгулик кутсанг, унда сендайин эъ-  
тиқод қилгувчидан бизни Худонинг Ўзи асрасин!)

\* \* \*

“Умр бўйи ёмон ишлар билан машғул бўлиб, халқни ранжита-  
диган одамнинг номи инсонийлик дафтарига ёзилмайди”.

(“Калила ва Димна”дан)

\* \* \*

“Зулм деб бировнинг жонига ёки молига зарар еткурмакни  
айтилар. Жаноби Ҳақ бутун ер юзидаги инсонларни ҳуқуқда

мусовий – баробар қилуб яратмишдур. Мансаб ва давлатга, куч ва қувватга мағрур бўлуб, бировнинг ҳақиға таарруз ва тажовуз қилмак зулмдур. Катталиқнинг иззати зулм ва тааддида эмас, шафқат ва марҳаматдадур. Кичикликнинг лаззати нафрат ва қаршулукда эмас, садоқат ва ҳурматдадур. Шул хусусда Шайх Саъдий: “Қувватсизлар ғамин еб юр ҳамиша, қувватликлардан этгил хавф пеша”, деб кичикларни иззат қил, катталарни ҳурмат қил, маолиндаги ҳикмат ва ибратлик шеъри балиғасини сўйламишлар. Дунёда мазлумнинг оҳидан ўткир нарса йўқдур. Мазлумнинг дуоси ижобатга яқиндур. Қўрқмак ва ҳазар қилмак лозимдур. Боболаримиз: “Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бошқага”, – демишлар.

Бир киши зулмнинг ёмонлиғини билмак учун бошқа бир одам тарафиндан ўз нафсига қилинса, чекадургон азобини ўйласа, ёмон фанолиги очиқ маълум бўладур. Ўткан замонлардаги ҳукуматларнинг барпоси адолат ила пойдор ўлдиғи каби, инқироз ва барбоди ҳам зулм ила пойтахтга етуб ва ул золим ҳукуматларнинг тарих саҳифаларида фақат исмлари қолганлиғи ҳамманинг маълумидур. Расули акрам набийи муҳтарам (с.а.в.) афандамиз: “Эй бандалар! Аллоҳдан қўрқингиз! Аллоҳнинг исми ила онг ичаманки, бир мўъмин бир мўъминга зулм қилса, Аллоҳ таоло қиёмат кунида ул одамдан ўч олур”, – демишлар.

Адолат оби ҳаёту, ситам эрур жаҳолат,  
Бу зулмат ичра қиранларга йўқ ҳаёт ва нажот”. (Абдулла Авлоний)

\* \* \*

“Тажрибадан бизга маълумки, ўзимизни қанча аяб, суясак-да, ўзгаларга нисбатан шафқатсиз бўлсак, бу бир гуноҳнинг икки томонидир”.

\* \* \*

“Ёвуз одамлар киши танасида юриб, фақат яра бор жойда тўхтайдиган пашшага ўхшайди”. (Ж. Лабрюйер)

\* \* \*

“Кимданки кўпчилик қўрқса, у ҳам кўпчиликдан қўрқиши керак”. (Солон)

\* \* \*

“Ярамаслар билан олишганингда уларга чекиниш учун жой қолдир. Улар билан аёвсиз бўлиш – сичқон инини тикинламоқ билан бир: ўз инида ўлиб қолган сичқон қўланса ҳид таратиб, атроф хавони захарлайди”. (Хун Цзичэн)



\* \* \*

“Бераҳм кишилар мурувватпеша ғояларга садоқат билан хизмат қилолмайдилар”. (В.Гюго)

\* \* \*

“Сизни ютиб юборишларига тўсқинлик қила олмасангиз, ҳеч бўлмаганда, сизни ҳазм қилиб юборишларига йўл қўйманг”.

\* \* \*

“Зўравонликка асосланган ҳамма ҳукуматлар кулгили зиддият ҳолатига тушиб қоладилар: халқларни заифлик ҳолатида ушлаб туришни истаб, ҳукуматларнинг ўзлари, шунга қарамай, уларнинг ёрдамида кучли бўлишни хоҳлайдилар”.

\* \* \*

“Зўравонлик учига чиққан қўполликкина эмас, балки бориб турган ақлсизлик ҳамдир, чунки зўравонлик қилган эркак ўзининг ёстикдошига қарши уруш эълон қилган бўлади ва унга ўзининг танини ҳам, ўзининг эркини ҳам ҳимоя қилишга ҳуқуқ беради”.

\* \* \*

“Кекчи одам кекнинг ўзи сингари доимо бемулоҳаза иш қилади. Бу эгизак хусусиятдир, уларнинг бирини ажратсанг – иккинчиси шол бўлади”. (Н.Шелгунов)

\* \* \*

“Пасткаш кимсалар учун муқаддас ва буюкликка ўзларининг ифлос қарашлари ва фикрларини чаплаб, ўз ночорликларининг аламини олишдан ҳам кўра ёқимлироқ нарса йўқ”.

\* \* \*

“Ҳар хил кишилар ва ҳар хил мижозлар бўлади. Айримларининг, масалан, барча эҳтиросу кўтаринки қиёфаси совуқ ёвузликдан иборатдир ва ундайлар фақат ёвузлик қилаётган пайтларидагина уддабурон, иқтидорли ва ҳатто соғлом бўлиб кетадилар”. (В. Белинский)

\* \* \*

“Тавба қилиш яхши-ю, лекин ёвузлик қилмаслик ундан ҳам яхши”. (Г. Флобер)

\* \* \*

“Ёмонликка шафқат кўрсатиш яхшиликка совуққон бўлиш билан қўшилиб кетади”. (Н. Лесков)

\* \* \*

“Жанжалга, фитна ва ичқораликка мойиллик бетайин одамларнинг иши”. (*Пиндар*)

\* \* \*

“Маълумки, барча жанжалларнинг ўзига хос хусусияти иккала томоннинг заифлигидир”. (*Ф. Волтер*)

\* \* \*

“Жанжаллашаётган икки кишининг ақллироғи – кўпроқ айбдор”. (*И. Гёте*)

\* \* \*

“Жанжалга икки киши керак: ҳеч қачон ўшаларнинг бири бўлманг”.

\* \* \*

“Кишилар кўпинча тасаввурларидаги хафагарчиликлари учуноқ танишларидан ранжиб, ғазабланиб, уларга совуқ муносабат қилиб юрадилар”. (*Ж. Леббок*)

\* \* \*

“Ким биландир жанжаллашаётганда шуни назарда тутиш керакки, жанжал охири бориб дўстликка айлансин”. (*Диодор*)

\* \* \*

“Ҳаётда бўлиб турадиган ҳар хил жанжаллар пайтида киши ўзини яхши тутиши характернинг устунлигини кўрсатади”.

(*Г. Тейлор*)

\* \* \*

“Мард кишига қараганда кўрқоқ одам кўпроқ жанжал чиқаради”.

(*Т. Жефферсон*)

\* \* \*

“Қасос орзуси тузалиши мумкин бўлган қалб яраларининг очик қолишига сабаб бўлади”.

\* \* \*

Яхшилик билан ёмонлик, фойда билан зиённинг фарқи-га бормайдиган аҳмоқлардан бошқа ҳеч ким ўзгаларга зулм қилишни ўзларига раво кўрмайдилар. Ёлғиз жоҳилларгина ўз ишларининг нима билан тамом бўлишини била олмайдилар. Ақлли одам ўзига раво кўрмаганини ўзгага ҳам раво кўрмайди.

\* \* \*

Дунёда олимларнинг хушомадгўйлиги бўлмаганида, золимлар зулмга журъат эта олмас эдилар.

\* \* \*

Биров кимнингдир молини зулм йўли билан олса-ю мол эгасининг вафотидан сўнг қилган ишидан пушаймон бўлиб, марҳумнинг ворисларига ва бутун Ер юзи аҳолисига ўша молни келтириб рози-ризолик учун ҳаракат қилса-да, улар рози бўлишса ҳам, ўша кишининг шарафига етган хафагарчиликни кетказолмайди. Зеро, бир мўминнинг шарафи молидан аҳамиятлироқдир.

\* \* \*

Фоний дунёда худди сокчи каби яшайсан. Ёмонликдан кўз юмсанг, ёмонлик вужудингни эгаллаб, сени маҳв этади.

\* \* \*

Аллоҳ бандаларини жаннатга тушишини истайди. Аммо бандда жаннат йўлига ўз қўли билан зулм тўғонини тиклаб, тўсади.

\* \* \*

Уч хил одам эришиш мумкин бўлмаган уч нарсага эришишни орзу қилади: гуноҳ иш қилиб юрганлар – савобни; ёмонлик қилаётганлар – яхшилик қайтишини; умрини фосиқлик ва дилозорлик билан кечирганлар – жаннатни.

\* \* \*

Ҳақиқатга ишонч саодатга йўллайди. Ёвузларга ишониб, уларга эргашиш эса ботилликка етаклайди.

\* \* \*

Солиҳ яхшиликдан қувонганидек, золим ёмонликдан завқланади. Ҳатто бировнинг ўлимидан ҳам қувонади. Солиҳнинг таоми ҳалол, золимники ҳароми ҳисобланади.

\* \* \*

Золим фақат қилич қаршисида титрайди, бўйин эгади. Бошқа вақт дунёни масҳара қилиб яшайди.

\* \* \*

Ҳайвон руҳли кимса йиртқич каби бўлади. Йиртқичликдан воз кеч-да, инсон руҳли бўл.

\* \* \*

Ёмонлар қайсарлик билан кишиларни қайсарликка етаклайди, жаҳаннамга қараб судрайди.



\* \* \*

Бўри оч қолдими, ҳар қандай ёвузликни қилган каби, иймонсиз қалб қорайса, ҳар қандай ёмонликни қилади.

\* \* \*

Золимнинг уйига яқинлашма. Ундан бирон нарса сўрашни ҳаёлингдан ўтказма. Шундай қилсанг, мард бўлиб яшайсан

\* \* \*

Икки ҳил тоифа одамнинг боши ғамдан чиқмайди: бири – ҳаётини ёмон ишларга сарф қиладиган, иккинчиси – имкони бўлса ҳам яхшилик қилмайдиган одамлар. Уларнинг ҳаётида хурсандчиликдан кўра хафагарчилик кўп.

\* \* \*

Қайсидир одам яхши иш қилмаяптими, демак, яхши нарсаларни ўйламай юрар экан.

\* \* \*

Зулмкор ва ёмон одамга дуч келинганда ақлни ишлатмоқ, тadbирга суянмоқ афзал. Зеро, сувда тимсоҳ билан сузмоқ таҳликалидир. Лекин одам таҳликани писанд қилмай сувга тушса, айб тимсоҳда эмасдир. Кимда ким илоннинг оғзига бармоғини тикиб, газандани захридан халос қиламан, деса, айб илонда эмас.

254

\* \* \*

Бир кишидан “Нега урушга бормадинг?” деб сўрадилар. “Мен душманлардан биронтасини танимасам, улар ҳам мени танимаса, нега бориб урушайин?” деб жавоб берди у.

\* \* \*

Бир одамнинг умри ёмонлик қилиш учун жуда кўп. Яхшилик қилиш учун жуда оз.

\* \* \*

Бир ҳукмдор ибодат учун бораётган эди. Мулозимлари унга йўл бўшатиш учун йўлда учраганларни қамчилар эдиқилди:

– Эй сен, золим ҳукмдор! Қилган амалингдан хабардормисан? Парвардигор сенинг яширин зулмлaringдан жумлаи жаҳонни асрасин! Ибодат учун кетаётиб, яхши иш қилдим, деб ўйла-япсанми? Яхшилинг шу бўлса, ким билади, ёмонлигинг қандай бўлар экан?

\* \* \*

Хисрав замонда шоҳлар ейдиган баъзи таомларни фуқаронинг ейиши ман қилинган экан. Агар ўша таомни авомдан бирон кишининг егани маълум бўлиб қолса, жазоланаркан. Бир одам подшоҳнинг яқин ясовулини шундай тансиқ таом билан сийлабди. Ясовул, тўйиб, мамнун бўлибди-ю, аммо уйига қайтиши ҳамон қоғоз-қалам олиб, саҳий одамнинг қилган ишидан подшоҳни огоҳ этибди. Подшоҳ унинг қабих хабарини ўқигач дебдики: “Бу қилмишинг учун сенга таҳсин айтмайман. У одамни эса подшоҳ ейдиган таомни пиширгани учун эмас, балки ёмонликни раво кўрадиган кўрнамакни меҳмон қилгани учун жазолайман!”

\* \* \*

Қадим замонда золим, дилозор бой бор эди. Камбағалларга жабр-зулм ўтказиб, уларнинг бозорга келтирган ўтинларини арзон-гаровга сотиб олиб, қиммат баҳога пулларди. Камбағаллар бу савдогарнинг зулмидан танг аҳволга тушиб қолдилар. Бир куни золим бир бечоранинг ўтинини зўрлик билан тортиб олди. Ўтиннинг ярим баҳосини ҳам бермади. Камбағалнинг кўнгли озор чекди. Бойни қарғаб-қарғаб кетди. Бу воқеани кўриб турган бир инсоф эгаси:

– Сен камбағалларга жабру-жафо қилма, ғариб кўнгилларини вайрон этма, етимларнинг кўзларидан қонли ёш оқизма, бу ярамасликларингдан қайт, – деб насиҳат қилса ҳам, бой қулоққа илмади. Бу воқеадан кўп ўтмай, бойнинг уйига ўт тушди, бор мулки кулга айланди. Дунё кўзига кўриниб, “уйимга ўт қаердан тушганини билолмай ҳайронман”, деб яқинларига арз қилиб ўтирганда насиҳатчи инсоф эгаси келиб қолди-да, унга жавоб берди:

– Ҳайрон бўлма, жабру зулмингдан танг ҳолга келган бечора камбағалларнинг сийналаридан чиққан фарёд ўти жамланиб, сенинг уйингни куйдириб ташлади.

## ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН:

- \* Ёмон нарсага қарасанг – кўнглинг қораяди.
- \* Ориқ деган ёмон той, ёзга чиқиб от бўлур,  
Ёмонликни кўп қилса, яқин киши ёт бўлур.
- \* Ҳар ким ўз қилмишига яраша топади.
- \* Ёмон ўртоқ – ошга ўртоқ, бошга тўқмоқ.
- \* Ёмонга эл бўлгунча, яғир отга бел бўл.
- \* Қозонга яқин юрсанг – қораси юқар,  
Ёмонга яқин юрсанг ёмонлиги.
- \* Эгилган дарахтга суянсанг агар,  
У дарахт сени ҳам ўзидек эгар.
- \* Эгри кишининг сояси ҳам эгри.
- \* Ёмонга суйкансанг доғи юқар,  
Деворга суйкансанг тупроғи.
- \* Ёмонга эл бўлдинг – охири ер бўлдинг.
- \* Ёмоннинг касофати бир чақирим илгари юрар.
- \* Ёмонни юборсанг – билдириб келар,  
Яхшини юборсанг – тиндириб келар.
- \* Ёмон арида бол бўлмас, сувсиз ерда тол бўлмас.
- \* Ёмон бош – ёғсиз ош.
- \* Ёмон от охурга ёлчимас.
- \* Ёмон кўз тошни ёради.
- \* Ёмон йўлдош ёв бўлади, охир иши дов бўлади.
- \* Ёмоннинг бети қурсин, сахтиён эти қурсин.
- \* Ажалга даво йўқ, ёмонга бало.
- \* Аслнинг хатоси бўлмас, ёмоннинг ошнаси бўлмас.
- \* Баст этган ўзар, қасд этган тўзар.
- \* Бир илон бир уй одамни тинчитмас.
- \* Бир яхши билан бир ёмон келишар, икки ёмон келишмас.
- \* Бир қорин мойни бир қумалоқ бузар.
- \* Биров тузар, биров бузар.
- \* Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг тушарсан.
- \* Бола безори – киши озори.
- \* Бу дунё – ўтар кетар, юзи қаролик қолар.
- \* Гуручнинг курмаги бор, ёмоннинг тўқмоғи бор.
- \* Гўрингдан сув чиқмасин, уйингдан – қув.
- \* Давлат битса ёмонга ўзин санар хоқонга.
- \* Дили қора – тили қора.
- \* Дили қоранинг қилмиши – қийиқлик.
- \* Дилозори – худобезори.



- \* Дод қолдирма, от қолдир.
- \* Ёвдан яхшилик чиқмас.
- \* Ёмон аталиб тирик юргунча, яхши аталиб ўлган яхши.
- \* Ёмон атлас билан ҳам ёмон.
- \* Ёмон балиқ сув лойқатар.
- \* Ёмон билан ер қўшни ҳам бўлма, гўр қўшни ҳам бўлма.
- \* Ёмон билан йўлдош бўлма, нодон билан – сирдош.
- \* Ёмон билан йўлдош бўлсанг – ёмондан бурун ўласан,  
Яхши билан сирдош бўлсанг – яхшилик билан унасан.
- \* Ёмон билан сўз олишгунча – кўча алиш.
- \* Ёмон билан юргунча, ёлғиз юргин ўлгунча.
- \* Ёмон билан юрдим – қолдим уятга,  
Яхши билан юрдим, етдим ниятга.
- \* Ёмон гап ер тагида уч йил ётар.
- \* Ёмон ёнига йўл олма, йўл олсанг ҳам – ёр олма.
- \* Ёмон илон тегирмон бошида айланар.
- \* Ёмон йўлдан юрган туя чўқар.
- \* Ёмон кўз тош ёради, ёмон дўст – бош.
- \* Ёмон мўридан аччиқ тутун чиқар,  
Ёмон уйдан – сассиқ гап.
- \* Ёмон одам йўлдошини қаритар.
- \* Ёмон тузалса – замон тузалар.
- \* Ёмон фарзанд ота-онани ерга қаратар,  
Яхши фарзанд ота-онани элга оралатар.
- \* Ёмон эркак тўй бузар, ёмон хотин – уй.
- \* Ёмон қилиқдан – қўзга ёш; яхши қилиқдан – оғизга ош.
- \* Ёмон ҳўкизга шох битса, сузиб ўлдирар,  
Ёмон одамга мол битса, уриб ўлдирар.
- \* Ёмонга бош бўлгунча яхшига йўлдош бўл.
- \* Ёмонга гапирсанг – бир бало, гапирмасанг – икки бало.
- \* Ёмонга гўр қўшни қилма, ифвогарга – ён қўшни.
- \* Ёмонга ёндашган йиқилмай қолмас,  
Охири бир чуқурга тиқилмай қолмас.
- \* Ёмонга кун ҳам қоронғи, тун ҳам.
- \* Ёмондан тўн кийсанг, тўйда “тўнимни бер”, дейди.
- \* Ёмондан қарз олсанг, ҳам йўлда қистайди, ҳам гўрда.
- \* Ёмондан қоровул бўлса, ёв етти бўлар.
- \* Ёмонлик итнинг қўлидан ҳам келади.
- \* Ёмоннинг боласи йўлда ётиб от хуркитар.
- \* Ёмоннинг жағига илон тухум қўяр.
- \* Ёмоннинг оёғи саккиз, бири тегмаса, бири тегар.
- \* Ёмоннинг қилмиши ёмонлик, яхшига бермас омонлик.

- \* Илон гоҳ-гоҳ чақар, ёмон доим чақар.
- \* Илон захри тишида, ёмон захри – тилида.
- \* Илон пўстини ташлагани билан қилиғини ташламас.
- \* Илон ўлса ҳам захри тишида қолар.
- \* Ит акилласа, оғзига ур.
- \* Ит вовуллагани билан тоғ қуламас.
- \* Ит отасини танимас.
- \* Ит сарқитини йўлбарс емас.
- \* Ит тумшуғини тикқан ерга сув ичгали шер келмас.
- \* Ит хурар – карвон ўтар.
- \* Итинг ёмон бўлса, отиб қутуласан,  
Отинг ёмон бўлса, сотиб қутуласан,  
Қўшнинг ёмон бўлса, кўчиб қутуласан,  
Эринг ёмон бўлса, кетиб қутуласан,  
Феълинг ёмон бўлса, ўлиб қутуласан.
- \* Иғвогар иғво тарқатар, ифлос ғавфо тарқатар.
- \* Кул қолдирма – гул қолдир.
- \* Куннинг ёмони кетар, одамнинг ёмони кетмас.
- \* Кўнгилнинг оласи – Худонинг балоси.
- \* Лаънат ёғдирувчи бўлма, раҳмат эшитувчи бўл.
- \* Митанинг ёмони тегирмондан бутун чиқар.
- \* Мушт урсанг – шапалоқ кут.
- \* Одам бўлмоқ – аста-аста, ҳайвон бўлмоқ бир пасда.
- \* Одам туғилиб ёмон бўлмас, улғайиб ёмон бўлар.
- \* Одамнинг ғаламисига дунё бир пул.
- \* Оёғи ифлос тўр бузар, оғзи ифлос эл булғар.
- \* Олқиш олган – омондир, қарғиш олган – ёмондир.
- \* Омон юрсанг – отинг ўзар, ёмон юрсанг – бахтинг тўзар.
- \* Оқкўнгилликнинг оти ҳам озмас, тўни ҳам тўзмас.
- \* Ризқ ҳам азалий, ёмон ҳам азалий.
- \* Тепиб ўтма, суяб ўт.
- \* Тикан бўлиб оёққа қадалгунча, гул бўлиб кўкракка санчил.
- \* Тилаги яхши камол топар, тилаги ёмон – завол.
- \* Хайрли ишнинг хайрихоҳи кўп.
- \* Эр йигит элга тортар, ёмон юкин элга ортар.
- \* Эрга берсанг ошингни, эрлар силар бошингни,  
Итга берсанг ошингни, итлар ғажир бошингни.
- \* Эшак сийпаганни билмас, ёмон сийлаганни.
- \* Ўлганда гўринг кенг бўлсин, тирикда – феълинг.
- \* Қилич тутган қиличдан ўлар.
- \* Ғараз мараздан ёмон.
- \* Хўкизнинг шохи эшакда бўлса, тирик зотни қўймасди.

## ЭНГ БЕБАҲО ЗИЙНАТ

“Аллоҳнинг Ўзи гувоҳлик берадики, бир Аллоҳдан бошқа ҳеч маъбуд йўқдир, У Зот – Парвардигордир (*якка-ягонадир*) Малоикалар ва илм соҳиблари гувоҳлик берадиларки, Аллоҳ таоло адолат барпо қилувчидир ва бир маъбуд Зотдан бошқа ибодатга лойиқ ҳеч бир нарса йўқ ва У Ўз феълида ҳаммадан ғолиб ва донодир”.

\* \* \*

“Аллоҳнинг оятларига куфр келтирадиган, пайғамбарларни ноҳақ ўлдирадиган ва одамлар орасидаги адолатга буюрадиган зотларни ўлдирадиган кимсаларга албатта аламли азоб хабарини етказ”. (*Қуръони Карим маъноларининг таржимаси, Оли Имрон сурасидан*)

\* \* \*

“Агар етим қизларга адолат қила олмасликдан кўрқсангиз, сизлар учун (никоҳи) ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта, тўртта уйланаверинглар. Энди агар (улар орасида) адолат қила олмасликдан кўрқсангиз, бир аёлга уйланинг”.

\* \* \*

“Албатта, Аллоҳ сизларни омонатларни ўз эгаларига топширишга ва одамлар орасида ҳукм қилганингизда адолат билан ҳукм қилишга буюради”.

\* \* \*

“...яна ночор-норасида болалар ҳақида (фатво бериб), бундай етимлар хусусида адолат билан туришингизни амр қилур. Сизлар нима яхшилик қилсангиз, Албатта Аллоҳ Билиб тургувчи бўлган Зотдир”.

\* \* \*

“Ҳар қанча уринсангизлар ҳам хотинларингиз ўртасида адолат қилишга (уларнинг барчаларига баробар меҳр кўрсатишга) қодир бўлмайсизлар. Бас, бутунлай (суйган хотинларингиз томонга) оғиб кетиб (кўнгилсиз бўлиб қолган) хотинингизни муаллақа каби ташлаб қўймангиз”.

\* \* \*

“Ўзларингизнинг зарарингизга бўлса ҳам, ота-она, қариндош-уруғларнинг зарарига бўлса ҳам, тўғри гувоҳлик беринг. Адолат билан ҳукм этинг, адолатдан айрилманг”. (*Нисо сурасидан*)



\*\*\*

“Эй мўминлар, Аллоҳнинг Ўзи учун Ҳақ йўлни тутгувчи, адолат билан шаҳодат – гувоҳлик бергувчи бўлингиз! Бирон қавмни ёмон кўришингиз сизларни адолат қилмасликка тортмасин! Адолат қилингиз! Шу тақвога яқинроқдир”.

\*\*\*

“Улар ёлғонга қулоқ берувчи ҳаромхўр кимсалардир. Бас, агар Сизга келсалар (хоҳласангиз), ўрталарида ҳакамлик қилинг, (хоҳласангиз) улардан юз ўгиринг! Агар улардан юз ўгирсангиз, зинҳор Сизга бирон зарар етказа олмаслар. Агар ҳукм қилсангиз, ўрталарида адолат билан ҳукм қилинг! Албатта, Аллоҳ адолат қилувчиларни севади”. (Моида сурасидан)

\*\*\*

“Етимнинг молига то у вояга етгунича фақат энг чиройли йўл билангина яқинлашингиз! Ўлчов ва тарозини адолат билан тўла тортингиз! Биз ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага тақлиф этмаймиз. Сўзлаганингизда (гувоҳлик берганингизда) гарчи қариндошингизга қарши бўлса ҳам, адолат қилингиз! Аллоҳга берган аҳдингизга вафо қилингиз! Шояд эслатма(насиҳат) олурсизлар деб Аллоҳ сизларни мана шу нарсага буюрди”.

(Анъом сурасидан)

\*\*\*

“Биз яратган зотлар орасида шундай жамоат ҳам борки, улар ҳақ (сўз) билан (одамларни) Тўғри Йўлга бошларлар ва ҳақ (ҳукмлар) билан адолат қилурлар”. (Аъроф сурасидан)

\*\*\*

“Албатта, Аллоҳ адолатга, чиройли амаллар қилишга ва қавм-қариндошга яхшилик қилишга буюрур ҳамда бузуқлик, ёмон ишлар ва зўравонликлардан қайтарур”. (Наҳл сурасидан)

\*\*\*

“Биз Қиёмат куни учун адолатли мезон-тарозилар кўюрмиз”. (Анбиё сурасидан)

\*\*\*

“Дарҳақиқат, Биз Ўз пайғамбарларимизни аниқ ҳужжат-мўъжизалар билан халққа юбордик ва уларга Китоб ҳам нозил этдик, инсонлар бир-бири билан муомала қилганда инсоф қилсинлар, деб адолат тарозусини муқаррар этдик”.

(Ҳадид сурасидан)

\* \* \*

Шарафли ҳадисларда Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

“Адолат Аллоҳнинг ердаги тарозиси, ким уни ушласа, у жаннатга етаклайди, ким ташласа, у уни дўзахга ҳайдайди”. *(Билингизки, адолат подшоҳдан халқига бўлади ва халқники ўзаро бўлади. Аламли азобдан нажот топмоқларингиз учун адолат қилишингиз сизларга вожибдир.*

*(“Танбеҳул ғофилийн”дан)*

\* \* \*

“Шубҳасиз Аллоҳ қиёфангиз ва кийимларингизга қарамайди. У ботинингизга ва қалбларингизга қарайди”.

\* \* \*

“Қалби пок бўлган кишининг ишлари ҳам пок, тоза бўлади. Агар қалбда виждон ва инсоф бўлмаса, у одамнинг ҳоли не кечади?”

\* \* \*

Саҳобаи киром айтадилар: “Мен ўзимнинг қулимни ураётган эдим. Шу пайт орқамдан: “Эй Абу Масъуд! Билиб қўйки, Аллоҳ таолонинг сенга қодирлиги сенинг қулингга қодирлигингдан албатта зўрроқдир”, деган овозни эшитдим. Бундай қарасам, овоз эгаси Расулуллоҳ эканлар. Шу онда мен: “Ё Расулаллоҳ! Аллоҳ таолонинг ризоси учун бу қулни озод қилдим”, дедим. Расулуллоҳ: “Агар буни озод қилмаганингда сени албатта дўзах ўти куйдираар эди”, дедилар”.

\* \* \*

Сулаймон алайҳиссаломнинг вазирлари узукларига “Инсофли одамни Худо раҳмат қилсин”, деб ёздириб қўйган эканлар.

Нафсингдан келади ваҳми қиёмат.

Еёлмай кетганлар кимга қилар дод?

Тупроқдан бошқага тўймас бу кўзлар,

Инсоф ҳам одамга катта бир зийнат.

\* \* \*

“Тўғри ҳаракат қилсам, менга эргашинг. Тўғри йўлдан чиқсам, мени тўғри йўлга солиб қўйинг”.

\* \* \*

“Мол зикналарнинг, қурол қўрқоқларнинг, раҳбарлик заифларнинг қўлига тушса, ишлар бузилади”. *(Абу Бакр Сиддиқ)*

\* \* \*

“Адолат – охиратда нажот, дунёда саодат бошидир”.

\* \* \*

“Муҳтожга ёрдам беришни эртага қолдирманг. Зеро, сизга ёки унга эртага нима бўлишини билмайсиз”.

\* \* \*

“Кимнинг ҳожати тушса, унга кўмак бериш сизга вожибдир”.  
(Али ибн Абу Толиб)

\* \* \*

“Ҳақдан айрилмангки, сизга ҳақ эгаларининг жойи кўрсатилган. Ҳар доим фақат ҳақиқат билан ҳукм этинг”.

\* \* \*

“Сенинг нажотингга хайрихоҳ бўлмаган кишидан ҳожатингни сўрама”. (Умар ибн Хаттоб)

\* \* \*

Ҳазрати Умар халифа бўлганларидан кейин сўрадилар:  
– Ҳалойиқ, мен адолатдан узоқлашсам, нима қиласизлар?  
– Агар адолатдан узоқлашсангиз, қиличимиз билан сизни тўғри йўлга соламиз, – дедилар.  
– Алҳамдулиллаҳ! – дедилар Ҳазрати Умар. – Янглиш йўлга кирсам, мени қиличлари билан тўғри йўлга бошлайдиган мусулмонлар бор экан!

\* \* \*

Ҳазрати Умар кеча қоронғусида Мадинаи мунаввара кўчаларидан юриб бораётганларида бир уйдан аёлнинг қизига қараб бақиргани эшитилди:

– Сутга озроқ сув қўшиб юбор, дедим сенга! Айтганимни қил!

Сўнг қизнинг зорланган овози келди:

– Ойижон, ахир халифамиз бугун жар солдириб, “сутларингизга сув қўшманглар!” деб буюрдилар-ку?

Қизининг ақл ўргатиши малол келгани сабабли энди аёлнинг бақирғи авжга чиқди:

– Айтганимни қил, деяпман сенга! Сутга озгина сув қўшганингни халифа қаердан билиб ўтирибди?

Онасига ҳақиқатни тушунтиролмаганидан сиқилган қиз йиғламсираб деди:

– Ойижон, халифа билмасликлари мумкин. Аммо Аллоҳ таоло кўриб турибди-ку? Аллоҳдан қўрқмаймизми?

Ҳазрати Умар эртасигаёқ бу уйга совчи юбориб шу қизни ўғилларига олиб бердилар. Уммавийларнинг энг адолатли халифаси Умар ибн Абдулазизнинг бир ён насаби ана шу виждонли қизга бориб тақалади.



\* \* \*

“Мен отам ибн Аббода билан илм талаб қилиб ансорларнинг овулига чиқдик. Шунда биринчи йўлиққан киши Расулulloҳнинг саҳобаларидан бўлган Абул Юср билан унинг ёнидаги қули бўлди. Абул Юср бурда (киши устига ташлаб юрадиган йўл-йўл кийим) билан маофира (Ямандаги Маофир деган қабилага мансуб кийим) кийган ва қули ҳам шундай кийимда эди. Мен: “Эй амаки, унга маофирингизни берсангиз ёки унинг маофирини олиб, ўзингиздаги бурдани унга берсангиз, ҳар икковингизда ҳам бир жуфтдан кийим бўлади-ку?” дедим. Шунда Абул Юср бошимни силаб: “Боракаллоҳ”, дедилар-да, сўнг изоҳ бердилар: “Ўғлим! Менинг шу икки кўзим Расулulloҳ алайҳиссаломни кўрган ва “қулларингизга ўзингиз еган таомдан едиринг ва ўзингиз кийган кийимдан кийдиринг”, деган сўзларини шу икки қулоғим эшитган ва кўнглим уни ўзига жойлаган. Менинг бу қулимга дунё матоларидан берганим Қиёмат куни унинг савобларимни олиб қўйганидан яхшироқдир”.

(Аббода ибн ал-Валид ибн Аббода ибн Сомит)

(Шарҳ: “Бу кийимларнинг нархи-қийматида фарқ бўлмаса ҳам, биримизда бир хил, иккинчимизда бошқа хил бўлгани учун қулимнинг кўнглига келмасин, агар у бу ишимни кўнглига оғир олса, Қиёматда мен Аллоҳ таоло олдида жавобгар бўлиб қолишдан қўрқиб шундай қилдим”, демоқчи бўлсалар керак.)

\* \* \*

Машҳур Ислом қозиларидан бири Қози Шурайх ҳузурларига икки киши адолат истаб келди. Қози қарасаларки, бири зуннор боғлаган ғайридин, иккинчиси эса мусулмон. Қози: “Оҳ, қанийди, мусулмон ҳақ бўлса”, деб кўнглидан бир умидворлик ўтқарибди. Аммо муҳокама қилса, ғайридин ҳақ, мусулмон эса ноҳақ чиқибди. Ғайридиннинг ҳақлигини айтиб, унинг фойдасига ҳукм чиқарибди. Кейин эса қози: “Нега энди менинг қалбим муҳокамадан олдин бир томонга оғди, мен қандай кўринишдаги қозиман?!” деб умрининг охиригача кўз ёши тўкиб, тавба ва истиғфор қилган экан.

\* \* \*

Искандар Румийдан сўрадилар: “Машриқ ва мағриб диёрин на тариқа билан олдингим, ўтган подшоҳларнинг ганж ва лашкарлари сендин зиёда эрди, ҳеч бирига мундоқ фатҳ муяссар бўлмади”. Искандар деди: “Худонинг мадади била ҳар мамлакатниким олдим, раиятга озор бермадим ва яхшининг отин ямонга чиқармадим”.

\* \* \*

“Ҳокимият жилови одил подшоҳ қўлида бўлса, ҳамма адолатли бўлишга ва яхши хислатларни эгаллашга интилади. Аксинча бўлса, халқ ёлғончилик ва бошқа ярамас хатти-ҳаракатларга мойиллик кўрсатади” .

\* \* \*

“Адолат бутун камолот мажмуи бўлса, ёмонлик унинг акси, яъни бутун камчиликлар мажмуидир” .

\* \* \*

“Агар арз сўрагувчилардан бўлмоқни истасанг, қўлинг остидагиларни азиз тутгин”. *(Жалолиддин Даввоний)*

\* \* \*

“Агар ҳукмдор жабр-зулм қилмоқчи бўлса ёки шундай қилса, Аллоҳ унинг мамлакати аҳолисидан, унинг бозорларию ризқларидан, экинларию чорваларидан ва барча нарсалардан баракани кўтариб қўяди. Агар у яхшилик ё адолат қилмоқчи бўлса, Аллоҳ унинг мамлакати аҳолисига ва барча нарсаларга барака ато этади”. *(Ваҳб ибн Мунаббаҳ)*

\* \* \*

“Одамларнинг тубан даражалиси ҳам ўзидан тубанроқ бўлган бировга эгалик ва раислик қилишдан холи эмас” .

\* \* \*

“Тенглик ҳукм сурган жойда сотқин, алдамчи эҳтирослар, ғам-ғусса бўлмайди”. *(Абу Райҳон Беруний)*

\* \* \*

“Икки эр ҳайвон олишади, ўртада пашша янчилади”.  
*(Маҳмуд Кошғарий)*

\* \* \*

“Ҳақиқат ва адолат билан тўғри сиёсат юргизмаган ҳар бир бошлиқ қаттиқ азоб-уқубат ва балога гирифтор бўлур” .

\* \* \*

“Бу дунё ибратли ишлар ва панд-насихатларга тўладир. Айни вақтда кўз ёшларига ҳам сероб” .

\* \* \*

“Виждонли киши хавфдан холи яшаса, хиёнат қилувчи киши беҳаловат яшайди” .

\* \* \*

“Кимки адовату хусуматни экса, албатта у машаққат ўради”.  
(Абулқосим Замахшарий)

\* \* \*

“Кўрдимки, эмаган ўрмайди. Шафқат қилмаганга шафқат қилинмайди”.

\* \* \*

“Одатларнинг энг эзгуси – гуноҳлардан четда туриш, энг савобли иш – кишиларга озор бермаслик, энг яхши бойлик – кучли ирода экан”. (Шайх Нажмиддин Кубро)

\* \* \*

“Виждон рух ва фикримизни туйғун қилмакка биринчи воситадур”. (Абу Али ибн Сино)

\* \* \*

“Агар ҳокимият атрофида адолат ҳукм сурмаса, у инқирозга юз тутади”. (Абу Бакр Хоразмий)

\* \* \*

“Мардлик кучда ва шамшир ўйнатиш санъатида эмас, мардлик ўзни тута билишда ва адолатли бўлишдадир”.

\* \* \*

“Подшоҳлар ўларини адолат билан безатишлари керак, халқ бундай подшоҳга эҳтиром кўрсатиши зарур”. (Абдуллоҳ Муқниъ)

\* \* \*

“Ҳар ким гуноҳкор кишини кечира олса, бу улуғлик ва олийҳимматлик нишонидир”. (Муиниддин Жувайний)

\* \* \*

“Адолатнинг фақат битта сурати бор, зулмнинг бўлса – мингта (Қози Аҳмад Гаффорий)

\* \* \*

“Ҳар инсон экансан, халқ манфаати йўлида ҳаракат қил, токи халқ ўз хоҳиш истаги билан сенинг хизматингда бўлсин”.

\* \* \*

“Шуни билингки, мамлакатда тартиб-интизом ва осойишталик ўрнатилиши одил подшоҳга боғлиқ. Аскарлар фаровонлиги ва давлатнинг гуллаб-яшнаши унинг одиллигидан. Фуқаролар подшоҳнинг хазинаси ҳисобланади. Хазина бўш бўлса, подшоҳ камбағал бўлиб қолади”. (Мажидиддин Хавофий)



\* \* \*

“Дунё (юрт) ободлиги тўртта нарса сабабидан: раҳбарлар адолати, олимлар илми, бойлар саховати, муҳтожлар дуоси”.

(Абу Хомид Ғаззолий)

\* \* \*

“Хукмдорлар ғазабланган пайтларида ҳам гуноҳкорга нисбатан шафқатли бўлишлари керак. Токи уни энг муҳим нарсадан маҳрум қилиб қўямасинлар”. (Султон Ардашер)

\* \* \*

“Дунёнинг ишлари сиёсатсиз тартибга тушмайди. Агар таълим-тарбия, жазо тўғрисидаги қонун-қоида бўлмаса, мамлакат ишлари бузилади”.

\* \* \*

“Агар адолат ҳимоя қилинмаса, заиф одамлар йўқолиб кетади. Модомики, заифлар қирилиб кетар экан, кучлилар ҳам омон қолмайди. Чунки кишиларнинг турмуши бир-бири билан ўзаро боғлиқ. Хулласи калом, халқнинг аҳволи адолатсиз яхшиланмайди”. (Хусайн Воиз Кошифий)

\* \* \*

“Қайси мамлакатни забт этган бўлсам, ўша ернинг обрў-эътиборли кишиларини азиз тутдим, саййидлари, уламолари, фузало ва машойихига таъзим бажо келтирдим ва ҳурматладим, уларга суюрғол, вазифалар бериб, маошларини белгилладим; ўша вилоятнинг улуғларини оға-иниларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса, ўз фарзандларимдек кўрдим... Ҳар мамлакатнинг яхши кишиларига мен ҳам яхшилик қилдим. Нафси ёмонлар, бузуқлар ва ахлоқсиз одамларни мамлакатимдан қувиб чиқардим... Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим...”.

\* \* \*

“Қайси мамлакатнинг аҳолиси ўз ҳокими ёки валийсидан озор чеккан ва ўша диёр аҳлининг кўнгли ўз валийсидан қолган бўлса, мамлакатларни забт этувчи чинакам подшоҳ у ерларни ўз тасарруфига олсин. Одил подшоҳ у ерга қадам қўйиши билан фатху зафар ҳам унга ёр бўлиб, бирга киради. Бунга мисол, мен Хуросон вилоятини карт султонларидан ажратиб олдим. Хуросон пойтахти Ҳиротга қараб юзланишим билан Султон Ғиёсиддин бутун мамлакатни, хазина-дафиналари билан, пешкаш қилиб менга топширди”. (Соҳибқирон Амир Темур)

\* \* \*

*Адолат тимсоли – Кунтуғди Элиг Ойтўлдини хузурига чорлайди. Ойтўлди унинг хузурига кириб, ҳайратдан ёқа ушлайди: уч оёқли курсида ўтирган Элигнинг қўлида ўткир ханжар, ўнг томонида шакар, сўл томонида эса заҳар турган эди. Унинг қошлари тугилган, юзи тўмирилган. Ойтўлди бу ҳолатнинг сабабини сўради. Кунтуғди айтди:*

– Мен подшоҳ сифатида адолат тимсолиман. Қўлимда кескин ханжар. Бу менинг кимлигимга ишора. Мен ҳар қандай ишни шу ханжар каби қирқаман, ҳал қиламан.

Кимга етса хорлик, қилурман ҳиммат,  
Менинг хузуримда топгай адолат.  
Шакар ичганидек шод бўлар ул киши,  
Севинчга тўлади, тарқар ташвиши.  
Менинг заҳаримдин кимда ким ичар,  
Ўзи золим бўлса, ростликдан қочар.  
Хузуримга келса бирор бемаъни,  
Заҳар ичган мисол қақшайди тани.

Ўғлим ёки яқинларим ёхуд чақмоқ каби ўткинчи меҳмон бўлсин, адолат борасида улар мен учун бир хилдир. Мен учун мезон ва асос – тўғрилиқ. Бошлиқ элига тўғрилиқ ва адолат кўрсатса, у барча тилак ва орзуларига етади”. (*Кутадғу билиг*”дан)

267

\* \* \*

“Султоннинг суҳбати хатарлидир. Агар унга итоат этсанг, динингда хатар бўлади. Агар осийлик қилсанг, нафсингга зарар. Яхшиси, у сени танимагани маъқул”. (*Маймун ибн Маҳрон*)

\* \* \*

“Кўпинча тенглик тушунчасининг адолат билан аралашганини кўрамиз. Инсонга икки, қўйга тўрт оёқ берилишида бир тенгсизлик бордир. Аммо адолатсизлик эмас. Инсонга буниси, қўйга эса униси ярашади”. (*Алоуддин Башар*)

\* \* \*

“Бир дарвеш бир сахро гўшасида танҳо ўлтурмиш эрди. Ҳамул вақтнинг подшоҳи сафар асносида онинг устидин келди. Ул бошин кўтариб подшоҳ жонибиға илтифот этиб қарамади. Подшоҳ ундин ранжида бўлуб, деди: “Мундоқ хирқапўш тоифа ҳайвон янглиғ бўлурлар, аҳлият ва одамиятни билмаслар”. Ул чоқда вазирларнинг бири дарвешнинг олдига бориб, деди: “Эй дарвеш, ер юзининг подшоҳи сенинг устингга келди. Невчун иззат қилмадинг ва адаб шартин бажо келтурмадинг?” Дарвеш деди: “Подшоҳга айтғилким, иззат ва хизматни андоқ кишидин кўз

тутсинким, ул марҳамат ва неъмат кўз тутгусидир ва яна улким, подшоҳ райият посбонлики учундир, аммо райият подшоҳ хизмати учун эрмастур”. Қитъа:

Подшоҳ дарвеш учундир посбон,  
Йўқки маҳз давлату шавкат учун.  
Билки, қўй чўпон учун эрмастурур,  
Балки чўпондур онга хизмат учун.

Подшоҳга дарвешнинг сўзлари хуш келиб, деди: “На тилагинг бўлса, мендин тилагил”. Дарвеш деди: “Тилагим улким, мундин сўнг менга захмат бермагил”. Подшоҳ деди: “Менга бир панд бергил”. Дарвеш бу байтни ўқуди:

Бу неъматким, қўлунгда ер тутубдур,  
Яқин билким, неча қўлдин ўтубдур (“Тулистон”дан)

\* \* \*

Қушлардан бири сўради:

– Эй пок сайр этувчи, кишида инсоф мавжуд экан, бунинг эҳсони нимадан иборат бўлади? Ҳақ менга инсофли бўлишни қисмат этиб, жонимга ана шундай неъматни озуқа қилди. Агар кишида шу хил сифат бўлса, у Тангри ҳузурига етиша оладими?

Ҳудхуд жавоб қилди:

– Яхши савол сўрадинг. Бундай одам ҳамма кишилар олдида эъзозланади. Одам учун яхши сифатлар кўп, аммо улар ичида энг шарафлиси – инсофдир. Кимнингки инсофи йўқ экан, у инсон саналмайди. Кишининг феъл-атворида инсофсизликдан ортиқ нуқсон бўлмайди. Бу сифат ҳақиқий мардларнинг ишидир, ҳар қандай киши ҳам унга етавермайди. Ноинсоф киши – одам эмас. Одам инсоф истамайди, аммо беради. Ҳақиқат аҳли кишилардан инсоф талаб қилмайди, чунки уларнинг ўзлари инсоф эгасидир. Агар кимки ўзи инсофли бўлмасдан, ўзгадан инсоф талаб қилса, у ҳақиқий ноинсофнинг ўзгинасидир.

(“Лисонут тайр”дан)

\* \* \*

“Аввал-бошданоқ ўзини тўғри тута билган одам виждон азобидан фориғдир”. (Абул Фароҳ)

\* \* \*

“Адолат ҳукм сурган ерда ислоҳнинг кераклиги йўқ”.

(Маҳмудхўжа Беҳбудий)

\* \* \*

“Аҳоли ўртасидаги муносабат ва муомалаларни тартибга соладиган қонунлар лозим, токи ўртамизда тушунмовчилик пайдо бўлиб, жамиятимиз паришон бўлмасин”. (Абдурауф Фитрат)



“Виждон деб руҳимизга, фикримизга таъсир қиладурган ҳиссиёт, яъни сезув-туймақдан иборат маънавий қувватни айтилуру. Биз ҳар вақт афъол ва ҳаракотимизни яхши ва йамонлигини, фойда ва зарарлигини онжақ виждонимиз ила билурмиз. Виждон инсоннинг ақл ва фикрини ҳақиқий мезонидурки, бу тарозу ила ўз камчиликларини ўлчаб билмак ила баробар бошқаларнинг ҳам афол ва ҳаракотини сезур. Агар ишлаган иши шариат, ақл ва ҳикматга мувофиқ бўлса, муҳаббат қилур. Қабоҳат ва ямон ишларни қилса, нафрат қилур. Биз жаноби Ҳақнинг амр ва наҳйини фикр ва руҳимизнинг маънавий қуввати ўлан виждонимиз ила ойура билурмиз.

Виждон яхши хулқарнинг манбаи ўлдиғиндан виждон соҳиблари ҳар бир ишни беғараз, холис ният ила ишлар. Шул сабабли ҳар ким назарида мақбул ва суюкли бўлур.

Аммо виждонсиз кишиларнинг ишларида, ният ва амалларида, дўст ва ошноликларида яширин бир ғаразлари ўлдиғиндин ҳар вақт ҳасрат ва надомат чекуб, виждон азобиға гирифтор бўлурлар.

*Ҳар бир инсоннинг ҳақиқий фоили виждонидур,  
Меваси яхши амалдур, ҳосили виждонидур.*

Инсон диний вазифаларини, улувиятини виждони соясида тақдир қила билур. Чунки, виждони саломат кишилар иймон ва эътиқодларини камолга еткурмак учун жаноби Ҳақнинг буйруқларини, дин ва миллатға фойдалиқ ишларни шоду ҳуррамлик ила ишлар.

Алҳосил, виждон ҳар кимнинг афъол ва ҳаракотининг кўрсатадурган мусаффо бир ойинадурки, бу кўзгуга чин назар қилган киши ўз айб ва камчиликларини тузатмак ҳаракатида бўлуб, бошқаларнинг айб ва қусурларини охтармоқға вақти бўлмас. Бизим исломиятда виждон ахлоқини ислоҳи учун саъй-ҳаракат қилмак лозим ўлдиғиндан шул доирада ҳаракат қилгон кишилар икки жаҳонда азиз ва мукаррам бўлурлар. Арасту ҳаким: “Руҳимизнинг маънавий қуввати ўлан виждонимиз фикримизга қувват бергувчи бир воситайи идрокия дейилур. Яъни, ҳиссиётимизнинг руҳимизга таъсир эттирғувчи бир робитаи электрикийясидур”, демиш.

*Соф виждон каби ҳеч комила мезон ўлмаз,  
Киши ўз айбини билмак каби урфон ўлмаз.  
Шод-масрур ўлур инсоф ила виждонли киши,  
Кимки виждонсиз эса, тўғри, чин инсон ўлмаз”.*

(Абдулла Авлоний)

\* \* \*

“Маним мезоним виждоним бўлиб келди, бундан сўнг ҳам жиловим ўшанинг қўлида. Демак, маним истиқболим таъмин қилингандир”.

\* \* \*

“Биз ҳақиқатни ҳаётдан олдик. Ҳаммадан илгари шахс ўзини танисин, сўнгра бошқани! Зеро, “ўзини билмаган, ўзгани билмас”, сўзи турмуш онасининг дард чекиб туққан тўнғич ўғлидир”. (Абдулла Қодирий)

\* \* \*

“Адолат – одил бўлиш, золим бўлмаслик, ноҳақлик қилмаслик жуда аҳамиятли гўзал ахлоқ турларидан ҳисобланади”.  
(Маҳмуд Асъад Жўшон)

\* \* \*

“Ҳақ таоло ўғрининг қўлини кесишга буюрган. Бу, табиийки, жуда адолатли ва шармандали жазо – ҳам қўлсиз қолади, ҳам то ўлгунича жамият ичида ўғри деган дашном остида яшайди. Тўғри, бу билан ўғрилиқнинг олди олинади, аммо у одамни гуноҳга мажбур этган ва бу ҳолга келтирган мусулмон жамиятининг бу борада бирон айби йўқми?”. (Муҳаммад Зоҳид Қўтқу)

270

\* \* \*

“Инсон тарбиясининг даражаси бошқанинг ҳуқуқини ҳурмат қилиш билан белгиланади”.

\* \* \*

“Етим ва йўқсулларнинг ҳаётини ўйлаган кишининг қалби покдир”. (Муҳаммад Камол)

\* \* \*

“Адолат деб бошқаларнинг мол ва номусини риоя қилмакни айтилуру.

Адолат яхши хулқларнинг фоили, зулмнинг муқобилидур. Адолат ва марҳаматли кишилар ўзига лойиқ кўрмаган бир ишни ўзгаларга раво кўрмас. Киши адолат ва инсоният вазифасини ёлғуз ўзи бузуқ ишлардан сақланмак ила адо қилолмас. Балки ўзи ила баробар жинсдошларини хато ва фаноликларини тузатмак ва яхши йўлга саъй қилмак ила адо қила билур. Адолатни риоя қилган кишилар ҳеч бир кишига жабру-зулмни хоҳламас ва жонлик нарсаларга бекорга озор бермас. Ақл ва шариятга мувофиқ равишда ҳаракат қилур. Жабру зулм ила бошқаларнинг дилини озор қилган кишиларнинг ёқалари жазо қўлидан қуту-

ла олмас. Зеро, жаноби Ҳақнинг адолати золимларнинг жазо ва сазосини бермакдадур. Расули акрам (с.а.в.) афандимиз: “Аллоҳ ризосини истар эсангиз, болаларнинг ҳаққинда ҳам адолат қилингиз!” Яна: “Мазлум кишининг дуосиндан, кофир ҳам бўлса, сақланингиз. Чунки мазлумнинг дуоиси доимо мақбулдир”, демишлар. Ҳар бир миллатнинг тараққий таолийси, давлат ва ҳукуматларнинг узун яшамоғи адолатга боғлидур. Адолатдан айрилган подшоҳларнинг давлатлари йўқ бўлуб, тарих саҳифаларида фақат исмлари қолганлиги ҳаммага билгулидур.

*Адл ўлса подшоҳнинг, оёғ остида палос,  
Бошингда бўлғусидир онинг тожи барқарор.  
Ғолиб бўлурга чиқса, агар енгидан қўли,  
Бўлғай насиб гарданиға ҳийладан тумор”.*

\* \* \*

“Афу(афв) деб кечурмакни айтилуру. Бир киши қилган камчиликларини бўйнига олуб, ўкунуб, кечурмакни сўраса, афу қилмак лозимдур. Чунки афу яхши хулқларнинг афзали, инсониятнинг акмалидур. Жаноби Ҳақ Қуръони каримда афуни мақтаб, мадҳ қилмишдур. Олижаноб кишилар узрни қабул қилур. Бир киши қусур ва қабоҳатини бўйнига олуб, узр этса, афу қилур, кечурур. Катталик ва улуғликнинг лаззати бировдан ўч олмакда эмас, балки афу қилмакдадур.

Масалан, Аҳмад Маҳмудга бир ёмон иш қилуб, дилини оғритди. Маҳмуд Аҳмаддан ўчини олди. Бас, Аҳмад ила Маҳмуднинг орасидаги ёмонликдаги фарқ на ўлди? Ҳолбуки, ҳар иккиси ҳам бир-бирига ёмонлик қилди. Ҳар иккиси ҳам ғамлик ва паришон бўлди. Бир ёмонлик икки бўлди. Агарда Аҳмаднинг қабоҳатига Маҳмуд афу мукофотини берса, иккиси ҳам шоду масрур ўлур, ҳамда жаноби Ҳақ афу қилувчиларни суяр. Ўзи ҳам афу ва мағфират қилувчидир. Нўширавон: “Бир гуноҳкорни афу қилмакдан қандай лаззат олганимни ҳеч кимга айтмайман”, демиш.

*Улуғларнинг иши афв айламакдур,  
Кичиклар узр учун бел бойламакдур.  
Мусулмонлиғда йўқ кину адоват,  
Дила афву, адолат жойламакдур.  
Бизим ишлар ҳасад, буғзу ҳусумат,  
Ҳудуддан чиб-чиқуб, чет пойламакдур.  
Бутун афъолимиз бир-бирга зидлик,  
Уруб-тортуб, оғизни мойламакдур”. (Абдулла Авлоний)*



\* \* \*

“Муттаҳамнинг виждонини кўзгатмоқ учун унга тарсаки тушириш керак”.

\* \* \*

“Баркамолликка эришган одам барча жонзотлардан юқори туради; аммо агар у қонунлар ва адолатга бўйсунмай яшаса, ҳаммасидан тубандир. Дарҳақиқат, адолатсизликни қурол қилиб олишдан кўра ҳам даҳшатлироқ нарса йўқ”.

\* \* \*

“Одилона йўл тутиш лозим бўлган пайтдаги ҳаракатсизлик кўрқоқликни билдиради”.

\* \* \*

“Кучга таянмаган адолат ожиз, адолатга таянмаган куч эса золимдир” .

\* \* \*

“Виждон биз эга бўлган ҳамма китоблар ичидаги энг доно китобдир, унга тез-тез нигоҳ ташлаб турмоқ керак”.

\* \* \*

272 “Кучга таянмаган адолат ғирт ожизликдир, адолатсиз куч эса – зўравонлик. Демак, адолатни куч билан уйғунлаштирмақ ва бунинг учун адолатнинг кучли, кучнинг эса адолатли бўлишига эришмоқлик зарур... Адолат кучли, куч эса адолатли бўлмоғи лозим”. (Паскал)

\* \* \*

“Агар куч адолат билан бирлашса, бу ҳамкорликдан кучлироқ нима ҳам бўлиши мумкин”. (Эсхил)

\* \* \*

“Виждонингга тескари юрма ва ҳақиқатга зид нарсани гапирма. Шу муҳим насиҳатга риоя қилсанг, ҳаётингда ўз олдингга қўйган вазифаларни тўла адо этасан”.

\* \* \*

“Адолатсизлик ҳаммавақт ҳам қандайдир фаолият билан боғлиқ бўлавермайди; кўпинча у қайтага фаолиятсизликдан иборат бўлади”.

\* \* \*

“Ҳаётдан мақсад кўпчилик томонида туриш эмас, аксинча, одам ўзи англаб етган ички қонуниятларга мувофиқ яшашидадир”

\* \* \*

“Адолат тарк этган салтанатнинг қароқчилар ўрдасидан фарқи борми?”. (М. Аврелий)

\* \* \*

“Ҳакамлик курсисини эгаллашга лойиқлигингга дилингда иқрор бўлмагунингча бошқаларни маҳкамага тортишга журъат этма... Агар сен одил ҳакам бўлишни истасанг, қораловчига эмас, ишнинг ўзига қара”. (Эпиктет)

\* \* \*

“Айбдор учун биринчи жазо ўз виждони олдида ўзини оқлай олмаслигидир... Ярамас одамлар жазодан қўрққанларидан, яхшилар эса эзгуликка меҳру оқибатлари туфайли ёмон ишлардан ўзларини сақлайдилар”. (Ювенал)

\* \* \*

“Виждоннинг буюк қудрати бор: гуноҳсизни ҳар қандай қўрқувдан фориг этган ҳолда ва гуноҳкорнинг тасавурида у ўзи лойиқ бўлган ҳамма жазоларни муттасил тиклагани ҳолда, икковини ҳам барабар ҳаяжонга солиб туради”.

\* \* \*

“Адолатнинг икки бош манбаи мавжудки: аввало, ҳеч бир кимсага зиён етказмаслик керак ва иккинчидан, жамиятга наф келтириш зарур”.

\* \* \*

“Донишмандлиги бўлмаган тақдирда ҳам адолат одамга кўп нарса беради, лекин адолатсиз донишманд эса ҳеч нима бермайди”.

\* \* \*

“Биз мустақил мулоҳаза юритиш қобилиятимизни сақлаган, зарурат бизни мажбур қилинган, маълум даражада ҳукм-фармойишдек бўлган фикрларни ҳимоя этишимизга зўрламаган чоғдагина чинакам эркинмиз”.

\* \* \*

“Жазо бермаслик жиноятга катта рағбатдир... Ғазабланган гувоҳнинг сўзларига ишониш мумкин эмас... Бировни қоралаб сўзлаганларида айбланувчини оқлайдиган далиллар хусусида лом-мим демай, унга қарши узундан-узоқ маълумотлар рўйхатини келтирадилар, бундан ортиқроқ ноҳақлик йўқ”.

\* \* \*

“Халол одам ҳакамлик курсисига ўтирар экан, шахсий майлларини унутади... Ҳакам – гапираётган қонун, қонун эса тилсиз ҳакамдир... Қонуннинг ўта қаттиққўллиги – ўта адолатсизликдир”. (Цицерон)

\* \* \*

“Виждонингиз билан ярашиш мумкин, лекин мустаҳкам тинчлик ўрнатиб бўлмайди”. (Граф Сёдермере)

\* \* \*

“Ўзгалар устидан ҳукмронлик даъво қилувчи одам олдин ўзини бошқара билиши даркор”.

\* \* \*

“Виждонли ва виждонсиз одамни нима қилгани билангина эмас, нимани исташи билан ҳам билса бўлади”.

\* \* \*

“Яхши одам бўлиш учун адолатсизлик қилмасликнинг ўзи кифоя эмас, уни бутунлай истамаслик ҳам керак”. (Демокрит)

\* \* \*

“Халқ қонунни ўз таянчи, ўзини муҳофаза қилувчи девор сифатида ҳимоя этмоғи лозим”. (Буқрот ҳаким)

\* \* \*

“Хўб айтилган, икки қутб баҳсида – ҳар иккисин тинглаш – ҳакамнинг бурчи эрур”. (Еврипид)

\* \* \*

“Шубҳасиз, ҳеч ким ҳуқуқ ва адолат тўғрисидаги тайёр тушунчалар билан туғилмайди, бироқ инсон табиати шундайки, маълум ёшга келганда бу ҳақиқатлар табиий йўсинда шакллана бошлайди”.

\* \* \*

“Фақат ожизларгина жиноят кўчасига кирадилар: кучли ва бахтиёр одамлар эса унга зор эмас”.

\* \* \*

“Давлатда қонунларнинг кўплиги бамисоли табибларнинг кўплигига ўхшайди: табибларнинг кўплиги эса касаллик ва ожизлик белгисидир”. (Ф. Волтер)

\* \* \*

“Қонунга риоя қилмайдиган одамдек ёвуз ҳайвон йўқ”.

(Ж. Савонарола)



\* \* \*

Қонунга хилоф ҳаракат ҳеч кимнинг обрўйини оширмайди ва ўзига ҳурмат ҳам уйғотолмайди”. (А. Казбегу)

\* \* \*

“Кимга ҳокимият ишониб топширилган бўлса, унинг хулқида намоён бўладиган кичик қусурлар ҳам катта бўлиб кўринади”. (Плутарх)

\* \* \*

“Кимки виждон азоби касаллигидан қийналмаса, ҳалоллик тўғрисида ўйламай қоя қолсин”. (Ж. Ренар)

\* \* \*

“Мулоҳазаларимиз ва хатти-ҳаракатларимизнинг тўғрилиги шахсий манфаатларимизнинг жамият манфаатлари билан қулай бир тарзда мувофиқ келишидан бўлак нарса эмас”. (К. Гелвеций)

\* \* \*

“Ўзгаларнинг нафратидан ҳаддан ортиқ кўрқадиган одам ҳеч қачон ҳукмрон бўлолмайди”.

\* \* \*

“Тақдир тан берувчиларнинг кўлидан тутади, қаршилиқ кўрсатувчиларни эса судрайди”.

\* \* \*

“Ёзилмаган айрим қонунлар ёзилган барча қонунлардан кўра ҳам мустаҳкамроқдир... Қонун лўнда бўлиши керак, токи уни оми одамлар ҳам ёдда тутсинлар”.

\* \* \*

“Жиноятчиларга шафқат кўрсата туриб, ҳалол одамларга заҳмат етказадилар”.

\* \* \*

“Кимки жиноятнинг олдини олишга имкони бўла туриб, уни қилмаса, у жиноятни рағбатлантиради... Бир жиноят иккинчисига йўл очади... Гарчи амалга оширилмаган бўлса-да, кўнгилга келган жиноят бари бир жиноятдир”.

\* \* \*

“Кимки ҳар икки томонни тингламай туриб ҳукм чиқарса, бу ҳукми қанчалик одил бўлмасин, бари бир ноҳақдир”.

\* \* \*

“Жиноятчи баъзан жазодан қутулиб қолиши мумкин, аммо жазо даҳшатидан қутулолмайди... Тўғри йўлга қадам қўйишнинг

биринчи шарти айбига иқроор бўлишлиқдир... Нима учун одам ўз айбига иқроор бўлмайди? Чунки у ҳамон ўша айблари сиртмоғидадир. Бу худди уйқудаги одамдан тушини гапириб беришни талаб қилгандай гап”. (Сенека)

\* \* \*

“Жиноятдан кўра жиноятнинг ярамас оқибатлари узоқ яшайди ва шаҳид кетганларнинг арвоғига ўхшаб ҳамиша қотилнинг изидан қувгани қувган”.

\* \* \*

“Ножўя хатти-ҳаракат гарчи вақтинча омадли қилиб турса-да, аммо ҳеч қачон чинакам бахт ато этмайди”. (В. Скотт)

\* \* \*

“Адолат йўқолган пайтда ҳаётнинг қадрини белгиловчи ҳеч нарса қолмайди”.

\* \* \*

“Кўпчилик кишиларнинг бағритош бўлганлигининг сабаби шундаки, улар олдин раҳмдил бўлишган ва кўп алданишган.

\* \* \*

“Жисмимизда яшайдиган қонун “диёнат” деб номланади. Виждон бу қиладиган ишимизнинг шу қонунга мослигидир”. (И. Кант)

\* \* \*

“Қонунлар яхши одамлар учун ҳам, ёмон одамлар учун ҳам бефойдадир. Биринчилари қонунга муҳтож эмаслар, иккинчилари қонунлар туфайли тузалиб қолишмайди”. (Демонакт)

\* \* \*

“Кимки айбдорни ҳимоя қилса, ўзига айб сотиб олади... Кимки ярамас одамларга хайрихоҳ бўлиб қараса, яхши одамларга зиён етказди... Бегуноҳни жазолаган ҳакам аввало ўзини жазолайди”. (П. Сир)

\* \* \*

“Ҳар бир қонуннинг икки таянчи бор: бири – жазо, иккинчиси – мукофот”.

\* \* \*

“Доно ҳукмдор ўз ҳатти-ҳаракатлари сабабини яширади, токи амалдорлар улардан фойдаланмасин. Ҳукмдор ўз донолигини пинҳон тутиб, истеъдодини паст қилиб кўрсатадики, қўл остидигилар унинг бу сифатларини сеза олишмасин”.

\* \* \*

“Хукмдор ҳокимиятни ҳеч қачон, ҳеч ким билан бўлишмас-лиги керак. Агар у амалдорларга заррача ҳокимият берса, улар ўша заҳоти бир заррани юз зарра ҳокимиятга айлантиришади”.  
(Хан Фэй)

\* \* \*

“Яхши ва ёмон одамларни ажратиш лаёқатини бой берган ҳукумат ҳалокатга маҳкумдир”. (Антисфен)

\* \* \*

“Ким ёвузликни кўра туриб, уни жазоламаса, унинг содир бўлишига имкон яратади... Кимки иллатга жазо бермаса, у унинг химоячисидир”. (Леонардо да Винчи)

\* \* \*

“Одам ўз ҳақлигига ишонса, бу унинг бегуноҳлигига кафил турган иккита гувоҳдан ҳам муҳимроқдир”. (Т. Гунпел)

\* \* \*

“Агар томонлардан фақат биттаси айбдор бўлганида одамлар ўртасидаги низо бунчалар узоқ чўзилмас эди”.

\* \* \*

“Жиноят қилиб орттирилган ҳар қандай фойда руҳий тубанлашишнинг ўрнини боса олмайди”. (Г. Филдинг)

\* \* \*

“Айбимиз агар танҳо ўзимизга маълум бўлса, биз уни тезда нутамиз... Ўзимизни қанчалик шармисорликка дучор этмайлик, табаррук номимизни тиклашга доимо имкониятимиз бор”.

\* \* \*

“Мўътадил ҳакамнинг адолатпарварлиги ўзининг юксак мартабасига нисбатан эҳтиромидан нишонадир”. (Ф. Ларошфуко)

\* \* \*

“Мукаммал давлатга асос солиш учун, энг аввало шундай инсонларни тарбиялаб етиштириш керакки, токи улар ҳамма ерда ва ҳар доим ўз манфаатларини жамият фаровонлиги йўлида қурбон қилишга тайёр бўлсинлар”

(А. Шопенгауэр)

\* \* \*

“Виждонимиз, агар уни ўзимиз нобуд этмаган бўлсак, покиза ҳакамимиздир”.



\* \* \*

“Қонун деганлари нафақат даҳрий, у меҳр-шафқатдан ҳам маҳрум... Нима кўп – ғазнага алоқадор қонунлар кўп, нима кўп – жазоловчи қонунлар кўп, лекин ҳеч қанақа низомномалар йўқ, бунинг устига, низомнома билан қонун ўртасидаги фарқни илғаб олишга қодир бўлган ақл эгаларининг ўзи йўқ”.

\* \* \*

“Одатлар – бу одамлардир, қонунлар эса – мамлакатнинг ақли. Одатлар кўпинча қонунлардан кўра шафқатсизроқдир. Аксари номақбул одатлар қонунлардан устун келади... Қонун – майда пашшалар илиниб, йириклари қутулиб кетадиган тўр эмас... Ҳеч нимани қонунни билмаганимиздек ёмон билмаймиз”.

\* \* \*

“Ахир, ўз мусибатларининг айбдорларини жазога тортишни талаб қиладиган одамлар ҳеч кимга ёқмайди-ку!”. (О. Бальзак)

\* \* \*

“Одамларнинг ҳақиқий тенглиги уларнинг қонунларга бир хилда амал қилишларида кўринади”. (Ж. Деламбер)

\* \* \*

“Қонун паноҳида бирлашган одамларнинг ўз олдиларига қўйган мақсадлари шундан иборатки, айрим шахслар томонидан қилинадиган зўравонлик ва адолатсизликнинг олдини олиш ва бартараф этиш учун улар шу йўл билан ижтимоий ҳокимият тузадилар”. (Г. Мабли)

\* \* \*

“Соф виждон бировни қувонтирганликдан қувонишнинг айна ўзгинасидир; нопок виждон эса англашилмовчилик, янглишиш ёки ҳаяжон зўри билан бировга жабр келтиришдан азоб ва жабр чекмакликдир”. (Л. Фейербах)

\* \* \*

“Фуқаро ва давлат ишларини қонун эмас, тобелар, бошлиқлар, ва ҳакамлар бошқарадиган юртнинг шўри қурсин! Уларнинг ҳар бири ўзини тенгсиз донишманд деб биладики, оқибатда “қўйчивон кўп бўлса, қўй ҳаром ўлади”. (М. Кутузов)

\* \* \*

“Қонун инсоний доноликнинг юксак ифодаси бўлиб, у одамлар тўплаган тажрибадан жамият фаровонлиги йўлида фойдаланади”. (С. Жонсон)

\* \* \*

“Ҳеч бир қонунга бўйсунмаслик ўзини нажотбахш ҳимоядан маҳрум этиш деган сўз, зеро, қонунлар бизни бошқалардангина эмас, ўзимиздан ҳам асраб турмоғи керак”. (Г. Гейне)

\* \* \*

“Номақбул қонунчилик қумдан тўқилган арқонга ўхшашлигини, уни эшмоқчи бўлсанг, бошиданоқ сочилиб кетишини доно одамлар биладилар”. (Р. Эмерсон)

\* \* \*

“Яхши қонунларни ҳурматламоқ, бемаъниларини эса бекор қилмоқ ёхуд ўзгартирмоқ лозим”. (М. Русинек)

\* \* \*

“Иложи борица кам қонун яратинг, лекин уларнинг ижросини назорат қилинг”. (Ж. Локк)

\* \* \*

“Қонунлар оддий одамлар учун яратилади, шу боисдан улар ақл-идрокнинг оддийгина қоидаларига асосланмоғи керак”.  
(Т. Жефферсон)

\* \* \*

“Соф виждон овози юзларча шон-шухрат овозидан кўра ёқимлидир”.

\* \* \*

“Нопок виждонга таскин берувчи нимаики бор, жамиятга зиён келтиради”. (П. Буаст)

\* \* \*

“Шафқатсизлик кўрқоқликдан келиб чиққан қонунларга хосдир, зеро, кўрқоқлик шафқатсизлик туфайлигина фаол бўла олади”.

\* \* \*

“Ёмон қонунлар зўравонликнинг энг ярамас кўринишидир”.  
(Э. Берк)

\* \* \*

“Нуфузли зотларга қаҳр-ғазаб кўрсатилмаса, мамлакатни бошқариш осон кечади”. (Мэн Цзи)

\* \* \*

“Ҳоқонлар ва этикдўзларнинг жонлари бир хилда бичилган”.

\* \* \*

“Давлат тузумини лақиллатиб уни заифлаштирувчилар у емираляётганида кўпинча биринчилар қатори ҳалок бўлишади. Нотинчликлар меваси ҳеч қачон уларни келтириб чиқарувчиларга насиб этмайди, фақат уларнинг нотинчлик кўзғаб, сувни лойқалатишгани қолади, балиқни эса бошқалар тутиб кетади”.

\* \* \*

“Қонунлар адолатли бўлгани учун эмас, балки улар қонунлар экани учунгина умумий ҳурмат-эътиборга сазовордир”.

\* \* \*

“Хохлаганларига эриша олмай, ўзлари эришганларини хоҳлагандай қилиб кўрсатишади”. (М. Монтен)

\* \* \*

“Одамларни ҳеч нима нопок виждончалик безовта қилмайди”. (Роттердамлик Эразм)

\* \* \*

“Айтишларича, икки қарама-қарши фикрлар орасида ҳақиқат ётар эмиш. Асли бундай эмас, улар орасида муаммо ётади”.

\* \* \*

“Эҳтиёткор бўлиш осон, тавба-тазарру эса қийин... Жазолай олмайдиган ҳакам оқибат-натижада жиноятчининг шеригига айланади”. (И. Гёте)

\* \* \*

“Мутлақо доно ҳукмдор донишмандликка эмас, қонунга таяниб иш кўради. Агар у қонундан воз кечиб, илмни афзал кўрса, унинг фуқаролари ўз ишларини ташлаб, шуҳрат кетидан қува бошлашади”. (Шан Ян)

\* \* \*

“Гоҳо тулки, гоҳида шер бўламан. Бошқарувнинг бутун сири қачон униси ёки буниси бўлишни билишда”.

\* \* \*

“Шер бошчилик қилаётган қўйлар қўшини қўй бошчилик қилаётган шерлар қўшини устидан ҳамиша ғолиб келади”.

\* \* \*

“Найзалар билан ҳамма ишни қилиш мумкин, фақат уларнинг устида ўтириб бўлмайди”.



\* \* \*

“Виждон хатти-ҳаракатларимиз яқин кишиларимизнинг қанчалик эҳтироми ёки танбеҳига лойиқлигини бехато кўрсатиб берувчи кўнгил ҳакамидир”. (П. Голбах)

\* \* \*

“Адолат ғоясини рад этиб бўлмайди; у ахлоқ-одоб қонунларидан, ақл-идрок қонунларидан, омма ҳаётининг ўзидан келиб чиқади; адолат бошдан-охир ҳаёт уфуриб турган сўздир”.

(А. Барбюс)

\* \* \*

“Жиноятга хуруж бошлашдан олдин унинг сабабларини баргараф этиш мумкинми ёки йўқлигини тарозига солиб кўриш зарур... Кимки қаттиққўлликни қонунлардан ҳам ўтказиб юборса, у зўравондир” (Л. Вовенарг)

\* \* \*

“Адолатли ҳакамлар баҳслашаётганида шубҳага борсалар, ноҳақ эканликларини иккиланмай тан оладилар; ҳақ йўлни ҳимоя қилаётганлар учун эса, ҳалол ва билимдон рақиб олдида сўзлаш маъқулроқ, чунки улар ўз виждонлари ҳукмига қараб яшайдилар”.

\* \* \*

“Адолат сизга ҳамроҳ бўлсин: фуқароларингиз осойишталигини, хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг мол-мулкни сақлаш ҳам сизнинг вазифангизга киради: бу ҳали ҳаммаси эмас, уларни бахтли қилишингиз керак. Ҳукмдорнинг асосий вазифаси ана шунда”.

\* \* \*

“Қачонлардир, қайсидир бир давлат арбоби том маънода Ватан фарзанди бўлиб етишса, у фақатгина ўзидан олдинги раҳбарнинг қонунларини бекор қилиш билангина шуғулланмасдан, балки халқ аҳволини яхшилаш, унинг фаровонлигини ошириш ҳақида қалбдан ўйлайди”.

\* \* \*

“Кўриниб турган ҳақиқатни тасдиқлаш учун узоқ ўтмишдан далил қидиришга ҳожат борми?”

\* \* \*

“Виждонли одамлар учун ҳалоллик саводли одамлар учун илм қанчалик зарур бўлганидан ҳам кўра қимматлироқдир”.

\* \* \*

“Пушаймонлик ва виждон азоби қанчалик азоб-уқубатли бўлмасин, қалб сирларингизга айланган, демак, сизда эзгуликка ва мафтункор ҳиссиётларга бўлган муҳаббатингиз сўнмаган. Қалбингиз бузукликка тўлишидан, унинг тошга айланишидан, шармандаларча тубанликдан, табиий ҳиссиётларингизни бой бериб, нодон ва ҳиссиз тўнкага айланиб қолишдан эҳтиёт бўлинг”.

\* \* \*

“Мен туғма фаҳмлашимга биноан, ҳақиқат томонини қабул қилдим ва мен нимагаки эришмайин, битта мукофот мени тарк этмайди – мен уни қалбимнинг тубидан топаман”.

\* \* \*

“Одил маҳкаманинг энг хатарли душмани – олдиндан ўйлаб қўйилган нотўғри мулоҳазадир”. (Ж. Ж. Руссо)

\* \* \*

“Адолат – шундай бир машинаки, унга бошида бир туртки берилса, кейин ўз-ўзидан ишлайверади”. (Ж. Голсуорси)

\* \* \*

“Яхшиларни мукофотлаш билан ёмонларни жазолаган бўламиз”. (Д. Дидро)

\* \* \*

“Ўрни келганда ҳақиқатни айтмаслик яхши эмас. Бу нарса ўзингни ҳам, ўзгаларни ҳам таҳқирлаш демакдир. Бироқ лаёқат ва ҳуқуқ бўлмаганда ҳақиқатни айтмаган маъқул”. (Ф. Гегел)

\* \* \*

“Агар олижаноб ва оқил кишилар аҳмоқ ва пасткашларни бошқаришса, ана ўшанда чинакам тартиб ҳукмрон бўлади”.

\* \* \*

“Ҳукмдорлар ҳақиқатни тик айтадиган мулозимларга эга бўлишлари керак”.

\* \* \*

“Баҳо бериш ёлғонни ҳақиқатга, ҳақиқатни ёлғонга айлантира олмайди. Баҳо бериш – фойда билан зарар ўртасидаги бир танлов”.

\* \* \*

“Камбағаллик – мамлакатдаги тартибсизликлар илдизи”.

(Мо-Цзи)

\* \* \*

“Ким хотиржам ҳукмдорлик қилишни истаса, ўзини найзалар билан эмас, барчанинг меҳр-муҳаббати билан ихота этсин”. (Периандр)

\* \* \*

“Ўз яқинларингга нисбатан сира пайсалга солмай адолатли бўлмоғинг лозим; бундай ҳолларда сусткашлик қилиш – адолатсизлик деган гап”.

\* \* \*

“Фирибгарлар бошқаларни ҳам ўзларига ўхшаш деб ўйлашга мойилдирлар”.

\* \* \*

“Эркинлик бекорчилик эмас, балки ўз вақтидан эркин фойдаланиш ва кўнглига ёққан касбни танлай олиш имкониятидир; қисқаси, эркин бўлиш бекор юриш эмас, аксинча, нима қилиш ва нимани қилмасликни одамнинг шахсан ўзи ҳал этишидир”.

\* \* \*

“Жазосини олган жиноятчи – бошқа муттаҳамлар учун намуна; ноҳақ қораланган одам эса барча ҳалол кишиларнинг виждонига отилган тошдир”. (Ж. Лабрюйер)

\* \* \*

“Адолатсизликни бир киши қиладимиз ёки кўпчиликми, бари бир у мунофиқликдир”. (Г. Спенсер)

\* \* \*

“Адолатсизликдан қочиш яхшиликка хосдир, ёмонлик эса ундан қочмайди”. (Клеовул)

\* \* \*

“Адолатли бўлиш учун кўп нарсани билиш шарт эмас, аммо ўтакетган адолатсиз иш қилиш учун эса қонунларни обдан ўрганиб чиқишга тўғри келади”. (Г. Лихтенберг)

\* \* \*

“Шахс в фуқаро эркинлиги ҳамма вақт ҳам бир-бирига мос келавермайди”.

\* \* \*

“Қонунларнинг шафқатсизлиги кўпинча уларнинг бажарилишига тўсқинлик қилади”.



\* \* \*

“Агар суд ҳокимияти ижро ҳокимияти билан бирлашса, у ҳолда суд ҳаками ситамгарга айланишига имконият туғилади”.

\* \* \*

“Одам ўз қалбига қулоқ осиб, унинг адолатпарварлигига иқрор бўларкан, қанчалар боши осмонга етади”.

\* \* \*

“Қонунлар барчага баробар бўлиши зарур... Энг ёвуз зўравонлик – қонун соясига беркиниб, адолат байроғи остида иш кўради”. (Ш. Монтескье)

\* \* \*

“Адолатсизлик қилмайдиган одам адолатпарвар эмас, балки адолатсизлик қилиши мумкин бўла туриб, ундан ўзини тийган кишигина адолатпарвардир”.

\* \* \*

“Адолатпарвар одамнинг ахлоқий хислатлари бемалол қонун ўрнини боса олади”. (Менандр)

\* \* \*

“Юмшоқ қонунларга камдан-кам бўйсундилар, бешафқат қонунлар эса камдан-кам ижро этилади”. (Б. Франклин)

\* \* \*

“Адолатсиз хўжайиннинг мурувватидан фойдалангандан кўра ундан нарироқ юрган маъқул”. (Х. Мануэл)

\* \* \*

“Журъатсиз ҳукмдорлар яқиндаги хавфдан қутулиш учун одатда аралашмасликни маъқул кўришади ва бу кўпинча уларни ҳалокатга олиб келади”.

\* \* \*

“Халқнинг моҳиятини англаш учун ҳукмдор бўлиш лозим, ҳукмдорлар табиатини тушуниш учун эса халққа мансуб бўлиш даркор”. (Н. Макиавелли)

\* \* \*

“Нимани қиссалар – у кенгаяди, нимани заифлаштирсалар – у кучаяди, нимани йўқ қилсалар – у янгидан пайдо бўлади. Ким бошқадан ниманидир тортиб олмоқчи бўлса, ўзиникини йўқотиши муқаррар”.

\* \* \*

“Нимадир номаълум иш қилиб, кейин яшириниб кетаман, дея ўйлама, бошқалардан яширинганинг билан ўз виждонингдан яширинолмайсан”. (Исократ)

\* \* \*

“Инқилобларни даҳолар ўйлаб топишади, мутаассиблар амалга оширишади, ҳузурини эса лўттибозлар кўради”.  
(О. Бисмарк)

\* \* \*

“Ҳақиқат энг бошданок мавжуд бўлган. Хатолар ва янглишишлар эса ундан сўнг туғилган”. (Т. Флоренс)

\* \* \*

“Хукмдорни қайиққа, халқни сувга қиёслаш мумкин. Сув қайиқни олиб юриши ҳам, тўнтариб юбориши ҳам мумкин”.  
(Сюн-Цзи)

\* \* \*

“Дилимизда яшайдиган қонун “виждон” дея аталади. Виждон аслида ҳатти-ҳаракатларимизнинг шу қонунга мувофиқ келишидир”.

\* \* \*

“Адолат йўқолганида кишилар ҳаётига қадр-қиммат бера олиши мумкин бўлган ҳеч нима қолмайди”. (И. Кант)

\* \* \*

“Қанча-қанча ғам-аламларим бўла туриб, шундан мен тенгсиз бир таскин топаманки, ҳеч қандай душманам ҳам виждонимни тортиб олишга қодир эмас. Мен эсам ҳеч қачон виждонимга раҳна солувчи ўз душманамга айланмайман”. (Т. Филдинг)

\* \* \*

“Ҳалол одамдан виждони буюрганича иш тутишни талаб қилиш ортиқча. Виждонига хилоф иш тутишни талаб қилиш эса — уни ҳақоратлаш демак”.

\* \* \*

“Қонунни ҳимоя қилолмайдиган, журъатсиз одамлар учун қонун беҳудадир”. (Т. Маколей)

\* \* \*

“Кишилар ўз дили, виждони, ақлини худди ошқозонларини ишдан чиқарганлари сингари ишдан чиқарадилар”. (Н. Шамфор)

\* \* \*

“Виждон фақат жиноят ва пасткашлик туфайлигина сийқалашади”. (Ж. Ламетри)

\* \* \*

“Виждоннинг сийқалангани инсониятга зиён келтирувчи ҳаракатлардан дарғазаб бўлмасликдан ҳам билинади”. (А. Амиев)

\* \* \*

“Фақат нодонларгина бебошликни “эркинлик” дейдилар... Кўнглинг тусаганини ҳис этишга ва ҳис этганингни гапиришга эрк берилган онлар ноёб бахтли онларингдир”. (Тацит)

\* \* \*

“Эркинлик ва интизомсизлик – бир-бирига мутлақо қарма-қарши тушунчалардир... Айрим ҳолларда “эркинлик” дея аталган нарса бошқа пайтларда интизомсизлик дейилади”.

(Квинтилиан)

\* \* \*

“Аксари одамларнинг виждони – бошқаларнинг мулоҳазаларидан чўчишдан бўлак нарса эмас”. (Ж. Тэйлор)

\* \* \*

“Ҳар қандай вазиятда ҳам виждонан иш тутмаган одамга ҳеч нарсада ишонма”. (Л. Стерн)

\* \* \*

“Сиртдан қараганда, яхшиликка йўйилмайдиган бирорта ҳам иллат топилмайди”.

\* \* \*

“Ҳеч нима ҳаддан зиёд мурувватдек қусурларни жонлантормайди”. (В. Шекспир)

\* \* \*

“Соф виждон бўхтонни ҳам, миш-мишни ҳам писанд билмайди”. (Овидий)

\* \* \*

“Биргина ноҳақ ҳукм айрим шахслар қилган кўпгина жиноятлардан кўра оғирроқ кулфат келтиради; айрим шахслар фақат ирмоқларни, фақат унда-бунда учраган жилғаларни булғатса, ноҳақ ҳакам эса обиҳаёт булоғини булғайди”.

\* \* \*

“Ўғирлашга имкон яратиш ўғрини туғдиради”.



\* \* \*

“Ҳакамлар ўз ишлари – қонунларни пеш қилмай, уни изоҳлаш эканини унутмасликлари керак”. (Ф. Бэкон)

\* \* \*

“Қусурлар билан ошна тутинган одам, ўша қусурларнинг асиридир”. (Т. Драйзер)

\* \* \*

“Одамлар адолатни севишлари учун уларга адолатсизлик оқибатларини кўрсатиб турмоқ зарур”. (А. Смит)

\* \* \*

“Қаердаки гап ташувчилар рағбатлантирилар экан, у ерда гуноҳкорлар ошиб-тошиб ётади”. (К. Малзерб)

\* \* \*

“Айбдорларга нисбатан беғараз шафқатсиз ёки холисона муруватли бўлмоқ лозим”. (М. Дюкло)

\* \* \*

“Дўстни ҳам душманни ҳам бир хилда маҳкамага тортиш керак”. (Менандр)

\* \* \*

“На оқловчи ва на айниқса ҳакам бурчини адо этаётганида, ўз туйғуларига берилишга мутлақо ҳақи йўқ”. (Р. Стивенсон)

\* \* \*

“Жазо беришдан аввал ҳар доим “гуноҳидан ўтишнинг иложи йўқмикан”, дея ўйлаб кўриш керак”. (Г. Лихтенберг)

\* \* \*

“Одил маҳкамада расмиятчилик ва дабдаба шунинг учун зарурки, у ҳакамнинг бедодлигига ҳеч бир ўрин қолдирмайди, шунда халқ маҳкама бетартиб, ноҳақлик билан эмас, балки мустаҳкам қоидалар асосида иш кўраётганини англайди”. (Ч. Беккариа)

\* \* \*

“Ўзи йўқлар ҳар вақт айбдор бўлиб чиқадилар; ҳозир бўлганлар эса ҳамisha ўзларини оқлаш имкониятига эгадирлар”. (Б. Франклин)

\* \* \*

“Довюраклик бошқа фазилатларнинг ўсиши учун албатта зарур. Ахир мард бўлмай туриб, адолат излаш ёки муҳаббатни ардоқлаб асраш мумкинми?”

\* \* \*

“Жазолашдан кўра кечирмаклик мардликдир. Ожиз одам кечиролмайди. Афв этиш кучлилар фазилатидир”. (М. Ганди)

\* \* \*

“Одамлар ҳукмини назарга илмаслик мумкин, аммо ўз ҳукмингдан қочолмайсан”.

\* \* \*

“Кўпинча одамлар хотиралари бўш бўлгани учун ҳам соф виждонлари билан ғурурланадилар”.

\* \* \*

“Мен ҳаётда атиги иккитагина ҳақиқий бахтсизлик борлигини биламан: виждон азоби-ю, хасталик”.

\* \* \*

“Ўз айбига иқрор бўлмаслик – айбни улғайтириш демакдир”.  
(Л. Толстой)

\* \* \*

“Ўзи қонунга амал қилмайдиган одам ҳам бошқалар учун қонун чиқариши ғоят ажабланарлидир”. (Г. Скворода)

\* \* \*

“Халқимизнинг энг олий ва ўзига хос фазилати – унинг ҳақгўйлик туйғуси ва унга ташналигидир”.

\* \* \*

“Оламда уч хил аблаҳ бор: соддадил, яъни ўз разилликларини юксак эзгулик деб ишонадиган аблаҳлар; ўз разилликларини била туриб, шу разилликни бари бир қила туриб, бир оз орияти қўзийдиган аблаҳлар ва ниҳоят, шунчаки – онадан туғма аблаҳлар бор”. (Ф. Достоевский)

\* \* \*

“Адолат хатти-ҳаракатларимиз ва ҳар қандай истакларимизнинг асоси бўлмоғи лозим”. (К. Рилеев)

\* \* \*

“Одамларда виждон ва ақл равшанлигини тарбияламоқ лозим”. (А. Чехов)

\* \* \*

“Инсон хатти-ҳаракатларининг мезони адолат бўлмоғи зарур”. (Н. Чернишевский)

\* \* \*

“Одамнинг ҳақиқий улуғворлиги виждонига қарши бирон-бир иш қилишдан кўра умр бўйи азоб-уқубатни афзал кўришга бел боғлаганидан бошқа яна қандай ҳолларда билиниши мумкин?”. (В. Белинский)

\* \* \*

“Чинакам эркин одам ким? Ўз эҳтирослари ва ўзгаларнинг бемаъни ҳавасларига қул бўлмаган кишигина эркиндир”.  
(Ф. Глинка)

\* \* \*

“Адолатли фикр юритиш – ҳали амалда адолатли иш қилдинг, деган сўз эмас”. (К. Ушинский)

\* \* \*

“Миллат қанчалик ўсган бўлса, шахс мустақиллиги шу қадар тўла таъминланган ва айни пайтда бир шахс бошқасининг тажовузидан шу қадар ҳимояланган бўлади”. (Д. Писарев)

\* \* \*

“Одамнинг виждони одамни яхшироқ нарсани излашга ундайди ва гоҳо унга аввалига дағал ва ёқимсиз кўринган, лекин соғлом ҳаётдан дарак берувчи янгилик учун қулай, ёқимли, бироқ ўлиб ва нураб бораётган эскиликдан воз кечишида кўмаклашади”. (А. Блок)

\* \* \*

“Виждони мажруҳ кишиларга қараш калтакланганларга қарашдан ҳам даҳшатлироқ”.

\* \* \*

“Ҳар қандай товламачи ҳам ўзи алдамоқчи бўлган одамнинг хотираси пастлигини мўлжаллайди”. (Ю. Фучик)

\* \* \*

“Ўз аблахлигини оклашга бирон-бир баҳона тополмайдиган мутгаҳамнинг ўзи йўқ”. (К. Кернер)

\* \* \*

“Фирибгарлар ҳамиша сал бўлса ҳам софдил одам бўлиб кўринишга интиладилар”. (Н. Шамфор)

\* \* \*

“Ҳар қандай имтиёзлар эркинлик ва адолат учун қабрди”.  
(И. Зейме)



\* \* \*

“Бу оламда яшаган ҳамма зўравонлар ҳам эркинликка ишонганлар, аммо фақат ўз эркинликларига ишонганлар”. (Э. Хаббард)

\* \* \*

“Эркинликни яхши кўрмайдиган одам йўқ; аммо уни ҳақгўй одам барча учун, ноҳақ эса фақат ўзи учун талаб қилади”. (Л. Берне)

\* \* \*

“Ўзгаларга зиён етказмай туриб, жамики нарсаларни қила олиш ҳукуқи эркинликдир”. (М. Клаудиус)

\* \* \*

“Эркинлик инсон жасорати ва кучини икки барабар оширади”. (Ш. Дюмурье)

\* \* \*

“Жаллодларга мурувват кўрсатиш қурбон бўлганларга нисбатан шафқатсизликка айланади”. (Р. Роллан)

\* \* \*

“Ноўрин мурувват ожизликкина бўлмай, балки ҳақсизликка ҳам бориб тақалади ва жамият учун ниҳоятда зарарлидир, чунки у иллатни кўпайтиради”. (Г. Филдинг)

\* \* \*

“Ўйлаганингни айта билмасликдан кўра ҳам оғирроқ азоб йўқ”. (Ш. С. Эвремон)

\* \* \*

“Қонунларга риоя қилишни ошириб юбориш ўта қонунсизликка айланиши ҳам мумкин”. (Теренций)

\* \* \*

“Жиноятга зинама-зина чиқиб борадилар, фалокат эса тубсиз жарга қулагандек тўсатдан оёқ остидан чиқади”. (А.Б. Марлинский)

\* \* \*

“Агар ҳалол бир кишининг юзига тарсаки урсалар – соф кўнгилли одамларнинг ҳаммаси унинг дарди ва нафратига, инсоний қадр-қиммати хўрланганидан ўксишига шерик бўлмоқлари керак”. (Л. Андреев)

\* \* \*

“Инсоннинг кимлиги танҳо ўзи қолган вақтдаги ҳолатида билинади. Ундаги чинакам инсоний моҳият унинг хатти-ҳаракат-

ларини кимдир бошқа биров эмас, айна унинг ўз виждони бошқаргандагина намоён бўлади”.

\* \* \*

“Айбини ҳис этиш – баодоб одамнинг яхши туйғусидир. Фақат телба ва бетайин довдиргина ўз айбини тушунмайди... Айбини ҳис этиш ўзини-ўзи фош қилиш эмас, балки виждон азоби, маънавий покизалик ва диёнат сари интилкоқликдир”.

(В. Сухомлинский)

\* \* \*

#### **Ҳикмат аҳли бисотдан:**

“Бурч туйғуси ҳамда пушаймон билан боғлиқ виждон изтироби одам билан ҳайвон орасидаги муҳим тафовутдир. Ақл ва виждонни ўз ҳуқуқларидан маҳрум этиб бўлмайди. Уларга ёлғонлаш мумкин-у, аммо уларни алдаш қийин. Соф виждон энг одил ҳакамдир. Алдамчилик, безбетлик, номуссизлик жандасини кийган кимсагина ўз виждони ҳукмидан қўрқмайди. Виждон эгасини ўлдириш мумкин, бироқ енгиб бўлмайди”.

\* \* \*

“Иймон гавҳари инсоф ва виждон қўрғонлари билан асралади. Бошқачароқ таъбир билан айтсак, иймон бир дарахт бўлса, виждон ва инсоф унинг жон томирларидандир. Инсоф ва виждон иймоннинг муаззам саройи қўрғонларидир. Шундай экан, бу уч тушунча мустақил маъноларни англатгани ҳолда, ўзаро занжир ҳалқалари каби мустаҳкам бирлашгандир. Иймонсиз одамда чин виждон ҳам, инсоф ҳам бўлмайди”.

\* \* \*

“Виждон азоби қўлдан кетган фазилатларнинг акс-садосидир. Ўз айбини унутиш эса ориятсизликка олиб келади. Кимки ўзининг нобоп қилмишидан уялмас экан, у икки карра айб иш қилди, дейиш мумкин”.

\* \* \*

“Ҳақиқат ва тўғрилиқни севадиган одам доим виждони фармонига итоат қилади ва унинг виждонига ҳеч ким ҳоким бўла олмайди. Виждон – ақлнинг қон томири, унинг уриши бизни доим яхши ва ёмондан воқиф этиб туради. Виждонли одам хавфдан холи, хиёнат қилгувчи эса ҳалокат ботқоғида яшайди”.

\* \* \*

“Виждон – ҳакам. Виждон – бандани иймонсизлик жарига кулашидан асраб қола олувчи посбон. Виждонига тескари юр-

майдиган одам ҳаётида ўз олдига қўйган вазифаларга тўла эриша олади. Одамлар тилла-ю жавоҳир безакларга ихлос қўядилар, қолбуки энг бебаҳо зийнат – соф виждондир”.

\* \* \*

“Агар барча яхши фазилатларни бир фозил мамлакатга қиёс этсак, виждон бу мамлакатнинг подшоси, инсоф ва адолат эса унинг “ўнг қўл” ва “чап қўл” вазиридир. Виждонли одам барчи фазилатларни ўзида жамлаган бўлади. У ҳеч қачон бировга зулм қилмайди ёки ҳақиқатдан юз ўтирмайди. Киши бировнинг қай-ғусидан шодландими, билингки, у виждон эгаси эмас”.

\* \* \*

“Дунё жанжал, уруш бўлаётган жойга ўхшайди. Мушти кучли, моли-пули кўп бўлганнинг овози чиқиб, атрофидагиларидан ҳурмат истайди. Сен мол-дунёси бор бўлгани учунгина уларга иззат кўрсатиб, бир бурда нон илинжида думини ликиллатадиган итларга ўхшаб қолма. Сенга инсон эканингни англатиб, Ҳақни билдирганларнинг ҳурматларини жойига қўй. Виждонга хилоф қилмаслик шундай бўлади”.

\* \* \*

“Адолат – ҳаққоният, инсоф, шафқат, одиллик демак. Ҳақ бўлсанг кўрқма. Курашни давом эттир. Ноҳақ бўлсанг, курашма, таслим бўл. Бу энг яхши адолат саналади”.

\* \* \*

“Обиднинг ибодати нафсини, одилнинг адолати оламни ислоҳ этади. Адолат тантанаси учун курашдан кўрқиб, муросасозлик кайфияти билан яшаш – ҳам уят, ҳам жиноят ҳисобланади. Адолатни қуёшга ўхшатадилар. Ҳаммага бирдай нур сочади, аммо камаймайди. Адолат сувга, зулм ўтга ўхшайди. Зилол сув ҳар доим бало-офатларни келтирувчи оловни ўчиради”.

\* \* \*

**Ҳикоят:** вазир ҳузурига муллалар келишиб: “Фалон амалдор ўлар олдида васиятнома ёзиб, бойлигидан бизларга ҳам маблағ ажратган экан. Фарзандлари васиятномага амал қилмаётирлар. Бор бойликка ўзлари эга чиқиб, бизларни маҳрум қолдирдилар. Бизларнинг ҳаққимизни ундириб беринг”, деб арз қилдилар.

Вазир амалдорнинг ўғлини чақирди. Васиятномани барчанинг ҳузурда овоз чиқариб ўқиди:

“Ўн минг тилла пулимни фарзандларим ва муллаларга беришни васият қилиб қолдираман. Вафотимдан кейин муллалар истаганларини фарзандларимга, қолгани эса муллаларга берилсин”.



Вазир муллаларга қараб: “Сизлар қанчасини истайсиз?” – деб сўради.

– Тўққиз минг беш юз тиллани истаймиз, – дейишди.

– Мен шариат бўйича адолатли ҳукм қилсам, рози бўласизларми? – деб сўради вазир улардан.

– Албатта рози бўламиз, биз шариатнинг буйруқларини ижро қилувчилармиз, шариат нимани буюрса, ўша бўлади, – дейишди.

Вазир шундай ҳукм қилди:

– Васиятномада: “*муллалар истаганини*” фарзандларимга берилсин, дейилган. Сизлар тўққиз минг беш юз тилла истайсизлар. Васиятномага амал қилиб, сизлар *истаган* маблағни, яъни тўққиз минг беш юз тиллани амалдорнинг фарзандларига бераман. Қолган беш юз тилла сизларнинг ҳақингиз. Мана, кўриб турибсизлар, амалдорнинг фарзандлари ҳам кичик, сағир болалар. Сағирнинг ҳақини ейиш шариат бўйича ҳаромдир. Албатта, сизлар ҳаром нарсани емайсизлар. Шунинг учун сизларга қолаётган беш юз тилла ҳам уларга берилади. Шариат бўйича тўғри, адолатли ҳукм қилдимми, тақсирлар?

Муллалар нима ҳам дея олишарди...

\* \* \*

“Инсон аввало ўзига адолатли бўлиши, сўнг бошқаларга адолат кўрсатиши лозим. Зеро, ўзига адолатли бўлмаган киши бошқаларга адолат кўрсата олмайди. Киши ўзини яхшилиқларга ундаса, ёмонликлардан қайтарса, барча ҳолларда ҳаддан ошмаса ва камчиликларга йўл қўймаса (*яъни, мўътадил сифатли бўлса*), ўзига нисбатан адолатли бўлади”.

\* \* \*

“Кишилар бир-бирига нисбатан мавқеъ жиҳатидан юқори, паст ё тенг бўладилар. Шахснинг ўзидан пастдагиларга осонлик туғдиришга ҳаракат қилиши, қийинчиликларни кетказиши, зўравонлик қилмаслиги ва ҳақни исташи уларга адолат қилгани бўлади. Бошлиқ адолат қилишни истамаса, қўл остидагилари бўйсуннишни истамайди”.

\* \* \*

“Шахснинг ўзидан юқоридаги кишига адолати – унга чин кўнгилдан итоат қилиши, ёрдамини аямаслиги, садоқат кўрсатиши билан бўлади. Димоғдор, одобсиз бўлмаслик ва озор етказмаслик – шахснинг ўзига тенг кишиларга адолатидир”.

\* \* \*

“Адолат – тўғрилиқдир. Ҳақдан оғмаслиқдир”.

**Ҳикоят:**

Подшоҳ ҳар наврӯзда халққа зиёфат берарди. Шундай зиёфатларнинг бирига келганлар орасида ғоят камбағал бир киши бор эди. У қорни тўйгач: “Бу идишлардан бирини олиб кетиб сотсам, муҳтожликдан қутулар эдим, чорасизликдан қилган бу гуноҳимни Аллоҳ таоло ҳам, подшоҳ ҳам кечирар”, деб ўйлаб, қимматбаҳо идишлардан бирини кийими орасига беркитди. Подшоҳ унинг бу ҳаракатини кўриб турган бўлса-да, индамади. Зиёфат тугагач, хизматчилар қимматбаҳо идиш йўқолганини аниқлаб, подшоҳга арз этдилар, барчани тинтиб чиқишга изн сўрадилар.

– Текшириб, одамларни ҳижолат қилманглар, – деди подшоҳ. – Идишни бирон муҳтож киши ғоят эзилганидан олгандир. Унинг олганини кўрган киши эса чақимчилик қилмайди.

Идишни олган киши уни сотиб, пулини турмушига яратди. Ўзига янги уст-бош олди. Кейинги наврӯз зиёфатига янги либосини кийиб келди. Зиёфатдан кейин подшоҳ уни имлаб, ёнига чақирди:

– Устингдаги янги кийим ўша идишнинг пулига келмаганми? – деб кулиб сўради.

– Сизнинг шафқат соянгизда шу кийимларга эга бўлдим, – деди у киши уятдан қизариб. – Муҳтожлик мени шу гуноҳ ишга мажбур қилди. Мени кечиринг. Қилган ишимдан виждоним қийналиб юрибди.


– Бундан сўнг эгасидан сўрамасдан бировнинг нарсасига қўл тегизмай, эҳтиёжингни менга келиб айт, ёрдам қиламан, – деб одил подшоҳ инъом-эҳсон қилиб, уни шодлантирди.

“Адолат – фазилатлар фазилатидир. Одил бўлмай золим бўлган киши ҳеч вақт комил, фозил ва мўътабар бўлмайди. Адолатсизлик – саодатнинг заволи, йўқчилик даъватчисидир. Одам боласи агар инсофли, адолатли бўлса, халқ қошида катта обрўга эгадир, ҳамма унга ишонади, сўзи, иши халқ қошида мақбул ва мағруб бўлади. Шунинг учун ҳеч кимга зулм, ҳақсизлик килмасдан инсоф ва адолатни ўзига раҳбар қилиб олиш лозимдир”.

## ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН:

- \* Остонадан айвон яхши, виждонсиздан ҳайвон яхши.
- \* Виждондан кечган йиқилар.
- \* Адоват эмас, адолат енгар.
- \* Адолат қиличи кесган қўл оғримас.
- \* Адолат қиличи кескир бўлар.
- \* Даъвогар суст бўлса, қози муттаҳам бўлар.
- \* Етим-етим демангиз, етим ҳақин емангиз.
- \* Жабрга сабр чидамас.
- \* Зар ҳам зўрники, зан ҳам зўрники.
- \* Инсоф сари барака.
- \* Инсофи йўқнинг виждони йўқ.
- \* Инсофли ошини ер, инсофсиз – бошини.
- \* Кўмирни ўғирлаган темирчи, балога қолган кўмирчи.
- \* Кўпирсанг ҳам, тупурма.
- \* Кўр бўлсанг ҳам, кўрнамак бўлма.
- \* Кўрган кунингни унутма, хом чорингни қуритма.
- \* Ноинсофга эрк берсанг, элни талар.
- \* Ношукурда шукур бўлмас, нонкўрда – узр.
- \* Ноҳақ қон ерда ётмас.
- \* Одил киши ойдаи, оқиб турган сойдаи.
- \* Отдан бўлган ўт ейди, итдан бўлган эт ейди.
- \* Палла-палла – шу палла, адолатда бир қалла.
- \* Сув келтирган – хор-у зор, кўза синдирган – азиз.
- \* Томоша – кўрники, замона – зўрники.
- \* Тоғдаги келиб, боғдагини қувибди.
- \* Тўнғиздан ўқ аяма.
- \* Хатонинг йўлдоши – жазо.
- \* Юрибсан бу сўқмоққа, чидарсан бу тўқмоққа.
- \* Ўтники – ўтга, сувники – сувга,  
Ёнга қолди қатиқнинг пули.
- \* Ўғри бўл, қароқчи бўл – инсофли бўл.
- \* Ўғрининг уйи кўп, тўғрининг уйи йўқ.
- \* Қашқир тумушуғидан илинар.
- \* Ҳар ерда хўроз бир хил қичқирар.
- \* Ҳар ким феълига яраша олар.
- \* Ҳақ жойда қарор топар.
- \* Ҳақ ишни халқ қўллар.
- \* Ҳақ ноҳақ бўлмас.



- 
- \* Ҳақ эгилар, ноҳақ синар.
  - \* Ҳақ эгилса ҳам, синмайди.
  - \* Ҳақ ўз дўпписининг тагида.
  - \* Ҳақ ўтар, ҳақлик ютар.
  - \* Ҳақ – ҳамиша ғолиб.
  - \* Ҳақ ҳаққа чиқар, ноҳақнинг бўйни синар.
  - \* Ҳақиқат ўтда ҳам куймас, сувда ҳам чўкмас.
  - \* Ҳақиқат – осмонда, нарвони – ҳамёнда.
  - \* Ҳақиқат қилни қирқ ёрар.
  - \* Ҳақиқатнинг юзи – ёруғ, қўли – узун.
  - \* Виждонли одам ҳеч вақт тун ярмида эшиги тақиллашидан хавотирга тушмайди. *(Хитой мақоли)*

## ҲИММАТИ ЙЎҚНИНГ ҲУРМАТИ ЙЎҚ

“Эй, иймон келтирганлар! Садақаларингизни миннат ва озор бериш билан, Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирмаса ҳам, кишиларга риё учун молини нафақа қилганга ўхшаб, бекорга кетказманг. У мисоли устини тупроқ босган силлиқ бир тошга ўхшайдир. Бас, кучли ёғин ёғса, силлиқ бўлиб қолади. Касб қилганларидан ҳеч нарсага қодир бўлмаслар ва Аллоҳ кофир қавмларни ҳидоятга бошламас”.

*(Қуръони Карим маъноларининг таржимаси, Бақара сурасидан)*

### **Тафсир:**

Бу ояти каримада садақадан кейин миннат қилиб, озор бериб, қилган яхшилигининг савобидан бебаҳра қолишлик ажойиб бадиий васф билан тасвирланяпти. Бу билан мусулмонлар қалбида бу ишнинг нақадар ёмон иш эканлиги жонли тасвир қилинмоқда. Оятнинг аввалида садақани миннат ва озор бериш билан ботил қилмасликка амр бўляпти. Кейин эса, агар шундай қилинса, риё учун садақа қилганга ўхшаб қолиши баён қилинган. Ортидан миннат ва озор келадиган садақа Аллоҳга ва охират кунига иймон туфайли эмас, балки риёкорлик учун садақа қилганга ўхшар экан. Асли чатоқ бўлганидан, қилган яхши амали ўзига юқмайди. Риё учун қилган садақаси силлиқ, бетаъсир, қаттиқ тошнинг устига тўп-ланиб қолган озгина тупроққа ўхшайди. Ёмғир ёғса, ундан наф олиб, ўсимлик ўстиришининг ўрнига, ювилиб оқиб кетади ва силлиқ, қаттиқ тош юзи очилиб қолади. Бу тарзда садақа қилувчилар ҳеч қандай савоб олмайдилар. Энди бу васфнинг қарама-қарши-си – иймонли кишилар садақасининг васфи келади:

\* \* \*

“Молларини Аллоҳнинг розилигини истаб, ўзларидаги ишонч билан сарфлайдиганлар худди тепалиқдаги боққа ўхшайдилар. Унга қаттиқ ёмғир ёғса, мевасини икки баробар беради. Агар қаттиқ ёмғир ёғмаса, майдалаб ёққани ҳам бўлаверади ва Аллоҳ қилаётганларингизни кўриб турувчи Зотдир”.

Бу ҳақиқий мўмин кишининг васфи. У садақани риё учун эмас, Аллоҳнинг розилиги учун қилади. Унинг қалби силлиқ тошдек қотиб қолгани йўқ. Балки, иймон билан тўла, яхшилик умиди билан обод. Боғнинг баҳавоси унинг тепалиқка жойлашгани бўлади. Яъни, у ёққан ёмғирдан тўла фойдаланади. Тўла ишонч билан, Аллоҳнинг розилигини тилаб қилинган садақа ҳам шундай, эгасини кўп савобга эриштиради. У боғнинг меваси кўпайиши учун доимо қаттиқ

ёмғир ёғиши шарт ҳам эмас. Майдалаб ёққан ёмғир билан ҳам унинг мевалари кўпаяверади. Шунингдек, мўмин банданинг риёсиз, миннатсиз ва озорсиз, ихлос билан қилган нафақаси оз бўлса ҳам, кўп ажр-савобга сабаб бўлаверади. Ким нима қиляпти: ким риё учун садақа қиляпти; ким Аллоҳнинг розилиги учун садақа қиляпти – ҳамма-ҳаммасини кўриб турувчи Зотдир.

\* \* \*

“Сизлардан биронтангиз пойидан анҳорлар оқиб турган хурмозор ва узумзор, турли мевали боғи бўлатуриб, ёши бир жойга етганда, заифҳол зурриёти бор пайтда унга ўтли бўрон келиб, ёниб битишини хоҳлайдими?! Аллоҳ сизларга шу тариқа Ўз оятларини баён қилур, шоядки, фикр юритсангиз”.

Аллоҳнинг йўлида қилинган садақа худди дарахтлари пойидан шарқираб сувлар оқиб турган хурмозор ва узумзор, турли мевали боққа ўхшайди. Боғдан ҳаммага фойда – кўрган ҳам, кирган ҳам, еган ҳам хурсанд. Худди шунингдек, Аллоҳ йўлида қилинган садақа берганни ҳам, олганни ҳам, билганни ҳам қувонтиради. Ҳаммага ўз даражасида фойда етказади.

Ана шундай олиймақом боғу бўстончи бор одам шу боғнинг ўтли бўронда куйиб тугашини, хусусан, ёши бир жойга етиб, қўлидан бир иш келмай қолган чоғида, унинг қўлига қараб турган заифҳол зурриётлари бор чоғида шундай бўлишини хоҳлайдими? Албатта йўқ. Аллоҳ йўлида садақа қилган одам ҳам гўё ўшандай боғу бўстонга эришган бўлади. Садақаси кетидан миннат этса ва озор етказса, худди ўтли бўрон билан боғини куйдиргандек бўлади. Садақасининг савоби қолмайди. Шоядки, ўша фикр юритишингиз сизни ихлос билан, ҳеч қандай миннат ва озорсиз садақа қилишга чорласа.

\* \* \*

“Эй, иймон келтирганлар! Касб қилган пок нарсаларингиздан ва Биз сизларга ердан чиқариб берган нарсаларимиздан садақа қилинглр. Нопокни қасд этиб садақа қилманг. Ҳолбуки, уни ўзингиз ҳам олувчимассиз, магар кўз юмсангизгина оласиз ва билингки, албатта, Аллоҳ бой ва мақталган Зотдир”.

Маълумки, ўзи топган мол-мулкени садақа қилиб юбориши осон эмас. Ҳар бир одам ўзида кўпроқ мол-дунё бўлишини хоҳлайди. Садақа қилиши учун маълум даражада фидокорлик, ўзидан, нафсу ҳавосидан кечиши талаб этилади. “Садақа” сўзи ҳам тасдиқлаш маъносини англатади. Молидан садақа қилувчи киши қалбидаги иймонини амалий жиҳатдан тасдиқлаган бўлади. Шунинг учун ҳам, мол-мулкдан садақа қилишга тарғиб этувчи оятни Аллоҳ таоло мўминларга маҳбуб сифат билан бошлаган. “Эй, иймон келтирган-



лар!” деб нидо қилинганда мўмин киши ҳар қандай оғирликни ҳам писанд қилмай, адо этишга киришади.

Ўзлари касб қилиб топган ҳалол, пок ризқлари, сўнгра Аллоҳ ердан чиқариб берган зироатлар, конлар ва бошқалар – мўминларнинг қўлига тушадиган барча турдаги молу мулкдан, пок нарсадан садақа қилишга амр этилмоқда. Масала ниҳоятда аҳамиятли бўлганидан нопок нарсалардан садақа қилмаслик таъкидланмоқди. Нопок дейилганда фақат ҳаромни тушунмаслик керак. Балки, паст, арзимаган, киши назарига илмайдиган нарсаларни ҳам тушуниш лозим. Қисқа қилиб айтганда, пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга, қабилида иш қилиш керак. Садақа бераётган киши ўзини садақа олаётган киши ўрнига қўйиб кўрсин. Берилса ўзи олмайдиган нарсани бировга ҳам садақа қилиб бермасин. Яъни, биров сизга паст нарса берса олаверасизми? Йўқ, олмайсиз. Олсангиз ҳам, кўзларингизни юмиб, ижирғаниб ноилождан оласиз. Шундай экан, бошқага ҳам яхшисидан раво кўринг. Аллоҳ бой бўлганидан кейин Унинг йўлида қиладиган садақангиз ўшанга ярашгудек бўлсин. Аллоҳ мақталган зотдир, йўлида садақа қилганларни У ҳам мақтайди.

Мазкур ояти кариманинг нозил бўлиши ҳақида ҳадис илми имомларидан Ибн Аби Ҳотим раҳматуллоҳи алайҳи саҳобалардан Баро розияллоҳу анҳудан ривоят қиладиларки, у киши: “Бу оят биз ҳақимизда тушган, -деганлар. -Хурмоларимиз бор эди. Ҳар бир киши хурмосининг оз-кўплигига қараб олиб келиб, шингили билан масжидга осиб кўяр эди. Супа аҳлининг таоми йўқ эди. Улардан бирорталари оч қолса, ҳассаси билан қоқиб, ранг тортиган ва пишиб етилган хурмоларни олиб ер эди. Яхшиликка рағбати йўқ баъзи кишилар бўлмағур, ёмон шингилларни ҳам осиб қўйишар эдилар. Шунда Аллоҳ таоло: “Нопокни қасд этиб садақа қилманг. Ҳолбуки, уни ўзингиз ҳам олувчимассиз, магар кўз юмсангизгина оласиз”, оятини туширди. Бундан сўнг биздан ҳар биримиз ўзида бор хурмонинг энг яхшисини келтирадиган бўлди”.

Садақа қилмаслик ёки нопок-паст нарсаларни садақа қилиш ўз эгасининг қалбида иймон сустлигининг ва бирор шубҳа ёки касаллик борлигининг далолатидир.

\* \* \*

“Агар садақаларни ошкора қилсангиз, қандоқ ҳам яхши. Агар махфий қилсангиз ва фақирларга берсангиз, бу ўзингиз учун янада яхшироқдир ва сиздан гуноҳларингизни ювадир. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир”.

(Бақара сурасидан)

Бу ҳақдаги бошқа оят ва шарҳий далилларни жамлаб ўрганиб чиққан уламоларимиз хулоса қилиб айтадиларки, садақа фарз бўлса, уни ошкора қилиш яхши. Чунки бу ҳолда Аллоҳнинг амрига тоат ошкора кўринади ва ҳақдор бўлмаган кишиларга ҳам мазкур садақадан тушиб қолиши мумкинлиги олди олинади. Агар садақа ихтиёрий бўлса, уни махфий қилингани яхши. Риёдан ва манманликдан узоқда бўлинади.

Садақанинг энг ҳақдори камбағал-фақир кишилардир. Ислолда садақанинг жорий қилиниши ҳам ўша тоифанинг ҳимояси ва ёрдами учун бўлган. Садақа қилиш хоҳ ошкора бўлсин, хоҳ махфий бўлсин, доимо ўз эгасига фойда келтиради, унинг гуноҳлари ювилишига сабаб бўлади. Аллоҳнинг бу ваъдаси кишиларнинг қалбини ларзага солади, тақво ҳиссини оширади.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан бу ояти кариманинг тафсирида қилинган ривоятда у киши айтадиларки: “Аллоҳ таоло ихтиёрий садақада махфийликни жорий қилган. Бу борада махфийси ошкорасидан етмиш марта кўп савобга эга бўлади. Фарз садақанинг ошкорасини махфийсидан йигирма беш марта афзал қилган”.

Маълумки, одамнинг топган мол-мулкидан ўз ихтиёри билан бошқа кишиларга садақа қилиши осон эмас. Бунинг учун доимий равишда тарғибот олиб бориб, одамлар қалбидаги бахиллик, молга бўлган ҳирс ҳисларини йўқотиш керак бўлади. Иккинчидан, сажийлик даражасига етганларида риёкорликни йўқотиш учун ҳаракат қилмоқ лозим бўлади. Ҳаётий тажрибада ҳам мол сарфлашни йўлга қўйишдан кўра, риёдан қочишни йўлга қўйиш қийин эканлиги кўрилган. Кишиларда қилган садақасини, яхшилигини одамлар билишини хоҳлаш табиати кучли.

\* \* \*

“Аллоҳга яхши қарз берадиган киши борми?! Бас, У Зот унга бир неча марта кўпайтириб қайтаради ва унга карамли ажр бор”.  
(Ҳадид сурасидан)

“Қарз” сўзи луғатда “кесмоқ” маъносини билдиради. Қарз берувчи киши ўз молидан кесиб, қарз сўровчига беради. Аллоҳ таоло ўз дини йўлида сарфланадиган молу мулкни Унга берилган “яхши қарз”га, яъни орага судхўрлик ва бошқа ғаразлар қўшилмаган қарзга ўхшатмоқда. Бунда эҳсон, инфоқ қилишига катта тарғиб бордир. Чунки қарзни муҳтожлар олади. Аллоҳ эса ҳеч нарсага муҳтожлиги йўқ, балки барчанинг Унга муҳтожлиги бор Зотдир. Оятда Аллоҳ таоло эҳсон қилганларнинг сарфини кўпайтириб беришига ва бунинг устига, уларни карамли жаннатга киритишига ваъда қилмоқда. Уламолар Аллоҳ таоло қабул қиладиган яхши

қарзнинг шартларини ҳам зикр қилганлар: садақа қилувчининг ни-  
яти соф бўлсин; садақа чин кўнгилдан, риёсиз, Аллоҳнинг розилиги  
учун берилсин; ҳалол молдан бўлсин; сифатсиз бўлмасин; энг зарур  
жойга сарфлансин; садақа яширин ҳолда қилинсин; миннат қилин-  
масин; кўп бўлса ҳам, оз саналсин; ўзининг яхши кўрган молидан  
бўлсин; ўзини бой санаб, олувчини камбағал санамасин.

Маълумки, саҳобаи киромлар ҳар бир оятга тўлиқ амал қилиш-  
га шошилар эдилар. Шу маънода улуғ саҳобий Абдуллоҳ ибн Ма-  
свуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган қуйидаги ривоят жуда  
ҳам ибратлидир. Бу оят нозил бўлганда Абу Даҳдаҳ Ансорий исмли  
саҳоба:

“Эй Аллоҳнинг расули, Аллоҳ биздан қарз хоҳлаяптими?” – деб  
сўради.

“Ҳа, эй Абу Даҳдаҳ”, дедилар сарвари олам. Шунда Абу Даҳдаҳ  
Расулуллоҳ алайҳиссаломга: “Қўлингизни беринг”, деди-да, у зоти  
бобаракотнинг муборак қўлларидан тутди. Сўнгра:

“Мен ўз Роббимга боғимни қарз бердим”, деди.

Унинг боғида олти юз туп хурмоси, хотини Умму Даҳдаҳ ва  
фарзандлари бор эди. Абу Даҳдаҳ боғига келиб, хотини Умму  
Даҳдаҳни чақирган эди, у “Лаббай!” деб чиқди. Абу Даҳдаҳ:

“Боғдан чиқ, мени уни Роббимга қарз бердим”, деди. Аёл эса:

“Қилган савдоингнинг даромади кўп бўлсин”, деди-да, дарров бо-  
лалари ва асбоб-анжомларини кўтариб, кўчди. Шунда Пайғамбар  
алайҳиссалом:

“Жаннатдаги дуру ёқутдан бўлган қанчадан-қанча хурмолар  
Абу Даҳдаҳники бўлди”, дедилар

(Тафсир муаллифи шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф)

\* \* \*

“Аллоҳ йўлида молларини инфоқ-эҳсон қиладиган кишилар-  
нинг мисоли худди ҳар бир бошоғида юзтадан дони бўлган ет-  
тита бошоқни ундириб чиқарган бир дона донга ўхшайди. Аллоҳ  
хоҳлаган кишиларга янада кўпайтириб савоб беради”

(Бақара сурасидан)

### **Тафсир:**

Худо йўлида молларини нафақа (садақа, эҳсон) қилувчилар  
нафақаларининг сифати шунга ўхшайдики, бир дона буғдойни  
ерга эккан бўлса, етти дона сунбул (бошоқ) бўлиб ўсади. Ҳар бир  
сунбулнинг бошида юзтадан донаси бўлади. Яъни Худойи тао-  
ло йўлида риёсиз қилинган садақанинг мисоли шунга ўхшайдики,  
бир дона буғдой кўкариб, еттигача ниҳол бўлиб, ҳар бир ниҳол  
бошида юзтадан етти юз донга айланади. Яъни қилинган ҳар  
бир ҳасанага (яхшиликка) етти юз ҳасананинг савоби берилиши-



га ишора қилинмоқда. Аллоҳ хоҳлаган бандасига бундан ҳам кўп қилиб беради. Аллоҳ таолонинг бандаларга бахшойиши (фазлу карами) кенгдир, бандаларнинг аҳволини билгувчидир

(Мавлавий ҳожи Ҳиндистоний)

\*\*\*

“Улар Аллоҳнинг бандалари томонидан қилинадиган тавбани қабул этишини, садақаларни олишини ҳам Аллоҳ Таввоб (тавбаларни қабул этувчи) ва Раҳим (раҳмли) эканини билишмаганмиди?!”

\*\*\*

“(Эй Муҳаммад!), сиз уларнинг молларидан бир қисмини ўзларини поклаб-тозалайдиган садақа сифатида олинг”.

(Тавба сурасидан)

\*\*\*

Молик ибн Динор (р.а.) уйларига тиланчи тиланиб келди. Бир сават хурмолари бор эди, ярмини бердилар. Шунда аҳли аёллари дедиларки: “Сизга ўхшаганларни зоҳид дейишади. Бирон кишининг подшоҳга яримта нарса юборганини кўрганмисиз?” Бу танбеҳ ул ҳазратга таъсир қилиб, тиланчини чақирдилар, хурмонинг қолганини ҳам бериб юбордилар-да, дедилар: “Э хотин, ҳаракат қил, тезроқ ҳаракат қил. Аллоҳ таоло айтади: “Бас, Аллоҳ жаҳаннам қўриқчиларига дер: “Уни ушлаб, кишанланглар! Сўнгра дўзахга ташланглар! Сўнгра узунлиги етмиш газ бўлган занжирга солиб боғланглар”. Бу қаттиқ азоб кимларга, деса айтилади: “Чунки у улуғ Аллоҳга иймон келтирмас ва бевабечораларга таом беришга ўзини ва бошқаларни тарғиб қилмас эди”. (Ал-ҳааққа сурасидан) Билгинки э хотин, бўйнимиздаги кишаннинг ярмини иймон билан ечдик. Қолган ярмини садақа бериб туширмоғимиз лозим”.

\*\*\*

“Қариндошга, мискин ва йўловчига хайр-эҳсон қилиш билан ҳақларини адо этинг”. (Исро сурасидан)

\*\*\*

“Ўзингиз касб этган ва Биз сизлар учун ердан чиқарган нарсаларнинг яхшиларидан эҳсон қилингиз”. (Бақара сурасидан)

\*\*\*

“Аллоҳ таоло сенга ато этган нарса билан охиратни истагин, дунёдан бўлган насибангни ҳам унутмагин. Аллоҳ таоло сенга эҳсон қилгани каби сен ҳам одамларга эҳсон қил! Ерда бузғунчилик қилишни истама”. (Қасос сурасидан)

\* \* \*

“Сиздан нималарни эҳсон қилишингизни сўрайдилар. Айтинг: “Қандай яхшилик қилсангиз, ота-онага, қариндош-уруғга, етим-мискинларга ва йўловчи мусофирларга қилингиз. Қандай яхшилик қилсангиз, шубҳасиз, Аллоҳ уни билгувчидир”.

(Бақара сурасидан)

\* \* \*

“Не бир нарсани инфоқ-эҳсон қилсангизлар, Аллоҳ уни тўлдурур”. (Сабаъ сурасидан)

\* \* \*

“Тарчи ўзларида эҳтиёж бўлса-да, ўзларини қўйиб, ўзгаларни исор-ихтиёр қилурлар”. (Хашир сурасидан)

(Пайғамбаримиз алайҳиссалом саҳобалардан бирига қўйнинг калласини ҳадя қилдилар. У саҳобий “фалончи биродарим мендан кўра фақирроқ”, деб қўй калласини унга юбортирди. Бу саҳобий ҳам ҳадяни олиб қолмай, бошқа биродарига юбортирди. Оқибат шу бўлдики, етти уй айланиб, Расуллуллоҳнинг ҳадялари яна ўша биринчи саҳобийга қайтди. Мазкур оят ўшанда тушган экан)

\* \* \*

“Уларни афв этинг ва кечиринг. Албатта, Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севади”. (Моидда сурасидан)

\* \* \*

“Албатта, ким (ўзига етган озор-азиятларга) сабр қилса ва (интиқом олмай Аллоҳ учун) кечириб юборса, шак-шубҳасиз, бу иш ишларнинг мақсадга мувофиғидир”. (Шўро сурасидан)

\* \* \*

“Кечиримли бўлинг, яхшиликка буюринг ва жоҳиллардан юз ўгинг”. (Аъроф сурасидан)

\* \* \*

“(Э Муҳаммад!) агар мушриклардан биронтаси сиздан ҳимоя сўраса, бас, уни ўз ҳимоянгизга олинг. Токи у Аллоҳнинг каломини эшитсин. Сўнг уни ўзи учун тинч бўлган жойга етказиб қўйинг. Бу ҳукм уларнинг билмайдиган қавм бўлганлари учундир”. (Тавба сурасидан)

\* \* \*

“Биз унда уларга жонга-жон, кўзга-кўз, бурунга-бурун, қулоққа-қулоқ, тишга-тиш ва жароҳатларда қасос вожиб, деб ёздик. Ким у қасосни кечиб юборса, бу унга каффоротдир. Ким Аллоҳ нозил қилган нарса ила ҳукм юритмаса, ўшалар золимдирлар”. (Моидда сурасидан)

**Ҳадиси қудсийдан:**

“Эй Одам фарзандлари, агар менинг раҳматимни яхши кўрадиган бўлсангизлар, бас, мен яратган нарсаларга раҳм-шафқат қилинглар”.

\* \* \*

“Эй Одам фарзанди, қачон бемор бўлсанг, ўзингни садақа бериш билан давола”.

**Шарафли ҳадисларда Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:**

“Сизлардан бурун ўтган пайғамбарлар умматидан биттаси ҳисоб-китоб қилиганида ундан ҳеч бир яхши иш топилмаган. Лекин у ўзига тўқ киши бўлиб, халқ билан аралашиб юрар ва камбағал кишилардан оладиган маблағи бўлса: “У камбағал бечорадан шу маблағни кечиб юборинглар”, деб ходимларига буюрарди. Шунда Аллоҳ таоло: “Бу банда камбағалга меҳрибонлик қилиб, ундан оладиган маблағни кечган экан, унинг гуноҳларини ҳам мен кечаман”, деб гуноҳларини кечириб юборди”.

\* \* \*

“Қайси бир мусулмон бошқа бир мусулмонни кийинтирса, Аллоҳ уни жаннат яхшиликлари билан кийинтиради”.

\* \* \*

Бир куни Аллоҳнинг Расули кафтларига туфлаб, тупукларининг устига бармоқларини қўйиб дедилар:

“Аллоҳ айтди: “Эй одамзод, Мени ожиз деб ўйлаяпсанми? Ҳолбуки, мен сени шу каби нарса(маний)дан яратдим. Сени қиёмга келтирдим. Нуқсонсиз қилдим. Мана, либосларинг ичида юра оласан. Ердан сенга бундай овоз келади: “Мол-мулк тўпладинг, ҳаммасини чангалладинг, бошқа хилқатлар ҳам фойдалансин учун харжламадинг. Жон бўғзингга келганда: “Садақа қиламан”, – дединг. Садақа қиладиган пайтинг қачон келади?”

\* \* \*

“Кимга олийҳиммат берилган бўлса, унга ҳамма нарса берилган ҳисобланади. Кимга берилмаган бўлса, унга ҳеч нарса берилмаган бўлади”.

\* \* \*

“Огоҳ бўлинглар, савдода бемаъни сўз, қасам ва ёлгон бўлиб туради. Шунинг учун унга садақани ҳам қўшинглар”.



\* \* \*

“Ҳеч бир кун йўқки, икки фаришта нозил бўлиб, улардан бири: “Ё Аллоҳ, хайр йўлида инфоқ-эҳсон қилган бандаларнинг молини давомли қилгин”, бошқаси эса: “Ё Аллоҳ, қўли берк бўлганларнинг молига талофат бер”, демаган бўлсин”.

\* \* \*

*Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан: “Эҳсон нимадир?” деб сўралганда, ул зот “Эҳсон – Аллоҳ таолога гўё уни кўриб тургандек ибодат қилишингдир. Зотан, сен у Зотни кўрмасанг-да, У Зот шак-шубҳасиз сени кўриб турувчидир”, деганлар.*

\* \* \*

“Кишининг ҳаётлик чоғида берган бир дирҳам садақаси ўлаётиб берадиган юз дирҳам садақасидан яхшироқдир”,

\* \* \*

“Киши етмишта шайтоннинг соқолини бўшатмагунича садақа қилишга қодир бўлолмайди”.

\* \* \*

“Раҳм қилувчиларга Раҳмон раҳм қилади. Ердаги кишиларга раҳм қилинлар, Осмондаги Зот сизларга раҳм этади”.

*(Мазкур ҳадисни мавлоно Румий: “Сен ерда бўлганларга марҳамат қилгинки, кўкда бўлган (яъни Аллоҳ) сенга марҳамат қилсин. Сендан қуйида бўлганга жонинг ачисинки, сендан юқори бўлганнинг ҳам сенга жони ачисин”, деб шарҳлаганлар)*

\* \* \*

“Ким одамларга раҳм этмаса, Аллоҳ ҳам унга раҳм қилмайди”... “Умматимнинг кейинчилари намози ва рўзасининг кўплиги учун эмас, балки қалбларининг раҳмати, кўнгиллариининг саломатлиги, нафсларининг саховати ва барча мусулмонларга раҳмдиллиги боис жаннатга кирадилар”.

\* \* \*

Расулуллоҳ соллаллаҳу алайҳи васаллам “Жаннатга фақат марҳаматли одам киради”, дедилар. Бир саҳоба “Ё Расулуллоҳ, биз ҳаммамиз марҳаматлимиз”, деди. Расули акрам: “Фақатгина ўзига нисбатан марҳаматли бўлганлар марҳаматли эмаслар. Марҳаматли деб ўзига ҳамда бошқаларга нисбатан марҳаматли бўлганларга айтилади”, дедилар.

*(Кишининг ўзига марҳаматли бўлиши гуноҳларни тарк этишии эвазига тавба қилиб, ёмон амалларидан воз кечиши ва ибодатларини ихлос билан бажариб, Аллоҳнинг азобидан қутилишидир.*

Кишининг бошқаларга марҳаматли бўлиши эса, ҳар қандай ҳолатда ҳам мусулмон биродарларини қийнамаслигидир. “Мукошифатул қулуб”дан)

\* \* \*

“Садақанинг яхшироғи кейинида муҳтожликда қолдирмайдиганидир ва берадиган қўл оладиган қўлдан яхшироқ. Берадиган эҳсонингни ўзингга қарам бўлганлардан бошла. Хотининг: “Рўзгоримни тўғирлаб бер, бўлмаса мени талоқ қил”; қулинг: “Менинг нафақамни (оби-таомимни) бер, бўлмаса мени сотиб юбор”; бола-чақаларинг: “Бизга ким қарайди, тирикчилигимиздан ким хабар олади?” – деб юрадиган бўлиб қолмасин”.

\* \* \*

“Бева хотинлар ва мискинлар рўзгорига ёрдам бериш учун ҳаракат қилувчи киши Аллоҳ таоло йўлидаги жиҳод қилувчилар ва кундузи рўзадор, кечаси ибодат билан машғул бўладиган кишилардек савобга эгадир”.

\* \* \*

“Аллоҳ ҳалол касбдан топилган бойликдан қилинган садақангни қабул этади. Кимки ҳалол касб қилиб, Аллоҳ ризоси учун бир дона хурмочалик садақа берса, Аллоҳ уни қабул этишини билдирган. Сўнгра, сизлар бир отни қандоқ боқиб кўпайтирсангиз, Ҳақ таоло ҳам берган садақангизни тоғ баробаринда шундоқ кўпайтириб қайтаради”. (Бошқа бир ривоятда эса “Сизлар отни қандоқ боқиб кўпайтирсангиз” жумласи ўрнида “Сизлар бир луқма садақа қилсангиз, уни Уҳуд тоғидай қилиб қайтаради”, дейилган)

\* \* \*

Расулуллоҳ (с.а.в.) саҳобаларни садақа қилишга даъват этдилар. Шунда бир киши келиб: “Менда бир динор бор”, деди. Пайғамбар алайҳиссалом: “Ўзингга сарф қил”, дедилар. У киши: “Яна бир динор бор”, деди. “Хотинингга сарф қил дедилар”. У киши: “Яна бир динор бор”, деди. “Ходимингга сарф қил. Шундан кейин уни кимларга сарфлаш кераклигини ўзинг яхшироқ биласан”, дедилар.

\* \* \*

“Ҳар бир тасбиҳ бир садақадир, ҳар бир таҳмид бир садақадир, ҳар бир такбир бир садақадир, яхшиликка буюрмоқ – бир садақадир, ёмонликдан қайтармоқ – бир садақадир”.

\* \* \*

“Мусулмонлар бир-бирларига насиҳат қилиб юрмоғи ва ўзаро раҳмли бўлмоғи лозим. Улар бир жону бир тан кабидирлар. Агар

аъзолардан бирортаси дард чекса, қолган бутун жасади унга бедорлик билан ҳамдард бўлади. Мўмин кишилар ҳам битта вужуд кабидирлар. Агар унинг боши оғриса, ҳамма ёғи оғрийди ва агар кўзи оғриса ҳам унинг ҳамма ёғи дард чекади”. (Саҳл ибн Саъддан қилинган ривоятда мазкур маъно бу тарзда баён қилинади: “Иймон аҳлидан бўлган мўмин киши худди жасаддаги бош кабидир. Бошдаги оғриқни жасад билгани каби, бутун аҳли иймоннинг дардини ҳам мўмин киши билиб туради”)

\* \* \*

“Ҳар бир мусулмон киши садақа қилиши керак”, дедилар Расулуллоҳ (с.а.в.) Саҳобалар: “Садақа қилишга қодир бўлма-са-чи?” деб сўрадилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: “Садақа қилишга қодир бўлмаса ишлайди-да, ўзига ҳам фойда ва ундан бошқа фақир мискинларга ҳам садақа бўлади”. Саҳобалар яна сўрадилар: “Ишлашга ҳам курби етмаса-чи?” Набий муҳтарам (с.а.в.) дедилар: “У вақтда муҳтож ва мазлум кишига қўли ёки тили билан ёрдам қилади”. Саҳобалар: “Буни ҳам қила олмаса-чи?” деганларида, Расулуллоҳ (с.а.в.): “Яхшиликка буюради”, дедилар. Улар: “Амри маъруфни қилишни ҳам билмаса-чи?” дейишди. Аллоҳнинг расули (с.а.в.): “Кишиларга ёмонлик қилишдан ўзини сақлайди. Бу ҳам киши учун садақа бўлади”, дедилар.

\* \* \*

Имом Лайс “Бу ҳадис Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг сўzlари бўлса керак”, деб ўйлайман”, дедилар: “Ҳар бир одам боласининг баданида уч юз олтмишта майда сўнґак ва бўғинлар бор. Улар шу ҳар сўнґак ва бўғинлар учун ҳар куни садақа қилмоқлари лозим. Ҳар бир ширин сўз – бир садақа, кишининг биродарига ёрдами ҳам бир садақа, унга бир қултум сув ичириш ҳам бир садақа ва кишиларга озор берадиган йўлдаги бир нарсани четга олиб ташлаш ҳам бир садақа ҳисобланади”.

\* \* \*

“Одамларга хайрихоҳлигинг – сенинг садақанг. Адашган кишиларга тўғри йўл кўрсатишинг ҳам садақа. Ҳатто камбағалларга хушмуомала бўлиш ҳам садақа. Ерда халойиққа озор бериб ётган бирор тош, тиканак ёки суякни бир чеккага олиб қўйишинг ҳам садақа... Кимда ким бир кўчат ўтқазса ё бўлмаса экин экса-ю, улар ҳосилидан одамлар, қушлар ва ҳайвонлар баҳра олса – бу ҳам ўйла одам учун садақа ҳисобланади”.



\* \* \*

Аллоҳнинг расули (с.а.в.) бир замон дедиларки:  
– Бир тилла садақа юз тилла садақадан ўтади.  
– Бу қандай бўлди? – деб ажабландилар. Жавоб бердилар:  
– Бир одамнинг кўп давлати бўлади. Бир четидан юз тилла олиб, уни садақага беради. Бошқа бир одамнинг икки тилласи бўлади, шундан биттасини садақага беради.

\* \* \*

“Сендан бир нарса тилагани қуруқ қайтарма. Тирноқ қадар бўлса ҳам, бирон нима бер”.

\* \* \*

“Эҳсон – Аллоҳ таолога гўё уни кўриб тургандек ибодат қилишингдир. Зотан, сен У Зотни кўрмасанг-да, У Зот шак-шубҳасиз, сени Кўриб тургувчидир”.

\* \* \*

Усома Ибн Зайддан қилинган ривоятга кўра, Расулуллоҳ (с.а.в.) қизларининг бетоб кичик ўғли оғирлашиб қолди. Қизлари: “Ўғилчам ўлим олдида”, деб киши юбордилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) биринчи хабарга жавобан қизларига сабр тилаб, иккинчи чақирувдан сўнг саҳобалари, жумладан, Саъд ибн Аббода (р.а.) билан бордилар-да, болани кўкраклари ўртасига қўйдилар. Шу пайтда боланинг кўкрагидан эски мешдан шалдираб чиқадиган овозга ўхшаш овоз чиқиб турган эди. Шунда Расулуллоҳнинг (с.а.в.) икки кўзларидан ёш оқди. Бу ҳолатларни кўриб, Саъд ибн Аббода “Ўзингиз Аллоҳнинг расули бўлатуриб нега йиғлайсиз?” деган эдилар, Расулуллоҳ (с.а.в.): “Мен Аллоҳнинг тақдирига но-рози бўлиб жазаъ қилиб эмас, балки бу боланинг ҳолига раҳмим келиб йиғлаётиман. Аллоҳ таолонинг марҳамати фақат марҳаматли бандаларга бўлади”, дедилар.

\* \* \*

“Бир киши бетоб одамни бориб зиёрат қилса, Аллоҳ таолонинг раҳматида юради. Агар у бемор ёнида ўтирса, раҳмат илоҳияда жой олган бўлади”.

\* \* \*

“Аллоҳ таоло Қиёмат Куни бир бандага: “Э Одам фарзанди! Бетоб бўлдим, сен мени келиб кўрмадинг” дейди. У киши: “Ё Сенинг бетоблигингни қандай сўрайман?”-дейди. Аллоҳ шунда дейдики: “Сен билмадингми! Фалончи бандам бетоб бўлганида бориб сўрамадинг. Агар бориб сўраган бўлганинда, албатта унинг олдида Мени топар эдинг”.

\* \* \*

Бир аёл дедики: “Э Аллоҳнинг расули! Менинг бир хасталигим бор: тутқаноғим тутган пайтда мен ўзимни билмай қоламан. Шунда этакларим кўтарилиб қолар экан. Дуо қилинг, мен бу дарддан фориг бўлай”. Расулуллоҳ (с.а.в.): “Дуо қилиб шифо сўрайми ё дуо қилиб сенга жаннатдан жой сўрайми?” – дедилар. Аёл деди: “Э Аллоҳнинг расули! Майли, мен бу дардга сабр этаман. Мен Аллоҳ таолонинг жамолини кўришни истайман. Фақат дуо қилинг, тутқаноқ тутган пайтда этакларим очилиб қолмасин”. Расулуллоҳ дуо қилдилар. У аёл дардига сабр қилди. Одамлар уни кўрганда: “Ана, жаннати аёл” дейдиган бўлдилар.

\* \* \*

Набий мухтарам бир беморни кўргани борсалар, унинг бош томонида ўтирардилар. Сўнгра етти маротаба “Улуғ аршнинг эгаси бўлган азаматли Аллоҳ таолодан сенга шифо бермоғини сўрайман”, деб дуо қилардилар.

*(Рабиъ ибн Абдуллоҳ дедиларки, “Мен Ҳасан Басрий билан Қутода ибн Даъоманинг дардини сўрагани бордик. Шунда Ҳасан Басрий Қутоданинг боши томонида ўтириб, ундан аҳволини сўрадилар. Кейин: “Ё Аллоҳ! Бу кишининг дилига ва дардига шифо бергин”, деб дуо қилдилар.)*

\* \* \*

Расулуллоҳ (с.а.в.) кичикларга нисбатан ғоят шафқатли эдилар. Бир марта набиралари ҳазрати Ҳасан: “Бобожон, қўшнимизнинг туяси бор, у минади. Бизнинг туямиз йўқ, биз минолмаймиз”, деб инжиқлик қилганларида “Келақол, мен сени миндираман”, деб елкаларига миндирдилар. Шунда ҳазрати Ҳасан: “Қўшнимизнинг туяси: “Авф! Авф!” деб бақиради-ку!” деб яна инжиқландилар. Шунда Расулуллоҳ бир у томонларига, бир бу томонларига қараб “Авф! Авф!” деб бақирдилар-да, “Бўлдими?” деб сўрадилар. Кейин ҳазрати Ҳасан кўчага ўйнагани чиқиб, ўртоқларига “Бобом мени елкаларига миндирдилар, туяга ўхшаб бақирдилар”, деб мақтандилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) масжидга кетаётганларида болалар олдиларига чиқиб: “Бизни ҳам елкангизга миндиринг!” деб сўрашди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) ёнларидаги саҳобаларига қараб: “Уйга бориб, болаларни хурсанд қиладиган бирон нима олиб кел”, дедилар.

\* \* \*

Бир киши Расулуллоҳ (с.а.в.) афрофларида ўтлаб юрган қўйларни кўриб, ҳавас билан:

– Бунча чиройли сурув экан, ё Расулаллоҳ! – деди.  
– Жуда ёқтирдингми? – деб сўрадилар Набий муҳтарам (с.а.в.)

– Жудаям ёқтириб қолдим.

– Ол, ундай бўлса сенга бердим, – дедилар Аллоҳнинг расули (с.а.в.)

– Ҳаммасиними? – деб ажабланди у киши.

– Ҳа, ҳаммаси сенга, – деб марҳамат қилдилар.

У киши сурувни ҳайдаб, қалби севинчга тўлиб, қабиласига қайтди. Уни кўрганлар: “Бу сурувни ўғирлаб келяпсанми?” деб сўрадилар. Шунда у одам деди: “Буни менга Ҳазрат Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) ҳадя қилдилар. Таваккулчи, фақирликдан кўрк-майдиган олижаноб бир ҳиммат билан совға қилдилар”.

\* \* \*

Кичкина бола Расулulloҳнинг (с.а.в.) ёнларига келди-да, она-сининг бир кўйлак сўраттириб юборганини айтди. Бу онда Расулulloҳнинг устларидаги кўйлакларидан бошқа кўйлаклари йўқ эди. Болага бошқа пайтда келишни тайинладилар. Бола кетди-ю, бироқ, кўп ўтмай изига қайтди. “Онам айтдилар, устингиздаги кўйлакни бўлса ҳам берар экансиз”, деди. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) Ҳужраи саодатга кириб, ечиндилар-да, кўйлакларини болага узатдилар. Бу вақтда Билол ҳазратлари (р.а.) азон чақира бошладилар. Расулulloҳ (с.а.в.) устларига киядиган бошқа кийимлари бўлмагани учун жамоатга чиқа олмадилар. Саҳобалардан айримлари бу ҳолдан ажабланиб, Ҳужраи саодатга кирдилар ва Аллоҳнинг расули (с.а.в.)ни кўйлаксиз ҳолда кўрдилар...

\* \* \*

Расулulloҳ (с.а.в.): “Бир киши йўлда кетаётиб, қаттиқ ташна бўлди. Йўлида бир қудуқ кўриниб қолди-да, унинг ичига тушиб, сувидан ичди. Қудуқдан қайтиб чиққан вақтида бир ит ташналигидан ҳансираб, ҳўл тупроқни ялаётганини кўрди-ю, “бу бечора менга ўхшаган ташна экан”, деди-да, қайта қудуққа тушиб, маҳсисига сувдан тўлдириб чиқиб, итга ичирди. У кишининг қилган иши Аллоҳ таолога мақбул бўлиб, гуноҳини кечирди”, дедилар. Шунда саҳобалар: “Ё Расулаллоҳ! Ҳайвонларга қилган яхшилигимиз учун ҳам бизларга савоб борми?” деб сўрашди. Расулulloҳ: “Ҳар бир юмшоқ жигарга қилинган яхшилик учун савоб бўлади”, дедилар”. (*“Юмшоқ жигарга” дейилганда барча тирик жонзотлар назарда тутилади. Бу шарафли ҳадис мазмунидан шариятда ўлдиришга буюрилган илон, чаён кабилардан бўлак ҳамма жониворларга яхшилик қилиши ва озор бермаслик кераклиги англашилади*)



\* \* \*

Расулуллоҳ (с.а.в.) бир жойга борган эдилар. шу ерда бир киши ҳуммаранинг (чумчукқа ўхшаган қуш) тухумини олди. Расулуллоҳ (с.а.в.) у қушнинг ўз устларида қанот қоқиб турганини кўриб: “Бу қушни ким ранжитди?” деб сўрадилар. Шунда у киши: “Ё Расулаллоҳ, мен унинг тухумини олган эдим”, деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): “У жониворга раҳм қил, тухумини ўз жойига қайтариб қўй”, дедилар”.

\* \* \*

Расулуллоҳ (с.а.в.) ўзларига келган совға, ҳадя ва бошқа нарсаларнинг ҳаммасини келиши билан кечгача тарқатиб юборардилар. Агар кечки пайт келса, эрталабгача қолдирмай тарқатардилар.

Вафотлари яқинлашганда, уйларида уч дирҳам борлиги эсларига тушиб, дарров ўша уч дирҳамни садақа қилиб юборишни буюрдилар. “Пайғамбарлар мерос қолдирмайди”, дер эдилар. Яъни, мол-дунё тўплашни, бойлик асрашни ёки кўпайтиришни хоҳламаганлар ва ўзлари бу ишга қўл урмаганлар. Бир куни но-нуштага кечаги овқатни олиб келишганда: “Нега бу овқатни кеча фақирларга улашмасдан, бир тун асрадинглар? Аллоҳ ҳар куни янги ризқ беради-ку?” деганлар. Ҳатто овқатни сақлаб қўйишни, жамғариб қўйишни ҳам хуш кўрмаганлар, маъқул демаганлар.

\* \* \*

Расулуллоҳ (с.а.в.) асҳобларини ҳам инфоқ-эҳсон қилишликка ташвиқ қилар эдилар. Бир куни ул зот куёвлари ҳазрати Али (р.а.) ва қизлари Фотима (р.а.) онамизни кўриш учун уйларига келганларида баҳоси тўрт дирҳам бўлган бир пардани кўриб, ичкарига кирмасдан қайтиб кетдилар. Тўрт дирҳамга ўша замонда бир-икки бош узум бераркан. Ҳазрат Али ажабланиб, Аллоҳ расулининг изларидан юрдилар ва: “Ё Расулаллоҳ, нимага уйга кирмасдан ортингизга қайтдингиз? Пардамизни кўриб жаҳлингиз чиқдимми?” – деб сўрадилар. Сарвари олам (с.а.в.): “Шу пардани сотиб, пулини фақирларга беришингиз мумкин эди-ку?” – дедилар.

\* \* \*

Тенгридан раҳм агар тамаъ қилсанг,  
Аввал ўлмоқ керак сен элга раҳим.  
Ҳар кишиким улусқа раҳм этмас,  
Анга раҳм айламас Раҳиму карим.  
(Ҳазрат Навоийнинг “Арбаин”ларидаги бу байт шарафли ҳадис маъносидир)

\* \* \*

“Мўминнинг елкаси юмшоқ бўлади, биродарига кенглик қилади, мунофиқ эса тўнгдир, биродарига танглик қилади. Мўмин аввал салом беради, мунофиқ эса “менга салом берсин”, деб тураверади”.

\* \* \*

“Яхши сифатли, салоҳиятли кишилар қоқилиб кетсалар, уларни турғизиб қўйинглар”.

\* \* \*

Улуғ саҳобалардан Анас ибн Молик бундай ривоят қиладилар: “Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларида ўтирган эдик. Бир пайт сарвари оламнинг кулаётганларини кўрдик, ҳатто ул зотнинг курак тишларига назаримиз тушди. Шунда Умар:

– Ота-онам сизга фидо бўлсин, э Аллоҳнинг расули, нимага кулдингиз? – деб сўради.

– Умматимдан икки киши Аллоҳ ҳузурида тиз чўккан ҳолда турибди. Бири зорланиб: “Э Раббим, ана у биродаримдан ҳаққимни олиб бер”, – деб сўраяпти. “Биродарингнинг ҳаққини бер”, деди Аллоҳ унисига. Шунда: “Раббим, битта ҳам савоб амалим қолмади-ку?” деди у. “Битта ҳам савоб амали қолмабди, нима қиласан?” – деди Аллоҳ, ҳаққини талаб қилаётган бандасига. “Э Раббим, гуноҳларимни унга юклагин...”

Шу пайт Расули акрамнинг кўзларидан ёшлар тошди, йиғладилар ва дедилар:

– У куннинг хатари улуғ. У кунда одамлар гуноҳлари бошқага юкланишга муҳтож бўлади.

Кейин Расули акрам давом этдилар:

– Аллоҳ таоло ҳаққини талаб қилувчига: “Бошингни кўтар, жаннатга назар сол”, деди. У бошини кўтариб: “Э раббим, кумушдан бўлган баланд шаҳарларни, дуру марваридлар билан безатилган олтин қасрларни кўряпман. Булар қайси пайғамбарники, қайси сиддиқники, қайси шаҳидники?” – дея сўради. “Ким ҳаққини берса, ўшаники”, деди Аллоҳ таоло. “Э Раббим, ким ҳам у шаҳар ва қасрларнинг қийматини тўлай оларди?” “Сен уни тўлай оласан, сен бу қасрларга эга бўла оласан”, деди Парвардигори олам ҳаққини биродаридан даъво қилаётган банулуғ ва қудратли Зот. “Э Раббим, мен уни кечирдим”, деди у даъвосидан кечиб юборди. Шунда Аллоҳ таоло: “Қани, биродаринг қўлидан ушла ва уни жаннатга етакла”, деди.

Кейин Пайғамбар алайҳиссалом бундай дедилар: “Аллоҳдан кўрқинглар! Ораларингизни ислоҳ қилинглар! Чунки Аллоҳ мўминларнинг орасини ислоҳ қилур!”

\* \* \*

Набий мухтарам (с.а.в.) Анас ибн Моликка дедилар: “Э ўғлим, агар сенга биров ёмонлик қилган бўлса, унга нисбатан юрагингда нафрат, ёмонлик бўлса, ухлаш олдидан буни унут. Э ўғлим, шундай қилсанг, бу менинг суннатим, ким суннатимни қилса, у мени яхши кўрибди. Ким мени яхши кўрса, у мен билан жаннатда бирга бўлади”.

\* \* \*

Ҳазрати шайх Абдуллоҳ ибн Муборак (қ.с.) Ҳаж ибодатни ният қилиб йўлга чиқиб қарасаларки, ахлат уюми атрофида бир кампир юрибди. У ахлат орасидан харом ўлган товуқ оёғини олиб кетаётганда ул зот: “Онахон, бу нима қилганингиз? Ахлат орасидан олганингиз харом-ку?” дедилар. Шунда кампир Қуръони карим ояти маъносига кўра: “очдан ўлиб қолмаслигингиз учун ўлган жониворларнинг гўштини ейишингиз мумкин” деб жавоб қилди. Сўнг маълум бўлди-ки, аёлнинг уч фарзанди уйда оя-яланғоч, ўлар ҳолда ётган экан. Шунда Абдуллоҳ ибн Муборак Ҳаж сафари учун сарфланажак пулларини шу оила учун сарф этдилар. Таом келтирдилар, кийим-бош олиб бердилар. Орадан анча фурсат ўтиб, Ҳаж сафари якунлангач, ҳожилар келишиб, “зиёратлари қабул”, деб ул зотни табрикладилар. “Ахир мен Ҳажга бормадим-ку?” деб ажабландилар. Ҳожилар эса ул зотни Каъбатуллоҳда, Сафо ва Марва тоғлари орасида кўрганларини айтдилар. Ўша тун Абдуллоҳ ибн Муборак тушларида Расулуллоҳ (с.а.в.)ни кўрдилар. “Ҳаж ибодатинг муборак бўлсин”, дедилар Набий мухтарам. “Э Аллоҳнинг расули, мен Ҳаж ибодатига бора олмадим-ку?” дедилар ажабланиб. “Бора олмаган бўлсанг-да, кампирнинг оиласига кўрсатган саховатинг учун Аллоҳ сенга Ҳаж ибодати савобини берди. *Етмиш малоика Аллоҳнинг амри билан сенинг қиёфангда Маккаи Мукаррамага тушиб, етмиш жойда ҳожиларга кўринди. Шунинг учун ҳам улар сени муборакбод этишди*”, дедилар Расулуллоҳ.

\* \* \*

Ҳазрат Али жангда мушрикни ўлдираман, деб қилич кўтарганларида у нобакор юзларига тупурди. Шунда ҳазрат Али қилични қинга солдилар. Мушрик бундан ажабланиб: “Нега мени ўлдирмадинг?” деб сўради. Ул зот дедилар:



– Аввалига сени Аллоҳ розилиги учун ўлдирмоқчи эдим. Турпурганингдан сўнг қалбимда ўч олови ёнди. Сени ўз нафсим учун ўлдирмайман.

Бу гапдан кейин мушрик иймон келтирди.

\* \* \*

“Сўралмасидан аввал берилса, бу саховат ҳисобланади. Сўралганидан сўнг берилса, ҳаё ёки мазаммат билан боғлиқ бўлиб қолади”.

\* \* \*

“Бир-икки соъ буғдойдан овқат тайёрлаб, биродаримни чақиришим мен учун бозорларингизга чиқиб, қул озод қилишимдан маҳбуброқдир”. (Али ибн Абу Толиб)

\* \* \*

“Мен Абу Бакр Сиддиқнинг иккала қизлари – ҳазрат Оиша (р.а.) ва ҳазрати Асмодан (р.а.) кўра сахийроқ хотинларни кўрмадим. Лекин буларнинг саховати икки хил эди: ҳазрати Оиша (р.а.) эҳсон қилиш учун нарсаларни йиғиб-йиғиб борардилар-да, улар кўпайгандан кейин бир йўла барчасини фақир-мискинларга улашар эдилар. Бироқ, Асмо эса қўлларига нима келса, эртасини кутмай, шу куннинг ўзидаёқ тарқатиб юбораверар эдилар”. Ҳазрати Оиша (р.а.) нарса кўпайганда эҳсон қилсам, ҳаммага бемалол етади, кифоя қилади, деган фикрда бўлсалар, Асмо (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: “Эҳсон қиладиган нарсангни тўплаб юрма!” деган ҳадисларига амал қилар эдилар (Абдуллоҳ ибн Зубайр)

\* \* \*

“Бир куни Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.) Оишага (р.а.) икки қопчада бир юз саксон минг дирҳам юбордилар. Шу куни Оиша (р.а.) рўзадор эдилар. Қопчаларни очиб, пулларни тарқата бошладилар. Кечқурунгача қопча бўшади. Кеч киргач, жорияга “ифторлигимни келтир”, дедилар.

Жория нон билан мой келтирди. Оиша (р.а.) дастурхонга қараб: “Ўзимизга бир дирҳам қолдирганимизда гўшт олган бўлардик”, дедилар. (Умму Зарр)

(Урва ибн Зубайр (р.а.) Оиша (р.а.) онамизнинг етмиши минг дирҳам садақа қилганларини кўрганларини, ўша онда Оиша (р.а.) онамизнинг кўйлаклари ямоқ эканини баён қилганлар.)

\* \* \*

Оиша онамизнинг (р.а.) ҳузурларига бир хотин келди. У қўлларини енглари ичига яшириб олган эди. Оиша (р.а.) она-

миз: “Сенга нима бўлдики, қўлларингни енгларингдан чиқармайсан?” деб сўрадилар. “Э мўминларнинг она-си! – деди хотин. – Менинг отам садақа қилишни яхши кўрардилар. Онам эса аксинча эдилар. Бир бўлак ёғ билан йиртиқ кийимни садақа қилганларидан бошқа садақаларини кўрмаганман. Улар олдинма кейин вафот этишгач, бир куни туш кўрдим. Тушимда гўёки Қиёмат бўлгандек эди. Онамни одамлар орасида кўрдим. Ҳаётлик чоғида садақа қилган ўша эски ва йиртиқ кийими аврати устига ташланган, ёғ эса икки қўлларида эди. Онам тинмай хансираб, “Чанқадим!” деб нола қилар эдилар. Отамни эса ҳавзи кавсар ёнида турганларини кўрдим. Ҳаётликларида сув тарқатишни яхши кўрардилар. Боқий дунёда ҳам сув тарқатаётган эдилар. Отамдан бир пиёла сув олиб нола қилаётган онамга ичирдим. Шунда тепадан нидо келди: “Огоҳ бўлинглар, ким бу аёлга сув берса, қўли шол бўлади!” Ногоҳ уйғониб кетдим, қарасам, қўлим шол бўлиб қолибди.

\* \* \*

Бир куни Пайғамбаримиз алайҳисалом асҳоби киромни садақа беришга даъват этдилар. Ҳар ким қўлидан келганича садақа қилди. Ҳазрати Умар (р.а.) уйларидаги бойликнинг ярмини олиб келдилар. Расулulloҳ (с.а.в.) у кишидан “Оилангга нима қолдирдинг?” деб сўрадилар. Ҳазрати Умар (р.а.) “Шунинг ярмини”, деб жавоб бердилар. Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) эса бойликларининг ҳаммасини олиб келдилар. Расули акрам (с.а.в.) у кишидан ҳам: “Оилангга нима қолдирдинг?” деб сўрадилар. Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) “Аллоҳ ва Унинг расулини қолдирдим”, деб жавоб бердилар. Шунда ҳазрати Умар (р.а.) ўз-ўзларига: “Сен бу одамдан ҳеч қачон ўтиб кета олмайсан”, дедилар.

\* \* \*

Ҳориса ибн Нўъмоннинг кўзлари кўрмас эди. Шунинг учун намоз ўқийдган ҳужраларидан эшик олдиғача каноп тортиб қўйилган эди. Бирон тиланчи келса, шу канопни ушлаганларича эшиккача бориб садақа берардилар. Фарзандлари: “Отажон, нега ўзингизни бунча овора қиласиз, садақани биз ҳам бериб қўйишимиз мумкин-ку?” дейишганда Ҳориса ибн Нўъмон дедилар:

– Набий (с.а.в.)нинг “Кишининг ўз қўли билан камбағалга садақа бериши уни ёмон ҳолларга тушиб қолишдан сақлайди”, дея марҳамат қилганларини эшитганман.

\*\*\*

“Молнинг хайрлиси қулнинг шарафи ва ор-номусини қўриқлашга сарф этилганидир”.

\*\*\*

“Сахийнинг таоми шифо, хасиснинг таоми эса хасталиқдир”.  
(“Саҳиҳи Бухорий”дан)

\*\*\*

“Сахийлик қилгин, токи сенга ҳам сахийлик қилишсин”.  
(“Сунани Термизий”дан)

\*\*\*

Ривоят қилишларича, Мусо алайҳиссалом: “Ё Аллоҳ, қайси нарса учун мени танлаб олдинг?” дедилар. “Яратган нарсаларимга раҳмдиллигинг учун. Сен Шуайбнинг (алайҳиссалом) қўйларини боқардинг. Қўйларинг ичидан бир қўй қочди, орқасидан югуриб, ушлагунча кўп ҳаракат қилдинг. Ушлаганингдан кейин, уни қучоғингга олиб, маҳкам босиб айтдинг-ки: “Эй бечора, нимага мени бунчалик чарчатдинг? Ўзингни ҳам чарчатдинг”. Сен махлуқимга раҳм қилдинг, шу учун Мен сени танлаб олдим ва пайғамбарлик билан икром қилдим”, дейилди.

\*\*\*

“Эй Одам фарзанди, қанчалик раҳм қилсанг, шунчалик раҳм кўрасан. Қандай қилиб бандаларга раҳм қилмасдан туриб, Худо сенга раҳм этишини умид қиласан?!”. (“Инжил”дан)

\*\*\*

“Ҳар тонгда икки фаришта: “Аллоҳим, хасиснинг молини тезда кўлидан ол, сахийнинг молини эса кўпайтир”, деб дуо қилдилар”. (Қазбул Аҳбор)

\*\*\*

Ҳазрат Умар зиммий(ғайримуслим)лардан бир қари чолнинг одамлар эшиги олдида тиланчилик қилиб юрганини кўрдилар-да, “Биз сенга инсоф қилмадик. Ёшлигингда сендан жизя (мусулмон бўлмаганлардан олинадиган солиқ) олдик, бугун эса ташлаб қўйибмиз”, дедилар ва у кишига мусулмонларнинг байтул молидан нафақа бериб туришни буюрдилар.

\*\*\*

“Умар (р.а.) кечаларнинг бирида айланиб юрардилар. Бир жойга қўнган мусофирларнинг ёнларидан ўтдилар. Умар тунда ғафлат босиб ухлаб қолган мусофирларни қароқчи талашидан чўчидилар. Абдурахмон ибн Авфнинг олдиларига келдилар. Аб-



дурахмон (р.а.) “Бемаҳалда нечун бедор юрибсиз, ё амирал мўминин?” деб сўрадилар. “Бир жамоатнинг ёнидан ўтдим. Кейин ўзимча: “Булар ётиб ухлайди, сўнг уларни ўғрилар тунайди”, деб қўрқдим. Мен билан юринг, уларни қўриқлаймиз”, дедилар. Икковлари бориб, жамоат ётган жойга яқинроқ ўтириб, қўриқчилик қила бошладилар. Тонг ёришгачгина ўринларидан турдилар. Кейин Умар (р.а.): “Э аҳли жамоат, намоз!” деб бир неча марта нидо қилдилар. Уларнинг ҳаракатга тушганларини кўриб, қайтиб кетишди”. (Анас ибн Молик)

\* \* \*

“Агар биродарингизга бир жазо етган бўлса, уни лаънатламангиз, унинг устида шайтонга ёрдам бермангиз, балки: “Ё Парвардигор, унга раҳм қил. Ё Парвардигор, унинг тавбасини қабул қил”, деб айтингиз”.

\* \* \*

“Қайсиларингиз бир дирҳамни соғлигида ва бахиллигида инфоқ-эҳсон қилса, ўлим вақтида юз дирҳамни инфоқ этишни ва сият қилишидан яхшидир”.

\* \* \*

“Агар бойлик топсанг, уни қуртларга ем бўлмасин ёки қароқчилар қўлига тушмасин десанг, садақа қил”. (Абдуллоҳ ибн Масъуд)

\* \* \*

“Мен ҳеч кимдан бирор нарса сўрамайман, сўрамасимдан нима берса, оламан”. (Абу Ҳурайра)

\* \* \*

Ҳазрати шайх Бишри Ҳофий (қ.с.а.) жуда совуқ бир кунда совуқ қотган, яланғоч бир кишига эгниларидаги аболарини (дарвишлар ва қаландарлар киядиган калта ва қалин чакмон) ечиб бердилар. Сўнг ўзлари совқота бошладилар. Сабабини сўраганларга “фақирга або олмоққа пулим йўқ эди, шунинг учун ўзимникини бердим”, дедилар. Орадан аллақанча вақт ўтиб, Бишр ҳазратлари таслими руҳ этар эканлар, фақир бир йўқсил келди. Жонҳолатда бўлсалар ҳам кўйлақларини ечиб, йўқсилга бердилар, або ичида жон бердилар.

\* \* \*

Ҳазрати шайх Ҳаким Термизий замонларида бир киши бор эди. Доим Термизий ҳазратлари билан муораза қилиб, тортишиб, ул зотни инжитар эди. У кишининг дунёлиги (бойлиги) кўп эди. Шайх ҳазратларининг ёлғиз бир капалари бор эди, холос.

Кечалари шу қапада ётар эдилар. Бир гал келиб қарасалар, қапа ичида бир ит ётибди. Итни қувишга кўнгиллари бўлмади. Саксон марта капани тебратдилар, токи ит ўзи чиқиб кетсин (*Мусулмонликда гуноҳдан чекиншининг шундай йўли бор*) Итни қувиб чиқармадилар-да, бир қоя тагини паноҳ тутдилар. Шайх ҳазратларига жафо қилиб юрган киши ўша кеча тушида пайғамбарлар султони Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)ни кўрди. Ул зот: “Эй ғофил, сен шундай бир киши билан даъволашмоқдасенким, у бир ит учун уйини саксон марта тебратди. Итни қувиб чиқармади. Охири ўзи кетиб, уйи итга қолди. Ул бир қоя тагидан паноҳ топди. Сенинг шунча молинг бор, Аллоҳ таоло ҳузурида сен шулар билан саодати абдия топмоқчимисан? Боргил, унинг хизмат камарини белингга боғлагил ва узр сўрагил”, деб марҳамат этдилар. У киши уйғониб, шайх ҳазратларининг ҳузурларига борди. Қолган умрини унинг саодатли хизматида ўтказди.

\* \* \*

“Ёмон иллатлардан агар тозаланган бўлсанг, барча жаҳон халқига нисбатан хайрихоҳ бўласан. Жаҳонда яхши-ёмонларга нисбатан меҳрибон бўлгил, ўшанда Худога яқин банда бўла оласан”. (*Абдуҳолиқ Фиждувоний*)

\* \* \*

“Афв этиб пушаймон бўлиш мен учун қасос олиб пушаймон бўлишдан афзалроқдир”. (*Жаъфар ибн Муҳаммад*)

\* \* \*

“Сахийлик дўст ва аҳбобга яхшилик ва икромда бўлишдир”.  
(*Суфён ибн Уйайна*)

\* \* \*

“Ҳар ким давлати, мол-дунёси бор вақтда халққа шафқат, муруват қилмаса, мабодо йўқчиликка тушиб қолганда, ҳеч ким унга шафқат назари билан қарамайди. Ҳиммати зўрнинг – қиммати зўр”. (*Афлотун ҳаким*)

\* \* \*

“Юсуф алайҳиссалом Мисрда қаҳат ҳангомида тўйгунча таом емадилар, токим, очларни ёдларидан чиқармағайлар.

*Маснавий:* Кимки роҳатда ўткарур ҳолни,  
На билур очларнинг аҳволин.  
Очлар ҳолин ул киши билғай,  
Бошиға очлик ғами келғай.

*Қишға:* Эйки миндинг югурук от уза, огоҳ бўлгил,  
Ки юк остида эшаки ожиз банди гилдур.

Оч кўнгшунгнинг уйига борубон ўт тилама,  
Ки уйи тунглюкдин чиқғони дуди дилдур.

Очлик хангомида ожиз дарвешдин ҳолинг нечукдир, деб сўраганингдин сўрмағилким, ҳолинг нечукдир, магарким бир нимарсани бергил ва сийнасининг захмига марҳам еткурғил”.

(Саъдий Шерозий)

\* \* \*

“Аллоҳ жон бағишлаганларга юз минглаб жон ҳадя этади. Буни кўрмаган киши қандай қилиб сахий бўлиши мумкин? Агар кўрганингда қандай қилиб жон беришга иккиланар, биттагина жон учун бунча қайғу чекар эдинг? Сув бўйида сувни қизганган киши дарёни кўрмагандир. Дейилмишки: “Қиёмат куни бериладиган эвазни – мукофотни яхши билган, бирга ўн хисса эваз берилишини англаган кишининг сахийлиги ортиб боради, бундай одам турли ҳолатларда сахийлик қилади. Сахийлик барча эвазларни кўришдир. Шу ҳолда эвазни кўриш кўркувнинг аксидир. Хасислик эса эвазни кўрмасликдир. Марваридни кўриш денгизга шўнғиган ғаввосни севинтиради. Агар саховат эвазига бериладиган нарсаларни ҳамма кўрганида эди, дунёда хасислар бўлмасди. Чунки ҳеч ким бирор нарсани шунчаки бермайди. Саховат қўлдан эмас, кўздандир. Муҳими кўришдир, кўзи очикдан бошқаси кутила олмайди”.

\* \* \*

“Саховат шаҳватларни, лаззатларни тарк этишдир. Шаҳват туфайли йиқилган турмайди. Сахийлик жаннат сарвининг бир шохидир. Шундай шохни қўлидан қўйганинг ҳоли вой”.

\* \* \*

“Қарамоғингдаги гўшт бўлаги балиқни овлаш учун. Бундай луқма на эҳсондир, на саховат!”

\* \* \*

“Пайғамбар алайҳиссалом дедиларки: “Эҳсон қилинган нарсага бериладиган эвазни яхши билган бу дунёда эҳсон қилади. Берилган нарсага бериладиган юзлаб эвазни кўрган дарҳол саховатни, эҳсонни бошлайди. Ҳар бир киши фойда олай деб молини бозорга, дўконга олиб чиқади. Ҳамёндаги олтинларнинг эгаси фойда олсин-у уни камбағалларга берсин деб сабр билан кутади. Сотувчи қўлидаги матолар қимматлашиши билан улардан кўнгли совийди. Матоларнинг кўпроқ фойда келтирганини кўрмайди,



шу сабаб, уларни кўлдан чиқармайди. Билим, хунар, санъат ҳам шундайдир. Буларга эга бўлганлар булардан шарафлироқ, кадрлироқ, устунроқ нарсаларни кўрмайдилар, шунинг учун уларга аҳамият бермайдилар”.

\* \* \*

“Хаяжон, қўрқув, қайғу ва аламга гирифтор бўлганларга марҳамат, шафқат қилиш ва уларга тасалли бериб, кўнгилларини кўтариш инсониятнинг энг олий вазифаси ва энг буюк лаззатидир. Аммо бу лаззатни кераклигича топиш учун марҳаматли, сезгир ва олий қалбга эга бўлиш лозим. Зеро, шарафли ҳадисда таъкид этилганки, “раҳм-шафқат бадбахт кишидан бўлак ҳеч кимдан тортиб олинмайди”. Чарчоқни уйқу, ҳасрат чеккан қалбни меҳр дам олдиргани каби, муҳтожлик жароҳатини раҳм-шафқат дори-дармони тuzатади”.

\* \* \*

“Гўзалларнинг юзи кўзгуда гўзал кўринади, инъом ва эҳсоннинг гўзаллиги эса фақир ва ғариблар ила билинади”.

\* \* \*

“Тузоққа сочган донлар сахийлик ҳисобланмайди”.

*(Жалолиддин Румий)*

\* \* \*

“Эҳсон қилган кишининг миннати эҳсонни йўққа чиқаради”.

*(Абу Райҳон Беруний)*

\* \* \*

“Мақтасанг сахий кишининг мадҳини қил, бахил кишига қаттиқ ёй ўқини яшириб сақлаб қўйгин”.

\* \* \*

Ҳамманинг тили саховатли кишининг мадҳини қилади, сахийлик кишининг барча камчиликларини ювиб кетади”.

\* \* \*

“Сахий бўл, сенга лаънат келмасин, лаънат келтирадиган йўлни саховат беркитиб қўяди”.

\* \* \*

“Юмшамас кўнгилни сахий киши юмшатади, етиб бўлмайдиган муродга сахий киши эриша олади”.

\* \* \*

“Сахий кишилар билимнинг кадрига ета билганини, шунинг учун бутун молини сотиб мақтов, олқиш олганини кўр... Дунёда сахий кишилар яхши ном қолдириб, шухрат билан унинг оти узоқ яшаб турганини кўр”.

\* \* \*

“Эй саховатли, яхши мол эгаси, сенга Тангри берган бўлса, сен ҳам бер... Кишиларнинг муҳаббатини ўзинга жалб қилмоқчи бўлсанг, сахий бўл, саховат сени севикли қилади”.

\* \* \*

“Дунёда яхши ва нуқсонсиз ном сахийликдир, бахиллик эса кўрксиз от эканини бил... Халқнинг етуги сахий кишидир; сахийлик шараф, мартаба ва гўзалликни орттиради”.

\* \* \*

“Қўллар ичида инъом қилувчиси бахтли қўлдир. Ўзи олиб бошқаларга бермаган қўл эса қўлларнинг қутсизидир”.

*(Аҳмад Югнакий)*

\* \* \*

“Хурсандчилик – барча учун саховат эшиги ҳамиша очиқ бўлган одамларга насиб этилади. Яқин дўстлар, қавм-қариндошлар унинг марҳамати ва ёрдами билан яхши умр кечириб, уни дуо қилгайлар, муҳтожлар унинг эшигидан ноумид ва қуруқ қайтмагайлар. Яхши ва содиқ дўстлар ҳамиша унинг бошидан аримагайлар. Сахий одам қийинчиликка тушса, лутф-карамли, олижаноб одамлар унга ёрдамга келадилар. Ботқоқликка ботган филни фақат филгина у ердан чиқара олади. Ақлли одам ҳамиша ҳунар ўрганиб, яхши ном олдиришга интилади. У хавф остида қолса ҳам, ҳатто боши таҳлика остида қолса ҳам, қўркмай яхшилик қилаверади. Чунки у бу билан ўткинчи дунё ўрнига абадийликни, озга кўпни харид қилган бўлади. Бошқаларга ёрдам қилмаган бой одам давлатманд ҳисобланмайди”.

\* \* \*

“Қариялар муҳтожликка тушиб қолса, касб-ҳунар қила олмаса ва тилашга тили бормаса, уларга раҳм-шафқат қилишга шошил ва қўлингдан келган эҳсонни қил. Лекин, камбағал йигит кетмон чопа олса, ўтин ташимоқни уддаласа, унга эҳсон қилмоқ – исроф қилмоқдир”.

\* \* \*

“Саховат – инсоният боғининг ҳосилдор дарахти, шунинг баробаринда у дарахтнинг фойдали мевасидир. Саховат – ода-

мийлик мулкининг мавж уриб турган денгизидир, шунинг баробаринда у тўлқинли денгизнинг бебаҳо гавҳаридир. Сахий – булутдир, хирмон-хирмон дон ҳосили, балки хазина беради.

Ҳиммат аҳлининг ихтисоси – саховатдир. Бу улуғ сифат покиза кишиларга хосдир. Одам бир бадан бўлса, ҳиммат унинг жонидир. Ҳимматлилардан олам аҳли учун юз минг шараф ва шукуҳ етишади. Ҳимматсиз киши – эр сонида эмас, жонсиз баданни ҳеч ким тирик демас. Олий ҳиммат одам – баландпарвоз лочиндир. Беҳиммат – сичқон овловчи калхатдир. Шунқорнинг маскани – шоҳнинг биллагидир, калхатнинг жойи ўлимтикнинг сассиқ бадани ва сўнгагидир.

Арслоннинг мақсади – ов қилиб, оч йиртқичларни тўйғазмоқ; сичқоннинг ҳаракати – дон ўғирлаб, тугун ахтармоқ. Ҳиммат эгаси – қашшоқ бўлса ҳам тубанлик қилмас; ҳимматсиз одам – хазина топса ҳам буюкларга тенг бўлмас. Чинор дарахти бўш қўлли бўлса-да, унинг юксаклигига нуқсон етмайди; ер тагида яшириниб ётган хазинанинг тупроққа фойдаси тегмайди. Ҳимматли кишиларнинг даражаси юксакдир; аммо сахийликнинг даражаси бир неча баробар юксакдир.

Исроф қилиш – сахийлик эмас; ўринсиз совуришни ақлли одамлар сахийлик демас. Ҳалол молни куйдирганни – девона дейдилар; ёруғ жойда шамъ ёққанни ақлдан бегона дейдилар. Мақтаниш учун мол бермоқ – ўзини кўз-кўз қилмоқ ва шундай қилиб ўзини “сахий” демоқ – беҳаёлик билан ном чиқармоқ. Кимки халққа кўрсатиб эҳсон берса, у сахий эмас, пасткашдир. Тилагандан сўнг беришлик ҳам саховатдан йироқдир, қисташ натижасида бергандан – бермаган яхшироқдир. Битта кулчани икки бўлиб, ярмини оч одамга берганни – сахий деб, ўзи емай, ҳаммасини муҳтож одамга берганни – ахий (*олий саховат эгаси*) дўст деб бил”.

\* \* \*

“Саховат қандай қилинади?

Яхшиликларни топмоқ – едирмоқдир; айбларни яширмоқ – кийдирмоқдир. Зарур вақтида берилган эски чопон ва бўз тўн – саховат; бемаҳал ҳадя қилинган зарбафт чопон – ярамасликдир. Овқатим увол бўлмасин десанг – едир; либосим эскирмасин десанг – кийдир”.

\* \* \*

“Қорин тўйғизиш – хирсни кўнгилдан йўқ қил, ўзинг оч қолсанг ҳам, бир очни тўқ қил. Ўзингни ясатишни хаёлингдан чиқар. Гўзал либос кийишни истасанг – бир яланғочнинг эгнини



буткар. Либос ҳар қанча зебодир, кийинганингдан кийдирганинг яхшидир.

Нечаким тўнни риоят бирла кийсанг эскирур,  
Чунки кийдурдунг ялангга уфрамас тўн ул эрур”.

\* \* \*

Нафъинг агар халққа бешак дурур,  
Билки бу нафъ ўзунгга кўпрак дурур.

*(Агар сендан халққа ҳимматинг туфайли бирон фойда тегадиган бўлса, билки, бу ишингдан аввало ўзингга кўпроқ нафъ тегади. Чунки бошқаларга фойдаси теккан мўминнинг гуноҳлари кечирилиб, унга кўп савоб ёзилади. Яна муҳими, шу ҳиммат учун халқ – кўпчилик уни дуо қилади)*

\* \* \*

“Ҳар кишинингким, тирикликда нонин емасалар, ўлганидин сўнг отин тутмағайлар”.

\* \* \*

“Ҳар бир давлатманд тириклигида ҳайр-эҳсон қилиб одамларни хурмат қилмаган экан, ўлганидан кейин уни ҳеч ким дуо билан ёд этмайди. Эҳсон – тирикликда яхши ном қолдирмоқдир... Очик чехра билан қилинган марҳамат – саховат устига саховат...”

Кишида барча ахлоқи ҳамида,  
Чу жамъ ўлди кўярлар отини эҳсон.  
Бири андин саходир, бир мурувват,  
Булар гар йўқтур, инсон эрмас инсон.

*(Агар инсонда барча гўзал фазилатлар жам бўлса, уларнинг отини “эҳсон” деб атайдилар. Шулардан бири – сахийлик, бири эса мурувватдир. Булар бўлмаган инсон инсон эмасдир.)*

\* \* \*

“Эҳсон” деган сифатни абадий саодат деб, уни фитна ва офат яъжужини даф қилиш учун қурилган бир тўсиқ деб бил *(Яъжуж-маъжуж – одамхўр махлуқларга қарши Искандарнинг девор қурдиргани назарда тутилган)* Инсоният боғининг энг гўзал дарахти эҳсондир ва одамийлик хазинасининг энг бебаҳо гавҳари ҳам эҳсондир. Барча ёқимли сифатлар ва таҳсинга лойиқ аҳволлар эҳсон натижасидир ва эҳсон туфайли юзага келгандир. Барча яхшиликларнинг жами – эҳсондир ва барча яхшиликлар ҳақиқатан ундандир:

Ажаб сифат эрур эҳсонки, ҳар шариф сифат:  
Ки келса жинси башардан анга эрур дохил.  
Жавоҳир англа сифат они жавҳарий қафаси –  
Ки бордур анда қаю бирини истасанг ҳосил.

*(Эҳсон ажойиб фазилатдир, ҳар бир инсониятга мансубдир, шариф сифатлига оиддир. Уни қимматбаҳо қафасдаги жавоҳир билгилки, у ерда қай бирини изласанг топарсан)*

\* \* \*

“Агар камбағал кишиларнинг ҳиммати баланд бўлса, феъллари ҳам шунга яраша иззат ва мартабали бўлади. Агар ҳиммат бир гавҳар бўлса, инсонни бир садаф деб ҳисобла. Бу садафга асл шараф ўша гавҳар туфайлидир. Агар кишида ҳиммат бор бўлса, унга тахт ва амалнинг кераги йўқдир. Мулк ва мол-дунё ҳам унинг кўнглига ёқимли туюлмайдди. Кимнинг нақд мол-мулки бўлмаса ҳам, ҳиммати бўлса бас, шунинг ўзи унга катта давлатдир. Зеро, ҳиммати баланд киши ҳар қандай ишни бажара олади. Ҳиммат эр кишини эътиборли қилади, бунга мансаб, мулк ва хазинанинг ҳеч бир даҳли йўқ. Агар инсонда мол-дунё бўлса-ю, ҳиммат бўлмаса, у ақлли кишилар наздида ҳеч қандай обрў-эътибор топа олмайди. Кимки олий ҳиммат эгаси бўлса, бу хислати унга иқбол ато этади. Агар шоҳга Худо паст ҳиммат ато қилган бўлса, ундай шоҳдан олий ҳимматли гадо яхшироқдир. Агар шоҳ ҳиммат бобида паст бўлса, у ҳимматли гадодан мағлуб бўлади.

Инсонлардаги гўзаллик ҳиммат туфайлидир, ёмон нафснинг жазоси ҳам ҳимматдандир. Паст ҳимматли баланд бахт топса ҳам, у тоғлиқ толеи паст кишидек қадрли бўла олмайди. Ёлланма чўпон мингта қўйни боққани учун маълум ҳақ олиб, қўйларга посбонлик қилади. Агар бўридан бу қўйларга хавф-хатар етишса, бундай ҳолда у чўпондан бир ит яхшироқдир! Хазинаси бору ҳиммати йўқ кишига ана шу чўпон ва қўй ҳодисаси мисол бўла олади. Чўпон қўйларни асрай олмагани каби, бундай киши ҳам бойликка қоровуллик қила олмайди. Оқибатда ринд (майпараст) табиатли ҳимматли киши бу бойликни қўлга киритиб, уларни бир гадога ҳадя қилиб юборади. Агар ринд ҳақиқий ҳиммат ва карам эгаси бўлса, унинг учун бутун бир хазинани ҳадя этиш бир пулни харж этишдек оддий бир ишдир”. *(Алишер Навоий)*

\* \* \*

“Хайр ва эҳсонда исроф бўлмаганидек, исрофда ҳам ҳеч қандай хайр йўқдур”.

*(Имоми Аъзам)*

\* \* \*

“Сахийлик бу – инсоннинг саховат кўрсатиб, кейин бу ҳақда унутишидир”. (*Мажидиддин Хавофий*)

\* \* \*

“Али ибн Хусайн кечаси нонтўрвасини кўтариб чиқиб, одамларга садақа берарди ва айтардики: “Махфий садақа Парвардигорнинг ғазабини сўндиради”. (*Абу Ҳамза Сумолий*)

\* \* \*

Бир хотин боласи билан кетаётган эди, бўри боласини олиб қочди. Хотин бўрининг орқасидан югураётганда бир гадо тиланди. Хотин сўнгги нонини унга берди. Шунда қочаётган бўри орқасига қайтиб, болани онасига топширди. Ғойибдан овоз келди: “Бир лукмага – бир лукма!”. (*Солим Абу Жаҳд*)

\* \* \*

“Жаннат эшигига уч қатор сўз ёзилган. Улардан бири: “Нима амал қилган бўлсак, топдик. Берган бўлсак, фойда олдик. Нимаики олиб қолган бўлсак, зарар қилдик”. (*Наззол ибн Сабра*)

\* \* \*

“Одамлар табиатан тўрт хил бўлишади: лаъин кимса ўзи ҳам емайди, бошқаларга ҳам едирмайди; бахил кимса ўзи ейди, аммо бошқаларга едирмайди; сахий ўзи ҳам ейди, бошқаларга ҳам едиради; карим инсон ўзи емай, бошқаларга едиради”.  
(*Аҳмад Жавод*)

\* \* \*

“Инсон эҳсони билан, эҳсон султони билан, султон замони билан, замон имкони билан, имкон эса маконини белгилаб бериши билан”.

\* \* \*

“Разолат тўнғизга ўхшайди: туғса кетма-кет, эгиз-эгиз туғаверади. Эзгулик – минг-минглик сурувда камёб туғиладиган антиқа терили кўзичок”.

\* \* \*

“Саховатли киши буғдой сотиб олмайди, яхшилиқни харид қилади”. (*Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий*)

\* \* \*

“Кимнинг ҳиммати-ю муруввати қанчалик кўп бўлса, шунга яраша одамлар унинг қайғусига шерик бўларлар, ҳамдардлик билдирарлар”.



\* \* \*

“Хаёт вақтингда берган инъом-эҳсонларинг, гарчи уларни туки йўқ (қирчанғи) бўрига берган бўлсанг-да, зое кетмас. Қиёмат кунида буларнинг ажри сенга бўлур”.

\* \* \*

“Ўз вақтидан кечикиб берилган инъом-эҳсон маҳкам тортилган занжир мисоли қаттиқ бўғувчидир”.

\* \* \*

“Тоғ тепасидаги қояларни кўчириш миннат эшитиш юкларига нисбатан енгилроқдир”.

\* \* \*

“Риё бор ҳар қандай ишда раволигу зиё йўқдир”.

\* \* \*

“Мол-мулкани беҳуда исроф қилиш куфрони неъматдур. Ўйламасдан бойлигини сарфлаш тўлиқ таназзулга олиб келади”.

\* \* \*

“Баъзи одамлар ўз яқин қавм-қариндошларига хайру эзгулик кўрсатмай, яқин қариндошлиги бўлмаганларга эҳсон қиладур – туякуш ўз тухумларини ташлаб, бошқалар тухумларини босиб ётгани мисол”.

\* \* \*

“Бошингизга мушкул иш ва ташвиш тушганда мунис бўлиб, одамларга меҳр-муҳаббатлироқ бўласиз, аммо давлату неъматларга эришганингизда бағритошликка мойилроқ бўласиз”.

\* \* \*

“Ўзингга зарур бўлган ҳар қандай керак нарсани сотиб ол – бу эркак кишининг мурувватини, қудратини, эрлигини кўрсатади. Чунки ўша нарсани бировдан сўрасанг, у сен сўрагани эмас, бошқачароғини беради (инсоннинг табиат шундай), сотиб олганингда эса ўзингга керагини танлаб оласан”.

\* \* \*

“Хайр-саховат ва фазилат соҳибининг фарзанди ҳурмат ва шону шарафга сазовор ва муносибдир, чунончи дур садафга қараганда юқори даражададир”.

\* \* \*

“Неъматию муруввати доимий бўлган зотга итоату изм билдириш вожибдур”.

\* \* \*

“Кимники ҳимматию муруввати қанчалик кўп бўлса, шунга яраша одамлар унинг қайғусига шерик бўларлар”.

\* \* \*

“Агар бирор қайғу-алам юз бергани ёки таъзияли жойни эшитсанг, дарҳол ўша ерга бор. Агар зиёфату меҳмондорчиликка чақирилсанг, унда ўзинг ўйлаб иш тут”.

\* \* \*

“Фақиру мискинларга вожиб садақаларни бажо келтирмаган бойларга жаҳаннамда даҳшатли бир хандақ бордир”.

(Абулқосим Замахшарий)

\* \* \*

“Хар қандай одамнинг қалбида сахийга муҳаббат, бахилга нафрат бор”. (Яҳё ибн Муоз)

\* \* \*

“Сўралмасидан берган ҳақиқий сахий одам, қасос олишга қодир бўлатуриб, афв этган ҳақиқий мард одам”. (Хусайн ибн Али)

\* \* \*

“Пулни ўйлаб сарф қилмоқ ҳам ярим фойдадир”.

(Ҳасан Басрий)

\* \* \*

“Ўзинг муҳтож бўлатуриб, сахийлик қиламан дема”.

(Муҳаммад Сиддиқ Рушдий)

\* \* \*

“Ёрдам беришнинг гўзаллиги ундан кишининг тасалли топишида кўринади”. (Абу Али ибн Сино)

\* \* \*

“Фазилат аҳлини ҳаддидан оширмасдан ҳурмат қилиш мустаҳабдир. Бирор кишини бойлигидан умид қилиб, бой бўлгани учун ҳурмат қилиш жоиз эмас”.

\* \* \*

“Зиёфатдан мақсад – бойлигини кўз-кўз қилиш ва мақтаниш бўлмаслиги керак. Фақатгина Пайғамбаримизнинг одатларини қилиш, мўмин биродарлари орасида меҳр-оқибатни давом эттириш ва уларнинг қалбига сурур бериш бўлмоғи лозим”. (Абу Лайс Самарқандий)

\* \* \*

“Миннат қилиш эҳсонни йўққа чиқаради”. (Абу Райҳон Беруний)

\* \* \*

Агар минг халта берсанг, халти кўп зар,  
Санга андин начук суд, э биродар.  
Агар берсанг, ариғдин қатрайи об,  
Эрур чандон севиб, э гуҳари ноб.

*(Агар эҳсон қилиб бировга минг танга берсанг-у, у халталар ичидаги олтинга харом аралашган бўлса, сенга ундан савоб йўқдур. (“халт” – аралаш, омухта, дегани) Мусулмон биродарингга ариқдан сув олиб ичирсанг, савобдир. Юз халта харом олтинингдан афзалдир)*

Кишига берса, ким моли ҳаромий,  
Умид этса савоб ул, марди омий.

*(Бировга харом мол садақа бериб, савод умид қилган – ақли настдир. Шаксиз, ўзига ўзи золимдир)*

Бўлур кофир умид этган ул инсон,  
Билиб, олиб дуо қилғон ҳам ул он.

*(Ўша садақани бериб савоб умид қилган киши ҳам, унинг ҳаромлигини билиб дуо қилиб олгувчи кимса ҳам кофир бўлурлар)*

\* \* \*

Худойинг ҳар на берса, қил қаноат,

Юракни қилма миннатдин жароҳат (Сўфи Оллоёр)

*(Аллоҳ таоло сенга бойликдан ёки фақирликдан ҳар нимаки берса, шунга қаноат қил. Мен фалончига фалон нарса қилдим, мен бировга бунча садақа қилдим, уни бердим, буни бердим, деб миннат билан кўнглингни жароҳатлама. Чунки қилганларингни санаб миннат қилишинг – бари харом!)*

\* \* \*

“Ҳисобсиз мол йиққан билан одам сахий бўлолмади”.  
(Кўрқут ота)

\* \* \*

“Одам боласининг қудрат ва шавкатидан далолат берувчи хулқ беозорлик ва доноликдир. Сахийлик билан бирор тоифани рози қилиш мумкин, шижоат эса ҳар доим керак бўлавермайди. Сахийлиги билан бутун дунёни олтинга тўлдирган, шижоат билан урушларда ғолиб чиққан киши беозорлик хислатидан маҳрум бўлса, бир ножўя ҳаракат билан буларнинг ҳаммасини йўққа чиқариб юбориши мумкин. Лекин сахийлиги ва жасурлиги бўлмаса ҳам, мулойим ва доно бўлса, шу билан ҳамманинг кўнглини олиши, ҳатто душманни ҳам бартараф этиши мумкин. Шуниси ҳам борки,



кишига биргина беозорликнинг ўзи етарли эмас. Беозорлик ирода ва қатъият билан бирга бўлса яхши, бу хислатлар бўлмаса беозорликнинг якка ўзи нуқсон ҳисобланади”.

\* \* \*

Шижоат бирла зўру мардликдин ҳеч лоф урма,  
Ки то нафс олдида ожиз бўлуб, хотундек ўлтурғунг.  
Агар мард эрсанг этгил талхком оғзини сен ширин,  
Эмасдур мардлик улким, биров оғзига тош ургунг.

(“Гулистон”дан)

\* \* \*

“Гўзаллар соф ва тиниқ кўзгу истаганлари каби, жўмардлик ҳам фақир ва заиф кимсаларни истайди. Гўзалларнинг юзи кўзгуда кўринади, инъом ва эҳсоннинг гўзаллиги фақир ва ғарибларни шод қилиш билан намоён бўлади. Шундай экан, фақирлар марҳамати илоҳийнинг, карами Раббонийнинг кўзгусидирлар. Ҳақ билан бирга бўлганлар ва Ҳаққа фоний бўлганлар доимо жўмардлик қиладилар”. (Жалолиддин Румий)

\* \* \*

“Киши нафс хаваси тузоғида табиий эҳтиёжлар бандида экан, у гўё гўдакка ўхшайди. Нафс мартабасида тараққий этиб, дил мақомига етишса, балоғат остонасидаги ёш ўспирин қабилида бўлади. Ёш йигитда эса қон қайноқ, бадан қуввати яъни жисмоний қувват етарли бўлганидек, жавонмардларда ҳам инсоний камолот билан бирга маънавий қувватлар мавжуддир ва бу мартабадагига “фатий” дерлар”. (Хусайн Воиз Кошифий)

\* \* \*

“Карам – бир жафокашнинг оғир юкини кўтармоқ ва ўша юкнинг машаққатидан уни қутқармоқдир. Карам – бировнинг тиканли машаққат юкини кўтармоқ ва тикан санчилишидан гулдек очилмоқ ва шу қилган иши ҳақида қайта оғиз очмаслик, ҳеч миннат қилмаслик, асло юзига солмасликдир... Бизнинг замонда карам жавҳарини олам аҳлидан тилаш – заррадан қуёшни талаб қилмоқ, энг кичик Сахо юлдузидан осмони фалакни талаб қилмоқ билан баробардир”. (Алишер Навоий)

\* \* \*

“Одам болаларига лозим бўлган яхши ишларнинг бири – муҳтожларга шафқат ва марҳамат қилмоқдур. Шафқат ва марҳамат эса биров бир нарсани сўраган вақтида бор бўлса, аямасдан бермоқ, агар йўқ бўлса, ширин сўз ила узр этмоқ ва қўлдан кел-

\* \* \*

“Миннат қилиш эҳсонни йўққа чиқаради”. (Абу Райҳон Беруний)

\* \* \*

Агар минг халта берсанг, халти кўп зар,  
Санга андин начук суд, э биродар.  
Агар берсанг, ариғдин қатрайи об,  
Эрур чандон севиб, э гуҳари ноб.

(Агар эҳсон қилиб бировга минг танга берсанг-у, у халталар ичидаги олтинга ҳаром аралашган бўлса, сенга ундан савоб йўқдур. (“халт” – аралаш, омухта, дегани) Мусулмон биродарингга ариқдан сув олиб ичирсанг, савобдир. Юз халта ҳаром олтинингдан афзалдир)

Кишига берса, ким моли ҳаромий,  
Умид этса савоб ул, марди омий.

(Бировга ҳаром мол садақа бериб, савод умид қилган – ақли пастдир. Шаксиз, ўзига ўзи золимдир)

Бўлур кофир умид этган ул инсон,  
Билиб, олиб дуо қилғон ҳам ул он.

(Ўша садақани бериб савоб умид қилган киши ҳам, унинг ҳаромлигини билиб дуо қилиб олгувчи кимса ҳам кофир бўлурлар)

\* \* \*

Худойинг ҳар на берса, қил қаноат,

Юракни қилма миннатдин жароҳат (Сўфи Оллоёр)

(Аллоҳ таоло сенга бойликдан ёки фақирликдан ҳар нимаки берса, шунга қаноат қил. Мен фалончига фалон нарса қилдим, мен бировга бунча садақа қилдим, уни бердим, буни бердим, деб миннат билан кўнглингни жароҳатлама. Чунки қилганларингни санаб миннат қилишинг – бари ҳаром!)

\* \* \*

“Ҳисобсиз мол йиққан билан одам сахий бўлолмайди”.  
(Кўрқут ота)

\* \* \*

“Одам боласининг қудрат ва шавкатидан далолат берувчи хулқ беозорлик ва доноликдир. Сахийлик билан бирор тоифани рози қилиш мумкин, шижоат эса ҳар доим керак бўлавермайди. Сахийлиги билан бутун дунёни олтинга тўлдирган, шижоат билан урушларда ғолиб чиққан киши беозорлик хислатидан маҳрум бўлса, бир ножўя ҳаракат билан буларнинг ҳаммасини йўққа чиқариб юбориши мумкин. Лекин сахийлиги ва жасурлиги бўлмаса ҳам, мулойим ва доно бўлса, шу билан ҳамманинг кўнглини олиши, ҳатто душманни ҳам бартараф этиши мумкин. Шуниси ҳам борки,

кишига биргина беозорликнинг ўзи етарли эмас. Беозорлик ирода ва қатъият билан бирга бўлса яхши, бу хислатлар бўлмаса беозорликнинг якка ўзи нуқсон ҳисобланади”.

\* \* \*

Шижоат бирла зўру мардликдин ҳеч лоф урма,  
Ки то нафс олдида ожиз бўлуб, хотундек ўлтурғунг.  
Агар мард эрсанг этгил талхком оғзини сен ширин,  
Эмасдур мардлик улким, биров оғзига тош ургунг.

(“Гулистон”дан)

\* \* \*

“Гўзаллар соф ва тиниқ кўзгу истаганлари каби, жўмардлик ҳам фақир ва заиф кимсаларни истайди. Гўзалларнинг юзи кўзгуда кўринади, инъом ва эҳсоннинг гўзаллиги фақир ва ғарибларни шод қилиш билан намоён бўлади. Шундай экан, фақирлар марҳамати илоҳийнинг, карами Раббонийнинг кўзгусидирлар. Ҳақ билан бирга бўлганлар ва Ҳаққа фоний бўлганлар доимо жўмардлик қиладилар”. (Жалолиддин Румий)

\* \* \*

“Киши нафс ҳаваси тузоғида табиий эҳтиёжлар бандида экан, у гўё гўдакка ўхшайди. Нафс мартабасида таракқий этиб, дил мақомига етишса, балоғат остонасидаги ёш ўспирин қабилида бўлади. Ёш йигитда эса қон қайноқ, бадан қуввати яъни жисмоний қувват етарли бўлганидек, жавонмардларда ҳам инсоний камолот билан бирга маънавий қувватлар мавжуддир ва бу мартабадагига “фатий” дерлар”. (Хусайн Воиз Кошифий)

\* \* \*

“Карам – бир жафоқашнинг оғир юкини кўтармоқ ва ўша юкнинг машаққатидан уни қутқармоқдир. Карам – бировнинг тиканли машаққат юкини кўтармоқ ва тикан санчилишидан гулдек очилмоқ ва шу қилган иши ҳақида қайта оғиз очмаслик, ҳеч миннат қилмаслик, асло юзига солмасликдир... Бизнинг замонда карам жавҳарини олам аҳлидан тилаш – заррадан қуёшни талаб қилмоқ, энг кичик Сахо юлдузидан осмони фалакни талаб қилмоқ билан баробардир”. (Алишер Навоий)

\* \* \*

“Одам болаларига лозим бўлган яхши ишларнинг бири – муҳтожларга шафқат ва марҳамат қилмоқдур. Шафқат ва марҳамат эса биров бир нарсани сўраган вақтида бор бўлса, аямасдан бермоқ, агар йўқ бўлса, ширин сўз ила уэр этмоқ ва қўлдан кел-



ганича бошқаларга ёрдамда бўлмоқдур. Жаноби Ҳақ таоло ҳамма махлуқларни бир-бирига муҳтож ва бир-бирига сабаб қилиб яратмишдур. Подшоҳ гадога, гадо подшоҳга, бой фақирга, кофир мўминга, мўмин кофирга, ҳамма бир-бирига муҳтождир.

Бу муҳтожлик ёлғиз инсонлар орасида бўлмай, инсонлар ила дунёдаги жонли ва жонсизларнинг барчасини орасида ҳамма вақт кўрилмақдадир. Инсонлар минмоқ, юкларини ортмоқ, ерларига экин сочмоқ, сутларини ичмоқ ва гўштларини емоқ учун от, туя, эшак, қўй, сигир, хўкиз, балиқ, товуқ каби ҳар хил ҳайвонларга муҳтож бўлурлар. Ҳайвонлар эса ризқларини ўткармоқ ва болаларини тарбия қилмоқ учун кўп вақтларда инсонлар тарафидан экилган ўт, пичан ва ғаллаларга ва солинган иморатларга муҳтож бўлурлар. Шул сабабли шафқат ва марҳамат тўғрисида инсонлик, ҳайвонлик, кофирлик, мўминлик, яқинлик ва узоклик, бойлик ва фақирлик каби фарқларни эътибор қилмай, барчани баробар кўрмоқ лозимдир”. (Мунаввар қори)

\* \* \*

“Ҳиммат ва саботи бўлмаган миллатнинг ҳаққи ҳаёти йўқдур”. (Абдурауф Фитрат)

\* \* \*

330

“Олиҳиммат деб дин ва миллатга фойдалиқ ишларни мол ва жон ила ишламакни айтилур. Ҳиммат шундай бир олижаноб фазилатдурки, инсониятнинг кони, яхши хулқларнинг посбони демак жоиздур. Ҳиммат соҳиблари карим сифатлик, раҳим табиатлик бўлур. Ўз жинсининг авлодидан ҳар вақт ёрдамини аямас. Ҳайру саховатлик ишлардан ўзини тортмас. Пул ва молини йўлида сарф этмақдан қизғанмас. Олиҳиммат киши сояси латиф, меваси лазиз дарахт кабидурки, бу сояга яқин бўлган кишилар ҳар вақт фойдаланурлар.

Ҳимматлик инсон лутфу марҳамати ила дунё юзида жилвагар ўлур. Оламни равшан қилгувчи гунашнинг қувват ва фазига зарар етмагани каби ҳиммат арбобининг ҳам, сарф ва харожат ила, шаън ва молина заррача халал етмас. Инсоннинг моҳияти виждонидан билинур. Виждон эса фақат олиҳиммат кишилардан топилур. Алҳосил, ҳиммат инсоннинг камолоти, тараққий ва маданиятнинг олатидур. Ҳар иш ҳиммат соясида юзага чиқар. Олиҳиммат ва холис ният ила иш ишлаган кишилар тавфиқи раббонийга рафиқ, раҳмати раббонийга шафиъ бўлурлар. Расули акрам набийи муҳтарам (с.а.в.) афандимиз: “Улуввил ҳиммати минал иймони”, демишлар. Нўширавон: “Инсон олиҳиммат вазифаси ила мукаллафдур, олижаноб ўлан бир ҳаким кўрган бе-

морни давои ҳиммат ила дармонлаюр. Жаҳоннинг касби умронийси олиҳимматлар соясидадур”, демишлар.

*Ибрат кўзингизни очингиз, “Ё, улал-абсор”,  
Ҳиммат-ла тикилмиш шу гўзал масжиди дилдор.  
Журғат-ла музайян ўлур олам, яшар инсон,  
Ҳимматли қўлинг суйғуси ҳар ерда харидор”. (Абдулла Авлоний)*

\* \* \*

“Бир-бирларига раҳму шафқат, марҳамат қилишлари, ёрдам беришлари, одамларнинг муштарак вазифаларидан бўлиб, бу ёрдам гуноҳ ишларда эмас, балки ҳақ ва имон йўлида бўлиши шарт. Касалларни зиёрат қилиш, мўминларнинг жанозаларида катнашиш, муҳтожларга имкон қадар ҳиммат қўлини узатиш, хизматчисидан тортиб қўни-қўшни, қавму қариндош, ёру биродарлар, хатто ҳайвон ва паррандаларнинг ҳам ҳақларига риоя қилиш – мўмин киши тўла-тўкис бажариши зарур бўлган амаллардандир. Чунончи, танамиздаги ҳар бир аъзонинг ўз вазифаси бор. Агар бир аъзо ишдан чиқса, вужуд салкам яроқсиз ҳолга келади. Бир нечтаси ишдан чиқса-чи? Масалан, кўз кўрмаса, қулоқ эшитмаса, қўл-оёқ ишламай қолса, бу вужуднинг не қиймати бор?

Ҳар бир аъзонинг ўзига яраша вазифаси бўлганлигидан бир-бирининг ўрнини боса олмайди. Биз бу аъзоларнинг қадрига етиб, ҳақларини адо этмоғимиз, шукрини келтирмоғимиз лозим. Кишининг кўзи оғриганида малҳам қўйишга зарурат туғилгани каби, бошқа одамларнинг ҳам ҳаққини адо этиш вазифаси бор. Ҳар бир инсон ўзи масъул бўлган вазифасини бекаму кўст бажариши билан жамиятда уйғунлик пайдо бўлади. Акс ҳолда, биргина аъзонинг шикастланиши билан тана заифлашгани каби, жамият ҳам мутаносибликни йўқотади, заифлашади. Инсоннинг ўз ҳамжинсларига нисбатан қиладиган вазифаларининг хулосаси: адолат, биродарлик, садоқат, тўғрилиқ, ёрдам, раҳм-шафқат ва муҳаббатдан иборатдир. Булар гўзал ахлоқнинг биринчи ғоя ва мақсадларидан саналади.

(Бурсавий)

\* \* \*

“Ҳукмдорлар бадавлат ва сахий бўлмасалар, мамлакатни идора қила олмайдилар”. (Сюн-Цзи)

\* \* \*

“Сен омборингда сақлаётган ғалла очларга тегишли; сандигингдаги тўнлар яланғочларга тегишли; сен ерга кўмиб қўйган олтинлар камбағалларга тегишли”. (Улуғвор Василий)

*Дониш аҳли ҳикматларидан:*

“Бошига бирор оғирлик тушган, турмушдан қийналган вақтда бошқаларнинг ёрдам беришини истаган кишига айтинг: соғсаломат бўлиб, роҳат ва фароғатда умр кечириб турган вақтида ҳеч кимдан ёрдамини аямасин. Яхшилик қилишга ғайрат қилсин”.

\* \* \*

Қўйи, моли кўп аъробий бор эди. Озгина садақа қиларди, ҳиммат қилса ҳам ориқ эчкини садақа қиларди. Бир куни тушида қўйлари уни сузмоқчи бўлибди. Ҳалиги садақа қилган ориқ эчки уни ҳимоя эта бошлабди. Уйғониб кетиб: “Аллоҳга қасамки, агар қодир бўлсам, энди кўп садақа қиламан”, деди.

\* \* \*

“Қалбида шафқат бўлмаганлар эшигидан узоқлаш, яқинлашсанг, кўнглингни яралайдилар”.

\* \* \*

Бир ҳакимдан сўрадиларким: “Саховат яхшироқму ва ё шижоат?”  
Ҳаким деди: “Саховат бўлса, шижоатга ҳожат йўқтур”.

\* \* \*

Бир донишманддан: “Мурувват нима?” деб сўрадилар.  
У: “Қариндош-уруғ, дўсту ёрлардан етган жафоларни кечиришдир”, деб жавоб берди.

\* \* \*

Агар бир дарахт шохлари кесилса, ўрнига янги навдалар кўкариб чиқади. Аммо меҳру-муҳаббат, раҳм-шафқат ниҳоли жафо арраси билан арраланса, асло кўкармайди.

\* \* \*

Бир кекса киши Ҳотам Тойдан шакар сўраб келди. “Фақир сенга қўл очиб сўраса, мумкин бўлганини бер, очилган қўлни бўш қайтарма”, ҳикматига амал қилувчи Ҳотам унинг сўраганидан ўн ҳисса кўпроқ бердилар. Буни кузатиб ўтирган хотини: “Бир ҳовуч сўраганга ўн ҳовуч берганингиз нимаси?!” – деб танбеҳ берди.

– Тўғри, у ўз эҳтиёжига яраша сўради, мен эсам имконимга яраша бердим. Қария ортиқроқ миқдорда сўрамоққа шарм қилди, ўзига эп билмади, – дедилар Ҳотам Той. – Агар мен унга сўраган миқдорда шакар берсам, сахийлигимга, шон-шарафимга тўғри келмасди. Шунга кўра, сўраганидан зиёда шакар бердим, оз беришни ўзимга эп билмадим.



\* \* \*

“Ўзингдан баланд ҳимматлироқ кишини ҳеч кўрдингми ва ё эшитдингми?” деган саволга Ҳотами Той шундай дедилар:

“Бир куни халойиқни меҳмон қилмоқ учун қирқ тева қурбон қилмиш эрдим. Ул чокда сахрога чиқиб кўрдум-ким, бир киши бир оз тиконни кўтармак учун даст қилиб-дур. Мен анга дедим: “Ҳотамнинг уйига не учун бормассенки, кўб халойиқ онинг хоки эҳсонига жамъ бўлмишлар?” Ул деди:

*Кимки нон ер чекиб ўзи меҳнат,  
Чекмағай Ҳотам илкидин миннат.*

Шу бандани ўзимдан баланд ҳиммат ва жувонмард кўрдум”.

\* \* \*

Ҳассон ибн Абу Синонинг уйларига бир хотин келиб, тиланди. У киши хотинга қарадилар – ғоятда гўзал эди. Хотинга тўрт юз дирҳам беришни буюрдилар. Унга: “Э Аллоҳнинг бандаси, бу хотин сиздан бир дирҳам сўраган эди, нечун тўрт юз дирҳам бердингиз?” деб сўрадилар. Ул зот дедилар: “Чиройини кўриб шу қарорга келдим. Бу гўзалнинг қийналиб қолганда гуноҳга кириб кетишидан қўрқдим ва унинг узоқроқ муддат беҳожат бўлмоғини хоҳладим. Шояд шунда бирор киши унга рағбат қилиб, никоҳига олса”.

\* \* \*

“Гулистон”да бир ҳикоят бор. Унга кўра, Саъдий саёҳат қилиб юрган пайтларида Дамашқда бир неча муддат дўстларининг суҳбатларида бўлгач, Қуддусга қараб йўл оладилар. Тараблусга келганларида фаранглар қўлига асир тушадилар. Бир куни яҳудийлар билан бирга лой ишида ишлаётганларида ҳалаблик амалдор у кишини таниб қолиб, ўн динар эвазига асирликдан қутқаради-да, уйига олиб кетади. Кейин юз динарлик сеп бериб, қизига никоҳлаб қўяди. Қиз ниҳоятда ёмон феълли ва заҳар тилли бўлиб, Саъдийни менсимасдан кўп ранжитади. Навбатдаги жанжалларнинг бирида Саъдийга қараб: “Ўзинг ким бўлибсан, отам ўн динаорга сотиб олган одамсан-да!” дейди. Шунда Саъдий: “Тўғри, отанг мени ўн динар эвазига қутқариб, юз динаорга сенинг қўлингга банди қилиб топширди”, дейдилар.

\* \* \*

Саховат қилур неки бахт ихтиёр,  
Ки бўлгай саходан киши бахтиёр.

\* \* \*

“Бериладиган хар нарсангни ажал билан юзлашмасдан олдин бериб қолишинг лозим. Бугун сенга мухтож бўлганларнинг эҳтиёжларидан кўз юмиб, эртага қолдирма. Эҳтиёж вақтида берилган дори каби шифоли бўлади”.

\* \* \*

“Бойлик – бир омонатдир. Унинг саодатига ва лаззатига қовушиш – махрумларнинг изтиробини ҳис қилиш, уларга шафқат ва марҳамат эшикларини очиш ила бўлади”.

\* \* \*

Америка Вьетнам билан ёвлашаётган йилларда бир фожиа юз бериб эди. Урушдан қайтаётган йигит Американинг Сан Франциско шаҳридан уйига қўнғироқ қилиб, хушxabарни ота-онасига етказди-да:

– Онажон, отажон, сизлардан илтимос қилмоқчиман, ўзим билан дўстимни ҳам уйимизга бирга олиб борсам майлими? – деб сўради.

– Майли, ўғлим, меҳмонингни бошлаб келавер, – дейишди.

– Аммо бир нарсани билишингиз керак-да. Дўстим урушда оғир яраланди. Минани босиб олиб, бир қўли билан оёғини йўқотди. Унинг борадиган жойи йўқ, биз билан яшабини истаяпман.

– Бу гапинг ноўрин, ўғлим, – деди отаси.

– Балки дўстингга бошқа қулайроқ жой топишга ёрдам берармиз, – деди онаси.

– Йўқ, у фақат бизникида, биз билан яшаши керак, – деди ўғил ўжарлик билан.

– Ўғлим, – деди дадаси, – биздан нимани талаб қилаётганингни ўзинг тушунмаяпсан. Ногирон дўстинг бизга ортиқча юк бўлади. Биз бунақа даҳмазалар осойишта ҳаётимизга тўсиқ бўлишига йўл қўя олмаймиз. Сен ногирон дўстингни унутгин-у, ёлғиз ўзинг уйга қайтавер.

Ўғли гапни кўпайтирмай, телефонни узди. Ота-онаси унинг қаердалигини билмай, бир неча кун хавотирда юрди. Ниҳоят, Сан Франциско полициясидан қўнғироқ қилиб, урушдан қайтган ўғилнинг юксак иморатдан қулаб, ҳалок бўлганини билдиришди. “Бу бахтсиз ҳодиса ёки қотиллик эмас, ўз жонига қасд қилиш эканлиги аниқланди”, деб изоҳ ҳам беришди. Юрак-бағри эзилган ота ва она дарҳол Сан Францискога етиб келди. Жасадни таниб олиш маросимини ўтказиш учун уларни ўликхонага бошлашди. Ота ва она жасадни кўришди-ю, даҳшатларига даҳшат қўшилди... Чунки... ўғилларининг бир қўл ва оёғи йўқ эди...

\* \* \*

Бир жарроҳга ярим кечаси кўнғироқ қилиб автохалокатда оғир жароҳат олган йигит шошилич амалиётга (операцияга) муҳтож эканлиги айтилди. Уйқудан аранг кўз очган жарроҳ хизмат ҳаққи қанча бўлишни айтди. Унга йигитнинг ҳужжати йўқлиги, шахси номаълумлиги айтилди. “Ота-онасини топинглар, ҳақини тўлашса, боласи омон қолади”, деб гапни калта қилди. Йигит эрталабга яқин ўлди. Кейин ота-онаси ҳам топилди. У ўша жарроҳнинг ўз ўғли экан...

\* \* \*

“Жуда кучли бир одам аччиғланиб, бошқа бир кишини урмоқчи бўлганда донолардан бири бунинг сабабини сўради. Унга: “Фалон одам уни сўқди, шунга чидолмай уни урмоқчи”, дедилар. Доно: “Бу полвоннинг энг оғир тошларни кўтаришга куч-қуввати етса ҳам, бир оғиз сўзни кўтаришга тоқати етмабди-да”, деди”.

\* \* \*

#### **Ҳикоят:**

Ўтган замонда, бир кеча Миср жоме масжидига ўт тушиб, ёниб кетди. Мусулмонлар буни насоролардан гумон қилиб, уларнинг уйларига ўт қўйдилар. Миср султони ўт қўйишда айбланганларни ҳибсга олдирди. Унинг буйруғи билан қанча одам ҳибсга олинган бўлса, шунча қоғозчалар тайрланиб, уларга жазо турлари ёзиб чиқилди. Худди чек ташлангандай, айбланувчилар бу қоғозчаларни битта-битта олишди. Қоғозчада қандай жазо тури бўлса, шу уларга ҳукм бўлди.

Бир йигитга ўлим жазоси чиқди. У афсусланиб:

– Мен ўлимдан кўрқмайман, аммо онамга ачинаман, унинг мендан бошқа ҳеч кими йўқ. Мендан кейин қандай ҳолга тушини ўйлаб, қайғураман, – деди. Унинг ёнида турган бир йигитга дарра уриш жазоси ёзилган қоғозча тушган эди. У ўз қоғозчасини ўлим ҳукмини олган йигитга узатди-да ҳукм ижрочиларига деди:

– Менинг онам йўқ, ёлғиз ўзимман. Бу йигитга бериладиган ўлим жазосини менга беринг. Менинг ҳиссамга тушган дарра уриш жазоси билан эса уни жазоланг.

\* \* \*

“Модомики, фақир жўмардлик карамининг кўзгуси экан, кўзгуга тупурмоқ нодонликдир. Яъни, фақир ва ғарибни озорлаш учун оғиздан чиққан ҳар бир сўз унинг қалбини яралайди. Худди



ойнага тупурилганда унинг юзи булгангандек, қалб хиралашади. Унинг порлоқ ва мусаффо юзи зарар кўради. Жўмардликнинг карами кўринмай қолади. Амалларимиз, инфоқларимиз доимо кўз ўнгимизда буюк бўлиб кўрина бошлайди. Бизни чалғитиб, адаштиради. Бизга ёлғон роҳат бағишлайди. Қатрадек яхшилигимиз ўзимизга денгиз каби кўринади”.

\* \* \*

### **Ривоят:**

Мардлиги билан ном чиқарган ҳукмдорлардан Баҳромгур кунлардан бир кун овда кийикни отмоқчи бўлди. Кийик чап бериб, қочди. Сайёд уни қувди. Кийик қоча-қоча Қабийса деган одамнинг уйига кириб қолди. Ҳол тили билан ундан паноҳ сўради. Қабийса унга сув берди. Бу онда Баҳромгур кириб келиб: “Эй бадавий, менинг овим қочиб, сеникига кирди. Уни менга топшир!” деб буюрди.

– Э отлик яхши йигит, мендан паноҳ истаб чодиримга кирган жониворни ўлдириш учун сенга топширишим мурувватдан эмас, – деб жавоб берди Қабийса.

Баҳромгур унга қаттиқ гапириб, хатто таҳдид қилди. Қабийса унинг бу сиёсатидан кўрқмай, айтдики:

– Э йигит, беҳуда сўзларни сўзлама. Мендан паноҳ истаб келган бечора жониворни нечун сенинг қўлингга топширай? Қўлингдаги ўқ-ёй билан мени ўлдирсанг, ўшандагина кийикни олишинг мумкин бўлади. Агар мени ўлдирсанг, қабилам халқи сени тирик қўймайди. Яхшиси, ўз жонингга раҳм қилгин-у бу бечора жониворни кўлга олиб, ўлдириш савдосидан кеч. Агар ҳирсинг томири тинч турмаса, ана, гўзал ва чопқир отимни эгар-у югани билан ола қол. Менинг отимни миниб, ўзингникини эргаштириб кетавер.

Баҳромгур Қабийсанинг бу мардлигига таҳсин айтди, унинг отига илтифот қилмай, саройига қайтди.

\* \* \*

“Одам нима билан одам бўла олади?” деб сўрадилар. Жавоб берилди: “Олижаноблиги (*“одамгарчилиги” ҳам деймиз*) билан. Агар одамда шу хислат бўлмаса, унинг ҳайвондан фарқи йўқ”.

\* \* \*

Машхур уламо Шаъбийдан “Олижанобликнинг нишонлари нима?” деб сўралганида ул зот дедиларки:

– Бундай пок-соф одамлар бир кишини дарров ўзларига дўст қилиб олмайдилар, аввал яхшилаб текшириб, имтиҳондан

ўтказганларидан кейингина дўстликка қабул қиладилар. Шу билан бирга, уларнинг бировга бўлган гина ва адоватлари ҳам тезда бўлмайди, узоқ вақт ўйлаб, фикр қилганларидан кейингина вужудга келади. Ғаразгўйларнинг сўзига ишониб дарров ғазабланмайдилар, чунки кумуш кўза узоқ вақт тургандан кейин мабодо синиб қолса, дарҳол тузатиб, ундан яна фойдаланиш мумкин. Аммо бахил, нокас ва пасткаш кишилар биров билан дўст бўлсалар, уларнинг дўстликларининг биноси тезда бузилиб, хароб бўлади. Чунки уларнинг дўстлиги сопол кўзага ўхшайди. Сопол кўза синса, уни тузатиб, ишлатиш мумкин бўлмайди.

\* \* \*

### **Ҳикоят:**

Ҳотам Той ҳақидаги ҳикоятларнинг бирида бундай баён қилинади:

Яман подшоҳи ўзини олижаноб ҳисоблаб, барчанинг олдида мақтанишни яхши кўрарди. Ўзини олижаноб деб ҳисобларди-ю, бироқ, Той қабиласининг подшоҳи Ҳотамнинг саховати ва мардлиги ҳақидаги гапларга тоқат қила олмасди. “Катта салтанатга эга бўлмаган бир саҳройи қанақасига мақтовга лойиқ бўлсин?!” – деб ҳатто ғазабланарди. Бир куни у оламга татиғулик зиёфат берди. Зиёфатда ҳозир бўлган ҳориж меҳмонларидан бири Ҳотам ҳақида гап очиб, унинг мардлигини кўкларга кўтариб мақтади. Бу Яман подшоҳининг нурли кунини қороғу кечага айлантирди, ғазаб ўтини аланга олдирди. Меҳмонлар тарқагач, ҳузурига жаллодни чақирди-да, амр қилди:

– Модомики, Ҳотам менинг подшоҳлигим вақтида ҳаёт экан, мен олижаноб деган номга эга бўла олмайман, сен бориб, Ҳотамни ўлдиргин-да, калласини менга олиб келиб, кўнглимни тинчит.

Жаллод Той қабиласига етганда унга бир йигит пешвоз чиқиб, нотаниш бўлишига қарамай, салом берди, ҳол-аҳвол сўради. Унинг хушмуомаласи жаллодни ҳайратга солди. Йигит ҳол-аҳвол сўраш билан кифояланмай, йўлда ҳориб-чарчаб келган жаллодни уйига бошлади, зиёфат қилиб, иззат-икромини бажо келтирди. Унинг танимаган бир кишига лутф кўрғазиши жаллодни янада таажжубга солиб, қалбида мезбонга нисбатан меҳр уйғотди, муҳаббат боғлади. Эртаси куни жаллод кетишга рухсат сўраганида йигит: “Сизга кўнглингиз тўладиган даражада хизмат эта олмадим. Яна бир неча кун азиз меҳмоним бўлинг”, деб ҳар қанча илтифот қилса-да, жаллод Той қабиласида бажарадиган муҳим юмуши борлигини айтиб, илтифотни рад этди. Шунда йигит яна лутф ила дедик:

– Азиз меҳмоним, менинг қабиламга қандай муҳим иш билан келганингизни айтинг, ишингизни рўёбга чиқишига қўлимдан келганича ёрдам бераман.

– Бу қабилада Хотам исмли олижаноб бир киши бор экан, – деди жаллод. – Нима учун менинг подшоҳим унга адоват боғлаган экан, билмайман. Ҳар ҳолда Хотамнинг бошини кесиб келтиришимни амр этган. Агар амрни бажарсам, подшоҳнинг лутф-карамига етишаман, умрим роҳатда ўтади. Сиз Хотамнинг уйини кўрсатиб қўйсангиз бас, қолган ишни ўзим бажараман.

Мезбон йигит жаллоднинг сўзларини эшитиб, кулимсиради:

– Қадрли меҳмоним, сиз қидираётган Хотам – менман. Модомики, менинг бошим туфайли подшоҳнинг лутф-карамига эга бўлар экансиз, жону дилим билан розиман, мана қилич, бошимни кесиб, подшоҳингизга элтинг.

Жаллод кимга рўпара бўлганини билиб, даҳшат ва ҳайратдан йиглаб юборди, сакраб туриб, уни қучоқлаб олди.

– Э олижаноб одам, сен нақадар улуғ одамсан, сенинг бир тукингга зарар етказсам, бу мурдор қўлим синсин!

Жаллод яна бир неча кун Хотамнинг меҳмони бўлди...

\* \* \*

Ҳикмат аҳли дедиларки: “Интиқом оладиган пайтингда афв қил. Бундай қилолмасанг, ҳайвоний хисдан қутула олмайсан”. Устозлар подшоҳларга ҳамиша ўғит берганларки: “Агар Парвардигор сенга ғалаба беришини хоҳласанг, кечирувчи бўл, чунки у кечиришни яхши кўради”.

\* \* \*

“Афв – нафснинг закоти. Кечирганни Аллоҳ таоло севади, чунки кечириш – яхшиликнинг гўзал кўринишларидан ҳисобланади”.



## ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ:

- \* Садақа балони қайтаради.
- \* Сахий хайр қилса, бахилнинг бошига оғриқ туради.
- \* Сахий булут боққа ёмғир қуяди.
- \* Сахий йўқ бўлса ҳам тўқ.
- \* Сахий булут боққа ёмғир қуяди.
- \* Бахил бўлса, сахий бўл, ўсмоғингга тўғри бўл.
- \* Сахий топса – сочиб ер, бахил топса босиб ер.
- \* Сахийнинг ўнг қўли берар, чап қўли билмас.
- \* Сукутда хикмат кўп, булутда – ҳиммат.
- \* Хайр қилсанг, бутун қил.
- \* Хайрли қўл қайрилмас.
- \* Қуш – қаноти билан, эр – ҳиммати билан.
- \* Қўлим очик – юзим очик.
- \* Ҳар ким ҳимматига яраша топар.
- \* Ҳиммат – эрдан, арвоҳ – гўрдан.
- \* Қўлингдан бермасанг – йўлингдан бер,  
Йўлингдан бермасанг – сўзингдан бер.
- \* Бахилники доим “йўқ”, сахий йўқ бўлса ҳам – тўқ.
- \* Бахил топса, босиб ер, сахий топса – барча ер.
- \* Бахил бўлма, сахий бўл, ўсмоғингга тўғри йўл.
- \* Кийган тўнинг эскирар, қийдирганинг эскимас.
- \* Кўнгли очикнинг – йўли очик.
- \* Кўнглинг кенг бўлса, ҳужра ҳам сарой.
- \* Мақтасанг – сахийни мақта, топтасанг – бахилни топта.
- \* Ошхонанг кенг – гўрхонанг кенг.
- \* Сахий билан бахил бир булоқдан сув ичмас.
- \* Сахий бўлмаса, бахил ҳаром ўлар.
- \* Сахий топса – ўртада, бахил топса – халтада.
- \* Сахий хор бўлмас, бахил беҳиштга кирмас.
- \* Сахийнинг ишига бахилнинг тиши қамашар.
- \* Сўраб бергунча, уриб бер.
- \* Тантига танбеҳ йўқ.
- \* Тегирмонда туғилган сичқоннинг феъли кенг.
- \* Хайр ҳам – хайр, далолат ҳам – хайр.
- \* Хайрли қўл қайрилмас.
- \* Қаллобнинг болидан сахийнинг захри яхши.
- \* Қуш қаноти билан, эр – ҳиммати билан.
- \* Қўчқор бўлур қўзининг пешонаси дўнг бўлур,  
Оға бўлар йигитнинг пешонаси кенг бўлур.
- \* Ҳиммат – эрдан, арвоҳ – гўрдан.

## ЗАҲАРЛИ ТИКОН

“Албатта Аллоҳ ўзлари бахиллик қиладиган ва ўзга одамларни ҳам бахилликка чақирадиган ҳамда Аллоҳнинг ўз фазлу карамидан берган неъматларни яширадиган мутакаббир ва мақтанчоқ бўлган кимсаларни севмайди. Биз бундайлар учун хор қилувчи азобни тайёрлаб қўйганмиз.

*(Қуръони Карим маъноларининг таржимаси, Нисо сурасидан)*

\*\*\*

“Улар орасида: “Агарда бизга Аллоҳ фазли (бойлиги)дан берса, албатта, садақа қилурмиз ва солиҳ кишилардан бўлурмиз”, деб Аллоҳ билан аҳдлашадиганлар ҳам бор. Аллоҳ уларга фазлидан берганда эса, улар бахиллик қилдилар ва юз ўгириб кетдилар. Аллоҳга берган ваъдаларига хилоф қилганлари сабабли уларга, то Уни учратадиган кунлари қиёматгача дилларида мунофиқлик бўлишини қисмат қилиб қўйди”. *(Тавба сурасидан)*

\*\*\*

“Олтин ва кумушларини кон *(махфий хазина)* қилиб олиб, уларни Аллоҳ йўлида сарф қилмайдиганларга аламли азоб ҳақида “хушхабар” беринг! *(Мазкур олтин-кумушлар)* жаҳаннам ўтида қизитилиб, улар билан пешоналари, ёнлари, орқалари куйдирилган куни: “Бу ўзларингиз учун сақланган хазинангиздир. Сақлаган хазинангиз *(мазасини)* тотингиз!” дейилади”. *(Тавба сурасидан)*

*(Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: “Вой у бойларнинг ҳолигаки, камбағаллар улар ҳақида бундай гувоҳлик беришади: “Бизга зулм қилиб, зиммаларидаги фарз бўлган закотни бермадилар”. Камбағалларнинг бу сўзидан сўнг Аллоҳ таоло дейди: “Эй фақирлар, иззатим ва жалолим ҳаққи, мен сизларга яқинман, у(бой)лардан узоқман”. Сўнг Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу оятни ўқийдилар: “Уларнинг (топган) мол-мулкларидан (ажратилган) маълум ҳақ борки, у тиланчи ва махрум кишилар учундир”. *(Маориж сурасидан)**

*(Ривоят қилишларича, Меърож кечаси Пайғамбаримиз (с.а.в.) заҳар-заққум тиканакларини зўрлаб едириши учун ҳайдаб кетилаётган, олд ва орқалари қасмоқ, сурувлар каби ҳайдаб борилаётган бир тўда инсонларни кўрадилар. Жаброил алайҳиссаломдан булар кимлигини сўраб, бундай жавоб оладилар: “Булар молларининг закотини бермаганлардир. Уларга Аллоҳ зулм қилган эмас, ўзларига ўзлари зулм қилганлар. Аллоҳ бандаларига зулм қилувчи эмас.)*

*(“Мукошафатул қулуб”дан)*

\* \* \*

“Аллоҳнинг фазли билан берган нарсаси (бойлиги)дан бахиллик қилувчилар бунни ўзларига яхши деб ҳисобламасинлар! Асло! Бу улар учун ёмондир. Бахиллик қилган нарсалари Қиёмат куни (ўз бўйинларига) бўйинтуруқ қилиб қўйилади. Осмонлар ва Ернинг мероси Аллоҳга (қолур) Аллоҳ қилаётган ишларингиздан хабардордир”. (Оли Имрон сурасидан)

\* \* \*

“Аллоҳ йўлида бойликларингиздан сарфлангиз ва ўз қўлларингиз (бахиллик қилиш) билан ўзларингизни ҳалокатга ташлангиз (Бақара сурасидан)

\* \* \*

“Албатта, биз уларни боғ эгаларини синаганимиздек синаб кўрдик. Вақтики, эрта тонгда териб оламиз, деб қасам ичдилар. Ва истисно қилмадилар. Улар ухлаб ётганда у (боғ)нинг устидан Роббингдан бўлган айланувчи айланиб чиқди. Бас, у худди меваси териб олинганга ўхшаб қолди. Улар тонг саҳарда бир-бирларини чақирдилар. Агар терадиган бўлсангиз, экинзорингизга эртароқ боринг, деб. Бас, паст овоз билан гаплашиб юриб кетдилар. Бугун сиз борингизда у (боғ)га мискин кира кўрмасин, деб. Ва эрталабда қасд-ла, ўзларини қодир сезиб, бордилар. Уни кўрганларида биз адашибмиз, дедилар. Балки биз маҳрум бўлгандирмиз, дедилар. Уларнинг энг яхши ва адолатлиси, “Сизларга тасбиҳ айтсаларингиз-чи, демабмидим”, деди. Роббимиз айблардан пок бўлди, албатта, биз золимлардан эдик, дедилар. Бас, баъзилари баъзиларини маломат қила бошладилар. “Вой, шўримиз курсин, туғёнга кетган эканмиз. Шояд Роббимиз унинг ўрнига ундан кўра яхшироғини берса. Биз ўз Роббимизга рағбатлимиз”, дедилар. Азоб шундоқ бўлур ва агар билсалар, албатта, охират азоби бундан катта бўладир”. (Қалам сурасидан)

#### **Тафсир:**

Бир солиҳ киши ўтган экан. Унинг серҳосил боғи бор экан. Мева терадиган куни бева-бечора, камбағал муҳтожларни чақириб, уларга хайр-эҳсон қилар экан. У киши ажали етиб оламдан ўтганидан сўнг, унинг ўғиллари отасининг изидан боришмабди. Отаси эҳсон берадиган камбағал, бева-бечораларга энди ҳеч нарса бермасликка маслаҳат қилиб, оталаридан қолган боғ мевасини мискинлар келмасдан аввал, эрта тонгда, махфий равишда териб олишга қарор қилибдилар. Ниятлари бузилгани учун, Аллоҳ таоло уларга ўз жазосини юборибди. Кечаси боғга офат келиб, ҳамма мевалар нобуд бўлибди. Бева-бечораларни маҳрум қилмоқчи бўлганларнинг ўзи ризқдан маҳрум бўлиб қолибди.



Дастлабки оятдан олинадиган маъно: “Биз Макка муширикларини худди ўтган замондаги боғ эгаларини синаб кўрганимиздек синаб кўрдик. Уларга қаҳатчилик, очлик юбориб, неъматнинг шукрини қилмасалар, ёмон ҳолга тушишларини эслатдик. Мана, эътибор бериб ўргансинлар-а, боғ эгаларига нима бўлган эди”.

Боғ эгалари оталаридан меросга қолган боғнинг эгалари бўлмиш ака-укалар, “боғнинг мевасини камбағалларга кўрсатмай эрта тонгда териб оламиз”, деб қасам ичдилар. Ўша боғ эгалари “Иншоаллоҳ” – Аллоҳ хоҳласа, деб айтмадилар. Аксинча, ҳаммасини териб оламиз, дедилар, камбағалларнинг ҳаққи бундан истисно, уни ажратиб қўямиз, демадилар.

Аллоҳ таоло бандаларини икки хил йўл билан синаб кўради. Баъзида синов мусибат етказиши билан бўлса, баъзида нозу неъматни беҳисоб бериши билан бўлади. Бу қиссадаги боғ эгаларига Аллоҳ таоло катта неъмат берган эди. Улар шукр қилиб, оталари қилган ишни давом эттириши ўрнига бечораларнинг вазқини қирқинча ўтдилар. Гурурга кетдилар. Оқибатда Аллоҳ таоло юборган бало-офат боғни айланиб юриб, уни ҳалок этди, боғни меваси териб олинганга ўхшатиб қўйди. Боғ эгалари эса бундан беҳабар. Улар саҳар туриб, биров билиб қолмасин, деган ниятда пичирлаб, қани, энди боғга кетдик, териб оладиган бўлсак, терайлик, деб юриб кетдилар. Уларнинг очкўзлиги ўз таъсирини ўтказиб, ичларидагини ташларига чиқариб, “боғга мискин кира кўрмасин”, деб таъкидлаб ҳам қўйишди. Улар ўзларининг ёмон қасдларида маҳкам туриб, боғ мевасини териб олсак ҳам, оламиз, териб олмасак ҳам, оламиз, деб мағрур ҳолда боғга кириб бордилар. Чунки, кечаси бало етиб боғларининг хароб бўлганидан хабарлари йўқ эди. Улар ўз боғлари сермева эканини билардилар, шунинг учун, у ҳолни кўриб, “биз қоронғуда адашиб бошқа жойга келиб қолибмиз”, деб ўйлашди. Бир оз ўйлаб кўргандан сўнг эса, “биз адашмабмиз, ўзимизнинг боққа келибмиз, лекин боғнинг мевасидан шум ниятлигимиз туфайли маҳрум қилинибмиз”, дедилар. Бу ҳақиқатни англаб етганларидан кейин, бўлиб ўтган нарсаларни ўзаро муҳокама қила бошладилар. Ниятлари бузилиб, адолатсиз қарор чиқаришларидан олдин ҳам, ичларида ўзаро тортишув бўлган. Кўплари, “боғ мевасининг закотини бермаймиз, у камбағалларнинг ҳаққи эмас”, деганларида ичларидаги энг яхшилари “Бундоқ қилманглар, Аллоҳдан қўрқинглар!” деб уларга танбеҳ берган эди. Мана энди у ўша гапларни эслаб, “Аллоҳни поклаб ёд олинглар, уни эсдан чиқарманглар, деган эдим-ку!” деб уларнинг юзига сояпти.

Бўлар иш бўлгандан кейин барчалари ўзларига келдилар ва “мискинларни маҳрум қилмоқчи бўлиб, катта зулм қилган эканмиз”, дедилар. “Сен буни айтмаганингда ёки қилмаганингда, ундоқ бўлмасди, бундоқ бўлмасди”, деб бир-бирларини айблай бошладилар. Охирида улар хатоларини тушуниб, Аллоҳ-таолодан яхшилик умидида қолдилар. Хулоса шуки, бу дунёда бева-бечора, мискин-муҳтожларнинг ризқини қирқмоқчи бўлганларнинг азоби бу дунёда худди мазкур қиссадагидек бўлади. Шу билан бирга, у дунёнинг азоби ниҳоятда қаттиқ ва шиддатли бўлади”.

(Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф)

\* \* \*

### Шарафли ҳадисларда Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

“Қиёматда тарозига қўйиладиган нарсаларнинг энг аввалгиси гўзал хулқ ва саховатдир. Аллоҳ таоло иймонни яратди. Шунда иймон: “Эй Аллоҳим, мени қувватлантир”, деди. Аллоҳ таоло уни гўзал хулқ ва саховат билан қувватлантирди. Аллоҳ таоло куфрни яратди. Шунда куфр: “Э Аллоҳ, мени қувватлантир”, деди. Аллоҳ таоло уни бахиллик ва ёмон хулқ билан қувватлантирди”.

\* \* \*

“Аллоҳ таоло йўлида қилинган ғазот вақтида кўтарилган чанг билан дўзахнинг тутуни ҳеч бир банданинг ичида жам бўлмайди ва ўтакетган бахиллик иймон билан ҳам бир банданинг кўнглида жам бўла олмайди”.

*(Ғазот пайтида кўтарилган чанг жангчиларга таъсир қилмаганидек, дўзах тутуни ҳам уларга даф қилолмайди. Шунга ўхшаш сахийлик ва бахиллик бир ахлоқда муштарак бўла олмаслигини Аллоҳнинг расули (с.а.в.) тушунтиряптилар)*

\* \* \*

“Бахилликдан тийилинг, зеро, бахиллик сиздан олдингиларни ҳалок этган ва уларни қон тўкишга, ҳаромларни ҳалол деб билишга етаклаган”.

\* \* \*

“Ўта бахиллик ва мол-мулкка хирс қўйишдан сақланинг. Чунки бахиллик сиздан илгари ўтган кишиларни ҳалок қилган. Шу бахилликлари туфайли улар бир-бирларининг қонини тўккан ва қариндошликни узиб қўйишган. Бировга зулм қилишлик Қиёмат куни золимни қоронғуликка туширади”.

\* \* \*

“Бу уммат аввалининг салоҳияти зуҳд ва ишонч биландир, унинг охирини эса бахиллик ва хаёлпарастлик ҳалок қилади”.

\* \* \*

“Ҳам хасислик, ҳам қўрқоқлик мўминга ярашмайди”.

\* \* \*

“Сахийлик дарахтдир, унинг илдизи жаннатда ва шохлари дунёга тушган, ким унинг шохларидан бирини ушласа, жаннатга етказди. Бахиллик ҳам бир дарахтдир, илдизи дўзахда ва шохлари дунёга тушган, ким унинг шохини ушласа, дўзахга эллади”.

\* \* \*

“Хасис одам Аллоҳдан узоқ, жаннатдан ҳам узоқ, одамлардан ҳам узоқ ва дўзахга яқин. Сахий эса Аллоҳга, жаннатга ва одамларга яқин, дўзахдан узоқдир”.

\* \* \*

“Ким закот берса, меҳмон кутса, омонатини адо қилса, нафсини бахилликдан сақлабди”.

344

\* \* \*

“Инсоннинг икки водий тўла олтини бўлса, учинчисини ҳам истабди. Унинг қорнини фақат тупроқ тўлдиради”.

\* \* \*

Расулulloҳ (с.а.в.) бир куни Каъбанинг ёпинчиғига осилиб турган кишини кўрдилар. У одам “Сендан бу уйнинг ҳурмати билан сўрайманки, гуноҳларимни кечир!” деб илтижо қилар эди. Шунда Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: “Э Аллоҳнинг бандаси! Ўзингнинг ҳурматинг билан сўра. Чунки мўминнинг ҳурмати Аллоҳнинг наздида Байтуллоҳнинг ҳурматидан улуғдир”. “Э Аллоҳнинг расули, – деди у киши, – менинг катта гуноҳим бор”. “Нима гуноҳ?” – деб сўрадилар. “Менинг молим кўп эди. Қўй-молларим ҳам, отларим ҳам кўп эди. Лекин бир киши бирон нима сўраса, гўёки юрак-бағримдан аланга чиқиб кетарди”, – деди у киши. Расулulloҳ (с.а.в.) дедиларки: “Эй фосиқ, кет олдимдан! Ўтинг билан мени ҳам ёндирма. Жоним измида бўлган Зотга қасамки, агар минг йил рўза тутсанг ва минг йил намоз ўқисанг ҳам, хасис бўлиб ўлсанг, Аллоҳ таоло сени дўзахга улоқтиради. Хасислик куфрдан, куфр эса дўзахда экани, саховат иймондан, иймон жаннатда эканини билмайсанми?!”



\* \* \*

“Қиёмат куни келиб, одамлар қабрларидан турган вақтларида тамаъ аҳлининг юзларидаги тери шилиниб тушади ва халқ орасида юзлари хунуклашиб, шармсор бўлишади”.

\* \* \*

Расулulloҳ (с.а.в.) ҳузурларига бир киши келиб сўради: “Ё Расулаллоҳ! Менга бир тавсия беринг, лекин оз ва соз бўлсин”. Аллоҳнинг расули (с.а.в.) бундай марҳамат қилдилар: “Инсонларнинг қўлларидаги нарсаларга умид қилманг. Тамаъдан тийилинг. Зеро, тамаъ айни пайтда фақирликдир. Маъзур кўрилган нарсалардан ҳам тийилинг”.

\* \* \*

Жаннатга кирмас бахил бўлса киши  
Гарчи Ҳаққа тоат этмакдур иши.  
Дейлик, фосиқ ўлса ҳамки аҳли жуд (*саховат*)  
Эртага жаҳаннамда бўлмас мавжуд.

(*Ахтариий қаламига мансуб “Арбаин”дан. “Ҳасис ва бахил одам обид бўлса ҳам жаннатга кирмайди; жўмард (сахий, саховатли) одам эса ҳатто фосиқ (гуноҳкор) бўлса ҳам жаҳаннамга тушмайди”, деган шарафли ҳадис асосида ёзилган*)

\* \* \*

Яҳё алайҳиссаломга шайтон алайҳилаъна рўпара бўлганда “Сен кимдан кўрқасан-у, кимдан кўрқмайсан?” деб сўрадилар. Шунда иблис жавоб берди: “Мен сахий фосиқдан кўрқаман, бахил зоҳиддан кўрқмайман”.

\* \* \*

“Эй инсон фарзанди, сенга ҳайрон қоламан! Ўз орзуларингга эришиш учун исроф бўлгунга қадар сарф-харажат қиласан-да, бир дирҳам билан Роббинг ризосини қозониш учун хасислик қиласан”. (*Ҳасан Басриий*)

\* \* \*

“Бахил – қўлидан келган яхшиликни вақтида қилмаган, кўрбахил эса ўзи яхшилик қилмагани устига бошқанинг ҳам бировга яхшилик қилмоғини истамайдиган кимсадир”.

(*Абу Хафв Ҳаддод*)

\* \* \*

“Қиз киши сави йўриғли бўлмас”. (хасис кишининг донғи чиқмас) (*Маҳмуд Кошғарий*)

\*\*\*

“Биз – инсонлардан баъзи бирларимиз, сояни қуёшдан устун қўямиз; жаннатдан жаҳаннамни устун қўямиз”. (Аҳмад ибн Ҳарб)

\*\*\*

“Бахилнинг юзига кўп қарасанг, бағритош бўласан”.

(Муҳаммад Сиддиқ Рушдий)

\*\*\*

Бир фозил турмушда қийналиб, бахил бойнинг ҳузурига боришга мажбур бўлди.

– Сиз муҳтож кишиларга ёрдам қилиш учун молу дунёингиздан бир қисмини ажратганингизни эшитдим. Мен ёрдамга муҳтож одамман, шунинг учун ёрдам сўраб ҳузурингизга келдим, – деган эди, бахил бой ёрдам бермасликка баҳона қидириб:

– Мен фақат кўр одамларга ёрдам қилмоқчиман, – деди.

Олим унинг мақсадини англади-ю, ўрнидан турди:

– Ҳақиқий кўр одам менман. Агар кўр бўлмасам эди, сиздек бахилдан ёрдам сўраб келармидим.

Олим кетди. Бахил пушаймон бўлиб, унинг изидан хизматчисини юборди. Олим унинг бир чақасини ҳам олмади. Байт:

Кишиким йўқ эрур меҳру вафоси,

Агар хуршид эрур андин не ҳосил? (Ҳусайн Воиз Кошифий)

\*\*\*

“Бошингизга мушкул иш ва ташвиш тушганида мунис бўлиб, одамларга меҳр-муҳаббат кўрсатасиз. Аммо давлату неъматларга эришганингизда бағритошликка мойил бўласиз”.

\*\*\*

“Одамлар ичидаги энг ярамаси хасисдир, уларнинг ичидаги энг ялқови пасткашдир”. (Абулқосим Замахшарий)

\*\*\*

“Қабрдагилар пушаймон бўлган нарсаларга эга бўлиш учун тириклар бир-бири билан қир-пичоқ бўлмоқдалар”.

\*\*\*

“Хасис ва қашшоқ бўлиб қолишдан кўрқиб яшовчи кишилар муҳтожларга ёрдам бермайди. Мол-мулкани ва пулини жуда эҳтиёт қилади. Хасис одам кўпроқ мол-мулк орттириш учун ҳирс билан ўзини тўрт тарафга уради, бутун кун турли ерларда ва кўчаларда изғиб юради. Кўчалар эса шайтонлар уя қурган жойлардир”. (Абу Хомид Фаззолий)

“Икки киши ўлуб, адам сарманзилига озим бўлуб, иккаласи ҳам кўб-кўб хасрат ва надоматни олиб кетдилар. Аларнинг бири-си улдурким, моли хаддин афзун кўб бўлуб, ондин емади ва яна бири-си улдурким, билиб амал қилмади. Байт:

Кўрса ҳар ким бахил фозилни,  
Айбини олам ичра айлар аён.  
Минг гунаҳ гар каримда бўлса,  
Карами барчасин қилур пинҳон.

\*\*\*

“Нокаста йўл кўрғазмоқ – кўрға чироқ тутмоқдир”.

\*\*\*

“Бир бахил бойнинг бир касалманд ўғли бордур эрди. Анинг некхоҳ дўстлари анга дедилар: “Эмди маслаҳат улдурким, ўғлингни касали сиҳҳати учун ё хатми қуръон ва ё бир қўйни қурбон қилғил”. Бой бир оз муддат чуқур фикрга чўмуб кетди, сўнгра бош кўтариб деди: “Хатми қуръон қилмоқ аълодур, нединким, қўйларим узоқ яйловдадур”.

Дариғоки, тоатга қўймоқ бўюн,  
Бахил олдида яхши бўлмуш ўюн.  
Эшакдек чекар юкни бир фулус учун,  
Юз алҳамд ўқур бир десанг, тортиб ун”. (*Саъдий Шерозий*)

\*\*\*

“Юнон заминида бир жамоа карвонини қароқчилар уруб, ғорат этти ва кўб матоъ олиб кетди. Карвон аҳли кўб гиряу зорлиғ зухурға еткурдилар, Худони ва пайғамбарни шафеъ келтурдилар, ҳеч фойда бермади.

**Байт:**

*Чу ўғри эрур мол ила шодмон,  
Не ғама анга минг йиғласа карвон.*

Айтурларки, Луқмон ҳаким ҳамул карвоннинг орасида эрди. Карвонийларнинг бири онга деди: “Ўғруларнинг қошига боруб аларға ваъз ва ҳикмат тариқаси била бир неча сўз дегил, шоядким, кетган молларимиздин бир оз мол қайтиб қўлимизга келгай, нединким, неъмат ва молимиз бағоят кўб эрди, борчаси билкулл зоеъ бўлмагай”. Ҳаким деди: “Қароқчиларға ҳикмат сўзин айтмоқ не фойдадур?”

Қитъа:

*Ҳар темурники занг босса,  
Сайқал урмоқ онга кетормас занг.*



*Тийра дилга на суд ваъз демак,  
Миҳи оҳанин қабул этмас санг!*

Ва деди: “Ҳамонки, гуноҳ бизларнинг тарафимиздадур”.  
Қитъа:

*Йиқилғон эл қўлини тут, саломат истар эсанг,  
Ки нос хотири мускин балони қайтарғай.  
Гадо агар тиласа бер насиб молингдин,  
Йўқ эрса золим они зўр ила олиб борғай.*

\* \* \*

“...алар дирам бандасидурлар. Не фойдаким, сувлиғ булутдирлар, аммо ёғмаслар ва равшан офтобдурлар, аммо ҳеч кишиға партов солмаслар ва иститоат маркабиға инибдурлар, аммо мурувват тариқиға сурмаслар ва Худо учун бир қадам йўл юрмаслар. Миннатсиз бир дирам бермаслар ва кўб молни жамъ этиб, холо муҳаббат билан сақларлар, тонгла ҳасрат билан ташларлар. Андоқким, дебдурлар: “Бахилнинг сийм ва зари ул вақтда туфроқ остидин чиқғойким, ўзи туфроқ отиға кирғай”.

**Байт:**

*Биров чекиб неча ранж айлагуси ҳосили ганж,  
Яна биров келиб ўлғай эга анга беранж.*

348

Қози дейдики: “...алардин (тавонгирлардан) бир жамоа-си бордирким, қосири ҳиммат ва қофири неъмат дунёни жамъ қилурлар. Ўзлари ҳам емаслар ва ўзгаларга ҳам бермаслар. Масалан, гар ёмғур ёғмай, қаҳатчиик пайдо бўлса ва ё тўфоннинг балосидин жаҳон тўлса, ўзининг давлати ва неъматига така қилиб, дарвишларнинг ҳолин сўрамаслар ва Аллоҳ таолодин кўрқмаслар ва айтурларким, байт:

*Агар очлиғдин эл ўлса ҳалок,*

*Чу тўқман, менга йўқдурур ҳеч бок”. (“Гулистон”дан)*

\* \* \*

“Бахилликни мақтовчи тил топилмас, сахийликни хос кишилар ва бутун халқ мақтайди”.

\* \* \*

“Бахил киши меҳнатсиз ҳаром йўл билан кўп олтин йиғди, натижада у дунёга вабол (*лаънат ва бадномлик*) орттириб кетди”.

\* \* \*

“Унинг моли кишиларга тақсим бўлди, бахил эса ундан фақат сўкиш, лаънатгагина эга бўлди”.

\* \* \*

“Бахиллик дори билан даволаб бўлмас касалликдир. Бахилликнинг қўли саховат, ҳады учун бутунлай ёпиқдир”.

\* \* \*

“Кўзи оч бахил киши қанча мол тўпласа ҳам кўнгли тўлмас, у мол-дунёнинг қули, давлати унинг устидан ҳукмрондир”.

\* \* \*

“Бахил – нокас, олчок, тубан киши. У ўз молининг посбонидир, бойлик йиғиб, уни емай, ичмай сақлайди... У ҳаёт пайтида дўстига ошини, тузини бермайди, ўлгач, моли қолади, сўнг унинг моли душманига буюради”. (Аҳмад Югнакий)

\* \* \*

“Хасис табиатли одамнинг дўсти тиламчи ва нокасдир. Разолат уларнинг феъл атворига мосдир. Улар муносабатига камситишлик ва енгилтаклик хосдир. Ҳар кимда бу сифатлар мавжуд бўлса, бундай одамни халқ ёмон кўради. Ана шу туфайли нокаслик, разиллик ривожланади, одамгарчилик ва инсонийлик эса завол топади. Булар ор-номус уйини куйдирувчи бир ўтдир; иззат-ҳурмат хирмонини совурувчи ва улуғворлик шамини ўчирувчи бир елдир. Тамагирнинг бирор нима олишга ўчлиги, худди еб-тўймаснинг таомга очкўзлигига ўхшайди. У бири тубанлар ҳаракати бўлса, бу бири ҳайвонлар одати. Қаноат шундай бир жавҳарким, элни бу икки балодан халос қилади ва халқни бундай офатдан қутқаради. Тамагирлик ва нокаслик шундай ёмон феълки, булар гўё икки ёқимсиз эгизакдир. Униси бундан ёмон – буниси ундан ёмон; иккаласи ёмондан ёмон. Буларнинг бири нокас ва бирининг иқболи паст; иккаласининг моҳияти бирдир”.

\* \* \*

“Киши ўз молидан қанча фойдаланса – ўзиники, қанча асраса – ўзганикидир. Захмат билан топганингни ўзингдан аяма, дўстлар билан меҳнат қилиб топганингни душманлар учун асрама”.

Мол улдирким, эл андин олса баҳр,  
Душман андин топса тенгдур нўшу захр.

\* \* \*

“Бахил бугун топганини асраб қўйса, эртага унинг қабри бугунги рўзғоридек қоронғу бўлади... Бахилнинг омонат асраши ажабланарли, сахийдан хиёнат кутиш ажабланарли”.

\* \* \*

“Фосиқ олим – ўзига золим донишманддир, давлатманд бахил – ўз зиёнини кўзловчи нодондир. Бу икки тоифа – умрни бе-корга ўтказади ва гўрга ҳасрату армон олиб кетади. Ахир буларнинг бири – илм ўрганиш учун қанча машаққат тортди, лекин илмига амал қилмади; иккинчиси – мол-дунёни йиғиш учун кўп овора бўлди-ю, нимага сарфлашни билмади.

Олимеким, илми эрди беамал,  
Ё ғанийким, молиға бухл эрди ёр.  
Ўлдилар юз ҳасрату армон била,  
Элга бўлди ишларидин эътибор.

\* \* \*

“Бахил одам молини асраш учун қаттиқ азоб чекади. Ҳасадчи эса ўз ярамас феъли туфайли тинч яшай олмайди. Униси ўзига ўзи берган азобдан қийналади, буниси ўз қилиғидан дард чекади.

Анга молининг ҳифзи ранжу ано,  
Мунга феълининг зишти дарду бало.

\* \* \*

“Саховатсиз киши – ёғинсиз абри баҳор. Мевасиз йиғоч ҳамону ўтун ҳамон ва ёғинсиз булут ҳамону тутун ҳамон. Сахосиз киши бирла гавҳарсиз садафнинг бир ҳукми бор”. *(Алишер Навоий)*

(Саховатсиз одам – ёғинсиз баҳор булутига ва ҳиди йўқ мушк-анбарга ўхшайди. Мевасиз дарахт ҳам бир-у, ўтин ҳам бир; ёғинсиз булут ҳам бир-у, тутун ҳам бир. Саховатсиз одамдан ичида гавҳари бўлмаган садафнинг фарқи йўқ. Дурсиз садаф билан қуриб қолган тошбақа чаноғининг фарқи йўқ. Бахил – чу-молидир – дон, дун, машоқ теради)

\* \* \*

Кел, э озода, бўл ҳиммат билан, ёр,  
Тама зиндониға бўлма гирифтор.

*(Эй пок инсон, кел энди, сен ҳамиша ҳимматинг билан бўл. Зинҳор тама зиндонига гирифтор бўлмагин. “Тама қандай бўлади?” – десанг, эшит: агар биров тижорат қилиб ёки экин экиб, фойда олишни умид қилса, бунга “тама қилиш” дейилмайди. Аммо ўзини халқ орасида олиму ёки сўфий кўрсатиб, бироқ, унинг олимлиги Аллоҳ таоло учун бўлмай, балки “халқ менга назру ниёз, эҳсону ҳадя берсин”, деб қилган ишидир. Тама қилиш ана шудир. Демак, бу ҳаромнинг ўзгинасидир)*

Берарга бўлмаса дунё ишидин,  
Ул истиғно тама қилма кишидин.



*(Агар халққа берадиган молу дунёнг бўлмаса, яъни нақадар фақир бўлсанг-да, ҳолингни бировга билдирма ва бирор нарса тама қилма.)*

Ола бўлган ола юргандин ортиқ,  
Кўмулган телмириб тургандин ортиқ.

*(Эски кийим билан турмоқ тама билан мол олиб юрмоқдан афзалдир. Ўлиб туфроққа кўмилиши одамларнинг қўлига термилиб, тама қилмоқдан ортиқдир.)*

Тамалик сийладин беҳдур сийланган,  
Тилангандин эрур ортиқ – тиланган.

*(Тама билан бир сурув қўй олгандан кўра, елкага мушт урганлари афзалдир. тиланчи бўлиб юргандан эски кийимларда тилиниб юрган яхши.)*

Эмаклаб кетса, тушса эт била пўст,

Тама қилма кишидин тўша, эй дўст! *(Сўфи Оллоёр)*

*(Эмаклаб, тери-ю этинг тушиб не машаққатлар ичида юрган бўлсанг-да, одамлардан гарчи биргина луқма бўлса ҳам тама кутма, э дўст!)*

\* \* \*

“Бахил киши ўз мол-мулкининг қоровули ва ўзгаларга қолдирадиган меросининг хазиначисидир”. *(Муҳаммад Зеҳний)*

\* \* \*

“Хасисликдан узоқ бўлинг, ноаҳиллар билан суҳбатдош бўлманг, ёрдамни эса олижаноблардан сўранг”. *(Хусайн Ҳифзий)*

\* \* \*

“Саховат ва карам эгалари, камбағал ва бечора бўлишларига қарамасдан, қайга бормасинлар, иззат ва ҳурматда бўладилар. Бахил ва хасис кишилар, эса, доимо лаънат остида бўлиб, хор ва беътибор яшайдилар”. *(Муҳаммад Хусайн)*

\* \* \*

“Киши қанчалик бадавлат бўлмасин, у хасис ва бахил бўлса, эл ичида обрўсиз ва қадрсиз бўлади”. *(Абулбаракот Қодирий)*

\* \* \*

Тамагир кўз дунё молига тўймас,  
Худди тўлмаганидек шабнамга кудуқ. *(Сағдий Шерозий)*

\* \* \*

“Тамагир – ёв. Унинг тама дарди тутса, сени “ака” ҳам, “ука” ҳам деяверар. Тамаси қонмаса-чи? У сендан юз ўгиради. Сени илгари сира ҳам кўрмагандек тутади. Яқинларинг тама қилмаса, сендан ғам-қайғулар ҳам йироқ кетади”. *(“Қутадғу билиг”дан)*

\* \* \*

“Очкўзнинг бойлигидан ғам-алам ва озор етади. У қаерга борса, шу ерда доду-у фарёд кўтарилади. Тамагирнинг мол-мулкига ёмон кўз билан қарама, зеро унинг бойлигидан тиш зирқирайди”. (Мажидиддин Хавофий)

\* \* \*

“Одамларнинг озоди улдурким, ўз тамаини қул этгувчи бўлур, хожа улдурким, шайтонга асир тушгувчи бўлмас”.

(Хаким Термизий)

\* \* \*

“Тамага “отанг кимдир?” десалар, айтар эканки, “Отам тақдир қилинган ризққа шак келтирмоқликдир”.

(Абу Бакр Абу Варроқ Термизий)

\* \* \*

“Шоирлардан бири ўғрилар амирининг қошига бориб, анга сано айтди. Амир буюрди: то онинг либосин эғнидан олиб, ўзини ташқари чиқориб қувуб йибордилар. Шоир ҳам яланғоч бўлуб совуқ еб борур эрди, итлар изига тушуб, ҳужум этиб, қопмоқ бошладилар. Ул итларни урмоқ учун тош ахтариб, қўлини ерга урди, ерда муз тўнғмиш эрди. Ожиз бўлуб деди: “Бу нечук ҳаромзода одамларким, итни бўш йибориб, тошни боғламишлар”. Ўғриларнинг амири даричадин қараб ўлтуруб эрди, онинг бу сўзин эшитиб кулди ва ҳолига раҳм этиб, деди: “Эй ҳаким, мандин бир нимарса тилагил!”

Шоир деди: “Агар тараҳҳум қилсанг, ўзумнинг либосимни тиларман”.

**Байт:**

Одам умидвор бўлур халқ молиға,

Сандин умид айламон, озор бермағил.

Амир бу сўздин хушҳол бўлди ва либосиға бир пўстин ва бир неча тангани кўшуб берди”. (“Гулистон”дан)

\* \* \*

“Тама – хорликка сабаб. Тамагир бой – хор ва тубан. Кимки тама билан бирор нарсани олиши мумкин бўлса-ю, лекин олмаса, бу тама йўқлиги бўлиб, ҳар қандай саховатдан қолишмайди. Бу хил сахийлар – олижанобу тама аҳли эса – хасису нокаслардир.

Хорлиғлар боши тама билгил,

Доимо “азза ман қанаъ”. (қаноатли азиздир) билгил”.

\* \* \*

“Тамагирликдан яхшилик кутма, гадойдан чақа тилама”.

(Алишер Навоий)

\* \* \*

“Тама деб бировдан бир нарса умидвор бўлмакка айтилуру. Аъзо ва жавоҳирлари саломат, куч ва қувватлик кишиларга тама қилмак ҳаром, ожиз ва нотавон, кучсиз кишиларга мубоҳдур. Тама балосига гирифтор бўлган кишиларда номус ва ҳаё деган яхши сифатлар бўлмайдуру. Ҳозирги замонда орамизда тама нони бирла қорни тўйғузадургон кишиларнинг ҳисоби йўқдур. Агар буларнинг биридан: “биродар сени оёқ-қўлинг бутун, танинг соғ, тама қилмак сенга ҳаром эмасми?”-деб савол қилинса, “қандоғ қилай, ота-бобомнинг касби тиланчилик эди, ман ҳам тама орқасидан овқот килурман”, деб тамани касбга иснод беруб, турлук-турлук баҳоналар баён қилуру. Шариатда бундай кишиларга тама орқасидан касб қилмакликлари мамнуъдир. Алҳосил, тама нони ила суяги қотган, иш ва касбга бўйин қўймай, дангаса ва ялқовликка ўрганган ва одат қилган кишиларнинг ўзларидан яхшилик умиди ўлмадиғи каби болаларидан ҳам яхшилик кўруб бўлмайдуру. Расули акрам набийи муҳтарам (с.а.в.) афандимиз: “Киши қўлинда бўлган нарсага қизиқма! Тамадан сақлан! Зероки, тама ўзи ҳозир бир фақрдур. Намозингни адо қил! Сўнгиндан узр истарга тўғри келадургон ишлардан сақлан”, демишлар.

*Бўлмагил мубталои дучор тама,  
Айлар инсонни хору зор тама.  
Йўқ қилуб ҳиммату қаноатни,  
Оладур алдан ихтиёр тама.  
Нони миннат учун эгур бўйнинг,  
Қиладур кўзни интизор, тама.  
Юздан отгай ҳаёу шармингни,  
Ғайратинг куйдурар нор, тама.  
Ҳирси дунё қилади Қорундек,  
Ҳотам исминг ютар мори тама”.*

\* \* \*

“Ҳасосат деб тама ва зиллатни бўйнига юклаб, ортуқча ҳирсини дунёга қўймакни айтилуру. Ҳирс ва тамага ифрот даражада юз тубан кетган бахил, қанча шону шараф соҳиби бўлса ҳам, нафсининг ёқасини фақирона бир мазаллатдан ва хорликдан қутқаролмас.



Факир ва муҳтожликдан сақланмак фикри ила бахил ва хасислик йўлини тутган кишилар ақл ва ирфон соҳиби саналмаслар. Зероки, хасислик соясида жаноби Ҳақнинг разоқ ва халлоқи олам ўлдиғини ёдларидан чиқаруб, зўр хатоларга дучор ўлурлар. Хасис ўлан инсон қанча зиллат ила жам қилган сарватиндан закот ва ушрини адо қилмақдан ожиз, саодати инсониядан маҳрум бўлуб, жазойи абадийга маҳкум бўлур. Ипак қурти ипак ичида ўралуб ҳаётини маҳв қилур. Қанча меҳнат ва машаққат ила ҳосил қилган ипагидан бошқалар фойдаланурлар. Шунга ўхшаш хасис инсон мол ва дунё жам қилмак ила ўралуб, овора ва саргардон бўлуб, азиз жонини бошқалар учун фидо қилур. Дунё иззатидан, ҳаёт лаззатидан бебахра кеткони каби вафот вақтидаги надоматидан ҳам фойда йўқтур. Расули ақрам набийи муҳтарам (с.а.в.) афандимиз: “Бор давлати ила аҳлу аёлига торлик қилган кишилар ёмон кишилардур”, демишлар.

*Хасислик бирла йиғган мулку молинг,  
Хамачдек (зиқнадек) тўплаган ашё, манолинг (бойлигинг),  
Лаҳад кирсанг, қолур ворисларингга,  
Нечук кечгай сени ул кунда ҳолинг?  
Китобингдан ҳисобни сан берурсан,  
Халос ўлмак банди эҳтимолинг”. (Абдулла Авлоний)*

\* \* \*

“Пулга ўчлик, агар кўз оч бўлса, муҳтожликдан ҳам оғирроқдир, чунки хоҳиш қанча ортган сайин эҳтиёж ҳам шунча ортаверади”.

\* \* \*

“Йўқ нарсага қайғурмайдиган эмас, аксинча, борига қувонадиган одам донодир”. (*Демокрит*)

\* \* \*

“Очкўзлик қилиб ўзига қора суртиб, тамагир бўлган одам енгил ўйлайдиган одамдир”. (*Ш. Руставели*)

\* \* \*

“Очкўз доимо оч. Нафсдан нима мақсадлигини ва унинг чега-расини бил”.

\* \* \*

“Хасислик қанча кучли бўлса, раҳм-шафқат шунча кучсиз”.  
(*Ф. Петрарка*)

\* \* \*

“Очкўз одамлар васвас қасалига йўлиққанидек, улар ҳамма нарсадан ҳадиксираб, нимагадир тегиб кетишдан қўрқаётганга ўхшайверадилар”. (*Гелвеций*)

\* \* \*

“Ғаразгўйлик кишилардан энг муқаддас туйғулар – ватанга муҳаббат, оилага муҳаббат, яхшилик ва покликка муҳаббатни ҳам тортиб олади”. (*Саллюстий*)

\* \* \*

“Манфаатпарастлик умумийликни чиқиштирмайди, у одамни инсониятдан ажратади, уни қийин аҳволга солиб қўяди; ундайлар учун ўз манфаатидан бўлак нарса ёт”. (*А.Герцен*)

\* \* \*

“Фақат ўзини биладиган, юрагидаги бор ниятларни нуқул ўзига қаратадиган одам энг аҳмоқ одамдир”. (*Ж. Ж.Руссо*)

\* \* \*

“Манфаатпарастлик устидан қозонилган ғалаба энг шарафли ғалабадир”.

\* \* \*

“Пул ҳар нарсага қодир, дейдиган одам пул учун ҳамма нарсани қилишдан ҳам тоймайди”. (*П. Буаст*)

\* \* \*

“Ҳасислик тежамкорликдан ҳатто исрофгарчиликка қараганда ҳам узокроқдир”. (*Ф. Ларошфуко*)

\* \* \*

“Пулга муҳтож бўлмасликнинг оддий йўли керагидан кўп олмай, боридан ҳам озроқ фойдаланиб яшашдир”. (*В. Ключевский*)

\* \* \*

“Фақат ўзини ўйлайдиган, ҳамма нарсадан ўзига манфаат излайдиган одам бахтли бўла олмайди. Ўзинг учун бахтли яшамокни истасанг, бошқалар учун яша”.

\* \* \*

“Тежамкор одам ҳаммадан бой, қизғанчиқ эса – ҳаммадан камбағал”. (*Н. Шамфор*)

\* \* \*

“Манфаатпарастнинг уч тоифаси бўлади: ўзи яшаб, бошқаларнинг яшашига халақит бермайдиган манфаатпараст; ўзи яшаб, бошқаларга кун бермайдиган манфаатпараст; ўзи ҳам яшамай, бошқаларнинг яшашига ҳам кун бермайдиган манфаатпараст”. (*И.Тургенев*)

\* \* \*

“Ўз жиғилдони учун ишлаган одам қорнини тўйғизиби олган молга ўхшайди. Ҳақиқий одам инсоният учун яшайди”. (Абай)

\* \* \*

“Ғаразгўйлик мудҳиш ёмонликдир. Ғаразгўй одам ҳақгўй ҳам, қатъиятли ҳам, мард ҳам, бурчига содиқ ҳам бўлолмайди. Кичикликдан беғараз яшашга ўрган”. (В. Сухомлинский)

\* \* \*

“Манфаатпарастлар бурч олдида инжиқ ва кўрқоқдирлар: улар доимо ўзларини қандайдир бурч билан боғлаб қўйишдан кўрқоқларча ҳазар қиладилар”. (Ф. Достоевский)

\* \* \*

“Манфаатпарастнинг ўтмиши бўшлиқ, ҳозир қакроқ чўл, келажаги йўқликдан иборатдир”. (С. Сегюр)

\* \* \*

“Манфаатпарастлик нафратлидир, уни бартараф этмай, фақат ниқоблаганлар доимо нафратга лойиқдирлар”. (Б. Паскал)

\* \* \*

356 “Ўз жиғидони ва қорнини суйган бирорта ҳам кимса ҳеч қачон нимадир гўзаллик ярата олмаган”. (П. Скаррон)

\* \* \*

#### **Дониш аҳли дейдики:**

“Бахиллик – бир заҳарли тикондир. Агар у кимга ботса, ўлдирмай қўймайди”.

\* \* \*

“Бахиллик ва шафқат бир ариқдан сув ича олмайди. Бир вужудда иккиси яшай олмайди”.

\* \* \*

“Дунёга мафтун бўлма ва очкўзлик қилмагинки, тириклик мавсуми жуда қисқадир...”

\* \* \*

“Ёғоч теша билан йўнилса – теша пайраҳани фақат ўз томонига тўплайди. Рандаланса – ранда қириндиларнинг барчасини ташқарига чиқариб юборади. Арраланса – арра ҳар икки томонга қипиқ тўқади. Турмушда киши теша каби бахил бўлиб, фақат ўз манфаатини ўйламай бошқаларга ёрдам беришни ўйлаши керак. Агар бор-йўгини бошқаларга сарф қилиб, натижада ўзи муҳтож-



ликда қолса, ранда ишини қилган бўлади. Энг яхшиси – арра каби иш тутмоқликдир. Ўзига ҳам бўлсин, бошқаларга ҳам нафи тегсин”.

\* \* \*

“Искандардан сўрадилар:

– Дунёда тинч ва роҳатда ёки қайғу ҳасратда умр кечиришга нималар сабабчи бўлади?

Жавоб берилди:

– Дунёда тинч ва роҳатда яшашга қўлда бор нарсага қаноат қилиш, қайғу ва ҳасратга эса ҳасислик ва очкўзлик сабабдир”.

\* \* \*

“Пасткаш ва курумсоқ кишилардан дўстлик, ошналикни орзу қилиш, тошюрак ҳамда қаттиқ кўнгилли одамлардан марҳамат ва шафқат кутиш – қуриб қолган дарахтдан мева кутишга ўхшайди. Қоронғу кечадан қуёш нурини талаб қилиш – девоналикни англатади”.

\* \* \*

Бир ҳасис бойга дедилар:

– Ҳасислик ҳам эви билан-да, бир танга учун юз думалама-санг нима қиларди?

– Нега энди мен бир кун, бир ҳафта, бир ой, бир йил, бир умрга етадиган молимдан воз кечишим керак экан?

– Бу нима деганинг?

– Агар бир тангани нонга берсам, бир кунга етади. Ҳаммом-чига берсам, бир ҳафтага етади, кир ювучига берсам, бир ойга, супургига берсам, бир йилга, мих сотиб олиб деворга қоқсам, бир умрга етади. Шунча кунимга ярайдиган нарсани нега энди асрамас эканман?

\* \* \*

“Ҳирс ва очкўзлик занжирига боғланган бўйин пушаймонлик тиғи билан кесилади”.

\* \* \*

Бир бахил ўлар олдида болаларига васият қилди:

– Эй болажонларим! Мол-дунё орттириш, бирим икки бўлиши учун не-не захматлар чекдим. Қанчадан қанча узоқ сафарларда бўлиб, жуда кўп йўл азобларини тортдим. Энди сизлар буни эҳтиёт қилинглар. Биров: “Дадаларингни тушимда кўрдим, қийма билан ҳолвага ҳаваси келибди”, деса, унинг алдовига зинҳор учманглар. Биринчидан, мен ундай гапни

айтмайман. Иккинчидан, ўлик ҳеч нарса емайди. Агар менинг ўзим тушларингга кириб, шу илтимосни қилсам ҳам, ҳеч қандай илтифот кўрсатманглар. Чунки туш деган нарса пала-партиш бўлади. Ундан кейин тириклигимда емаган нарсамни ўлганимда ҳавас қилмайман.

\* \* \*

Кўфа шахрида хасислиги туфайли тилларда дoston бўлган бир бой бор эди. Бир киши унга: “Басрада мол-дунёси беҳисоб бир бой бор, аммо хасисликда сен унга шогирд ҳам бўлмайсан”, деди. Бу таъриф кўфалик хасиснинг иззат-нафсига тегиб, уни кўриш иштиёқида Басрага йўл олди. Басралик хасис уни очик чеҳра билан кутиб олди-да: “Сиз бафуржа дам олиб ўтира туринг, мен бозорга тушиб чиқай-да, кейин сизни меҳмон қилай”, деди. Новвойга бориб: “Яхши нонинг борми?” – деб сўради.

– Бугун шунақанги мазали нон ёпдимки, мол ёғидан қолишмайди, – деди новвой мақтаниб.

“Молнинг ёғи нондан мазалироқ бўлса, ёғ ола қоламан”, деб ўйлади хасис. Баққолга бориб: “Аъло мойинг борми?” деб сўради. Баққол:

– Шунақанги бир ажойиб мол ёғи олдимки, кўрсанг, худди зайтун ёғи дейсан, – деб мақтанди.

“Зайтун ёғи яхши бўлса, қиммат мол ёғини олишим ақлданми?” – деб ўйлади хасис. Сўнг ёғфурушнинг дўконига ўтиб: “Зайтун ёғинг борми?” деб сўради.

– Шундай бир зайтун ёғим борки, тиниқликда сувдан қолишмайди, – деб мақтанди ёғфуруш.

“Сув зайтун ёғидан афзалроқ бўлса, пулни бекорга сарф қилишим ақлданми? Уйда икки хумни сувга тўлдириб қўйибман-ку?” – деган фикрда изига қайтди-да, бир косани сувга тўлдириб, меҳмонга узатди:

– Э биродар, шу сувдан ўтадиган лаззатли таом йўқ экан, – деб, фикрининг исботи учун новвой, баққол, ёғфурушларнинг гапларини бир-бир айтиб берди.

Ана шундан сўнг кўфалик хасис унга тан бериб, “сен дунёдаги барча хасисларга устоз бўлишга арзир экансан”, деган экан.

\* \* \*

Бир бахил киши қўлига тушган тангани ўз олдига қўйиб бундай дер экан:

– Эй танга! Сен кўп ерларни кўрдинг, кўп чўнтакларни йиртдинг. Бир неча нокасларни бадавлат қилдинг ва бир неча давлатмандларни ер билан яксон қилдинг. Мана энди шундай манзил-

га келдинг-ки, хатто офтоб шуъласи ҳам сенга соя сола олмайди. Кел, энди сен менинг чўнтагимда ором ол! Зероки, бундан буён бу ердан ўзга ерга бормагайсан!

Хасисликда бу бахилга ҳам дарс бера оладиган бошқа бир курумсоқ масжидга намоз ўқигани келди. Намознинг суннати ўқи-гач, “уйдаги чироқни ўчирганмидим ё ўчирмаганмидим?” – деб ўй-ланиб қолди. Ҳамма туриб, фарз намозни ўқишга сафланаётганда у уйига шошилди. Етиб бориб, эшикни тақиллатди. Хизматчи ичка-ридан туриб “Ким у?” деб овоз берганда курумсоқ:

– Тўхта, эшикни очма! Хонамдаги чироқ ёниқ қолган бўлса, ўчириб қўй, мойи тугаб қолмасин тагин, – деди. Хизматчи ажаб-ланиб сўради:

– Хўжайин чироқни ўчириш кераклигини англадим. Лекин “эшикни очма”, деганингизга тушунмадим?

– Эшикни очсанг, ошиқ-машуғи едирилади-ку, аҳмоқ! – деди курумсоқ.

– Қойилман, хўжайин, шунга ақлим етмабди. Лекин масжид-дан уйга келгунингизча кавушингиз едирилишини сиз ҳам ўйла-мабсиз-да?

– Ҳаммани ўзингга ўхшаган аҳмоқ деб ўйлайсанми?! Мен ка-вушимни эскитиб қўярканманми! Кавушимни ечиб, қўлтиққа қисиб, ялангоёқ бўлиб келдим.

\* \* \*

Бахил кимсадан қарз, мол олган киши унга асир бўлади. У бахилнинг молидан фойда топмагани устига, унинг сўзига ҳам чидашга мажбур бўлади.

\* \* \*

Бир бой эр-хотин қовурилган товук гўштини роҳатланиб еб ўтирар эди. Тиланчининг овози келди. Бой тиланчини қу-виб юборди. Орадан кўп ўтмай, унинг иши юришмай, бор бу-дидан ажралди. Уйда ейишга нон ҳам қолмагач, хотинини та-лоқ қилди. Хотин бошқа киши билан турмуш қурди. Бир куни эри билан қовурилган товук гўшти еб ўтирган эди, тиланчи-нинг овози келди. Эри иккита нон орасига товук гўштидан қўйиб, “олиб чиқиб бер”, деб хотинига тутқазди. Хотини чиқ-ди-ю, таомни бериб, изига йиғлаб қайтди. Эри сабабини сўра-ган эди: “Тиланчи аввалги эрим экан”, деб куйинди. Шунда эри: “Шу биринчи эринг билан овқатланиб ўтирганингда ти-ланиб келган гадо мен эдим. Эринг бахиллиги учун бу муко-фотни ўзи тилаб олди”, деди.



\* \* \*

“Ўз жиғилдони пайида бўлган одам қоринни тўйғазиб олган молга ўхшайди”,

\* \* \*

“Сахий” деб танилган қанча кишилар бор, боридан ажраб қолишдан қўрқиб, ёки бошқа монеликлар сабабли молини сарфлайди. Ёки юз минглик молини асраш умидида бир мирилик эҳсон қилиб, “сахий”лигини намоён этади. Дунёда қанча бахиллар бор – молини бекорга ёки риё учун сарфлайди”.

\* \* \*

“Ҳар балонинг боши тамадир. Қуш донга тама қилмасайди, тузоққа илинмасди. Одам очкўзлик камарини белига боғламаса, иззатининг либоси хорлик палосига алмашинмасди. Тама тоши кишиларнинг эътибор тарозисини енгил қилади”.

\* \* \*

Ҳар кишининг бахт-саодати унинг тамаларига боғлиқ. Энг кўп тама қилувчи – бахти энг оз одамдир.

\* \* \*

360  
Одамларга ҳирс ва тама билан қараш юракка ханжар санчган душманнинг қилмишига ўхшайди. Ҳақнинг неъматига тамагирнинг қўлига тушса, чирийди, иймони бутунларнинг қўлига тушса – кўпаяди. Чунки иймон эгалари саховатпеша бўладилар. Аллоҳ таоло саҳийларни сийлайди.

\* \* \*

“Ким тама қилса ўзин хор айлағай, хорликдан ўзни бемор айлағай”.

\* \* \*

“Бир кишига ҳадя олиб боришса, у асло қабул қилмас эди. Ундан сабабини сўрадилар. Дедики: “Ҳадя беришнинг икки сабаби бор. Бири шуки, биздан ҳадя берувчига ҳеч қандай манфаат етмай қолган. Шунинг учун ҳадя эвазига биздан бирор нарса талаб қилмоқчи. Иккинчиси шуки, биздан бирор манфаат кўрган. Ҳадя орқали яна ҳам каттароқ фойда топмоқчи! Ҳар икки ҳолда ҳадя олиш нодурустдир!”

\* \* \*

“Тама билан кечган умр зое кетган вақтдир. Бундай ҳаёт амалсиз ҳаёт бўлиб, охирадда бундай кимсалар ҳасрат аҳлидан бўлулар”.

\* \* \*

“Кичкинагина бола кучли бир туянинг бошига нўхта уриб, уни истаган ерга олиб боргани каби, тама ва очкўзлик ҳам инсонларнинг бўйнига арқон солиб, уларни хоҳлаган жойга судрайди”.

\* \* \*

“Агар одам фақат ўзини севса, машаққатли ҳаёт синовларига дуч келганида у ўз тақдирини лаънатлайди, мислсиз азоб ўтида қолади”.

\* \* \*

“Одамларга муҳаббат бор жойда киши иродасини синдира олувчи қудрат бўлмайди. Энг ёмон бахтсизлик манфаатпарастликдир”.

\* \* \*

Жуда тақволи ва сўфий Савбон (р.а.) бир куни йўлга чиқдилар. У киши отда, бир оз жамоа эса пиёда эди. Иттифоқо, ҳазратнинг қўлларидаги қамчи ерга тушиб кетди. Ул зот чаққонлик билан отдан тушиб, қамчинни ўзлари олдилар. Пиёда келаётганлар пок хулқли Савбонга дедиларки: “Буюрсангиз, биз олиб берардик”. Савбон ҳазратлари дедилар: “Тамагир аҳлдан бўлиб қолмайин тағин”, деб сизларга қамчинни олиб беринглар”, дейишни лойиқ кўрмадим”.

\* \* \*

Уч ака-ука сафар қилдилар. Чўлу-биёбонлардан ўтиб борар эканлар, йўлда олтин тўла бир кўзани топиб олдилар. Кутилмаган бу бахтдан уларнинг эслари оғиб қолаёзди. Бу хазинани учга баробар тақсим қилайлик, ҳар ким ўз ҳиссасига рози бўлсин, деган қарорга келдилар. Тақсим қилишдан олдин овқатланиб, дам олмоқни истадилар. Кенжа ўғил овқат олиб келиш учун яқин атрофдаги қишлоққа қараб кетди. Бу онда икки ака-уканинг нияти бузилди. Тўнғич ўғил укасига: “Кенжамизни ўлдирайлик-да, олтинни иккимиз теппа-тенг тақсим қилиб олайлик”, деди. Шунга аҳдлашдилар. Овқат олиб келгани кетган кенжатойнинг ҳам нияти бузилди. “Олтинларни учга бўлиб ўтирмай, бир ўзим эга чиқишим керак!” деган қарорга келиб, таомга захар солди. Изига қайтиши ҳамон акалари унинг бошини кесдилар. Сўнг олтинни иккига бўлиб, хотиржам равишда овқатландилар. Уч очкўзнинг жасади қузғунларга ем бўлди.

### Масаллар:

“Овчи овга чикиб охуни отди. Орқалаб, уйига кетаётганида унга ёввойи тўнғиз ҳужум қилди. Овчи унга бир ўқ узишга улгурди. Кейингисини отаман, деганда ярадор тўнғиз унинг қорнини ёриб ташлади ва ўзи ҳам ўлди. Шу вақтда оч бўри келиб қарасики, бир одам, бир тўнғиз ва бир оху ўлиб ётибди. У омади келганидан қувонди, аммо очкўзлиги тутиб, аввал қай бирини еб адо қилишни билмай гангиди. Ўйлай-ўйлай ўзига ўзи: “Бу таомларни емай, эҳтиёт қилиб сақлаб қўйиш керак. Бу яхши гўштларни яширсам, бирор кунимга ярайди”, деб бугунча камоннинг тиркиши билан кифояланмоқчи бўлди. Камонни тортиб турган тиркишни ғажий бошлагач, камон очилиб кетиб, бир учи бўрининг бўғзига санчилди...”

\* \* \*

“Тоғ ёнбағридаги ўтлоқда айғир от ёлғиз ўзи ўтлаб юрар эди. Кўмкўк ўтларнинг энг яхшисини толалаб-толалаб ер эди. Қорни тўйгач, кишнаб, ўйноқилаб юрарди. Ёнига ҳеч кимни йўлатмас эди. Чарчаса, даланинг ҳар хил хуш исли чечаклар очган текис ерларига бориб ағарарди. Иттифоқо, бу ерда бир ҳўкиз пайдо бўлди. “Ўт сероб экан, отга ҳам, менга ҳам етади”, деган қарорга келди. Бундан айғирнинг аччиғи чикиб, уни қувламоқчи эди, ҳўкиз уни сузиб, яқинига йўлатмади. Бу ҳолдан алами келган от одамнинг олдига бориб, ҳўкизни ҳайдашда ёрдам сўради. Одам унинг илтимосини қабул қилди, аммо бир шарт қўйди: “Ҳўкизни тезроқ қувиш учун сенга эгар уриб, оғзингга юган солиб, устингга минишим керак бўлади”.

От бу шартга унади. Одам отга миниб далага чиқди. Ҳўкиз уни кўриб, қочиб кетди. Ҳўкиздан кутулиб қувонган от одамга: “Қани, энди устимдан туш, эгар-юганингни ол, ёрдам берганинг учун раҳмат”, – деди. Одам отдан тушди, лекин отнинг оғзидан юганни олмади. Устига устак оёғига ҳам кишан солди – тушовлаб қўйди. Айғир очофатлиги туфайли одамга қул бўлиб қолди”.


\* \* \*

“Бир бой мушугини ардоқлаб, тансиқ таомлар билан боқарди. Мушук бу емакларга қаноат қилмай, қўшнининг кабутарларини тутиб ейишни истарди. Ниҳоят, пайт пойлаб туриб кабутарларга ҳужум қилди ва бир нечасини тутиб еди. Кабутарларнинг эгаси мушукни таёқ билан уриб ўлдирди-да, бошқа мушукларга ибрат бўлсин деб, унинг қорнини ёриб сомон тикди ва қушларнинг ини ёнига осиб қўйди. Бу ҳолни кўрган мушукнинг эгаси: “Очофатлик қилмаганингда терингга сомон тикилмас эди”, деб қўя қолди.



## ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН:

- \* Ўзига бахиллик қилган, ўзгага сахийлик қилмас.
- \* Яхшининг кўнгли тоғ, бахилнинг кўнгли – доғ.
- \* Хасисдан дон тилагунча, гадойдан нон тила.
- \* Бахил бойга боргунча карамли тоққа бор.
- \* Бахил – бўлмайти аҳил.
- \* Бахилдан бош бўлмас, ахилга сирдош бўлмас.
- \* Бахилнинг боғи кўкармас, кўкарса ҳам мева бермас.
- \* Берардан ҳам бир сўра, бермасдан ҳам бир сўра.
- \* Бермагани бериб уялтир.
- \* Мақтасанг – сахийни мақта, топтасанг – бахилни топта.
- \* Сахий топса, сочиб ер, бахил топса, босиб ер.
- \* Сахий топса – ўртада, бахил топса – халтада.
- \* Бахилнинг оши пишмас, пишса-да, қозондан тушмас.
- \* Ҳарис бўлган ҳақир бўлар.
- \* Ҳарис қариса ҳам, ҳарислиги қаримас.
- \* Қизғанчиқ бузоқ эмган улоқни кўролмас.
- \* Қизғанганинг қизил итга ем бўлар.
- \* Қамиш сувга тўймас, хасис – пулга.
- \* Ўзи емас – итга бермас.
- \* Яшириб еганинг қорни тўймас.
- \* Шабнамга қудуқ тўлмас, дунёга бахил тўймас.
- \* Чўлоқнинг сайри йўқ, хасиснинг хайри.
- \* Хасиснинг пулидан юлдуз яқин.
- \* Хасисдан тухум олсанг, сариғи чиқмас.
- \* Хасис ҳаёсиз бўлар, ери гиёҳсиз бўлар.
- \* Хасис тўй қилса, баковул бўлма.
- \* Тангрининг молини шайтон қизғанар.
- \* Сувсиз ерда тол бўлмас, қовоқарида бол бўлмас.
- \* Соғай десанг – сути йўқ, қирқай десанг – жуни йўқ.
- \* Патирдан қил чиқмас, бахилдан пул чиқмас.
- \* Олишда – бисмиллоҳ, беришда – астағфируллоҳ!
- \* Ол, десанг – суюнар, бер, десанг – куюнар.
- \* Етимчадан бой чиқса – айрон бермас ичарга,  
Тикувчидан бой чиқса – қайчи бермас бичарга.
- \* Ердан садо чиқса чиқар, бахилдан садо чиқмас.
- \* Ема, ичма, бўл бахил, бой бўлмасанг – мен кафил.
- \* Бор бўлиб емаганинг ур тишига,  
Йўқ бўлиб ейман, деганинг ур ичига.

- 
- \* Бермаганни бериб уялтир.
  - \* Бермаснинг оши пишмас, пишса ҳам қозондан тушмас.
  - \* Бировга берсам – эссиз ошим, уйда турса – сасир ошим.
  - \* Бахилнинг қўлида ой бўлса, оламини ёритмас.
  - \* Бахилнинг қўли сиқик, қўлидан ҳам дили сиқик.
  - \* Бахилнинг шами оқса, кўзининг ёши оқар.
  - \* Аҳмоқда ақл бўлмас, ақлли бахил бўлмас.
  - \* Бахил авлиё бўлмас, авлиё бахил бўлмас.
  - \* Бахил билганин буклар, топганин – тахлар.
  - \* Бахил тўймас – бахиллигин қўймас.
  - \* Бахил эҳсондан қочар, хасис меҳмондан қочар.
  - \* Бахилдан бош бўлмас, аҳилга сирдош бўлмас.
  - \* Бахилдан омонат ажаб, каримдан хиёнат ажаб.
  - \* Бахилдан тош сўрагунча, гадойдан ош сўра.
  - \* Бахилнинг бағри қаттиқ.
  - \* Бахилнинг кўзасидаги сувдан на фойда.
  - \* Бахилнинг туйнугидан ел кирмас, эшигидан – эл.

## “ПОРА КАНДА БЎЛМАСА, ПАРОКАНДА БЎЛАСАН”

“Айтинг: “Келинглар, Парвардигорингиз сизларга ҳаром қилган нарсаларни тиловат қилиб берай: У Зотга бирон нарсани шерик қилмангиз; ота-онага яхшилик қилингиз; болаларингизни камбағалликдан кўрқиб ўлдирмангиз. Сизларни ҳам уларни ҳам Биз ризқлантирурмиз”. (Куръони Карим маъноларининг таржимаси, Анъом сурасидан)

\* \* \*

“Мол-дунёларингизни ораларингизда ноҳақ – ҳаром йўллар билан емангиз! (Яъни бир-бирингизнинг ҳақингизни еманг) ва гуноҳ қилаётганингизни билиб туриб, одамларнинг молларидан бир қисмини гуноҳ – ҳаром йўл билан ейиш учун (молларингизни пора қилиб) ҳокимларга узатманг”. (Бақара сурасидан)

\* \* \*

“Бас, Аллоҳ сизга ризқ қилиб берган нарсалардан ҳалол-пок ҳолида енг... Сизларга ўлимтикни, қонни, чўчка гўштини ва Аллоҳдан ўзгага атаб сўйилган нарсаларнигина ҳаром қилди”.

(Наҳл сурасидан)

\* \* \*

“Сизлар маст қилувчи (ароқ)ни ҳам, гўзал – ҳалол ризқнинг ўзини ҳам хурмо ва узумларнинг меваларидан олурсизлар. Албатта, бунда ақл юритадиган қавм учун оят-ибрат бордир”.

(Наҳл сурасидан)

\* \* \*

“Сендан хамр ва қимор ҳақида сўрарлар. Сен: “Бу икковида катта гуноҳ ва кишилар учун манфаат бор ва гуноҳлари нафларидан каттадир”, деб айт”. (Бақара сурасидан)

### **Тафсир:**

Оятдаги “хамр” сўзини “ичкилик”, “ароқ” ёки “вино” деб таржима қилмадик. Чунки “хамр” сўзи умумий бўлиб, истеъмол қилган кишининг ақлини тўсувчи, яъни, бир оз бўлса-да, таъсир ўтказувчи барча нарсага айтилади. Бунинг ичига барча спиртли ичимликлар ҳамда наша, қорадори, кўкнори ва бошқалар ҳам киради.

Пайғамбар алайҳиссаломдан хамр ва қимор ҳақида сўрашган. Исломга тўлиғича кириш жараёнида бундай савол бўлиши, албатта, зарур эди. Ислом инсон ҳаётининг ҳамма тарафларидан қамраб олган, мусулмонлар тасаввурига янгича ўйлаш ҳиссини



солган эди. Одамлар жоҳилият қоидаларидан, одатларидан тез қутулиб, исломий қоидаларга тезроқ амал қилишга шошилишар эди. Ислом жиҳод, намоз каби нарсаларнигина эмас, ундан бошқа ишларга ҳам масалан, озиқ-овқатнинг ҳалол-пок бўлишига, касбнинг поклигига, мол-дунёни ҳалол йўл билан топишига ва уни жойини топиб нафақа қилишига ҳам эътибор беради. Чунки, булар инсоният ҳаётидаги энг муҳим ҳолатлар ҳисобланади.

Дунёда адолат ўрнатиш, ер юзиде Аллоҳнинг халифаси бўлиш вазифаси юклатилган шахс ароқхўр ёки қиморбоз ва молини ноўрин сарфлайдиган бўлиши мумкинми? Албатта, йўқ. Ҳолбуки, хамр ичиш, қимор ўйнаш ва ноўрин нафақа қилиш ҳоллари жоҳилият вақтида кишилар ҳаётига сингиб кетган эди. Хамрсиз ҳаётни тасаввур қила олмас эдилар. Шунингдек, қимор ва нотўғри мол сарфлаш ҳам кенг тарқалган эди. Мусулмонлардан баъзилари ўзларидаги пок ҳис-туйғу таъсирида бу ишларнинг ўнгланиши лозимлигини ҳам ҳис қилар эдилар.

Ҳазрати Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳу: “Эй Аллоҳ, бизга хамр ҳақида шифо бўлувчи баён бергин”, деб дуо қилиб юрар эдилар.

Аллоҳ таоло кишилар ҳаётига сингиб кетган ароқхўрлик иллатини аста-секин муолажа қилишни ирода қилди. Аввал “Хурмо ва узумларнинг мевасидан маст қилувчи нарса ҳамда яхши ризқ оласизлар”, деб “Наҳл” сурасида маст қилувчи нарсани яхши ризққа қарама-қарши қўйди. Кўпчилик хамр яхши эмас экан, деб ичинни ташлади. Кейин ҳазрати Умар бошлиқ бир гуруҳ мусулмонлар: “Эй Аллоҳнинг расули, хамр ҳақида бизга фатво беринг, бу ақлни кетказувчи, молни тортиб олувчи нарса”, - дедилар. Аллоҳ таоло “Бақара” сурасидаги биз ўрганаётган ушбу оятни туширди.

Кейинроқ Абдурроҳман ибн Авф розияллоху анҳу уйларида меҳмондорчилик уюштирдилар, у ерда ичиб маст бўлишди. Намозда имомлари Кафируун сурасини хато қилиб ўқиди. Шунда Аллоҳ таоло: “Маст ҳолингизда намозга яқинлашманг”, деган оят туширди. Яна кўпчилик ичмай қўйди.

Бир муддат ўтгандан кейин Атабон ибн Молик зиёфат бердилар. Ичиб ўтириб, маст бўлиб жанжал чиқди, мушталашув бўлди. Шунда Аллоҳ таоло хамрни бутунлай ҳаром қилувчи оятни нозил қилди. Хамр ва қимор ҳақидаги саволга жавоб беришни Аллоҳ таоло Пайғамбар алайҳиссаломга: “Сен: “Бу икковида катта гуноҳ ва кишилар учун манфаат бор ва гуноҳлари нафларидан каттадир”, деб айт”, деб ўргатмоқда. Хамрнинг ҳам, қиморнинг ҳам катта гуноҳ эканлиги аввалдан таъкидланмоқда. Шу билан бирга, ўша вақтдаги кишиларнинг эътиқоди бўйича, манфаатлари ҳам борлиги эслатиб ўтилмоқда. Хамр сотиб пул топишни улар манфаат

деб тушунишган. Шунингдек, қиморда пул ютишни, ундан одамларга чўтал беришни ҳам манфаат деб тушунишган. Лекин бунга ўқшаи манфаатлари уларнинг гуноҳи олдида ҳеч нарса эмаслиги ҳам уқдирилмоқда. Хамрнинг жамиятга, шахсга, давлатга ва инсониятга келтирадиган зарари ҳозиргидек кўзга яққол кўринмаган бўлса керак. Эслашимиз керакки, ақлни тўсувчи ҳар бир нарсага хамр дейилади. Унинг номи турлича бўлиши мумкин, пиводан тортиб морфи ва бошқалари ҳам, ҳаммаси ҳаром.

\* \* \*

“Эй мўминлар! Токи гапираётган гапларингизни билишингиз учун маст ҳолингизда намозга яқинлашманглар”. (Нисо сурасидан)

\* \* \*

“Эй иймон келтирганлар! Ичкилик, қимор, бутлар ва фол очадиган чўплар шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир. Бас, нажот топишингиз учун уларнинг ҳар биридан узоқ бўлинг. Ичкилик, қимор сабабли шайтон ўрталарингизга буғзу адоват солишни ҳамда сизларни Аллоҳни зикр қилишдан ва намоз ўқишдан тўсишни истайди. Энди тўхтарсизлар!”. (Моида сурасидан)

\* \* \*

“Вайл бўлсин ўлчовдан уриб қолувчиларга. Улар одамлардан нарса ўлчаб олсалар, тўлиқ оларлар. Ва агар одамларга ўлчаб ёки тортиб берсалар, камайтирарлар. Ана шулар, албатта, қайта тирилажакларини ўйламайдиларми. Улуғ бир кунда. У кунда одамлар оламлар Роббиси ҳузурида тик турарлар?”.

(Мутоффифун сурасидан)

### **Тафсир:**

“Вайл” сўзининг икки хил маъноси бор, бири – “Вой бўлсин”, иккинчиси, “Вайл” – дўзахнинг номларидан бири, яъни ўлчовдан уриб қолувчиларга “Вайл дўзахи” бўлсин, дегани. Бизнингча, икки маъно бир-бирини тўлдириб келади. “Вайл”га тушган одамнинг ҳолига вой бўлади, ҳолига вой бўлган одам “Вайл”га тушади.

Демак, Ислом ўзининг дастлабки кунларидан бошлабоқ, бировнинг ҳаққини ҳаромдан ейишга қарши қаттиқ уруш очган. У, ўлчовдан оз-оз уриб қолувчиларнинг ҳам дўзахга тушиб ҳоли вой бўлишини эълон қилган...

...Барча халойиқ албатта қайта тирилтириладиган кунда одамлар Роббул олабийн ҳузурида тик туриб бу дунёда қилган заррача амаллари ҳақида ҳам ҳисоб-китоб берадилар. Ана шунда бу дунёда ўлчовдан уриб қолганлар нима қиладилар? “Нима учун, фалон кун, пистончининг ҳаққидан бунча нарсани ўлчов пайтида

уриб қолдинг?” деб сўралса, нима деб жавоб беришларини ўйлаб кўрмайдиларми?! Ана ўшанда Вайл – дўзахга тушиб, ҳолларига вай бўлишларини ўйлаб кўрмайдиларми?!

(Тафсир муаллифи шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф)

### Тафсирга илова:

Тарози ва ўлчовда диққатли бўлмоқ лозим. Чунки Аллоҳ таоло тарози ва ўлчов иши ҳақида қаттиқ сўз айтди ва шиддатли азобни ваъда қилди. “Уриб қолувчи кимсаларга вайл бўлгай!” – яъни, қаттиқ азоб. Айтилишича, жаҳаннамда “вайл” деган водий бор, у жой ўлчов ва тарозидан уриб қолувчилар учундир. Пайғамбаримиз (с.а.в.) Мадинага келдилар. Мадина аҳли ўлчов ишида ёмон одамлар эди. Уларда икки хил тарози бўлиб, сотиб олмоқчи бўлсалар, ошиғи билан тортадиганини ишлатар эдилар. Пайғамбар (с.а.в.) шунда: “Сизларга қилаётган ишларингиз сабаб вайл бўлсин”, дедилар. Сўнг Аллоҳ таоло бу оятларни Пайғамбар (с.а.в.) келишлари баракотидан одамлар адолатли ва инсофли бўлишлари, бу билан оламни обод қилиш учун нозил этди, одамларни ҳаққа ва тўғрилиққа буюрди.

“Улар қайта тирилувчи эканликларини ўйламайдиларми?” деб айтяпти Аллоҳ таоло. Яъни, улар қиёмат кунинда қайта тирилишларига ишонишмайдими? Улар ҳам зарра учун ҳисоб берадилар, қилган ҳар бир амалларига мукофотланадилар ва одамлардан уриб қолган ҳар бир нарсалари учун азобланадилар. Ҳисоб-китоб кунинда мол, динору дирҳам бўлмайди, эътибор берингиз, эй Одам фарзандлари, Аллоҳ таоло у кунни “улуғ кун” деб номлади. У кунда “барча одамлар бутун оламлар Парвардигори ҳузуринда тик туради”, яъни, Аллоҳ қудрати олдида тўхтайдилар ва улардан озу кўп ҳаммаси сўрайди, китобидан нима амал қилганларини ўқийди. Аллоҳ таоло айтганидек, “Сўнг ҳар бир кишининг номаи аъмоли ўртага қўйилур, бас, гуноҳкорларнинг унда битилган нарсалардан даҳшатга тушиб: “Бизларга ҳалокат бўлгай, бу қандоқ китобки, на кичик ва на катта гуноҳни қолдирмай, барчасини ҳисоблаб-битиб қўйибди”, дейишларини кўрасиз. Улар қилиб ўтган барча амалларини ҳозир нозир ҳолда топурлар, Парвардигорингиз ҳеч кимга зулм қилмас”.

(Каҳф сурасидан)

Дунёда одамларнинг ҳақларига адолат этган кишиларга нақадар яхши. Одамларнинг ҳақларига адолат қилмаган кимсаларга вайл бўлсин. (Абу Лайс Самарқандий)

\* \* \*

“Ўлчаган чоғингизда тўлиқ ўлчанг ва тўғри тарози ила тортинг. Ана ўша яхшидир ва оқибати гўзалдир”. (Исро сурасидан)



“Бас, ўлчовни тўла ўлчанглар ва камайтиргувчилардан бўлманглар ва тўғри тарози ила тортинг. Одамларнинг нарсаларини камайтириб берманг. Ер юзида турли бузгунчиликлар қилманг”...

“... бас. Улар у(Шуайб)ни ёлғончи қилдилар. Бас, уларни “соябон” кунни азоби тутди. Албатта, у улуғ куннинг азоби эди”.

(Шуаро сурасидан)

### **Тафсири:**

Ҳижоз билан Фаластин ўртасида Ақаба кўрфазидида яшовчи Мадян халқига Аллоҳ таоло Шуайб алайҳиссаломни пайғамбар этиб юборган. Мадян халқи ичида олди-сотди пайтида ўлчовда алдаб, бировнинг ҳаққини уриб қолиш авж олган эди. Уларнинг диёри савдо карвонлари ўтадиган асосий марказ бўлиб, у ерда савдо-сотик ривожланган. Жинояткор қавм нафақат тарози ёки бошқа ўлчовларда, балки ҳар қандай муомалада кишиларнинг ҳаққини уриб қолишга устаси фаранг эди. Нима қилиб бўлса ҳам, осонлик, алдаш ёки қўполлик йўли билан бировнинг молини ўзиники қилиб қолишга уринар эдилар. Шунинг учун ҳам Шуайб алайҳиссалом уларни бу муомалада адолат билан иш кўришга чақирмоқдалар. Шуайб алайҳиссаломнинг аввал ўлчовни, кейин тарозини зикр қилишларидан, жиноятчи қавмнинг тарозидан уриб қолиши алоҳида аҳамият бериладиган иш эканлиги кўриниб турибди...

... Лекин Шуайб алайҳиссаломнинг насиҳатлари бу қавмга таъсир қилмади. Ул зотдан фойда олиш ўрнига, тўхмат қила бошладилар, ёлғончига чиқардилар.

...“Соябон” кунни дегани, уларнинг азобга дучор бўлишининг асосий воситасига ишорадир. Аллоҳ таоло бу жинояткор қавмни азобга дучор этишни ирода қилганида ҳавони ўта иситиб юборди. Ҳаммаёқ қаттиқ исиб, нафас олиб бўлмайдиган даражага етди. Шунда пастлаб келаётган булут пайдо бўлди. Булут уларга соябон бўлиб кўринди. Ҳаммалари ўзларини булут соясига урдилар. Жиноятчи қавмнинг ҳаммаси булут соясига кириб бўлганидан сўнг, бирдан чақмоқ чақиб, булутдан ўт-олов чиқиб уларни ҳалок этди. Бу уларнинг манманлик ила ўз Пайғамбарлари Шуайб алайҳиссаломга: “Агар ростгўйлардан бўлсанг, устимиздан осмоннинг бир бўлагини ташлавор”, деганларига яраша жазо эди. Уларнинг устидан осмоннинг бир бўлаги эмас, бир парчагина булутнинг ичидан бало туширилди. Шу билан барчалари ҳалок бўлдилар.

“Дунёда судхўрлик қилган одамлар Қиёмат куни қабрлардан турмайдилар, магар гўё жин уриб кетган, ҳушлари йўқ жинниларга ўхшаб турадилар. Бу азоб шунинг учунки, улар айтар эдиларки: “Байъ (тижорат, олди-сотди) билан судхўрлик ҳалолликда баробардир”. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло байъни ҳалол қилган, судхўрликни ҳаром қилгандир. Ҳар кимки Худо томонидан наҳий келгач, шу наҳийга амал қилиб, судхўрликдан тўхтаган бўлса, бас, уни судхўрлик ҳаром бўлишидан илгари егани Худо тарафидан кечиради. Минбаъд (бундан кейин) унинг иши Худо тарафига ҳавола қилинади. Кимки яна судхўрликка қайтиб, ружу қилса ва ҳалол деб билса, аҳли дўзахдир. Ундайлар дўзахда абдий қоладилар”. (Бақара сурасидан)

### **Тафсири:**

Бизнинг тилимизда “рибо” сўзи “судхўрлик” деб таржима қилинган. Араб тилидаги “рибо” сўзи “зиёда бўлди, кўпайди”, маъносини англатади. Шариятда эса, қарз берувчи қарздордан маълум вақт муқобилига асл мол устига оладиган зиёда-рибодир.

Рибонинг нақадар ёмон нарса эканини кишилар онгига аввал-бошдан яхшилаб ўрнатилиш мақсадида, ояти карима судхўрнинг қиёматдаги ҳолатини баён қилиши билан бошланган. Қиёматдаги ҳар бир одамнинг сиртқи ҳолидан иши қандоқ экани билиб олинади. Худди ўша куни уларнинг қабрдан туришларини кўрганлар биров танитмаса ҳам “анавилар судхўрлар” дер экан. Чунки уларнинг ўзларини туттишлари соғ-саломат, ақлли кишилар каби бўлмайдилар. Одатда, жин уриб, ақлдан озган кишилар тартибсиз ва нотўғри ҳаракат қиладилар. Довдираб, ўзини ҳар тарафга уриб, уят ишларни ҳам қилаверадилар. Ана ўша ҳолат судхўрларда ҳам бўлар экан. Баъзи тафсиричилар судхўрларнинг бу ҳолатлари фақат қиёмат кунига боғлиқ эмас, балки бу дунёда ҳам шундай бўлади, деганлар.

Судхўрлар “рибо – ҳалол” деб эътиқод қиладилар ва уни тижоратга ўхшатадилар. Тижоратда молиявий муомала ортидан фойда келганидек, судхўрликда ҳам фойда келади, деб ўйлайдилар. Боз устига, уларнинг: “Тижорат ҳам рибога ўхшаш-да” дейишларидан, рибо аслида ҳалол қилинган нарса, тижорат ҳам унга ўхшаб ҳалол қилинган деган маъно келиб чиқади. Ваҳоланки, тижоратда фойда кўришининг ҳам, куйиб қолишининг ҳам эҳтимоли бор. Тижоратда инсоннинг меҳнати, маҳорати, атрофдаги табиий ҳолатларнинг фойда кўриши ёки зарар тортишига таъсири бор. Савдогар фойда кўришига умид қилгани билан бир вақтда куйиб қолишни ҳам бўйнига олган ҳолда иш бошлайди. Меҳнат қилиб одамларга керакли

молларни олиб келади, сақлайди ва бошқа хизматларни қилади. Судхўр-чи? У ҳеч нарса қилмай, жойида ўтиради. Нима бўлишидан қатъи назар, фойда олиши муқаррар. Кўйиб қолиши хавфи йўқ. Мазкур сабабларга ва яна зикр қилинмаган бошқа сабабларга кўра, тижорат инсон ҳаётида қўлланишига ҳалол, судхўрлик эса ҳаром қилинган.

Мазкур ояти карималар тушаётган пайтда кўп молиявий муомалалар рибо асосида юритилар эди. Шунинг учун, ушбу ояти каримадан келиб чиққан ҳукмдан аввалги ишлар ўз ҳолича қолдирилади. Акс ҳолда, аввалги иқтисодий алоқаларнинг ҳаммасини қайта кўриб чиқишига тўғри келарди. Яъни Аллоҳ рибонинг ҳукмини баён қилгандан кейин рибовий муомалалардан тўхтаса, эски ишлари ўзига, у муомалаларни қайта кўришига ҳожат йўқ. Ўтган даврдаги муомалалари Аллоҳга ҳавола: хоҳласа кечиб юборади, хоҳласа иқобига олади. Рибонинг ҳаромлиги ҳақида Аллоҳ томонидан оят келганига ҳам қарамай, кимки яна судхўрлигига қайтса, ундай одам, албатта, дўзахий бўлади, дўзахий бўлганда ҳам, ундан ҳеч қайтиб чиқа олмай, абадий қоладиган дўзахий бўлади.

\* \* \*

“Эй иймон келтирганлар! Маълум муддатга қарз олди-берди қилган вақтингизда уни ёзиб қўйинг. Орангизда бир ёзувчи адолат билан ёзсин. Ҳеч бир ёзувчи Аллоҳ билдирганидек қилиб ёзидан бош тортмасин. Бас, ёзсин ва ҳақ зиммасига тушган киши айтиб турсин...”

#### **Тафсири:**

Қуръони каримнинг Бақара сурасидаги “Ояти мудояна” – “қарз олди-бердиси ояти” номини олган оятда турмушда тез-тез учраб турадиган, одамни одамга душман қилиб қўйишига, ҳатто жонига қасд қилишига қодир бу масаланинг одилона ечими кўрсатиб берилган.

“Эй иймон келтирганлар! Маълум муддатга қарз олди-берди қилган вақтингизда уни ёзиб қўйинг”. Аллоҳ таоло бу ояти каримани ҳам мусулмон бандаларига маҳбуб “Эй иймон келтирганлар!” нидоси ила бошлаганидан унда келадиган амрлар, масалалар алоҳида эътиборга сазовор эканлигини билиб оламиз. Шу билан бирга, ушбу ояти кариманинг айтганига амал қилиб, қарз-олди-берди қилганимизда ёзиб-ҳужжатлаштириб қўйишимиз зарурлигини ҳам англаб етамиз. Ояти кариманинг давомида мазкур ёзиб қўйиши қайси хилда бўлиши айтилади: “Орангизда бир ёзувчи адолат билан ёзсин”. Демак, қарз олди-бердиси ҳақидаги ҳужжатни қарз олувчи ҳам, қарз берувчи ҳам ёзмайди. Балки, бу вазифани учинчи – ҳолис бир шахс адолат билан ёзади. Қарз олди-бердисига доир ишлар одатда кишига озми-кўпми таъвиши келтириши маъ-



лум. Шунинг учун айрим биродарлар оқибатда бош оғриғи бўладиган ишдан ўзларини четга олишни маъқул кўриб, ёзувчи сифатида иштирок этишни истамайдилар. Ана шу ҳол эътиборга олиниб, дейилади-ки: “Ҳеч бир ёзувчи Аллоҳ билдирганидек қилиб ёзишдан бош тортмасин, албатта ёзсин”. Чунки бу иш – савобли иш. Бу иш – Аллоҳ таолонинг амрига биноан бўлаётган иш. Жамоатга керак бўладиган ишларда ҳожатмандларнинг ҳожатини чиқаришига мусулмонлар доимо тарғиб қилинадилар. Шунинг учун ҳам, котибликка таклиф қилинган одам “Бас, ёзсин ва ҳақ зиммасига тушган киши айтиб турсин, Роббига тақво қилсин ва ундан ҳеч нарсани камайтирмасин”.

Ояти карима “ҳақ зиммасига тушган киши” деганда қарз олувчини назарда тутган. Демак, ўртадаги киши келиб қарз олди-бердини ёзаётган пайтда матнни қарз олувчи айтиб туради. Аввало қарз олаётганини эътироф қилади. Қарзнинг миқдорини, шартини ва муддатини айтади. Бу нарсаларни қарз берувчи айтиб турса, қайси бир нуқтада гапни ўз фойдасига буриб юбормасин, деган эҳтиёт чораси туфайли шундай қилинади. Қарз олувчи муҳтож бўлиб тургани учун бундай қилмаслиги аниқроқ. Чунки у муомаланинг тезроқ амалга ошишига муҳтож. Шундай бўлса ҳам, ояти карима яна бир бор уни Роббига тақво қилишига ва ҳеч нарсани камайтирмасликка даъват қилмоқда.

“Агар зиммасига ҳақ тушган киши эси паст, заиф ёки айтиб тура олмайдиган бўлса, унинг валийси адолат билан айтиб турсин”.

Яъни, қарз олаётган одам эси паст, молиявий ишлар тадбири-ни билмайдиган бўлса, заифлиги (ёши кичикдир ёки ўта кексадир, касалдир) туфайли ёки тилидаги айби, билмаслиги ва бошқа мавжуд айблар туфайли айтиб тура олмаса, унинг валийси адолат билан айтиб турсин. Чунки, валийлар бошқа ишларда ҳам ўз қарамоғидагиларнинг масъулиятини оладилар.

“Эркакларингиздан икки кишини гувоҳ қилинг”.

Молияга оид олди-берди катта аҳамиятга эгадир, чунки бунда орага молу пул аралашади. Бундай ҳолда биров бошқанинг ҳақини еб кетишининг йўлини ҳар жиҳатдан тўсиш лозим. Бунда адолатли котибга ёздириб қўйиш билан кифояланмай, яна мусулмонлардан икки эркак кишини гувоҳ қилишига ҳам амр бўлмоқда. Исломда гувоҳликка ҳамиша адолатли кишилар ўтишлари зарур. Шариат ўлчовида адолатсиз бўлган кишининг гувоҳлиги қабул қилинмайди. Гувоҳларнинг эр киши бўлиши таъкидланишининг ҳам ҳикмати бор. Ҳақиқий исломий жамиятда юқоридаги каби серташвиш, хархашали ва масъулиятли ишлар одатда эр кишилар зиммасига юклатилади. Исломда аёл киши мол-дунё ташвишини чекиш-

дан умуман озод этилган. Қарз олди-бердиси, ёзиб қўйиши ва шунга ўхшаш таъвишли ишлар билан муслималар безовта қилинмайди. Аммо кутилмаган ҳолда ён-атрофда гувоҳликка ўтадиган икки эр киши топилмай қолиши мумкин. Унда нима бўлади?

“Агар икки эр киши бўлмаса, ўзингиз рози бўладиган гувоҳлардан бир эр киши ва икки аёл киши бўлсин”.

Ояти каримада гувоҳларнинг адолатли бўлишлари устига, яна муҳим шарт қўйилмоқда: улар “ўзингиз рози бўладиган гувоҳлардан” бўлсин. Кейинчалик бирор келишимовчилик чиқиб қолса, “гувоҳларга ишончим йўқ эди, бу гувоҳлар қарши томоннинг одамлари экан”, деганга ўхшаш гапларга ўрин қўймаслик учун бу ишонч қарор топиши зарур.

“Икки эр киши бўлмаса, бир эр киши ва икки аёл киши бўлсин”, дейилгани Ислому душманларига жуда қўл келиб, динимизга таъна тошлари отишларига сабаб бўлган. “Ислому аёлни тўлиқ одам ўрнида кўрмайди, шунинг учун гувоҳликка ўтишида икки аёлни бир эр киши билан тенглаштирган”, деган бемаъни ва асоссиз даъво ҳам учраб қолади. Гувоҳлик ҳақида сўз кетаётганда мавзу қарз олди-бердиси эканлиги, муслима аёллар одатда бундай ишларда иштирок этмасликлари, шунинг учун ҳам эҳтиёт чораси тарзида шундоқ қилинганлигини ҳеч айтгилари келмайди. Балки яширадилар ва умумлаштириб, бу ҳукм ҳамма нарсага оиддир, деб айтадилар. Ҳолбуки, ояти кариманинг ўзи бундай тақсимоатнинг сабабини очиқ-ойдин айтиб қўйган.

Одатда аёл кишининг кўнгли бўш, таъсирчан, меҳри дарё бўлади. Оналик учун зарур бўлган бу сифатлар талашиб-тортишиши ва уруш-жанжалда тесқари натижа бериб қолиши ҳам мумкин. Агар икки киши бўлсалар, бирлари ниманидир унутсалар иккинчилари эслатиб, гувоҳликни адолат билан адо этадилар. Айнан мана шу эътибордан қарз олди-бердисида икки аёл гувоҳ бўлиши шарт қилинганки, ўзгача маънолар ахтариб адашмаслик керак.

Шариатда шундай ишлар борки (мисол учун, идда, туғиш, эмиши каби масалалар), унда мингта эр кишининг гувоҳлиги ўтмаса ҳам битта аёлнинг гувоҳлиги ўтади. Агар шу ҳукмни ушлаб олиб, “Ислому эр кишиларни одам ўрнида кўрмайди, чунки фалон-фалон ишларда уларнинг гувоҳликлари қабул эмас”, дейилса, инсофданми? Демак, Ислому душманларининг юқоридагидек даъволари мутлақо ўринсиздир.

“Ва чақирилган вақтда гувоҳлар бош тортмасин”.

Бу Аллоҳнинг амри. Бунга амал қилмаган инсон гуноҳкор бўлади. Ҳақиқатни, адолатни ҳимоя қилиши учун гувоҳликка ўтишлик улкан савоб ҳисобланади. Имом Муслим ривоят қилган саҳиҳ ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалату вассалом: “Сизларга энг яхши гувоҳ ким-

лигини айтиб берайми? Бу вазифага таклиф этилмаёт туриб шаҳодат беришга рози бўладиганлар энг яхши гувоҳлардир”, деганлар.

“Кичик бўлса ҳам, катта бўлса ҳам, муддатигача ёзишингизни малол олманг”.

Яъни қарз кичик миқдорда бўлса ҳам, катта миқдорда бўлса ҳам, вақтини аниқ қилиб, қачонгача олинганини айтиб-ёзиб қўйишни малол олманг. Кейин ёзиб қўярман, эслаб қолдим, кейин ёзиб қўярман, шунини ҳам зиётича ўтирадимиз, каби баҳоналар беҳуда эканлигини ушбу жумладан очиқ-ойдин кўришиб турибди. Бу таъкиддан кўринадикки, нима бўлса ҳам ёзиб қўйиши лозим экан. Чунки, бу ишнинг фойдаси жуда ҳам катта, унинг ҳикматларини кейинги жумла баён қилмоқда:

“Шундоқ қилмоғингиз Аллоҳнинг ҳузурида адолатлироқ, гувоҳликка кучлироқ ва шубҳаланмаслигингиз учун яқинроқдир”.

Демак, қарз олди-бердисини ёзиб қўйиши жуда ҳам зарур экан. Қарзни ёзиб қўйиши, Аллоҳнинг ҳузурида адолатлироқ, афзалроқ экан. Гувоҳлик сифатида ҳам оғзақисидан кўра кучлироқ экан. Ва ниҳоят, шундай қилинганда, шубҳага ўрин қолмас экан. Булардан маълум бўладикки, қарзни ёзиб қўйиши тўғри иш, нозик ва дақиқ иш, ишончли иш ва хотиржамликни пайдо қилувчи ишдир.

Қарз маълум муддатга олинадиган бўлса, ҳукми шундай. Аммо юриб турган савдо ишлари бўлса, ёзиши шарт эмас. Чунки ҳамма нарса аниқ: мол олдида турибди, савдо тез-тез такрор бўлиб турадиган нарса, ҳар бирини ёзиши зарур бўлса, қийинлашиб кетади:

“Магар ораларингизда юриб турган нақд савдо бўлса, ёзма-сангиз ҳам, сизга гуноҳ бўлмас”.

Ёзиб борса, ўзининг иши, лекин ёзмаса, гуноҳ эмас. Бундан чиқадикки, аввал зикр қилинган нарсаларни ёзмаса, гуноҳ бўлади.

“Олди-сотди қилганингизда, гувоҳ келтиринг ва ёзувчи ҳам, гувоҳ ҳам зарар тортмасин”.

Савдо ишларига гувоҳлик келтириши ҳақидаги ҳукмни уламолар “мандуб” деганлар. Сотувчи билан харидор ўртасида баъзи келишмовчиликлар пайдо бўлиб қолса, гувоҳлар ҳақни ўрнатилишида ўз гувоҳликлари билан ёрдам берадилар. Ўрганаётганимиз ояти қари-мада котиб ва гувоҳларга вазифа юклатилди. Уларга бу хизматдан қочмаслик таъкидланди. Навбатдаги жумлада эса котиб ва гувоҳларнинг ҳақлари ҳимоя қилиняпти. Улар котиблик ва гувоҳлик қилаётганларида зарар тортмасликлари керак. Одатда котиб ва гувоҳлар савоб умидида вақт сарфлаб, меҳнат қиладилар. Лекин баъзан бало ва туҳматларга ҳам қоладилар. Шунинг учун, уларнинг хотирини жам қиладиган, бу савобли ишга қизиқтирадиган ваъда ҳам айтилмоқда:



“Агар бунинг аксини қилсангиз, (яъни улардан биронтасига зарар етказсангиз) албатта, бу фосиқлигингиздир”.

Бу демак, котиб ва гувоҳга зарар келтирган шахс, фосиқлик қилган, Аллоҳ таолонинг амридан чиққан бўлади...

“Агар сафарда бўлсангиз ва ёзувчи топа олмасангиз, бас, қўлга олинадиган гаров бўлсин. Агар баъзингиз баъзингизга ишонсангиз, бас, ишонилган омонатни адо қилсин. Аллоҳга – Роббига тақво қилсин. Гувоҳликни беркитманг! Ким уни беркитса, унинг каби гуноҳкордир. Ва Аллоҳ қилаётган амалларингизни билувчи зотдир”.

Кимса сафарда эканида қарзга муҳтож бўлиб қолса нима қилади? Сафарда ўзига яраша қийинчиликлар, ҳатто кутилмаган фожиалар юз бериши мумкин. Ана шунда қарз олишга муҳтож одам, бирон кишидан умидвор бўлади. Инсоф эгаси унга ёрдам беришга тайёр, аммо аввалги ояти каримада зикр қилинган шартни бажаришга, яъни олди-бердини ёзиб қўйишга котиб йўқ. Мазкур ояти карима бундай шароитда ноқулай ҳолатдан чиқишининг йўлини кўрсатади: қарз берувчига қарз олувчи гаровга нимадир беради. Гаровга қолдирилган нарса қарзни эслатиб туради, унинг тониб кетмаслигига сабаб бўлади. Воқеа сафарда юз бераётгани учун ўртада ёзувчи котиб бўлмаса ҳам, муҳтож одамга ишониб қарз берилаверилади. Қарздор эса, қарз берувчига ишониб гаровга бирон нимасини топширади. Бу ҳолатда икки тараф ҳам бир-бирига ишонади ва омонат қўяди. Таъбир жоиз бўлса, ҳар иккала томон ҳам бир-бирининг иймон эгаси, ҳалол одам эканига ишонади. Энди икковлари ҳам омонатни адо этишлари, Аллоҳга – Роббиларига тақво қилишлари керак. Бу ўринда яна бир карра тақво – Худонинг жазосидан қўрқиш лозимлиги эслатилмоқда, ҳамма ишларда тақво асос сифатида зикр қилиняпти. Ояти каримада таъкид этилган “гувоҳликни беркитмаслик” – қозининг ҳузуридаги гувоҳликдир. Яъни, қарз ёки тижорат ишларида гувоҳликдан қочиш ёки бўйин товлаш ярамайди. Вақтики келиб, мазкур ишда келишмовчилик чиқиб қолиб, тарафлар қозига мурожаат қилишса, албатта, қози гувоҳни чақиради. Шунда гувоҳликни беркитмаслик керак. Ким гувоҳликни беркитса, унинг қалби гуноҳкордир, дейилишига сабаб – гувоҳлик ёки уни беркитиш қалбга боғлиқ ишдир.

“Ва Аллоҳ қилаётган амалларингизни билувчи зотдир”. Шунга биноан жазо ёки мукофот беради. Қарз ва савдо тўғрисидаги ушбу илоҳий таълимотларни ўрганиш давомида инсоният ўз бахт-саодатининг манбасини топа олмай адашиб юрганидан афсус қилинади. Бошқаларни қўйиб туринг-у, “мусулмонман”, деб юрганлар ҳам

аксар пайтларда қарз муомаласи юзасидан турли мушкулотларга дучор бўладилар. Улар Аллоҳ таолонинг амрига биноан иш тутмаганлари учун бир-бирларининг молларини ейдилар, уруш-жанжалларга кўмиладилар. Агар ушбу ояти каримага амал этишса, ҳеч қандай муаммо бўлмас эди”.

\* \* \*

“Эй, иймон кетирганлар! Рибони бир неча баробар қилиб еманг. Аллоҳга тақво қилинг, шоядки, нажот топсангиз”.

(Оли Имрон сурасидан)

### Тафсир:

Хофиз ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳи ривоят қилишларида, берилган қарзнинг муддати тугаб қолганда қарз берувчи қарздорга: “Ёки қарзингни тўла ёки рибони кўпайтир”, дер экан. Тўласа, тўлади, бўлмаса, қарз муддатини чўзиш эвазига рибонинг миқдорини ҳам кўпайтирар экан. Ҳар йили шундай бўлавергандан кейин рибо бир неча бараварга кўпайиб кетаркан. Ушу ояти каримада ўша ҳолат муолажа қилинмоқда.

Нафси бузуқ айрим кимсалар бу оятни ушлаб олиб, Аллоҳ таоло Қуръони Каримда: “Рибони бир неча баробар қилиб еманг”, деган, демак, бир неча баробар оширмай, маълум фоиз еса бўлаверади, деган даъволарни ҳам қилишади. Бу жоҳилликдир, Аллоҳ ҳаром этган нарсани ўзига ҳалол қилиб олиш йўлидаги ғаразли ҳаракатдир. Ҳолбуки, ояти карима воқеликдан келиб чиқиб, жоҳилият даврининг энг ёмон одатларидан бирини аста-секинлик билан муолажа этмоқда. Қолаверса, рибо ҳақида Қуръони Каримда фақат битта шу оятгина бор эмас, ахир. Бақара сурасида “Рибонинг сарқитини ҳам тарк қилинг”, дейилган. Гуноҳни, жумладан рибохўрликни ҳамма ҳам осонгина тарк қилавермайди. Бунинг учун, аввало, Аллоҳ таолога тақво қилиш лозим

(Тафсир муаллифи шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф)

Ҳадиси қудсийдан:

“Эй Одам боласи! Мен сенга саноғига етмайдиган ва шукрига тоқатинг келмайдиган улкан неъматларни бердим. Сенга аталган неъматларимдан бири – кўриш учун икки кўзни берганимдир, шу билан бирга икковини ёпадиган қовоқ ҳам бердим. Икки кўзинг билан мен ҳалол қилган нарсаларни кўр. Агар мен ҳаром қилган нарсаларга кўзинг тушиб қолса, пардасини – қовоқларингни ёп. Мен сенга тил бердим ва унга ғилоф ҳам қилиб қўйдим. Мен амр қилган ва ҳалол қилган нарсаларни гапир. Агар мен ҳаром қилган нарсалар ориз бўлса, тилингни тий. Мен сенга жинсий аъзо бердим ва уни сақлаш йўлини ҳам бердим. Бу аъ-

зони ҳалолога ишлат. Агар ҳаром нарса ориз бўлса – сақлан. Эй Одам боласи! Менинг ғазабимга чидамайсан ва менинг ўч олишимга тоқат қила олмайсан”.

\* \* \*

“Эй Одам фарзанди! Мени осойиш кунлари эслаган бандани ёки ҳаром жойда (*ҳаромлик содир бўлаётган ҳолатда*) Мендан кўрққан кишини Мен дўзахдан озод қиламан”.

\* \* \*

“Эй Одам фарзанди! Дунёдаги жами нарсалар уч тоифага бўлинади: бири менга хосдир, иккинчиси мен билан сенинг ўрта-миздадир ва яна бири сендадир. Сендан бўладигани дуодир ва мендан бўладигани ижобат қилмоқдир. Бас, ҳаром емасанг, дуо-йинг тўсилиб қолмас”.

\* \* \*

“Эй Одам фарзанди, билгилки, инсонга ҳалоллик қатра-қатра келур. Ҳаром эса сел каби мўл-кўл келур. Ҳар кимнинг емиши ҳалолдан бўлса, дини пок бўлур”.

\* \* \*

“Эй Одам фарзанди, қачонки сенга дунё мўл-кўл кела бошласа, уни исроф қилмасдан яхши йўлларга сарф қил. Ўлимни эслаб, ҳаромдан сақлан”.

\* \* \*

“Эй Одам фарзанди, қачонки сенга бирор мусибат ёки офат етса, қара: агар ўша мусибат сенга нопок ҳолда турганингда етган бўлса, демак, билгилки, бу офатнинг сабабчиси ўзингсан”.

\* \* \*

“Сен ва ўғилларинг жамоат чодирига кирганингизда шароб ва мускир (*маст қилувчи*) ичадиганлардан бўлмангиз”... “Шароб шарманда этади, мускир жанжалкашга айлантиради. Унга мубтало бўлган ақлли эмасдир”... “Сарҳушлар, вужудини хор қилганлар билан улфат бўлма”... “Уларнинг ҳолига вой, бу шовқин-сурон, сабабсиз жароҳатлар, қизарган кўзлар кимники? Шаробдан ажралмайдиганларники, уни қидириб юрадиганларники. Шаробнинг қизиллигига, қадаҳдаги рангига ва ажойиб қуйилишига алданиб қолма!.. Охир-оқибатда илон каби чақади, кўзларинг, қалбинг ёмон нарсаларни сўзлай бошлайди. Денгизнинг ўртасида ёнаётган кеманинг тубида ухлаётган каби ҳолатга тушасан”. (1885 йил Истанбулда турк тилида нашр этилган Ин-



жил ва Тавротдан олинган мазкур оятлар христиан жамиятлари тарафидан эълон қилинган)

\* \* \*

Шарафли хадисларда Расулulloх (с.а.в.) дедилар:

“Халол аниқдир. Ҳаром ҳам аниқдир. Бу иккисининг ўрта-сида аксарият одам билмайдиган шубҳали нарсалар бор. Ўзини шубҳали нарсалардан узоқ тутган одам дини ва шаънини сақлаган бўлади. Шубҳали нарсаларга яқинлашган инсон ҳаромга кириб қолиши мумкин. Худди чўпон подани кўриқхона атрофида ўтлатса, унинг (кўриқхона) ичида ўтлатгандек бўлгани каби. Ҳар бир ҳукмдорнинг ўз кўриқхонаси (яъни кириш таъқиқланган жойи) бордир. Аллоҳнинг кўриқхонаси ҳаром қилган нарсаларидир. Огоҳ бўлингки, вужудда бир парча гўшт бор: у яхши бўлса, вужуд ҳам яхши бўлади. Агар у бузилса, бутун вужуд ҳам бузилади. Огоҳ бўлингки, у – қалбдир”.

\* \* \*

“Ҳеч ким пешона тери билан топиб еган таомидан яхшироқ таом емайди. Аллоҳнинг пайғамбари Довуд ўзи меҳнат қилиб, топиб ер эди. Аллоҳ покдир ва пок нарсани қабул қилади. Аллоҳ таоло пайғамбарларига буюрган нарсаларни мўминларга ҳам буюрди. Айтдики: “Эй пайғамбарлар, халол-пок таомларни енглар”. (Мўминун сурасидан) “Эй мўминлар, сизларга ризқ қилиб берганимиз покиза нарсаларни енглар”. (Бақара сурасидан)

\* \* \*

“Бир киши узоқ сафар қилиб, сочлари тўзғиган, юзларига ғубор кўнган ҳолда: “Эй Раббим, эй Раббим!” деб, осмонга кўлини кўтаради, ҳолбуки, унинг таоми ҳаром, шарбати ҳаром, кийими ҳаром, уйқуси ҳаром, юриши ҳаром, келиши ҳаром, энди қанақасига унинг дуоси ижобат қилинсин. Бир замонлар келадики, киши олган нарсаси ҳалолданми, ҳаромданми, парво қилмайди”.

**Шарҳ:**

“Аллоҳ таоло покдир” деган сўзларидан мурод Аллоҳ барча камчиликлардан, айб ва нуқсонлардан пок Зот эканидир. Агар банда пок, дейилса, унинг разил хулқлардан ва ёмон амаллардан холи экани тушунилади. Агар амаллар пок, дейилса, яхши молнинг ҳалоли тушунилади. Хуллас, ҳадиснинг маъноси – Аллоҳ билгувчироқ – У зот айблардан пок зотдир. Айбли нарсаларни қилмайди. Унга яқинлашиши Унга лойиқ бўлган амаллар билангина мумкин. Каломида айтади: “Суйган нарсаларингиздан инфоқ-эҳсон қилиб бермагунингизча ҳаргиз яхшиликка (жаннатга) етмагайсиз”. (Оли Имрон сурасидан)

“Узоқ сафарда юзларига ғубор қўнган, сочлари тўзғиган ҳолда”, деганда Пайғамбар алайҳиссалом ҳажга кетаётган кишини назарда тутдилар. Ундай киши сафарда сочлари тўзийди, уст-бошига тупроқ-чанг ўтиради, қийинчилик, очлик, чанқоқлик ва бедорлик билан Аллоҳнинг байтига етади, уни тавоф қилиб, шу ҳолатида Аллоҳга дуо этади. Дуосининг ижобатини ва ҳажининг қабулини умид қилади. Аммо дуоци ижобат қилинмайди, ҳаромдан сарфлаган нафақа-эхсонни қабул бўлмайди. Ким ҳаромдан топилган молдан садақа берса, уни ҳалол ва яхши деб санаса, савобдан умид қилса, Аллоҳ таолога куфр келтирибди

(Абу Лайс Самарқандий шарҳи)

\* \* \*

“Ҳаром лукмадан туғилган эт парчаси ва қон жаннатга кирамайди. Унга оташ лойиқроқдир”.

\* \* \*

“Ҳалол талаб қилмоқ фарздур: ҳамма мусулмон эру хотинларга”.

\* \* \*

“Ҳаром лукмадан юзага келган ҳеч бир эт парчаси йўқки, жаҳаннам оташига лойиқ топилмаса”.

\* \* \*

“Аллоҳ шаробни, уни ичгани, қуйиб бергани, сотгани ва сотиб олгани, сиқиб тайёрлагани ва тайёрлатгани, олиб келгани ва олиб келтирганни ҳамда ундан келган даромадни егани лаънатлайди”.

\* \* \*

“Хамр ёмонликларнинг онасидир”.

### **Шарҳ:**

Хамр деганда ақлни оладиган нарсаларнинг барчаси тушунилади. Шароб, ароқ, афлоқ, наша, кокаин – буларнинг ҳаммаси, бир сўз билан айтганда, хамрдир. Хамр ҳаётда ўта нохуш ҳолатни келтириб чиқариши мумкинлигидан Расулulloҳ (с.а.в.) уни “Уммул хоббаис”, яъни, ёмонликларнинг онаси, қиморни эса, “Абул хоббаис”, яъни ёмонликларнинг отаси, дея атаганлар.

\* \* \*

“Ҳар бир мускир ҳаромдир. Ҳар бир мускир хамрдир. Дунёда хамр ичиб, уни ташламасдан ва тавба қилмасдан ўлган одам охиратда жаннат шаробидан ичмайди”.

**Шарҳ:**

Бу ҳадиси шарифда ақлни олувчи барча ичкиликларнинг ҳаром эканлиги айтилмоқда. Хуллас ароқ, коньяк, виски, пиво дейиладими ёки бошқача ном билан аталадими, фарқи йўқ, ақлга таъсир этаркан, бир томчиси ҳам ҳаром ҳукмидадир. Ичишдан тийилмаганлар, агар тавба қилмасдан ўлсалар, охирабда мўминлар учун бериладиган шаробдан бенасиб қоладилар. “Роббилари уларни пок шаробдан суғорди”, ояти каримасида хушхабар қилинган неъматдан бебахра бўладилар. Демак, ичкиликка ружу қўйганлар охираб неъматларидан маҳрумдирлар, жаннат аҳли қаторидан жой ола билмайдилар. (Муҳаммад Камол)

\* \* \*

“Миннат қилувчи, ота-онасига оқ бўлган киши ва доимий ароқ ичувчи жаннатга кирмайди”.

\* \* \*

“Хамр ичувчи хамрни мўмин ҳолида ичмайди”. (Яъни, ароқ ичган пайтда киши мўминликдан чиқиб туриши билдирилмоқда)

\* \* \*

“Хамрни доимий истеъмол қилиб юриб вафот этган кишининг юзига дунёдан узилаётганида қайноқ сув сепилади”. (Яъни, умри шаробнинг кайфи билан ўтган кимсаларнинг юзига жони узилаётган пайтида Аллоҳ амри ила жаҳаннамнинг қайнаб турган суви сепилади. Улар азоб устига азоб билан жон берадилар)

\* \* \*

Бир куни Расулulloҳ (с.а.в.)га Абу Ҳурайра (р.а.) набиз келтирди (набиз – узумнинг шарбати) Кейин: “Эй Расулulloҳ! Бугун рўза тутганингизни билиб, ифтор қиларсиз, дея сизга набиз олиб келдим”, деди. Расулulloҳ (с.а.в.) идишнинг қопқоғини очганларида шарбатнинг тахаммур этганини, яъни, бузилганини кўрдилар. Шунда айтдиларки: “Буни олиб, деворга ур. Бу шаробдир. Уни Аллоҳга, қиёмат кунига ишонмайдиганлар ичади”.

\* \* \*

“Хамрдан сақлан. Унинг дарахти бошқа дарахтлардан ошиб ўтгани каби, гуноҳлари ҳам бошқа гуноҳлардан ошиб тушади”.

\* \* \*

“Умматимдан ким хамр ичса, Аллоҳ қирқ кун унинг намозини қабул этмайди”.

(Бу ҳадисни изоҳлаб, имом Суютий: “Шаробнинг инсон вужудига тарқалиб, сўнгра бутунлай ариб кетишининг муддати қирқ кун-



дир”, дейди. Чунки шу муддат мобайнида инсон танасида шайтоннинг улуши туғён уриб туради)

\* \* \*

“Давомли хамр ичган киши бутга топингувчи кабидир. Ўлса, Аллоҳнинг хузурига бутпараст каби боради”.

\* \* \*

“Жаҳолатнинг зоҳир бўлиши, илмнинг озайиши, зинонинг ошкора қилиниши, хамр ичилиши, эркакларнинг камайиб, аёлларнинг кўпайиши, ҳатто бир эркакка эллик аёлнинг тўғри келиши қиёматнинг аломатларидандир”.

\* \* \*

“Хамр ичма. У барча ёмонликларнинг калитидир”.

*(Бу ҳадиси шариф жуда гўзал ҳақиқатни баён этмоқда: ҳар бир нарсанинг калити бўлгани каби, ёмонликларнинг қулфини очувчи калит ҳам бор, у шаробдир)*

\* \* \*

“Кўпи маст қилувчи нарсанинг ози ҳам ҳаром”.

\* \* \*

“Ўлчовдан уриб қолмаслар. Магар набототдан манъ қилинурлар ва қаҳатчилик ила тутилурулар”. *(Ўлчовда бировнинг ҳаққидан уриб қолиши билан машғул бўлган қавмнинг юртидан барака кўтарилиб, очарчиликка дучор бўлурулар)*

\* \* \*

Расулulloҳ (с.а.в.) бозорни кузатганлар. Бир марта савдогарнинг қопда турган молига муборак қўлларини ботириб, араштираб кўрдилар. Қарасалар, усти куруқ, таги хўл. Молнинг таги ёмон, усти эса чиройли. Шунда: “Бундай қилма!” дедилар.

\* \* \*

“Ҳалол, ишончли савдогар пайғамбарлар, сиддиқлар ва шахидлар билан бирга бўлади”.

\* \* \*

“Дунё нафс майл қўйган яшилликдир. Ким унда ҳалолдан даромад орттириб, йўқсилга едирса, Аллоҳ унга савобини беради ва жаннатга киритади. Ким ҳаром даромад орттириб, сарф этса, Аллоҳ уни жаҳаннамга туширади”.

\* \* \*

“Ким ҳаром даромад билан давлат орттирса, сўнгра буни садақа қилиб берса, бунда унинг учун савоб йўқ. Гуноҳи ўз устида қолаверади”.

\* \* \*

“Ким ўн динорга либос сотиб олса-ю, унинг бир динори ҳаромдан топилган бўлса, модомики шу кийим эғнида экан, Аллоҳ унинг намозини қабул этмайди”.

\* \* \*

“Ким ўғирланган молни ўғирланганини била туриб сотиб олса, ўғрининг айбу гуноҳида иштирок этган ҳисобланади”.

\* \* \*

“Ҳалол ризқ излаш фарз ибодатларидан кейин келадиган фарздир”.

\* \* \*

“Ким ҳалолдан еса, суннат аҳли йўлига амал қилса ва инсонларга ундан гуноҳ юқмаса, жаннатга киради”.

\* \* \*

“Тўрт нарса сенда бўлса, бахтлисан: омонатни эҳтиёт қилдиган, сўзингга ёлғон қўшмайдиган, гўзал ахлокли, емишингни ҳалол йўл билан топадиган бўлсанг”.

\* \* \*

“Ҳалолдан топган, ичи тоза, ташқи томони ҳам покиза бўлган ҳамда инсонларга зиёни тегмаган кишиларга хушxabар етажак!.. Илмига амал қилган, молидан йўқсилларга едирган ва тили билан бемаъни сўзларга вақт сарфламаган кишиларга хушxabар етажак”.

\* \* \*

“Киши қирқ кун ҳалол еса ва ҳаромдан ҳеч нарса аралаштирмаса, Ҳақ таоло ул кишининг кўнглини нур қилур ва ҳикмат чашмаларини анинг кўнглидан очур”.

\* \* \*

“Эй Саъд, ҳалолдан топиб есанг, дуоси мақбуллардан бўласан. Муҳаммаднинг жони измида бўлган Аллоҳга қасамки, бандаси қорнига бир луқма ҳаромни ютганидан бошлаб, қирқ кун дуоси қабул бўлмайди. Қай бир кишининг вужуди ҳаром луқмадан бунёд бўлган эса, у вужуд жаҳаннам оташида ёнмоққа лойиқдир”.

\* \* \*

“Ҳалойиқнинг ёмонроғи ул қавмдурки, неъмат учун баданларини рост тутарлар, рангго-ранг либослар киярлар ва турли-тур-

ли таомлар ерлар, андин кейин оғизларини очарлар, ҳақойиқ ва маорифдин дам урарлар”.

\* \* \*

“Аллоҳ бир қавмга нимани ҳаром қилса, унинг орқасидан келадиган пулни ҳам ҳаром қилади”.

\* \* \*

“Бир мамлакатда зино ва фоиз кўпайдими, демак, у мамлакат аҳли ўзига Аллоҳнинг азобини ҳалол қилган бўлади”.

\* \* \*

“Банда молни ҳаромдан топса, сўнгра уни садақа этса, унга ажр олмайди, нафақа қилса, баракаси бўлмайди, ўзидан кейин қолдиргани эса дўзахдаги азобини зиёда қилади. Албатта, Аллоҳ таоло гуноҳни гуноҳ билан ювмайди. Лекин гуноҳни яхши амал эвазига кечиради. Чунки нопок нарса нопокликни кетказа олмайди”.

\* \* \*

“Сизлардан бирингизнинг арқон олиб тоққа чиқиб, ўтин кесиб, орқалаб келтириши ва шу билан тирикчилик қилиши Аллоҳ унга ҳаром қилган луқмани оғзига олишдан яхшироқ”.

\* \* \*

“Ким ҳаром даромад билан давлат орттирса, сўнгра буни садақа қилиб берса, бунда унинг учун савоб йўқ. Гуноҳи ўз устида қолаверади”.

\* \* \*

“Шубҳали нарсани тарк қилиб, шубҳасизини олинг. Чунки тўғрилик ва ишонч хотиржамликдир, шак ва ёлғончилик гумондир”.

\* \* \*

Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: “Одамларга бир замон келадики, у вақтда ҳеч ким рибо емасдан қолмайди”. “Эй Аллоҳнинг элчиси, ҳамма рибо ейдими?” деб сўрашди. “Ундан емаганга чанги етади”. *(яъни гуноҳидан етади. Чунки ёки рибога ёрдам берган бўлади ё кўради ё ёзади ёки бу ишига рози бўлади ёки унинг ҳадясини қабул қилади ёки дастурхонидан ейди, хуллас, гуноҳдан насибасини олади)*, дедилар.

### **Шарҳ:**

Бундай деганлари рибонинг кўпайишига, қарзлар ва олди-сотдиларда ҳар хил ҳийлалар ва шубҳалар зоҳир бўлишига, одамларнинг моллари судхўрлик, шубҳа ва ҳаромлар билан аралашиб кети-



шига, ҳатто моллар орасини фарқлаш мумкин бўлмаётганига, одамлар ўзлари билмаган ҳолда ейишларига ва унинг зарари ҳаммага етишига далолатдир. Холбуки, улар ўртага тушмаган, шохидлик қилмаган, уни ёзмаган ёки судхўр билан муомалада бўлмаган.

(Абу Лайс Самарқандий шарҳи)

\* \* \*

“Кумуш тенги кумуш билан, ортиқчаси судхўрликдир. Бугдойнинг тенги бугдой билан, ортиқчаси судхўрликдир... Ким зиёда қилса, ёки зиёда қилишни сўраса, рибо қилибди”.

\* \* \*

“Исро кечаси еттинчи осмонда бошим устида момақалди роқ билан қичқириқни эшитдим. Чақмоқни ва қоринлари олдиларида уй каби катта бўлиб осилиб ётган кишиларни кўрдим. Ичларида илонлар бўлиб, ташқарисидан кўринади. Шунда: “Эй Жаброил, улар кимлар?” деб сўрадим. “Улар рибо ейдиган судхўр кишилардир”, деди у”.

\* \* \*

“Меърож кечаси кўкка чиққанимда осмоннинг биринчи қаватига қараб, бир тўда инсонларни кўрдим. Уларнинг қоринлари бир томони босиб қолган катта уйларга ўхшарди. Фиръавн хонадони ташланган жойга устма-уст қалаштириб отилгандилар. Ҳар оқшомдан тонггача оташ устида турғизилар эдилар. “Ё Аллоҳ, қиёматингни абадиян бўлдирма”, деб ёлборардилар. Мен дедим: “Ё Жаброил, булар ким?” Айтдики: “Булар сенинг умматингдан фоиз еган судхўрлардир. Улар қабрларидан жин теккандай ҳолда турадилар”.

\* \* \*

“Кўп фоиз еган ва судхўрлик қилгандан кейин охир-оқибат давлати озаймаган ҳеч кимса йўқ”.

\* \* \*

“Қайси жамиятда фоиз олиш-бериш кенг тарқалса, у миллат муҳтожликка мубтало бўлади. Қайси жамиятда порахўрлик кенг тарқалса, у жамиятда кўркув ва ҳузурсизлик ҳукм суради”.

\* \* \*

“Аллоҳнинг наздида, кишининг бир чақа бўлса-да, фоиз олиши ўттиз олти марта зино қилган гуноҳидан ҳам ёмонроқдир...”

...Фоизнинг етмиш икки эшиги бор. Гуноҳ жиҳатидан энг энгили ҳам кишининг ўз онаси билан алоқа қилгани кабилар. Холбуки, чинакам фоизнинг энг оғири, кишининг ўз мусулмон биродарининг иффати ва номусига тегишидир”.

\* \* \*

“Бу умматдан бир талай инсонлар ейдилар-ичадилар, чаладилар, ўйнайдилар, ётадилар! Эрталаб маймун ва тўнғиз суратида турадилар. Шак-шубҳасиз, уларнинг устига ердан ва осмондан мусибат ёғар. Эрталаб турилганда, инсонлар улар ҳақида бундай дерлар: “Бу кеча фалон-фалон одамларнинг уйлари ерга кўмилиб кетибди! Лут (*алайҳиссалом*) қавмидан баъзи қабилалар маст қилувчи ичимликлар ичганлари, фоиз еганлари, қон-қариндошлик ришталарини узганликлари сабабли уларнинг устига тош ёғгани каби, буларнинг бошига ҳам кўкдан бало тоши юборилибди”.

\* \* \*

“Баъзи гуноҳлар борки, ибодат билан кечирилмайди. Кишининг оила, бола-чақасининг таъминоти учун чеккан меҳнат-машаққати туфайли Аллоҳ у гуноҳларни кечиради”.

### **Шарҳ:**

Мусулмон қўлидан келган ишни шарият тақозосига кўра бажаради, сўнгра Аллоҳ таолога таваккал қилади. Бу эса унга хотиржамлик баҳи этади. “Ё Раббий, менинг имконларим ана шунчага етди холос”, дейди. Ўзи истаган бир иш амалга ошмай қолса, “Бунда бир яхшилик, ҳикмат бор”, дея ўзига ўзи таскин беради. Ҳар бир воқеа-ҳодисанинг хайрли яқунланишига умид боғлайди. Инчунун, мусулмон нима қилса ҳам, Аллоҳ таоло розилигини кўзлайди. Инсонларга, жамиятга кўпроқ манфаатим тегсин, деган ниятда меҳнат қиладики, бу ҳам ибодат, албатта. Яъни, “Мен ишлайман. Бу меҳнатим туфайли Аллоҳ таоло оилам, бола-чақамга ризқ беради. Мусулмонларга юк бўлмаслик учун ишлайман, муҳтожларга мен ёрдам этайин”, деган ниятда ишлаганнинг гуноҳлари мағфират қилинади. Ҳа, мўмин киши шу эзгу ният йўлидаги заҳматларга сабр этади, ҳалол ризқ умидида меҳнат қилаверади. Бу меҳнат унинг тоат-ибодатига халақит бермайди. Бу улғ бир неъматки, сен ўзинг ва оиланг учун ишлагин-да, Аллоҳ таоло гуноҳларингни афв этсин. Айни пайтда бу сазў-ҳаракатлар ибодат ўрнига ўтса, қандай гўзал! Бундан ҳам яхшироқ неъмат борми?!

(Умар Форук Сайдо ал-Жазарий-Нақшбандий)

\* \* \*

“Оёққа тақиладиган кумуш ҳалқани Абу Бакр Сиддиққа сотдим. Абу Бакр Сиддиқ ҳалқани тарозининг бир палласига ва пулларни иккинчисига қўйдилар. Ҳалқа пулдан озгина оғир келди. Кейин уни кесиб тенглаштироқчи бўлиб қайчини олдилар. Мен: “Эй пайғамбар алайҳиссаломнинг халифаси, ортиқчаси

сизга”, дедим. “Йўқ, – дедилар у зот, – Пайғамбар (с.а.в.)дан “Зиёда қилувчи ҳам, зиёда қилишни сўраган ҳам дўзахда”, деганларини эшитганман”. (Абу Рофеъ)

\* \* \*

Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг суюкли саҳобаларидан бири Абу Дардо барча намозларни Масжиди набавияда, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ортларида туриб ўқишга ҳаракат қилардилар. Шунинг учун масжидга эрта келиб, кеч қайтардилар. Расули акрам (с.а.в.)нинг намоздан кейинги суҳбатларини диққат билан тинглардилар. Бироқ, хурмо териш мавсуми бошланганида Абу Дардо аввалгидан кечроқ келиб, эртароқ кетадиган бўлдилар. Бу ҳол Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг диққатларини тортди. Абу Дардони ёнларига чақириб:

– Сенинг масжидга келиб-кетишингда бир ўзгариш кўряпман. Нима бўлди? – деб сўрадилар.

– Шу кунларда қўшнимизнинг хурмо дарахти меваларини тўка бошлади, – дедилар Абу Дардо, узрли оҳангда. – Хурмолар бизнинг ҳовлига ҳам тушяпти. Болаларим қўшнимдан бесўроқ уларни еб қўйишмасин, деган хавотирдаман. Бомдодга келишдан олдин тўкилган хурмоларни тўплаб, қўшнимнинг боғига ўтказиб қўяман. Шу сабаб масжидга кеч келяпман. Мен масжиддалигимда ҳам дарахтлардан хурмо тўкилади. Уларни йиғиб, қўшнимникига қўйиш учун шошиламан. Шундай қилсам, болаларим ҳаром емайди, қўшнимга ҳам зарар етмайди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) Абу Дардонинг бу сўзларидан мамнун бўлдилар ва унинг ҳаққига дуо қилдилар.

\* \* \*

“Эй жамоат! Аллоҳга онт ичиб айтаманки, ҳамр билан иймон бир қалбда бўлиши мумкин эмас, албатта, бири бошқасини қувиб чиқаради”. (Усмон ибн Аффон)

\* \* \*

“Шаробнинг бир қатраси қудуққа тушса, кейин ўша қудуқнинг устига минора қурилса, у минорада азон чақирмайман. Агар шаробнинг бир томчиси денгизга томса, денгиз қуриб, у ердан ўтлан униб чиқса, ўшандан ҳам фойдаланмайман”. (Ҳазрати Билол)

\* \* \*

“Ўн эҳтимолнинг бирига шубҳалик ҳалолдан қўл йиғармен. Бу қўрқинчлидурки, шояд ҳаромга бошламагай”. (Биз ҳаром иш қилишдан қўрқиб, ўнта ҳалолдан тўққизтасини тарк этардик)

(Умар ибн Хаттоб)



\* \* \*

“Шубҳали бир дирҳамни тарк этишим юз минг дирҳам садақа қилишимдан кўра афзалроқдир”. (*Абдуллоҳ ибн Муборак*)

\* \* \*

“Ҳаром мол топмоқ Қиёмат ҳисобига ишонмасликдир. Кимки Қиёмат ҳисобига ишонмаса, кофир бўлур”.

\* \* \*

“Бозор аҳлининг кийимларига алданманглар. У кийимларнинг ичида бўрилари бор”. (*Суфён Саврий*)

\* \* \*

“Молини ҳалолдан топмаган, ундан ҳақларини чиқариб турмаган, у билан обрў-шарафини сақламаган кишида яхшилик йўқдир”. (*Саид ибн Мусайиб*)

\* \* \*

“Ким дин илмини ўрганмасдан олдин савдогарлик қилса, у рибога тушибди, рибога тушибди, рибога тушибди”. (яъни, чўкиб кетибди) (*Али ибн Абу Толиб*)

\* \* \*

“Мен Али ибн Абу Толиб орқаларидан бозорда юрардим. У кишида қамчи бор эди. Агар ўлчовни баробар қилмаган кишини кўрсалар, қамчи билан урардилар ва “ўлчовни тўғри қил”, дер эдилар”. (*Убайд Муҳорибий*)

\* \* \*

“Бозорларимизда дин илмини ўрганмаган, тарозида мукамал ўлчамайдиган кишилар олди-сотди қилмасин”.  
(*Умар ибн Хаттоб*)

\* \* \*

“Эй ажамлар жамоаси, сизлар икки нарсага мутасадди қилиндинглар, бу иккаласи билан сизлардан олдинги ўтганлар ҳалок бўлишган эди. Улар – ўлчов ва тарози”.

\* \* \*

“Пайғамбар алайҳиссалом рибо еювчини, унга вакил қилинган кишини, баданга сурат солувчини, унга бошқаларни ҳам чақирувчиларни ва мусаввирларни лаънатладилар”. (*Абу Жухайфа*)

\* \* \*

“Қавм тўрт нарсани ҳалол санаса, унинг ҳалок бўлишига изн берилади: тарозидан уришни; ўлчовдан камайтиришни; зино-

ни ошкора қилишни; рибони ейишни. Зинони ошкора қилсалар, уларга вабо етади, тарозидан уриб, ўлчовдан камайтирсалар, ёмғирдан маҳрум бўладилар. Агар рибо есалар, уларга қилич яланғочланади”. (*Абдураҳмон ибн Собит*)

\* \* \*

“Даштда юрур эдим, бир сув лабига етдим. Сабзалар яшнаб турибдур. Агар ҳалол емакни хоҳласам мундан хўброқ ҳалол топмасмен деб емакни ихтиёр этдим. Хотифдан овоз келдики: “Сени бу ерга ниманинг қуввати еткурди? Аввал илгари еган таоминг ҳалол ва ҳаромлиғига сарҳисоб бергил. Андин кейин бу гиёҳни ҳалол ва ҳаромлиғидан сўзлагил”. Бу ишимдан пушаймон бўлдим ва истиғфор айтдим”. (*Сарий Сақатий*)

\* \* \*

“Ҳалолдан касб қилиш ифбатли камбағални гўзаллаштиради, заифнинг муҳтожлигини беркитади, пасткаш ғийбатчининг тилини кесади”. (*Ҳаким Абдул Қосим*)

\* \* \*

“Емагингни тоза тут, яъни шубҳали ва ҳаром нарсаларни ема. Кечалари нафл намоз ўқишга ва кундузлари нафл рўза тутишга масъул эмассан”.

388

\* \* \*

“Зухд (*зоҳидлик*) уч хил бўлади: зухди фарз – ҳаромдан зухд қилиш, зухди фазл – ҳалолдан зухд қилиш, зухди саломат – шубҳалардан зухд қилишдир”. (*Иброҳим Адҳам*)

\* \* \*

“Бойликнинг яхшиси ҳалолдан топилгани ва савобли ишлар учун сарф этилганидир. Бойликнинг ёмони ҳаромдан топилгани ва ҳаром ишлар учун сарф этилганидир”. (*Муҳаммад Зеҳний*)

\* \* \*

Иброҳим Адҳам ҳазратлари бир куни “Байтул муқаддас ходимлари мени масжиддан чиқаришмасин”, деб бўйрага ўралдилар. Ярим кечада масжид эшиги очилиб, бир пир ичкари кирдилар. Мехробга ўтиб, икки ракаат намоз ўқидилар. Яна қирқ киши кириб келди. Биттаси: “Бу ерда бир киши ётибдир, биздан эмасдир”, деди. Пир кулимсираб, “Адҳам ўғлидир. Қирқ кундирки, ул ўқиган намозининг тотини билмас”, деган эдилар, Иброҳим бин Адҳам бўйрадан чиқиб, пирнинг хузурига салом бериб бордилар. Бу ҳолатининг сабабини не эканини Аллоҳ таоло ризоси учун айтмоқларини сўрадилар. Пир дедиларки: “Фалон куни хурмо

олаётиб, ердаги бир хурмо сеники бўлмагани ҳолда, меники, деб олиб единг – сабаб шудир”. Шу жавобни олгани ҳамон хурмофурушга бориб, ҳалоллик тиладилар. Дўкон соҳиби унинг сўзларини эшитиб, бир фарёд кўтарди. Дўконини ташлаб, тарк этиб, дарвишлардан бўлди.

\* \* \*

Ҳазрати шайх Аҳмад Ҳарб уйига Нишопурнинг улуғлари келдилар. Шайхнинг бир ўғиллари бор эди. Сархуш бўлиб келиб, баланд овоз бериб, эшикдан кирди. Отасидан ва бу улуғлардан уялмади. Улуғларнинг ранглари ўзгарди. Шайх:

– Нечун малул бўлдингиз? – деб сўрадилар.

– Ўғлинг учун, – дедилар.

– Ул маъзурдир. Сабаби будирки, бир кеча қўшнидан таом келди, едик. Онаси билан суҳбат қилдик. Ўша кеча бу ўғлон она раҳмига тушди. Кейин мени шундоқ уйқу босдики, вазифам фавт бўлди. Тонг отганида сўрасак, бу таом талаб, зўрлик билан олинган ош экан. Бизга ҳаром аралашган таомдан берган эканлар.

\* \* \*

Ҳазрати шайх Абу Ҳозими Маданийдан сўрадилар:

– Биз нима билан нажот топгаймиз?

Дедилар:

– Ҳалоллик билан пул топиб, ҳалол жойга сарф этишдан. Бу дунёдан сақланингки, Фиръавн, Намруд ва Шаддоднинг сарқитидир. Бу дунёда қувонадиган ҳеч нарса йўқдир. Бу дунё карвонсаройга ўхшар: шом тушгач, карвон кўнар, тонг отгач, кўчар-кетар...

\* \* \*

“Ҳалол-покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир, бировга хиёнат у ёмонлик қиладиган киши эса ҳалокатга гирифтордир”.

\* \* \*

“Сотиб олган нарсангдан алданиб, молиявий зиён-зарар кўрувинг, келгусида кўрадиган зиёнларингдан анча енгил ва осонроқдир”.

\* \* \*

“Одамлар турли-туман бўладилар, афсуски, уларнинг аксари яти нопоқдирлар”. (Абулқосим Замахшарий)

\* \* \*

“Биров ҳаром лўқма билан тоату ибодат қилса, гарчи кечалари уйғоқ туриб, кундузлари рўза тутса-да, қабул бўлмас. Агар биров Аллоҳ таолодан қўрқиб, шубҳали нарсалардан



сакланса, юз карра Каъбага бориб Ҳаж қилганликнинг савоби-ни топар экан”.

(“Кифоятул Шаъбий”, “Ширъатул ислом”)

\*\*\*

“...бирова молини ақди фосид била ва бировнинг ризолиғи бирла олмоқ ҳаромдир, лекин ғазаб бирла, севиб олмоқ қаттиқ ҳаромдир. Ва агар етим ва камбағалдан олса яна азимроқ ҳаромдир. Агар ақди фосид бирла, риба – пора жиҳатдан бўлса, ашаддий ҳаромдир. Агарчи, ҳаромлик оти бу мазкурнинг ҳаммасида бордур ва лекин қайсики ҳаромроқдур, оқибатда анинг хатари зиёдроқдур. Ва афв умиди заъифроқ”. (“Кимийи саодат” китобидан)

\*\*\*

“Кишилар амалга оширолмаган ишларидан қайғурсалар, бунинг учун ҳисоб берадилар. Амалга оширган ишлари билан севинсалар, бу учун ҳам ҳисоб берадилар. Олдинги мусулмонлар ўзларига ҳалол бўлган нарсалардан ҳаром нарсалардан сақланганингиздан кўра яхшироқ тийилардилар. Сизнингча, зарарсиз деб қабул қилинган кўп нарсалар, улар наздида, ҳалок қилувчи ёмонликлар қаторида саналарди”.

(“Мукошафатул қулуб”дан)

390

\*\*\*

“Ҳалол йўл билан топганларингга қаноат қил. Ҳалол бўлмаган бирон нарсани ўзингга мол деб билма. Ҳалол молингни ва ҳалол топганингни ўз ўрнида сарфла. Шунда дунё севгиси сенга азоб бермайди”. (Абу Ҳозим)

\*\*\*

“Асаларилар ҳам ўз жинсидан бўлатуриб ишламай, уядаги асални бекорга еб ётадиганларини ўлдириб ташлайдилар”.

\*\*\*

“Неъматнинг қадри у йўқолгандагина билинади”.

(Абу Райҳон Беруний)

\*\*\*

“Ҳалоллик билан қилинмаган иш яхши бўлмас, ип калаваси ҳасса бўлмас”. (Алишер Навоий)

\*\*\*

“Молинг ҳаромдан йиғилган бўлса, аввалидан охиригача азобдир, агар ҳалоллик билан йиғилган бўлса, ҳисоб берилади”.

(Аҳмад Югнакий)

\* \* \*

Кўнгил Ҳақ файзига бўлсун десанг чок,  
Ки, аввал мартаба халқингни қил пок.

*(Агар кўнглингни Аллоҳ таолонинг илҳоми кириши учун очиқ қилай десанг, унинг биринчи шартни томоғингни буткул ҳаромдан пок қилмоғинг кераклигидир.)*

Ема зарра ҳаром оғушта нондин,  
Бўлур чоҳи нажас бир қатра қондин.

*(Бўғизни пок қилмоқлик аввал бошда ҳаром аралашган неъматларни емаслик билан бўлади. Агар еган неъматингда бир заррача ҳаром бўлса-да, ул таомни емаслик керак. Чунки, қудуққа бир томчи қон ёки хамр тушса, нажас қилар. Шунга ўхшаб кўп ибодатдан ҳосил қилган савобинг бир оз ҳаром қатишиган неъматдан ейиш билан йўққа чиқар.)*

Агар ош манҳий бўлса, кўз юмиб ош,  
Ва гар на, тонгла қорнингдин чиқар тош.

*(Агар емоқчи бўлганинг бир неъматда ҳаром нарсалар бўлса, кўзингни юмиб ундан ўт, унга қарама, уни ейишга майл қилма. Агар шундай қилмасанг, Қиёматда қорнингдан тош чиқар. Яъни, турли азобларга гиритфор бўлурсан)*

Эрур хардалча манҳий захри қотил,  
Қилур бир қатраси хум сувни ботил.

*(Агар ҳаром нарса қалампир уруғичалик кичик ва кам бўлса-да, уни ўлдиргувчи оғу деб билгил. Яъни, оз ҳаром кўп ибодатларнинг савобини бузар. Шунга ўхшаш бир томчи май бир хум сувни нажасу ботил қилади)*

Бу меҳнат бирла топсанг парча нон,  
Кишининг миннатидан улдур осон. *(Сўфи Оллоёр)*

\* \* \*

“Агар киши ҳалол меҳнат қилса, ҳамиша яхшироқ меҳнат қилишга интилса, эртами-кечми у шон-шуҳрат қозонади”.

*(Поль Лафарг)*

\* \* \*

“Халқ порахўр раҳбарнинг юзига тупуради. Лекин бу раҳбар билан халқнинг ўртасида ҳукумат столи бор. Баъзан тупук порахўрнинг юзига етиб бормай, ўша табаррук столга тушади”.

*(Абдулла Қаҳҳор)*

\* \* \*

“Пора – бир аёл кабидир, ёши ўтиброқ қолган бўлса-да, жозибаси билан ўзига тортаверади”.

\* \* \*

“Доимий ташвиш, меҳнат, кураш, йўқчилик, бу зарурий шарт-шароитлардир, лоақал биронта одам ҳам булар ҳақида ўйлашдан ўзини бир дақиқа ҳам четга олмаслиги керак... Ҳалол яшамок учун интилмоқ, адашмоқ, уринмоқ, янглишмоқ, нима-нидир бошламоқ ва ташлаб қўймоқ ва яна бошлаб, яна ташлаб қўймоқ, доимо курашмоқ ва йўқчиликка чидамоқ керак. Хотир-жамлик – руҳий пасткашлиқдир”. (*Л. Толстой*)

\* \* \*

“Ақлнинг ҳалоллиги ҳақиқат олдида чекинмай, унга интилиш, ҳар қанча қийин бўлганда ҳам уни топиш, енгил, қулай, ярим-ёрти хулосалар, ҳақоратли сохтагарчиликлардан жирканишдадир. Мустақил изланиш, ҳукм чиқариш ва ўзича ҳал эта олиш журъатига эга бўлишдадир. Мустақил фикрлаш журъатидадир. Инсон бўлишлиқдадир”. (*Р. Роллан*)

\* \* \*

“Ҳамма одамлар аслида бир хил, дунёга келишлари ҳам бир хил, фақат табиатан ҳалол одамнинггина номи баланд”. (*Сенека*)

\* \* \*

392 “Ўзингга юкланган вазифаларни бажаришда ўз кучингга кўпам ишонаверма, унинг самарали бўлиши сенга боғлиқ эмас, шубҳали ишларни яхши яқунланишига умид боғлама, ҳаётинг давомида қилаётган ҳалол ишларинг қандай яқун топиши ҳам номаълум”.

\* \* \*

“Илм-фан ва санъат ютуқларининг ахлоқ ва ҳалолликка таъсири, тунги ёритқичимизнинг уммон суви кўтарилиб ва пасайиб туришига таъсиридан кам эмас”. (*Ж. Ж. Руссо*)

\* \* \*

“Узоқ шармандали умрдан кўра, қисқа, ҳалол умрни ҳамиша афзал кўр”. (*Эпиктет*)

\* \* \*

“Бир умр бахтли бўлишни истасанг – ҳалол одам бўл”. (*Т. Фуллер*)

\* \* \*

“Ҳалол бўлмоқлик учун кўнгил мурувватига доно ақлни ҳам уйғунлаштирмоқ даркор. Кимдаки табиатнинг бу икки инъоми бирга қўшилган экан, у ҳамиша ижтимоий манфаат чироғини ўзига раҳнамо деб билади”.



\*\*\*

“Агар ҳалол иш тутаман десанг, кўпчилик манфаатини кўзла ва фақат унга эътиқод қил. Шахсий манфаат кўпинча янглишти-ради”. (К. Гелвеций)

\*\*\*

“Ҳар бир инсон учун ҳалоллик – кўпчилик бахт-саодати учун яшаш, умум иши учун шахсий манфаатдан ҳам кечиш деган сўз”.  
(Н. Огарёв)

\*\*\*

“Виждонли ва виждонсиз одамни нима қилгани билангина эмас, нимани исташи билан ҳам билса бўлади” (Демокрит)

\*\*\*

“Агар одам ҳалолликдан юз ўгирса, шу қадар беҳисоб ярамас иллатларга берилиб кетадики, оқибат-натижада ҳаётнинг нопок йўлларида юришга одатланиб қолади”.

\*\*\*

“Халқ бахт-саодатининг умум масалалари хусусидаги муайян тушунчалар билан мустаҳкамланмаган, фақат шахсий ишларда-ги ҳалоллик жамиятга ниҳоятда кам манфаат келтиради”.  
(Н. Чернишевский)

\*\*\*

“Ҳалоллик нима? Ҳалоллик рўйи-рост, самимий муносабат бўлса, виждонсизлик пинҳоний, яширинча муносабатдир”.

\*\*\*

“Бизнинг ҳалолигимиз ўзимиз ва ўзгаларга нисбатан ҳамيشа қат-тиқ талабчанлигимиздан иборат бўлмоғи лозим”.  
(А. Макаренко)

\*\*\*

“Муттаҳамларнинг шунинг учун ошиғи олчики, улар ҳалол одамларга муттаҳамларча муносабат қилганлари ҳолда, ҳалол одамлар эса ҳалол одамларга қандай муносабатда бўлсалар, муттаҳамларга ҳам шундай муносабатда бўладилар”.

\*\*\*

“Ҳалол одамларнинг шундай бир бемаъни одатлари борки, улар юзсизларча, сурбетларча муттаҳамгарчилик қаршисида ҳам-иша орланиб, ерга қараб қоладилар”. (В. Белинский)

\* \* \*

“Агар муттаҳамлар ҳалолликнинг барча эзгуликларини билганларида эди, улар шу ерда ҳам манфаат чиқариб қолиш учун разилликдан тийилган бўлур эдилар”.

\* \* \*

“Ҳақиқий мурувватдан ҳам ўтадиган ҳалоллик бўлмаса керак”. (Б. Франклин)

\* \* \*

“Миянгагини шартта айтишга тайёр турсанг, муттаҳам сендан қочади”. (У. Блейк)

\* \* \*

“Нафратлана билиш ҳар бир ҳалол одамнинг энг муҳим қуроли”. (Ж. Лоуэлл)

\* \* \*

“Ҳозирги кунларда бирор киши тўғрисида “хўп яшашни билди”, десалар, одатда, унинг анча-мунча қўли эгрилигини назарда тутиб гапирадилар”. (С. Галифакс)

\* \* \*

“Фойда қанча ноқонуний бўлса, инсон шунча унга қизиқади”. (О. Бальзак)

\* \* \*

“Одам қанчалик ақлли ва эпчил бўлса, ҳалоллигини йўқотиши билан шу қадар бадхоҳ, адоватчи бўлиб қолади”. (Цицерон)

\* \* \*

“Ўзи ўзидан чиндан ҳам ҳалолманми, дея сўрайдиган одамгина чинакам ҳалолдир”. (Плавт)

\* \* \*

“Ҳалол одам учун энг оғир ҳақорат уни ноҳалолликда гумон қилишдир”. (В. Шекспир)

\* \* \*

“Ҳалол одамни таъқиб этиш мумкин, аммо уни бадном қилиб бўлмайди”. (Ф. Волтер)

\* \* \*

“Ўтмишда қароқчи ва савдогар моҳиятан жуда ўхшаш бўлган. Ҳатто ҳозир ҳам тижорат одоби такомиллашган қароқчи одобидан бошқа нарса эмас”. (Ф. Ницше)

\* \* \*

“Иш вақтида айёр, ош вақтида тайёр бўлиб, сиртинг ялтираб, ичинг қалтираб туриб, тирикман дегандан кўра ўлган афзал”.

\* \* \*

“Май ичиш – Ҳақ ҳукми билан ман этилган... Ичкилик “яра-масликлар онасидир”, унга берилишга шу хислати боисдир. Каттиқ ичувчи ичкиликка мағлуброқ; унинг ҳар қанча ёмонлиги кўриниб турса ҳам, ичувчига севимлироқ.

Бадмаст одам учун сурункасига ичишдан не фойда? Одамлиликни йўқотиш учун қадаҳ-қадаҳ заҳар ичиш қандай қоида? Ҳар қултумдан сўнг бадмастларнинг қиладиган ҳиргойилари телба итлар акиллашидан нишона. Мастлар орасида бўлган ҳушёр – ҳушёрлар орасидаги маст билан барабар”.

\* \* \*

“Майнинг бир неча қултумини баданингга киритиб, ундан бир-икки қатрани чиқазиб ташлама. У қултум ташвиши билан роҳатингдан айрилиб, у қатранинг ҳуружидан бало дарёсига ботма. У қултум дин ва иймоннинг уйини йиқувчи бало серобидир. У қатра ранж-кулфатдирки, у билан ҳаётнинг нақди – жонинг чиқар. Ахир, баданинг қутчасидан қатра-қатра дурларни тўкиш билан, у қутини гавҳардан бўшатасан, жисм шишасига у қултумлар учун йўл очасан. Бу билан нафсу ҳаво қурбони бўласан. У қултум фасодга ўхшаган бир моддадирки, уни танингга яқинлатма: у қатра ҳаёт нақдидирки, ундан воз кечма. Май ичиш билан шайтоннинг истагини юзага чиқазган бўласан... Май ичмоқ – жигар қонин ичмоқдир; май ичиш билан заҳар ютма; жонинг нақдинасини сочиш билан наслинг тухумини қуритма!”

\* \* \*

“Шароб, уни ичадиган кишида, тўрт сифатни юзага чиқаради. Аввало киши товусга ўхшаб қолади – у гердаяди, унинг ҳаракатлари мулойим ва улуғвор. Шундан кейин маймун феълини ўзида намоён этади ва ҳамма билан ҳазил-мазаҳ қилади ва ўйнашади. Сўнгра у арслонга ўхшаб қолади ва ўз-ўзига ишонган, мағрур, ўз кучига ишонч ҳосил қилган бўлади. Лекин охир оқибатда чўчкага айланади ва унга ўхшаб лойга булғаниб ётади”.

\* \* \*

“Ичмаганингда, сенга фойда бўлади... Кишиларнинг таъна надоматидан ва беақл кишиларнинг хулқ-атвори ва одатларидан қутуласан ва ёмон ишлардан халос бўласан”. (Кайковус)



\* \* \*

“Ичкиликка рўжу қўйган аёллардан туғилган болалар ўз она-ларига ўхшаган бўладилар”. (*Арасту ҳаким*)

\* \* \*

“Нодонлар ичкилик ичганда маст бўладилар, бахтсизликда эса – ақл-хушдан ажраладилар”.

\* \* \*

“Маст одамдан қандай қилиб ичкиликни ташлаш йўлини сўрамоқчимисан? Унинг учун мен жавоб бераман: мастликда қилган ишларини кўпроқ ўйлаб қўйсин”. (*Пифагор*)

\* \* \*

“Майхўрлиги туфайли одам кўпинча ўзига ўзи ашаддий душманлик қилади”. (*Цицерон*)

\* \* \*

“Кўзгу киши юзини акс эттирганидек, мастлик унинг руҳий башарасини очиб кўрсатади”. (*Эсхил*)

\* \* \*

“Чанқоғини сув билан эмас, ичкилик билан қондирган одам хайвондан ҳам бешбаттар”. (*Диоген*)

\* \* \*

“Менинг назаримда, ичкиликбозлик қолган барча гуноҳлар ичида, айниқса энг кўполи ва пасткашидек туюлади”. (*М. Монтен*)

\* \* \*

“Қанчадан қанча зўр ишлар ва ҳатто қанчадан қанча ажойиб одамлар майхўрлик қурбони бўлиб кетганлар”.

\* \* \*

“Бошқалар томонидан йўқ қилинган кишилардан кўра ўзини ўзи йўқ қилган майхўрларнинг сони анча-мунча кўп”. (*Ж. Леббок*)

\* \* \*

“Афсуски, ўз хатоларимиздан олган сабоқларимиздан фойдалана оладиган даражада кўп яшамаймиз”. (*Ж. Лабрюйер*)

\* \* \*

“Майхўрликка берилиш яхши фазилатларга эшикни берки-тиб, жуда кўп иллатларга уни очиб беради”. (*В. Максим*)

\* \* \*

“Кўпгина ёвузликларнинг сабаби май шишаси тагида ётади”.  
(И. Вазов)

\* \* \*

“Ичкиликбозлик – ваҳшийлик оқибати бўлиб, қадим ва ёввойи ўтмишдан бошлаб инсониятни ғиппа бўғиб келмоқда, одамзоднинг энг яхши намояндаларининг ёшлигини ғажиб, кучини созуриб, қувватини сўриб, ҳалокатга учратиб, инсониятдан мудҳиш хирож довлаб келмоқда”.

\* \* \*

“Муваффақиятсизликка учраган пайтимизда, бўшашган пайтимизда, чарчаган пайтимизда доимо бизга ичкилик қўл чўзади. Лекин унинг ваъдалари пучдир: у куч бағишлайман дейди-ю, аммо алдайди, кўнгилни кўтараман, дейди-ю, аммо бу ҳам сохта”.

\* \* \*

“Бир қадаҳ – ичкиликнинг бошланиши, ўртаси эса – ичадиган улфатларга қўшилиб, муқим ширакайф юриш, таом олдидан икки қадаҳдан отиб олиш, охири – маст ҳолда одам ўлдириб ёки ўғирлаб қамоқхонага ёинки жиннихонага ёки арзимаган дардга чалиниб гўрга тушиш билан тугайди”.

\* \* \*

“Ақлий меҳнатдан толиққан қанча-қанча кишилар ва қанчадан қанча қора ишчилар ичкилик домига илиниб, ўзларини ўлимга олиб борувчи мудҳиш йўлга кирадилар”.

\* \* \*

“Маст одам соғлик пайтида етти ухлаб тушига кирмаган ёмон ишларни қилишга ҳам қодир”.

\* \* \*

“Ёшларнинг кўпчилик қисми ичкиликбозликка шу қадар беғонаки, спиртли ичимликларнинг бор-йўқлиги ҳам уларга унча сезилмайди. Ўсмирлар қачонлардир ўтмиш вақтларда одамлар майхоналарга қатнаганини китоблардан ўқиб биладилар ва бу нарса қўтослар жанги ва алвастиларни ўтда ёндириш каби уларга жуда эриш одат бўлиб туюлади”.

(Ж. Лондон)

\* \* \*

“Ичкилик ичиш инсониятга, гарчи у хурсандлик учун ичилса ҳам, шодликдан кўра кўпроқ мусибат келтиради. Қанчадан-қан-

ча истъедодли ва забардаст одамлар ичкилик туфайли нобуд бўлдилар ва нобуд бўлмоқдалар”. (И. Павлов)

\* \* \*

“Ҳар қандай ҳужум ва жинойтлар ҳам халқни ва халқ бойликларини ичкиликбозликдек қийратмайди”. (Ф. Бэкон)

\* \* \*

“Ичкиликбозлик инсон, жамият ва давлатнинг энг ёмон душманидир”. (П. Ковалевский)

\* \* \*

“Ичкиликбозлик шундай бир ижтимоий ёвузликки, уни баҳолаш ҳам қийин”. (В. Бехтеров)

\* \* \*

“Ичкиликка муккасидан кетган одам номус, урф-одат ва мулозаматларга ёмон муносабатда бўлади, маънавий тўқнашувларга, ўз оиласининг хонавайрон бўлиши, қўни-қўшниларининг нафратига бефарқ қарайди; у раҳмсиз, худбин ва сурбетга айланади”. (Р. Крафт-Эбинг)

\* \* \*

398 “Биз бир-биримизнинг саломатлигимиз учун ичиб, шахсий соғлиғимизни йўқотамиз”. (Жером К. Жером)

\* \* \*

“Майхўрлик нафосатни ўлдиради, май ёшликни қисқартиради”. (Гораций)

\* \* \*

“Барча иллатлар ичида ичкиликбозлик, айниқса, киши руҳи улуғворлигига доғ бўлиб тушади”. (В. Скотт)

\* \* \*

“Ичкилик одамларнинг жисмоний соғлиғини нобуд қилади, ақлий қобилятини нобуд қилади, оила ҳаловатини нобуд қилади ва энг даҳшатлиси, одамларнинг қалбини ва уларнинг авлодини нобуд қилади”.

\* \* \*

“Майхўр одам ақлий жиҳатдан ҳам, ахлоқий жиҳатдан ҳам ҳеч қачон олдинга қараб юрмайди”.

\* \* \*

“Спирт анатомик препаратларни қотиргани каби, ичкиликбознинг қалби ва ақлини ҳам қотириб қўяди”.



\* \* \*

“Кишилар ичкилик ичиб, янада баттар кўполлашиб, тен-таклашиб ва бераҳмлашиб борадилар”... “Ўғри ва қотил камдан-кам ҳолларда ўз ишини ҳушёр пайтида қилади”.

\* \* \*

“Инсониятга доғ бўлиб тушувчи жиноятларнинг ўндан тўққиз қисми ичкилик кистови билан қилинади”.

\* \* \*

“Аслида киши ҳаёти учун энг зарури ақлга ўхшайди-ю, шунга қарамай кўпгина одамлар ўз ҳузурларини ўйлаб шу ақлни тамаки, вино, ароқ билан заҳарлашдан ҳам тоймайдилар”.

\* \* \*

“Агар одамлар ичкиликдан ақлларини йўқотиб, ўзларини заҳарламаганларида эди, ҳаётимизда нақадар тотли ўзгаришлар юз беришини тасаввур этиш ҳам қийин”.

\* \* \*

“Ақлимиз ва виждонимиз биздан ичкилик ичмаслик ва ичирмасликни қатъиян талаб этади”.

\* \* \*

“Чекиш ва ичишни ташлаш жуда қийин, деган тасаввур сохтадир, бу фикрга бўйин эгмаслик керак”.

\* \* \*

“Одам ичишга имконияти бўлмай қолганда эмас, балки шундоқ хонасида, рўпарагинасида ичкилик тургани, унинг ҳидини сезгани ва сал қўлини чўзса олиши мумкин бўлгани ҳолда уни ичмасагина ичкиликни ташлайди”.

\* \* \*

“Киши ичишни ва чекишни ташласа, барча ҳаёт ҳодисаларини унга янгитдан очиб берувчи ақлий тиниқлик ва босиқ дунёқарашга эга бўлади”.

\* \* \*

“Агар одамлар ароқдан, винодан, тамакидан, афюндан ақлларини йўқотиб, ўзларини заҳарламаганларида эди, бутун одамзод ҳаётида қанчалар ҳаётбахш ўзгаришлар юз беришини тасаввур этиш ҳам қийин”.

(Л. Толстой)

\* \* \*

“Анави киши мастликдан қалтираб қолган кўллари билан стакандан нима ичаётганини биласизми? У хотини ва болаларининг кўз ёши, қони ва ҳаётини сипқоряпти”. (Ф. Ламенне)

\* \* \*

“Эр қанча кўп ичса, хотини ва болалари шунча кўп кўз ёши тўккан, дейиш мумкин”. (Н. Семашко)

\* \* \*

“Спиртли ичимликлар ишлаб чиқаришнинг тобора кўпайиши ва арзонлашуви натижасида ичишга одатланиб қолиш оилавий ҳаётга путур етказди”.

\* \* \*

“Ичкиликбозлик одамзод истиқболининг энг ашаддий душманидир”. (А. Форель)

\* \* \*

“Зерикиш шишадан – ўйин-кулгини, қўрқоқлик – журъатни, ландовурлик – қатъиятни, ғам эса қувончни излайди-ю, охири ўз ҳалокатини топади”. (Б. Жонсон)

400

\* \* \*

“Ароқ ўзи оқ, аммо бурунни қизартириб, обрўни қора қилади”. (А. Чехов)

\* \* \*

“Ичкилик одамни гаранг қилади, ҳамма насани унуттириб, сохта хурсандчиликка бошлайди, жазавага солади; киши қанчалик саёз, қанчалик ўз қобиғига ўралиб қолган бўлса, бу гаранглик ва жазава унга шунчалик ёқади”. (А. Герцен)

\* \* \*

“Ичкилик кишини ҳайвонга айлантириб, ваҳшийлаштиради, уни бешафқат қилиб, яхши фикрлардан чалғитади, мияни ўт-маслаштиради”. (Ф. Достоевский)

\* \* \*

“Маст одам – одам эмас, чунки у инсонни ҳайвондан ажратиб турувчи – ақлини йўқотган”. (Т. Пэн)

\* \* \*

“Мастлик маълум вақтгача бўлса ҳам кишини тубанлаштиради, ақлдан оздиради ва бора-бора уни ҳайвонга айлантиради”.

(Ж. Руссо)

\* \* \*

“Маданиятли кишилар ҳам мастликда ўз қиёфаларини йўқотиб, инсонгарчиликдан чиқадилар”. (Ж. Верн)

\* \* \*

“Биринчи қадаҳ чанқоқни босиш учун, иккинчиси – хурсандчилик, учинчиси – кайф қилиб хузурланиш, тўртинчиси эса – ақлдан озиш учун ичилади”. (Анахарсис)

\* \* \*

“Мастлик ғирт ақлсизлик, у бизни истеъдодларимиздан махрум этади”. (Солон)

\* \* \*

“Зиғирдек ичкилик ҳам ҳаётбахш фикрларнинг йўлини тўсади, у туғилган пайтдаёқ йўқ қилади”. (Г. Гельмгольц)

\* \* \*

“Ақлни камайтиришнинг энг нақд воситаси ичкиликдир”.  
(В. Даниловский)

\* \* \*

“Ичган киши сир сақлай олмайди ва ваъдасига вафо ҳам қилмайди”. (М. Сервантес)

\* \* \*

“Ичкилик телба одамни ҳам, донони ҳам бирдай енгилтак қилиб қўяди”. (Феогнид)

\* \* \*

“Мастлик ва маданият – муз ва оловдек, нур ва зулматдек ўзаро бир-бирига мутлақо қарама-қарши тушунчалардир... Мастлик ва жисмоний тарбия бир-бирига ётдир”. (Н. Семашко)

\* \* \*

“Мен ҳеч қачон дунёда чарчоқни ёзиш, фикримни ойдинлаштириш учун ичкиликка ошно бўлишни истамас эдим”.  
(Т. Гексли)

\* \* \*

“Маст одам манфур ҳайвондан ҳам баттар бўлса, бу ҳамманинг айби”. (К. Паустовский)

\* \* \*

“Ҳамма ҳам ейди, ичади, аммо фақат ёввойиларгина хурмасига ортиқча ичиб, бўкиб қолгунча ейди”. (В. Белинский)



\* \* \*

“Ҳар қандай бақувват гавдани ҳам ичкилик емириб ташлайди”. (*Плутарх*)

\* \* \*

“Майхўр одам ҳеч қачон ўз саломатлигининг гаштини суролмайди ва узоқ умр ҳам кўролмайди”. (*А. Нелюбин*)

\* \* \*

“Ичкилик спирти кучга куч қўшолмайди, қайтага бўшаштиради, дилни, вужудни ва характерни ёшартирмайди, қайтага қарилади ва ақлни сусайтиради”. (*Р. Кох*)

\* \* \*

“Ичкилик таъсиридан пайдо бўладиган ҳаммага маълум қизиллик – аслида қон томирчаларининг фалаж бўлишидан бошқа нарса эмас”. (*Г. Бунге*)

\* \* \*

“Майхўрлик зарарлидир, у жигар ва мия фаолиятини бузади, асабни бўшаштириб, асаб касаллиги ва бевақт ўлимга олиб келади”. (*Абу Али ибн Сино*)

\* \* \*

“Ичкилик тана аъзоларини емириб, унинг юқумли касалликларига бардош бериш қувватини олиб қўяди”.

\* \* \*

“Болалардаги нимжонлик ва касалмандликнинг сабаби ичкиликбозликдир”. (*Гиппократ*)

\* \* \*

“Ичкилик инсон соғлигига фақат танани заҳарлаши билангина путур етказиб қўя қолмайди; у ичкиликбоз одамни бошқа ҳар турли хасталикларга мойиллаштириб қўяди”.

\* \* \*

“Қўли қалтирайдиган, хиралашган кўзи билан зўрға кўрадиган, ёмон эшитадиган, нафас сиқишидан ҳарсиллайдиган ичкиликбознинг қилган иши нима бўларди”. (*Н. Семашко*)

\* \* \*

“Ичмайдиганларга нисбатан ичувчиларда ҳар қандай касаллик ҳам оғир ва хатарли ўтади... Ичкилик ҳар қандай хавfli юқумли касалликлардан ҳам кўра кўпроқ одамларнинг ёстигини қуритади”.

\* \* \*

“Ичкиликбозлик ва жиноят – туғишган оға-сингил эканлиги врачлар ва криминалистлар томонидан аллақачонлароқ исботланган”. (К. Бэр)

\* \* \*

“Одамлар вабодан кўрқишади-ю, аммо ичкилик ундан ҳам бешбаттар”. (О. Бальзак)

\* \* \*

“Барча юқумли касалликларни кўшиб ҳисоблаганда ҳам инсониятнинг ичкиликдан нобуд бўлган қисми кўплик қилади”. (Ж. Рошар)

\* \* \*

“Ичкиликбозлик уч тарихий мусибат: очлик, вабо ва урушдан ҳам кўра кўпроқ вайронагарчилик келтиради”. (В. Гладстон)

\* \* \*

“Ичкиликни сунистеъмол қилиш – ёмон шиш касалликлари (рак) келиб чиқишининг бир сабаби бўлиши мумкин”. (А. Богомолец)

\* \* \*

“Шишада мен даҳшатли манзарани кўраман, у шиша ичидаги нарсадан келиб чиқади: назаримда, илмий табиёт музейидаги шишачада беўхшов чаёнлар, илонлар ва муртакларни кўриб турганга ўхшайман”. (Г. Гейне)

\* \* \*

“Ичкиликбозлик киши ўлгани билан тугамайди; у ғоят беҳисоб ва турли-туман йўллар орқали авлодларга ўтаверади”. (А. Фурнье)

\* \* \*

“Ичкиликбозлар ўз уруғ-авлодларига турли хил оғир хасталикларни инъом этиб қолдирадилар, улар ичидаги энг ёмони руҳий касалликдир”. (В. Канел)

\* \* \*

“Кўпгина тентак ва ақли заифлар ичкиликка берилган оналардан туғиладилар”. (Ф. Бэкон)

\* \* \*

“Одамни тентак қиламан, десанг, унга муттасил ичкилик ичиришдан бошқа тузукроқ йўл йўқ”. (Э. Крапелин)

\* \* \*

“Кимки ичса, у тубанлик йўлига кирган бўлади”. (Ж. Чосер)

\* \* \*

“Ичкиликбозлик бузуклик анқиб турувчи қиморхонага, порахўрликка, камомадга, чидаб бўлмайдиган жинсий бебошликка ва зўравонликка йўл кўрсатиб берувчи нурсиз нишондир”.

*(Е. Ярославский)*

\* \* \*

“Ичкиликбозлик ва жиноят ижтимоий ҳаётнинг бир-бири билан доимо узвий боғланган икки ҳодисасидир”.

*(И. Мержевский)*

\* \* \*

“Бугунги кунда барча тузумларнинг жиноятларини ҳам, безорининг хириллашини ҳам, турмушдаги доғларни ҳам фақат қанча пиво ва ароқ ичилгани билан ўлчайсан”.

*(В. Маяковский)*

\* \* \*

“Ҳамма ичган ичкиликбоз эмас. Аммо ичкиликнинг хусусияти шундаки, уни ича бошлаган одам осонгина ичкиликбозга айланиб қолиши мумкин”. *(П. Ковалевский)*

\* \* \*

“Оз-оздан пинҳона ичиш доимий сархушликка айлана боради ва сурункали ичкиликбозликнинг барча оқибатларини бошга солади”. *(С. Корсаков)*

\* \* \*

“Агар ичимликдан сақланиш – арзимас бир қурбон ҳисобланса, бошқалар учуноқ шуни қилинг; агар оғир қурбон ҳисобланса, ўзингиз учуноқ шу қурбондан кечманг”. *(С. Мэй)*

\* \* \*

“Инсоният агар бу қадар сархуш бўлмаганда ақл бовар қилмас ютуқларни қўлга киритишга қурби етарди”.

\* \* \*

“Мен туни билан бош оғриғини келтириб чиқарувчи майхўрликка берилиб, кундузи ихраб юрадиган кишиларга ўхшашни сира-сира истамас эдим”. *(И. Гёте)*

\* \* \*

“Агар ҳаётингни ароқ билан суғормаганингда эди, у мудхиш кушқўнмас дарахтни ҳам бино қилмасди ва у ароқ таъсирида жирканч бир тарзда бу қадар шохлаб ҳам кетмас эди”.

*(А. Луначарский)*



\* \* \*

“Ичмаслик – ўчоққа ўтин, қозонга – гўшт, дастурхонга – нон, давлатга – даромад, ҳамёнга – пул, танга – куч, энгилга – кийим-бош, мияга – ақл, оилага фаровонлик бахш этади”. (Б. Франклин)

\* \* \*

“Ҳар бир чекувчи шуни билиб, эсида тутмоғи керакки, у бир ўзинигина эмас, бошқаларни ҳам заҳарлайди”. (Н. Семашко)

\* \* \*

“Ароқ ичманг, тамаки сўраб юрагингизни қийнаманг ва сиз Тициан умрини кўрасиз”. (И. Павлов)

\* \* \*

“Мен улғайганимдан бери ҳеч қачон ўзимда чекишга эҳтиёж сезмадим ва бу одатни ҳамиша ваҳшийлик, ифлослик ва кони зарар деб биламан”. (М. Ганди)

\* \* \*

“Ғам-ғуссани ичкиликдан бошқа барча йўл билан бартараф этиш мумкин”. (С. Жонсон)

\* \* \*

“Ичкиликбозлик” деб аталган ёвузлик жуда катта давлат аҳамиятига эга, чунки ичкиликбозлик кучайиши билан мамлакатда халқнинг жисмоний ва ақлий қуввати, меҳнат лаёқати ҳам пасаяди, дея қатъият билан айтиш мумкин, натижада мамлакатнинг иқтисодий кучи ва шу билан бирга унинг ахлоқи ҳам бўшашади, оқибатда жинойтлар сони кўпаяди”. (В. Бехтеров)

\* \* \*

“Аянчли тақдир осмондан тушмайди, у инсоннинг аҳмоқлигидан келиб чиқади”. (Л. Альберти)

\* \* \*

“Ичкиликка одатланишдан ўтиб тушувчи золим йўқ. Токи одам ўзининг ярамас одати фармойишларига қарши туролмас экан, у эркин бўла олмайди”.

\* \* \*

“Фаросатсизлигимиз ва иллатларимиз туфайли ҳаётимизни барбод этамиз-да, кейин унинг оқибатида келиб чиққан кулфатлардан нолишга тушамиз ва охири “бахтсизлик пешонада бор экан-да”, деб гапириб юрамиз”. (К. Боуви)

\* \* \*

“Ичкиликни ташлаб, ўз ҳаётини яхшилаб олишга шошилмаган одам дарё бўйида ўтириб сувнинг тугагини кутган тентакка ўхшайди”. (Гораций)

\* \* \*

“Спиртли ичкиликларни кўп истеъмол қиладиган миллатларда ўлим кўпайиб, туғилиш камайиб кетади. Ароқнинг мудҳиш оқибати миллат фаолиятини сусайтиради, жиноятларни авж олдиради, ижтимоий иллатлар ҳам кўпайиб кетади. Сархушлик натижасида кўплаб ҳалокатлар рўй беради. Касалманд болалар туғилади, шунингдек, ўлим кўпаяди. Ҳар бир инсон миллатини сақлаб қолишни ўйласа, ичкилик деб аталувчи захри қотилга қарши турмоғи лозим”. (Алфина Деброк)

\* \* \*

#### **Дониш аҳлининг меросидан:**

“Қозонингга меҳнат ҳосилидан бўлак ҳаром-ҳариш нарса тушмасин, билакс, уни истеъмол қилган фарзандларинг сенга бемехр, бемурувват бўладилар”.

\* \* \*

“Қарз – кишини хомуш қилувчи аёвсиз бир илон кабидир. Унинг захридан қарздор ҳам, қарз берувчи ҳам азият чекади”.

\* \* \*

“Ҳаётда кўп қийинчиликларни бошидан кечирган ва енгиб ўтган солиҳ инсон босиб ўтган йўлига қаралса, унинг поклигига ва ички дунёси гўзаллигига ишонч ҳосил қилиш мумкин”.

\* \* \*

“Инсон боласи ҳаётда ҳалол (пок) ва ҳаром (нопок) икки айри йўлга дуч келиб қолади. Улардан қайси бирини танлаш унинг ақлига, ирода кучига, виждон амрига боғлиқ бўлади”.

\* \* \*

“Ризқингни топиш учун яхши йўлларга отлан. Фойдани ҳалол йўл билан топ. Ҳаром йўллардан фойда топиш осон бўлса ҳам, охири азобдир”.

\* \* \*

“Ҳалол яшаганингни сезиб турсанг, ҳаёт нашъали ва осон туюлади”.

\* \* \*

“Халол ютукка эришиш кийин бўлса-да, унинг завқи тотли бўлади”.

\* \* \*

Ризқингни топиш учун яхши йўлларга отлан. Фойдани ҳалол йўл билан топ. Ҳаром йўллардан фойда топиш осон бўлса ҳам, охири азобдир”.

\* \* \*

“Ёмонлик эшиги ҳаром фойда билан очилади, яхшилик эшиги эса ҳалол фойда билан очилади”.

\* \* \*

“Ҳалол ҳам, ҳаром ҳам тугайди. Боқийлик эса шуларга қараб ё азоб беради ё роҳат”.

\* \* \*

“Ҳақни эшитмаслик ва ҳаромдан ҳазар қилмаслик ўлимни ҳали узоқ деб билишдан пайдо бўлади”.

\* \* \*

“Шароб ичган – заҳар ичгандир, ким хамр (*маст қилувчи барча ичимликлар*) сотишни ўзига ҳалол қилиб олса, тўнғиз гўштини ейишни ўзига ҳалол қилибди. Қорин ҳаром ичкилик билан тўлса, дунё муҳаббати устун келиб, гофилликда яшайди”.

\* \* \*

“Қудуқ ичига ичкиликдан (*масалан, ароқ*) бир томчи тушса, қудуқ сувини поклаш учун ташқарига чиқариб тўксалар, сув тўкилган ерда ўт-ўлан ўсиб чиқса, шу ўт-ўланларни еган қўйсигирнинг гўштини емайман”.

\* \* \*

Ресторан қоровули ичкарига кириб қолган итни ушлаб олиб, ураётган экан. Бечора итнинг вангиллашини эшитиб, бир одам эшикни очибди. Ит қоровулнинг қўлидан чиқиб қочибди. Шунда у киши дебди:

– Э биродар, сен итдан ранжима. Жониворнинг ақли йўқ, ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормай кириб қолган. Бизнинг эс-хушимиз жойида, шунинг учун бундай жойга кирмаймиз...



## ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН:

- \* Бир ҳаром луқма деб, минг ҳалол луқмани йўқотасан.
- \* Ҳалоллик бозорда сотилмас.
- \* Ҳалол меҳнат ҳаром томоқдан қутқазади.
- \* Виждондан бўлак ҳамма нарсани сув билан ювиб тозалаш мумкин.
- \* Туяга юк азоб беради, одамга виждон.
- \* Тўнинг ямоқ бўлса ҳам, дилинг ямоқ бўлмасин.
- \* Ҳалол меҳнат инсонни улуғлайди.
- \* Ҳалол иш – лаззатли емиш.
- \* Одамнинг ҳусни – инсоф, қалблар бўлсин доим соф.
- \* Ҳалол топган пулингга олиб есанг ошу нон,  
Шундагина иштаҳанг очилади бегумон.
- \* Ҳалол меҳнат ҳаётинг зийнатидир, асти ор этма!
- \* Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич.
- \* Уялишни билган оқ кўнгил бўлади.
- \* Ўғрининг чўнтаги тешик.
- \* Тўқсон тўққиз марта ҳалоллик қила туриб, бир марта ўғирлик қилсанг, барибир ўғрисан.
- \* Сук тўймас, ўғри бойимас.
- \* Ўйламай еган – оғримамай ўлар.
- \* Ўзинг топмаган молнинг қадри йўқ.
- \* Бели оғримаганнинг нон ейишига боқ.
- \* Бир деҳқон омов билан, етовлон чўмич билан.
- \* Зарни кўрган занжирини узар.
- \* Кўнгил тортган ош – ҳалол.
- \* Оқар сувнинг ҳароми йўқ.
- \* Оғзингдан чиққан тупрук ерга тушса, макруҳ.
- \* Оғиз еса, кўз уялар.
- \* Пора дўзах эшигин очар, ўзини билган ундан қочар.
- \* Пора еган пона ер.
- \* Пора канда бўлмаса, пароканда бўласан.
- \* Порахўр бойимас, ўғри койинмас.
- \* Порахўр беш қўлини оғзига тиқар.
- \* Порахўрнинг кўзи бешта, қўли – тўртта.
- \* Порахўрнинг тавбасидан қўрқ, муғомбирнинг – йиғисидан.
- \* Текин бўлса – мих ютади.
- \* Текин гўштнинг суяги бурун йиртар.
- \* Текин еган – кўзда тикан.
- \* Текин егунча – экиб е.
- \* Текин томоқ тиш синдирар.

- \* Текин томоқнинг таъми бошқа, еганларнинг боши қашқа.
- \* Текин томоқнинг тиканаги тиқилар.
- \* Текин топган мол ёмон, охири қўймас омон.
- \* Текинхўр соясида қўрқар.
- \* Текинхўрга тенг келма – қопади, ўз айбини пул билан ёпади.
- \* Тиканнинг захри ёмон, текинхўрнинг қахри ёмон.
- \* Халқ молини еган ҳалқумидан илинар.
- \* Шароб текин бўлса ҳамма ичар, текихўр виждонидан кечар.
- \* Экканда йўқ, тикканда йўқ – хирмонда ҳозир.
- \* Эшак Маккага бориб ҳалол бўлмас.
- \* Юлғич борнинг молин юлқар, йўқнинг номин булғар.
- \* Юлғич юлиб тўймас.
- \* Ҳалол ишла – ҳалол тишла.
- \* Ҳалол молнинг қулфи ўзида бўлар.
- \* Ҳалол пишиб чиқар, ҳаром тешиб чиқар.
- \* Ҳаром егин тўйгунча, калтак егин ўлгунча.
- \* Ҳаром иш тез қаритар.
- \* Ҳаром ҳаромни чақирар.
- \* Ҳаромдан келган – ҳаромга кетар.
- \* Ҳаромдан – минг танга, ҳалолдан – бир танга.
- \* Ҳаромзода буғдой кўрсатиб, арпа сотар.
- \* Ҳаромзода сувдан ҳолва пиширар.
- \* Ҳаромзоданинг қуйруғи – бир тутам.
- \* Манглай теринг билан топилган мол – танингга ҳалол.
- \* Ўроқда йўқ, машоқда йўқ – хирмонда ҳозир.
- \* Ишга чўлоқ, ошга қўноқ.
- \* Текинхўр ҳар ерда – этилар бурда-бурда.
- \* Текинни кўзламанг дўстларим, зинҳор,  
Текин емоқликнинг жазоси ҳам бор.
- \* Орамизда бир сарқит бор, унга излаймиз чора,  
Доим бузуқ йўл бошлар, унинг номидир – пора!
- \* Мастни урма, унинг ўзи йиқилади.
- \* Ичма дўстим, масхара бўлмайсан.
- \* Чиройли товус ўз парларини эҳтиёт қилар,  
Виждонли киши ўз шону-шарафини сақлар *(Хитой мақоли)*
- \* Бир кун маст бўлиб, ўн кун бошингни ушлаб қолма.  
*(Бенгал мақоли)*
- \* Мастга сўз айтиш қайтариб берилмайдиган қарзга ўхшайди.  
*(Вьетнам мақоли)*
- \* Шароб ҳам ақлу фаросат, ҳам яхшилиқни йўқотар.
- \* Ароққа салом бердингми, ақл билан хайрлаш” *(Грузин мақоли)*
- \* Девона қочгил, маст келди! *(Тожик мақоли)*

## ШАЙТОННИНГ ЭНГ ИШОНЧЛИ ҚУРОЛИ

“Нафси уни биродарини ўлдиришни яхши кўрсатди. Бас, уни ўлдирди. Шу сабабдан зиёнкорлардан бўлди”.

*(Қуръони Карим маъноларининг таржимаси, Моида сурасидан)*

\* \* \*

“Эй Муҳаммад), ҳавойи-нафсини ўзига “илоҳ” қилиб олган ва Аллоҳ уни (азалдан гумроҳ бўлишини) билган ҳолда йўлидан оздириб, қулоқ ва қалбини муҳраб, кўз олдига парда тортиб қўйган кимсани кўрдингизми? Бас, уни Аллоҳ адаштирганидан сўнг ким ҳидоят қила олур?! Ахир, бундан эслатма олмайсизларми?”. *(Жосия сурасидан)*

\* \* \*

“...ҳамда уларнинг (мушрикларнинг) ҳавойи нафсларига эргашманг”. *(Шўро сурасидан)*

\* \* \*

“Бас, сен нафс ҳавога эргашиб кетмагин! Акс ҳолда, у сени Аллоҳнинг йўлидан оздирур. Албатта, Аллоҳ йўлидан озадиган кимсалар учун ҳисоб кунини унутиб қўйганлари сабабли қаттиқ азоб бордир”. *(Сод сурасидан)*

### **Тафсир:**

“Оятда мавзуга баҳс бўлаётган кимса Аллоҳдан ҳеч бир ҳидоят ва ҳукми қабул қилмай, ўз нафсини дин қилиб олган иймонсиз кишидир”, дейди Ибн Аббос. Оятнинг тафсири бундай: у ҳавойи нафсига жуда итоаткор, нимага даъват этса, ўшанга эргашади. Аллоҳнинг китоби – Қуръонга амал қилмайди. Бамисоли у, шу турида ҳавойи нафсига ибодат қилаётгандай маънода. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.) Аллоҳга сиғиниб дедилар: “Ё Аллоҳ, ҳавойи нафсга берилишдан ва очкўзликдан сақла”. Яна у зот алайҳиссалом айтдилар: “Уч нарса ҳалокатли ва ёмон ҳислатдир: ҳавойи нафсга берилиш, очкўзлик, кишининг ўзини ўзи ёқтириши”. Ҳавойи нафс ҳалокатли ва ёмон иллатдир. Чунки барча саркашликлар ҳавойи нафсга эргашиши оқибатида юзага келади. Ҳавойи нафс кишини жаҳаннамнинг оташига судрайди. Аллоҳ азза ва жалла шундан асрасин, омийн! *(Абу Ҳомид Ғаззолий)*

\* \* \*

“Сиз ўзингизни эртаю кеч Парвардигорларининг Юзини – розилигини истаб, у Зотга дуо-илтижо қиладиган зотлар билан



бирга тутинг! Кўзларингиз ҳаёти дунё зийнатларини кўзлаб, улардан ўтиб, ўзга аҳли дунёларга боқмасин. Ва Биз томонимиздан қалби Бизни зикр этишдан ғофил этиб қўйилган, ҳавойи-нафсига эргашиш ва қилар иши исрофгарчилик бўлган кимсаларга итоат этманг!”. (Каҳф сурасидан)

\* \* \*

“Хабар беринг-чи, ким ҳавойи-нафсларини илоҳ қилиб олган бўлса, сиз унинг устидан вакил-қўриқчи бўлурмисиз?”. (Фурқон сурасидан)

\* \* \*

“Энди ким ҳаёти дунёдалик пайтида (Қиёмат куни маҳшаргоҳда) Парвардигорининг (хузурида) туриши (ва У Зотга ҳисоб-китоб бериши)дан қўрққан ва нафсини ҳавойи хоҳишлардан қайтарган бўлса, у ҳолда фақат жаннатгина (унинг учун) жой бўлур”. (Ван-Нозиот сурасидан)

\* \* \*

“Чунки нафс – агар Парвардигоримнинг ўзи раҳм қилмаса – албатта ёмонликка буюргувчидир”. (Юсуф сурасидан)

\* \* \*

“Аниқки, инсонни Биз яратганмиз, демак, унинг нафси вазваса қиладиган (яъни кўнглидан ўтган барча) нарсаларни ҳам билурмиз. Биз унга жон томиридан ҳам яқинроқдирмиз”.

(Қоф сурасидан)

\* \* \*

“Номаъи аъмолингни ўқи! Бугун ўз нафсинг ўзинга қарши етарли ҳисобчидир”. (Ал-Исро сурасидан)

\* \* \*

“Эй Одам фарзандлари, нафсларингни тавба ва яхши амал билан икром ва эҳтиром қилинглар. Бир куни эллик минг йилга тенг бўлган қиёмат келмасидан илгари мендан қўрқинглар ва амалларингни қилиб олинглар”. (Ҳадиси қудсийдан)

\* \* \*

“Менинг наздимда, нафсини синдириб тарбиялай олган киши ёлғиз ўзи бир шаҳарни босиб олган жангчидан ҳам кучлироқдир”. (Сулаймон алайҳиссалом)

\* \* \*

Аллоҳ Довуд алайҳиссаломга ваҳий йўли билан буюрган: “Эй Довуд! Асҳобингни нафсоний орзуларга эргашишдан эҳтиёт қил.

Нафсоний орзуларидан қочсинлар. Зеро, нафсоний орзулар асири бўлган қалбларнинг ақллари мени кўра олмайди. Ақлларини пардалаб қўяман”.

\* \* \*

Шарафли ҳадисларда Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

“Мужоҳид – Аллоҳга итоат йўлида нафси билан жиҳод қилган одамдир... Нафсингдан келаётган азобни ташлаб кет. Аллоҳга исён борасида нафсингга кулоқ солма. Қиёмат куни нафс сенга душманлик қилганида баъзи бир аъзоларинг баъзиларига лаънат айтади. Фақат Аллоҳ афв этса ва ҳимоясига олса, бирон нарса бўлмайди”.

\* \* \*

“Мўмин киши беш ёмонлик (ёки бало) ичидадир (яъни мўмин доим бешта бало-офатнинг қуршовида бўлади): мўмин биродари унга ҳасад қилади, мунофиқ уни ёмон кўради, кофир уни ўлдириш пайида бўлади, нафс унга қарши туради, шайтон уни йўлдан оздиради”.

### **Шарҳ:**

Мўмин кишининг фаришталардан афзаллигининг сабабларидан бири унинг беш душман ўртасида ғолиб туриб, иймонини муҳофаза этишидир. Биринчиси, иймони заиф бир мўмин Ҳақнинг тақсими-га рози бўлмай, бошқа бир мўмин биродари эришган неъматларга ҳасад қилади ва уни ранжитади. Ҳолбуки, ҳасад ҳасадгўйга ҳеч нарса беролмайди, аксинча, ундаги савобу яхшиликларни кетказади. Олов ўтинни ёндириб тугатгани каби, ҳасад солиқ амалларнинг савобларини маҳв этади, охиратда қўлига бир нарса кирмайди. Мўмин эса буларга сабр билан жавоб беради.

Мўминнинг иккинчи душмани – мунофиқдир. У ҳам мўмин учун бир бало, сўзини тингламайди, насиҳатларини қабул қилмайди; мўминга нисбатан нафрат ва ғазаби ҳар доим ошиб бораверади. Мўмин ҳам унга қарши курашаверади.

Буларнинг устига, учинчи душман кофир бўлиб, мўминнинг асосий рақибидир. Кофир доимо мўминга қарши курашади. Урушлар инсониятга катта фалокатлар ёғдириши маълум. Айниқса, бугунги урушлар. Шунинг учун тинимсиз ўқимоқ, шижоат кўрсатиб, бошқаларнинг асири бўлмаслик учун кеча-кундуз ҳаракат қилмоқ ва уларга бас кела оладиган даражада устиворликка эришмоқ ҳам иймонимиз тақозоси, ҳам Китобимиз ҳукмидир. Мусулмонлар бу хусусда масъулдирлар. Шу масъулиятни ҳис қилиб, диний илмларни ўрганиш баробарида дунёвий илмларни ҳам касб этиб, замонавий ҳарб жиҳозларини ишлаб чиқариш, аскарларни шижоатли, мато-

натли қилиб тарбиялаш, сабр билан ғалаба қозонгунга қадар курашиши мўминнинг вазифасидир.

Мўминнинг юқоридагилардан ҳам хавфлироқ бўлган яна бир душмани бор: у ўз НАФСИДир. Турли-туман ўйин, ҳийлалар билан мўминни йўлдан адаштиришига ва гуноҳлар томон етаклашга, имкони борича иймонини ҳам олишига ҳаракат қилувчи яширин, кўринмайдиган, лекин ислоҳ этиши мумкин бўлган **нафс** бор. Бошқа душманлар билан сулҳ тузиб, тинч яшаш мумкин, аммо буниси билан ҳеч қандай сулҳ тузиб бўлмайди. У етти бошли аждаҳодан ҳам баттар. Нафсини тарбия қилган мухтарам зотлар билан дўстлик қурилса, нафсни бирмунча ислоҳ қилиши мумкин бўлади. Турфа навли дарахтлар пайванд қилиниб, яхши бир нав ҳосил бўлганида, инсон табиатидаги яхшиликларни юзага чиқаришининг нега имкони бўлмасин? Инсоннинг бир муршиди комилга боғланиши, унга итоат этиши нафсига қарши бир қуролдир. Буни унутмаслик керак.

Бинобарин, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)га пайрав, издош бўлган инсонлар қисқа вақт мобайнида буюк бир қудрат ва салоҳият касб этиб, дунёга илм-маърифат тарқатдилар ва бундан кейин ҳам шундай бўлишига заррача шубҳамиз йўқ. Маълумки, нафснинг етти босқичи бор, дастлабки учтаси жуда таҳликали ва аянчлидир. Аллоҳ сақласин, инсон нафснинг биринчи ва иккинчи, ҳатто учинчи босқичида бўлган пайтида жони узилгудек бўлса, кейинги ҳаёти оғирдир. Чунки бу босқичларда нафс фақатгина ёмонликка майл этади ва ислоҳи ҳам мушкулдир.

Биринчи босқич “аммора” дейилади. Унинг иши фақат ёмонликка буюришидир. Бу мақомда тавбаю истиғфор билан тоат-ибодатда маҳкам турган инсон кейинги мақом – “лаввома” босқичига ўтади ва бунда бир даража юксалади. Аммо нафснинг истаги “аммора”да бўлади, фурсат топдим дегунча “аммора”га қайтади. Инсон бу босқичда ҳам нафсини енгса, “мулҳима”га ўтади. Бу мақомда нафс бир даража кўтарилса-да, ҳали ишонч йўқ. Чунки бунда ҳам у эски ҳолига интилади. Тизгинни бироз бўш қўйсангиз, дарҳол “лаввома”га, ундан эса “аммора”га ўтиб кетаверади. Агар “мулҳима”даги курашда инсон нафсининг жиловини тута билса, нафси “мутмаинна”га ўтади ва унда ҳаловат топади. Аммо барибир уни тинч қўйишмайди. Инсон умри давомида булар билан курашишига мажбур. Нафси бузуқлар, ҳақ-ҳуқуқни билмаганлар нафс асорати остида жон берадилар. Холбуки, нафснинг асоратида қолиш кофирлар асоратида қолишдан кўра хавфлироқдир. Оврупо ўлкаларида миллионлаб мўмин-мусулмонлар бор. У ерларда ҳар ким ибодатини хоҳлаганича қилаверади. Холбуки, инсон нафсининг асири бўлиб қолса, хоҳ Каъбада бўлсин, хоҳ Мадинаи мунавварада бўлсин, кофир ҳолида қолаверади. Ўзи асрасин!



Бешинчи душман эса кўз билан кўрилмас, қўл билан тутилмас шайтони лаъиндир. Ҳақ таоло унинг бизга душманлиги ҳақида Куръони каримда шундай марҳамат қилади: “Албатта, шайтон сизнинг очиқ душманингиздир”. (Ёсин сурасидан)

Шайтонни фақат Аллоҳ таолонинг зикри кўрқитади. Банда Аллоҳнинг зикри билан машғул экан, шайтон унинг ёнига яқинлаша олмайди. Уни Ҳақ йўлидан ҳам оздиролмайди. Аллоҳнинг зикридан ғофил бўлган бандаларни шайтон ўз тузоғига тезда илинтиради. Шундай экан, ҳар бир мўмин доимо Аллоҳнинг зикрида бўлмоқлиги нақадар буюк саодат!

(Муҳаммад Зоҳид Кўтқу ибн Иброҳим ал-Бурсавий)

\*\*\*

“Жаннат нафс севмаган, жаҳаннам эса нафс севган нарсалар билан ўралгандир”.

\*\*\*

“Ақли ва закий бўлган киши нафсини тизгинлаб, итоат остига олиб, охиратга ҳозирланган кишидир. Аҳмоқ эса нафсининг ҳар бир буюрганганини бажариб, ундан сўнгра “Аллоҳ – раҳимдур, ғафурдир, кечирар, арҳамар роҳимийндир” дея гумон ва умид қилади”.

\*\*\*

“Динингизнинг энг яхши томони иффат(нафсоний истақлардан сақланмоқ)дир. Амалларнинг энг каттаси иффат(нафсининг ҳавоий орзуларидан сақланиш)дир. Иффат соҳиби бўл (нафсининг ҳавоий истақларидан воз кеч), инсонларнинг Аллоҳга энг итоатлиси бўласан. Қаноатли бўл, кишиларнинг Аллоҳ неъматига энг кўп шукр қилувчиси бўласан”.

\*\*\*

“Кимки танҳо пайтларида Аллоҳга исён этишдан ўзини тия олувчи иффатга эга бўлмаса (яъни, ёлғиз ҳолатларида ҳавоий орзуларига бўйин эгмаслик уддасидан чиқолмаса), Аллоҳ унинг илмига аҳамият бермайди”.

\*\*\*

“Сенинг энг ҳавфли душманинг – шу икки елканг орасидаги нафсинг... Сен душманни ташқаридан излайсан, ҳа, ташқарида ҳам душманлар бор, аммо энг буюк душманинг – ичингдадир”.

\*\*\*

“Қалбларингизни очлик билан нурлантиринг, нафсингизга қарши жиҳод қилиб, уни тарбиялашда очликни ва ташналикни

қурол сифатида ишлатинг. Жаннат эшигини қоқишни очлик билан давом эттиринг”.

**Шарҳ:**

Аллоҳ буюрган ахлоқ асосларига мослашиши ва нафсининг завқу сафо орзусини синдириши учун нафсинг билан жаҳод қил! Оз ухла, оз сўйла. Беҳудага сўзламаслик, инсонларга ва бошқа жонзотларга озор етказмаслик ва кам емак нафсни ҳавойи истаклардан қайтаради. Оз ухлаган одам тўғри тушуниши малакасига эга бўлади. Камгап киши бир қатор офатлардан омон қолади. Инсонларга ва бошқа жонзотларга озор бермаган киши бир қатор мақсадларига етишади. Ейишни камайитирган киши нафсининг шаҳвоний истакларини қийналмай бартараф эта олади. Қорин тўйгунча ейиши қалбни сўқир қилади ва инсоний феъл-атворлар йўқолишига сабаб бўлади. Оз емак қалбга нур ато этади. Очкўзлик ва тўқлик эса кишини Аллоҳдан узоқлаштиради. Нафс ислоҳи учун у билан жанг қилган кишининг мукофоти жанг майдонидан душман билан урушганнинг мукофоти сингаридир. Аллоҳга муқарраб бўлмоқ учун нафсни очлик ва ташиналик билан тарбиялашга интилишдан гўзалроқ амал йўқ. Кимки меъдасини узлуксиз тўлатиб турса, маънавият оламига киролмайди, маънавиятдан завқ ололмайди ва ибодатнинг тотини ҳам ҳис қилмайди. Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ: “Мусулмон бўлганимдан бери ибодат завқини тотини учун тўйгунча овқат емадим. Яна Раббимга муқарраб бўлиши иштиёқида қонгунча сув ичмадим. Чунки кўп еган одам кўп ибодат қилолмайди. Тўйгунча таом ейилса, бадан оғирлашади, кўзни уйқу босади. Аъзолари кўп ибодат қилишини ният этса ҳам, бунинг уддасидан чиқолмайди, серуйқуликка мубтало бўлади”, деган. “Минҳожил обидин”да ҳам шундайдир. Луқмони ҳаким ўғлига насиҳат қилди: “Эй ўғлим! Кўп ухлама, кўп ема! Ким кўп ухлаб, кўп еса, қиёмат куни ҳисоб бериши оғир кечади ва ҳеч бир гўзал амали бўлмайди”. Пайғамбаримиз марҳамат қиладилар: “Тўйгунча еб-ичиб, қалбларингизни ўлдирманг! Қалб ниҳолга ўхшайди. Ниҳолга кўп сув берилганда қандай сарғайиб сўлса ва ўсишдан тўхтаса, шунга ўхшаш қалб ҳам ортиқча сувдан ўлади, бундай одамда тоза фикр ва инсоний феъл-атворлар қолмайди”.

(Яҳё ибн Муоз)

\* \* \*

“Ер юзидаги топиниладиган илоҳлардан Аллоҳнинг энг кўп нафратлангани – хою ҳавасдир”.

\* \* \*

“Шайтон инсоннинг қон томирларида айланиб юради. Унинг йўлини очлик билан тўсинг. Қиёмат куни Аллоҳга энг муқарраб бандалар кўпроқ оч ва ташна юрганлардир”.

Бешинчи душман эса кўз билан кўрилмас, қўл билан тутилмас шайтони лаъиндир. Ҳақ таоло унинг бизга душманлиги ҳақида Қуръони каримда шундай марҳамат қилади: “Албатта, шайтон сизнинг очиқ душманингиздир”. (Ёсин сурасидан)

Шайтонни фақат Аллоҳ таолонинг зикри қўрқитади. Банда Аллоҳнинг зикри билан машғул экан, шайтон унинг ёнига яқинлаша олмайди. Уни Ҳақ йўлидан ҳам оздира олмайди. Аллоҳнинг зикридан ғофил бўлган бандаларни шайтон ўз тузоғига тезда илтиради. Шундай экан, ҳар бир мўмин доимо Аллоҳнинг зикрида бўлмоқлиги нақадар буюк саодат!

(Муҳаммад Зоҳид Қўтқу ибн Иброҳим ал-Бурсавий)

\* \* \*

“Жаннат нафс севмаган, жаҳаннам эса нафс севган нарсалар билан ўралгандир”.

\* \* \*

“Ақлли ва закий бўлган киши нафсини тизгинлаб, итоат остига олиб, охиратга ҳозирланган кишидир. Аҳмоқ эса нафсининг ҳар бир буюрганини бажариб, ундан сўнгра “Аллоҳ – раҳимдур, ғафурдир, кечирар, архамар роҳимийндир” дея гумон ва умид қилади”.

\* \* \*

“Динингизнинг энг яхши томони иффат(нафсоний истаклардан сақланмоқ)дир. Амалларнинг энг каттаси иффат(нафсининг ҳавоий орзуларидан сақланиш)дир. Иффат соҳиби бўл (нафсининг ҳавоий истакларидан воз кеч), инсонларнинг Аллоҳга энг итоатлиси бўласан. Қаноатли бўл, кишиларнинг Аллоҳ неъматига энг кўп шукр қилувчиси бўласан”.

\* \* \*

“Кимки танҳо пайтларида Аллоҳга исён этишдан ўзини тия олувчи иффатга эга бўлмаса (яъни, ёлғиз ҳолатларида ҳавоий орзуларига бўйин эгмаслик урдасидан чиқолмаса), Аллоҳ унинг илмига аҳамият бермайди”.

\* \* \*

“Сенинг энг ҳавфли душманинг – шу икки елканг орасидаги нафсинг... Сен душманни ташқаридан излайсан, ҳа, ташқарида ҳам душманлар бор, аммо энг буюк душманинг – ичингдадир”.

\* \* \*

“Қалбларингизни очлик билан нурлантиринг, нафсингизга қарши жиҳод қилиб, уни тарбиялашда очликни ва ташналикни



қурол сифатида ишлатинг. Жаннат эшигини қоқишни очлик билан давом эттиринг”.

### **Шарҳ:**

Аллоҳ буюрган ахлоқ асосларига мослашиши ва нафсининг завқу сафо орзусини синдириши учун нафсинг билан жиҳод қил! Оз ухла, оз сўйла. Беҳудага сўзламаслик, инсонларга ва бошқа жонзотларга озор етказмаслик ва кам емак нафсни ҳавоийи истаклардан қайтаради. Оз ухлаган одам тўғри тушуниши малакасига эга бўлади. Камгап киши бир қатор офатлардан омон қолади. Инсонларга ва бошқа жонзотларга озор бермаган киши бир қатор мақсадларига етишади. Ейишни камайтирган киши нафсининг шаҳвоний истакларини қийналмай бартараф эта олади. Қорин тўйгунча ейиши қалбни сўқир қилади ва инсоний феъл-атворлар йўқолишига сабаб бўлади. Оз емак қалбга нур ато этади. Очкўзлик ва тўқлик эса кишини Аллоҳдан узоқлаштиради. Нафс ислоҳи учун у билан жанг қилган кишининг мукофоти жанг майдонида душман билан урушганнинг мукофоти сингаридир. Аллоҳга муқарраб бўлмоқ учун нафсни очлик ва ташиналик билан тарбиялашга интилишдан гўзалроқ амал йўқ. Қимки меъдасини узлуксиз тўлатиб турса, маънавият оламига киролмайди, маънавиятдан завқ ололмайди ва ибодатнинг тотини ҳам ҳис қилмайди. Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ: “Мусулмон бўлганимдан бери ибодат завқини тотини учун тўйгунча овқат емадим. Яна Раббимга муқарраб бўлиши иштиёқида қонгунча сув ичмадим. Чунки кўп еган одам кўп ибодат қилолмайди. Тўйгунча таом ейилса, бадан оғирлашади, кўзни уйқу босади. Аъзолари кўп ибодат қилишини ният этса ҳам, бунинг урдасидан чиқолмайди, серуйқуликка мубтало бўлади”, деган. “Минҳожил обидин”да ҳам шундайди. Луқмони ҳаким ўғлига насиҳат қилди: “Эй ўғлим! Кўп ухлама, кўп ема! Қим кўп ухлаб, кўп еса, қиёмат куни ҳисоб бериши оғир кечади ва ҳеч бир гўзал амали бўлмайди”. Пайғамбаримиз марҳамат қиладилар: “Тўйгунча еб-ичиб, қалбларингизни ўлдирманг! Қалб ниҳолга ўхшайди. Ниҳолга кўп сув берилганда қандай сарғайиб сўлса ва ўсишидан тўхтаса, шунга ўхшаши қалб ҳам ортиқча сувдан ўлади, бундай одамда тоза фикр ва инсоний феъл-атворлар қолмайди”.

(Яҳё ибн Муоз)

\* \* \*

“Ер юзидаги топиниладиган илоҳлардан Аллоҳнинг энг кўп нафратлангани – ҳою ҳавасдир”.

\* \* \*

“Шайтон инсоннинг қон томирларида айланиб юради. Унинг йўлини очлик билан тўсинг. Қиёмат куни Аллоҳга энг муқарраб бандалар кўпроқ оч ва ташна юрганлардир”.

### **Шарҳ:**

Инсон зотиға энг катта хатар меъдадан ва ейиши-ичиши ҳирсидан етади. Одам Ато билан Момо Хавво меъда ҳирсининг касофатидан жаннатдан қувилиб, хорлик ва йўқлик майдонига ташландилар. Чунки Аллоҳ таоло уларга жаннатдаги бир дарахт мевасидан ейишни тақиқлаган эди. Аллоҳ жонзотларни уч тоифада яратган: бири – фаришталар бўлиб, Аллоҳ уларга фақат ақл берган, лекин нафс бермади. Демак, фаришталарда гуноҳ қилишига мойиллик йўқ. Иккинчиси – ҳайвонлардир. Аллоҳ уларга биз тушунган маънода ақл бермади. Фақатгина нафс берди. Учинчиси – инсонлардирки, Аллоҳ уларга ҳам ақл, ҳам нафс ато этди. Шундай экан, кимнингки нафси ақлидан ғолиб келса ва шу нафсининг ҳавойи истакларига кўра ҳаёт кечирса, у ҳайвондан ҳам тубанроқ, яъни ҳайвонлар ундан яхшироқдир. Кимнингки ақли нафсидан ғолиб келса ва ҳаётини Аллоҳ буюрганидек яшаса, у фаришталар мартабасига кўтарилади. Нафснинг истак-хоҳишига бўйсунган одам, агар ҳукмдор бўлса, қул ҳолига тушади. Нафснинг ҳавойи ҳавасларига қарши бориб, сабр қилган одам эса қул бўлса ҳам, ҳукмдордир.

(Абу Ҳомид Ғаззолий)

\* \* \*

Расулуллоҳ (с.а.в.) Абу Дардога қараб деганларки: “Шубҳасизки, Аллоҳнинг, аҳли оиланг, бола-чақангнинг ҳамда бошқа инсонлар қаторида бадан ва нафсингнинг ҳам сенда баъзи ҳақлари бор. Ҳар бир ҳақдорга ҳаққини беришга мажбурсан”.

\* \* \*

“Энг катта жиҳод нафс тарбияси учун қилинадиган жиҳоддир”.

\* \* \*

Ҳазрат Алидан ривоятким: “Бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.) мандан: – Эй Али, сенга беш минг қўй берайми ёки ҳам дунё, ҳам охирачун фойдали беш калимани ўргатайинми? – деб сўрадилар. – Ё Расулаллоҳ! Беш минг қўй озмунча фойда эмас. Бироқ, менга беш фойдали калимани ўргатишингизни хоҳлайман, дедим.

Шунда Расули акрам (с.а.в.) ушбу дуони ўргатдилар: – Аллоҳим, гуноҳларимни мағфират қил. Менга кенг феъл ва ҳалол даромат насиб эт. Нафсимни берган ризқингга қааноатли қил ва қалбимни Ўзинг манъ этган нарсаларга мойил қилиб қўйма.

\* \* \*

Муҳтарам Пайғамбаримиз – Аллоҳнинг саломи устларига ёғилсин – душман билан жангдан сўнг қайтиб келаётган бир гуруҳ саҳобаларига айтдиларки:

– Марҳабо, сизларга! Кичик жиҳоддан катта жиҳодга келдингиз!

Саҳобалардан бири сўради:

– Эй Аллоҳнинг расули, катта жиҳод деганингиз нима?

– Нафс билан жанг қилиш, – деб марҳамат қилдилар Расулуллоҳ (с.а.в.).

### **Шарҳ:**

Жиҳоддан қайтишиган саҳобалар (розияллоҳу анҳум): “Биз кичик жиҳоддан катта жиҳодга қайтдик”, дейишарди. Улар шу пайтга қадар олиб борган барча курашларини кичик жиҳод, нафс тарбияси учун курашни, гўзал ахлоқли бўлиш бобида амалга оширган ишларини катта жиҳод деб ҳисобладилар. Нафс ҳар қандай ҳолатда инсонни тўғри йўлдан оздириши мумкин, шу боис у билан тинимсиз курашиши керак. Нафс ва уни васвасага солувчи шайтон эса кўзга кўринмайди. Очиқ душман билан олишиши кўринмаётган душман билан олишишига қараганда осонроқки, буни айтиб ўтиришининг ҳожати йўқ. Яна васвасачи шайтон инсонда ўзига ёрдамчи топади. Бу нафснинг ҳавоийи орзуларидир. Агар шайтон ва нафс иккиси инсонни йўлдан оздирса, у киши Аллоҳнинг азобига дучор бўлади. Айнан шу борада бир ҳикматли сўз бор, айтадиларки: “Қай жангчининг оти жанггоҳдан қочса, душманнинг қўлига тушади. Кимнинг иймони ўзидан қочса, Аллоҳнинг азобига учрайди. Иймонни қочирмаслик учун Аллоҳга сиғинамиз. Душманга асир тушиганинг балки қўли бўйнига боғланмас, оёғига кишан урилмас, оч-яланғоч қолмас, лекин ким иймонини қочирган бўлса, Аллоҳнинг ғазабига учрайди, юзи қораяди, қўли бўйнига боғланади, оёғига оловдан кишан урилади, ейдигани, ичадигани ва киядигани оловдан бўлади”. (Абу Ҳомид Ғаззолий)

\* \* \*

“Эй ўғлим, сени илк бор нафсингдан эҳтиёт қилдим. Чунки ҳар нафснинг ҳавоси, нафсоний истаги бор. Агар нафсга нафсоний тилагини берсанг, у йўлдан озади ва яна бошқа нарсаларни хоҳлайди. Чақмоқтошда олов учқуни яширин бўлганидай, нафс (қалб)да ҳам нафсоний орзулар яшириниб ётади. Бир-бирига урилса, чақмоқ чақиб ярқирайди, ўз ҳолига ташлаб қўйилса, яширинча қолаверади”. (Хазрат Луқмони Ҳаким)

\* \* \*

“Мен билан нафсим бир сурувнинг чўпонига ўхшаймиз. Чўпон, бир томондан, сурувни тўплайди, иккинчи тарафдан, сурув ёйилиб кетаверади. Ким нафсини ўлдириб, уни истакла-



ридан тия олса, раҳмат кафанига ўралади ва каромат тупроғига дафн этилади. Кимки қалбидаги илоҳий ва инсоний туйғуларни қатл этса, лаънат кафанига тиқилади ва азоб тупроғига дафн этилади”.

\* \* \*

“Жаннатга иштиёқи бўлган киши дунёда нафсоний орзу-ҳавасларидан тийилсин”.

\* \* \*

“Кўзлар шайтоннинг тузоқларидир. Вужудга энг тоза ва энг шиддатли таъсир ўтказувчи аъзо кўздир. Ким Раббига итоат этиб, аъзосини нафсининг эътиборидан қолдирса, ният қилган амалига етишади. Ким дунё завқларига тўйиш учун аъзосини нафсининг эътиборида қолдирса, ниятидаги амалларини ўзи зое кеткизган бўлади”. (Али ибн Абу Толиб)

\* \* \*

“Ҳисоб-китобга тортилмасдан олдин ўзингиз нафсингиз билан ҳисоблашинг. Амалларингиз тарозига солинмасдан бурун уларни ўзингиз тортиб кўринг”.

\* \* \*

418

“Шу нафс деган балонинг овозини ўчиринг, тизгинлаб олинг. Чунки нафслар ҳеч шубҳасиз, сизларни гуноҳ қилишга судровчи жосуслардир. Албатта, бу оғир ва аччиқ ҳақиқат. Ботил (ҳавойи, беҳуда) нарсалар эса енгил ва ширин. Гуноҳ қилмаслик, гуноҳ қилиб кейин тавба-тазарру билан уни ўчиртириш учун уриниб юргандан яхшироқ ва қулайроқдир. Кўпинча, бир ҳирсли назар киши қалбига шаҳват уруғини сочади. Бир онлик завқ эса узоқ давом этадиган ғам-ғуссаларга сабаб бўлади”. (Умар ибн Хаттоб)

\* \* \*

Ҳазрати шайх Абу Муҳаммадин ал Муртоишга: “Фалончи ҳавода учади”, дейишганда, ул зот айтдиларки:

“Ҳавойи нафсга душманлик қилмоқ ҳавога учгандан кўра яхшироқдир”.

\* \* \*

“Ҳақ оғирдир, бироқ томоқдан осон ўтади. Ботил енгилгина, ammo касаллик келтириб чиқаради. Неча-неча инсоний орзу-истаклар борки, уларга эргашилса, узоқ вақт давом этгувчи хафгарчилик билан ниҳоя топади”. (Абдуллоҳ ибн Масъуд)

\* \* \*

“Энг қутурган ҳайвон ҳам пишиқ қармоқ билан илинтиришга нафсингчалик лойиқ эмас”.

\* \* \*

“Мўмин деган ўз нафсининг ҳоқими бўлмоғи керак. У нафсини Аллоҳ учун ҳисоб бердиради. Дунёда нафс билан ҳисоб-китоб қилганларнинг охирадаги ҳисоб-китоби осонроқ ўтади. Нафс билан ҳисоб-китоб қилмай умрини тугатганлар Қиёмат куни ҳисоб берганида мушкул аҳволда бўладилар”.

\* \* \*

“Ёмон амал қилишдан олдин мўмин ўзи беҳабар, кутилмаганда нохуш иш билан юзма-юз келиб қолганда, бундай фикрлайди: “Бу мендаги соғлом ақлга тўғри келмаяпти. Воқеа таъсирида шу ишни қилишга эҳтиёж сезяпман. Лекин номаъқул ва ношаръий бу амални қилмайман”. Қай тарзда юз берганидан қатъи назар, мўмин гуноҳ иш қилиб қўйса, нафсига мурожаат этиб, бундай дейди: “Нима ният билан шу ишни қилдинг? Қасам ичиб айтаманки, шу амал касридан мен асло маъзур тутилмайман. Аллоҳ ҳаққи учун, Худо хоҳласа, энди бундай гуноҳ иш қилмайман”.

\* \* \*

“Мўмин киши ҳар доим ўз еганлари, ичганлари ва сўзлаганлари борасида нафси билан ҳисоб-китоб қилиб боради, бу ишни ҳеч орқага ташламайди. Фожир (бузуқ иш, гуноҳ қилишдан тоймайдиган киши) эса, умри тугаб битса ҳам, бирон марта бўлсин, нафси билан ҳисоб-китоб қилмайди”. (Ҳасан Басрий)

\* \* \*

“Ҳеч бир нарсамни даволаш нафсимни тарбиялаш ва уни даволашчалик менга оғир келмади. Чунки, у гоҳ мен тараф бўлар, гоҳ эса менга қарши чиқарди”. (Суфён Саврий)

\* \* \*

“Аллоҳ яратган энг ярамас махлуқ нафсдир. Чунки нафс фақат ўзига қарши бўлган нарсаларни истайди”. (Абу Мужоҳид)

\* \* \*

“Ҳавойи нафсга берилиб яшашдан сақланинг”. (Молик ибн Динор)

\* \* \*

“Орзу-ҳавас қалбда бир ипдир, бир учи оёғингга боғланган. Қалбингдаги орзу-ҳавасни чиқаргин, оёғингдаги боғ ечилсин”.

(Ибн Саммок)

\* \* \*

“Ким ўз нафси-балосию орзу-ҳаваси домига тушиб қолса, у бешак ўзини ўзи чуқур қаърига ташлагани муқаррар”.

\* \* \*

“Ўз нафсингга ҳоким бўлсанг, уни ўз ҳукмингда тутасан. Акс ҳолда ундан ғолиб чиқиб, ушлаб тура олмайсан”.

*(Абулқосим Замахшарий)*

\* \* \*

“Аллоҳнинг раҳмати насиб айласин шундай кишиларгаки, улар ўз нафсларига бундай дердилар: “Сен шундай ёмон феълли, ёмон амалли эмасдинг-ку?!” Шундай дегандан сўнг нафсларини тизгинлаб, юзларини ўгириб олиб, уни Аллоҳнинг китоби – Қуръоннинг амр-буйруқларига, асосларига боғлайдилар. Шу тариқа Қуръоннинг ахлоқ асослари улар учун қаноатланарли бўлади”.

\* \* \*

“Ҳажжождан эшитдим, хутба ўқиётганида бундай деди: “Ҳисоб-китоби бошқалар қўлига ўтиб кетмасидан бурун ўзи нафси билан ҳисоб-китоб қилганларга Аллоҳнинг раҳмати насиб этсин. Аллоҳнинг раҳматига мушарраф бўлсин яна шундай кимсаки, амалларининг тизгинини қўлга олиб, кимни хурсанд қилиш учун ишлаётганини назорат қилса...Тош-тарозини кузатиб турган кишиларга Аллоҳнинг раҳмати насиб этсин”. Ҳажжож шундай давом этарди. Унинг сўзлари мени йиғлатди *(Молик ибн Динор)*

\* \* \*

“Жаннатда нафсим менинг вакилим қилинди. Жаннат меваларидан еб, дарёларидан сув ичиб, бошқа неъматларидан баҳраманд бўлиб, завқланардим. Сўнгра бирдан нафсим жаҳаннамда вакилим қилинди! Заққумларидан еб, йирингли сувларидан ичиб, занжиру кишанларда жазойимни олаётган эдим. Нафсимдан: “Қалайсан энди? Бирон хоҳишинг борми яна?” деб сўрадим. “Қани энди, дунёга такрор қайтарилсам-у, солиҳ амаллар қилаётган бўлсам!” – деди. Мен эса унга: “Сени паноҳига олувчи бор, модомики, яхши хаёлда экансан, ноумид бўлиб ётма, дарҳол солиҳ амалга кириш!” – дедим”. *(Иброҳим Тамимий)*

\* \* \*

“Эй нафс! На дунёда ҳукмдорлар билан бирга неъматланиб, кайфу сафо сура олдинг, на-да охират учун Аллоҳнинг обид бандалари билан бирга жиҳод қила билдинг. Уялмайсанми, эй нафсим!”



\* \* \*

“Икки фикр орасида иккиланиб қолган пайтингда, сен ўзингга ёқимлироқ кўринганидан воз кеч, ёқмай турганига кўпроқ ёпиш”. (Ибн Аббос)

\* \* \*

“Ким аъзоларининг нафсоний орзуларига бўйин эгиб, уларни шод этган бўлса, бу – қалбига надомат ниҳолини ўтказган, дега-нидир”. (Абу Яҳё Варроқ Термизий)

\* \* \*

“Бир куни Хорун Рашиднинг ҳузурига боргандим. Қўлида устига заррин ёзувлар битилган варақ бор эди. У бунга боққанча ўтирарди. Мени кўрганда кулимсиради. Мен: “Ё Аллоҳ умр бер-гур мўминлар амири, бу нима, фойдали нарсами?” – деб сўра-дим. “Ҳа, манави икки байтни уммавийлардан бирининг коса-сида ўқиб қолдим, кўнглимга ўтирди. Мен ҳам уларга бир байт қўшдим:

*Муродингга етмасингдан ётилса у он эшик,  
Кечил ундан, албат сенга очилур бу ён эшик.  
Зеро, сенга кифоядир бир қоринни тўлдирмоқ,  
Ва қалбингда феълларингдан ёмонини ўлдирмоқ,  
Виқорингни йўқотма ҳеч, нафс-ҳавони айла кул,  
Келгусида азоблардан халос бўлгайсан буткул”.*

(Абу Муҳаммад Яздий)

\* \* \*

“Ортиқча орзу-ҳавасга берилиш ва ҳар нарсани кейинга қол-дириш – паришонлик ва бемаънилиқдир”. (Жаъфари Содиқ)

\* \* \*

“Нафс ва шайтонга муҳолифат қилишлик билан исён эт, улар сенга насиҳат қилувчи бўлиб кўринсалар ҳам, ҳеч тинглама”. (Имом Бусирий)

\* \* \*

“Ҳар кишики, Пайғамбари суннатини ўзига ҳакам қилса, унинг сўзи ҳикматдир. Ҳар кишики, нафсининг хоҳишига тобеъ бўлса, унинг сўзи бидъатдир”. (Абу Усмон Жаририй)

\* \* \*

“Қуруқ нондан нарига ўтган – нафсоний орзуларни ҳозирлагандир”.

\* \* \*

“Дунёда нафсоний орзуларни севган киши хорликка ҳозирлансин”.

\* \* \*

“Агар сен азоблар йўлига тушиб қолсанг, кўзинг қувонсин. Чунки бу йўлдан пайғамбарлар ва солиҳ кишилар юргандир. Агар роҳатли йўл бошланса, сен нафсингга йиғлагин. Уларнинг йўлидан адаштирилибсан”. (Ваҳб ибн Мунаббаҳ)

\* \* \*

“Дунё молининг сармояси ҳавойи нафсдир. Топгани эса жаҳаннам оташидир” (Фузайл ибн Иёз)

\* \* \*

“Олтину кумуш жамғаришга майл қўйиш нафснинг нуқсонидир”. (Муниддин Жувайний)

\* \* \*

“Агар икки фикр ўртасига тушиб қолсанг-у, қай бири тўғри, қай бири хато эканини аниқ билолмасанг, ҳавойи нафснинг майл этган томонга қаршилиқ қил. Зеро, ҳавойи нафс инсонларни доимо қораланадиган қилғиликлар сари етаклайди”. (Имом Шофеий)

\* \* \*

“Эй нафс, неъматларга бурканган бойваччалар билан бўлиб, дунёдан нима топдинг? Охират ғамида обидлар билан ибодатлар қилдинг, яна нега норозисан? Мен сен билан гўё жаннат ва дўзах орасида тутқундайман.

Эй нафс, қачон фурсатни ғанимат биласан?!”

(Абу Аббос Муслиий)

\* \* \*

“Киши шерикчилик билан иш қилаётганида шеригини терганига нисбатан ўз нафсини қаттиқроқ тергамагунича тақводорлар қаторида бўлолмайди”. (Маймул ибн Миҳрон)

\* \* \*

“Ўн икки йил нафсимни мужоҳада билан риёзат ўчоғига қўйиб, ёндирдим; мазаммат (хўрлик) сандони устига қўйиб, маломат болғаси билан урдим; тоат ва ибодат жилови билан жиловладим. Шундан сўнг бир қараб, нафсни яна ғурурида кўрдим. Тагин беш йил жаҳд айладим. Ўз заъф ва гуноҳкорлигимни кўрдим. Ўзимни Даргоҳига арз айладим (яъни: “Аллоҳим, Сенинг даргоҳингга не бирлан эришгайлар?”)

Нидо эшитдимким: “Нафсингни уч талоқ қўйиб, бўшат. Ундан сўнг Бизга сўйлагил”.

(Боязид Бистомий)

\* \* \*

“Боязид Бистомийдан: “Эришган даражангизга нима билан эришдингиз?” деб сўралганида, у: “Илон ўз пўстидан шилинганидек, мен ҳам ўз нафсимдан ажралганман...” деб жавоб берди.

\* \* \*

“Нафс бутун қирқ йил мендан бол истади, бермадим. Нафсимнинг шумлигидан кунда бир неча марта ойнага қарар эдимки, юзим қора бўлмадимикин, деб”. (*Сирри Сақатий*)

\* \* \*

“Агар сенда нафсингдан бирон нарса қолган бўлса, озодликка эриша олмайсан”. (*Жунайд Бағдодий*)

\* \* \*

Бир куни Абул Ҳасан Розий вафот этган отасини тушида кўрди. Эгнида қатрондан бир кийим бор эди. У отасига: “Эй отажоним, нима бўлди? Нечун сизни бу қадар хунук қиёфада кўрмоқдаман?” – деди. Отаси бу жавобни берди:

– Эй ўғлим, нафсим мени жаҳаннамга етаклади. Эй ўғлим, нафсинг хийласидан сақлан! Айш-ишратга ўчлигим жонимга жабр етказди. Мен тўрт золим – шайтон, дунё, нафс ва ҳою ҳавасга мубтало бўлдим. Улар менга душман, қандай бас келаман?

\* \* \*

“Шунча йиллар мужоҳада ва риёзат чексам-да, ҳеч бир нафсимнинг дастидан қутула олмадим. Нафсимга дедим-ки: “Кел, бу уйга кир. Сени ёмон ўғрилардек силтаб зиндонга солайин. Тирик қолсанг – давлат сеники, агар ўлсанг, Ҳақ йўлида ўлган бўлурсан”, деб қирқ йил шундай қилдим”. (*Абул Ҳусайн Нурий*)

\* \* \*

“Нафсим итимдир, илмим қуролимдир, гуноҳим умидсизлигимдир, шайтон эса душманимдир, нафсимга асло итоат этмайман, уни тепкилаб ҳайдайман”. (*Ҳотам Асом*)

\* \* \*

Ҳазрати шайх Саҳл бин Абдуллоҳ ат-Тустарийнинг оналаридан қолган кўп моллари бор эди. Бир куни халқни чорлаб, барча молни тарқатдилар. Ҳатто ўзларига ажратганларини ҳам бериб юбордилар-да, пиёда Каъбага қараб йўл олдилар. Борар эканлар: “Эй нафс! Муфлис (*камбағал*) бўлдинг, ортиқ мендан истайдиган нарсанг қолмади. Агар тиласанг ҳам, бирон нима топа олмайсан”, – деб ҳеч нарсани хоҳламасликка аҳд қилдилар. Шу зайлда



\* \* \*

“Агар сен азоблар йўлига тушиб қолсанг, кўзинг қувонсин. Чунки бу йўлдан пайғамбарлар ва солиҳ кишилар юргандир. Агар роҳатли йўл бошланса, сен нафсингга йиғлагин. Уларнинг йўлидан адаштирилибсан”. (*Ваҳб ибн Мунаббах*)

\* \* \*

“Дунё молининг сармоясини ҳавойи нафсдир. Топгани эса жаҳаннам оташидир” (*Фузайл ибн Иёз*)

\* \* \*

“Олтину кумуш жамғаришга майл қўйиш нафсинг нуқсонидир”. (*Муиниддин Жувайний*)

\* \* \*

“Агар икки фикр ўртасига тушиб қолсанг-у, қай бири тўғри, қай бири хато эканини аниқ билолмасанг, ҳавойи нафсинг майл этган томонга қаршилиқ қил. Зеро, ҳавойи нафс инсонларни доимо қораланадиган қилғиликлар сари етаклайди”. (*Имом Шофеий*)

\* \* \*

“Эй нафс, неъматларга бурканган бойваччалар билан бўлиб, дунёдан нима топдинг? Охират ғамида обидлар билан ибодатлар қилдинг, яна нега норозисан? Мен сен билан гўё жаннат ва дўзах орасида тутқундайман.

Эй нафс, қачон фурсатни ғанимат биласан?!”

(*Абу Аббос Муслиий*)

\* \* \*

“Киши шерикчилик билан иш қилаётганида шеригини терганига нисбатан ўз нафсини қаттиқроқ тергамағунича тақводорлар қаторида бўлолмайди”. (*Маймун ибн Миҳрон*)

\* \* \*

“Ўн икки йил нафсимни мужоҳада билан риёзат ўчоғига қўйиб, ёндирдим; мазаммат (*хўрлик*) сандони устига қўйиб, маломат болғаси билан урдим; тоат ва ибодат жилов билан жиловладим. Шундан сўнг бир қараб, нафсни яна ғурурида кўрдим. Тагин беш йил жаҳд айладим. Ўз заъф ва гуноҳкорлигимни кўрдим. Ўзимни Даргоҳига арз айладим (*яъни: “Аллоҳим, Сенинг даргоҳингга не бирлан эришгайлар?”*)

Нидо эшитдимким: “Нафсингни уч талоқ қўйиб, бўшат. Ундан сўнг Бизга сўйлагил”.

(*Боязид Бистомий*)

\* \* \*

“Боязид Бистомийдан: “Эришган даражангизга нима билан эришдингиз?” деб сўралганида, у: “Илон ўз пўстидан шилинганидек, мен ҳам ўз нафсимдан ажралганман...” деб жавоб берди.

\* \* \*

“Нафс бутун қирқ йил мендан бол истади, бермадим. Нафсимнинг шумлигидан кунда бир неча марта ойнага қарар эдимки, юзим қора бўлмадимикин, деб”. (*Сирри Сақатий*)

\* \* \*

“Агар сенда нафсингдан бирон нарса қолган бўлса, озодликка эриша олмайсан”. (*Жунайд Бағдодий*)

\* \* \*

Бир куни Абул Ҳасан Розий вафот этган отасини тушида кўрди. Эгнида қатрондан бир кийим бор эди. У отасига: “Эй отажоним, нима бўлди? Нечун сизни бу қадар хунук қиёфада кўрмоқдаман?” – деди. Отаси бу жавобни берди:

– Эй ўғлим, нафсим мени жаҳаннамга етаклади. Эй ўғлим, нафсинг ҳийласидан сақлан! Айш-ишратга ўчлигим жонимга жабр етказди. Мен тўрт золим – шайтон, дунё, нафс ва ҳою ҳавасга мубтало бўлдим. Улар менга душман, қандай бас келаман?

\* \* \*

“Шунча йиллар мужоҳада ва риёзат чексам-да, ҳеч бир нафсимнинг дастидан қутула олмадим. Нафсимга дедим-ки: “Кел, бу уйга кир. Сени ёмон ўғрилардек силтаб зиндонга солайин. Тирик қолсанг – давлат сеники, агар ўлсанг, Ҳақ йўлида ўлган бўлурсан”, деб қирқ йил шундай қилдим”. (*Абул Ҳусайн Нурий*)

\* \* \*

“Нафсим итимдир, илмим қуролимдир, гуноҳим умидсизлигимдир, шайтон эса душманимдир, нафсимга асло итоат этмайман, уни тепкилаб ҳайдайман”. (*Ҳотам Асом*)

\* \* \*

Ҳазрати шайх Саҳл бин Абдуллоҳ ат-Тустарийнинг оналаридан қолган кўп моллари бор эди. Бир куни халқни чорлаб, барча молни тарқатдилар. Ҳатто ўзларига ажратганларини ҳам бериб юбордилар-да, пиёда Каъбага қараб йўл олдилар. Борар эканлар: “Эй нафс! Муфлис (*камбағал*) бўлдинг, ортиқ мендан истайдиган нарсанг қолмади. Агар тиласанг ҳам, бирон нима топа олмайсан”, – деб ҳеч нарсани хоҳламасликка аҳд қилдилар. Шу зайлда

Куфа шахрига келдилар. Нафс у ерда балиқ ва нон емоқликни истаб қолди. Ун тортаётган от тегирмонини кўрдилар-да: «Бу отнинг кираси бир кунда нимадир?» деб сўрадилар. «Икки дирҳам нафақаси бор», деб жавоб қилдилар. «Бугун отни қўйиб, ўрнига мени боғланг, бир кунда бир дирҳам беринг», дедилар шайх ҳазрат. Отни ечиб, ўрнига Саҳл ҳазратларини боғладилар. Кечга қадар тегирмонни юргиздилар. Хизмат ҳаққига бир дирҳам бердилар. Бу пулга ҳазрат шайх нон ва балиқ олдилар-да, нафсларига дедилар:

“Ҳар қачон мендан бирор нарса тиласанг, сенга лойиқ шундоқ хизматни қилгайман ва тилагингни шу суратда бажо келтиргайман”. Шайх ҳазратлари шу зайлда нафсларини хўрладилар.

\* \* \*

Аллоҳнинг валий қулларидан бири Абу Туроб Тахсабий бундай ҳикоя қиладилар:

– Нафсим жуда тансиқ ва лаззатли таомлар талаб қилмас эди. Лекин бир куни гўшт, тухум ва асал ейишни хоҳлаб қолди. Нафсимга: “Булардан воз кеча қол”, дедим. Бироқ, уни қайтара олмадим. Нафсим бу таомларни зўр иштаҳа билан ейишга орзуманд эди. Юриб-юриб бир нотаниш қишлоққа бориб қолдим. Шу пайт бир одам ёқамга ёпишиб, бақира кетди: “Ўғриларнинг ичида сен ҳам бор эдинг!” Елкамни яланғоч қилиб, етмиш қамчи уришди. Етмишинчи қамчи тушар-тушмас шу қишлоқлик бир одам мени таниб қолди:

– Ахир бу Абу Туроб-ку!

Мендан кечирим сўрашди, Қишлоқдагилардан бири мени уйига олиб борди. Дастурхон ёзиб, олдимга гўшт, тухум ва асал қўйди. Мен эсам нафсимга хитоб қилиб, дедим:

– Етмиш қамчидан кейин ея қол энди!

\* \* \*

“Илтимосга қолган кунда ўлимни, босиқлик ва тамасизликда барҳаётликни кўрдим”.

\* \* \*

“Энг яхши сарҳисобни кишининг нафси билан ҳисоблашишида, оқилни охиратга, жоҳилнинг дунёга интилишида кўрдим”.

\* \* \*

“Жаннатга киришни ҳалол ейиш ва амримаҳол ишни тарк қилишда кўрдим”.



\* \* \*

“Дунё балолари денгизлари”дан соғлом ўтишни истаган киши ўз нафси билан бирга қуйидагиларни бажариши лозим: ҳалол (луқма) емоқ, маҳолни (имконсиз ишни) тарк этмоқ, эътиқод бутунлиги, сайъ-ҳаракатда содиқлик, ўлимга тайёр бўлиш, қабрга кирмай туриб ўз қилмишларини кўздан кечириш, бошқалар айбидан кўз юмиб, ўз айбларини кузатиш, оға-иниларига ўғит беришдан олдин ўзига насиҳат қилиш. Ахлоқни покизалаб, юриш-туришни ўзгартириб, одамлар билан муросаю мадора қилиш, тириклар ва ўликлар ҳақида ёмон сўзлашдан тилини сақлаш, ёлғон айтишдан четланиб, тилни рост гапириш ва тўғрилиқка ўргатиш, эзгу сўзлар изҳор қилишда барча куч ва диққатни ишга солиш, ҳар ишга сабабсиз аралашишдан тийилиш, шухратпарастликдан сақланиш, вақтни бекорга ўтказмаслик, зарур бўлмаган ҳолда (бировдан бирон нарсани) талаб қилмаслик, одобсизлик қилганлар тўғрисида сукут сақлаш”.

(Шайх Нажмиддин Кубро)

\* \* \*

Эй нафс, орзу-ҳавас кишанидан кет,

Бир дам ҳимояси учун шитоб эт.

Дунё, мансаб дема, учма ишвага,

Дўстлардан ажраб ҳам ёв бошига ет (Абу Али ибн Сино)

(Эй ҳавою нафсга берилган нафс, тез бўл, чунки сен бир нафаснинг ҳимоясидасан.)

\* \* \*

“Қачонки нафсингда дунё истакларига майл, гуноҳга рағбат уйғониб, кўп гапиришдан ширин таъм туйсанг, ичингда нимадир жўш уриб, ҳаяжонлар оғушида ўзингдан кетсанг, бас, у ҳолда камтаомлик қиличини таҳажжуд ва камуйқулик қинидан суғуриб, яланғочла. Кейин вазминлик ва камгаплик қўлларидаги бу қилични дунёга майл ва гуноҳга рағбат уйғотувчи шаҳватнинг бошига сол, токи зулм ва интиқомнинг бўйни узулсин. Шунда нафсинг дунёга меҳр туфайли туғиладиган кулфатлардан ва ўзга балолардан омонда бўлади. Нафсинг шаҳват зулматларидан покланади, офатлар кишанидан қутилади. Ана шунда у покиза, ёруғ, енгил, руҳоний нафсга айланади, учқур отдек яхшилик майдонларида, итоат йўлларида чопади, пок фариштадек боғу бўстонларда кезади. Инсоннинг учта душмани бор: дунё, шайтон ва нафс. Зухд билан дунёдан эҳтиёт бўлинади. Шайтонга қарши бўлиб, ёмонлигидан сақланилади. Шаҳватларни тарк этиш билан, нафсдан ҳимояланилади”.

\* \* \*

“Эътибор нуктаи назаридан кўзинг дунёда бўлсин. Вале ичингдаги самимий истагинг нафсоний орзулардан воз кечмоқни ташкил қилсин. Дунёда меҳнатинг бечораликни даф этиш учун бўлсин. Охират учун ишлаганда эса тезкор бўл”.

\* \* \*

“Риёзат қиличлари билан нафсингга қарши кураш. Тўртта ишда риёзат чекилади. Булар: таом, уйқу, сўз ва озорларга тоқат. Таомни кам ейиш дунёга меҳрни сўндиради. Кам уйқу ирода истакларни тиниқлаштиради. Кам гапириш офатлардан сақлайди. Озорларни кўтариш мақсадларга элтади. Банда учун озорлар етганда сабр қилиш, жафо кўрганда ҳалим бўлишдан афзалроқ ҳолат йўқ”. (*Яҳё ибн Муоз*)

\* \* \*

“Аллоҳ таолонинг таъқиқларидан зарра миқдоричалик бўлса-да, бирортасини тарк этмоқ еру осмон аҳлининг нафл ибодатларидан хайрлироқдир”. (*Имом Биргивий*)

\* \* \*

426

“Эй инсон, билиб қўйки, доим ёмонликни хохлаб турувчи нафс сенга шайтондан ҳам хавфлироқ душмандир. Шайтон нафсинг ҳою ҳаваси сабабли бўйинингга миниб олиб, сени Аллоҳнинг йўлидан адаштиради. Нафсинг эса сени беҳуда амаллар ва қуруқ хаёллар билан алдаб қўяди! Чунки нафс табиатан тинчлик-осудаликни, лоқайдлик, гафлат ва бепарволикни ёқтиради ва умрни танбаллик билан ўтказишингни истайди. У доимо сени беҳуда ва ботил (бузуқ) нарсаларга ўралаштиради. Беҳуда кибр-ҳавога йўлиқтиради. Агар нафсингдан мамнун бўлиб, унинг хоҳишларига юрсанг, манзилинг фалокат ва ўлимдир. Янглиш ҳисоблар ва хом хаёлларингдан хабардор бўлмасанг, охири ҳалок бўлишинг муқаррардир. Агар нафсни тийишга ожизлик қилсанг, у сени ёнғинга олиб боради. У ҳолда асло яшиликка қайтиш умиди йўқдир. Шу боис нафс балоларнинг боши ва разолатлар манбаи, дейилган. Шайтон учун гуноҳлар омили бўлган нафсни таниган одам Яратганни таний олмайди”.

\* \* \*

“Менинг сармоям умримдан иборатдир. Чикқан ҳар бир нафасимнинг қайтиб келиши мумкин эмас. Нафаслар саноклидир. Камайиб бормоқдадир. Шундай экан, кунини фақат тирикчилик қайғуси билан ўтказишдан ҳам катта зарар борми?”

\* \* \*

“Инсонларнинг кўзидан ғафлат нарсалари олиб ташланса, ҳақиқатларга басират кўзи билан боқсалар, афсуски, бир қанчалари ўз нафсини бутга айлантириб сиғинаётганларини кўрадилар. Бу бутнинг қаршисида шайтон қўл қовуштириб “Буюр! Сенинг амрингни бажаришга шайман”, деб турар экан”.

\* \* \*

“Баъзан мансаб-мартабага, турли неъматларга эга кишиларни ғам-ташвишга чулғанган ҳолда кўрамыз. Қиморбоз қиморсиз ҳаётни тасаввур қила олмайди. Гарчи қимор уни боридан маҳрум қилиб, ўзию аҳлини хароблик ботқоғига ботирса-да, барибир бу “лаззат”дан кечолмайди, қиморсиз туролмайди. Чунки, у узоқ муддат қимор билан улфат тутиниб, жонини шу йўлга тикди. Масалан, каптарвоз ҳам саратонда иссиқни, қаҳратонда эса совуқни сезмасдан, каптарларнинг самога кўтарилиши, ҳавода ҳалқа ясаб ҳаракатланишларига маҳлиё бўлиб, кун давомида оёқда тик туриши мумкин... Бу – узоқ муддат давомий равишда битта машғулотга одатланишнинг ва шу машғулот атрофидагиларга аралашиб, улар билан яқиндан муносабатда бўлишнинг натижаси.

Нафс узоқ муддат ботил, қабих нарсаларга майл этса, бора-бора уларга кўникади, ҳатто бундан лаззат олади. Агар сен ҳам бир муддат ҳаққа қайтсангу кейин унга муттасил боғланиб қолсанг, қандай қилиб ҳаққа одатланмаслик, ундан лаззат олмаслик мумкин?! Аслида нафснинг ботил, қабих ишларга майл этиши фитратга зиддир, мисоли, баъзи одамлар кесак ейишга одатлангани каби. Аммо фитратнинг ҳикматга, яратган Эгасини таниб, у Зотга муҳаббат қўйиш ва ибодат қилишга бўлган майли, бамисоли унинг таомга ва сувга бўлган майлига ўхшайди. Чунки, қалб табиати бу майлни тақозо этади. Шаҳват эҳтиёжларига бўлган майл қалбга бегона”.

\* \* \*

Ўзини англаш талабида бўлган киши бир кечани бекор ўтказиш йўли билан «тамом, энди ҳаммасини бой бердим», деб умидсизликка тушмайди. Табиийки, бир кечалик меҳнат билан ҳам дарров ўзни англаш даражасига ета қолмайди. Яъни, нафсни поклаш ва уни чиройли амаллар билан зийнатлаш талабида бўлган киши бир кунлик ибодати билан бу даражага етолмайди, бир кунлик маъсияти туфайли ундан маҳрум бўлиб қолмайди. Бу сўзимизнинг маъноси шуки, битта гуноҳи кабира абадий бадбахтликка сабаб бўлмайди. Лекин бир кунги бепарволик кейинги ва



кейинги кунларга ўтиб, аста-секин инсон дангасаликка одатланиши, ўзни англаш фазилатидан маҳрум бўлиши мумкин. Кичик гуноҳлар ҳам йиғилиб, иймон заволига, охир-оқибат, асл саодатнинг бой берилишига олиб келади.

Ўзни англашнинг бир кечада таъсири сезиладиган туйғу эмаслигини ҳикмат аҳли таъкидлаган. Бу худди бадан ўсиб-улғайиб, бўй чўзилгани каби аста ва давомли рўй берадиган жараёндир. Шунга ўхшаб, нафс тарбияси ва уни поклаш йўлида битта тоатнинг таъсири дарҳол сезилмайди. Лекин тоатнинг озига беписанд қарамаслик керак. Негаки, таъсири яққол сезиладиган кўп тоат битта-биттадан йиғилган ва ҳар бир тоатга ўзига хос таъсир яширинган. Ибодат учун бериладиган савоб шу таъсирга кўра белгиланади. Гуноҳ учун бериладиган жазо ҳам гуноҳнинг таъсирига кўра белгиланади.

Қанча кишилар кечаю кундузни бекор ўтказиб, ўзни англашни кунба-кун орқага суришади. Натижада уларнинг табиати бу илмни унутади.

Кичик гуноҳларни арзимас санайдиган кишилар ҳам бутун умр тавбани кечиктирадилар. Бу кечиктириш тўсатдан содир бўладиган ўлимгача ёки қалбни гуноҳлар зулмати қоплаб, тавба қилишга имкон қолмагунча давом этиши мумкин. Оз кўпга қўшилади, қалб шаҳват занжирлари билан кишанланиб, бу чангалдан халос бўлишнинг имкони йўқолади. “Тавба эшигининг ёпилиши”, дегани шудир. “Ва биз уларнинг олдиларидан ва орқаларидан бир тўсиқ-парда қилиб, уларни ўраб қўйдик. Бас, улар кўра олмаслар”. (Ёсин сурасидан)

\*\*\*

“Кимки нафсга қарши жиддий жанг бошлай олмаётган экан, масалан, мансаб ғамини бирданига тарк этолмаётган экан, ишни ундан кўра енгилроғини тарк этишдан бошласин. Кимдадир таомга очкўзлик бор, унга рўза ва таомни кам ейиш буюрилади. Кейин унга тотли таомларни тайёрлаш топширилади. Таомлар мухайё бўлгач, шундай лазиз ноз-неъматни ўзи емасдан ўзгага такдим қилади. Шу йўл билан нафсини тияди, уни сабрга ўргатади, очкўзлигини сўндиради”. (Абу Ҳомид Ғаззолий)

\*\*\*

Инсон нафси покланганда ибодат учун,  
Гуноҳ майли йўқолишида тавоман исми,  
Аъзолари инсонни ҳаққон қўрган палла,  
Аллоҳнинг бир неъматни этгай ҳавола.  
У улдирад аъзоларда ҳою ҳавасни  
Ва аъзолар жаннат сари бошлар у қасни. (“Мукошафатул қулуб”дан)

\* \* \*

“Одамларнинг заиф жиҳати улдурки, шаҳват ундан кучли бўлгай, нафснинг қўлида ожиз қолгай, сўнг уни “нафс эшаги” дегайлар. Одамларнинг зўри улдурки, нафс устидан голиб келгай, нафсини ўлдирса, бас, ул киши фариштадан афзалдир”.

*(Иброҳим бин Довуд Роққо)*

\* \* \*

“Ҳар кимнинг зотида нафсоний сифатлардан “мен” сифати қолган бўлса, ул киши шундоқ кишига ўхшарки, бировда бир дирҳам қарзи қолар бўлса, озод бўлмас, шу бир дирҳамнинг қули бўлур. Аммо ул кишиким, бутун нафсоний сифатлардан ўзини йироқлаштирган бўлса, ҳеч кимда қарзи қолмагани каби озод бўлур. Ҳақ таоло ул кишини ўзига жазб айлар. Нечукким, ҳақ таоло Қуръонда бу хусусда ишорат айлагандир”.

\* \* \*

“Бир сурув қўй ичра юз оч бўри кирганда бўладиган ғавғодан бир соатлик шайтон фасоди зиёдароқдир. Ва юз шайтоннинг одамзодга қиладиган фасодидан нафснинг одамзодга қиладиган фасоди ёмонроқдир *(Ҳаким Термизий)*

\* \* \*

“Менга жаннатга кириш билан икки ракаат намоз ўқишдан бирини танлаш ихтиёрини берсалар, ҳеч иккиланмасдан намозни танлаган бўлардим. Чунки намозда Аллоҳ ризоси ва яқинлиги бордир. Жаннатда эса нафс севган ва инсонлар яхши кўрадиган нарсалар бор”. *(Ибн Сирин)*

\* \* \*

Ҳаво – нафс буйнини сиғув кед қотиғ,  
Ўзунг ўтрў булса, топугда тотиг.

*(Сен аввал нафс-ҳаво бўйнини қаттиқ сиққин, ана ундан кейин қилаётган ибодатингдан завқ топа оласан)*

Ҳавоқа булу берса тутқун булур,  
Эт ўз орзу булса мени қул қилур.

*(Ҳавога (ҳавасга) эргашувчининг унга асир бўлиши тайин. Жисмим тилаганини топса, мени қул қилур)*

Ҳавоқа босикма уқуш бирла кес,  
Эт ўз бош кўтарса, билиг бирла бос.

*(Ҳаво босқинини илм билан бостир. Нафс кесн қилиб бош кўтарса, бу ғалаённи илм йўли билан бостир)*

\*\*\*

“Бу дунёдаги энг йирик ёв, билгингки эй кўнгил, ўз нафсингдир. Унинг тузоғи доимо ёйиқ. Нафсдан жон учун етишадиган нарса – машаққат. Нафси бузуқнинг давосини ўлимдан бошқа ҳеч нарса тополмайди. Шу нафс гоҳ югуртириб, гоҳ елдиради, гоҳ қулдириб, гоҳ йиғлатади. Кўзни суқ қиладиган ҳам шу нафс. У туфайли киши гоҳ тўқ, гоҳ оч бўлади. Бир орзуни топса, бошқаси қолади. Нафс семирса, охир-оқибат эгасини йиқитади. Кишининг нафси овчи итга қиёс: агар у семириб кетса, эгасининг ҳақини ҳам танймайди. Ёки киши нафси ёш болага ҳам ўхшайди. Қорни тўйса бас, чопиб кетаверади. Сен эса унинг орқасидан излаб юрасан”. (*Қутадғу билиг*дан)

\*\*\*

“Тананг иморати дош бера оладиган миқдорда тановул эт”.  
(*Абдурахмон Жомий*)

\*\*\*

430

“Икки бармоғингнинг учини икки кўзингга қўй. Бу дунёдан бирор нарсани кўряпсанми? Агар кўрмаётган бўлсанг, бу “олам йўқ” деган маънони билдирмайди. Кўрмаслик гуноҳ, унинг камчилиги эса нафснинг икки бармоғидан келмоқда... Сен аввало бармоқларингни кўзларингдан узоқлаштир. Ундан кейин истанган томонга қара. Инсон кўздан иборатдир. Қолгани жасоратдир. Фақат яхшилиқни кўрганга “кўз” дейдилар”.

\*\*\*

“Ҳаёт бешик ва тобут орасидаги тор бир йўл ва йўлчиликдир. Дунё ҳаёти сўнгсизлик ичида бир совун қўлиги кабидир. Инсонлар идрок қилган ҳаёт нимадан иборатдир, деган саволга ернинг захи ва қабр тошларининг қаттиқлиги энг тўғри жавоб бўлур эди. Шундай экан, нафсоний орзулар ва вужуд йўлида ўтган умрнинг маъноси нима ҳам бўлур эди?”

Замонлардан бери башариятни, пайғамбарларнинг йўл кўрсатишларига қарамай, “ўлим нима?” деган савол машғул қилиб келган. Зехнларда захарли илон каби тўлғонган бу саволни нафсоний орзулар доимо йўқ қилишга уринган.

Барчани ҳаёт сўнгида оловли гирдобга ташлайдиган ўлим бировлар учун мусибат, бировлар учун эса раҳматдир... Башарий тафаккур билан илғаб олиш мумкин бўлмаган бу ҳақиқатга нафс тўсиғини ошиш, ваҳийга қулоқ тутиш, пайғамбар ва авлиёларнинг йўлидан юриш билан етишиш мумкин”.

(*Жалолиддин Румий*)



*Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маънавий маснавий” асаридан:*

От миниб кетаётган бир амир дарахт соясида ухлаб ётган кишининг оғзига кирган илонни кўриб қолди. Амир уйқуда ётган одамни дучор бўлиши мумкин бўлган балолардан қутқариш учун ҳаракат қила бошлади. Унинг елкасига бир неча қамчи урган эди, одам ўрнидан турганича қамчилаётган амирдан қоча бошлади. Амир қочиб бораётган одамни олма дарахтининг остида ушлаб олди. Дарахтдан тушиб чириган ва ҳидланган олмаларни бу одамнинг оғзига тиқиб, ейишга мажбур қилди-да:

– Эй бечора одам! Сен буларни ейишинг ва бу азобга бардош беришинг шарт, – деди.

Кўрқувдан титраётган бечора одам эса амирга мўлтиллаб қараб, ундан сўради:

– Эй амир, мен сизга нима ёмонлик қилдим? Нега менга бунчалик зулм қилмоқдасиз? Агар ҳаётимда сизга қарши бирор гуноҳ қилган бўлсам, бир қилич уринг-у қонимни тўкинг! Сизни кўрган оним нақадар бахтсиз он экан! Сизни кўрмаганлар нақадар бахтиёр эканлар! Жиноят қилмаган бир бегуноҳ инсонга бу қадар зулм қилиш адолатданми? Қаранг, бу сўзларни айтяпман-у, оғзимдан қон тупурмоқдаман. Аллоҳим, бу золим амирга Ўзинг жазо бер!

Амир унинг зорига эътибор ҳам бермай, «югур!» деб қамчилайверди. Бечора одамнинг ошқозони ириган олмаларга тўлиб, аъзойи бадани қамчи зарбларидан кўкариб кетди. Бу азоб кўнгли айниб қуса бошлагунга қадар давом этди. Мажбуран еган олмаларига қўшилиб, уйқусида ютиб юборган қора илон ҳам оғзидан тапқарига чиқди.

Бечора одам ошқозонидан чиққан бу илонни кўриб даҳшатга тушди. Ўзига ёрдам берган солиҳ амирнинг қаршисида тиз чўқди ва шундай деди:

– Амирич, сиз ҳақиқатда ҳам Жаброил алайҳиссалом каби ёрдамимга етишдингиз. Ва сиз менинг вали неъматим экансиз. Сизга кўзим тушган он қандай муборак он эмиш! Агар сиз бўлмаганингизда эди, мен аллақачон бу дунёни тарк этган бўлур эдим. Сиз менга ҳаёт бағишладингиз! Сизнинг юзингизни кўрган ёки бўлмаса тўсатдан сизнинг маҳаллангизга келиб қолганлар нақадар бахтиёрдирлар! Эй тасаннога лойиқ зот! Жоҳиллик ва ғафлат билан сизга янглиш сўзлар сўзладим, Мени афу этинг.

Бунга жавобан амир дедики:

– Агар у пайт мен сенинг ичингдагилардан бир парча сўзласам, қиёмат қоним бўлур эди. Кўрқув сени ҳалок қиларди. Му-

шук қаршисидаги сичқон каби киргани тешик топа ололмай қолардинг.

### **Шарҳ:**

*Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қиладилар: «Ичингиздаги душманни ошкор этадиган бўлсам, жасурларнинг юраги ўйнар, на йўлга чиқа олар ва на-да бир иш қила оларди. Чорасизлик ичида қолган бўлар эдилар. Вужудларида ибодат қилиши учун қувват, қалбларида тоқат, сайр қилишга мажоллари қолмаган бўлур эди. Шунинг учун ҳам мен сизни сукут билан, ичингиздагини ташқарига кўрсатмай тарбия қиламан».*

*Пайғамбар (с.а.в.) ворислари ҳисобланмиши валийлар ҳам ҳудди шундай йўл тутганлар. Улар ҳам ўзлари билган ҳар бир ҳақиқатни қаршидаги инсоннинг манфаатидан келиб чиқиб, сўзламайдилар. Шунингдек, суҳбатдошларининг ичидагиларни ташқарига чиқармай, уларнинг айбларини яширадилар. Сўз ўрнига ҳаракат ва ишорат билан тарбия қиладилар. Авлиё темир каби қотиб қолган қалбларни ҳам ҳазрати Довуд темирни юмшатганлари каби юмшатадилар.*

*Ривоятда ухлаб ётган инсон – ғафлат ичидаги инсондир. Унинг оғиздан ичига кирган илон эса нафси амморадир. Амир эса тарбия берувчи устоздир. Ухлаётган одамни қамчи билан уриб, ҳолдан кетгунча чоптириши риёзат ва мужоҳада – нафсга қарши жиҳоддир. Илоннинг оғиздан қайтиб чиқиши эса, инсоннинг нафси амморадан қутилишидир.*

\* \* \*

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломдан сўради: “Ана у қўлингдани нимадир, эй Мусо?” Мусо алайҳиссалом дедилар: «У асоийм (ҳассам) унга таянурман ва у билан қўйларимга барг қоқиб берурман. Яна унда бошқа ишларим ҳам бор”. Аллоҳ айтди: “Уни ерга ташлагин, Эй Мусо!”. (Тоҳа сурасидан)

Тафсирчилар Мусо алайҳиссалом асоларининг ерга отилишини ул зот ички дунёсининг ўзгариши, деб изоҳлайдилар. Мусо алайҳиссалом ҳассалари билан нафсоний ишларни бажаришларини айтганларида Аллоҳ асони ерга ташлашни амр этди. Шу онда нафс ва нафсга оид барча нарсалар илон каби тўлғониб ерга тушди. Шу йўл билан Мусо алайҳиссаломга нафсининг ҳақиқати кўрсатилди. Кўрқиб, кўрган нарсаларидан қоча бошлаганларида дейилдики: “Эй Мусо! Бу илон Аллоҳдан бошқа нарсаларга итоат қилишнинг намунасидир. Бу намуна инсонларга кўрсатилса, улар кўрққанидан ундан қоча бошлайдилар”.

Бошқа бир мазмунга кўра эса асони ташлашга амр этилишида бу маъно яширинган: “Сен энди тавҳидга эришдинг. Сенинг

асога таянишинг, ундан ёрдам сўрашинг тўғрими? Қандай қилиб сен бу асо билан уни қиламан, буни қиламан, дея оласан? Тавҳид йўлидаги илк қадам – сабабларни тарк қилишдир. Ҳар турли талаб ва орзулардан воз кеч”. Нединки, “Таъвилоти Нажмия”да бундай дейилади: “Аллоҳнинг нидосини эшитган ва Унинг жамоли нурини кўришга муяссар бўлган киши, Аллоҳдан бошқа таянадиган ҳар нарсани ерга ташлайди. Аллоҳнинг фазли ва карамидан бошқа нарсага таянмайди. Нафсининг орзуларидан узоқлашади”.

Мусо алайҳиссалом оилалари билан Мадяндан Мисрга борар эдилар. Совуқ ва қоронғу йўлчилик давомида фарзандлари дунёга келади. Уларнинг олов ва ёруғликка эҳтиёжлари бор эди. Шу онда узоқдан бир олов шуъласи кўринди. Аслида бу нур Мусони пайғамбарликка ҳозирлашнинг бир ишорати эди. Бу оловдан чўғ келтириш учун ул зот шуъла томон йўналдилар. Унга яқинлашганларида нидо эшитилди: “Эй Мусо! Мен сенинг Парвардигорингман. Кавушларингни ечгин. Чунки сен муқаддас Туво водийсидасан”. (*Тоҳа сурасидан*) Муфассирлар “Кавушларингни ечгин” калимасини турлича шарҳлайдилар. Жумладан: “Кавушларинг дейилганда охират ва дунё тушунилмоқда. Икки кавушингни еч – яъни, қалбингни дунё ва охират савдоларидан бўшат”. Бошқа шарҳларда эса бундай дейилади: “Сен табиат ва нафсингдан воз кеч. Нафсингни ва унга оид нарсаларингни фикрларингдан чиқариб ташла”. “Далилий тафаккурдан воз кеч. Чунки мушоҳада ва кўз билан кўргандан кейин бу ердаги нарсалардан сенга фойда йўқдир”.

\* \* \*

Юсуф алайҳиссалом Зулайҳонинг ҳийлаларига дуч келгач, Аллоҳ таоло Юсуф алайҳиссаломга бўҳронни кўрсатди. Хонанинг девори тешилди. Ҳазрати Ёқуб қўлларини тишлаган ҳолда кўриндилар. Яна бир одам пайдо бўлди-да: “Эй Юсуф, ўнг томонингга қара!” деди. Юсуф алайҳиссаломга энди ашёларнинг ва нафсоний ишларнинг ҳақиқати кўрсатилди. Нафсоний ҳаракатлар энг ёмон шаклда кўз ўнгларида ўтди. Пардалар кўтарилиб, ашёларнинг сири намоён бўлди.

Аллоҳнинг бўҳрони, яъни илоҳий ёрдами етгандан кейин Юсуф алайҳиссалом нафс ва аёл макридан халос бўлдилар.

\* \* \*

Мажнунга Лайлонинг сафарга чиққани ҳақида хабар келди. Шунда Мажнун туясига миниб, Лайло ўтадиган манзил томон шошилди. Яқинда болалаган туянинг кўзи эса орқада қолаёт-



ган бўталоғида эди. Шу боис Мажнун туянинг устида мизгий бошлаган он туя йўлни орқага бурди. Мажнун нима сабабдан орқага қайтганларини тушуна олмай, туяни яна кўзлаган манзил томон юришга ундади. Бундай ҳол кўп марта қайтарилди. Кечки пайт Мажнун «қанча йўл юрдим экан», деб кизиқиб қараса-ки, эрталаб йўлга чиққан жойида турган эмиш. Шунда у туяга қараб деди:

– Эй туя, сен болангга, мен эса Лайлога ошиқман. Демак, биз борадиган манзиллар бир-биридан фарқлидир. Сен менинг йўлимни тўсяпсан, мен эсам сенинг йўлингни тўсмоқдаман. Бу ҳолда биз йўлдош бўла олмаймиз. Сен фоний бир жонга, мен эса абадий бир жонга ошиқмиз. Яхшиси биз айрилайлик.

Бу ҳикояда Мажнун, яъни руҳи Аллоҳнинг ошиғидир. Туя эса “нафс”дир. Бўталоғи эса “ҳою ҳавас” деб аталадиган дунё лаззатидир. Бу ҳикояда бир-бирига қарши бўлган икки мажнун, яъни руҳ ва нафс бир нуқтада учрашганлар. Иккисининг мужодаласи тимсолий равишда баён қилинади. Ҳазрати Мавлоно бу ҳикояга оид баъзи байтларида шундай ташбеҳлар келтирадиларки, буларнинг насрий баёни будир:

Руҳ ва нафс Мажнун ва унинг туяси каби бўлиб, бири олға, иккинчиси эса орқага кетишни истайди. Мажнуннинг бир онлик(!) гафлати туяни бўталоғи сари етаклайди. Мажнуннинг борлиғи Лайлонинг ишқ ва савдоси билан тўла бўлгани учун Мажнун вақти-вақти билан ғайри иродавий хаёлга чўмиб, ўзини унутади. Унга йўлбошчилик қиладиган ақли эса Лайлонинг савдоси билан машғулдир. Лекин туя, яъни “нафс” эҳтиёткорона ва сергак ҳолда Мажнуннинг ўзлигини унутган онда бўталоғи (*ҳою ҳаваси*) томон йўл оларди.

Ниҳоят Мажнун туясига қарата:

– Эй туям! Иккимиз бир-бирига зид бўлганларга ошиқмиз... Шунинг учун ҳам биз сен билан йўлдош бўла олмаймиз. Мен сен билан бирга эканман, руҳим Лайлодан узоқлашмоқда, – дейди.  
– Эй туя! Висолга олиб борадиган йўл бор йўғи икки қадамдан иборат эди. Сенинг макринг мени йиллар давомида висолдан узоқлаштирди. Ҳолбуки, йўл яқин, жуда яқин эди. Мен маъшуқам билан учрашувга жуда кеч қолдим. Бу суворийликдан, яъни сенинг мени ташишингдан жуда чарчадим.

Ниҳоят Мажнун жонидан тўйган ҳолда ўзини туянинг устидан ерга ташлади. Мажнун ўзини ерга шу қадар шиддат билан отди-ки, оёғи синди. Оёғига малҳам тортиб, ўзи ўзига бурканиб мисли коптокка айланди, думалай-думалай Лайло томон йўлга чикди.

Энди бу ибратни ўз ҳаётимизга таққослаб кўрайлик: барчамиз туя устидамиз. Мағрурмиз. Аммо қай томон кетяпмиз? Лайлога ошиқяпмизми?

Рух ва нафснинг бир вужудда экани азоблар манбаидир. Ҳазрати Малоно таъкид этганларидек, жаноби Ҳаққа қалбан яқин бўлган кишининг руҳи ўз вужуди ичида азоб чекади. Чунки унинг руҳ қуши ўзининг зидди бўлган нафси билан бирга бўлиш мажбуриятидадир. Рух – қушлар орасида булбул кабидир. Нафс эса ўз табиатига кўра қарға кабидир. Булбул қарға ва бойқушлар ўртасида яшай олмайди, улар билан бирга бўлишдан изтироб чекади. “Рух булбули манман нафс қарғалари ва хунук кўзли нафс бойқушлари орасида инграмоқдадир”. Рух вужудда ҳур эмасдир. Вужуд қамоқхонаси ичидадир. Бу дунёда ўзи келган руҳлар оламининг ғурбатида изтироб чекмоқдадир. Унинг бу ғурбат ва изтиробни “васли иллоллоҳ”га (*илоҳий висолга*) қадар давом этади. Бу онга қадар доимо нафс тўсиғи билан мужодалада бўлади. Бола-чақа, мол-мулк, мавқе ва мақомлар қўлга кириши ва буларни нафснинг орзуларига кўра бошқариш бу дунёнинг овунчоқларидир. Инсон нафсоний тамойиллари билан бир ҳаёл дунёси қуради. Унинг билан овунади. Минг бир андиша ва васваса билан умрини битиради. Рухнинг назокати нафснинг қўполлигидан безовталанади. Бир-бирига зид бўлган бу икки омил инсон ҳаёти давомида ўзаро мужодалаларини давом эттиради. Бу ҳикояга бошқа кўз билан қараганимизда зариф ва олий яратилиш соҳиби бўлган комил инсонларнинг жоҳил ва нодон кишилар ичида изтироб чекишини тушуниб олишимиз мумкин.

Илмда ўзаро тортиш кучи қоидаси мавжуд. Бу фақат жисмларга эмас, руҳга ҳам тааллуқлидир. Шунга кўра, нафсоний ҳаёт – фосиқларни, руҳий ҳаёт – содиқ ва солихларни, куфр – кофирни, йўл – йўлга муҳтож бўлган йўловчини ўзига жалб қилади (*Усмон Нурий*)

\* \* \*

“Бир улуғдин “аъдо адуввика нафсу каллази байна жанбайка” ҳадиси маъносини сўрдум. Ул деди: “Маънисини улдурки, ҳар душмангаким, эҳсон қилсанг, ул сенга дўст бўлур. Магар нафски, анга ҳар неча мадоро қилсанг, муҳолифатни зиёда қилур”.

Қитъа:

*Фариштаҳўй бўлур одами емакдин кам,*

*Йиқилғуси еса ҳайвон киби нечукки жамод.*

*Мутеъинг ўлғуси ҳар ким муродини берсанг,*

*Валек нафс бўлур ҳокиминг чу топди мурод”. (Саъдий Шерозий)*

ган бўталоғида эди. Шу боис Мажнун туянинг устида мизғий бошлаган он туя йўлни орқага бурди. Мажнун нима сабабдан орқага қайтганларини тушуна олмай, туяни яна кўзлаган манзил томон юришга ундади. Бундай ҳол кўп марта қайтарилди. Кечки пайт Мажнун «қанча йўл юрдим экан», деб қизиқиб қараса-ки, эрталаб йўлга чиққан жойида турган эмиш. Шунда у туяга қараб деди:

– Эй туя, сен болангга, мен эса Лайлога ошиқман. Демак, биз борадиган манзиллар бир-биридан фарқлидир. Сен менинг йўлимни тўсяпсан, мен эсам сенинг йўлингни тўсмоқдаман. Бу ҳолда биз йўлдош бўла олмаймиз. Сен фоний бир жонга, мен эса абадий бир жонга ошиқмиз. Яхшиси биз айрилайлик.

Бу ҳикояда Мажнун, яъни руҳи Аллоҳнинг ошиғидир. Туя эса “нафс”дир. Бўталоғи эса “ҳою ҳавас” деб аталадиган дунё лаззатидир. Бу ҳикояда бир-бирига қарши бўлган икки мажнун, яъни руҳ ва нафс бир нуқтада учрашганлар. Иккисининг мужодаласи тимсолий равишда баён қилинади. Ҳазрати Мавлоно бу ҳикояга оид баъзи байтларида шундай ташбеҳлар келтирадиларки, буларнинг насрий баёни будир:

Рух ва нафс Мажнун ва унинг туяси каби бўлиб, бири олға, иккинчиси эса орқага кетишни истайди. Мажнуннинг бир онлик(!) гафлати туяни бўталоғи сари етаклайди. Мажнуннинг борлиғи Лайлонинг ишқ ва савдоси билан тўла бўлгани учун Мажнун вақти-вақти билан ғайри иродавий хаёлга чўмиб, ўзини унутади. Унга йўлбошчилик қиладиган ақли эса Лайлонинг савдоси билан машғулдир. Лекин туя, яъни “нафс” эҳтиёткорона ва сергак ҳолда Мажнуннинг ўзлигини унутган онда бўталоғи (ҳою ҳаваси) томон йўл оларди.

Ниҳоят Мажнун туясига қарата:

– Эй туям! Иккимиз бир-бирига зид бўлганларга ошиқмиз... Шунинг учун ҳам биз сен билан йўлдош бўла олмаймиз. Мен сен билан бирга эканман, руҳим Лайлодан узоқлашмоқда, – дейди.  
– Эй туя! Висолга олиб борадиган йўл бор йўғи икки қадамдан иборат эди. Сенинг макринг мени йиллар давомида висолдан узоқлаштирди. Ҳолбуки, йўл яқин, жуда яқин эди. Мен маъшуқам билан учрашувга жуда кеч қолдим. Бу суворийликдан, яъни сенинг мени ташишингдан жуда чарчадим.

Ниҳоят Мажнун жонидан тўйган ҳолда ўзини туянинг устидан ерга ташлади. Мажнун ўзини ерга шу қадар шиддат билан отди-ки, оёғи синди. Оёғига малҳам тортиб, ўзи ўзига бурканиб мисли коптокка айланди, думалай-думалай Лайло томон йўлга чиқди.



Энди бу ибратни ўз ҳаётимизга таққослаб кўрайлик: барчамиз туя устидамиз. Мағрурмиз. Аммо қай томон кетяпмиз? Лайлога ошиқяпмизми?

Руҳ ва нафснинг бир вужудда экани азоблар манбаидир. Ҳазрати Малоно таъкид этганларидек, жаноби Ҳаққа қалбан яқин бўлган кишининг руҳи ўз вужуди ичида азоб чекади. Чунки унинг руҳ қуши ўзининг зидди бўлган нафси билан бирга бўлиш мажбуриятидадир. Руҳ – қушлар орасида булбул кабидир. Нафс эса ўз табиатига кўра қарға кабидир. Булбул қарға ва бойқушлар ўртасида яшай олмайди, улар билан бирга бўлишдан изтироб чекади. “Руҳ булбули манман нафс қарғалари ва хунук кўзли нафс бойқушлари орасида инграмоқдадир”. Руҳ вужудда хур эмасдир. Вужуд қамоқхонаси ичидадир. Бу дунёда ўзи келган руҳлар оламининг ғурбатида изтироб чекмоқдадир. Унинг бу ғурбат ва изтироби “васли иллоллоҳ”га (*илоҳий висолга*) қадар давом этади. Бу онга қадар доимо нафс тўсиғи билан мужодалада бўлади. Бола-чақа, мол-мулк, мавқе ва мақомлар қўлга кириши ва буларни нафснинг орзуларига кўра бошқариш бу дунёнинг овунчоқларидир. Инсон нафсоний тамойиллари билан бир ҳаёл дунёси қуради. Унинг билан овунади. Минг бир андиша ва васваса билан умрини битиради. Руҳнинг назокати нафснинг кўполлигидан безовталанади. Бир-бирига зид бўлган бу икки омил инсон ҳаёти давомида ўзаро мужодалаларини давом эттиради. Бу ҳикояга бошқа кўз билан қараганимизда зариф ва олий яратилиш соҳиби бўлган комил инсонларнинг жоҳил ва нодон кишилар ичида изтироб чекишини тушуниб олишимиз мумкин.

Илмда ўзаро тортиш кучи қоидаси мавжуд. Бу фақат жисмларга эмас, руҳга ҳам тааллуқлидир. Шунга кўра, нафсоний ҳаёт – фосиқларни, руҳий ҳаёт – содиқ ва солихларни, куфр – кофирни, йўл – йўлга мухтож бўлган йўловчини ўзига жалб қилади (*Усмон Нурий*)

\* \* \*

“Бир улуғдин “аъдо адуввика нафсу каллази байна жанбайка” ҳадиси маъносини сўрдум. Ул деди: “Маъниси улдурки, ҳар душмангаким, эҳсон қилсанг, ул сенга дўст бўлур. Магар нафски, анга ҳар неча мадоро қилсанг, муҳолифатни зиёда қилур”.

Қитъа:

*Фариштаҳўй бўлур одами емакдин кам,  
Йиқилғуси еса ҳайвон киби нечукки жамод.  
Мутеъинг ўлғуси ҳар ким муродини берсанг,  
Валек нафс бўлур ҳокиминг чу топди мурод”. (Саъдий Шерозий)*

\* \* \*

“Агар ширинлик еган бўлсанг, аччиққа ҳозир тур, бир марта роҳат келса, ўн қайта ранж келади”.

\* \* \*

“Ҳарислик (баднафслик) ёмон иллатдир, ҳарисликнинг охири ғам-ғусса, ҳасратдан иборат”.

\* \* \*

“Бу бойлик, камбағаллик Худонинг қисмати дир, ҳарисмандга ўхшаш кишилар учун фақат заҳмат дир”.

\* \* \*

“Ҳарис дунё молини йиғиб тўймас, ҳарис одам қариса ҳам, унинг ҳарислиги кексаймас... Ҳарис киши ҳарисликни фақат ўлиб, тупроққа киргач қўяди”.

\* \* \*

“Нақадар ўзинг молга очкўзсан, кўнглингдаги ғаминг, тилингдаги сўзинг ҳам дунё ҳақида дир”. (Аҳмад Югнакий)

\* \* \*

436  
“Нафс кетига тушган – нафсоният манзилидагина тўхтайдди. Ҳеч ким ўз кўнглига ғам тиламайди ва ўз нафсини қийнашни хоҳламайди. Аммо ўзганинг азиз зотида беҳад хорлик кўрса, ўзига кичик бир қийинчилик юзланганича билмайди. Бир азиз кимсанинг шаънига ниҳоятда қаттиқ тегилганини англаса, ўзига озгина кулфат тушгандек ҳам таъсирланмайди. Барча учун ўзи ўзгадан азизроқ; ўз сўзи ўзгаларникидан маъқулроқ. Одам – оламдаги яхшиликларни ўзидан ҳеч аямайди, аммо бу яхшиликларни ўзгаларга раво кўрмайди”.

\* \* \*

“Оламдаги ҳамма одамлар ўзларини ўзлари севадилар; уларнинг сўзлари ҳам ўзларига жуда ёқимли туйилади. Башар жинсида бўлган бу сифат – уларнинг жоҳиллигига далолат дир, нафслари эса беихтиёр шу даъво билан машғул дир”.

\* \* \*

“Сайёднинг балиққа қармоқ ташлаши – нафс муддаоси учун, балиқнинг қармоққа илинмоғи ҳам худди шу бало учун. Нафс балосига учраган одамнинг ейишдан бошқа хунари йўқ. Худбин одам гап сотишдан бўлакка ярамайди. Уларнинг бири ҳаром овқатдан роҳатланади. Буниси эса доим ўзини мақтаб ором олади:

Ул бири луқмау навола сўзин,  
Айтиб ончаки холи айлаб ўзин.  
Бу ўз авсофиға муарриф ўла,  
Айлабон базми анжумани тўла”. (Алишер Навоий)  
*(Уларнинг бири луқма овқат ва насиба сўзини гапиравериб ўзини овутади. Буниси эса ўз қилиқларини мақтайвериб, базм ва йиғинларни тўлдиради)*

\* \* \*

Роҳат истар табъ, меҳнатдир ибодат сар тосар,  
Тарки роҳат рағбати миннат қилан мумтоз ўлур.  
Ул сабабдиндирки, куфр осон ўлур, ислом асо,  
Арсаи оламда мулҳид чўх, мувахҳид оз улур (Фузулий)  
*(Дейилмоқчики: инсоннинг ичи, табиати, нафси роҳат истайди. Аммо ибодатларнинг барчаси осон эмас, кишидан машаққат талаб этади (масалан, субҳи содиқда туриш, рўза... қийинчиликлари) Роҳатдан кечиб, меҳнат – ибодатни истовчи – мумтоз, сараланган бандадир. (Роҳатни тарк эта олган, яъни нафсини енга олган кимса инсонларнинг саралангани, афзалидир.) Бу сабабдан кофирлар сафига қўшилмоқ осон, киши суяниши мумкин бўлган таянч (ҳасса) эса исломдир. Мусулмон бўлиш қийин, шу боис бу дунёда мулҳид (кофир)нинг кўплиги, мувахҳид (мўъмин мусулмон)нинг озроқлиги бир сирдир)*

\* \* \*

Ямон нафсинг сенинг ўтдек туташди,  
Гуноҳинг бора-бора ҳаддин ошди.  
*(Сенинг ёмон нафсинг иймон уйингга ёниб турган ўт каби туташди. Гуноҳни қила берганинг сайин унинг ҳисоби ҳам ошиб кетди)*  
Жасад қолмасдин илгари нафасдин,  
Ҳаво кўп қилмағил, кечгил ҳавасдин.  
*(Танинг жонингдан айрилиб қолмасдан бурун нафс орзуларини кўп қилмагин. Ҳавойи тилаклардан тийилиб, тавба қилгин)*  
Кел, э нафс, очмағил кўз ҳар қаёна,  
Йўқ эрмиш эътимод ушбу жаҳона.  
*(Эй, нафс эгаси бўлмиш инсон, кўзларингни очиб ҳар тарафларга суқланиб боқмағил. Бу дунёни боқий, деб ишонма. Зеро, бу фоний жаҳоннинг таянчи ва бақоси йўқдир)*  
Эрур нафсинг димоғи турфа еллик,  
Қачон эллик қилур ёлборсанг эллик.  
*(Нафсинг бошида кўзга кўринмас ел бордир. Бу ел сени яширин туриб йўлдан оздирур. Ел ўтнинг ёнишини ажойиб эгриликларга тортгани каби, кофир нафсинг ҳавоси, яъни ели ҳам кўринмас*



қийлалар билан оҳанрабо сингари эгриликларга тортар. Шунинг учун нафси кофирингга эрк бермагил. Уни бўш қўйсанг, эллик марта ёлборсанг-да, ўзингга эл бўлмас, ёвуз бўлур. Риёзат қалъсига кириб, бу нафс билан уришгил. Ахири ғолиб келиб, баҳодир руҳинг нафсингнинг бояги елли бошини кесиб, тахтга ўтириб ўз жойини эгаллар. Сўнгра фано филлоҳ бўлиб, боқий филлоҳда қолур)

Ўзинг паст айласанг, нафсинг забардаст,  
Бошинг чайнаб солур, чун уштуру маст.

(Ўзингни тубан, нафсингни юқори тутсанг, ахири бир кун келиб бу баланд нафсинг маст туя каби бошингни чайнаб хароб қилур. Яъни, эркини қўлига берган нафсинг ўзингни иймондан чиқариб, абадий тамуғлик қилур. Шундай экан, бундайин кофир нафсингга қаршилик қил. Нафсинг оёғини машаққат ва хилофлик ипи билан кишанла. Тилаган нарсаларини асло берма. Ул шумнинг бошидан риёзат таёғини олма. Ҳамиша шу таёқ билан қийнайвер. У нафси амморани қопағон ит каби семиртirma. Нафсинг семириб туриб, юзингни ёрмасин. Қутлуғ руҳингдан ғолиб келиб, сени нобуд қилмасин. Нафс илонини уйингда кўп йиллар асрадинг ва у капта бўлгани сайин зарари кўнайди. Аммо ноумид бўлма, қўлингга таваккул қилчини ол-да, у кофир билан уришгил. Аммо аввал қалбингни риё, кибру ҳасаддан ва барча ёмон хулқлардан холи қилгил)

Агар нафсинг муродин изламаксан,

Агар саксонга етсанг, ҳамчу саксан (Сўфи Оллоёр)

(Агар сен нафсинг тилаклари йўлида ҳориб елиб юрар экансан, билгилки, ёшинг саксонда бўлса ҳам, ўзингни ит (сак) дейишдан бошқага ярамассан)

\*\*\*

“Одамларга муносиб иш – ўз нафсини қўлга олиб, қайси иш ўзига лойиқ эканини англаб, унга амал қилишдир. Шундай қилса, унинг иши саранжом бўлади. Ҳамма гўзал хислатларнинг яхшироғи ҳалол касб билан молу-дунё ҳосил айлашдир. Агар сизларга қаҳру-ғазаб ғалаба қилса, ёмон сўзлар сўзлашдан тилингизни, бошқаларга озор беришдан қўлингизни сақланг”.

(Сукроти ҳаким)

\*\*\*

“Тиб илмининг фойдали эканини англаб, уни зўр эҳтирос билан ўргана бошладим. Кейин касалларни даволаб, бу хунарда шуҳрат қозондим. Шу билан бирга ҳамма одамлар сингари мен ҳам тўрт нарсани орзу қила бошладим: мол тўпламоқ, кайф сурмоқ, бошқаларнинг ҳурматига сазовор бўлмоқ ва абадий шуҳрат қозонмоқ. Шунини айтиш керак-ки, тиб илмининг бутун дунёда

ҳурмати баланддир. Тиб китобларида: “Табибларнинг энг фозили беморларни пулсиз муолажа этувчилардир. Бу йўл билан улар ҳам бу дунёнинг, ҳам охиратнинг неъматларидан бахраманд бўладилар”, деб ёзилган. Деҳқоннинг уруғ сепишдан мақсади ердан ғалла ундириб, ўз ризқ-рўзини топишдир. Ҳайвонларнинг ем-ҳашаги бўлган ўт ўз-ўзидан ўсаверади.

Хуллас, қаерда соғайишига умиди бўлган касал одамни эшитсам, бориб, уни муолажа эта бошладим. Бир оздан кейин тенгқурларимнинг мол ва давлати меникидан зиёд эканини кўрдим. Нафсим устун келиб, мол-дунё тўпламоқ ҳавасига тушдим. Тўғри йўлдан озишимга сал қолди. Ўз-ўзимга дедим: “Эй нафс, сен фойда билан зарар ўртасидаги фарқни кўрмаяпсан. Ақлли одам азияти кўп, фойдаси кам бўлган нарсани орзу қиладими? Агар сен яхши от қолдириб кетиш фикрида бўлсанг, бу фоний дунёда очкўз ва хасис бўлма. Нотўғри фикрлардан қайт. Савоб орттиришга ҳаракат қил. Одамнинг ҳаёти бир-бирига зид бўлган тўрт унсурнинг қоришмасидан иборат, худди йигирилган ипга ўхшайди, унинг узоқ вақт узилмасдан тура олишига ишонч йўқ”.

Одам баданининг аъзолари бир миҳ билан қоқилган олтин бутга ўхшайди. Миҳ суғуриб олинса, бут бўлакларга бўлиниб кетганидек, одамнинг бадани ҳам яшаш қобилятини йўқотиб, парчаланиб кетади. Қариндош-уруғларинг, дўст-ошноларинг билан кўпда мағрурланма ва улар билан бирга бўлишни ортиқча ҳавас қилма. Ҳамиша уларнинг севинчлари қайғуларидан оз, ғамлари эса шодликларидан кўп бўлади. Бу ғам ва ғусса устига яна ҳижрон дарди ва айрилиқ алами ҳам инсонга ҳамроҳдир. Баъзан шундай ҳам бўлади-ки, бири ўз оиласини боқиш, хотини ва болаларини таъмин қилиш учун мол йиғиб, бойлик тўплашга мажбур бўлади ва бу йўлда ўзини қурбон қилади. Бундай одам оловга ташланган хушбўй уд ёғочига ўхшайди, унинг хидидан бошқалар фойдаланади, ўзи эса ёниб кул бўлади.

Яна ўз-ўзимга дедим: “Сен беморларни муолажа қилишдан қолма, “жамоат ҳакимнинг қадрини билмайди”, деган гапларга қулоқ солма. Агар бирор одамни ўлим чангалидан қутқаришга муваффақ бўла олсанг, бунинг савоби ҳар нарсадан кўп эканлигини назарга ол. Узоқ давом этган оғир касаллик туфайли бола-чақаси билан ош-нонга муҳтож бўлиб қолган бир одамни муолажа этиш ва унинг саломатлигини қайтариб бериш қанчалик савоб иш эканлигини ким эътироф этмайди?”

Ўз нафсим билан олишиб, ўзимни яна тўғри йўлга сола билдим. Ҳеч нарса олмасдан сидқидил билан беморларни даволай бошладим, узоқ муддат шу иш билан машғул бўлдим. Бу хиз-

матим эвазига ризки рўз дарвозалари қаршимда очила берди. Шоҳлар менга бирин-кетин сарполар инъом қила бошладилар, хазина дарвозасини очиб қўйдилар. Бойликда, шону шавкатда ўз тенгдошларимдан ўзиб ҳам кетдим”.

*(“Калила ва Димна”дан Барзуя ҳақимнинг деганлари)*

\* \* \*

“Микёси нафс деб қиладурган амалларимизни, ишларимизни шариат, инсоният қонунига мувофиқ ўлуб-ўлмадиғини виждонимиз ила ўлчаб кўрмакни айтилуру. Нафс ўлчови ҳақиқий бир ўлчовдирки, инсоннинг ўз нафсига лойиқ кўрмаган муомалани бошқалар ҳақида ижро этмоқға қўймас, фикр эгалари, инсоф соҳиблари ҳар вақт нафс ўлчовидан ташқари ҳаракат қилмас.

Агарда бир сабаб ила шариат ҳукмидан, инсоният қонунидан чет кетса, бу қабоҳатини нафс ўлчови ила билуб, иккинчи мартаба қилмасга қасд ва ният қилуб, шариат низомидан, инсоният чизиғидан чиқмасликға саъй ва ғайрат қилуру.

Алҳосил, нафс ўлчови таърифдан ташқари инсонлар учун энг фойдали, ҳар кимча мақбул буюк бир фазилатдур. Буюк Искандар: “Дунёда энг ҳақиқий, тўғри ўлчов нафс ўлчовидирки, бу мезонда зарра нуқсон йўқдур”, -демиш. Ибн Сино ҳақим: “Инсоннинг фазлу камолининг ўлчови нафснинг ўлчови ила ўлчанур”, - демиш.

Дунёда ҳар нарсанинг махсус ўлчови бўлар,  
Банда афъолини виждони ила тортиб кўрар.  
Бир ишига вазнда келса оғир ўз нафсига,  
Ул ишинг қандоғ бўлакларга раво, лойиқ кўрар”.

*(Абдулла Авлоний)*

\* \* \*

“Одам алайҳиссаломнинг айтилган йўлдан юрмай, ғайри иродавий хатога йўл қўйиши унинг жаннатдан Ерга туширилишига сабаб бўлган эди. Ерда инсон наслининг кўпайиб, имтиҳонга солиниши ва бу имтиҳондан ўта олганларнинг қайтадан жаннатга тушиши инсон учун бир шараф йўлидир. Лекин бу шараф ва зафарга эришиш учун Аллоҳ таоло инсонларни “нафс” дарси билан имтиҳон қилади. “Нафс” зафар ва шарафга эришиш йўлидаги энг қийин ва оғир тўсиқдир”. *(Усмон Нурий Тўпбош)*

\* \* \*

“Куфр диёридан қутилиш ҳар вақт мумкин. Нафсини тоат-ибодатга йўналтирмоқ, уни ёмон, гуноҳ амаллардан қутқармоқ эса осон иш эмас. Боз устига, нафс душманлиги кофир душманлигидан ҳам шиддатлироқ, чунки у инсондан ҳеч айрилмайди.



Нафс бир нарсага кўникдими, осонгина ташлай олмайди. Масалан, энг оддийси – тамаки чекиш, ҳатто шуни ташлаш қанчалик оғир, ҳолбуки, унинг моддий ва маънавий зарарлари беҳисоб. Ичкилик, ёлғон, қимор, ҳийла, ўғирлик, тарозидан уриш ҳам беҳад қабих амал, гуноҳи кабиралардир. Бир учқундан пайдо бўлган ёнғинларнинг жуда катта фалокатларга сабаб бўлгани барчага аён. Кемада пайдо бўлган бир тешикча туфайли ҳайбатли бир кема сувда фарқ бўлиши мумкин. Шунга ўхшаб кичик гуноҳлар ҳам бир кишида тўпланиб қоладиган бўлса, уни ҳалок қилиши муқаррар. Чунки бу гуноҳлар иймонни хароб қилади. Аввало иймонни микроблар сингари емириб заифлаштиради, охир-оқибат эса ўлдиради. Дарвоқе, иймон бир заифлашдими, уни йўлдан тойдириш осон бўлиб қолади. Мана шу жиҳатдан нафснинг душманлиги бошқа душманларга қараганда қўрқинчлироқдир”. (Ал-Бурсавий)

\* \* \*

“Агар биз мўмин бўлатуриб, нафсимизни жиловлай олмасак, демак, биз ҳали комил мўмин ва комил иймон эгаси эмасмиз. Комил иймонга эга бўлмаганимиз туфайли нафсоний орзу-ҳавасларни жиловлай олмаяпмиз”.

\* \* \*

“Озгина танбалликка йўл қўйилган жойда нафс сизга ҳоким бўла бошлайди. Инсон то ўлимига қадар шайтон ва нафс ҳужумидан омонда бўлолмайди”.

\* \* \*

“Нафс орзу-истаклари чексиздир. Нафс фақат ўзини ўйлайди. Ваҳоланки, нафс учун фойдали туюлган нарса инсон ва жамият учун зарар келтириши мумкин. Биз зарарли, фойдасиз нарсаларни тарк этишимиз лозим. Бу эса, фақат Исломият орқали амалга ошади. Фақат мусулмон кишигина бу ишнинг урдасидан чиқиши мумкин”.

\* \* \*

“Инсон нафси ёмон иллатларга эга бўлса, ундан қутулмагунча ҳис оламидаги маъноларни, модданинг ортидаги ақл ва хаёл чегараларини мушоҳада қилолмайди”. (Умар Форук Сайдо Жазарий)

\* \* \*

“Сўйиш учун келтирилган ҳайвонларнинг ҳеч нарсадан беҳабар ҳолда, бир тутам хашак учун талашиб-уринишларини ҳеч қузатганмисиз? Бу манзара ўлимга орқа ўтириб, ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормай, нафс йўлида, манфаат ғавғосини қилаётган ин-

сонлар ҳолининг намоёишини эслатмайдими? Инсонларнинг жанжалларини фаришталар кузатиб туришади. Улар бизлардан олдингиларни ҳам билишганидан, бу ҳолимиз балки уларга айна манзаранинг такрори бўлиб кўринар? Улар бир вақтлар кичкина нарсалар учун катта жанжал кўтарганларнинг ҳозир қабрларида ҳисоб бераётганларини, ўз фарзандлари томонидан аҳён-аҳёнда эсланиб, набиралар томонидан эса тамоман унутилганларини кўриб туришади” (*Алоуддин Башар*)

\* \* \*

“Бир маст роса ичиб, кечаси йўлда йиқилиб ўзини билмасдан ётарди. Девқомат одам йўлдан ўтаётиб, унга раҳми келди. Катта қоп топиб, унга мастни солди-да орқалаб кетди. Қопдаги маст бақира бошлади. Йўл четида гандираклаб турган иккинчи маст унинг ноласига чидай олмади: “Эҳ бечора! Охирги қадаҳни ичмаганингда уйингга ўз оёғинг билан юриб кетардинг”, деди.

Ибрат: Эй инсон! Қиссадан ҳисса шуки, сен ҳаётда ўз айбини кўрмасдан, бошқаларнинг айбини кўриб, насиҳат қиладиган кўп кишиларни кўрасан. Инсон ўз нафсига насиҳат қилмасдан туриб, бошқаларга насиҳат қилса, бу худди шу қиссадаги биринчи мастнинг иккинчисига қилган насиҳати каби фойда бермайди. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам шу боисдан “Энг аввало нафсингга насиҳат қил, кейин бошқаларга” деганлар. Бу ҳадис кишиларга шубҳасиз ёруғлик ва ҳақиқат булоғидир. Мана шу қисса эса бизга насиҳатни кимларга қилиш кераклиги ва насиҳат ким томонидан берилиши ўринли бўлишида тўғри сабоқ беради”. (*Муҳаммад Камол*)

\* \* \*

“Меъёр – табиатнинг йўлдоши, соғликнинг посбонидир. Бинобарин, еб-ичишда ҳам, юриш-туришда ҳам ва ҳатто, муҳаббат бобида ҳам меъёрни сақланг”. (*Абул Фароҳ*)

\* \* \*

“Ҳузур-ҳаловатнинг қули бўлиб қолган одам танасини ҳам, руҳиятини ҳам мажруҳ қилади”. (*Сукрот ҳаким*)

\* \* \*

“Нафсни тия олмайдиганларнинг, хусусан, ейиш, ичиш ва севги лаззатини суришда меъёрни билмайдиганларнинг ҳузур-ҳаловати кўпга бормайди. Улар фақат ейиш ва ичиш пайтидагина роҳат қиладилар; аммо тийила билмаслик оқибатида тортадиган азоблари беҳисоб ва беадад бўлади”.

\* \* \*

“Меъёр (мўътадиллик) ҳаёт қувончларига қувонч қўшиб, хузур ҳаловатингизни оширади... Меъёрни билмасангиз, энг ёқимли нарса ҳам беҳад ёқимсиз нарсага айланади”.

\* \* \*

“Энг ёқимли лаззатланиш энг кам юз берадиган лаззатланишдир... Фойдаси йўқ ҳар қандай лаззатдан воз кечмоқ лозим”.

(Демокрит)

\* \* \*

“Ҳеч ким меъёридан ортиқ тановул қилмаслиги керак”.

(Пифагор)

\* \* \*

“Туш вақтида камроқ овқатлан, кечкурун эса ундан ҳам камроқ бўлсин, чунки бутун соғлигимиз ошқозонимиз тубига жойлашган”. (М. Сервантес)

\* \* \*

“Ҳар қандай хузур ҳаловатга майл қўймаслик керак, фақат ножўя бўлмаганлари бундан мустаснодир”.

\* \* \*

“Кучимизни қирқадиган даражада эмас, балки кучимизга куч қўшадиган миқдорда еб-ичайлик”.

\* \* \*

“Машқ ва меъёр ҳатто қарилқда ҳам маълум даражада аввалги қувватни сақлаб қолиши мумкин”. (Цицерон)

\* \* \*

“Ҳамма вақт лаззатланиш – ҳеч қачон лаззат олмаслик демакдир”.

\* \* \*

“Истеъмол этинг, лекин суистеъмол қилманг – доноларнинг таомили шу. Ўзни тийиш ҳам, ошириб юбориш ҳам бахт келтирмайди”. (Ф. Волтер)

\* \* \*

“Керагидан ортиқ нарсага интилиш – муҳтожлик кетидан кувиш демакдир”. (П. Сур)

\* \* \*

“Ортиқча нарсалардан воз кечган одам муҳтожликдан халос бўлган одамдир”.



\* \* \*

“Инсон ўз табиатига кўра фақат келажакда соғлом бўлиши учунгина эмас, балки бугунги кунда тетик-бардам юриш учун ҳам меъёрни сақлайди”. (И. Кант)

\* \* \*

“Мавжуд ҳузур-ҳаловатдан шундай фойдаланингки, келгусида бўладиганларига зарари тегмасин”. (Сенека)

\* \* \*

“Ҳар қандай ортиқча нарса ё асабни ёинки дидни расво қилади”. (Ж. Жубер)

\* \* \*

“Ортиқча нарсага ружу қўйиш кўпинча зарур нарсадан маҳрум бўлишга олиб келади... Ҳамма нарсада меёр бўлиши шарт”.

\* \* \*

“Доно одам хоҳишга қарши курашиб юришдан кўра ундан воз кечиш афзаллигини яхши билади”. (Ф. Ларошфуко)

\* \* \*

“Лаззатни ошира билиш санъати унга нисбатан зиқна бўла олишдан иборат”.

\* \* \*

“Ёқимли нарсани фойдали нарса билан омихта қилган одам ҳамиша ютади”. (Ж. Ж. Руссо)

\* \* \*

“Ҳиссий лаззатланиш умрни қанчалик қисқартирса, ақлий лаззатланиш уни шу қадар узайтиради”. (П. Буаст)

\* \* \*

“Энг улуг донолик ҳамма нарсадан воз кечиш эмас, балки энг кичик, арзимас нарсалардан ҳам роҳатлана билишдан иборат”. (Ж. Рескин)

\* \* \*

“Ҳар қандай ҳузур-ҳаловат, агар унда адолатсизлик ва ортиқчалик бўлмаса, агар у табиий истак маҳсули бўлса ҳамда нозиктаъб инсон хоҳишларига мос тушса – бу роҳатдир”. (Э. Сенанкур)

\* \* \*

“Дунёдаги барча тирик мавжудотлар ичида фақат инсонгина ўзига фойдали нарсани билмаслигига иқрор бўлишга уялади”.

\* \* \*

“Бориб-бориб меъдага тегмайдиган лаззатнинг ўзи йўқ”.  
(Катта Плиний)

\* \* \*

“Кўпчилик умрининг талай қисмини ҳаётининг қолган бўлагини раддибало қилишга сарфлайди”.

\* \* \*

“Ҳаётни сақлаши керак бўлган овқат меъеридан ошса, муқаррар ўлимга маҳкум этувчи заҳарга айланади”. (Ж. Лабрюйер)

\* \* \*

“Узлуксиз ичкиликбозлик, тизгинсиз муҳаббат ва меъеридан ортиқ шаҳвонийликдан кўра қарилликни тезлаштирадиган нарса йўқ”. (Роттердамлик Эразм)

\* \* \*

“Бир нафаслик лаззат кўпинча бир умрлик азоб-уқубатга сабаб бўлади”. (К. Виланд)

\* \* \*

“Лаззат эсда қолиши учун уни қисқартириш керак”. (Ч. Бакстон)

\* \* \*

“Нафсни тия билмаслик бориб-бориб кишини нобуд қилади; баднафслик эртами-кечми иморатни кулатадиган пойдевор остидаги кўзга кўринмас сувдир”. (Ж. Блекки)

\* \* \*

“Дастурхон устидаги беҳисоб ноз-неъматларни кўрганимда уларнинг ҳар бирида, худди пистирмадагидай, бод, сувчечак, иситма ва яна алламбало касалликлар яшириниб ётгандай туюлади”. (Ж. Аддисон)

\* \* \*

“Осон ва ҳаддан зиёд насиб этган лаззату севинчлар охиروқибатда ўз номини оқламайди”. (М. Севинье)

\* \* \*

“Лаззат косасини охиригача сипқорсак, унинг тубида майдан кўра қуйқум кўплигини сезамиз”. (О. Бальзак)

\* \* \*

“Ҳеч нарса ҳаммавақт бир хилда яхши бўлолмайди, чунки ўша яхши иш ҳам ўзининг чексиз яхшилигидан адои тамом бўлади”. (В. Шекспир)

\* \* \*

“Узоқ яшамоқчи бўлсанг – камроқ овқатлан”. (Б. Франклин)

\* \* \*

“Буюк, ҳамиша безарар, ҳамиша халоскор дори – бу оқилона, меъёри билан лаззатланиш, хотиржамлик ва бадантарбиядир”.

(Фенелон)

\* \* \*

“Меъёрни саломатликнинг онаси дейиш мумкин”. (М. Валерий)

\* \* \*

“Меъёрдан ошса ҳар қандай ҳатти-ҳаракат фойдадан кўра кўпроқ зарар келтиради”. (Апулей)

\* \* \*

“Яхши, ҳатто энг яхши нарсага ҳам ҳар куни дуч келинса, тез жонга тегади”. (Г. Лессинг)

\* \* \*

“Озига қанчалик қаноат қилсак, муҳтожлик шунчалик камроқ таҳлика солади”.

\* \* \*

“Оғзингни эҳтиёт қил: ҳамма касаллик оғиз орқали ўтади. Шундай қилгинки, овқатдан турганингда ҳам иштаҳанг қарнай бўлсин”.

\* \* \*

“Агар одамлар фақат қоринлари очган пайтдагина овқатланишганда, шунда ҳам жўн, тоза ва тўйимли таомни истеъмол қилишганда эди, улар дард нималигини билишмаган ва ўз таналари билан руҳларини эркинроқ идора эта олган бўлишарди”.

(Л. Толстой)

\* \* \*

“Ҳеч қандай ортиқчаликка йўл қўймаслик, хоҳишни тия билиш керак. Хоҳиш муҳаббат, ижод, узоқ умрнинг қудратли мадақкоридир”. (А. Богомолец)

\* \* \*

“Агар овқатга ҳаддан ташқари ружу қилиш ҳайвонлик бўлса, таомга такаббуруна бепарво қараш нодонликдир; ҳамма нарсада бўлганидай ўртача меъёрни сақлаш керак: берилиб ҳам кетманг, эътиборсиз ҳам қолдирманг”. (И. Павлов)



### Аҳли дониш бисотдан:

“Одамнинг энг зўр душмани – ўз нафсидир. Киши тирик экан, нафси билан курашда мағлуб бўлмаслиги керак. Нафс шундай ғаним-ки, манманлик ва қайсарлик унинг шиоридир. Кибру ҳаво унинг доимий ҳамроҳидир”.

\*\*\*

“Ҳар масалада ақл билан ҳаракат қилганнинг фикри, албатта, тўғри билан топишади. Қачонки ҳавойи нафсга эргашса, нафс уни ёмон оқибатларга ва азобларга етаклайди”.

\*\*\*

“Ҳавойи нафс айбли эшақдир, сени фитналарнинг қоронғи бурчақларига элтади. Ҳавойи нафс чидаш қийин бўлган яратикдир, сени бадбахт жойларга жалб этади. Нафсоний орзулар сени айбли эшақларга миндирмасин, бадбахт ва бадният жойларга ўтказмасин”.

\*\*\*

“Эй азиз! Муродингга етиб қувонгинг келса, нафсоний орзулар сўзига кирадиган нафсга ёрдам берма! У истаган нафсоний истакларга қаршилиқ қил. Нафсоний орзуларнинг асири бўлган кишилар билан бирга бўлишдан ҳам сақлан. Нафсдан ва нафс сени чорлаётган нарсалардан воз кеч. Зеро, у ҳар кимга доимо ёмонликни буюради. Нафсга берилмасликда ва ичакларни тилка-пора қилувчи, териларни қуритиб ёндирувчи жаҳаннам оловидан қутулишда сенга муваффақиятлар тилайман”.

\*\*\*

“Дунё уйқудир, охират эса, уйғоқлик. Бу иккисининг орасида ўлим бор. Биз ёлғончи тушлар ичидамиз. Ким ҳаётга ҳавойи нафс кўзи билан боқса, қийин вазиятга тушиб қолади. Ким чексиз орзу-ҳавасларга чўмса, мўлжалига етишолмас. Орзу ҳавасларга чўмган кишининг борадиган марраси йўқдир”.

\*\*\*

“Иффатнинг ёнида доим пул туради. Агар унга эгалик қилганингда иффат соҳиби бўла олсанг (*яъни, топши-тутушинг зўр пайтда нафсоний орзуларингни писанд қилмасанг, ҳавойи нафсларга берилмасанг*), билки, сенинг бу тақво ва иффатинг ҳақиқий мусулмоннинг тақво ва иффатидир”.

\* \* \*

“Узоқ яшамоқчи бўлсанг – камроқ овқатлан”. (Б. Франклин)

\* \* \*

“Буюк, ҳамиша безарар, ҳамиша халоскор дори – бу оқилона, меъёри билан лаззатланиш, хотиржамлик ва бадантарбиядир”.  
(Фенелон)

\* \* \*

“Меъёрни саломатликнинг онаси дейиш мумкин”. (М. Валерий)

\* \* \*

“Меъёрдан ошса ҳар қандай ҳатти-ҳаракат фойдадан кўра кўпроқ зарар келтиради”. (Апулей)

\* \* \*

“Яхши, ҳатто энг яхши нарсага ҳам ҳар куни дуч келинса, тез жонга тегади”. (Г. Лессинг)

\* \* \*

“Озига қанчалик қаноат қилсак, муҳтожлик шунчалик камроқ таҳлика солади”.

\* \* \*

“Оғзингни эҳтиёт қил: ҳамма касаллик оғиз орқали ўтади. Шундай қилгинки, овқатдан турганингда ҳам иштаҳанг карнай бўлсин”.

\* \* \*

“Агар одамлар фақат қоринлари очган пайтдагина овқатланишганда, шунда ҳам жўн, тоза ва тўйимли таомни истеъмол қилишганда эди, улар дард нималигини билишмаган ва ўз таналари билан руҳларини эркинроқ идора эта олган бўлишарди”.  
(Л. Толстой)

\* \* \*

“Ҳеч қандай ортиқчаликка йўл қўймаслик, хоҳишни тия билиш керак. Хоҳиш муҳаббат, ижод, узоқ умрнинг қудратли мадақкоридир”. (А. Богомолец)

\* \* \*

“Агар овқатга ҳаддан ташқари ружу қилиш ҳайвонлик бўлса, таомга такаббуруна бепарво қараш нодонликдир; ҳамма нарсада бўлганидай ўртача меъёрни сақлаш керак: берилиб ҳам кетманг, эътиборсиз ҳам қолдирманг”. (И. Павлов)

### Аҳли дониш бисотдан:

“Одамнинг энг зўр душмани – ўз нафсидир. Киши тирик экан, нафси билан курашда мағлуб бўлмаслиги керак. Нафс шундай ғаним-ки, манманлик ва қайсарлик унинг шиоридир. Кибру ҳаво унинг доимий ҳамроҳидир”.

\* \* \*

“Ҳар масалада ақл билан ҳаракат қилганнинг фикри, албатта, тўғри билан топишади. Қачонки ҳавойи нафсга эргашса, нафс уни ёмон оқибатларга ва азобларга етаклайди”.

\* \* \*

“Ҳавойи нафс айбли эшакдир, сени фитналарнинг қоронғи бурчакларига элтади. Ҳавойи нафс чидаш қийин бўлган яратикдир, сени бадбахт жойларга жалб этади. Нафсоний орзулар сени айбли эшакларга миндирмасин, бадбахт ва бадният жойларга ўтқазмасин”.

\* \* \*

“Эй азиз! Муродингга етиб қувонгинг келса, нафсоний орзулар сўзига кирадиган нафсга ёрдам берма! У истаган нафсоний истақларга қаршилиқ қил. Нафсоний орзуларнинг асири бўлган кишилар билан бирга бўлишдан ҳам сақлан. Нафсдан ва нафс сени чорлаётган нарсалардан воз кеч. Зеро, у ҳар кимга доимо ёмонликни буюради. Нафсга берилмасликда ва ичакларни тилка-пора қилувчи, териларни қуритиб ёндирувчи жаҳаннам оловидан қутулишда сенга муваффақиятлар тилайман”.

\* \* \*

“Дунё уйқудир, охират эса, уйғоқлик. Бу иккисининг орасида ўлим бор. Биз ёлғончи тушлар ичидамиз. Ким ҳаётга ҳавойи нафс кўзи билан боқса, қийин вазиятга тушиб қолади. Ким чексиз орзу-ҳавасларга чўмса, мўлжалига етишолмас. Орзу ҳавасларга чўмган кишининг борадиган марраси йўқдир”.

\* \* \*

“Иффатнинг ёнида доим пул туради. Агар унга эгалик қилганингда иффат соҳиби бўла олсанг (*яъни, топиш-тутушинг зўр пайтда нафсоний орзуларингни писанд қилмасанг, ҳавойи нафсларга берилмасанг*), билки, сенинг бу тақво ва иффатинг ҳақиқий мусулмоннинг тақво ва иффатидир”.



\* \* \*

“Нафснинг ҳавойи орзуларига берилмаслик ифбат ҳисобланмайди. Ҳақиқий ифбат киши ҳар турли имкон ва бойликларга эга бўла туриб, нафсининг ҳавойи истакларига қарши борганидагина юзага чиқади”.

\* \* \*

“Бизга нима бўлганки, дунёда нафсоний орзуларни тарк этмаймиз. Ҳолбуки, дунё ҳаётининг умри қисқа; хайри – хайрсизлик; нашъаси – ғам-ғусса ва тинчлиги – таҳликадир. Кулса, қайғуга ботиради, юз ўгирса – тупроққа қоради”.

\* \* \*

“Фоний дунёда қўлга киритилган нафсоний муваффақиятлар денгиз қирғоғида ўйнаётган болаларнинг қумдан қилинган ва тўлқин ювиб кетадиган уйларига ўхшайди”.

\* \* \*

“Кимнинг нафси ғолиб келиб, ўзига итоат эттирса, бундай киши нафснинг ҳавойи истаклари асирига айланади. У мағлублар зиндонидадир. Кимки нафснинг ҳою ҳаваси билан суғорилса, қалбига надомат ниҳолини эккан бўлади”.

\* \* \*

“Нафс душманлиги кофир душманлигидан шиддатлироқ, чунки у инсондан ҳеч айрилмайди. Нафс бир нарсага кўникди-ми, осонгина ташламайди”.

\* \* \*

“Шайтон ўйиндан ўйинга ўтаверади. Нафс эса бир нарса-ни қайсарлик билан талаб қилиб тураверади. Шайтон моҳир ёлғончи ва ҳийлакор бўлгани боис, инсонни Аллоҳ розилигидан чалғитиш мақсадида бир гуноҳга ундолмаса, бошқа бир гуноҳни “таклиф қилади”, бир ўйинда инсонни лақиллата олмаса, иккинчи бир ўйинни татбиқ этади. Аммо нафс қайсар ёш боладек ёпишиб олган нарсаларни хоҳлаб тураверади. Васвасанинг нафсдан эканлиги шу тариқа англашилади”.

\* \* \*

“Нафсни енгишдан вужуд жафо тортади, аммо ундан кўнгил сафо топади. Отнинг тизгини суворийда бўлгани каби нафс тизгини инсонда бўлса, у ҳақиқат йўлида бардавомдир. Нафсини жиловлай олмаган инсоннинг қалби эса қаровсиз боланинг кийими каби иркит юради”.

\* \* \*

“Эй Одам, сен нафсингни парвариш қилиш билангина машғул бўлганинг ҳолда қаерга етишмоқ истайсан?”

\* \* \*

“Нафсни таниш – ўз вужуди ҳақида тафаккур қила олишдир”.

\* \* \*

“Эй азиз! Ҳар ким нафсинг оёғини тиндирса, нафс шундагина уни саргардонликдан тиндиради. Агар мард бўлсанг, нафсинг бўйнини уз. Йўкса, балолар домига гирифтор бўлиш режасини туз”.

\* \* \*

“Билгилки, уч ҳолда фалокат етишади: овчи итнинг семиришидан, қўлга ўргатилган ов қушининг ҳаддан ташқари тўйиб кетишидан ва нафсинг камол топишидан. Уларнинг йўлини кесиб турмоқ керак. Шундай қилинмаса – қуш овни изламайди, овчи ит семиз ва тўқ бўлса, отилган ўлжани келтириб бермайди. Кишининг тану жони семирса, яъни нафс кучайиб кетса, у ёввойи ҳайвон сифат бўлиб қолади, сенинг талабларингга қулоқ солмайди. Қушинг овламаса, унчалик зиёни йўқ. Итнинг овдан бош тортиши ҳам фожиа эмас, аммо тану жон, яъни нафсинг туядек семирса, бу – ёмон. Бу – фожиа! У сени оқибатда ўтга солади! Унутмагин-ки: йўлнинг тўғриси – ҳавас-нафсни енгиш, шунда кўнгил эгрилиги барҳам топади. Дейилмишки: неча обрўли, зўр, доно, ботир эр, нафсин тиёлмай охир бўлди ер...”

\* \* \*

Нафс махлуқига таслим бўлган инсоннинг эртаси ғоят ачинарли. Охират лаззатларидан маҳрум, турли ҳайвоний орзулар билан кечирилган умрнинг сўнгги хайрли бўлмаслиги маълум. Бундай қоронғулик чодирдаги умрнинг ёруғлик билан тугаши ҳам амри маҳолдир. Илоҳий ибрат саҳналаридан хулоса чиқармай, ғоясиз умр кечирмоқ, ўлимнинг изтироблари ичида йўқ бўлиш – инсон учун нақадар катта фожиадир. Нафсоний ҳаётнинг турли-туман кўринишлари, жарангдор қаҳ-қаҳалари эса жаҳаннам ҳаётининг ишоратларидир. Вужуд ороми орзусига банди инсон ўз умрини ўзи қатл қилаётганини ҳаёлига келтирмайди. Шу боис деганларки:

Бу икки кўз одамзодга балодир,  
Қўя берсанг тўйдим, демай оладир.  
Охир бориб, тупроқ билан тўладир,  
Ке қўй, дебон нафсинг тийсанг бўлмасми?

\* \* \*

“Нафсни ўзимизга душман деб атаганимиз билан унинг ҳар банда устидаги ҳаққи ҳам борки, бутунлай инкор эта олмаймиз. Нафснинг ғайри табиий истаклари кўп, бироқ, баъзи истаклари табиийдир. Аммо, емоқ, ичмоқ, таносил, истироҳат каби нафс истакларини қондиришнинг икки йўли бор. Иймон эгаси шайтон йўлидан юрмайди, истакларини ҳалол ва шаръий йўл билан қондиради. Масалан, наслнинг давом этиши учун никоҳ мавжуд, демак, зино йўли таъқиқланган. Шу зайлда нафснинг шахвоний хоҳишлари Ҳақ йўлга йўналтирилади. Хоҳишлар, ҳаваслар ортаверса, киши шайтон йўлига ўтиб кетганини ўзи ҳам сезмай қолиши мумкин. Аллоҳ сақласин!”.

\* \* \*

“Энг катта душман нафсми ё шайтонми? Нафс ислоҳ қилинса, шайтон ғулу қила олмайди. Инсоннинг асл душмани ўз ичида дур. У кўп нарсаларни истайди. Ичдан орзулар келади – гуноҳ қилади, ёмонлик қилади. Ичдан орзулар келади – инсон жамиятни остин-устун қиладиган ишларни амалга оширади”.

\* \* \*

450

“Ота фарзандини дунё оловидан қанчалик ҳимоя қилса, охира оловидан ундан-да кўпроқ ҳимоя қилмоғи керак. Одобу тарбия воситасида яхши хулқларни ўргатиш, ёмонликлардан қайтариш, тўкин-сочинликка одатлантирмаслик, зийнатга муҳаббат уйғотмаслик билан ота фарзандини охира оловидан асрайди. Аксинча, бола дунё талабида улғайса, нафсга қарши жанг қилмоқ нима эканини билмай ўсса, ҳалокатга юз тутади”.

\* \* \*

“Илм олмоқлик бешиқдан фарз қилингани каби, нафс тарбияси ҳам бола дунёга келган ондан бошланиши керак. Чунки ҳаромдан ҳосил бўлган сутда ҳосият, барака йўқ. Агар ундан истеъмол қилса, боланинг қонига ҳаром аралашади ва табиати ҳаромга мойил бўлиб қолади”.

\* \* \*

– Эй азиз! Нафс туясига миниб олиб, руҳ булбулини азобга қўймайсанми? Қачонгача туяда мағрур кезасан? Қачон юмуқ кўзларингни очасан? Нафсоний орзулар билан ўтказилган умр инсонни ҳалокатга олиб борувчи ҳийла ва мураккабликларга тўла эканини қачон кўриб, фарқлайсан? “Дарҳақиқат, ўз нафси



жонини иймон ва тақво билан поклаган киши нажот топади” хукмига мувофиқ қачон нажот томон юзланасан? Қачон “Аллоҳим, Ўзинг нафсимга – жонимга тақво ато эт! Ўзинг унинг Эгаси – Хожасисан ва Ўзинг уни Поклагувчисан”, деб илтижолар қиласан? Аллоҳнинг амр ва таъқиқларига бўйинсиниб яшашдан бошқа чоранг йўқлигини биласанми? Агар билсанг, у ҳолда ҳаётини дунё орзуларига бағишлаганлар ва нафсларини бу орзулари йўлида чоптирганларнинг оқибати охиратда паришон бўлиш эканини ҳам билиб ол. Жаноби Ҳаққа сиғиниш бандаси учун иззат, унинг зидди бўлган нафсга сиғиниш эса зиллат ва хусрон эканини бир зум ҳам унутма. Нафсоний орзулар билан ўтказилган умр инсонни ҳалокатга олиб борувчи ҳийла ва мураккабликларга тўладир.

Эй азиз, нажот топишни истасанг, нафсга хитоб қилгил-ки: «Эй нафсим, ақлингни йиғиб ол, девоналик қилма. Бу ҳаётнинг қийматини бил. Охиратда дўзахий бўлмаслик учун ҳозирдан тадбир қил. Жаннатга киришга сабаб бўладиган ишларни бажар. Дўзахга етаклайдиган ишлардан қоч! Дўзахдан ўзингни қўриқла. Жаннатни қўлдан бой бермасликка ҳаракат қил. Ҳаётингнинг бир сониясини ҳам бекорга ўтказма, беҳуда сарф этма, зое қилма!»

\* \* \*

“Сен ҳавойи нафсга қарши бормасанг, у сени тутиб, ҳаром ишга етаклайди. Шундай ишларга етаклайдики, кейин ҳар бирдан алоҳида-алоҳида сўроққа тортиласан. Билиб қўйки, сен ҳавойи нафсга берилган вақтингда ҳақиқатга етишолмайсан ва тўғри йўлни кўролмайсан”.

\* \* \*

“Агар барча гўзал феъл-атворларга эга ва Аллоҳнинг раҳматига сазовор бўлишни истасанг, гуноҳлар уяси бўлмиш ҳавойи нафсингга қарши чиқ. Ҳавойи нафс энг қўрқинчли душман, энг тубан борлиқдир. Барча фитналарнинг энг каттаси ундадир. Ақлинг бўлса, ҳавойи нафсингга қаршилиқ қил, унинг орзусига хилоф нарсаларга итоат эт. Ҳавойи нафсга берилиш билан ақл қандили хиралашади, унга қарши бориш ила ўша қандил ёруғлашади. Баъзан замон жоҳилларни юксакка кўтаради. Гоҳида ҳавойи нафс ақлли кишини маҳв этади. Баъзида инсонлар сахийни шу хислати туфайли мадҳ этадилар, ҳолбуки, у ҳавойи нафсга берилгани учун хатолар ичида юрган бўлади. Баъзан киши қилган эҳсонни боис аҳволи оғирлашади, ҳолбуки, у тўғри йўлдадир”.

\* \* \*

“Бизга нима бўлганки, дунёда нафсоний орзуларни тарк этмаймиз. Ҳолбуки, дунё ҳаётининг умри қисқа; хайри – хайрсизлик; нашъаси – ғам-ғусса ва тинчлиги – таҳдиқадир. Кулса, қайғуга ботиради, юз ўгирса – тупроққа коради”.

\* \* \*

“Уят ўткинчи дунёга толиб бўлган кишига! Гўё дунё ҳеч ўзгармай мангу турадигандай... Ҳолбуки, унинг сафоси – қайғу, секинчи – зарар, ҳузури – таҳлика, нури – зулмат, ёшлиги – қариллик, роҳати – хасталик, завқи – надомат ва борлиғи – йўқликдир. Дунёга толиб Эрам боғларига эга бўлган тақдирда ҳам, қайғудан холи бўлолмайди. Кўнглини дунёдан ўтир, унинг завқларига кўмилма! Зеро, унинг нафсоний орзуларига берилиб, завқларга чўмсанг, билки, бунинг азоби бордир. Ўлиш ва қариш бўлмайдиган абадий ҳаёт учун ишла”.

\* \* \*

Атрофингизда одамлар қандайлар? Хушомаддан роҳатландиларми? У ҳолда нафсларига итоаткор эканлар. Ўзларини мадҳ этилишларини истайдиларми? Демак, нафсларига қул эканлар. Пуллари кўпми? Нафси учун яшаётган одам қанчалар бадавлат бўлмасин, аслида ғариб ҳисобланади. Нафсини сув каби сепган кишигина инсонларга бера олади. Сизнинг дўстингиз шундайми? Икки тоифа одамдан эҳтиёт бўлиши тавсия қилинади: бири – қилган ишининг натижаларини ҳисобга олмайдиган, яхши билан ёмонни фарқ қилмайдиганлар. Иккинчиси – кўзларини бошқаларнинг молига тиккан, қулоқларини фисқу-фасод ва гийбатларга ўргатган, вақтини айшу ишрат билан ўтказадиган ёмон нафсли одамлардан. Шаҳвоний нафсга берилган – нафснинг қурбони бўлади. Бу балолардан нафсни тийиш – ҳалокатдан нажот топиш демақдир. Нафси мавж ураётганлар сизни маишат завқи томон чорласа, демак, ҳалокат сари чорлабди. Сиз Ҳақ даъватига интилинг, шунда фароғат топасиз.

\* \* \*

Инсон ўз нафсининг айбларидан беҳабардир. Агар у нафсига қарши озгина жидду жаҳд қилса, кўпгина маъсият ишлардан қутулади. Лекин ўша онда дарҳол у бундай хаёл қила бошлайди: “нафсим тарбия топди, хулқим гўзаллашди, энди нафсга қарши курашишга ҳожат йўқ”. Агар шундай бўлса, у тез орада ўзини адашганлар сафида кўради.

\*\*\*

“Одамнинг кўнгли тирик бўлмас, токи нафси ўлмагунча, кимки нафсига ҳоким бўлмаса, оқибат хорланур”.

\*\*\*

Нақл қилурларким, ҳазрати шайх Абу Абдуллоҳ Хафиф зовиясига (*хонақоҳ, узлатга чекиниш жойи*) бир мусофир дарвиш келди. Кўрдилар-ки, дарвишнинг хирқаси қора, бош ёпинчиғи ҳам қора, нимаики кийган бўлса, барчаси қора! Абу Абдуллоҳ анча вақт фикрга толдилар. Ғайратландилар ва сўрадилар:

– Эй дарвиш! Нечун буткул қора кийдинг?

– Илоҳимни ўлдирдим, шунинг учун қора киюрман, – деди дарвиш.

Абу Абдуллоҳ ҳазратлари амр этдилар, дарвишни судраб, ташқарига чиқардилар, ҳайдаб юбордилар. Дарвиш яна келди, ўлтирди. Шайх яна амр этдилар, яна ташқарига чиқардилар. Зоҳир ва ботин асло ўзгармади. Яна келди. Зовияга келиб ўлтирди. Етмиш марта ҳайдаб чиқардилар. Зоҳир ва ботин асло ўзгармади ва яна боягидек келиб, ўлтирди. Бу гал шайх ҳазратлари туриб, дарвишнинг кўзларидан ўпдилар.

– Бу даъвониким, сен қилурсан, ростгўй экансан, – дедилар.

Энди ул дарвишнинг “илоҳимни ўлдирдим” демақдин муроди – “нафсимни ўлдирдим” демоқчи эди. Нединки, ҳар кимки нафсига топинса – сиғинса, ўз нафсини ўзига худо қилиб олган бўлур.

\*\*\*

“Эй азиз! Сенга ҳавойи нафсинг билан олишишни амр этман. Чунки ҳавойи нафс ёмонликларнинг калити, яхшиликларнинг ёвидир. Барча ҳавойи нафсларинг сенга душмандир. Ҳавойи орзулар гуноҳ ишларни сенга савоб суратида кўрсатади. Сен, ҳавойи нафсинг етаклаганда, унга эргашиб қилган ёмон амалларинг билан яхши ишларингни бир-биридан ажратишинг учун фақат лоқайдликка ёт дунёқарашга, ёлғоннинг қораси тегмаган тўғриликка, эрмак ва ўйинқароқликдан четда турувчи ҳаётга, шикоятсиз, ноласиз сабрга, азму қарори қатъий ниятга эга бўлишинг керак.

Ё Аллоҳ, ақлларимизни ҳавойи нафсларимиз устидан ғолиб эт. Бизни зарарга йўлиқтирма. Разил қилма. Бизни бесамар дунёвий ишлар билан ўралашган бандалардан этма. Расулинг Муҳаммад (с.а.в.) ҳурмати, бизни Сени унутмаганлардан ва сенинг неъматингга шукур этганлардан қил. Бизни неъматлантирган Аллоҳга ҳамд бўлсин!”



## ЯСАТИЛГАН КЕЛИНЧАК

“Одамларга дунё ҳаёти мисолини келтиринг. У худди бир сув кабидирки, биз уни осмондан ёғдиргач, баҳорда у сабабли ер ўсимликлари бир-бирига араллашиб, қалинлашиб кетур, сўнг-ра кузда шамоллар учириб кетадиган хашакка айланиб қолур. Аллоҳ ҳамма нарсага қодирдир”.

*(Қуръони Карим маъноларининг таржимаси, Қаҳф сурасидан)*

*(Мазкурга кўплаб олимлар тафсир битганлар. Шулардан бири будир: Ояти каримада ёшлик баҳорга, кексалик куз фаслига ўхшатишмоқда ва шу билан бирга умрининг, дунё ҳаётининг ниҳоятда қисқа, ўткинчи эканлиги уқдириляпти. Расулulloҳ (с.а.в.) дунёнинг вақтинчалик эканига ишора қилиб: “Менинг наздимда дунё гўё ёз иссиғида бир отлиқ йўловчи дарахтнинг соясида озгина дам олиб, сўнг яна кетгани кабидир”, деганлар. Мазкур ояти каримада дунё тириклиги ёмғир суви билан яшнаб ўсган ўт-ўланга ташбиҳ этилади. Чунончи, ўсимлик ўсиб, камолотга эришиб, ундан фойдаланадиган вақт етгач, ногоҳ ундан сув узилиб қолиши сабабли қуриб зое бўлур. Худди шунингдек, одам фарзанди ҳам дунёда ўсиб-улғайиб, орзуларини ҳосил этмоқчи бўлиб турганида кўққисдан ажали етиб, умр дарахти қуриб ва тириклик суви узилиб, орзу чечакларини ўлим ели ҳар тарафга учириб юборадир».*

### **Байт:**

Ногаҳон тан боғига етса зимистони ажал,  
Жон яғочидин сочилғой ҳар тараф япроғлар)

\* \* \*

“Дарҳақиқат (кофир) инсон ўзини бой-беҳожат кўргач, албатта тугёнга тушади, ҳаддидан ошади. (Эй инсон) албатта, ёлғиз Раббининг Ўзига қайтишинг бордир (ўшанда бу тугёнларинг учун ҳисоб-китоб қилиниб, жазоланишинг аниқдир)” *(Алақ сурасидан)*

\* \* \*

“Эй иймон келтирганлар! На мол-дунёларингиз ва на фарзандларингиз сизларни Аллоҳнинг зикридан *(Унга ибодат қилишдан)* чалғитиб қўймасин! Кимки шундай қилса, бас, ана ўшалар зиён кўрувчи кимсалардир”. *(Мунофиқун сурасидан)*

\* \* \*

“Сизларнинг мол-мулкларингиз ва фарзандларингиз фақат бир синовдир. Улуғ мукофот эса Аллоҳнинг ҳузуридадир”.

*(Тағобун сурасидан)*

*(Ким мол-мулкни ва бола-чақасини Аллоҳнинг ҳузуридагидан устун қўйса, қаттиқ алданаётгани шак-шубҳасиздир)*

\* \* \*

*“Эй инсонлар!) сизларни (мол-дунё) кўпайтириш (Аллоҳга ибодат қилишдан) машғул қилди”. (Тақосур сурасидан)*

\* \* \*

*“Шак-шубҳасиз, (кофир) инсон Парвардигори унга ато этган неъматларига кўрнамаклик қилгувчидир. Ва шак-шубҳасиз у бунга (ўзининг ношукурлигига) гувоҳдир. Ва шак-шубҳасиз, у мол-дунё муҳаббатига жуда қаттиқ берилгувчидир”.*

*(Вал-одиёт сурасидан)*

\* \* \*

*“Билингларки, бу дунё ҳаёти фақат ўйин-кулги, кўнги эрмаги ва зеб-зийнатдир, ўрталарингиздаги ўзаро мақтанишдан ва мол-мулкни ҳамда фарзандларни кўпайтиришдан иборатдир. У худди бир ёмғирга ўхшарки, унинг ёғиши сабабли униб чиққан ўт-ўлан деҳқонларни ҳайратга солиб, ақларини банд қилиб кўюр, сўнгра у қурир, бас, уни сарғайган ҳолда кўрурсиз. Сўнгра у ҳас-чўлга айланиб кетади. (Дунё ҳаётининг ҳоли ҳам шундан ўзгача эмасдир.) Охиратда эса ўша дунёга алданиб қолганлар учун қаттиқ азоб ва иймон-эътиқод билан яшаб ўтганлар учун эса Аллоҳ томонидан мағфират ва розилик бор. Бу дунё ҳаёти ғурурга кетгазувчи матодан ўзга ҳеч нарса эмас”. (Ҳадид сурасидан)*

### **Тафсири:**

*Аллоҳ таоло бу дунё ҳаётини «ўйин-кулги, кўнги эрмаги, зеб-зийнат» деб таърифляпти. Чиндан ҳам одамлар ўлчови билан қаралганида ҳаёт беш кунлик дунёда ўйнаб олиши учун ажратилган фурсатга ўхшаб туюлади. Қаёққа қарасангиз, одамлар кийим-бош, емоқ-ичмоқ, ҳовли-жой, зеб-зийнат ортидан қувгани-қувган. Ўз обрўлари, мансаблари, ҳасабу насаблари билан фахрланишган, мол-дунё ва бола-чақани кўпайтиришга урингани-уринган. Аслида эса бу нарсалар арзимас, эътиборсиз ашёлардир. Бу ҳақиқатни янада очиқроқ тушунтириш учун Қуръони карим кўзимизга доимо кўриниб турган, лекин кўпларимиз эътибор бермайдиган ҳодисани мисол қилиб келтиради. (Бу маънодаги мисол билан Каҳф сурасидаги оят баёнида ҳам танишган эдик.) Бу дунё ҳаёти шундай бир ёмғирга ўхшайди-ки, у ёққандан сўнг чиққан наботот деҳқонларни ҳайратга солади, завқлантиради. Аслида эса бу ҳол ўткинчидир. Яъни ўсимликлар тезда қурийдди, ранги сарғаяди ва қуриб, қовжираб, уқаланиб кетади. Ҳа, бу дунё ҳаёти ҳам шу каби алдамчи бўл-*

гани сабабли у билан алданиб қолмаслик керак. Чунки охирагда кофирларга азоб, мўминларга Аллоҳнинг мағфирати ва розилиги мавжуд. Яна таъкидиким, бу гаплар тарки дунё қилишига, ҳамма нарсадан юз ўгиришига чақириқ эмас. Балки мезон ва ўлчовларни тўғри йўлга солишига, ўткинчи ҳой-ҳавасдан устун бўлишига даъватдир. Одам ҳаром-хариш воситалар билан мол-дунё, ҳузур-ҳаловат топса ҳам, лекин маънавий жиҳатдан ҳақир бўлиши муқаррар. Зотан, “Бизнинг зикримиздан юз ўгирган, дунё ҳаётидан бошқани хоҳламайдиганлардан юз ўгиринг”. (Ван-нажм сурасидан), деб буюрилган (Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф)

\* \* \*

“Аллоҳ ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилур ва ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини танг қилур. Мушриклар мана шу ҳаёти дунё билан шод-хуррам бўлдилар, ҳолбуки, бу ҳаёти дунё охирага олдида фақат бир арзимас матодир”. (Раъд сурасидан)

\* \* \*

“У Кунда на мол манфат берар ва на болалар (Қиёматда иймон ва солих амалдан бошқа ҳеч нарса фойда бермайди) Магар ким Аллоҳ ҳузурига тоза қалб ила келса (ўша манфаат топар)”.  
(Шуаро сурасидан)

\* \* \*

#### **Ҳадиси қудсийдан:**

“Эй Одам фарзандлари, мен сизларнинг ҳусну сувратларингга ва мол дунёларингга боқмасман. Балки дилларингга ва қилган амалларингга боқурман”.

\* \* \*

“Эй Одам фарзанди, билгилки, бу дунёда тўплаган бойлигинг меросхўрларга қолади. Ундан емоқ ва ҳузурини кўрмоқ кўпинча бошқаларга насиб бўлур. Унинг ҳисоб-китоби ва надомати эса сенинг бўйинингга тушгай. Қабрда сенга фақат ҳаётлик вақтингда қилган яхши амалларинггина ёрдам бергай”.

\* \* \*

“Эй Одам фарзанди! Дунё йиғишни касб қилиб олар экансан, қиёматда ҳисоб беришингни, мол-дунёни қаердан олиб, қаерга сарф қилганингдан сўроқ қилинишингни ҳам эслаб қўй”.

\* \* \*

“Эй Одам фарзанди, агар сенга бойлик келаётганини сезсанг, билгилки, азоб-уқубати нақд бўлган гуноҳ келаётир”.



\* \* \*

“Эй Одам фарзанди, билгилки, қайси бир банданинг қалбини мол-дунё йиғиш сеҳри ишғол қилган бўлса, унинг дилини фақирлик хавфи билан банд қилиб қўяман. Ўлимни эсдан чиқариб қўяман ва яна уни мол-дунё йиғиш билан овораи сарсон қилиб, охиратини эсламайдиган, ғофил қилиб қўяман”.

\* \* \*

“Эй одамлар! Дунё –охиратда ҳовлиси йўқ одамнинг ҳовлисидир, дунёга ақли йўқ одамларгина шод бўлади ва иймон ишончи йўқ одамгина дунёга ҳирс қўяди”.

\* \* \*

“Эй Одам фарзанди! Доим умрингни дунё учун сарф қилаверсанг, қачон бундоқ бир чексиз умидлар билан тавба қиларсан?”.

\* \* \*

“Эй Одам фарзанди! Сенинг дунёдаги мисолинг – дунёнинг ҳаловатию унинг сенга кўрсатадиган макр-ҳийласи – асалга пашша тушиши кабидир. Агар у асалга қўнса, ҳалок бўлади. Шундай экан, бошқа одамларнинг манфаати учун ўзини куйдирадиган ўтинга ўхшамагин”.

\* \* \*

“Мен мол ва дунёга амр қилдимки, эй дунё, сен Менинг дўст бандаларимга хор ва эътиборсиз бўлгин. Токи уларнинг меҳр ва муҳаббатлари сенга эмас, Менга мойил бўлсин”.

\* \* \*

“Эй дунё аҳли! Кимки дунё ҳузур ҳаловатини талаб қилса, унинг маърифати йўқлиги, кимки ўткинчи неъматни, тугайдиган ҳаётни ва битадиган роҳатни яхши кўрса, у ўзига жабр қилгани, Раббисига гуноҳкор бўлгани, охиратни унутгандир ва дунё у одамни алдагани белгисидир”.

\* \* \*

“Эй Одам фарзанди! Охиратинг учун сен гўё эртага ўладигандек амал қилгин. Мол-матохни дунёда абадий турадигандек жам қилмагин. Чунки у кунда на мол манфаат берар ва на болалар”.

\* \* \*

“Эй Одам фарзанди! Фақирликдан бўлган хавфинг дўзахдан бўладиган хавфни дилингдан чиқариб юборади. Дунё ишларидан қилинадиган кўп ва узоқ орзу-ҳаваслар охират ишларини қилишдан тўсиб қўяди. Дунё молига муҳаббат менинг муҳаббатимни дилингдан чиқаради”.

\* \* \*

“Эй Одам фарзанди! Ўзим берган мол-дунёдан ҳақимга закот ажратиб, фарзимни адо этмасанг, фақир ва мискинлар ҳақини ушлаб турадиган бўлсанг, билгил-ки, мажбуран мол-дунёнгни тортиб оладиган золимларни юборурман. Улар қўлига ўтиб кетган молинг учун сен ҳеч қачон, ҳеч қандай савоб ололмайсан”.

\* \* \*

*Шарафли ҳадисларда Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:*

“Бойлик ёмонликлардан сақланадиган кишилар учун зарарсиздир. Мана шундай кишилар учун соғлик бойликдан ҳам яхшироқдир ва кўнгил шодлиги (*Аллоҳга шукр айтиши лозим бўлган*) неъматлардан биридир”.

\* \* \*

“Кимки ўз оиласи бағрида тинч, тани соғ бўлиб тонг оттирса ва бисотда шу кунига етарли таоми бўлса, у одамга гўё бутун дунё зийнати берилган ҳисобланади”.

\* \* \*

“Ким дунёни севса ва у билан сурурланса, қалбидаги охират кўрқуви ювилиб кетади”.

\* \* \*

“Икки иллат борки, сизларга улар туфайли зарар етишидан хавфдаман: бу кибру ҳавога эргашиш ва орзу-ҳавасга берилишдир. Кибру ҳавога эргашиш – Ҳақдан тўсилиш, орзу-ҳавасга берилиш эса, дунёни яхши кўришдир. Огоҳ бўлинглар! Аллоҳ таоло дунёни суйган бандасига ҳам, суймаган бандасига ҳам беради. Иймонни эса, фақат суйган бандасига ато этади. Эсда тутинглар! Диннинг ҳам, дунёнинг ҳам фарзандлари бор. Сизлар дунё фарзандлари эмас, дин фарзандлари бўлинглар. Билинглар-ки, дунё сизларга орқа ўгирувчи, охират эса пешвоз чиқувчидир. Огоҳ бўлинглар! Бу кун амал куни, унда ҳисоб йўқ. Яна огоҳ бўлинглар-ки, ҳисоб куни яқин, у кунда амал қилиш йўқ!”

\* \* \*

“Кимнинг нияти охират бўлса, охиратни истаса, дунёни кўзи кўрмайди. Унга аҳамият бермайди”.

\* \* \*

“Сув уруғни ундиргани каби, мол, шухрат севгиси ҳам қалбда нифоқ ундиради. Молга, шухратга ва мансабга берилган кишининг динига етказган зарари қўй тўдасига оралаган икки бўрининг етказган зараридан ошиб тушади”.

\* \* \*

“Инсон қарийди. Лекин ундаги бойлик тўплаш ва яшаш орзу-си навқиронлигича қолаверади”.

\* \* \*

“Дунё севгиси ҳар хатонинг бошидир. Бир нарсани севсанг, у сени кўр ва соқов қилиб қўяди”.

\* \* \*

“Аллоҳ бир бандани севса, уни дунёдан асрайди. Худди сиз беморингизга сувни таъқиқлаганингиз каби”. *(Сув – ҳаёт манбаи. Лекин маълум пайтда бемор учун хатардир. Дунё ҳам солиҳ банда учун хатар. Аллоҳ солиҳ бандасини бу хатардан Ўзи асрайди. Бойликка алданиб қолмаслик, уни аҳамиятсиз нарса деб билиш бунга бир ишорадир)*

\* \* \*

Бир киши Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳузурларига келиб деди:

– Ё Расулаллоҳ! Менга бир амал ўргатинг-ки, уни бажарганимда Аллоҳ мени яхши кўрсин, инсонлар ҳам яхши кўришсин.

Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилдилар:

– Бу дунёдаги нарсаларга аҳамият берманг. Аллоҳ сизни яхши кўради. Инсонлар ёнидаги нарсаларга аҳамият берманг, инсонлар сизни севади.

459

\* \* \*

“Умматингизнинг энг гуноҳқорлари кимлар?”-деган саволга Аллоҳнинг Расули (с.а.в.) дедилар:

– Мол-мулкани яхшилик йўлига сарф этмаган бойлар! Сиздан кейин бир тўп инсонлар келади, таомларнинг энг тансиғини ейишади, уловларнинг энг яхшисини минишади, хотинларнинг энг гўзалларига никоҳланишади, либосларнинг энг жозибалисини кийишади, муштдеккина меъдалари бўлади, лекин ҳеч тўйишмайди. Нафслари ҳақалак отган бўлади, қаноат нималигини билишмайди. Шу тор дунёга ташланадилар, тунлари алламаҳалгача ишлаб, яна сахардан иш бошлайдилар. Аллоҳни кўйиб, дунёга сиғинадилар. Аллоҳга эмас, дунё нафсларининг ҳавойи орзуларига итоат этадилар. Ҳавойи нафсларига берилдилар. Абдуллоҳнинг ўғли Муҳаммаддан у кунларга етиб борган кимсаларга тавсия шуки, ундай бойлар билан учрашиб қолсалар, салом бермасинлар, хасталанганда бориб кўрмасинлар, ўлганда жанозасига қатнашмасинлар, катталарини ҳурмат қилмасинлар. Ким уларга салом берса, беморларини зиёрат қилса, жанозасига қўшилса ва катталарини ҳурмат қилса, исломиятни йиқитишда уларга ёрдам берган бўлади.



\* \* \*

“Дунёни дунё аҳлига қолдириш. Ким керагидан ортиқ дунёлик тўпласа, буни инсонлар фойдаланиши йўлида сарфламаса, ўзи билмаган ҳолда, ўзига фалокат сотиб олган бўлади”.

\* \* \*

“Одамзоднинг дўсти учтадир. Биринчиси, руҳи қабз қилин-гунча у билан биргадир. Иккинчиси қабригача, учинчиси эса маҳшаргачадир. Руҳи тандан чиққунча дўстлик қилгани моли-дир. Қабригача дўстликни давом эттиргани – оила аъзоларидир. Маҳшаргача дўст бўлгани эса, қилган гўзал амалларидир”.

\* \* \*

“Агар Аллоҳ таолонинг ҳузурида дунё учун пашшанинг қано-тича вазн-қиммати бўлганида Аллоҳ кофирга ундан бир қулту-мини ҳам раво кўрмаган бўлур эди”.

\* \* \*

“Дунёда Аллоҳга итоат этган одам Қиёмат куни ўз молини олдига солганича Сирот кўпригига келади. Энди ўтмоқчи бўл-ганида моли унга қараб бундай дейди: “Қани, ўт! Сен дунёда Аллоҳнинг менинг зиммамдаги ҳақини ўтадинг, шукрини адо этдинг!” Сўнгра Аллоҳга итоат этмаган бошқа киши келади. Ҳовучида моли бор. Шу мол билан Сирот кўпригидан ўтмоқчи бўлганида моли унга бундай дейди: “Сенинг ҳолингга вой! Ал-лоҳнинг менинг зиммамдаги ҳақини адо этмадинг, шукр қилма-динг!” Бу сўзларни айтиб улгурар-улгурмас аҳвол оғирлашади”.

\* \* \*

“Дунё ва охират икки кундош кабидир. Бирини нақадар хур-санд қилсанг, иккинчисини шу қадар ранжитган бўласан”.

\* \* \*

“Дунё охират аҳлига ҳаромдир. Охират ҳам дунё аҳлига ҳа-ромдир”.

\* \* \*

“Кимнинг ҳиммати, истаги, васф этгани, орзу этгани, ўнгида ҳам, тушида ҳам такрорлаб турган нарсаси дунё бўлса, Аллоҳ ундай банда-га охиратда менинг ёнимда қўшни бўлмоқликни ҳаром қилади!”

\* \* \*

“Дунёга рағбат қилмаслик, аҳамият бермаслик, дунё ишлари-дан йироқ обид ва зоҳид бир қул бўлмоқлик кўнги ва баданга роҳат бағишлайди. Дунёга рағбат қилмоқлик, уни севмоқлик ҳам ва маҳзунликни зиёда қилади”.

### **Шарҳ:**

*Дунёни севмаслик кўнгил ва вужудга роҳат бағишлаши нима? Бундай одамда ҳирс, ҳақсизлик, кину адоват қилиши туйғуси бўлмайди. “Қандай қилиб фалончининг оёғини чалсам, фалончининг молини ёки мансабини тортиб олсам”, деган васваса киши қалбини безовта қилса, виждони “гуноҳдан қўрқмайсанми, одамлардан уялмайсанми?” – деб тергайди. Чунки у биладиким:*

*Ўзингча тижорат қилгани келдинг,  
Уй қуриб, иморат қилгани келдинг.  
Бу дунё беш кунлик зиёратгоҳдир,  
Аслида зиёрат қилгани келдинг.*

\*\*\*

“Бойлик молнинг кўплиги билан эмас, балки чин бойлик – нафснинг бойлигидир”.

### **Шарҳ:**

*Нафснинг бойлиги – топган молига қаноат қилишдан ва унинг баракотини Аллоҳ таолодан сўрашдан, шунингдек, одамлар қўлидаги бойлигидан тама қилиши ва уларга қарам бўлишдан Раббил оламийндан паноҳ сўрашдан иборат. Дунё кўланкага ўхшайди: қувласанг, олдингга тушиб қочиб кетаверади. Қочсанг – сенга ёпишади, изингдан эргашиб келади. Кимда ким унга кўнгил бергудай бўлса, ҳаёти зое бўлади. Дунё лаззатларининг энг кераклиси – тинч-омон ҳаёт кечириши. Емак-ичмак ҳам лаззат. Бу лаззат аслида томоқники. Аммо ош сингмай қолса, мижоз бузилади. Мижоз айниса – унинг иложи нима бўлади? Одамнинг қорни бир марта тўйса икки кун юриши мумкин. Битта тўн кийса, камиде икки йилга етади. Мана шу иккиси учун одамнинг ўзини қул қилиши ярашадими? Бугун дунёси тилагига мос бўлиб турган кимса, ақли бўлса унга ишонмасин, унинг учиб кетишини фаҳм этсин ва ўлимнинг ҳақ эканини унутмасин. Ўлим пистирмадан чиққандай пайдо бўладиким, охиратнинг «вой» бўлиши ҳеч гап эмас. Охиратда эса...*

\*\*\*

Расулulloҳ (с.а.в.) саҳобалардан:

– Қайсиларингизга ўз молидан кўра варасаларининг (фарзандларининг) моли яхшироқ кўринади? – деб сўрадилар.

– Ё Расулalloҳ (с.а.в.), ҳаммамизга ҳам ўз молимиз меросхўрларимизнинг молидан яхшироқдир, – деб жавоб қилдилар.

Шунда Пайғамбар алайҳиссалом дедилар:

– Билиб қўйинглар-ки, варасаларингизга тегишли мол ўз молингиздан кўра яхшироқ кўринади. Ўзингиздан илгари юборган

мол – бу сизнинг молингиз. Аммо ўзингиздан кейин орқангизда қолган мол эса, бу албатта варасалар молидир.

### **Шарҳ:**

Нима сабабли шундай дедилар? Киши ўз ҳаёти мобайнида қўлидаги молидан яхши ишларга сарф қилса, гўё уни ўзидан илгари юборган бўлиб, манфаати ўзига тегади. Бироқ, молпарастлик тўфайли уни йиғиб, яхши сарфламай ўзидан кейин қолдирса, у варасалар моли ҳисобланади. Шунинг учун Расулуллоҳ (с.а.в.) “у мол кишига яхши кўринади”, дедилар. Ворислар инсофли бўлиб, отадан қолган молни яхши ишларга сарфласа, албатта савобдир. Аммо улар бетавфиқ бўлиб, ота молини ёмон ишларга сарфлайдиган бўлсалар (Аллоҳ сақласин!) бу хусрондир. Саҳобалардан бири барча бойлигини бошқаларга тарқатмоқчи бўлганида Расулуллоҳ (с.а.в.) “бундай қилма”, деганлар. У киши “бойлигимнинг ярмини тарқатайинми?” деб сўраганида ҳам “йўқ”, деб бойликнинг учдан бирини тарқатиб, учдан икки қисмини фарзандларига қолдириши афзаллигини айтганлар.

Донолардан бири айтган экан: “фарзандларимга ҳеч нарса қолдирмагандан кўра бойлик қолдириб, қиёматда унинг ҳисобини бериши афзал биламан”. Бундан мақсад – ота вафотидан кейин фарзандлар, айниқса, сағирлар сарсон-саргардон бўлмасликлари керак. Рўзғор халтасини елкага ташлаб юриш ўрнига ёшлик чоғларида илм олганлари жамиятга фойдали эмасми?

\*\*\*

Абу Заррдан ривоят: “Эй абу Зарр, молнинг кўплигини бойлик нишонаси деб биласизми?” – деб сўрадилар Расулуллоҳ (с.а.в.) Мен “Худди шундай, ё Расулаллоҳ!” дедим. “Молнинг камлигини камбағаллик нишонаси деб биласизми?” – дедилар. Мен: “Худди шундай, ё Расулаллоҳ”, дедим. Ул Зот шундай марҳамат қилдилар:

– Бойлик аслида қалб ва кўнгил бойлигидир. Камбағаллик эса қалб ва кўнгил камбағаллигидир. Ким қалбан бой бўлса, дунёда дуч келган нарсалари унга зарар етказа олмас. Ким қалбан камбағал бўлса, дунёдан ортиқ уни бой қиладиган нарса йўқдир ва дунёнинг ҳасислиги унинг нафсига зарар етказиши мумкин”.

\*\*\*

Расулуллоҳ (с.а.в.): “Асло ўликлар ёнида ўтирманглар”, дедилар. Саҳобалар: “Эй Аллоҳнинг расули, бу ўликлар кимлар?” – деб сўрадилар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом дедилар:

– Ўликлар – бу дунёга кўнгил қўйганлардир.



\* \* \*

Ҳазрати Фотима онамиз оталаридан: “Ҳасан ва Ҳусайн жуда ҳаракатчан ва шўх, уларга қарашга кучим етмай қоляпти”, деб ёрдамчи сўраганларида Аллоҳнинг расули (с.а.в.) дедилар-ки:

– Қизим, истасанг икки ёрдамчи берай. Лекин шуни билгин-ки, аини замонда икки дунёда ҳам роҳат топишинг қийиндир. Бу дунёда қийналгин-ки, у дунёда роҳат оласан.

Бошқа бир ривоятда ҳазрати Фотима онамиз тегирмонда ун туйишдан, қудуқдан сув тортиб чиқаришдан қабашиб кетган қўлларини оталарига кўрсатиб у Зотдан ёрдам истаган эдилар. Расулulloҳ (с.а.в.) қизларига дедилар-ки:

– Аҳли иймон бундай фақир яшар экан, Бадр шаҳидларининг етимлари паришон ҳолда эканлар, сен қайси юз билан мендан ёрдам сўраяпсан?

\* \* \*

Аллоҳ таоло Жаброил алайҳиссалом орқали расулига: “Агар расулим бойликни хоҳласа, Макка атрофидаги тоғларни олтинга айлантириб бераман”, деб билдирганида Пайғамбаримиз алайҳиссалом бу таклифни қабул қилмадилар. Фоний дунёдан кўра боқий охиратни, умматлари ғамини афзал кўрдилар. Бир киши Расулulloҳга (с.а.в.)га юмшоқ тўшак ҳада қилди. Ўша кеча Фаҳри олам (с.а.в.) қаттиқ уйқуга кетиб, таҳажжуд намозига тура олмадилар. Шу боис “Энди бу тўшакда ётмайман, бу тўшак мени намоздан қолдирди”, деб эгасига мулойимлик билан тушунтириб, ташаккур айтиб, қайтариб бердилар. Расулulloҳ (с.а.в.) шолча устига битта бўз ёпинчиқ матони ёпиб, ухлардилар (бўйра устида ётганларини ҳам ривоят қилганлар) Ҳатто шу даражада оддий ва камтарона ҳаёт кечирардилар-ки, баъзан аҳли аёлларига бир оз малол ҳам келарди.

\* \* \*

“Пайғамбар алайҳиссалом вафот этганларида ортларида на бир динар ва на бир дирҳам, на бир қул ва на бир чўри қолдирдилар, балки совутларини бир яҳудийга ўттиз соъ таомга гаровда қолдириб, дунёдан ўтдилар”. (Ибн Аббос)

\* \* \*

“Камбағаллик – дунёда офат, охиратда роҳатдир. Бойлик – дунёда роҳат, охиратда офатдир”. (Ийсо ибн Марям)

\* \* \*

Ҳаворийлар Ийсо алайҳиссаломдан сўрадилар: “Сенинг ни-манг борки, сув узра юра оласан, биз эса юролмаймиз?” Ҳазра-

ти Ийсо: “Сиз ўз наздингизда пулни қандай баҳолайсиз?”-деди. Ҳаворийлар: “Яхши баҳолаймиз”, дейишди. Ҳазрати Ийсо: “Менинг назаримда пул билан лой бир қийматдадир”, дедилар.

\* \* \*

“Дунё ила охират икки оиласи бор кишига ўхшар. Инсон бирини рози қиларкан, иккинчисини ранжитади”.

“Дунё – мўминларнинг бозори, кеча ва кундуз – сармоялари, гўзал амаллар – тижорат моллари, жаннат – фойдалари, жаҳаннам эса зарарларидир”.

\* \* \*

“Ёшлиқни пардоз билан, соғлиқни фақат дори ичиш билан қўлга киритиб бўлмаганидай, бойликка қуруқ орзу-ҳавас билан эришиш мумкин эмас. Бунинг икки йўли бор:

1. Тинимсиз ғайрат ва меҳнат.
2. Ғирромлик йўли”. (Абу Бакр Сиддик)

Изоҳ: Ислом ана шу ғирромлик йўлида топилган бойликни ҳаром қилган.

\* \* \*

Ҳазрати Умарнинг қизлари Ҳафса онамиз оталарига ачиниб: “Бир оз ўзингизга қаранг, мазали таомлар енг”, деганларида, амиралмўъминин аччиқланиб: “Ҳазрати Пайғамбаримизнинг хотинисан, у Зотнинг қандай яшаганларини биласан, нега менга бошқачароқ яшашни таклиф қиласан?” – дедилар.

\* \* \*

“Аллоҳ хоҳласа, бу дунёда беради, хоҳласа, охиратга қолдиради. Аллоҳ даргоҳидаги ажр-мукофотлар таваккул қилганлар учун дунё манфаатларидан янада устун ва битмас-туганмасдир”.

\* \* \*

“Аллоҳдан қўрққан кимса жаҳл қилмайди ва хоҳлаган ҳар ишини бажаравермайди. Агар охират бўлмаса эди, дунёни бу тарзда кўрмас эдингиз”.

\* \* \*

“Энг жоҳил инсон охиратини бировнинг дунёси учун сотган кишидир”.

\* \* \*

“Дунёнинг азизлиги мол билан, охиратнинг азизлиги солиҳ амаллар билан”.

\* \* \*

“Очкўзлик – камбағаллик, қаноат – бойлиқдир. Кимнингки кўзи одамларнинг мол-мулкида бўлмаса, уларга муҳтож бўлмайди”.

\* \* \*

“Дунёсини тарк этиб, фақат охирати учун амал қилган одам ҳам ёки охиратини тарк этиб, фақат дунёси учун амал қилган одам ҳам сизларнинг яхшиларингиз эмас. Балки унисини ҳам, бунисини ҳам ушлаган одам яхшиларингиздир”. (*Умар ибн Хаттоб*)

\* \* \*

“Сиз ўткинчи бир ҳаёт уйидасиз ва умрингизнинг қолган қисми ҳам ўтишини кутмоқдасиз. Шу ҳолда ҳануз ўлим келмай туриб, ишларнинг энг афзалини қилиб олишга шошилинг. Бир қарабсизки, кутилмаган соатда ушланиб қоласиз. Унутманг-ки, бу дунё ёлгон ва алдов устига бино бўлган. **“Бас, сизларни дунё ҳаёти сира алдаб қўймасин ва сизларни алдамчи шайтон “Аллоҳ кечираверади”, деган алдов билан алдаб қўймасин”.** (*Луқмон сурасидан*) Сиздан аввал ўтган кимсаларнинг ҳолидан ибрат олинг. Сўнг саъй-ҳаракат қилинг ва ғафлатда қолманг. Зеро, сиз ғафлатга тушиб қолсангиз ҳамки, ишларингизни ҳисоб-китоб қилишда сира ғафлатга тушилмайди. Дунёда экинлар экиб-ўрган, баланд кошоналар қурган ва узоқ вақт завқу сафо сурган дунёнинг ўғиллари, биродарлари бугун қаердалар? Дунё уларни ютиб юбормадимми? Жалил Аллоҳ дунёга нақадар аҳамият бермаганидек, сиз ҳам шундай унга берилманг. Охират учун ҳаракат қилинг”. (*Усмон ибн Аффон*)

\* \* \*

Кумайл ибн Зиёд ривоят қиладиларки: “Ҳазрати Али билан бирга юрар эдик. Жаббон қабристонини ёнидан ўтаётганимизда, мазор томон қараб:

– Эй қабрда ётганлар, эй суяклари чириб, тупроққа қоришганлар, эй қоронғуликларда ёлғиз қолганлар, сизларда нима гап? Биздан сўрасангиз, молларингиз тақсимланди, болаларингиз ўксиз ва етим қолди ва хотинларингиз бошқа турмуш қуришди. Бизда мана шундай хабарлар. Сизларда қандай хабарлар бор? – деб сўрадилар. Сўнгра мен томон бурилиб:

– Эй Кумайл, агар уларга жавоб қилиш учун изн берилганида: “Озуқнинг энг яхшиси тақводир”, деб айтишган бўлар эди, – дедилар. Бир оздан кейин эса йиғлаб, бундай дедилар:

– Эй Кумайл, қабр – амаллар сандиғидир. Буни фақат ўлганингдан кейин биласан...”



\* \* \*

“Орзу – таманнога берилмаслик энг шарафли бойликдир, орзунинг ўзи ёмон бир амалдир”.

\* \* \*

“Сен орзуларга таяниб қолишдан эҳтиёт бўлгин, чунки у аҳмоқликнинг бўлакларидир”.

\* \* \*

“Агар неъматнинг бир чеккасига эриша олсангиз, ношукр бўлиб ундан узоқлашманг, юз ҳам ўгирманг”.

\* \* \*

“Дунё ҳаётида одам хастадир. Завқу сафо сурган одам охири пуншаймон бўлгусидир. Фақир одам ҳазиндир. Бой одам балога гирифтордир. Молининг ҳалолининг ҳисоби, ҳаромининг азоби бор, шубҳали фойдалардан озор топилгусидир”. *(Али ибн Абу Толиб)*

\* \* \*

“Молни топиш ва уни ишлата билиш ҳаракатида бўлинглар. Чунки мол сахийлар даражасини кўтаради ва бахилларга муҳтож қилмайди. Кишилардан бирон нарса сўрашдан ўзингизни сақланг. Чунки сўрашлик кишининг энг охирги ноиложлик ҳолатидир”. *(Қайс ибн Осим ибн Синон)*

\* \* \*

“Бу дунёда моли омонат, ўзи меҳмон бўлмаган бирон кимса йўқ. Меҳмон деган доимо келади ва кетади, омонат эса эгасига берилиши керак”.

\* \* \*

“Ҳам дунё, ҳам охираг учун ҳаракат қилмаган одамни хушламайман”.

\* \* \*

“Бир миллатда ишончли кишилар озайса, динини сотиб дунё йиғувчилар кўпайса, у миллат орасида фитна болалайди”.

\* \* \*

“Кўпчилик ёқирмайдиган ўлим ва камбағаллик қандай ажойиб нарсалардир! Аллоҳга қасамки, бойлик ҳам, фақирлик ҳам бир неъматдир. Қайсиси билан имтиҳон қилинсам ҳам, хотиржамман. Бой бўлган кезлар муҳтожларга ёрдам қилиш фақирликда эса сабр этиш фазилати бор”. *(Абдуллоҳ ибн Масъуд)*

\* \* \*

“Одамлар камбағалликни ёмон кўрадилар, мен яхши кўраман. Улар ўлимни ёмон кўрадилар, мен яхши кўраман. Фақирликни Раббимга тавозуъли ва ўлимни Раббимга муштоқ бўлганим учун яхши кўраман”.

\* \* \*

“Бой биродарларимизга адолат қилмадик. Улар ейдилар, биз ҳам еймиз. Улар ичадилар, биз ҳам ичамиз. Улар қийналадилар, биз ҳам қийналамиз. Уларнинг кўп моллари бор, унга қарашади, биз ҳам улар билан бирга у молларга қараймиз. Улар ҳисоб беришади, аммо биз ҳисоб беришдан озодмиз”. (Абу Дардо)

\* \* \*

“Кимки Аллоҳ билан бой бўлса, у доим бойдир. Кимки касб-кори билангина бой бўлса, у доим камбағалдир... Дунёга эришмоқ хўрликдир, охиратга эришмоқ азизликдир. Азизликни қўйиб хўрликни истаган киши эса аҳмоқдир”.

\* \* \*

“Пул – чаёндыр, агар ҳалолдан топмасанг ва ўрнида ишлатмасанг, яқинлаша кўрма. Чунки чақса, заҳари сени ўлдиради”.

\* \* \*

467

“Киши учун ўлим онида моли сабабли икки мусибат борки, ҳеч кимса бундай мусибатни эшитган ҳам эмас: кўлидан ҳамма нарса олинади, айнаи вақтда барчаси учун ҳисоб беради”. (яъни, ўлганда бутун мол-мулки кўлдан чиқади, айнаи вақтда қаердан, қандай йўл билан топгани, нимага сарф қилгани тўғрисида ҳар бир моли учун ҳисоб беради)

\* \* \*

“Дунё шайтоннинг дўкониدير, ундан бирон нарса ўғирламаки, шайтон уни олишга келиб, сенинг додингни бермасин”.

\* \* \*

“Дунё – Аллоҳнинг экинзори, одамлар – шу экинзорнинг экини, ўлим – ўроқ, жонни олувчи фаришта алайҳиссалом – шу экинни ўрувчи, қабристон – уни янчуви, жаннат ва дўзах – ҳавойи хоҳишларнинг уйидир. Бир гуруҳи жаннатда, бир гуруҳи дўзахда бўлади”. (Яҳё ибн Муоз)

\* \* \*

“Ким бойни икром қилиб, камбағални хорласа, лаънатлангандир”. (Абдуллоҳ ибн Аббос)

\* \* \*

“Пул – мунофиқларнинг тизгини, улар оташдан қочмоқчи бўлиб турганларида пул тизгин бўлиб туради”. (Сумайт ибн Ожлон)

\* \* \*

“Аллоҳ таоло Одам билан Ҳаввони ерга туширганида улар дунё ҳидини топишди ва жаннат бўйини йўқотишди. Икковини қирқ кун дунёнинг бад бўйи ўраб олди”. (Заҳҳок)

\* \* \*

“Камбағаллар ҳам, бойлар ҳам учта нарсани ихтиёр этишган. Камбағалларнинг ихтиёр қилган нарсалари – нафснинг роҳати, қалбнинг юмшоқ, ҳисобнинг енгил бўлиши. Бойларнинг ихтиёри – нафснинг чарчаши, қалбнинг машғуллиги ва қаттиқ ҳисоб”.  
(Шақиқ Зоҳид)

\* \* \*

“Фақир улки, унинг овқати – нима топса, ўша бўлади, либоси авратини ёпишга етади, макони қаерда ўлтирган бўлса, ўша ердир”. (Абу Туроб Нахшабий)

\* \* \*

“Дунёда севинтирувчи бирон нарса йўқки, кетидан хафа қилувчи бир нарса келмаса”.

\* \* \*

“Арзимаган бир дунёлик кишини буюк ухровий масаладан қолдириб юборади”. (Абу Ҳозим)

\* \* \*

“Ким дунёликни қаттиқ истасаю, унга бу берилса, бунга ҳеч қачон қаноат қилмайди, яна истайди. Ким охиратликни қаттиқ истаса-ю, унга бу берилса, у ҳам бунга қаноат қилмайди, яна истайди. На дунёлик орзуларининг, на-да охиратлик орзуларининг сўнгги бордир”.

\* \* \*

“Қалбда пок туйғулар ва охират кўрқуви бўлган бир пайтда нафснинг ҳавойи орзуларига берилган бир ҳаёт келади-да, унинг тинчлигини бузиб, ўзига бир жой очмоқчи бўлади”.

\* \* \*

“Фақат қалбида охират тушунчаси бўлган кимсагина ёмонликлардан узоқ тура олади”. (Абу Сулаймон Дороний)



\*\*\*

“Дунё ҳаётида қўлга киритолмаган нарсаларинг учун қанчалик ачинсанг, охират тушунчаси қалбингдан шунчалик ўчирилади”. (Молик ибн Динор)

\*\*\*

“Кишининг юрагида дунё ҳаёли ва охират ҳаёли юзма-юз келади. Қай бири ғолиб чиқса, иккинчиси унга тобеъ бўлади”.

(Сайёр ибн Ҳакам)

\*\*\*

“Ким дунё ҳаётига кўнгили бериб, фақат унигина севса, уни охиратдан устун қўйса, Аллоҳ ўша одамни олти жазога раво кўради. Буларнинг учтаси бу дунёда яна учтаси охиратдадир. Бу дунёдаги жазолар: \*охири кўринмайдиган орзу-истаклар кишанлари исканжасида қолиш; \*тўйиш нималигини билмайдиган очкўзликка мубталолик; \*ибодат лаззатидан маҳрум бўлиш. Охиратдаги жазолар: \*қиймат куни даҳшатли қўрқув ҳисси; \*қийин ҳисоб-китобга дучор бўлиш; \*чексиз ғам-андуҳга ботиш”.

\*\*\*

“Эндиликда кимники кўрсанг фосиқ бўлиб, ўттиз минглаб ақча билан дўзах тагига шўнғиб бораётганини кўрасан. У нега шундай қилади? Ахир у Аллоҳ таоло берадиган насибасини арзимайдиган нарсага сотаяпти-ку?! Яна кимни истасанг, у ўз давлати, мол-мулкини ўринсиз ерга сарф қилаётган шайтон йўлига кирмоқчи бўлаётганини кўрасан. Унинг ўзи ҳам инсофга келмайди ва бошқалар насиҳатини қабул ҳам қилмайди”.

\*\*\*

“Аллоҳга қасамки, пул азиз қилган ҳар инсонни Аллоҳ хор айлағай”. “Пулни илк марта шайтон чиқарди. Сўнг уни пешонасига қўйди, ўпди ва бундай деди: “Ким сени севса, у, шубҳасиз, менинг қулимдир”.

\*\*\*

“Дунё ҳаёти уч кун: кеча, бугун, эрта. Кеча ўтди, эртанинг бўлиши номаълум. Шундай экан, бугунги кунни қадрлаш керак”.

\*\*\*

“Дунё кезиб охиратини топганни кўрмадик, лекин охиратини қидириб дунёсини топганни кўрдик”.

\*\*\*

“Мен шундай инсонларни кўрдимки, улар учун дунё ҳаёти шу сизлар кезиб юрган тупроқдан ҳам тубан. Дунё ортдими ё йўқ

бўлдими, унга кулиб боқдими, бунга кулиб боқдими – ҳеч аҳамият бермайдилар”.

\* \* \*

“Одам уч нарсадан афсусланиб бу дунёдан кўчади: тўплаган моли ва бойлиги билан тўймайди, орзуларига эришолмайди, охират ҳаёти учун ҳозирлигини қилолмайди”. (*Ҳасан Басрий*)

\* \* \*

“Дунё ва дунё ҳаётидан баҳслашиб, уни ёмонламанг! Агар қалбингизда дунё севгиси бўлмасайди, уни ёдга олмасдингиз. Зеро, ким бир нарсани севса, ўшани кўп зикр этади”.

(*Робиа Адвия*)

\* \* \*

“Туянинг игна тешигидан ўтиши бойнинг жаннатга ўтишидан кўра осонроқдир”. (*Ваҳб ибн Мунаббаҳ*)

\* \* \*

“Дунёю охират яхшилигини қаноатда, ёмонлигини тамада кўрдим”.

\* \* \*

“Кўрдимки, Аллоҳ дунё қуллигидан озод қилган кишигина ҳақиқий хур экан”.

\* \* \*

“Кўрдимки, умр ва дунёдан кўра тез ўтиб кетадиган, ўлим ва охиратдан кўра яқинроқ, орзудан кўра узунроқ, хотиржамликдан кўра гўзалроқ нарса йўқ экан” (*Шайх Нажмиддин Кубро*)

\* \* \*

“Дунёдорлар дарвешларга тавозуъ қилса, дин-иймонини сақлаган бўлурлар, дарвешлар дунёдорларга тавозуъ қилса, гуноҳкор бўлурлар”. (*Абу Али Формадий*)

\* \* \*

“Сенки дунёга толибдурсан, дунё сенинг султонингдир, ҳалок бўлмоғинг унинг қўлидадир. Вақтики дунёдан юз ўгирсанг, дунёнинг султони бўлурсан”.

\* \* \*

“Неъматларнинг энг яхшиси – ҳаракат қилиб эришилгани. Дўстларнинг энг яхшиси – Аллоҳ таолони эслатгани. Қалбларнинг энг нурлиси – ичида мол-дунё севгиси бўлмагани”.

(*Абул Ҳасан Ҳарақоний*)

\*\*\*

“Ҳеч кимга озор бера кўрма, дунё барчага баробардир”.

*(Муиниддин Жувайний)*

\*\*\*

“Аллоҳ ўз қулини севганда бу дунёда унинг ғамларини кўпайтиради ва ундан нафратланганда молу дунёсини кенгайтиради”.

\*\*\*

“Ҳар бир нарсанинг закоти бор, ақлнинг закоти охират андишасидир”.

\*\*\*

“Дунёда ҳеч бир нарса йўқки, сендан илгари унинг эгаси бўлмаган бўлсин. Яна ҳеч бир нарса йўқки, сендан кейин эгаси бўлмасин”.

\*\*\*

“Агар дунё ҳалол бўлса ҳам ва охиратда ҳисоб сўралмаса ҳам, борди-ю менга берилсайди, сиз нажосатдан қандай жиркансангиз, мен ҳам дунёдан шундай жирканардим”.

\*\*\*

“Дунё ҳаётининг масъулиятсиз, ифлос ва ғайриахлоқий йўриғига кириш осон, лекин чиқиш қийин”. *(Фузайл ибн Иёз)*

\*\*\*

“Бадбахтлик тўрттадир: кўзнинг куруклиги, қалбнинг қаттиклиги, орзу ҳаваснинг узунлиги, дунёга ҳирс қўйиш”. *(Анас ибн Молик)*

\*\*\*

“Дунёдаги улушинг сени албатта қидириб топади. Сен ундан кўра охиратдаги улушингга мухтожроқсан. Бинобарин, сен охиратдаги улушингни танла”. *(Муоз ибн Жабал)*

\*\*\*

“Қалбида олтин ва кумушларни яхши кўрган одам сариқ чақа эвазига минглаб одамлар қонини тўкиши мумкин”.

\*\*\*

“Олтин кумуши бўлмаган одам камбағал эмас, балки касбунари бўлмаган киши камбағалдир”. *(Мажидиддин Хавофий)*

\*\*\*

“Бу дунёнинг неъматлари бамисоли илоҳий ғазабга учрагандай нопок кишиларга насиб бўлади”.



\* \* \*

“Баданинг учун дунёни, кўнглинг учун охиратни лозим тут. Дунё танни семиртиради, охират фикри кўнгилни ўстиради”.

*(Суфён Саврий)*

\* \* \*

“Бир бандага дунё молидан нима етса, сахий бўлса ҳам, Аллоҳ наздидаги даражаси пасаяди”. *(Абдуллоҳ ибн Умар)*

\* \* \*

“Мулк, уй, фарзанд Аллоҳ томонидан берилган омонатдир. Агар хоҳласа, уни қайтариб олиши мумкин”. *(Ҳамид Бағдодий)*

\* \* \*

“Дунё ҳаёти қисқа, охиратдаги азоб эса оғирдир. Ҳар иккаласининг фарқини ўйлаб, тайёргарлик қилиш лозим”. *(Имом Раббоний)*

\* \* \*

“Бугуннинг чорасини кўриб, эртага эҳтиёжи қолмаган киши ақллидир”. *(Абу Райҳон Беруний)*

\* \* \*

“Кундалик ризқ кўп, қайғураверма. Шу билан бирга мол ортираман, деб ўзингни кўп қийнайверма. Чунки ҳар ким ўз насибасидан ортиқ бита ҳам дон ея олмайди”.

\* \* \*

“Мол-дунёинг сени алдамасин, чунки асраган мол-дунёинг бошқаларники бўлади. Уларни сарф эта олсанг, ўша сеники бўлади”.

\* \* \*

“Бойликни топишибдию ақл-идрокни йўқотишибди. Ажабо, топган нарсалари билан йўқотган нарсаларининг баҳоси бир хилмиди?”. *(Абу Али ибн Сино)*

\* \* \*

“Пулнинг қаердан ва қандай келаётганини билмоқчи бўлсанг, қаерга сарф қилинаётганига қарагин”. *(Имоми Аъзам)*

\* \* \*

“Инсонларнинг энг катта фалокати бу дунё учун ҳам, охират учун ҳам бирон амал қилмаслигидир”. *(Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий)*

\* \* \*

“Ҳукмдорларнинг ва қиролларнинг дабдабали яшашларига қарама, уларнинг қандай тезлик билан бу оламдан кўчиб кетаётганларига ва ҳаётларининг хотимаси ёмонлигига қара”.

*(Мутарриф ибн Шиххир)*

\* \* \*

“Дунёни йўқотиш қаттиқдир, лекин жаннатни йўқотиш ундан ҳам қаттиқ. Охиратнинг маҳри дунёни тарк қилишдир”.

\* \* \*

“Олтин-кумуш чаёндир. Унинг афсуини ўрганмагунча қўл узатмагилки, сени ҳалок қилур. Унинг афсуни (дуоси ва йўли) ҳалолдан топиб, ҳақ-ростга харж қилмоқдир”.

\* \* \*

“Эҳ, бизлар бу дунёда фақир ва бечораҳол бўлишдан кўрқамиз. Аммо охиратда фақир, ночор ва расвойи жаҳон бўлишдан кўрқмаймиз. Ҳолбуки, биз – бандаларнинг яхши амалларга фақиру камбағал бўлишимиз бу дунёдаги камбағаллигимиз ва ночорлигимиздан кўрқинчлироқ ва уятлироқдир”. (*Яҳё ибн Муоз*)

\* \* \*

Ҳазрати шайх Утбат ул-Ғулом сайрда эканликларида бир хурни кўрдилар. Ул Ҳур: “Ё Утба! Мен сенга ошиқман, ҳеч қачон мени қўйиб, бошқа аёлни истама. Токи мен сенга ҳаром бўлма-йин”, – деди. Бу хитобга жавобан ҳазрат бундай дедилар:

– Мен дунёни уч талоқ қўйдим! Киши уч талоқ билан қўйиб юборганини қандоқ олгай?!

\* \* \*

“Дунё ҳаёти бир тушдан иборатдир. Дунёда мол-дунё соҳиби бўлмоқ, тушда хазина топиб олишга ўхшайди. Дунё моли наслдан наслга ўтиб, шу дунёда қолади. Ўлим фариштаси ғофилнинг жонини олиш билан уни уйқудан уйғотади. У киши ҳақиқатдан ҳам эга бўлмаган мол учун дунёда чеккан заҳматларидан ҳайратга тушади. Минг пушаймон бўлади. Лекин вақт ўтган, гишт қолипдан кўчган бўлади.

...Хотинлару ўғиллар, қоп-қоп олтинлару кумушлар, наслдор отлару сурув-сурув мол-қўйлар, экинлар... ва ҳоказо нарсалар одамлар ҳирсини қитиқлайди. Буларнинг ҳаммаси дунё завқидир. Модомики, у безатилган бўлса, унда ҳақиқий гўзаллик ва яхшилик йўқдир, бу гўзаллик унда муваққатдир ва ўзга бир ердан келган, демакдир. Дунё – олтин қопламаси сохта пул кабидир. Яъни қийматсиз кўпик бўлган дунё сохта, ёлғончидир, аҳамиятсиз ва қадрсиздир. Унинг уст қисмини биз олтин билан сувадик. Мана шунинг учун ҳам инсонларни хотинлару ўғиллар, қоп-қоп олтинлару кумушлар, наслдор отлару сурув-сурув мол-қўйлар, экинлар ва бошқа нарсалар ўзига тортади”.

\*\*\*

“Улар бу дунёга шунчалар алданганлар-ки, барча нарсаларнинг тарк бўлишини билганлари ҳолда, талон-торождан жуда кўрқадилар. Ҳолбуки, яланғоч кишининг ўзини ўғрилар талон-торож қилишидан кўрқиши ажаб ғалати ишдир. Инсон бу дунёга яланғоч ҳолда келиб, яланғоч ҳолда кетади. Аҳвол шундай бўла туриб, улар ўғриларнинг номини ҳатто эшитмай туриб, юраклари така-пука бўлади. Ўлим онлари етганда бойликлари ўзлариники эмаслигини тушунадилар. Афсуски, вақт бой берилган бу пайтда надоматлардан заррача наф йўқ. Кўзлари очиклигида уларнинг бойликларидан ажраб қолиш ваҳимаси этагига тошчалар тўплаб ўзини бой ҳисоблаётган ва бу “бойлигини” йўқотиб қўйишдан чўчиётган болаларнинг нодонларча кўрқуви кабидир. Агар шу тошчалардан бир нечтади. Қайтариб берсангиз, бағоят севинади. Болани бу қилиғи учун ҳеч ким айбламайди. Бироқ, уларга ўхшаган аҳмоқлар эса дунёнинг ўткинчи сарватини ўзининг мол-мулки деб билгани учун бу ёлгончи бойликдан ажралиб қолишдан ўлгудек кўрқадилар”.

474

\*\*\*

“Эй инсон, бу оламдаги жунбуш ва дабдабага алданма! Уйқуда кўрган тушингда вужудинг қийма-қийма бўлса ҳам, кўрқма! Зеро, бу дунё бир уйқудан иборатдир”.

\*\*\*

“Эй инсон, дунёдан бир-бирига зид икки овоз эшитилмоқда. Ажабо, сенинг қалбинг улардан қайси бирига мойилдир? Бу овозлардан бири Аллоҳга яқинлашганларнинг, иккинчиси эса алданганларнинг овозидир. Бу овозлардан бирига ошно бўлдингми, иккинчиси қулоғингга кирмайди. Чунки ошиқ маъшуқасига зид бўлган нарсалар қаршисида ўз-ўзидан кўр ва карга айланади”.

(Изоҳ: Ҳазрати Мавлоно баҳс юритган ва бир-бирининг зидди бўлган икки овоздан бири бу дунёга майл, иккинчиси эса бу дунёдан нафратдир. Улардан қай бирига қулоқ тутиб, амал қиладиган бўлсанг, иккинчисининг зидди ва маҳрумига айланасан. Яъни дунёга даъват овози кўнгилда жой топса, охираат ҳақидаги насиҳатлар бу кўнгилга таъсир қилмайди. Охираатга даъват овози бир кўнгилдан жой олса, бу дунёга даъват овози унга таъсир қила олмас. Бир қалбдан дунёга мойиллик ўрин олдимми, бундай қалбни тозалаш жуда мушкул бўлади. Қонга теккан ёмон



ҳидли нарсадан қутулишининг йўли қопни оловга ташлаш бўлгани каби, “бойликка ҳирс қўйиш” деб таърифланувчи ёмон ахлоқдан қутулиш жойи ҳам жаҳаннамдир)

\*\*\*

“Бир одам қутурган туядан халос бўлмоқ учун жар устига эгилган икки шохга осилиб, жар ёқасига оёқ қўяди-ю оёғи остидаги индан тўрт илон бош чиқариб турганини кўради. Жарнинг тубига назар ташласа, у ерда бир аждаҳо оғзини катта очиб, унинг тушишини кутиб турибди. Юқорига қараса, оқ ва қора сичқон у осилиб турган шохларни тўхтовсиз кемирмоқда. Бу аҳволдан қутилиш йўлини ўйлаётган онда сал нарироқдаги асалари уясига кўзи тушади-ю, боши узра тўпланаётган бало булутини ҳам унутиб, бармоғини болга ботириб, ялай бошлайди. Асалнинг ширинлиги унинг бошини шу даражада айлантиради-ки, натижада, у ўзининг қандай аҳволдалигини унутади. Оёқларини тўрт илон боши устига қўйганлиги ва бу илонлар ҳар онда чақиб олишлари мумкинлиги, сичқонлар шохларни кемира-кемира синдиришгач, аждаҳо комига тушиши муқаррарлиги хаёлидан кўтарилади. Жаҳолат пардаси ақл нуруни тўсиб қўйгани туфайли оз фурсат ўтмай, жарга қулаб, ҳалок бўлади”.

(Жалолиддин Румий)

475

(Ривоятдан англашиладиган маъно: даҳшатли ва чуқур жарлик – дунё. Қора ва оқ сичқон – кеча ва кундуз. Улар инсонлар умрини озайтириш, ҳалок этиш учун узлуксиз бир-бирини алмаштириб туради. Тўрт илон – борлиқнинг моҳиятини ташкил этган тўрт унсур: ҳаво, тупроқ, ўт, сув. Булардан биронтаси ўз мувозанатини йўқотса, инсон ўша заҳоти маҳв бўлиб кетади. Асал – азоби кўп, фойдаси кам бўлган, одамларни тўғри йўлдан оздириб, уларга нажот дарвозаларини беркитган фоний дунёдир. Аждаҳо – ҳеч ким қочиб қутула олмайдиган ўлимдир. Ажал шарбатини ичишга тўғри келганида, ажал фариштаси тепангга келиб турганида ўлимдан қутулиб бўлмайди. Пушаймонлик ҳам фойда бермайди. На тавбага вақт қолади, на дуо ўқимоққа мажол.)

\*\*\*

“Бир одамни “сиддик” деб аташингиз мумкин. Бироқ дунё муҳаббати унинг қалбига ўрнашган бўлса, Аллоҳ таоло унга асло назар қилмайди”.

(Абул Ҳасан Али Мазин)

\* \* \*

“Улар бу дунёга шунчалар алданганлар-ки, барча нарсаларнинг тарк бўлишини билганлари ҳолда, талон-торождан жуда кўрқадилар. Ҳолбуки, яланғоч кишининг ўзини ўғрилар талон-торож қилишидан кўрқиши ажаб ғалати ишдир. Инсон бу дунёга яланғоч ҳолда келиб, яланғоч ҳолда кетади. Аҳвол шундай бўла туриб, улар ўғриларнинг номини ҳатто эшитмай туриб, юраклари така-пука бўлади. Ўлим онлари етганда бойликлари ўзлариники эмаслигини тушунадилар. Афсуски, вақт бой берилган бу пайтда надоматлардан заррача наф йўқ. Кўзлари очқлигида уларнинг бойликларидан ажраб қолиш ваҳимаси этагига тошчалар тўплаб ўзини бой ҳисоблаётган ва бу “бойлигини” йўқотиб қўйишдан чўчиётган болаларнинг нодонларча кўрқуви кабидир. Агар шу тошчалардан бир нечасини боладан олиб қўйсангиз у алам билан йиғлай бошлайди. Қайтариб берсангиз, бағоят севинади. Болани бу қилиғи учун ҳеч ким айбламайди. Бироқ, уларга ўхшаган аҳмоқлар эса дунёнинг ўткинчи сарватини ўзининг мол-мулки деб билгани учун бу ёлғончи бойликдан ажралиб қолишдан ўлгудек кўрқадилар”.

\* \* \*

“Эй инсон, бу оламдаги жунбуш ва дабдабага алданма! Уйқуда кўрган тушингда вужудинг қийма-қийма бўлса ҳам, кўрқма! Зеро, бу дунё бир уйқудан иборатдир”.

\* \* \*

“Эй инсон, дунёдан бир-бирига зид икки овоз эшитилмоқда. Ажабо, сенинг қалбинг улардан қайси бирига мойилдир? Бу овозлардан бири Аллоҳга яқинлашганларнинг, иккинчиси эса алданганларнинг овозидир. Бу овозлардан бирига ошно бўлдингми, иккинчиси қулоғингга кирмайди. Чунки ошиқ маъшуқасига зид бўлган нарсалар қаршисида ўз-ўзидан кўр ва карга айланади”.

*(Изоҳ: Ҳазрати Мавлоно баҳс юритган ва бир-бирининг зидди бўлган икки овоздан бири бу дунёга майл, иккинчиси эса бу дунёдан нафратдир. Улардан қай бирига қулоқ тутиб, амал қиладиган бўлсанг, иккинчисининг зидди ва маҳрумига айланасан. Яъни дунёга даъват овози кўнгилда жой топса, охират ҳақидаги насиҳатлар бу кўнгилга таъсир қилмайди. Охиратга даъват овози бир кўнгилдан жой олса, бу дунёга даъват овози унга таъсир қила олмас. Бир қалбдан дунёга мойиллик ўрин олдими, бундай қалбни тозалаш жуда мушкул бўлади. Қонга теккан ёмон*

ҳидли нарсадан қутулишининг йўли қопни оловга ташлаш бўлгани каби, “бойликка ҳирс қўйиш” деб таърифланувчи ёмон ахлоқдан қутулиш жойи ҳам жаҳаннамдир)

\* \* \*

“Бир одам қутурган туядан халос бўлмоқ учун жар устига эгилган икки шохга осилиб, жар ёқасига оёқ қўяди-ю оёғи остидаги индан тўрт илон бош чиқариб турганини кўради. Жарнинг тубига назар ташласа, у ерда бир аждаҳо оғзини катта очиб, унинг тушишини кутиб турибди. Юқорига қараса, оқ ва қора сичқон у осилиб турган шохларни тўхтовсиз кемирмоқда. Бу аҳволдан қутилиш йўлини ўйлаётган онда сал нарироқдаги асалари уясига кўзи тушади-ю, боши узра тўпланаётган бало булутини ҳам унутиб, бармоғини болга ботириб, ялай бошлайди. Асалнинг ширинлиги унинг бошини шу даражада айлантиради-ки, натижада, у ўзининг қандай аҳволдалигини унутади. Оёқларини тўрт илон боши устига қўйганлиги ва бу илонлар ҳар онда чақиб олишлари мумкинлиги, сичқонлар шохларни кемира-кемира синдиришгач, аждаҳо комига тушиши муқаррарлиги хаёлидан кўтарилади. Жаҳолат пардаси ақл нуруни тўсиб қўйгани туфайли оз фурсат ўтмай, жарга қулаб, ҳалок бўлади”.

(Жалолиддин Румий)

475

(Ривоятдан англашиладиган маъно: даҳшатли ва чуқур жарлик – дунё. Қора ва оқ сичқон – кеча ва кундуз. Улар инсонлар умрини озайтириш, ҳалок этиш учун узлуксиз бир-бирини алмаштириб туради. Тўрт илон – борлиқнинг моҳиятини ташкил этган тўрт унсур: ҳаво, тупроқ, ўт, сув. Булардан биронтаси ўз мувозанатини йўқотса, инсон ўша заҳоти маҳв бўлиб кетади. Асал – азоби кўп, фойдаси кам бўлган, одамларни тўғри йўлдан оздириб, уларга нажот дарвозаларини беркитган фоний дунёдир. Аждаҳо – ҳеч ким қочиб қутула олмайдиган ўлимдир. Ажал шарбатини ичишга тўғри келганида, ажал фариштаси тепангга келиб турганида ўлимдан қутулиб бўлмайди. Пушаймонлик ҳам фойда бермайди. На тавбага вақт қолади, на дуо ўқимоққа мажол.)

\* \* \*

“Бир одамни “сиддиқ” деб аташингиз мумкин. Бироқ дунё муҳаббати унинг қалбига ўрнашган бўлса, Аллоҳ таоло унга асло назар қилмайди”.

(Абул Ҳасан Али Мазин)



\* \* \*

“Ҳеч бир мурид Аллоҳга севгиси ҳақиқий бўлмагунича камолга эриша олмайди, мол-дунё ва дунёпарастларни ёмон кўрмагунича, дунё неъматларига эътиборсиз бўлмагунича Аллоҳ тало уни севмайди”.

\* \* \*

“Бир аъробий бир қабилага меҳмон бўлади. Уни иззат-икром қилиб едирадилар, ичирадилар ва чодирга ўрин тўшайдилар. Аъробий ухлаб қолади. Қабила эса йўлга ҳозирлик кўриб, меҳмон ётган чодирни ҳам йиғиштириб кетади. Қуёшнинг иссиғидан уйғонган аъробий бундай дейди: “Дунё ҳаёти тикланган чодирнинг соясига ўхшайди: бир кунгина туради, шубҳасиз, ўша соя каби қайга кетгани номаълум, зоил бўлади”

\* \* \*

“Дунё ҳаёти бир ердан олди-сотди қилиб йўлга чиққан ва йўлда туш чоғи дам олган кимсанинг ором олишига ўхшайди”.

(“Мукошафатул қулуб”дан)

\* \* \*

476  
“Энг асосийси – дунёга хурсанд бўлиш туйғусидан кутулишдир. Киши мол-дунёсига, мансаб-мартабасига қувонади. Панд-насихатимни олишяпти, ҳукмим ва бошқарувим жорий бўляпти, кўпчилик менга эргашяпти, деб иззатига қувонади. Аввало, мана шу қувончни уйғотаётган нарсани тарк этиш лозим. Агар унга: “бундай қувончлардан кеч, улардан кечишинг билан охиратдаги савобинг камаймайди”, десанг, оғринади. Демак, бу киши дунё ҳаётига шод-хуррам бўляпти, ундан қалби ором оляпти. Бу ўта хатарлидир”.

\* \* \*

“Дунёнинг аҳволи шундайки, ундаги ҳама нарса ёмонлик ва севинчга сабаб бўладиган ҳодисаларга сарфланади. Бутун дунё аҳлига бундай ҳаётда яшаш осон эмас. Дунё ҳаёти, Аллоҳнинг ҳикмати тақозосига мувофиқ, ғоят мураккабдир... Агар бир кимсанинг дунёвий аҳволи яхши бўлса, яъни куни осонлик билан ўтса, Аллоҳ дунёни унга хизмат қилдирса, у кимса буни шукр билан қарши олиши ва гўзал амаллар ила Аллоҳга юзланиши ва дунёга мағрур бўлмаслиги шарт. Гўзал амаллар билан машғул бўлиш – ёмон ишлардан тийилиш деганидир”.

\* \* \*

“Фикр дунё лаззатларини кетказади ва охират лаззатларини бой бериш улкан йўқотиш эканини англатади”.

\* \* \*

“Дунё – гофиллар яхши кўрган бир мато. Махрум кишилар уни излаш билан машғул. Эга бўлганлар эса уни йиғиб, фойдаланиш билан машғул”.

\* \* \*

“Тижорат тирикчилик ўтказиш учун ёки бойлик орттириш учун бўлади. Агар хайр ва хасанотни ўйламасдан, фақат бойлик тўплаш учун тижорат қилинса, бу савдо мақбул эмасдир. Зеро, фақат моддият учун ҳаракат қилмоқ “хатоларнинг боши бўлган” дунёга хирс қўймоқдир”.

\* \* \*

“Инсон дунё муҳаббатини қалбидан чиқариб, ўрнини Аллоҳ таолога муҳаббат билан тўлдирса, мана шу энг гўзал ахлоқдир. Бундай хулқни ҳосил этган киши учун улуғ ва қудратли Зот – Аллоҳнинг дийдорига етишдан кўра суюклироқ нарса йўқ. У бор молини шу йўлда сарфлайди. У жиловланган ғазаби ва шаҳватини шариат ва ақл тарозусида тортиб, фақат Аллоҳ таолога етиш йўлида ишлатади. Бу машғулот унга фараҳ ва лаззат бахш этади. Намоз кўзлар қувончига айланади. Ибодатнинг сўнги тотли ва ажиб! Тотли ниҳояга одатланган нафс эса ундан-да ажиб!”

477

\* \* \*

“Эй дунё ва дунё неъматларидан завқланган ва кўзларини завқу сафосидан узмаган киши! Сен нафсингни ўзинг идрок этолмайдиган нарса билан машғул қилиб қўйдинг. Эртага Аллоҳ ҳузурига борганингда нима деб жавоб берасан? Уйғон! Ҳар бир инсон устида ҳамиша дунё мусибатлари туради. Дунёнинг иқболи очилса ҳам, ёпилса ҳам шу. Агар бахтинг очилганини кўрсанг, доимо шукр қилиб, кутиб ол. Бахтинг ҳамроҳинг бўлмаса, матонат кўрсат, чида”. (Абу Ҳомид Ғаззолий)

\* \* \*

“Эй хожа, қачонгача бойлик тўплайсан, улар ўлимингдан кейин қолиб кетади-ку?! Агар Хорун хазинасини жамласанг ҳам, барибир сенинг тамагирлигинг ва очкўзлигинг тугамайди”.

(Ҳусайн Воиз Кошифий)

\* \* \*

“Ким Аллоҳдан дунёлик истаса, у ҳисоб-китоб куни Аллоҳнинг ҳузурини кўпроқ туришни хоҳлайди, деганидир (яъни бойлигини керакли жойга ишлатмаса, узундан узоқ ҳисоб беришга мажбур бўлади)”. (Бишир Хофий)

\* \* \*

“Баъзилар дунёга шўнғигач, унинг севгисидан чиқиб кетиш йўлини тополмай қолишади. Шунинг учун дунёга муккадан кетиш тақиқланади”. (Имом Шаъроний)

\* \* \*

“Ким Аллоҳни севса, ҳақиқий ҳаётда яшайди, ким дунёни севса нодон бўлади. Аҳмоқ одам умрини беҳуда ўтказади, оқил ўз айбини қидиради”. (Сиррий Сақатий)

\* \* \*

“Ошиқ дунёни ҳам, охиратни ҳам севмайди, балки фақат Парвардигорини севади”. (Боязид Бистомий)

\* \* \*

“Мол-дунёйим кўп, деб кибрланмагин. Мол-дунёнинг фойдаси нимага арзийди?! Ўлганда яланғоч кетасан. Ҳамёнинг, тўрванг, бойлик тўла сандиғинг – бари қолиб кетади”.

\* \* \*

“Бу дунё бир қўниб, яна кетадиган работдир, бу работга тушиб ўтувчилар қўниб кета беради... Олдинги карвон йўл босиб ўтиб кетди, шу олдинги карвон неча манзилни босиб ўтди... Бу дунё бойлиги орқасидан қанча кишилар югурмоқда, хасис ҳам бойлик фойдали деб ўзига ўзи зўр бериб, ўзини ўзи кийнайди... Молга бунчалар кўнгил қўймоқ на керак?! Бу бойлик келса, кўпаяди, озаяди ва йўқ бўлади”.

\* \* \*

“Кўнгилдан молга бўлган суқликни чиқар, фақат кийим билан қорин тўқлигини кўзла... Бойлик, камбағаллик емишнинг бор-йўқлигидир. Озиқ йўқлигини қашшоқлик деб айтма... Бу дунё бойлигидан егулик, кийгулик бўлса, етарли, ортиқча тилама, унинг ошиқчаси зиён-уволдир ва оғирлик келтиради”.

\* \* \*

“Йигит қарийди, янги эскиради, бели қувватли бўлса – букилади, кучи кетади... Бу дунё лаззати бевафо, унинг мазали кечган пайти елдек ўтиб кетади... Бу дунё бойлиги бугун бор бўлса, эртага йўқ бўлади, меники деган нарсалар бировларга қолади... Барча тўлган нарсалар камаяди, емирилади, обод ерлар оқибатда хароб бўлади... Қанча обод ерлар бор эди, халқи сиғишмас эди, халқи йўқ бўлди, жойлари бўш, эгасиз қолди... Қанчадан қанча доно файласуфлар бор эди, энди уларнинг мингдан бири йўқ”.



\* \* \*

“Дунё кулдиради, яна қош ва манглайи билан хўмраяди; бир қўли билан бол тутса, иккинчиси билан заҳар қўшади... Қўли билан асал едириб, лаззатлантириб, таом бериб, кейинги қадахга эса заҳар қўшиб ичиради... Ширинлик татисанг, аччиққа йўй, кишига бир йўлдан роҳат келса, орқасидан ўнлаб қийинчиликлар келади... Эй умидворлар, ранж ва қийинчиликсиз роҳат истайсизлар, дунёда умид қачон амалга ошган?”.

\* \* \*

“Пулу молга бўлган ташналик сувга бўлган ташналикдан кўра даҳшатлидир”. (*Муҳаммад Зеҳний*)

\* \* \*

“Бу дунё аврайдиган илон кабидир, уни ювош, юмшоққа йўйсанг, ичи аччиқ ичимлик каби оғудир. Илон юмшоқ, ювош бўлиб кўринса ҳам, ёмон феъллидир; ювошлигига ишонмасдан, ундан узоқ туриш керак”.

\* \* \*

“Бу дунё сиртдан кўрувчи кишига жуда кўркамдир, ички томони эса минглаб ёқимсиз нарсалардан иборат. Дунёнинг кўркли ташқи гўзаллигини кўриб, унга кўнгил қўймоқ хатоликларнинг бошланишидир (*“Дунёга муҳаббат қўйиши хатоларнинг бошидир” – ҳадис*)”.

\* \* \*

“Ниқоб кўтарилади, дунё юзини баъзан бир оз кўрсатади, гўё учмоқчидек бўлиб қўлини очади ва яна қочади... Ҳаёт ўткинчи кўклам булутидек ё тушдек қуруқдир, бахт тўхтовсиз ўтади ёки қушдек учиб юради... Дунё молини тамоман тўплаган киши уни ея олмай ўлиб кетади, унинг ҳолини кўринг”.

\* \* \*

“Кийим, тўн, шароб, ош, кўп мол-дунё, хизматкор, қул керак, деб айтасан. Агар бир умрга етадиган мол-дунё йиққан бўлсанг, энг аввал бўрк киювчи бош керак. Бу ҳарислик-баднафслик ёмон иллатдир, ҳарисликнинг охири ғам-ғусса, ҳасратдан иборат... Бу бойлик, камбағаллик Худонинг қисмати дир, ҳарисмандга ўхшаш кишилар учун фақат заҳматдир... Ҳарис киши мол йиғишдан эринмас, тинмас бўлади. Ҳарис киши ҳарисликни фақат ўлиб, тупроққа киргач қўяди. Ҳарис дунё молини йиғиб тўймас, ҳарис одам қариса ҳам, унинг ҳарислиги кексаймас”.

\* \* \*

“Ким мол-дунёсиз фақир бўлса, кишилар уни кўргач, юз ўгириб, кўз юмиб ўтадилар... Эй мол-дунёга кўзи оч киши, яхши билгин, бу мол бугун қайғу алам, эртага – у дунёда эса гуноҳлар ортилган юк ва азобдир”.

\* \* \*

“Нақадар ўзинг молга очкўзсан, кўнглингдаги ғаминг, тилингдаги сўзинг ҳам дунё ҳақидадир... Сен ўлгач, бу молинг душманиннга қолади, сенга эса ўлчаб ўраладиган бўз кафанингни ўрайдилар”.

\* \* \*

“Сенинг тўплаган молинг ўзингникидир, уни беркитиб сақлаганинг эса сенга ҳасратдир... Бутун тўплаган нарсаларинг сенга тотли бўлиб кўринади. Сўнг уни қолдириб кетганингда захри юзага чиқади... Бу дунёнинг мазаси қийинчилик билан вужудга келган роҳатдир, бунинг ташвиши кўпроқ, роҳати оздир”.

\* \* \*

“Молинг ҳаромдан йиғилган бўлса, аввалидан охиригача азобдир, агар ҳалоллик билан йиғилган бўлса, ҳисоб берилади”.

480

\* \* \*

“Бу дунёнинг мазаси қийинчилик билан вужудга келган роҳатдир, бунинг ташвиши кўпроқ, роҳати эса оздир. Асал бор ерда араси ҳам бирга бўлади, кишига асалдан кўра ари захри ортиқ татийди”. *(Аҳмад Югнакий)*

\* \* \*

“Бойликка ҳирс қўйиш – жодунинг сиртмоғига тушиб қолиш билан баробар”. *(Қози Аҳмад Фаффорий)*

\* \* \*

“Дунёнинг қийинчилиги тўртта: ғурбатда касаллик, қариганда ёлғизлик, ҳеч нарсаси бўлмаганда қарздорлик, сафарда узок йўл”. *(Ибн Мукаффа)*

\* \* \*

Дунё – илон, илонбоздир дунё қидирган,  
Илонбоздан қасдин олур илон оқибат *(Абу Абдуллоҳ Рудакий)*

\* \* \*

“Бу дунёнинг адолатсизлиги шундаки, у инсонни меҳнатига яраша тақдирламайди, ё хизматини ошириб баҳолайди ё камситиб”. *(Бузургмеҳр)*

“Лисонут-тайр” дан:

Худхуддан сўрадилар:

– Эй қутлуғ жамол эгаси! Молу дунё менинг кўнглимга чексиз муҳаббат солди. Унга эришмоқ хаёли жонимга қувонч бағишлайди, унинг жаранглаган товушини эшитсам, кўнглим ҳузур топади. Қўлимда агар бир нафас олтин-кумуш бўлмаса, мени ўша заҳотиёқ ўлди, деб ҳисоблайвер.

Худхуд бу саволдан ранжиб жавоб берди:

– Эй ҳақиқатдан йироқ! Жонингга пул фироқ доғини қўйибди. Ҳирс жоми кўнглингни маст айлабди, сен бу мастликдан ер билан бирга бўлибсан. Киши ҳам шундай сўзларни айтадимми?! Ахир бу ҳақиқий инсонларнинг иши эмас-ку! Асл инсонлар бу ишдан ор қиладилар.

Бу хил тубан иш билан шуғулланиш фақат сичқонга ярашади. У ниҳоятда тиришиб, ерни қазиб билан доимо тупроқ ичра хору зор умр ўтказади. Шу ҳирси туфайли ер тагидан турли тешиклар кавлаб, бу ёмон иллатидан ниҳоят кўп машаққат чекади. Шу тариқа доимо уй сари кавлаб бораверади. Ниҳоят, тешик очиб юзага чиққач, пусиб, пайт пойлаб ётган мушук унинг этини еб, қонини симиради.

Ёки сен йиллар туфроқ остида хазинани пойлаб ётган илонга ҳам ўхшайсан. Чарх бунинг эвазига унга лойиқ жазо беради, яъни у кишилар кўзига кўрингани заҳотиёқ, бошини янчиб ташлайдилар.

Сенинг зотингда ҳам шундай иллат борки, эй ифлос, бу билан сен илон ва сичқонни эсга келтирасан. Уларнинг оқибати нима бўлгани ўзингга маълум. Билгилки, сендаги бу иллат яхшиликка олиб бормади.

Симу зарни севган одам унга қул бўлиб, унинг шавқидан ажойиб маст ҳолга тушади. Ёки фараз қилки, фақат жоҳил ва нодон, маст кишигина симу зарни ўзига бут ҳисоблаб, унга сиғинади. Бундай кишини жаҳолат билан иймонни тарк этиб, дўзахга равона бўлган деб айтиш мумкин. У бу жаҳон боғида токи тирик экан, ўз умрини шу янглиғ машаққат билан ўтказади. Олтин-кумуш учун юз хил ҳирс ва шайдолик кўрсатади, аммо охирида расволик билан ўлиб кетади.

Маили, мен сени сичқон деб атамай, балки Қорунга тенг деб ҳисоблай; илон демасдан, Фаридун деб ҳам атай. Аммо оқибати нима билан тугайди? Улар нима қилдилару сен нима қила олардинг?! Барибир улар каби бутун бойлигини қолдириб, нариги дунёга равона бўласан! Шунинг учун бу беҳуда хаёлни бошингдан чиқариб ташла! Миянгни эзиб ётган бу қат-



тиқ тошдан кутқар! Хақиқий эр бўлсанг, асл мақсадни кўзлагил, нимаики сўзласанг, ўшандан сўзлагил. Бу номуносиб иш билан шуғулланма, чунки ундан сенга зарар етиб, охири жонингнинг уволи бўлади”. (изоҳ: Қорун ўта хасис бўлгани сабабли бадиий адабиётда давлатмандлик ва хасислик рамзи сифатида тилга олинади. Фаридун (ёки Афридун) қадимги Эроннинг ғоят бадавлат подшоҳларидан)

\* \* \*

Кел, э кўнгул, жаҳон савдосидан кеч,  
Қадам ғам кишварина урмагил ҳеч.

*(Эй кўнгул, дунё ишлари ва завқларидан кеч, оёғингни дунёнинг ғаму ҳасратларига урма. Дунё қайғуси билан охират мулкидан қуруқ қолмагин. Ундан кўраси қилмишларингга зудлик билан тавбаю истиғфорлар қилгин)*

Ажаб маккорадур дунёи фоний,  
Минг алвон жилва бирла алдар они.  
Ўшал маккораким, солса қўйниға,  
Севингандин кирар шайтон ўйунға (Сўфи Оллоёр)

*(Ўшал хийлагар дунё бир одамни алдамоқ учун қўлини унинг қўйнига солган пайтда, шайтон суюниб, ул одамнинг ибодату ишқи ўрнига кириб олади-ю уни йўлдан чиқаради)*

\* \* \*

“Бойлик шўртанг сувга ўхшайди. Сувсаган киши шўр сувни қанчалик ичгани билан унинг чанқоғи асло пасаймайди, аксинча, шу сувдан кўпроқ ичгиси келаверади. Бойлик қўланкага ҳам ўхшайди: қувсанг қочиб кетаверади. Аммо ундан қочгудай бўлсанг, у сенга ёпишади, орқангдан эргашиб келаверади”.

\* \* \*

Донишманд Ойтўлдини подшоҳ Кундуғди Элиг ёнига чорлайди. Йигит эса ёнидан копток чиқариб, ўшанга ўлтиради. Элиг унга кўп саволлар беради. Йигитнинг жавобидан шодланади. Шунда Ойтўлди кўзларини юмиб олади. Элиг бундан ажабланганида Ойтўлди изоҳ беради:

– Эй Элиг! Сен менинг қиёфамда давлат ва бойликни кўрмоқчи эдинг. Мен уларни аниқроқ тасаввур эта олгин, деб шу ҳаракатларимни қилдим. Копток давлат, яъни бойликка жуда ўхшайди. Уларнинг иккови ҳам жойида тўхтаб турмайди. Юмалаб кетаверади. Менга кулиб боққанингда, кўзларимни юмиб олишимга сабаб – давлатнинг кўзи кўр эканини сенга уқтириш эди. Бойлик билан давлат кўзи кўр одамларга ўхшайди. Ким бой-

лик ва давлатнинг қўлидан тутса, ўшанга эргашиб кетаверади: бу яхши, мана буниси ёмон, деб ажратиб ўтирмайди. Оқар сув, йўриқ тил ва қут бир жойда тўхтаб турмайди. Олам кезувчилар йўл юриб тинмайди. Бахт-давлат ҳам бир жойда қўним билмайди... (“Қутадғу билиг”дан)

\* \* \*

“Мол-дунёни қанча тергамагин, у тугайди, озаяди. Ёзилса-чи, сўз абадий қолади, оламни кезади”. (Юсуф Хос Ҳожиб)

\* \* \*

“Бу дунё ва унинг мол-мулкига кўнгил қўймагин. Чунки ҳеч бир киши ундан вафо кўрмаган”. (Абдураззоқ Самарқандий)

\* \* \*

“Эй одам, асл ёр висолига етишмоқни истасанг, дунё келинчагини талоқ қил”. (Алишер Навоий)

(Агар жаннатни истасанг, жаннатда Аллоҳ висолига етишмоқ ниятинг бўлса, у ҳолда бойликка кўнгил қўйма, ундан юз ўгир.)

\* \* \*

“Дунёга муҳаббат қўйиш – ўғрилиқ, зулм, ҳақсизлик, адолатсизликларнинг қилинишига, жамиятнинг қонун ва ғизоми бузилишига сабаб бўлади”.

\* \* \*

“Дунё нашъали, аммо асл жойимиз эмас. Охират учун ҳам ҳаракат қилишимиз керак”. (Маҳмуд Асъад Жўшон)

\* \* \*

“Биз дунёга манманлик учун келмадик. Биз севги учун, бошқаларнинг меҳрини қозониш, махлуқотни яхши кўриш, яратилган нарсаларга шафқат, муҳаббат кўрсатиш учун келдик”.

(Юнус Эмро)

\* \* \*

“Инсоннинг мулки инсонийлигида”. (Мустафо Отатурк)

\* \* \*

“Билиб қўйки, сен ўз дунёиңда амалинг уруғларини экмоқдасан. Дунёиңг – сенинг даланг. Ўлим они – йиғим-терим замониңг, охират эса хирмониңгдир. Нима эккан бўлсанг, ўша нарсани йиғиб-териб оласан, холос”.

\* \* \*

“Дунёниңг ичига кир, сайр қил, аммо эҳтиёт бўл – дунё сениңг ичиңгга кирмасин”.

\* \* \*

“Имкони бўлса инсон ухلامасдан тунни ҳам дунёси учун сарфлар эди... Бироқ, дунё ҳамма нарса дегани эмас”.

*(Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо ал-Жазарий)*

\* \* \*

“Биздан олдин келиб-кетганларнинг бу дунёда излари бор, биздан кейин келадиганларга эса биз из қолдирамиз. Тўғри из қолдирган киши қандайин бахтли!”

\* \* \*

“Бойнинг бир кўзи камбағалда бўлиши керак. Бир қўлини камбағалга бериши лозим. Камбағалдан юз ўгирган бойнинг кўзлари хоин кўздир”. *(Муҳаммад Камол)*

\* \* \*

“Тобутимдан қўлларимни чиқариб қўйинглар, одамлар у дунёга ҳеч нарса олиб кетмаётганимни кўришсин”.

*(Македониялик Александрнинг васиятидан)*

\* \* \*

“Дунё йўл бошида ёқиб қўйилган оловга ўхшайди. Кимки ундан бир оз олиб, ўз йўлини ёритишга сарф этса, фойда олади. Кимки кўпроқ олишга интилса, куйиб қолиб ўзига азоб беради”.

*(Буқрот ҳақим)*

\* \* \*

“Дунё муҳаббатига мубтало бўлган кишининг юрагига панду насихатлар фойда бермайди”. *(Батлимус ҳақим)*

\* \* \*

Хорун ар-Рашиддан сўрадилар:

– Эй подшоҳим, тасаввур қилингким, саҳрода ёлғиз қолиб, ташналиқдан азобланяпсиз. Бир қултум сув эвазига нима берасиз?

– Ҳазинамнинг ярмини бераман, – деди ҳукмдор. Яна сўрадилар:

– Ичга кирган бир қултум сувнинг чиқиб кетмоғи ҳам бор. Бунинг учун нимани бағишлар эдингиз?

– Ҳазинамнинг қолган ярмини баҳш этгум.

– Ҳукмдорим, у ҳолда барча бойлигининг қадри бир қултум сув қадрига тенг эканда, а?

\* \* \*

“Инсон кўпинча қўлидаги неъматнинг қадрини уни йўқотмагунича билмайди”. *(Софокл)*



\* \* \*

“Мени кўринг: на фуқаролик ҳуқуқим, на бир бошпанам, на давлатим, на қулим бор. Тунлари очик осмон остида ухлайман. Хотиним ва фарзандларим ҳам йўқ. Мана шу ер, осмон ва ёпинчиғимдан бошқа менинг ҳеч вақоим йўқ. Хўш, менга яна нима керак? Ҳеч нарса! Чунки мен эркинман. Ўзимга хон, ўзимга бекман. Бадарға қилишади? Қаёққа бадарға қилишарди? Ким мени бу оламдан ташлаб юборишга қодир? Қаерни истасам, ўша ерга бораман. Ахир, қуёш, ой, юлдузлар, қушлар хониши ҳамма ерда бир хил-ку!”. (*Эпиктет*)

\* \* \*

“Донишманд бойлик қуршаб олганида қашшоқлик ҳақида ҳар вақтдагидан кўпроқ ўйлайди”.

\* \* \*

“Оз нарсаси бор эмас, доим жуда кўпини хоҳлаган одам фақирдир”. (*Сенека*)

\* \* \*

“Мол-мулк мард ва Парвардигор насиб этган инсонларнинг олдига келади”. (*Вергилий*)

\* \* \*

“Ҳеч кимдан умидвор бўлмаган ва ҳеч нимадан қўрқмайдиган кишини мен ҳур одам, деб ҳисоблайман”. (*Демонакт*)

\* \* \*

“Йўғидан қайғуга ботмайдиган, бориға шукр қиладиган одам энг ақлидир”.

\* \* \*

“Ҳеч нарса тасодифан юз бермайди. Масалан, хазина топиб олишнинг сабаби ё ер чопиш ёки дарахт ўтқозиш бўлиши мумкин”.

\* \* \*

“Қашшоқ бўлиш нодон бўлишдан яхшироқдир, негаки, қашшоқ – фақат пулдан маҳрум, нодон эса одамийликдан”. (*Аристипп*)

\* \* \*

“Бойликни ҳамма истайди, лекин ундан фойдаланишни ҳамма ҳам билмайди”. (*Граф Сёдермере*)

\* \* \*

“Сен тақдири азални эмас, аввало ўзингни енгишга ҳаракат қил. Дунёни тартибга солишга уринма, энг олдин ўз истакларингни бошқара бил”. (*Р. Декарт*)

\* \* \*

“Сув оқими доимо пастга интилганидек, одамлар бойликка талпинадилар. Шу боис хукмдорнинг фармойишидан ўзларига фойда тегишини кўзлаган одамлар унинг ҳар қандай буйруғини сўзсиз бажарадилар”.

\* \* \*

“Инсонлардаги бойликка ва аслзодаликка интилиш ҳаваси қабр ичидагина барҳам топади”. (*Шан Ян*)

\* \* \*

“Батамом серобчиликда яшаётган киши лиммо-лим тўлдирилган косага ўхшайди: ундан сув тўкилай-тўкилай деб турибди. Унга ортиқча бир томчи ҳам қўрқинчли. Ким фаровонликка ботиб кетган бўлса, у йиқилай деб турган чирик дарахтга ўхшайди, сал туртилса кифоя, ағдарилади”. (*Хун Сзичен*)

\* \* \*

“Дунё ҳаёти томошахонага ўхшайди: унда кўпинча жуда ёмон одамлар энг яхши ўринларни эгаллаган бўлишади”.

\* \* \*

“Ўтган кун ҳақидаги: “Мен уни қандай ўтказдим, нималар қилдим у нималарга улгуролмадим?” деган саволга жавоб топилмагунча кўзларинг уйқуга кетмасин”. (*Пифагор*)

\* \* \*

“Дунё расвогарчиликларга ботиб кетган. Менинг у билан гаплашадиган гапим йўқ”. (*Чжуан Цзи*)

\* \* \*

“Бозор – бир-бирини алдаш ва тўнаш учун атайлаб белгиланган жой”. (*Анахарсис*)

\* \* \*

“Ўтмишга сажда қилманг, келажак учун ҳам чекманг ва ташвишли хаёлларга берилманг. Кези келганда, фурсатни қўлдан бермай ишга киришинг”. (*Сюн-Сзи*)

\* \* \*

“Дунё мени илинтирмоқчи бўлди, аммо тута олмади”.

(*С. Саввич*)

\* \* \*

“Ҳаддан ортиқ тиришиш муваффақиятлар йўлини тўсади. Ироданинг ҳаддан ошиқ зўриқиши эса ишга халақит беради”.

\* \* \*

“Мақсадим – қашшоқликка юз тутмай, исрофгарчиликка йўл қўймай, ўзгаларга буйруқ бермай, бировларга тобеъ бўлмай яшаш”. (П. Франческо)

\* \* \*

“Пул борлигида мен китоблар сотиб олдим, пул йўқлигида эса кийим-кечак ва озиқ-овқат харид қилдим”. (Роттердамлик Эразм)

\* \* \*

“Ҳали кўрасизлар, жаҳаннам саҳни мусиқа шайдолари билан тўлган бўлади”.

\* \* \*

“Пул очликни кетказади, бахтсизликни эмас, таом қоринни тўйдиради, руҳни эмас”.

\* \* \*

“Тиш оғриғини кечирганлар тишлари соғлом бўлганларни, камбағаллар эса пули кўпларни бахтли санашади”. (Б. Шоу)

\* \* \*

“Пулни севиш барча кулфатларнинг илдизи деб ҳисобланади, пулнинг йўқлигини ҳам худди шундай ҳисобласа бўлади”. (С. Батлер)

\* \* \*

“Эҳтиёжларимга етарли даражада пулга эгаман... агар соат тўртгача ўлсам”. (Х. Йонгман)

\* \* \*

“Ҳар ой озроқ пул йиғинг ва охир-оқибат қанчалик кўп пулингиз борлигига ҳайрон бўласиз”. (Э. Хаскинс)

\* \* \*

“Ҳақиқий бой деб барига шукр қилган ва ҳеч кимга бўйин эрмаган кўзи тўқ кишини айтаман”.

\* \* \*

“Миллатларнинг бойлиги ипак, пахта ёки олтин эмас, балки комил инсонлардир”. (С. Хоу)

\* \* \*

“Бойиб кетишнинг жуда ҳам кўп йўллари бор, лекин ҳалол йўли кам; тежамкорлик – шуларнинг энг тўғриси. Лекин бу йўлни ҳам пок деб бўлмайди, чунки у кишининг инсонпарварлик, саховат каби мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилади”.



\* \* \*

“Кўпчилик ҳамма нарсани бойликка сотиб олса бўлади деб ўйлаб, аввало ўзларини бойликка сотишади” (Ф. Бэкон)

\* \* \*

“Бизнинг жамиятимизда бадавлатлардан ҳам кўпроқ пул тўғрисида ўйлайдиган синф камбағаллардир. Камбағаллар пулдан бошқа нарса тўғрисида ўйлай олмайдилар. Камбағалликнинг бахтсизлиги ҳам шунда”. (О. Уайлд)

\* \* \*

“Маида ишларни ўта тиришқоқлик билан амалга оширувчилар кўпинча буюк ишларга қодир бўла олишмайди”.

\* \* \*

“Бошқаларсиз яшай оламан деювчилар катта хатога йўл қўйишади. Лекин менсиз ҳеч ким ҳеч нарса қилолмайди деювчилар бундан ҳам кўпроқ адашишади”. (Ф. Ларошфуко)

\* \* \*

“Миллионни қидирганларнинг топиш эҳтимоли бор, қидирмайдиганлар эса, ҳеч қачон топа олмайдилар”. (О. Бальзак)

488

\* \* \*

“Одамлар ҳамиша фаровонликка интилишади, аммо унинг нимада эканини ҳамиша ҳам кўришавермайди”.

\* \* \*

“Пул ҳукмронлик қиладиган барча ерларда халқ ўз тинчлигини сақлаш учун берган пуллар, ҳамиша, унинг ўзини асоратга солишга қурол бўлиб хизмат қилмоқда; бугун у ўз ихтиёри билан тўлаётган пуллар ҳам эртага уни яна пул тўлашга мажбур этиш учун фойдаланилмоқда”.

\* \* \*

“Тушунаман, камбағалликдан фахрланиб юрганимдан кўра, моддий жиҳатдан етарли маблағим бўлгани яхшироқ. Камбағал бўлиб ҳам кун кўриш мумкин, лекин бойликдан ўз ўрнида фойдаланишга нима етсин, ахир яхшилик қилиш истагини амалга ошириш учун бойликка бойлик қўшиш айна муддао-ку...”.

\* \* \*

“Бойлик кетидан бекорга қувиб, ҳеч нарсага эриша олмасдан, ўзгаларнинг дуосини олмасдан, ўзи-ўзидан ҳам кўнглинг тўлмасдан, ҳамма нарсасини бой берган, омадсиз, ҳаётида бирорта ҳам одамни бахтли қила олмаган инсоннинг ўлими қандай даҳшат!”

\* \* \*

“Келажакда хайрли ишларга сарф қилмоқчи бўлиб ҳаром йўллар билан бойлик орттирсанг, Худо йўлига деб, яқинларини талаб, егуликни чўнтакка урган сохта художўйга ўхшаб қоласан”.

\* \* \*

“Ҳаром йўллар билан топган бойлигингизни яхшиликка сарфламоқчи бўлганингизда ҳам, улар янги жиноятларга етаклайди”.

\* \* \*

“Бой билан камбағал ўртасидаги келишмовчилик шу даражадаки, биринчиси иккинчисининг аҳволини яхшилагандан кўра, ўзи ноқулай аҳволга тушиб қолишни афзал кўради. Тубан йўллар билан бойлар даврасига киришдан кўра, яхшиликка сазовор бўлган одамлар орасида қолганинг маъқул”.

\* \* \*

“Энг ажабланарли томони шуки, серғалва, серташвиш камбағаллар билан ёнма-ён яшашдан қутулиш учун анча-мунча пул сарф қилишга тайёр турган бундай нозиктаъб одамлар амалда бирорта бечорани қашшоқликдан қутқариш учун бир тийин ҳам бергиси келмайди”.

\* \* \*

“Кимдир дўстлигини билдириш учун фақат киссасидан пул чиқаришни билади, бошқалар эса ўзгалар учун ташвиш чекади, вақтини, қобилиятини, ҳис-туйғуларини, ҳатто ҳаётини ҳам аямайди. Шундай тенгсизлик бўла туриб нонкўр бой арзимас садақасини пеш қилиб мақтанади, уялмай-нетмай сурбетларча миннатдорлик талаб қилади”.

\* \* \*

“Бойликка интилма, усиз яшашни ўрган; бойнинг такаббурлигидан ҳазар қил, олижаноб мақсадлар йўлида одамларни бахт излашда беғараз бўлишга ўз мисолингизда ўргат, уларга намуна бўл”.

\* \* \*

“Жамиятга хизмат қилишнинг фуқаролар учун асосий иш бўлмай қолиши ва улар унга шахсан ўзлари эмас, балки ҳамёнларни билан хизмат қилишни афзалроқ кўра бошлашлари заҳотиёқ – энди давлат бузилиб кетишга яқин”.

\* \* \*

“Америка узоқ замон мобайнида бойлик васвасасига тушиб қолган эди. Бу бойлик васвасаси жуда қўпол шаклларга кириб, жуда

зўр очкўзликни вужудга келтирди. Бу нарса ҳозир тобора кучайиб бормоқда. Бу васвасада инсон феъл-атворининг гўзаллиги оёқ ости қилинди ва одамнинг бойлик орттиришга интилиши биринчи ўринга қўйилди. Шундай очкўзлик балосига гирифтор бўлган бу азим мамлакат мақсади томон елиб бораётганида, ярим йўлда аравасининг каттакон ғилдираги синиб қолди ва арава-параваси билан чанг йўлга ағдарилиб тушди. Бугун мана шу ҳалокатга яқун ясаб, одамнинг ана шу ҳалокатдан бошқа энди нимаси қолди, деган савол беришимиз мумкин. Катта-катта ҳаражатлар, ҳамма ҳаракатлар – барчаси зоҳирий нарса. Шу зоҳирий нарса барбод бўлса, ичимизда алиф ҳам йўқ эканлиги дарҳол маълум бўлиб қолади. Агар бу зоҳирий нарсани, хўжақўрсинга ишлатиладиган нарсани, моддий негизни улоқтириб ташлайдиган бўлсак, у тақдирда инсоннинг ўзи қани? “Унинг моҳияти қаерда?” деб савол бериш мумкин. Натижада ана шу ҳалокатидан боши гангиб қолган одам қандайдир ички дунём бор, деб айтишдан ожиз қолади. Бугунги инсоннинг ўзи ҳеч қандай қадр-қимматга эга эмас. У бутунлай бозор кишиси бўлиб қолган. Бугун эса бозор куни эмас!”

*(Рабиндранат Тҳакур)*

\* \* \*

490

**Аҳли дониш ҳикматларидан:**

“Масаланинг моҳияти – дунёни бутунлай рад этишда эмас, дунёга ружу қўймасликда! Яъни: мол-дунё – умр ва саодат учун, аммо умр молу дунё кўпайтириш учун эмас”.

\* \* \*

“Бир оқилдан сўрадиларки: “Некбахт кимдир ва бадбахт кимдир?” Ул оқил киши деди: “Некбахт улдурким, еди ва бағишлади ва бадбахт улдурким, ўлди ва ташлади”. Шоир айтмоқчи:

“Мен-мен” деганларнинг “мен”и қолмади,  
Наф бермади асло йиққан мол-ҳоли.

\* \* \*

“Бу дунёнинг неъматлари камалакка ўхшаб оз умрли ва ўткинчидир. Бойлик заҳар аралаштирилган болга ҳам ўхшайди. У аввал ширин кўринади кейин эса ўлдиради”.

\* \* \*

“Дунё киши уйғонганидан кейин ачиниш ҳиссини уйғотадиган ширин тушга ҳам ўхшайди. Бу дунёга берилган одамни ипак қуртига қиёслаш мумкин. У қанчалик кўп ипак ўраса, ўз қўл оёғини шунчалик қаттиқ боғлаган ва нажот йўли шу қадар қийинлашган бўлади. Дунё мулкани илонга ҳам ўхшатадилар.



Агар кимса мулкани янада кўпайтиришга тиришаверса, илонларни ҳам кўпайтирган бўлади. Илонлар уни кечасию кундузи чакаверади, чакаверади... Шу азобларда дунё дарди бидан банд бўлиб, оқибатда Яратганни унутади”.

\* \* \*

“Охиратни олиш учун дунё молини сотиш мумкин, дунё моли деб охиратни сотиш жоҳилликдир. Инсон дунёнинг бўм-бўшлигини билган куни ибрат ва ҳикматга эришган бўлади. Зулматдан нурга чиқади”.

\* \* \*

Бир ҳаким чиройли товусни кўрди. Унинг гўзаллиги ҳакимни хайратга солди. Лекин товуснинг ҳунук қағиллаши, чиройли патларини юлиши ҳакимни ажаблантириб сўради-ки:

– Эй товус! Шундай гўзал патларингни нега юляпсан? Бундай чиройли патни ерга ташлашга қандай қилиб кўзинг қийди? Бу ишинг Аллоҳ берган неъматга ношукурлик эмасми?

Товус ҳакимнинг бу гапини эшитиб, фарёд қилиб йиғлади ва ҳакимга дедик:

– Эй ҳаким! Сен сувратнинг жозибасига қараб ҳукм қиляпсан. Менинг бу гўзал патим, бу гўзал қанотларим бошимга минг турли балолар келтирди. Барча чеккан захматларим, мана шу гўзал патларим туфайлидир. Бу патлар менда экан, ўзимни ҳимоя қилишга ожизман. Кошки кўримсиз бир қуш бўлсам. Халқнинг назарида бўлмасам, ана ўшанда озод яшардим. Хоҳлаган жойимда эркин кезардим. Эй ҳаким! Бу зийнат, бу сифатлар менда бўлгани учун душманларим жуда кўп.

*(Шарҳ: мазкур ҳикоятда кишилар буюк ибрат оладиган сабоқ мавжуд. Зоҳири чиройли зийнатлар, мол ва мансаб кишилар ҳаловатини бузадиган нарсалардир. Инсоннинг мансаби, моли қанчалик ортса, хавотири ҳам шунчалик ортади. Минг турли балоларга мубтало бўлади. Инсонларнинг бахтли яшашларига монелик қиладиган нарса – уларнинг мол тўплаш касалига мубтало бўлиб қолишларидир. Мол тўплашни инсон тотиб кўриши, ҳидлаши, сезиши каби эҳтиёжларини қондириши учун қилади. Лекин бу сезгиларнинг ҳеч бири мақсадга етиши учун кифоя қилмайди. Инсонга мол-дунё насиб бўлса-да, у дунёда ҳам, охиратда ҳам зиёндан бошқа бир нарса келтирмайди)*

\* \* \*

“Пулнинг фойдаси савдогарни қувонтирганидек, обиднинг ибодати ҳам обидни севинтиради. Пул севгисига мубтало бўлганлардан бир нарса сўрамаслик тавсия этиладиким, улардан нимадир сўраш – қутурган ит олдидан таомини олиш кабидир”.

\* \* \*

“Кишини юксалтирадиган пули, мансаби эмас, балки иймони ва илмидир. Чунки пулни ишлата-ишлата адо қилади, иймон билан илм тугамайди. Пулни ўғирлатса, хонавайрон бўлади, иймони ва илмини эса ҳеч ким ўғирлай олмайди. Шунга кўра, Аллоҳ муҳаббатига суянган кимса йиқилмайди, мол ва мансабга суянган киши эртами кечми суянчиксиз қолгандаги аҳволини ўйлаб қўйсин. Моддият аҳли пулга севинади. Иймон ва умид ҳақиқий инсонни севинтиради. Моддий ўлим – охиратга қайтишдир. Иймон аҳли учун эса ўлим йўқ”.

\* \* \*

“Дунёдаги яралмиш ҳар бир нарса, фақат буюмлар эмас, ҳатто туйғулар ҳам аҳамиятли ва аҳамиятсиз деб икки турга бўлинади. Аллоҳга ишқни, ота-она, оила, дўстларга муҳаббатни аҳамиятсиз деб ҳисоблаган кишини аҳмоқ дейдилар. Бойликка муҳаббатни аҳамиятли деган кимса янада аҳмоқроқдир”.

\* \* \*

492

Дунё берган омонатини тезда қайтариб олади. Бир кун кўкка кўтарса, эртаси куни юзтубан йиқитади. Дунё бир соя кабидир, уни ушламоқчи бўлсанг, олдинга тушиб қочади. Унга эргашиб сарсон саргардон бўлгунча умр ўтиб кетади. Дунёга кўнгил қўйиш ҳаёсиз аёлга кўнгил қўйиш кабидир. Бу ишқ инсонни бир куни юзтубан қилади. У доимо қалбга васваса солади. Сўнгида инсонни бор-йўғидан айиради.

\* \* \*

“Киши ўликлардан фарқи бўлмаган ғофилларга қўшилса, уларнинг қўлидаги ўлим заҳарини ўзи билмаган ҳолда ичган бўлади. Шу тарзда унинг қалби ҳам ўлик қалбга айланади. Ягона йўл – маънавий жиҳатдан тирик бўлганлар билан яқинлашишдир”.

\* \* \*

“Мол умр осойиши учундур, умр мол жамъ этмак учун эрмас-турур. Фақирдан юз ўғирган бойнинг кўзлари хоин кўзлардир. Фақирдан қўл тортган бойнинг қўллари хоин қўллардир”.

\* \* \*

“Мол дунё баъзи кишининг маҳбубаси ва маъшуқасидир. Маъшуқа қаерда бўлса, ошиқлар унга бош эгадилар. Маъшуқа, яъни мол-дунё кишининг қўлидан кетса, ошиқлар у кишининг яқинига йўламайдилар. Кўрмайсизми, гул ўз этагига зар тўлатиб ишва-карамлар билан булбулга кўринса, булбул гулга шайдо бўлиб, минг оҳанг билан унинг мадҳини сўзлайди. Гул кесилиб, фақат шохи ва барги қолса, булбул унинг отини ҳам атамайди”.

## АЗАЛИЙ НАСИБА

“Ерда ўрмалаган нарса борки, барчасининг ризқи Аллоҳнинг зиммасидадир”. (*Қуръони Карим маъноларининг таржимаси, Худ сурасидан*)

\* \* \*

“Агар Аллоҳ бандаларига ризқни кенг қилиб қўйса, албатта улар Ер юзида ҳаддан ошиб кетурлар. (*бошқа таржимада: «Ер юзида зулм-тажовузкорлик қилган бўлур эдилар».*) Лекин у Ўзи хоҳлаган ўлчов билан туширади. Албатта, у Ўз бандаларидан ўта хабардор ва уларни ўта кўргувчидир”. (*Шўро сурасидан*)

\* \* \*

“Албатта, Раббинг ризқни кимга хоҳласа кенг қилур ёки тор (*танг*) қилур. Албатта, у бандаларидан хабардор ва уларни кўргувчи зотдир”. (*Исро сурасидан*)

\* \* \*

*Пайғамбаримиз алайҳиссалом рўзғорда етишимовчилик кўпайиб кетган пайтларда оила аъзоларига: “Туринглар, намоз ўқинглар”, деб буюрар эдилар. Кейин яна: “Менга шундай буюрилди”, деб қўшимча қилардилар. Сўнгра ушбу оятни ўқирдилар: “Аҳлингни намоз ўқишга буюр ва ўзинг ҳам унга (намозга) бардошли бўл! Сендан ризқ сўрамаймиз, аксинча, Биз сенга ризқ берурмиз. Оқибат яхшилиги тақво аҳлигадир”. (Тоҳа сурасидан)*

\* \* \*

“Биз сизларни баҳраманд қилган пок ризқларимиздан енглар ва уларга (шукр қилмаслик билан) ҳаддан ошмангларки, у ҳолда устингизга Менинг ғазабим тушар. Менинг ғазабим кимнинг устига тушар экан, у муҳаққақ, ҳалок бўлур ва Мен тавба қилган, ҳамда иймон келтириб яхши амаллар қилган, сўнгра Тўғри Йўлга юрган кишиларни мағфират қилгувчидирман”. (*Тоҳа сурасидан*)

\* \* \*

*Қудсий ҳадисдан:*

“Эй Одам фарзанди, мен сендан эртага қиладиган ибодатни бу кун талаб қилмайман. Бас, сен ҳам эртага керак бўладиган ризқни бугун талаб қилмагин!”

\* \* \*

“Эй Одам фарзанди! Келиб турган ризқингга қаноат қилманг, дилингга орзу-ҳавасларни солиб қўяман. Улар ҳеч тугамайди ва сен улардан абадий қутула олмай қоласан”.



\*\*\*

“Эй Одам фарзанди! Албатта, мен сени онанг қорнида куч-қувватсиз ва ҳаракатсиз вақтингда тарбия қилдим ва онанг қорнидан саломат чиқардим. Токи сен оёққа тургунингча онангнинг дилини сенга раҳмли ва меҳрибон этиб, сенга мойил қилиб қўйдим. Сен шундай қилиб катта бўлдинг. Ундан сўнг токи мени ақл билан таниб, қувват билан ибодат қиларсан, деган умидда сенга куч-қувват бердим. Аммо сен катта бўлганингдан сўнг менинг ибодатларимдан юз ўгириб, мен тақсимлаб қўйган ризқнинг талаби билан машғул бўлдинг. Бас, ўзимнинг азизлик ва улуғлик сифатларимга қасам-ёд қиламан-ки, агар дунё ахтариб етти қат ернинг қаърига кирсанг ҳам, ўзим тақсим қилиб қўйган ўшал ризқдан заррача ҳам микдорда зиёда қилмасман...”

\*\*\*

“Эй Одам фарзанди! Агар сенга ажратиб қўйилган ризққа қаноат қилсанг, ризқнинг ўзи келади ва мендан ҳам мақтов оласан. Борди-ю бу тақсимга қаноат қилмасанг, дунёни сенинг устингга султон ва сени унга хизматкор қилиб қўяман. Дунё учун чўлдаги ваҳший ҳайвонлар каби югурасан, аммо сенга тақсимлаб қўйган ризқимдан ортиғи келмайди ва ўзинг менинг олдимда хижолат бўлиб қоласан”.

\*\*\*

“Эй Одам фарзанди! Мен ато этган ризқни емоқдасан, бас, тоатимни ҳам қилмоғинг керак”.

\*\*\*

“Эй Одам фарзанди! Албатта, ризқ ҳаммага тақсимланиб ва ажал ҳам белгилаб қўйилган. Касал бўлган одам дунё лаззати ва неъматларидан маҳрумдир. Бахиллик ҳамма жойда ёмондир ва дунё неъматлари чексиз эмасдир. Ризқ излаб жуда узоқ кетмоқ захарлидир ва ризқ Бергувчи доим тирик ва қоимдир”.

\*\*\*

“Эй Одам фарзанди, кимки мен тақсим қилиб қўйган ризқга рози бўлса, унинг ҳузурига мол-дунёнинг ўзи у хоҳламаса ҳам келаверади”.

\*\*\*

Шарафли ҳадисларда Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

“Қадар дуо билангина ўзгаради. Умрни яхшилик зиёда қилади. Шубҳасиз, мўъмин гуноҳ қилиш билан ризқидан маҳрум бўлади”.

\* \* \*

“Аллоҳ таоло бирорталарингизга бир йўлдан ризқни етказётган бўлса, (то сабаблар ўзгармагунича) уни тарк этманг”.

**Шарҳ:**

“Бирор савдо ва қўл ҳунари сабабидан кун ўтказишга етарли ризқ келиб турса, ўзи ва оиласи муҳтожликдан озод бўлса, шу касбини таишласин. Бирор лавозим ва маъмурият сабабидан кунни ўтиб турганида янада кўпроқ дунё орттириши хаёлида шу ишлаб турган ишидан чиқиб кетмасин. Хаводаги турнага умид боғлаб, қўлдаги чумчуқни чиқариб юбориши ақлсизликдир. Келиши аниқ бўлмаган кўпидан кўра, оз бўлса-да, келиб тургани яхшироқдир. Кимга нимадан барака етиб турган бўлса, унинг сабабини маҳкам тутсин”. (Ризоуддин ибн Фахриддин)

\* \* \*

“Сизларга ажабланиман: дунё учун амал қиласилар, ваҳоланки, унда амалсиз ҳам ризқланасизлар. Охират учун амал қилмайсизлар, ваҳоланки, унда амалсиз ризқланмайсизлар”. (Исо ибн Марям)

\* \* \*

“Қуръонга ғилоф, илмга манба бўлинг. Аллоҳдан кунлик ризқингизни сўранг”. (Умар ибн Ҳаттоб)

\* \* \*

“Ризқинг учун ҳаракат қил, аммо ризқ топаман, деб тўғриликдан айрилма ва мусулмон ҳолда ўлишга интил. Мазлумнинг баддуосидан сақлан”. (Муоз ибн Жабал)

\* \* \*

“Зоҳид улдурки, қўлига ҳеч нарса кирмаса, кўнгли ғоят шод бўлмай, ризқ учун юраги сиқилмас. Агар ризқ учун кўнглини тор тутса, “ҳеч нарсам йўқ”, деб шикоят қилса, Аллоҳ билан жанг қилган кабидир. Маҳлуққа унс (дўстлик) тутмоқ уқубатдир. Дунё аҳлига яқин бўлмоқ маъсиятдир”. (Абу Бакр Каттоний)

\* \* \*

“Ризқ сиздан қочган пайтларида қийинчиликка сабр этинг. Қўлингизда бориға қаноат қилинг. “Ўлсам ҳам, тирилсам ҳам, қўлга киритаман”, деб машаққатга ботманг. Агар насиб бўлса, қўлга киради. Хасисларнинг хасислиги сизни чанқатса, тўйиш ва чанқоқни қондиришда сизга қаноатли бўлиш кифоядир. Шундай инсон бўлингки, оёғингиз ерда, ғайрат ва шижоатингиз юлдузларда бўлсин. Эй осонлик билан топиладиган ризққа бор вужуди

билан талабгор инсон! Ҳайҳотки, сен ботил(беҳуда иш)га ошиқсан. Катта илон бор-йўғи чўллардаги чиринди билан қорин тўйгазади. Қора пашша эса арзимас кучи билан бол ейди...

Тубанликдан қоч, бойликнинг кўплиги ва кучли хирс сени алдаб қўймасин. Аллоҳнинг берганига қаноат қил ва Унинг тақсимотига рози бўл. Чунки қаноат шундай бойликдирки, ҳеч қачон тугамайди. Худо хайрингни берсин, ахир озгина бўлса ҳам, фикрлагин, ортиқча еган нарсанг фойдасиз эканини кўрасан.

Қўлга кирита олган ризқингга қаноат эт. Раббимиз чумолини ҳам унутадиганлардан эмас. Агар сенга мўл-қўл ризқ келса, шукр қилиб кутиб ол. Ризқ сендан қочса, хотиржам бўл, ташвишланма. Ҳикмат аҳли сўзларига кўра, олижаноблик башанг кийиниш билан бўлмайди. Чунки аслида, башанг кийим билан неъматланиш ва чиройли пардоз-андоз ила нақшланиш кишини кўп банд қилади. Ҳатто дунёга майл сабабли диний ҳукмларни адо этолмайди. Оҳангжамали кийим-кечаклар кўпинча кишини кибр ва ғурур кўчасига етаклайди”. (Абу Ҳомид Фаззолий)

\* \* \*

“Оқил киши дунёдаги ризқига рози бўлади ва мол тўплашга машғул бўлмайди. Охират амаллари билан шуғулланади. Чунки охират қарор топиш ва неъматлар уйидир. Дунё фонийлик уйи, у хиёнаткор, фитнакордир”. (Абу Лайс Самарқандий)

\* \* \*

### **Ҳикоят:**

Ҳазрати шайх Шужоъ Кирмонийнинг бир гўзал қизлари бор эди. Кирмон шоҳи бундан хабар топиб, қизни ўзи учун тилади.

– Уч кун муҳлат беринг, ундан кейин жавобини айтурман, – дедилар шайх ҳазрат. Сўнг битта-битталаб масжид ва хонақоҳларни кездилар. “Бир дарвиш топайин-да, қизимни унга берайин”, деб ният қилдилар. Тун чоғи бир масжидда таҳажжуд намози ўқиётган йигитни кўрдилар. Йигит намоздан фориг бўлгач:

– Эй ўғлим, уйинг борми? – деб сўрадилар.

– Йўқ, – деди йигит маъюсланиб.

– Уйланасанми? – деб сўрадилар.

– Менга ким ҳам қизини берарди, уч тангам бор холос, – деди йигит.

– Уч тангангнинг бирини нонга, бирини гўштга, бирини сабзига бер, – дедилар-да, қизларини унга беражакларини билдирдилар.

Эртасига қизларини узатдилар. Шайх ҳазратларининг қизлари йигитнинг омонат кулбасига кириб, коса устида бир бурда қотган нон кўрди-да: “Бу нон нимадир?” деб сўради.



– Кечадан қолган, – деди йигит. Бу жавобдан қиз маъюсланди ва дедики:

– Кечаги ризқни берган Аллоҳ бугунгисини бермасмидики, эрта учун нон сақлабсиз? Отам мени бир таваккул аҳлига узатяпман, деган эдилар. Магар шундоқ кишига берибдиларки, ризқ учун Аллоҳга инонмас экан.

\* \* \*

“Рўзиси бўлмағон сайёд Дажлада балиқ тута олмағусидир ва ажали етмаган балиқ қуруқ ерга тушгани билан ўлмағусидир.

*Байт:* Мискин харис олам аро тинмайин юрар,  
Ул ризқнинг изидин, ажал онинг изидин.

Ривоятким, бир заифроқ балиқчининг қармоғига катта наҳанг илинди. Балиқни тортиб олишга ҳарчанд уринмасин, эпллмади – балиқ қармоқдан қутилиб кетди. Атрофдаги балиқчилар афсусланиб, биродарларини маломат қилдилар. Шунда балиқчи ул дўстларига деди-ки:

– Эй биродарлар! У балиқ менинг ризқим бўлмаса, балиқнинг эса дунёдан ризқи узилмаган бўлса, қўлимдан нима келарди? Бу балиқнинг ҳали бу дунёда ейишга таомдан ризқи бор экан”.  
(Саъдий Шерозий)

\* \* \*

“Пешонангга тор ёки кенг бўлса ҳам, ризқинг ёзилган. Ҳирс билан уни тубдан яхшилаб бўладими?”

\* \* \*

“Тангри ҳукми билан ҳар иш амалга ошади, Унинг амри орқали тақдирланган киши ҳар ишга эриша беради”.

\* \* \*

“Тангрининг тақдири билан оёққа тикан киради, буйруғи билан кийик тузоққа илинади... Ҳамма тақдирланувчи нарса Худонинг иродаси билан юз беради, нодон киши буни бирор сабабга боғлайди... Осмонда учувчи қушлар Худонинг амри билан қафтга қўнади ва қафасга киради... Қазо келса, югурувчи нарсалар – итлар ҳуриб югурмайди, қазони кучли ўқ-ёй қуриб қайтариб бўлмайди”. (Аҳмад Югнакий)

\* \* \*

“Тенгри раззоқлигин билган рўзи учун ғам емагай ва қассомлигин билган ризқ озу кўпида сўз демагай”. (Тангрининг ризқ берувчи эканини билган киши насибаси учун ғам емайди. Ризқни тақсимловчи Аллоҳ эканини билган киши ризқининг оз ёки кўпи бўйича нолимайди, бу хусусда бирон сўз демайди) (Алишер Навоий)

\* \* \*

Кишининг рўзисин гар қилмаса кам,  
Етар ҳар ерда меҳнат бўлмаса ҳам.

*(Ҳамонки Аллоҳ таоло бировнинг ризқини кам қилмас экан, демак, ризқ ўша кишига қайси ердан бўлса-да, етиб келади. Гарчи бунинг учун меҳнат ёки касб қилмаган бўлса ҳам)*

Нечукким, ҳазрати Солиҳ учун фош,  
Болалиғ тева туғди ҳукмидин тош.

*(Пайғамбар Солиҳ алайҳиссаломнинг дуолари ижобат бўлиб, Аллоҳнинг қудрати ила тош ичидан болали туя чиқди. У туя Солиҳ алайҳиссалом дунёга келмасларидан беиш юз илгари яратилган эди. Шу беиш юз йил ичида Аллоҳ таоло туяга шу тош ичида ризқини бериб асради)*

Юборди Маряма рўзий малакдин,  
Масиха мойида тушди фалакдин *(Сўфи Оллоёр)*

*(Бу байтда Куръони каримда баён этилган икки қиссага ишора бор: бири – моида қиссаси, яна бири – Марям қиссасидир. Аллоҳ таоло биби Марямнинг ризқларини ҳеч бир меҳнатсиз фаришта-лар орқали юборарди. Унинг ўғли – Ийсо алайҳиссалом, яъни, Ийсо Масиҳнинг ҳаворийлари Аллоҳдан тўкин дастурхон туширишини сўрашни талаб қилдилар: “Эй Ийсо ибн Марям, сенинг Раббинг бизга осмондан тузатилган дастурхон тушира оладими?” Ийсо Масиҳ Аллоҳга илтижо қилиб сўрадилар: “Эй бор Худоё! Раббимиз! Бизга осмондан ясатилган дастурхон туширгин, у аввалимизгаю охири-мизга байрам бўлиб қолсин. Сендан мўъжиза бўлиб қолсин. Ва бизларга ризқ бергин, зотан Ўзинг энг яхши ризқ бергувчисан”. (Моида сураси) Уларга моида – дастурхон туширилди. Масиҳ қавми неъматларни ҳеч бир меҳнатсиз едилар)*

\* \* \*

Ризқ ўз соҳибини мудом таъқиб қилади. Фақат сен унга ҳалоллик эшикларини оч. Ризқ инсонга азалий насибадир. Сен уни топмасанг ҳам у сени топади. Ичадиган сувингни аниқ ичасан, ейдиган неъматингни албатта ейсан. Инсон ризқи тугамагунича ўлмайди *(Донолар бисотидан)*

\* \* \*

Бизларга бутунлай қолса бу дунё,  
Ва ризқлари бўлса бир дунё.  
Ҳур инсон, қасамки, кечгайдир ундан –  
Ризқ учун ҳеч қачон кечмас эркидан.  
Ҳурларга қарамлик ярашмас асло:  
Ризқ дегани завоқ кўргувчи мато.

**Ривоят:** Хасис бой кам еб, кам ичиб, ҳатто оиласи ризкини ҳам қирқиб катта хазина тўплади. Ўзининг ҳисоб-китобидаги миқдорда бойлик тўплангач: «Ана энди кайфу сафо билан яшайман», деб бойлиги тўпланган хона эшигини очмоқчи бўлди – очолмади. Ҳарчанд уринмасин, эшик қилт этмади. Шунда ғазабдан сўкинаётганда ичкаридан бир овоз келди:

– Сен нима учун эшикни очмоқчи бўляпсан, нега ғазабланаяпсан?

– Бу менинг хазинам, эшикни очиб, бойлигимдан истаганимча фойдаланмоқчиман, – деди бой.

– Агар бу бойликлар сеники бўлса, не учун шу пайтга қадар фойдаланмадинг? Оилангни ҳам муҳтожликда сақладинг? Энди бу бойликлар сенга тегишли эмас, бирон чақаси ҳам сенга буюрмайди. Буларнинг барчаси бағдодлик дурадгор Назарга аталган ризқдир. Истасанг, синаб кўр, – деган овоз келди-ю мўъжиза юз бериб, эшик ўз-ўзидан ланг очилди.

Бой: «Агар менга насиб қилмаса, бошқа ҳеч кимга буюрмайди», деган қарор билан йўғон-йўғон ходалар харид қилиб, уларнинг орасини ғовак тарзида тешдириб, бойликларини жойлади-да, дарёга ташлади. Ўзи эса «нима бўларкин?» деган фикрда дарёда оқиб бораётган ходаларга эргашди. Бу дарё Бағдод шаҳри ёнидан оқиб ўтар эди. Бу шаҳарда чиндан ҳам Назар деган дурадгор яшарди. У ҳар тонг дарё соҳилига чиқиб, оқиб келаётган ёғочларни тутиб, четга чиқариб оларди. Ўша тонг қараса, бир қанча ходалар оқиб келяпти-ку, аммо эгаси кўринмайди. У ажаблана-ажаблана ходаларни қирғоққа чиқариб олган дамда бой келиб:

– Сен кимсан? – деб сўради.

– Мен Назар дурадгорман.

– У ҳолда, – деди бой, – ходаларни уйингга олиб бор-да, орасини ёр.

Дурадгор унинг айтганини қилиб, битта хода орасидан чиққан олтину жавоҳир, лаълу ёқутларни кўриб, ҳангу манг бўлиб турганида бой деди:

– Маълуминг бўлсинким, бошқа ходалар худди шу каби бойлик билан тўлдирилган. Булар бу кунга қадар менга тегишли эди. Аммо Худо буларни мендан олиб, сенга беришни ихтиёр қилди. Булар менинг эмас, сенинг ризқинг экан.

Шунда дурадгор: «Гуноҳларингизга тавба қилинг, Аллоҳ раҳм этгувчидир. Бойликларингизни қайтариб олинг, ўзингизга буюрсин», деди.

Бой эса «Мен Аллоҳнинг измига қарши боролмайман», деб кўнмади. Ярмини, ҳатто бир мисқолини ҳам олишни истамади. Ялинишлари зое кетган дурадгор:



– Ҳеч бўлмаса бир кеча меҳмоним бўлинг, хотиним нон ёпсин, йўлга нон олволинг, – деб илтимос қилгач, бой рози бўлди. Дурадгорнинг хотини хамир қорди. Дурадгор катта-катта ясалган нонлар орасига жавҳарлардан жойлаштирди.

Эрта саҳарда бой жавҳарли нонларни олиб изига қайта бошлади. Шаҳардан узоқлашгач, чўлда бир хароб чайлага дуч келди. Бориб қараса-ки, чўпоннинг аҳли аёли эндигина дунёга келган чақалоғини бағрига босиб ўтирибди.

Тўртта бола “нон, нон!” деб йиғлаяпти. Чўпон ночор. Қариндошлари чўлнинг бошқа томонларига кўчиб кетишган. Атрофда ёрдам қўлини чўзадиган зоғ йўқ. Буни кўрган бой дурадгорнинг хотини ёпган барча нонларни чўпонга берди ва дедики:

– Шу нонлардан биттасини олиб, шаҳардаги Назар дурадгор деган одамга учрашасан-да, менинг саломимни етказиб, аҳволингни баён этасан. У сенга ёрдам беради.

Шундай қилиб, нон орасига жойланган жавоҳир ҳам бойга на-сиб этмади. Ризқ яна эгасини топди.

\* \* \*

#### **Масал:**

Товус билан қарға боғда учрашиб, бир-бирларининг айбини қидира бошладилар. Товус қарғага:

– Ҳой қарға! Оёғингдаги шу қирмизи этикча фақат менинг гўзал либосимга ярашади. Ўз-ўзидан маълумки, сен кечанинг қоронғулигидан борлиқ оламининг ёруғлигига чиқаётиб, менинг қирмизи этикчаларимни кийиб олгансан. Мен ҳам адашиб, сенинг қоп-қора, қўпол пойабзалингни кийганман, – деди.

Бу гапдан ғашланган қарға деди:

– Ҳой товус! Балки аксинчадир? Ўша кечанинг қоронғулигида сен менинг либосларимни кийиб олгансан. Бу либослар аслида меники эди.

Уларнинг тортишувини эшитиб турган тошбақа деди:

– Эй азизларим! Бекорга тортишманглар, фойдасиз мунозарадан воз кечинглар. Жаноби Ҳақ барча гўзалликни фақат битта кишига бермаган. Бутун ҳукмронлик тизгинини ҳам бир махлуқнинг қўлига бермаган. Ҳар ким ўз ҳиссасига тушган неъматлардан хушнуд ва рози бўлмагани учун бошқаларнинг нарсаларига кўз тикади.

#### **Қиссадан ҳисса:**

*Дунёда ҳар томонлама мукамал инсон йўқ ва бўлмайди ҳам. Аниқки, ҳар бир кишининг ҳавас қиладиган жиҳатлари бўлгани*

каби, нуқсон ва камчиликлари ҳам бордир. Ҳар киши ўзига берилган ризқ-неъматларга шукр қилиб, бошқаларнинг неъматларига кўз олайтирмасагина бахтли бўлади. Банда бу сирдан огоҳ бўлса, доимо тўғри йўл тутади. Кўзлари бошқаларнинг ризқида бўлмаган, ўзини ташвишга қўймаган одам донодир. Кўнгилнинг гўзаллашуви шундандир. Ҳар ким ўз ризқига рози бўлса эди, дунёда сира ғавғо бўлмас эди.

\* \* \*

### **Масал:**

Сахро сичқони шаҳарни томоша қилай, деб келиб, шаҳар сичқонига йўлиқди. Шаҳар сичқони оч, ориқ ва камқувват қариндошига ачиниб, тўқ ва беғам яшаш имкони мўл бўлган маконда қолишга даъват этди. Сахро сичқони кўнди ва унга эргашди. Шаҳар сичқони яшайдиган хонадон эгаси ундан безиб, шу куни қопқонга озгина гўшт қўйиб қўйган эди. Шаҳар сичқони бундан беҳабар, ини атрофи ноз-неъматга мўл эканини исбот этмоқ мақсадида кибр билан инидан чиқди, гўштни тишлади-ю қопқонга тушди. Бир оз типирчилаб, ўлди. Буни кўрган сахро сичқони “Ҳалокат келтирадиган бундай тўқликдан кўра, озига қаноат қилиб, тинчгина яшаганим яхшироқ”, деб ўз маконига қайтиб кетди.

\* \* \*

### **Ривоят:**

Басралик савдогар Чин мамлакати томон сафарга тайёргарлик кўраётганида бир мўйсафид унинг кемасига яқинлашиб, илтимос қилди:

– Эй хожа, мен ҳузурингга ҳожатталаб бўлиб келдим. Мана бу қопдаги қўрғошинни денгиз ўртасига етганингда сувга ташлаб юборсанг, зора назирим қабул этилса.

Савдогар мўйсафиднинг кимлигини суриштириб билгач, молини олиб қолди. Бироқ, кемаси денгиз ўртасига етганида тўсатдан тўфон кўтарилиб, мўйсафиднинг илтимосини бажаришни унутди. Чинга бориб савдо қилаётганида унга бир йигит яқинлашиб:

– Басрада сифатли қўрғошин бўлар эди, олиб келмадингизми? – деб сўради.

Шунда савдогар мўйсафидни, унинг омонатини эслаб, «энди буни исроф қилгандан кўра сотиб, пулига мол олиб, эгасига қайтариб топширганим маъқул кўринадир», деган қарорда қўрғошин тўла қопни йигитга сотди.

Басрага қайтгач, мўйсафид яшаган маҳаллага бориб билса-ки, у вафот этибди. Унга яна бир нарса маълум бўлибдики, мўйсафиднинг бир жияни бор экан. Укасидан ёдгор бўлмиш бу йигитни чиқиштирмас экан. «Сен менинг ўлимимни кутиб юрибсан, бойлигимга эга чиқмоқчимисан!» деб ранжитавергани сабабли йигит бу шаҳардан бош олиб кетган экан.

Савдогар бирор вориси чиқиб қолар, деган ниятда Чиндан олиб келган молни етти юз динорга сотиб, пулини асраб қўйди. Орадан кўп ўтмай, Чин мамлакатада ундан кўрғошин сотиб олган йигит келиб дедики:

– Мен кўрғошинни уйга олиб бориб, эритиб кўрсам, орасидан олтин чиқди. Мен сиздан олтин эмас, кўрғошин сотиб олган эдим. Бу олтинлар мен учун ҳаромдир, токи бу олтинларни ўзингизга топширгайман, деб изингиздан етиб келдим.

Шунда савдогар сафар олдидан бир қоп кўрғошин кўтариб келган қария воқеасини сўзлаб берган эди, йигит маъюс тортиб деди-ки:

– Сиз айтаётган мўйсафид менинг амаким эдилар. Бойликни сувга ғарқ қилишдан мақсадлари – мени бобом ва отамдан қолган меросдан маҳрум этиш эди. Бироқ, Аллоҳ мазкур бойликни ўзимга насиб қилган экан, турли восита ва василалар билан менга етказди.

Йигитнинг чиндан ҳам ўша мўйсафиднинг жияни экани тасдиқлангач, савдогар унга етти юз динорни ҳам бериб:

– Сен ҳаромдан парҳез қилдинг, Аллоҳ сенга ўз ризқингни – ҳалол бойликни ато қилди, – деди.



## ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН:

- \* Ризқ камимас, банда очидан ўлмас.
- \* Ризқли меҳмон ош устидан чиқар.
- \* Рўзингни сот, рўшнолик ол.
- \* Сон тегмаганга сон тегди, зоғора тегмаганга – нон.
- \* Сув оққан сойга яна сув оқар; сувга яқин – ризққа яқин.
- \* Оғилда улоқ туғилса, адирда ўти униб чиқар.
- \* Оққан ариқ оқмай қолмас,  
Оқмай қолса, икки кўзинг боқмай қолмас.
- \* Бер, деди субҳон – бериб солди султон,  
Берма, деди субҳон – нимани берсин султон?
- \* Бири семизини ейди, бири эгизини ейди.
- \* Бузоқни тилга олсанг ипини узиб келар.
- \* Буюрган – олар, югурган – қолар.
- \* Буюрган ошга тиш тегар, ёз тегмаса – қиш тегар.
- \* Югурганники эмас – буюрганники.
- \* Гадога бир эшик ёпиқ бўлса, бири – очиқ.
- \* Етим етти уйдан ош ичар.
- \* Етим кимники – ош берганники.
- \* Ёқангдагини олгунча, қўлингдаги тўкилар.
- \* Жўжали товуқдан дон ортмас.
- \* Икки марта ўлмайсан, бир мартасидан қочиб қутулмайсан.
- \* Карвон кўп, ризқи бошқа.
- \* Ким текканини ейди, ким суйганини.
- \* Кимга – бармоқдай, кимга – тирноқдай.
- \* Кимга туйнукнинг ёруғи, кимга – шамчиरोқ.
- \* Кимга – ҳой-ҳой, кимга – вой-вой.
- \* Кимнинг этагига ўт тушса, ўша куяр.
- \* Кун – кучлиники, қобирға – тишлиники.
- \* Лўлининг чирмандаси ёрилса-  
Гардиши маймунга ўйинчоқ бўлар.
- \* Насиб этса келар Шом-у Ироқдин,  
Насиб йитса, кетар қош-у қобокдин.
- \* Нон – нонда, калити – осмонда.
- \* Овчи нон қидирар, кончи – кон.
- \* Олтин-кумуш тош бўлар, томоқдан ўтса – ош бўлар.
- \* Осилмаган қозонга отилмаган қуён тушар.
- \* От айланиб қозиғини топар, эр айланиб – ёзиғини.
- \* Ота кўрганни бола кўрмас, бола кўрганни ота кўрмас.

– Хеч бўлмаса бир кеча меҳмоним бўлинг, хотиним нон ёпсин, йўлга нон олволинг, – деб илтимос қилгач, бой рози бўлди. Дурадгорнинг хотини хамир қорди. Дурадгор катта-катта ясалган нонлар орасига жавҳарлардан жойлаштирди.

Эрта саҳарда бой жавҳарли нонларни олиб изига қайта бошлади. Шаҳардан узоқлашгач, чўлда бир хароб чайлага дуч келди. Бориб қараса-ки, чўпоннинг аҳли аёли эндигина дунёга келган чақалоғини бағрига босиб ўтирибди.

Тўртта бола “нон, нон!” деб йиғлапти. Чўпон ночор. Қариндошлари чўлнинг бошқа томонларига кўчиб кетишган. Атрофда ёрдам қўлини чўзадиган зоғ йўқ. Буни кўрган бой дурадгорнинг хотини ёпган барча нонларни чўпонга берди ва дедики:

– Шу нонлардан биттасини олиб, шаҳардаги Назар дурадгор деган одамга учрашасан-да, менинг саломимни етказиб, аҳволингни баён этасан. У сенга ёрдам беради.

Шундай қилиб, нон орасига жойланган жавоҳир ҳам бойга насиб этмади. Ризқ яна эгасини топди.

\* \* \*

#### **Масал:**

Товус билан қарға боғда учрашиб, бир-бирларининг айбини кидира бошладилар. Товус қарғага:

– Ҳой қарға! Оёғингдаги шу қирмизи этикча фақат менинг гўзал либосимга ярашади. Ўз-ўзидан маълумки, сен кечанинг қоронғулигидан борлиқ оламининг ёруғлигига чиқаётиб, менинг қирмизи этикчаларимни кийиб олгансан. Мен ҳам адашиб, сенинг қоп-қора, қўпол пойабзалингни кийганман, – деди.

Бу гапдан ғашланган қарға деди:

– Ҳой товус! Балки аксинчадир? Ўша кечанинг қоронғулигида сен менинг либосларимни кийиб олгансан. Бу либослар аслида меники эди.

Уларнинг тортишувини эшитиб турган тошбақа деди:

– Эй азизларим! Бекорга тортишманглар, фойдасиз мунозарадан воз кечинглар. Жаноби Ҳақ барча гўзалликни фақат битта кишига бермаган. Бутун ҳукмронлик тизгинини ҳам бир махлуқнинг қўлига бермаган. Ҳар ким ўз ҳиссасига тушган неъматлардан хушнуд ва рози бўлмагани учун бошқаларнинг нарсаларига кўз тикади.

#### **Қиссадан ҳисса:**

*Дунёда ҳар томонлама мукамал инсон йўқ ва бўлмайди ҳам. Аниқки, ҳар бир кишининг ҳавас қиладиган жиҳатлари бўлгани*

каби, нуқсон ва камчиликлари ҳам бордир. Ҳар киши ўзига берилган ризқ-неъматларга шуқр қилиб, бошқаларнинг неъматларига кўз олайтирмасагина бахтли бўлади. Банда бу сирдан огоҳ бўлса, доимо тўғри йўл тутади. Кўзлари бошқаларнинг ризқида бўлмаган, ўзини ташвишга қўймаган одам донадир. Кўнгилнинг гўзаллашуви шундандир. Ҳар ким ўз ризқига рози бўлса эди, дунёда сира ғавғо бўлмас эди.

\* \* \*

### **Масал:**

Сахро сичқони шаҳарни томоша қилай, деб келиб, шаҳар сичқонига йўлиқди. Шаҳар сичқони оч, ориқ ва камқувват қариндошига ачиниб, тўқ ва беғам яшаш имкони мўл бўлган маконда қолишга даъват этди. Сахро сичқони кўнди ва унга эргашди. Шаҳар сичқони яшайдиган хонадон эгаси ундан безиб, шу куни қопқонга озгина гўшт қўйиб қўйган эди. Шаҳар сичқони бундан беҳабар, ини атрофи ноз-неъматга мўл эканини исбот этмоқ мақсадида кибр билан инидан чиқди, гўштни тишлади-ю қопқонга тушди. Бир оз типирчилаб, ўлди. Бунни кўрган сахро сичқони “Ҳалокат келтирадиган бундай тўқликдан кўра, озига қаноат қилиб, тинчгина яшаганим яхшироқ”, деб ўз маконига қайтиб кетди.

\* \* \*

### **Ривоят:**

Басралик савдогар Чин мамлакати томон сафарга тайёргарлик кўраётганида бир мўйсафид унинг кемасига яқинлашиб, илтимос қилди:

– Эй хожа, мен ҳузурингга ҳожатталаб бўлиб келдим. Мана бу қопдаги кўрғошинни денгиз ўртасига етганигда сувга ташлаб юборсанг, зора назирим қабул этилса.

Савдогар мўйсафиднинг кимлигини суриштириб билгач, молини олиб қолди. Бироқ, кемаси денгиз ўртасига етганида тўсатдан тўфон кўтарилиб, мўйсафиднинг илтимосини бажаришни унутди. Чинга бориб савдо қилаётганида унга бир йигит яқинлашиб:

– Басрада сифатли кўрғошин бўлар эди, олиб келмадингизми? – деб сўради.

Шунда савдогар мўйсафидни, унинг омонатини эслаб, «энди бунни исроф қилгандан кўра сотиб, пулига мол олиб, эгасига қайтариб топширганим маъкул кўринадир», деган қарорда кўрғошин тўла қопни йигитга сотди.



Басрага қайтгач, мўйсафид яшаган маҳаллага бориб билса-ки, у вафот этибди. Унга яна бир нарса маълум бўлибдики, мўйсафиднинг бир жияни бор экан. Укасидан ёдгор бўлмиш бу йигитни чиқиштирмас экан. «Сен менинг ўлимимни кутиб юрибсан, бойлигимга эга чиқмоқчимисан!» деб ранжитавергани сабабли йигит бу шаҳардан бош олиб кетган экан.

Савдогар бирор вориси чиқиб қолар, деган ниятда Чиндан олиб келган молни етти юз динорга сотиб, пулини асраб қўйди. Орадан кўп ўтмай, Чин мамлакатада ундан кўрғошин сотиб олган йигит келиб дедики:

– Мен кўрғошинни уйга олиб бориб, эритиб кўрсам, орасидан олтин чиқди. Мен сиздан олтин эмас, кўрғошин сотиб олган эдим. Бу олтинлар мен учун ҳаромдир, токи бу олтинларни ўзингизга топширгайман, деб изингиздан етиб келдим.

Шунда савдогар сафар олдидан бир қоп кўрғошин кўтариб келган қария воқеасини сўзлаб берган эди, йигит маъюс тортиб деди-ки:


– Сиз айтаётган мўйсафид менинг амаким эдилар. Бойликни сувга ғарқ қилишдан мақсадлари – мени бобом ва отамдан қолган меросдан маҳрум этиш эди. Бироқ, Аллоҳ мазкур бойликни ўзимга насиб қилган экан, турли восита ва василалар билан менга етказди.

Йигитнинг чиндан ҳам ўша мўйсафиднинг жияни экани тасдиқлангач, савдогар унга етти юз динорни ҳам бериб:

– Сен ҳаромдан парҳез қилдинг, Аллоҳ сенга ўз ризқингни – ҳалол бойликни ато қилди, – деди.

## ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН:

- \* Ризқ камимас, банда очидан ўлмас.
- \* Ризқли меҳмон ош устидан чиқар.
- \* Рўзингни сот, рўшнолик ол.
- \* Сон тегмаганга сон тегди, зоғора тегмаганга – нон.
- \* Сув оққан сойга яна сув оқар; сувга яқин – ризққа яқин.
- \* Оғилда улоқ туғилса, адирда ўти униб чиқар.
- \* Оққан ариқ оқмай қолмас,  
Оқмай қолса, икки кўзинг боқмай қолмас.
- \* Бер, деди субҳон – бериб солди султон,  
Берма, деди субҳон – нимани берсин султон?
- \* Бири семизини ейди, бири эгизини ейди.
- \* Бузоқни тилга олсанг ипини узиб келар.
- \* Буюрган – олар, югурган – қолар.
- \* Буюрган ошга тиш тегар, ёз тегмаса – қиш тегар.
- \* Югурганники эмас – буюрганники.
- \* Гадога бир эшик ёпиқ бўлса, бири – очик.
- \* Етим етти уйдан ош ичар.
- \* Етим кимники – ош берганники.
- \* Ёқангдагини олгунча, қўлингдаги тўкилар.
- \* Жўжали товуқдан дон ортмас.
- \* Икки марта ўлмайсан, бир мартасидан қочиб қутулмайсан.
- \* Карвон кўп, ризқи бошқа.
- \* Ким текканини ейди, ким суйганини.
- \* Кимга – бармоқдай, кимга – тирноқдай.
- \* Кимга туйнукнинг ёруғи, кимга – шамчиरोқ.
- \* Кимга – ҳой-ҳой, кимга – вой-вой.
- \* Кимнинг этагига ўт тушса, ўша куяр.
- \* Кун – кучлиники, қобирға – тишлиники.
- \* Лўлининг чирмандаси ёрилса-  
Гардиши маймунга ўйинчоқ бўлар.
- \* Насиб этса келар Шом-у Ироқдин,  
Насиб йитса, кетар қош-у қобокдин.
- \* Нон – нонда, калити – осмонда.
- \* Овчи нон қидирар, кончи – кон.
- \* Олтин-кумуш тош бўлар, томоқдан ўтса – ош бўлар.
- \* Осилмаган қозонга отилмаган қуён тушар.
- \* От айланиб қозиғини топар, эр айланиб – ёзиғини.
- \* Ота кўрганни бола кўрмас, бола кўрганни ота кўрмас.

- 
- \* Оч тўяр, яланғоч кияр, ўлган – кетар.
  - \* Очик оғиз оч қолмас.
  - \* Очофат тиши билан ўзига гўр қазир.
  - \* Супрага тушган сичқоннинг боши оқармай қолмас.
  - \* Тариқ сочилса – товук тўяр.
  - \* Тегирмонга кирган гардсиз чикмас.
  - \* Текканга – туя боши, тегмаганга – қуён боши.
  - \* Тирик юрган куруқ қолмас.
  - \* Тиши бутуннинг ризқи бутун.
  - \* Томоқ кўрмай ўлгандан, томоқ кўриб, еёлмай ўлган ёмон.
  - \* Тонгдаги – Тангридан.
  - \* Тушда сув ичган билан ташналик қонмас.
  - \* Умид ўлмас, ризқ камимас.
  - \* Чекингга тушса – чекчайма.
  - \* Шувок бор жойда туёқ бор.
  - \* Эр луқмаси эр қорнида қолмас.
  - \* Эрта турган йигитнинг бир ризқи ортиқ,  
Эрта турган аёлнинг бир иши ортиқ.
  - \* Эрталабки насибадан қолма, кечки насибага борма.
  - \* Эрталабки муштан қайтма.
  - \* Эшак – иши билан, тўнғиз – тиши билан.
  - \* Юзи юпқалик ризққа зарар.
  - \* Ютганинг ўзингники, чайнаганинг – гумонда.
  - \* Қаерга борсанг ҳам, қора қозонинг оғайнинг.
  - \* Насиб қилса – ҳасип ейсан.
  - \* Ҳасип – қилганники эмас, насиб қилганнки.



## САБРИ ТАҲАММУЛ

“Қасамки, агар Биз инсон зотига Ўз томонимиздан раҳмат-марҳаматимизни тотдириб, сўнгра уни Ўзимиз тортиб олсак, у, албатта, ноумид ва ношкурчилик қилиши шубҳасиздир. Қасамки, агар унга бирон зиён-заҳмат етканидан кейин Биз ноз-неъматларни тотдириб қўйсак, албатта у: “Барча ёмонликлар мендан нари кетди, энди қайтиб келмайди”, дейди. Дарҳақиқат, у мағрур ва мақтанчоқдир. Магар балоли кунларда сабр қилиб, сафоли кунларда шукроналик билан яхши амаллар қиладиган зотлар бор-ки, ана ўшалар учун мағфират ва катта ажр-мукофотлар мавжуддир”. *(Қуръони карим маъноларининг таржимаси, Худ сурасидан)*

### **Тафсир:**

Бу васф иймон ва ислом тақозо қилган сифатлари билан тўла сифатланмаган инсоннинг васфидир. Агар ундай одамга бирор неъмат бериб туриб, сўнгра олиб қўйилса, тушкунликка тушиб, дод-вой қилади, ўзини ҳар томонга уради. Ёки аксинча, ё иссиққа кўнади ё совуққа. Оятда солиҳ бандаларнинг икки сифати алоҳида таъкидланмоқда: сабр ва яхши амаллар қилиш. Сабр доимо, ҳаммага керак: яхшилик етганида ҳам, ёмонлик етганида ҳам, зарар-камчилик пайтида ҳам, фойда-борчилик пайтида ҳам ғоятда зарур. Йўқчиликка сабр қилиш осон. Аммо борчилик-тўқчиликка ҳамма ҳам тоқат қила олмайди. Аслида банда оғир пайтда бардош билан, неъмат етганда шукр ва яхшилик билан сабр қилсагина саодатга етиша олади. *(Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф)*

\* \* \*

“...уларнинг ҳузурларига ҳар эшикдан фаришталар кириб: “Сабр қилганингиз учун сизларга салом бўлсин! Бу оқибат диёри қандай яхши, дерлар”. *(Раъд сурасидан)*

\* \* \*

Аллоҳ таоло Ўз расулига хитобан марҳамат қилади: “Маълумки, Сиздан аввалги пайғамбарлар ҳам ёлғончи қилинганлар. Сўнг, то уларга Бизнинг ёрдамимиз келгунча ёлғончи қилинганларига ва чеккан азиятларига сабр қилганлар”. *(Анъом сурасидан)* \* “Бас, Сиз ҳам ўтган пайғамбарлар орасидаги улул-азм – сабот-матонат эгалари сабр қилганларидек мушрикларнинг озор-азиятларига сабр қилинг ва уларга тушадиган азобни шоштирманг”. *(Аҳқоф сурасидан)*

\*\*\*

“Эй иймон келтирганлар! Сабр қилинг, сабр ила ғолиб келинг”. (Оли Имрон сурасидан)

\*\*\*

“Ва сабр қил. Бас, албатта, Аллоҳ яхшилик қилувчиларнинг ажрини зое қилмайди”. (Худ сурасидан)

\*\*\*

“Ва ўзингга етган мусибатга сабр қил”. (Луқмон сурасидан)

\*\*\*

“Аллоҳга ва унинг расулига итоат этинг. Ўзаро низо қилманг. У ҳолда тушкунликка учрайсиз ва куч қувватингиз кетади. Ва сабр қилинг. Албатта, Аллоҳ сабр қилгувчилар биландир”.

(Анфол сурасидан)

\*\*\*

“Албатта, биз сабр этганларни қилиб юрган амалларнинг энг гўзалига бериладиган ажр ила мукофотлаймиз”. (Наҳл сурасидан)

\*\*\*

“Парвардигоро, устимиздан сабру-тоқат ёғдир, қадамларимизни собит қил”. (Бақара сурасидан)

\*\*\*

“Эй мўъминлар, сабр қилингиз ва сабру тоқат қилишда кофирлардан устун бўлингиз”. (Оли Имрон сурасидан)

\*\*\*

“Фақат иймон келтирган ва яхши амаллар қилган, бир-бирларига Ҳақ йўлини тавсия этган ва бир-бирларига мана шу Ҳақ йўлида сабр-тоқат қилишни тавсия этган зотларгина нажот топгучилардир”. (Вал-аср сурасидан)

\*\*\*

#### **Ҳадиси қудсийдан:**

“Эй Одам фарзанди, сабрли бўл ва ўзингни паст тут, Ўзим сени олий даражага кўтараман”.

\*\*\*

“Эй бандаларим, мен бандаларим ичидан бир мўъмин кишини бирон мусибат етказиб имтиҳон қилсам, у менга ҳамд айтиб, менинг имтиҳонимга сабр қилса, у ўша жойдан турганида хато-гуноҳлардан онаси туққан кунидек пок бўлиб туради”.

\*\*\*

“Эй Одам фарзандлари! Сизлар менинг ҳузуримдаги нарсаларимга фақат менинг розилигимни талаб қилиш йўлида ўзларингиз хуш кўрмаган нарсаларга сабр қилмагунча ета олмайсизлар. Менга итоат қилишдаги бардошлик менга осий-гуноҳкор бўлиб жазога гирифтор бўлишдан осонроқдир”.

\*\*\*

“Эй бандаларим! Мен бандаларимдан биронтасига баданига ёки боласига ёки мол-дунёсига мусибат юборсам, у менинг мусибатимни сабр билан кутиб олса, мен қиёмат кунда унинг номига тарози тикишдан ёки унинг амал дафтарини очишдан ҳаё қиламан (чунки унинг амаллари тарозига сиғмайди, мен ўз фазли карамим билан амал дафтаридаги нуқсонларни беркитаман) ва азоб бермайман.

\*\*\*

*Шарафли ҳадисларда Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:*

“Жоним қўлида бўлган Зот ила қасамки, Аллоҳ мўмин банда учун нимани қазо қилса, ўша унинг учун яхши бўлади. Агар унга хурсандчилик етса, шукр қилади, унга яхши бўлади. Агар унга хафачилик етса, сабр қилади, унга яхши бўлади. Бу фақат мўминлардагина бўлади”.

\*\*\*

“Кимнинг Аллоҳдан савоб келишига қаноати бўлса, ўзига етаётган азиятни сезмас”.

\*\*\*

“Чинакам сабр-тоқатли, деб мусулмон кишининг мусибат юз бергандаги чидамлилигига айтилар”.

\*\*\*

“Иймоннинг афзали сабрли ва кенг қалбли бўлишдир. Сабрлилик мусибатнинг биринчи дақиқаларида билинади”.

\*\*\*

“Кишиларга аралашиб, улардан етишадиган озорга сабр этадиган мўмин, банда берадиган озорларга чидамай, уларга аралашмай юрадиган кишилардан яхшироқдир”.

\*\*\*

“Хоҳ молига, хоҳ жонига кулфат етган одам сабр этиб, бировга шикоят қилмаса, уни кечириб юбориш Аллоҳга ҳақ бўлиб қолади”.



\* \* \*

“Агар Аллоҳ бир қавмга боқийлик ва тараққиётни ирода қилса, уларга тежамкорлик ва қаноатни беради. Агар Аллоҳ бир қавмни “кесмоқ”ни ирода қилса, уларга хиёнат эшигини очиб қўяди”.

\* \* \*

Расулulloҳ (с.а.в.)нинг уйларида бир неча кунлаб қозон қайнамасди.

– Йа Расулаллоҳ! Фақат хурмо еявериб, ичимиз куйди, – деб фақирлар нолишганда Расулulloҳ (с.а.в.):

– Мен ҳам худди сизлар каби икки ойдирки, фақат мева ейман. Уйимда ейишга бошқа нарсам йўқ, – дедилар.

\* \* \*

Бир киши очлик туфайли қорнига тош боғлаб олди. Иссиқ тош қоринга боғланганида ошқозондаги очлик азоби бир оз чекинди. У одам Пайғамбаримиз алайҳиссаломга қорнидаги тошни кўрсатиб, очликдан шикоят қилганида, Расулulloҳ (с.а.в.) ҳам муборак қоринларига боғлаб олган тошларни кўрсатдилар.

\* \* \*

“Мўмин киши бир ичаги тўлгунча ейди, кофир етти ичаги тўлгунча ейди”.

### **Шарҳ:**

*Кўп овқат ейиши билан шуҳрат қозонган бир киши мазкур ҳадиснинг айтилишига сабаб бўлган, деб ривоят қиладилар. Вақти келиб, иймон келтиргач, оз таомга қаноат қилувчилардан бўлган экан.*

Мўмин кишининг сифатларидан бири – унинг қаноаткорлиги ва оз емак билан тўйиши барчага маълум фазилат. Мусулмон фарзанди овқат ейишни «Бисмиллоҳ» билан – Аллоҳ таолонинг исмини айтиши билан бошлайди. Иймон соҳиблари меъдаларини тўлдирмайдилар, кўп ейишга ҳирс қўймайдилар. Фақатгина тоат-ибодатларини бажаришга қувват оладиган даражада овқатланадилар, холос. Турфа хил емишларга ва шарбатларга илтифот этмайдилар. Зотан, мўмин кишига ярашадиган иш ҳам шудир. Кофир эса, ҳирсининг шиддатидан еб тўймайди, тўйса-да, қўймайди. Чунки у нафсига банди. Мункир шаҳватининг асири бўлгани сабабли қанча емасин, барибир тўймайди.

Ҳадисдаги кўпликни билдирувчи «етти» сони орқали тамакорлик, табъи бад, ҳасад, нафс, овқатдан лаззатланиш ва семириш, кўз, оғиз ҳирслари ва шаҳват каби ҳайвоний иллатлар назарда тутилганлиги эҳтимолдир.

Кўп таом ёмоқлик инсонга хос фазилат эмас, балки ҳайвонга хос хусусият саналади. Саййидимиз ҳазрати Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) оз овқат билан қаноатланиш борасида бундай ўғит берганлар: «Меъданинг учдан бирини овқат, учдан бирини сув, қолган учдан бирини ҳаво учун (нафас олмоқнинг энгиллашиши учун) бўш қолдир» (Ал Бурсавий)

\* \* \*

Ҳазрати Умар бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳузурларига келиб қарасаларки, қамишдан тўқилган бўйра устида ётибдилар. Муборак қўлларига, юзларига қамиш ботиб кетган. Сув тўлдирилган битта хумча ва бир сиқим арпадан бўлак овқатлари йўқ. Шунга қаноат қилиб яшаётганларини кўриб, ҳазрат Умар йиғладилар. Ҳазрат Умар ҳам ана шу жамоатга хос инсонларнинг бири эдилар. Лекин Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳаёт тарзлари барча оддий ҳаёт кечираётган кишиларникидан ҳам оддийроқ, соддароқ эди.

\* \* \*

“Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳар вақтдагидек, ғаниматларни тақсим қилдилар. Шунда ансорлардан бир киши: “Валлоҳи биллаҳи, бу тақсим Аллоҳ ризоси учун қилинган тақсим эмас”, деди. Мен бу гапни Пайғамбар алайҳиссаломга етказаман, деб ҳузурларига борганимда, саҳобалар билан ўтирган эканлар. Ансорийнинг гапини секингина қулоқларига айтдим. Ул зотга хабар оғир тушди, ғазабландилар. Ранглари ҳам ўзгариб кетди. Ҳатто мен “бу хабарни етказмасам бўлар экан”, деб афсус қилдим. Шундан кейин Расулуллоҳ (с.а.в.): “Ҳазрат Мусо алайҳиссалом бундан ҳам кўпроқ озор чеккан бўлсалар ҳам сабр этган эдилар”, дедилар”.

(Абдуллоҳ ибн Масъуд)

\* \* \*

“Расулуллоҳ (с.а.в.) кун бўйи очликдан силлалари қуриганда, қорин тўйғазадиган миқдорда хурмо тополмаганларини кўрганман”. (Ҳазрати Муслим)

\* \* \*

Ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом ўғилларини қурбон қилишга ҳозирланар эканлар, ҳазрати Исмоил алайҳиссалом дедилар-ки:

– Эй отажон! Сизга амр қилинган нарсани бажаринг. Инша Аллоҳ, менинг сабр қилувчилардан эканлигимни кўрасиз. Пичоқни яхши қайранг, ҳамон бўғзимни кессинки, жон бериш қулай бўлсин. Пичоқни тортаётганда юзимга қараманг. Балки оталик шафқати билан ишни чўзиб юборишингиз мумкин.

\* \* \*

“Сабр қилинглар, чунки сабр этиш – иймондан. Худди бош жасадда бўлганидек, сабр ҳам иймонда бўлади”.

\* \* \*

“Еб-ичишларига рўза монеълик қилган одамларга Аллоҳ таоло жаннат меваларини едириб, шаробларидан ичиради”.

\* \* \*

“Поклик фақирликнинг зийнати саналади, шукр қилиш эса мол-дунёнинг зийнати саналади”. (Али ибн Абу Толиб)

\* \* \*

“Таом ва ичкилик билан қорин тўйдиришдан сақланинглар, чунки у жасадни бузади, касаллик келтиради, намозга дангасалик қилади. Таомни меёрида енглар. Шунда у танага қувват беради, исроф бўлмайди. Аллоҳ семиз ва қорин қўйган кишини ёқтирмайди. Киши шаҳватини динидан юқори қўйса, ҳалок бўлади”. (Умар ибн Хаттоб)

\* \* \*

“Қуллик – амал этиш, амал билан ҳукмларни муҳофаза қилиш, ваъдага вафо, бориға ризо, йўғига сабрдир”. (Усмон ибн Аффон)

\* \* \*

“Дарахт япроқларидан бошқа озуқамиз йўқ эди. Япроқ еяверганимиздан лаб-лунжларимиз тарс-тарс ёрилар эди. Кунлардан бир кун бир шолча топиб олдим. Уни Саъд ибн Молик иккимиз бўлишиб, кийим қилдик. Бугун эса ҳар биримиз бир ўлканинг ҳокимларимиз. Ўзимизча буюк, Аллоҳ наздида эса кичик бўлиб қолишдан Аллоҳ таолонинг паноҳ беришини тилайман”. (Утба ибн Фазвон)

\* \* \*

Кунлардан бир куни Салмон Форсий уйларига яқин дўстларидан Абу Зарр Ғифорий келдилар. Дастурхон устига бир кўза сув ва бир неча бўлак қотган нон қўйилди. Нонни сувга ботириб еяётган меҳмон “нон жуда мазали экан-у аммо тузи бир оз камроқ туюлди”, дедилар. Шунда Салмон Форсий меҳмондан узр сўраб, кўзани олдилар-да, бозорга йўналдилар. Бозор яқин бўлгани сабабли, кўзани тузга алмаштириб, тезда уйларига қайтдилар. Энди сувга бўктирилган нонга туз сепиб едилар. Шунда меҳмон: “Аллоҳга шукр, бизни шунчалар қаноатли қилиб яратибди”, дедилар. Бу шукронани эшитиб, мезбон қўшимча қилдилар:

– Тўғри, Аллоҳга шукр қиламиз, лекин қаноатимиз янада кўпроқ бўлганида кўзани тузга алишмаган бўлардик.



\* \* \*

“Неъмат берилганда ҳам, ундан маҳрум бўлганда ҳам бир хил бўла олган ҳолдагина банда ризо мақомига етишиши мумкин”.  
(Робиъа Адавиййа)

\* \* \*

“Зухд – қаноат, тақводорлик – ҳаромдан сақланиш, ибодат – роҳат, тавозуънинг меваси – муҳаббат”. (Фузайл ибн Йёз)

\* \* \*

“Сабр қилган одам тилагига етади, сабр билан турган киши оққуш тутати”. (Юсуф Хос Ҳожиб)

\* \* \*

“Бало фақат гуноҳ ва куфрдан келади. Мусибатлар асл бало эмас, уларнинг ичида сен билмайдиган яхшиликлар бордир”.

\* \* \*

“Қаноатли бўлиш фазилатига келсак, Аллоҳнинг Расули (с.а.в.)нинг айтишларича, мўминнинг олижаноблиги кўнгили тўқлигида ва Аллоҳдан бошқа ҳеч кимсанинг миннатига қолмаслигидадир Қаноатли бўлишда хурлик ва ўз-ўзига беклик бор. Шунинг учун ҳам эл оғзида бундай гаплар юради: “Кимнинг миннатини кўтармасанг, унга тенг бўлурсан. Истаган кишингга муҳтож бўлсанг, унинг асиридирсан. Хоҳлаган одамнингга эҳсон этсанг, унинг амири бўлурсан. Кифоят миқдор жиҳатдан оз ўлчов, лекин у сени йўлдан оздирувчи кўп нарсдан яхшироқдир”. Баъзилар бундай дейишган: “Қаноатдан кўра фазилатли бойликни, тамадан кўра ёмонроқ хорликни кўрмадик”. Қаноат менга олижаноблик либоси бўлиб кўринади. Қаноатдан ҳам азизроқ бойлик борми? Қаноатни ўзингизга темир бошли мол қилиб олинг. Кейин эса тақвони сармоя қилинг. Шунда икки тарафдан даромад орттирган бўласиз: биринчиси, Аллоҳдан бошқа кимсанинг миннати бўйнингизда бўлмайди. Иккинчиси, бир онлик сабр туфайли жаннатларда неъматланасиз. Нафсингизни кифоя миқдорига кўниктиринг. Акс ҳолда, у ўзига керагидан ортиқроғини истайди. Сиз яшаган ва яшайдиган умрингиз давомида фақатгина ўзингизга тегишли замон ичра яшасиз”.

(Абу Ҳомид Фаззолий)

\* \* \*

“Ҳилм (мулойимлик) меваси – юксаклик, қаноат меваси – роҳат, тавозуънинг меваси – муҳаббат”. (Ҳожа Аҳрор Валий)

\* \* \*

“Аллоҳ учун бир соат сабр қилсангиз, Унинг лутф ва марҳаматларига йиллар мобайнида гувоҳ бўласиз”.

(Абдулқодир Жийлоний)

\* \* \*

“Бир неча одамдан бир неча нарса сўрасам, бир хил жавоб беришди: табиблардан энг шифобахш дорини сўрадим, “очлик ва кам ейиш”, дейишди, ҳақимлардан ҳикмат ўрганишга ёрдам берувчи нарса ҳақида сўрасам, “очлик ва кам ейиш”, дейишди, олимлардан хотирани кучайтирадиган нарса ҳақида сўрасам ҳам, “очлик ва кам ейиш”, деб жавоб қилишди”.

(Муҳаммад Яминий)

\* \* \*

### **Ҳикоят:**

Букрот ҳақим илми ҳикматда равнақ топгач, узлатни ихтиёр этдилар. Бир куни подшоҳ хасталаниб, ул зотни ҳузурига чақиртирди. Букрот ҳақим подшоҳнинг даъватини қабул қилмадилар. Шунда ул зотнинг ҳузурига вазирнинг ўзи келди. Қарасаки, Букрот ҳақимнинг емишлари турли гиёҳлар экан. Вазир подшоҳнинг амрини айтиб, ялинса ҳам, ҳақим кўнмадилар. Шунда вазир аччиқланиб деди-ки:

– Подшоҳларнинг хизматини қилишни ўрганганингда бунақа гиёҳ еб ўтирмас эдинг.

Бу дашномни эшитган ҳақим кулдилар ва дедилар-ки:

– Агар сен гиёҳ еб яшашга қаноат қилишни ўрганганингда жонингни хатарга қўйиб, подшоҳ хизматини қилмас эдинг.

\* \* \*

“Ўн олти йилдан бери тўйиб овқатланмадим. Зеро, кўп ейиш баданни оғирлаштиради. Қалбни қорайтиради, заковатни кетказди, уйқуни жалб этади ва кишини ибодатга заиф қилади”.

(Имом Шофеий)

\* \* \*

“Бошга мусибат тушганда оҳ-нола қилмаслик керак. Сабр қилиш лозим: шу мусибатдан қутилиш йўлини излаб, бирор чора-тадбир ўйлаб топиш керак”. (“Калила ва Димна”дан)

\* \* \*

“Икки жаҳоннинг шарри (ёмонлиги) мол-дунё кўплигидадир. Хайри (яхшилиги) эса Аллоҳнинг берганига қаноат қилмоқликдадир, бу ўгитни тутгил, нажот топгайсан”.

(Абу Бакр Абу Варроқ Термизий)

\* \* \*

Ҳазрати шайх Сирри Сақатий сабрдан сўзлаётган эдилар. Чаён ул зотнинг бир неча жойларидан чақди. Шайх чаённи ўлдирмадилар. “Нечун ўлдирмадингиз?” деб сўрашди. “Сабрдан сўзлаб турар эканман, Аллоҳдан уялиб, чаённи ўлдирмадим. Нединким, сабрдан гапира туриб, сабр қилмаган бўлардим”, деб жавоб қилдилар.

\* \* \*

“Билингки, банда яхшиларнинг даражасига азиятлар ва машаққатларга сабр қилиш билан эришади”. (Абу Лайс Самарқандий)

\* \* \*

Ҳазрати шайх Шақиқ Балхий Ҳижозга бориб, шайх Иброҳим Адҳамга учрадилар. Дедилар-ки:

– Ё Адҳам ўғли, тирикчилигинг қандай?

Иброҳим ҳазратлари айтдилар:

– Топсам шукур қиламан, топмасам – қаноат.

Шақиқ ҳазратлари дедилар-ки:

– Бизнинг Балх итлари сенинг шу қилганингни қилурлар.

– Сиз нима қилурсиз?

– Топсам – эҳсон қилурман, топмасам – шукр.

Бу жавобдан таъсирланган Иброҳим ҳазратлари ўринларидан туриб, Шақиқ ҳазратларини ўпдилар-да:

– Сиз менинг устозимсиз, дедилар.

(Мазкур воқеа бошқа тарихий манбаъда ўзгачароқ тарзда баён этилади: «Ҳукамолардан Абу Зайд айтадилар: “Балхлик бир йиғит менга: “Ўзларингизнинг зуҳди-тақволарингиз ҳақида гапириб беринг”, деган эди, мен: топсак – еймиз, топмасак – қаноат қиламиз”, дедим. Шунда у деди-ки: “Бизда Балхнинг итлари шундай қилишади. Биз эсак топмасак – қаноат қиламиз, топсак ўзимиздан муҳтожроқларга берамиз”. Бу ҳикматнинг икки манбаъда икки шаклда баён этилишига ажабланмаслик керак. Ровийлар қайси бир босқичда адашган бўлишлари мумкин. Ёки ҳар икки ҳолда ҳам юз берган воқеадир. Бунинг илдизини топишига уриниш ҳам шарт эмас. Чунки муҳими – ҳикматнинг ўзи. Воқеа кимнинг иштирокида бўлгани иккинчи даражали масала. Т. М.)

\* \* \*

Ҳазрати шайх Абу Ҳозими Маданий қассобнинг дўкони ёнидан ўтар эдилар. Қассоб: “Гўшт олинг”, деб таклиф қилди. Ҳазрат “пулим йўқ”, дедилар. Қассоб: “Ҳозир гўштни олиб кетаверинг, пулини кейин берарсиз, сабр қиламан”, деб илтифот этди. Шунда ҳазрат шайх дедилар-ки: “Менинг нафсимга сабр қилмоқлигим сенинг мендан пул кутиб сабр қилмоқлигингдан яхшироқдир”.



\* \* \*

Европанинг машхур файласуфи, узлатга чекиниб, умрини бочкада ўтказган Диогендан бир одамнинг бойми ёки камбағал эканлигини сўрадилар.

– Билмайман, – деб жавоб берди Диоген, – мен фақат унинг пули кўплигини биламан.

– Пули кўп бўлса, демак, бой эканда?

– Кўп пулга эга бўлиш ва бой бўлиш – бир нарса эмас, – деб жавоб берди Диоген. – Борига қаноат қилган одамгина чинакам бойдир. Ўзида бор нарсадан кўпроқ бойлик орттиришга ҳаракат қилган одам, оз бўлса-да, бориға қаноат қилган одамдан камбағалроқдир.

\* \* \*

“Ҳар нарсанинг занги бор. Кўнгил занги кўп ёмондир. Кўп еганга олти бало ёпишади: ўқиган намозининг таъсирини билмайди; хотираси сусаяди; бераҳм бўлади, бинобарин, ўзи тўқ бўлгани сабабли ўзгаларни ҳам тўқ санайди; ибодатларга дангасалик қилади; шахвати устун келади; мусулмонлар масжидга бораётганларида у ҳожатга шошилади”. (Сулаймон Дороний)

\* \* \*

514

“Бир ҳақимдан сўрадиларким: “Ҳар кун не миқдор таом емак керакдир?” Ҳақим деди: “Юз танга оғирича емаклик кифоя қилур”. Яна сўрадиларким: “Бу миқдор емак баданга қувват бера олурми?” Дедиларким: “Бу миқдор таом есанг, сени кўтарур ва мундин зиёда есанг, сен они кўтарурсан”.

Билким, тирик юрмакдурур, луқма емакликдин мурод, Сан жаҳлу ғафлатдин муниг аксига қилдинг эътиқод”.

(Овқат емоқдан мурод – тирик юрмоқдир, сен эса овқат емоқ муродида тирик юрибсан.)

\* \* \*

“Хуросоний икки дарвиш ҳамроҳ бўлуб, саёҳат қилур эрдилар. Бири ожиз (кучсиз) эрди, нединким, икки кечада бир ифтор қилур эрди ва бири қавий (бақувват) эрди. Бир шаҳарда жосуслик тухматига гирифтор бўлдилар. Икковин бир уйға солиб, эшикни маҳкам этиб, лой билан сувадилар. Икки ҳафтадин сўнгра аларнинг бегуноҳ эркони маълум бўлди. Эшикни очиб кўрдиларким, ул бири қавий эрди, ўлубдур ва ул бириким ожиз эрди, саломат ўлтурубдурур. Они кўруб ҳамма таажжуб қилдилар. Агар муниг акси воқеъ бўлса таажжуб бўлур эрди, нединким, ул бири кўб таомсизликка тоқат қила олмади, ўлди ва бу бири таомни озига одат этмиш эрди, ло-

жарам сабр қилиб, халокат офатидин эмин бўлди. Андоғким, дебдурлар.

Қитъа:

Кишига кам емак бўлса табиат,  
Қотиғлиғ келса бўлғай анга осон.  
Ва гар ул кўб ебон танпарвар ўлса,  
Туза олмой қотиғлиғга берур жон”.

\* \* \*

“Бир сойил Ҳалаб базозлари сафиға келуб, айтур эрдиким:  
“Эй давлатлиғ бойлар, агар сизларда инсоф ва бизларда қаноат  
бўлса эрди, савол расми жаҳондин кўтарилур эрди.

Эй қаноат, тавонгар (*бадавлат*) айла мани,  
Ки сенингдек азизи неъмат йўқ”.

\* \* \*

“Хукамонинг бири ўз ўғлиға кўп емақдин наҳй этиб, де-  
диким: “Кўб емак одамни ранжур қилур”. Ўғли деди: “Эй ота,  
одамни очлик ўлдурур, эшитмадингмуки, зарифлар дебдурлар:  
“Очлик ранжин чеккондин, тўқлик билан ўлган яхшидур”. Отаси  
деди: “Ўлчоқ билан егилким, “калу вашрабу ва ло тусрифу”. (*енг  
ва ичинг, исроф этманг*) дебдурлар”. Маснавий:

Ема кўб, ўйлаким бўғзингга етгай,  
Егил оз, ўйлаким жон роҳат этгай.  
Қоринни ул сифат тўйдурма ҳар тун,  
Ки келтургай мусибат топмоғон кун”.

\* \* \*

“Соҳиби диллардан бири бир қувватли ва зўр азмой кишини  
кўрдиким, ниҳоятсиз ғазабнок бўлиб, бир катта тош олиб биродарини урмоққа қасд қилди. Ул азиз сўради: “не сабабдин бул одам ғазабдадир?” Жавоб бердиларким: “Фалон киши бир сўз айтиб унга дашном бериб эди, шул сўзи ёқмади”.

Соҳиби дил деди-ки:

– Ажаб ҳолдирки, бу одам оғир тошни кўтармакка қувват топибди, бир сўзни кўтармакка эса тоқати йўқми экан?”.

\* \* \*

“Энг кўрқинчли пайтларда ҳам асло умидингни узма, ёдда тутки, бу илмларнинг энг тотлисидир”

\* \* \*

“...Сабр – аччиқ, аммо фойда берувчи; у – қаттиқ, аммо зиён захматни даф этувчи. Қайси бахтсиз сабр этагини тутган бўл-

са, у охири муродига етади; қайси бир гирифтор кўнгил сабр тугунини бўшатмаган бўлса, унинг бахт тугуни очилади. Сабр – шодликлар калитидир, бандларни ечувчидир. Сабр – ўртоқдир, суҳбати зериктирарли, аммо, мақсадга олиб борувчи; сабр – улфатдир, узоқни кўзлаган, аммо, охирда истакка етказувчи. Сабр – уловдир, секин юрадиган, аммо манзилга элтувчидир. Сабр – туядир, оғир қадам, лекин бекатга олиб борувчидир. Сабр – на-сихатгўй, ачитиб гапирадиган, киши табиати ундан озор чекади, лекин амал қилган охирда муродига етади. Сабр – табиб, бадхўр дори, бемор ундан азоб тортади, аммо сўнггида соғликка эришади.

Ишққа мубтало бўлган ошиқлар бу сўзни эшитганда чўчийдилар ва лекин сабр натижасида ёр васлига етишадилар. Ҳажр азобини тортаётган кишилар сабр сўзини эслашдан жирканадилар, лекин охирда сабр туфайли дийдор кўришадилар. Сабрнинг умидкорлик қафасида жон булбулига на хомушлик фойда берар, на куй ва на нола; сабр мажлисида руҳ тўтисига на сукут наф еткурар, на фарёд ва на фиғон.

Сабр саҳросида роҳат қилиш изтироб чекиш билан баравар; сабр даштида дам олиш – югуриш билан баравар. Сабр бор ерда, айрилиқ ўтида куйганларга ўлишдан ғам йўқ; иштиёқ эгаларига ҳажр ўтида куйишдан алам йўқ.

Сабр – ҳажр шомидек қоронғи ва узун, аммо унинг охири висол тонги; сабр – ҳаж йўлидек қийин ва йироқ, аммо ниҳояти – иқбол каъбаси.

Балога гирифтор бўлиб, нобуд бўлиш хавфи остида қолган одамнинг ҳаёти сабр туфайли озод; ҳар бир ноумид шахснинг тушкун руҳи сабр туфайли тетик, обод...

Ҳикоят:

Нақл қилишларича, бир бечора-нотавоннинг кўнглига бир гулюзнинг ишқи тушди. У тухмат туфайли зиндонга гирифтор бўлди. Тухматни бўйнига қўйиш учун унга берилмаган азоб қолмади, аммо у маҳфий сирини тилига олмади. Оқибат – бир куни миршаблар боришиб, уни зиндондан тортиб чиқардилар ва бош-оёғидан тортиб, бир қучоқ ёғочни унинг баданига уриб, ушатдилар. Калтак зарбидан унинг бутун вужуди жароҳат бўлди; ҳамма аъзосининг териси шилинди. Унинг аъзойи бадани шундай дабдала қилинган эди-ки, оққан қон у майдонни лолазор қилди. Шунда ҳам, у бечора мутлақо дам урмади ва иқроп сўзини тилига келтирмади. Ниҳоят, золимлар уни азоблашдан чарчадилар ва ўртадан судраб чиқариб, ноиложликлари туфайли қўйиб юбордиларким, инсофан тўғри иш қилдилар.



Азоб берувчилар йироқлашишгач, жафокаш одам оғзидан майдаланган танга парчаларини чиқарди. Тўпланган одамлар бу ҳол сабабини сўрадилар

Жавобидан маълум бўлди-ки, золимлар калтаклаётган пайтида севгилиси келган ва бир бурчакда унинг аянчли ҳолига боқиб турган экан. Унга жабр-зулм қилинаётганида, тангани оғзига солиб, ҳар зарбда икки тиши орасига олиб, қаттиқ тишлар ва тишининг зарби билан у пулни майда-майда қилиб уштар экан. Ошиқ ўз маъшуқаси қаршисида сабр-чидам кўрсатиб, унинг кузатиб турганини сезар экан.

Бу манзарани ўз кўзлари билан кўрган маъшуқаси меҳршафқат билан қошига келиб, юмшоқ сўзлар билан яраларига малҳам кўйди ва ширин тил билан мажруҳ танига жон бағишлади. Бу ошиқ йигит тасаввур қилиб бўлмас давлатга муяссар бўлди ва хаёл қилиб етмас саодатга эришди. Бу бахт – барча қийинчиликларни сабр-чидам билан енгиш намунасидир. Бунга азоб-уқубатга бардош кўрсатиш орқали эришилади.

Кимки, бир шиддат аро сабру таҳаммул айлади,

Бахт анинг нишини нўшу хорини гул айлади”.

(Кимки бирор қийинчиликда сабру чидам кўрсатса, бахт унинг захарини асалга, тиканини эса нафис гулга айлантиради.)

\* \* \*

517

“Қаноат – эҳтиёжсизлик негизидир, иззат ва шараф тантанасидир. Қаноатли камбағал – давлатманддир, унинг шоҳу гадога иши тушмайди:

Хорлиғлар боши тамаъ билгил,

Доимо “азза ман қанаъ” билгил”.

(Хорликларнинг бошланиши тамадан эканини фаҳм этгин ва хамиша “қаноатли киши азиздир”, деб билгил.)

\* \* \*

“Қаноат – бир чашмадирки, олган билан унинг суви қуримайди; у бир хазинадирки, ундаги бойлик сочилган билан камаймайди. У бир экинзорки, уруғи иззат ва шавкат ҳосилини беради; у бир дарахтдирки, унда қарам бўлмаслик ва ҳурмат меваси бордир.

Қаноат – киши кўнглига равшанлик етказди; кўз ундан ёруғлик касб этади. Қаноатли дарвешнинг қаттиқ нони тамагир шоҳнинг ноз-неъмат тўла дастурхонидан яхшироқдир. Қаноатга одатланган фақирнинг ёвғон умочи – олғир бойнинг новвоту ҳолвасидан тотлироқдир.

Шоҳ удирки – олмайди-ю беради, гадо удирки – сочмайди-ю теради. Ҳар ким қаноатга одатланган бўлса, шоҳ-

лик-гадолик ташвишини билмайди. Гарчи тирикчилик уйи доим тор, бу ҳақда қанча муболаға қилсанг, ўрни бор. Қаноат бир кўрғонки, унга кирсанг, нафсининг ғалвасидан қутуласан. Қаноат бир чўққиқи, унга чиқсанг, дўст-душманга мухтожликдан халос бўласан. Қаноат – хокисорлиғдир-ки, натижаси – юксаклик; мухтожлик-ки, фойдаси – эҳтиёжсизлик. Қаноат – экинدير, уруғи – бойлик; дарахтдир, меваси – мухтожсизлик; майдир, аччиқ, лекин нашъаси – шодлантирувчи; йўлдир қаттиқ, лекин борар манзили – севинтирувчидир.

Қаноатда қанча роҳат ва фароҳат бўлса, унинг акси бўлган тамада шунча разиллик ва уқубат бор.

Ҳар кимки, қаноат тарафи нисбати бор,  
Барча эл аро тавозуъу иззати бор.  
Улким, тамаъу ҳирс била улфати бор,  
Яхши-ёмон ичра зиллату накбати бор.

(Ҳар кимнинг қаноатдек улуғ хислати бор экан, барча эл ичида иззату ҳурматдадир. Ҳар кимки тама ва ҳирсга бино қўйса, яхши-ёмон ичра хору наҳс кўринадир.)

\*\*\*

Қаноат маъданиға оч кўзунг оч,  
Тама бўйи кўринмай, бўйидан қоч.

*(Ҳамиша қаноат хазинасига кўз тикиб юргин. Тўқликда ҳам, очликда ҳам қаноатли бўл. Ғафлатда бўлма, кўзинг оч. Таманинг қиёфаси кўринмасдан олдин, унинг исини билгачоқ, ундан қоч.)*

Агар бошида юрса осие санг,  
Ризо жўйанда ҳаргиз бўлмағай танг.

*(Агар сабрлилар бошида тегирмон тоши айланса ҳам, асло сиқилмаслар. Яъни Аллоҳнинг ризолигини устаган кимса бошига катта балолар тушса ҳам парво қилмай, Аллоҳнинг ризолигини устаида қатъий тураверади.)*

Агар ҳар кунда ичса заҳр аёғин,  
Суюкли бандаси четмас қабоғин.

*(Сабр аҳли ҳар кунда заҳар жомидан ичиб турсалар-да, яъни танларига ҳар кун турли-туман заҳматлар етишса ҳам, Аллоҳни севган бу сабрлилар оҳ-воҳ қилиб, қовоқларини солмаслар, фақатгина ризолик талабида бўлурлар.)*

Агар мағзи дилинг айрилса, ё пўст,  
Йиғини йиғ агар чин қулсан, эй дўст.

*(Эй дўстим, агар сен ўша балою қазолардан юрак мойинг ёки теринг ажраб кетса ҳам сабр қил. Йиғлашни қўй. Аллоҳ таолонинг севган бандаси экансан, шундай қил.)*

Сўнар ғам тушса ҳам озода эрга,  
Ўчар, ўт келса хасдан холи эрга.

*(Озода, яъни сабрли киши бошига балою қазо ғами тушса у йўқ бўлади. Бунни хас йўқ ерга тушган ўтнинг сўнишида кўриши мумкин. Хуллас, сабрли киши бошига иш тушса ҳам, чидам ва тўзими билан уни йўқ қилади.)*

Агар дўзах лабинда бўлса пойинг,  
Умид узмаки, ғофирдир Худойинг.

*(Фараз қилки, оёғинг сени дўзах лабига етказди. Шунда ҳам сен Аллоҳнинг раҳматидан умидни узма. Чунки Худойинг гуноҳларни ёрлақазувчидир. Хуллас, гуноҳларинг на қадар кўп ва катта бўлса-да, ҳамиша умидли бўл.)*

Фараз узма умид, э толиби роҳ,

Деди: “ла тақнату мин раҳматиллах”. (Сўфи Оллоёр)

*(Эй Аллоҳ талабида юрган банда, Аллоҳ таолонинг раҳматидан умид узма. Аллоҳ таолонинг бу хусусда ўз сўзи бор: “Эй бандаларим, раҳматимдан умидсиз бўлманглар”.)*

\*\*\*

“Сабр деб бошимизга келган бало ва қазоларга чидамли бўлмакни айтилур. Ҳар бир ишда сабр ва совуққонлик ила ҳаракат қилмак лозимдур. Чунки бошимизга келадурғон бало ва қазо, захмат ва машаққатларнинг барчаси жаноби Ҳақнинг иродаси ила ўлдиғи учун буларга сабрсизлк қилган кишилар ажр ва савобдан қуруқ қолурлар. Сабр инсонлар учун буюк бир фазилатдурки, жаноби ҳақ собирларни суяр. Қуръони карим ичида кўп ерда сабрни, собирларни мадҳ қилмишдур. Шариати исломида жаноби Ҳақ тарафидан келган бало ва қазога сабр қилмоқ фарзи айндур. Инсон ҳар бир ишни сабр ва матонат ила юрутса, мақсудиға тинч ва роҳатда боруб етар. Ҳамиша саодатда яшар.

*Секин борган киши мақсудга етгай,  
Шошуб бесабрлар каж йўлга кетгай.  
Агар сабринг бўлса нафсингга йўлдош,  
Сани тавфиқ раббонига элтгай.*

Нафсини сабр ила ром қилган киши ҳар ишда ошиқмай, оҳиста ҳаракат қилур. Нафсини ҳалокатдан, ғурурдан сақлар. Сабр шундай кучли бир нарсадурки, шаҳватни иффатга, ғазабни шижоатга, шиддатни ҳилмга, катталикини тавозуъга, ёмонликни яхшиликга айландурмакга қуввати етар.



Шул хусусда сўйланмиш бир ҳадиси шарифнинг маъноси: “илм – иймонли кишиларнинг муҳиби, ҳилм – ҳомийси, ақл – далили, яхши амал – сармоёси, мулоҳимат – волиди, афв – аҳавони, сабр ҳоқими – виждонидур”, дейилмуш. Араблар “ас-сабру мифтоҳул фараҳ” – сабр шодлиғнинг калидидур” – деюрлар (“Ассабру мифтоҳул фараж – сабр нажот калитидир” ҳам дейдилар)

*Сабр ила ҳар мушкил иш зойил бўлур,  
Сабр эдан мақсудина нойил бўлур.  
Ҳар кишида бўлмаса сабри жамил,  
Нафс кўйина юруб сойил бўлур.  
Сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво битар,  
Сабрсизлар ўз оёғидан йитар”.*

\*\*\*

“Қаноат деб жаноби Ҳақ тарафидан ихсон бўлган аҳволга етишдугимиз неъмату молга шукр, бошимизга келган факр, мусибат, фалокатларга чидаб, сабр қилмоқни айтилуру. Қаноат ҳасад, тама, ҳирс, хорлик каби иллатларнинг давоси, нафсимизнинг ғиносидур.

Қаноат бир ҳазинадурки, нақдинаси кундан-кун ортар. Бу ҳазинага эга бўлган кишилар умрларини шавқу роҳатда кечирурлар. Бунинг ила баробар қаноатсизликдан пайдо бўладурган ҳасад деган жоннинг энг зўр душманидан қутулурулар. Чин инсонлар кишининг молина, мулкина, саодатина, маишатина ҳасад қилмас, қаноатдан айрилмас, умрини роҳатда ўтқаруру. Инсон ҳар бир ишга кучи етгунча чолишмоқ, жаноби Ҳақ тақдирдаги нарсасидан нимани берса, шунга қаноат қилмоғи лозимдур.

Зероки, инсон ўз маишатини, номусини сақламак учун фидойи жон даражасига боргунча саъй қилмоқға буюрилмишдур, лекин бу саъйнинг машруи ҳар бир ишда қаноатни қўлдан бермасликдур. Оламда қаноат каби дилни поклайдурган нарса йўқдур. Жаноби Ҳақнинг амрига итоат қандай саодат эса, тақдирига қаноат зиёда бахтиёрликдур. Ҳазрат Али афандимиз: “Дунёда саъй-жадал ила маишат ўтқарган қаноат эгаси ҳеч кимга муҳтож бўлмаган зўр бойлар каби роҳатда, саодатда яшар”, – демишлар.

Афлотун ҳақим: “Инсоннинг саодати қаноатини қўлда тутмакда, сарват ва маишат тўғрисида жаноби Ҳақнинг тақдирига рози бўлмакдадур”, демишлар”. (Абдулла Авлоний)

\*\*\*

“Ирода истеъдодга нисбатан кўпроқ ифтихор қилса арзийдиган нарсадир ва шундай бўлиши керак. Агар истеъдод – табиий

мойилликларнинг ўсиб-улғайиши бўлса, қатъий ирода эса, бу – ирода итоат эттириб, бостириб турадиган инстинктлар, ҳаваслар устидан, у енгиб ўтадиган тўсиқ ва ғовлар устидан, у қаҳрамонона баргараф қиладиган ҳар қандай қийинчиликлар устидан ҳар бир дақиқада қўлга киритиладиган ғалабадир.

\* \* \*

“Кучли ҳаётий изтироблар майда ваҳималардан қутқаради”.

(О. Бальзак)

\* \* \*

“Сабр-тоқат билан биз куч билан эришганимизга қараганда кўпроқ нарсага эришишимиз мумкин”. (Э. Берк)

\* \* \*

“Ақл ирода йўлини ёритади, ирода эса фаолиятни идора қилади”. (Я. Коменский)

\* \* \*

“Жиддий, теран, ҳақиқий ирода энг аввало мақсадга эришишга ишонч тасавури билан уйғунликда ифодаланади”

\* \* \*

“Инсонга ҳаётда энг кўп фойда берадиган нарса – умид”.

(А. Велтман)

\* \* \*

“Ҳаммамиз учун нима муштарак – умид; чунки одамнинг ҳеч нарсаси бўлмаса ҳам умиди бор”. (Фалес)

\* \* \*

“Дадиллик ва ирода кўп ҳолларда заиф ақлга анча кучли ақл устидан ҳам устунлик беради”. (У. Вёрт)

\* \* \*

“Тўғри хулқ билим етишмаслигига қараганда ирода етишмаслигидан кўпроқ азоб чекади”. (Г. Спенсер)

\* \* \*

“Қийинчилик олдида фурсат ётади”. (А. Эйнштейн)

\* \* \*

“Биринчи қоида: майда нарсаларга сиқилманг, иккинчи қоида: барчаси майда нарсалардир”. (М. Мантел)

\* \* \*

“Ҳатто жуда кексайиб қолган одамлар ҳам умид билан яшайдилар ва ўз аҳволларини яхшилаш учун режалар тузадилар”. (Ж. Леонарди)

\* \* \*

“Умид билан истак ўзаро бир-бирини таъқиб қилиб юради, бири совиганда иккинчиси ҳам совийди, бири аланга олган пайтда, униси қайнаб кетади”. (Ф. Петрарка)

\* \* \*

“Умидсизлик ҳақида эмас, умидсизлик ичида қолган инсонларнинг борлиги ҳақида ўйланг”. (Н. Пилэ)

\* \* \*

“Қатъиятлилик ақл жасоратидир; у онгли дадилликни тақозо этади. Қайсарлик эса, аксинча, ўз ихтиёрини йўқотиш деган гап”.

(Ф. Волтер)

\* \* \*

“Тиришқоқлик билан қайсарлик ўртасидаги фарқ шундан иборатки, тиришқоқлик кучли хоҳишга асосланган бўлса, қайсарлик эса, аксинча, ҳеч нимани хоҳламасликдан келиб чиқади”.

\* \* \*

“Енгил эришилган ғалабаларнинг қадри бўлмайди. Зўр кураш натижасида қўлга киритилган ютуқлар билангина фахрланса арзийди”.

(Г. Бичер)

\* \* \*

“Дард, ўкинч, афсус, ноумидлик, булар ўткинчи, қалбда илдиз отмайдиган мусибатлардир; аламли туйғулар остида бахтсизликдан сира қутулмаймиз, дея ўйлашимиз ҳам мутлақо ўткинчи нарсалиги тажрибадан бизга маълум”. (Ж. Ж. Руссо)

\* \* \*

“Иродали киши учун ҳеч қандай қийин иш йўқ”.

(Роттердамлик Эразм)

\* \* \*

“Иродасиз киши ҳар қандай муттаҳам қўлида ўйинчокдир”.

(Н. Круп)

\* \* \*

“Ҳеч нарсани ҳал қилмайдиган ирода ҳақиқий ирода эмас; иродасиз одам ҳеч қачон бир қарорга келолмайди”.

\* \* \*

“Ирода фақат арзимас нарсаларга, фақат қандайдир маъносиз нарсаларга осилиб оладиган бўлса, у қайсарликка айланади.



Қайсарда инсон шахси нафрат туғдиради. Қайсарлик кишининг бошқалар билан муносабатига тўсиқлик қилади”. (Г. Гегел)

\*\*\*

“Хиссиёт ва ақл ирода учун зарур нарсалардир, зеро, мен фақат улар орқали нима хоҳлашим ёки хоҳламаслигим кераклигини, мен нима қилишим ёки қилмаслигим лозимлигини билиб оламан”. (Л. Фейербах)

\*\*\*

“Умид, гарчи алдоқчи бўлса ҳам, ҳар қалай, ҳаётимизни рисоладагидек яқунлашимизга хизмат қилади”.

\*\*\*

“Ўзимизни ўзимизга оқлаб кўрсатиш учун биз кўп ҳолларда ўзимизни мақсадга эришишга кучимиз етмагандай қилиб ишонтирамыз, аслида биз кучсиз эмас, иродасизмиз... Бизда иродага қараганда куч кўп. Биз аксари ҳолларда ўзимизни ўзимизга оқ қилиб кўрсатиш мақсадида кўп нарсаларни ўзимизнинг имкониётларимиздан холи, деб ҳисоблайман”.

\*\*\*

“Қайсарлик ақли қисқалик, нодонлик ва ўзбилармонлик мевасидир... Қайсарлик ақлимизнинг чегаралангани оқибатида юзага келган: биз фикримиз доирасига сиғмайдиган нарсага унча ишонмайроқ қараймиз”. (Ф. Ларошфуко)

\*\*\*

“Қайсарнинг энг яхши эътирозлари йўлда ётган тошлар билан барабар: уларни оёқ билан тепиб юборадилар ва устидан хатлаб ўтиб кетадилар”.

\*\*\*

“Ҳеч нарса ўз-ўзидан, ҳаракат ва иродасиз, қурбонсиз ва меҳнатсиз юзага чиқмайди. Инсоний ирода, биргина қатъий одам иродаси ҳам шу қадар буюкки... Инсон иродаси кўп нарсага қодир, у даҳшатли кучга эга, унинг деярли чегараси йўқ, фақат у соф, ишга фидокорлик билан бериладиган ва ўз ичида уммон қуюнини ҳис этадиган бўлса бас”. (А. Герцен)

\*\*\*

“Фақат ҳалол ва беғараз фаолиятдагина инсоний фазилатлар учун шарт-шароит жамланган, фақат ирода кучидагина танлаган соҳамиздаги муваффақиятларимизга шарт-шароит мавжуд”.

(В. Белинский)

\* \* \*

“Шундай одамлар борки, улар умидсизланган ёки асабийлашган ҳолда, ўз аҳволларидан завқланадилар, ҳатто фахрланадилар. Бу сени пастга олиб кетаётган от жиловини қўйиб юбориб, яна уни қамчилашинг билан барабардир”. (Л. Толстой)

\* \* \*

“Қатъият ақл ва ирода иттифоқи асосидаги кучдир. Қайсарлик кучга ўхшаб кўринса-да, асли, ожизликдир; ожизлик ирода ва ақл иттифоқидаги мутаносибликнинг йўқлигидан келиб чиқади”. (В. Жуковский)

\* \* \*

“Ўзингга, ўз кучингга ишонч ҳосил қила боришинг керак, бундай ишончга эса тўсиқларни енгиб ўтиш, иродани тарбиялаш, уни “машқ қилдириш” туфайли эришилади. Ўзингдаги ва ўзингдан ташқаридаги иллатларни енгишга ўрганишинг зарур. Ўз устингдан қозонган кичик бир ғалабанг ҳам кучингга куч қўшади... Ўз баданини машқ қилдириш орқали одам чидамли, эпчил бўлиб боради, шу сингари ўз ақлингни, иродангни ҳам машқ қилдира боришинг керак... Руҳий соғломлик, бардамлик, ақл ва ироданинг ижодий кучига ишонч бизга ҳаммадан кўра зарурроқдир”. (М. Горкий)

\* \* \*

“Ирода киши қиёфаси билан қўшилган ҳолда инсонни амалда тўғри ифодалайди”. (А. Чар)

\* \* \*

“Инсондаги ўзини ҳурмат қилиш, ўзини қарор топтириш учун сарфланган ирода тақдир эзиб ташламаслиги учун қаршилик кўрсатишида унга куч-қувват беради”. (Т. Эрнст)

\* \* \*

“Ирода ишга айланувчи фикрдан бошқа нима ўзи!”.  
(А. Бестужев-Марлинский)

\* \* \*

“Мушакларимиз сингари иродамиз ҳам муттасил кучайиб бораётган фаолиятимиз туфайли мустаҳкамланади; машқ қилдирмасангиз, сиз сўзсиз нимжон мушак ва ожиз иродага эга бўласиз”. (К. Ушинский)

\* \* \*

“Кучли ирода – фақат бирор нарсани хоҳлаб, унга эргашишгина эмас, балки зарур бўлганда нимадандир воз кечишга

ўзини мажбур қила билиш ҳамдир. Ирода – шунчаки истак ва унинг қондирилиши эмас, балки у ҳам истак, ҳам қаноат; ҳам истак, ҳам воз кечишдир... Энг қийин иш ўзингдан талаб қилишдир”. (А. Макаренко)

\*\*\*

“Иродасиз кимсалар кўрқоқлардир, модомики кўрқоқ экан – демак, у ожиз”.

\*\*\*

“Иродасини кучайтиришни истаган киши тўсиқларни енгиб ўтишга одатланиши лозим”. (И. Павлов)

\*\*\*

“Бахтли кунларни кутиш баъзан ўша кунларнинг ўзидан анча яхшироқ бўлади”. (К. Паустовский)

\*\*\*

“Ўзингдаги ирода сустигининг энг майда белгилари – инжиқликни, жиззакиликни, серзардаликни, йиғлоқиликни, ғайритабий манманликни бартараф қил. Ана шу уруғлардан худбинлик униб чиқади”.

\*\*\*

“Ўзингни ўзингга бўйсундиришни, ўз устингдан ҳокимлик қилишни болалик чоғингдан ўрган. Сенга ёқмайдиган, аммо бажарилиши зарур бўлган ишларни қилишга ўзингни мажбурла. Ўз-ўзини мажбурлаш ироданинг бош манбаидир”.

(В. Сухомлинский)

\*\*\*

### **Дониш аҳли бисотдан:**

“Ҳаёти давомида кишининг боши устидан қуёш чарақлаб туриши баробаринда турли ҳил ташвиш булутлари ҳам сузиб ўтади. Кенглик – танглик ҳам, тўқлик – очлик ҳам, ғалаба – мағлубият ҳам, шодлик – мусибат ҳам. Умри фақат шодлигу ғалаба билан ўтган кимсани тарих билмайди. Одам боласидан машаққат ва мусибат пайтида сабр қилиши, умидсизланмаслиги, ҳақ устида сабот билан туриши талаб этилади.

Дунё ғами келиб-кетувчи меҳмондир. Абадий қолади, деб ранжимаслик керак. Тонгни кутадиган одам сабр қилиши шарт. Тун қиёматга қадар давом этмайди. Неъматга сабр билан эришилади, шошқалоқ ва бесабр неъматдан маҳрум қолади. Неъ-



матни кўриш билан шокир, мусибатга дуч келганда эса собир бўлиш иймон жумласига киради”.

\* \* \*

“Қаноат” эса еб-ичмак ва кийинмакнинг борига рози бўлиб, имкон ва зарурат даражасидан ортиғини талаб қилмасликдир. Шу боис донолар қаноатни қушлардан ўрганишни тавсия қилдилар. Қуш эртанги озукаси бўлмаса ҳам масъуд-бахтиёр учаверади. Одамнинг эса омбори донга тўла бўлса-да, кейинги йил гамида, ташвишида паришондир”.

\* \* \*

### **Масал:**

Бир қаноатсиз сайёд (*овчи*) тулкини кўриб қолди-ю унинг юнгига ҳаваси келди. Жониворни тутиб, терисини шилиб, қиммат баҳога сотишни орзу қилди ва унинг инини излаб топди. Инга яқин ерда чуқур қазиб, устини ҳашак билан беркитиб, тепасига бир бўлак гўшт ҳам ташлаб қўйди. Тулки инидан чиқиб гўштни кўрди. Чоҳга яқинлашди-ю аммо гўштга чанг солишга шошилмади.

– Бу гўшт димоғимни хушбўй қилса ҳам, лекин ундан бало иси келиб турибди. Донишмандлар хавф-хатарли ишни қилмайдилар, оқиллар фитнага сабаб бўладиган ишга киришмайдилар. Бу ҳашак устига бекорга гўшт қўйилмагандир, ҳар ҳолда шу гўшрдан умид узганим афзал.

Тулки шу қарорга келиб, чоҳни четлаб ўтиб кетди.

Шамол гўшт исини шу атрофда юрган оч йўлбарс димоғига етказди. Йўлбарс гўштни тездагина, адашмай топди, ўйлаб ҳам ўтирмай ҳашак устига оёқ қўйди-ю чоҳга қулади. Сайёд шовқинни эшитиб “чоҳга тулки тушди”, деган гумон билан югуриб келди-ю пастга қарашга ҳам қаноат қилмай ўзини чуқурга ташлади.

**Қиссадан ҳисса:** Ким қайси фазилати туфайли омон қолди-ю ким қайси иллоти туфайли ҳалок бўлди?

\* \* \*

“Асалари нилуфар гулининг рангини кўриб, дархол унга кўнади. Ширасини сўриб, ҳидидан завқлана бошлайди. Бу ишга шунчалик берилиб кетади-ки, учиб кетиши лозимлигини ҳам унутиб қўяди. Бу орада нилуфар аста-секин япроқларини юмади ва асалари улар ичида қолиб, ҳалок бўлади. Ўз қисматига рози бўлмай, ортикча нарсалар талаб қилувчи қаноатсиз одам, гўзал чаманларда ранг-баранг чечакларнинг хушбўй хидига ва яшил япроқли дарахтларнинг меваларига қаноат қилмай, филнинг қулоғига кирган ва қулоқ супрасининг бир ҳаракати билан ҳалок бўлган пашшага ўхшайди”

## ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН:

- \* Қирқига чидаган, қирқ бирига ҳам чидар.
- \* Бир очликнинг бир тўқлиги бор.
- \* Тоқатлига тоғлар эгар бошини,  
Тоқатсизнинг итлар еяр бошини.
- \* Тоқат қилсанг – тоғ эгилар, сабр қилсанг – боғ эгилар.
- \* Сабр таги – сари олтин, сабр билан чиқар отинг.
- \* Сабр – аччиқ, меваси ширин.
- \* Сабр билан меҳнат қилган бой бўлар.
- \* Сабр – ютуқ калити.
- \* Сабр таги Раҳмон, шошган иши – шайтон.
- \* Сабр тоғни йиқитар.
- \* Сабр – шодлик калити.
- \* Сабр этган етар муродга, бесабр қолар уятга.
- \* Сабр қилган мой ошар, олқиш олган – кўп яшар.
- \* Сабр қилсанг туянинг юкини бўта кўтарар.
- \* Сабрли бўлсанг ўзарсан, сабрсиз бўлсанг тўзарсан.
- \* Сабрли кишининг иши соз.
- \* Сабрли минг яшар, сабрсиз оз яшар.
- \* Сабрли чидар, сабрсиз – ёнар.
- \* Сабрли қул муродига етар.
- \* Сабрлининг бошига олма битар, сабрсизнинг бошига – гавго.
- \* Сабрсиз балиқ соғасидан илинар.
- \* Савлатлидан саботли зўр.
- \* Салобатли бўлма, саботли бўл.
- \* Совун кирни очар, сабрсиз – сирни.
- \* Соқов сўзининг сўнгини кут.
- \* Озига шукр қилсанг кўпи келур.
- \* Оғир тошни сув элтмас.
- \* Сабр-тоқат дононинг деворидир.
- \* Томчи тошни тешар.
- \* Сабр билан зафар эгизак эрур,  
Сабр билан изма-из зафар ҳам келур.
- \* Сабр – умр хазинаси.
- \* Азоб кўрмай, роҳат йўқ.
- \* Азобга бардош керак, ҳамиша йўлдош керак.
- \* Арғумоқ бирда ёлли, бирда ёлсиз,  
Эр йигит бирда молли, бирда молсиз.
- \* Арғумоқда ёл йўқ деб, йўлга ташлаб кетманглар,

Эр йигитда мол йўқ деб, ёвга ташлаб кетманглар.

- \* Асл бойлик – қаноат.
- \* Аччиқ ютиш – тоғ ютиш.
- \* Бардошлига ёғлик ош, сабрсизга ош ҳам тош.
- \* Барча юкни кўтарган туя чўмични ҳам кўтарар.
- \* Бесабрнинг нафси шошар, тусагани кузда пишар.
- \* Бир аччиқиниш бир чучути бор.
- \* Бир бўлган икки бўлмай қолмас,  
Икки бўлган уч бўлмай қолмас,  
Уч бўлган доим бўлмай қолмас.
- \* Бир ёмон куннинг бир яхши куни бор.
- \* Бир қошиқ ошим – ғалвасиз бошим.
- \* Бола шошар – тут вақтида пишар.
- \* Болта бўлсанг – ур, кунда бўлсанг – чида.
- \* Бориға рози бўл, йўғига – сабр қил.
- \* Бугунги жаҳлни эртага қўй.
- \* Гул тикансиз бўлмас, сафо – жафосиз.
- \* Гулчи бир гулни ўстиргунча, юз тикан захрини тортади.
- \* Жабрга сабр йўқ.
- \* Жаҳл душмани – сабр.
- \* Замонанинг зиндони ҳам, хандони ҳам бор.
- \* Индамасанг, уйдаи балодан қутуласан.
- \* Камоли иймон – сабр.
- \* Кутганга кун узоқ.
- \* Одоб билан бахт топилар, сабр билан – тахт.
- \* Очиққан ўлмас, ошиққан ўлар.
- \* Сувсаган ўлмас, ҳовлиққан ўлар.
- \* Сўраган адашмас, ўйловчи шошмас.
- \* Тез сўзлаган тез пушаймон бўлар.
- \* Ошиқмаган овчи хумо овлар.
- \* Ошиқмаган олисга етар.
- \* Оч бўлсанг ҳам тўқдай бўл, милтиқдан чиққан ўқдай бўл.
- \* Оғир тошни сув элтмас.
- \* Поклик – соғлиқни, ақл сабрни сақлар.
- \* Роҳатини кўрган, азобига ҳам чидайди.
- \* Шошган зулук шоли поясини тишлар.
- \* Шошган ишга шайтон қўшилар.
- \* Шошган келин эрини “ойи” дейди.
- \* Шошган киши ҳам боши билан юрар, ҳам оёғи билан.
- \* Шошган шошилиб йиқилар, чопган этагига ўралиб.
- \* Шошган эр уйига етолмас.
- \* Шошган ўрдак ҳам боши билан шўнғийди, ҳам думи билан.



- \* Шошган қиз эрга ёлчимас.
- \* Шошганда лаббай топилмас.
- \* Шошганнинг иши ўнгмас.
- \* Шошмаган арава қуёнга етар.
- \* Юзга чидаган – мингга ҳам чидайд.
- \* Юк оғирини нор кўтарар, дард оғирини – эр,
- \* Ҳатта кун рўзанинг бир кун хайити бор.
- \* Қаноат қилсанг қорнинг тўяр, беқаноат – отини суяр.
- \* Ҳовлиққанга сичқон ини минг танга.
- \* Умид бўлмаганда эди, юраклар тилинарди. *(Испан мақоли)*
- \* Соғлиғи жойида бўлган одамнинг умиди бор ва умиди бор бўлган ҳамма нарсага эгадир. *(Араб мақоли)*
- \* Юксалиш, ривожланиш ҳеч қачон қўрқишимизга, умидимизни сўндиришга сабаб бўлмаган. *(Турк мақоли)*
- \* Ҳаёт бор жойда умид бордир. *(Румин мақоли)*
- \* Қизиққон одам бир ой сабрли бўлса, юз кунлик пушаймонликдан қутулади.
- \* Кичик муаммолар қаршисида сабрли бўлолмаганлар, катта режаларни амалга ошира олмайдилар. *(Хитой мақоллари)*
- \* Сабрли одам игна билан қудуқ қазийди. *(Италян мақоли)*

## “У ИСРОФ ҚИЛУВЧИЛАРНИ СЕВМАС”

“Улар инфоқ-эхсон қилган вақтларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар, балки эҳсонлари ана ўша хасислик билан исрофнинг ўртасида мўътадил бўлур”.

*(Қуръони Карим маъноларининг таржимаси, Фурқон сурасидан)*

\* \* \*

“Қариндошга ҳаққини бер! Мискинга ва йўл ўғлига ҳам. **Исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйма! Албатта, исрофчилар шайтонларнинг биродарлари бўлганлар.** Шайтон эса, Раббига ўта ношукр бўлгандир”. *(Исро сурасидан)*

### **Тафсир:**

Ислом нуқтаи назарида, исрофгарчилик ноҳақ, ҳаром-ҳариш йўлларга мол-дунё сарфлашдир. Агар инсон бору йўғини ҳақ йўлда сарф қилиб битирса ҳам, исрофга йўл қўйган ҳисобланмайди. Аммо ноҳақ ишга, ҳаром-ҳаришга арзимаган пул сарфласа ҳам, исрофгарчиликка йўл қўйган бўлади.

Исрофчилар неъматнинг қадрига етмайди, унга шукр этмайди. Агар шукр этса, ўшани исроф қилмасди, неъмат берувчи Зотнинг розилиги йўлида сарф этган бўларди. Исрофчилар ношукр бўлганидан ўзларига берилган неъматни ботилга, ноҳаққа, ҳаром-ҳаришга, маъсият ва ёмонликка сарф қилади. Улар бу борада шайтонга биродар бўлади. Шайтон эса ношукурликда донғи кетгандир. Албатта, шайтонга биродар бўлган исрофчиларнинг бошига ҳам ўз биродарлари шайтони лаъиннинг бошига тушган бало-офатлар тушиши турган гап.

\* \* \*

“Еб-ичинг ва исроф қилманг. Чунки У исроф қилувчиларни севмас”. *(Аъроф сурасидан)*

### **Тафсир:**

Баъзи бузуқ табиатли одамлар яхши таом истеъмол қилмасликни тақводорликнинг чўққиси сифатида кўрсатишга уринадилар. Аллоҳ таоло фақат емиш ғамида, доимо унинг лаззатлисини ахтарувчи қорин бандаси бўлишни қоралаганидек, лазиз таомлардан ўзини тийиб, сифатсизинигина ихтиёр қилишни ҳам қаттиқ қоралайди. Араб муширларида ҳаж мавсумида яхши таомларни емай қўйиш одати бор экан. Ояти карима ўша одатни ҳам танқид қилади.

Еб-ичиши гуноҳ эмас, исроф қилиши гуноҳдир. Имом Бухорий келтирган ривоятда ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу: “Сени икки хислат – фахрланиши ва исрофгарчилик хатога бошламаса, хоҳлаганингни еб, хоҳлаганингни ичавер”, деганлар.

Афсуски, баъзи кишилар еб-ичишининг хилма-хил ва кўп бўлишини ҳаётнинг асосий мезони деб билсалар, бошқа кишилар, хусусан, бизда одамлар озиқ-овқатни исроф қилиши деганда, емай ташлаб юборишини тушунадилар. Бу, аслида, тўғри. Аммо, керагидан ортиқ емоқ ҳам исрофдир. Еб-ичиши керак экан деб, қорин бандаси бўлиши ҳам Исломга, мусулмонга муносиб эмас.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ва имом Термизийлар Миқдом ибн Маъдийкраб ал-Киндий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Одам боласи тўлдирадиган идишларнинг энг ёмони қориндир. Одам боласига қаддини турғизадиган емаклар етади. Агар жуда лозим бўлса, таоми учун учдан бир, шароби учун учдан бир ва ҳавоси учун учдан бир”, деганлар.

Бугунги кунда озиқ-овқатни исроф даражада зиёд истеъмол қилишининг соғлиққа асорати яққол намоён бўлди. Ҳозирги даврнинг кўпгина хасталикларига ушбу исрофгарчилик сабаб бўлмоқда. Бу ҳақиқатни Қуръони Маъжийддан узоқ бўлган ғайридинлар ҳам тушуниб етдилар. Қадимда яҳудийлардан бири хулафодан бирига: “Сизларнинг Қуръонингизнинг ярим оятига бутун тиб илми жойлашган”, деб ушбу ояти каримани ўқиган экан. Минг афсуски, Қуръон аҳлиман, деб юрганлардан аксариятимиз бу ҳақиқатни тушуниб етмаймиз. Ислом ҳар бир соҳада мўътадиллик йўлини тутганидек, озиқ-овқат ва кийим-бош масаласида ҳам мусулмонлардан мўътадил бўлишни талаб қилади.

\* \* \*

“Бахиллик билан қўлингизни бўйнингизга боғлаб ҳам олманг! Исрофгарчилик қилиш билан уни бутунлай ёзиб ҳам юборманг! Акс ҳолда маломат ва ҳасратда қолурсиз”. (Исро сурасидан)

### **Тафсир:**

Оятда бахиллик жуда ҳам ажойиб бир тамсил ила васф қилинмоқда. Қўлини бўйнига боғлаб олган одам ҳеч қачон ҳамёнига қўл сола олмайди ва ундан пул олиб, бировга нафақа бера билмайди. Демак, бахил одам “Кутилмаганда ҳамёнимга қўл солиб, бировга пул бериб юбормай”, деб, қўлини бўйнига боғлаб олган кишига ўхшатишмоқда. “Бутунлай ёзиб юборма”, яъни қўлингизни бир йўла ёзиб, бор-йўғингни бошқаларга бериб тугатиб ҳам қўйма. Ўйламасдан борини беҳуда сарфлаб, сариқ чақасиз қолган одам маломатга учрайди. Уни ҳамма маломат қилади. Нотўғри



ва ноўрин тасарруфни қоралайди. Шунингдек, вақт ўтгандан кейин, унинг ўзи ҳам қилган ишига пушаймон бўлиб, ҳасрат-надомат чекади. Ислонда ҳар бир нарсани меёрида қилиш тавсия этилади. Бир нарсани жуда ошириб ҳам юборилмайди ёки, аксинча, жуда йўқ даражага ҳам тушириб қўйилмайди. Балки, ўртача меъёрда адо этилади.

\* \* \*

“Улар инфоқ қилганларида исроф ҳам ва хасислик ҳам қилмаслар. У иккиси ўртасида мўътадил бўлурлар”. (Фурқон сурасидан)

#### **Тафсир:**

Араб тилида “инфоқ” – “нафақа” иборалари мол-пул сарфлаш маъносини англатади. Бизда бировга садақа қилиш, эҳсон қилиш маъносидан ишлатиш одат тусига кириб қолганлиги оятни нотўғри тушунишга, хайр-эҳсон, садақа қилганда мўътадил бўлиши керак-у, бошқа вақтларда нима қилса, ўзи билади, деган хаёлга олиб келмаслиги лозим.

Мусулмон киши мол-пул сарфлашда доимо мўътадил бўлиши керак. Ҳеч қачон молу-дунёни исроф ҳам қилмаслиги керак ва ҳаддан ташқари хасис бўлиб, зарур жойга ва керакли миқдорда сарфлашдан бош тортмаслиги ҳам керак.

Ислонда шахсий мулкчиликка кенг йўл очиб қўйилган. Шу билан бирга, кишиларга шахсий мулкни ҳавоий нафсига биноан тасарруф қилишга ҳам йўл қўйилмайди. Аввало, бу мулкни гуноҳ ишларга, ҳаром-харошга ишлатиш ман қилинган. Шунингдек, молу мулкни беҳуда сарфлашга “исроф” номини бериб, мусулмонларни исрофдан қайтарилган. Молу мулкни беҳуда, ноўрин сарфлайдиган одамни “сафийҳ” – эси паст, дейилади. Ким сафийҳ бўлса, маҳкаманинг ҳукми ила унинг мол-мулки тўхтатиб қўйилади. Керакли бўлганида, маълум миқдорда берилади, қолгани сақлаб турилади.

Бу билан баробар, ўта хасис одамга қариши чора ҳам кўрилади. Бола-чақасидан, нафақасидагилардан қисиб, уларга ҳақлари даражасида сарф қилмаса, маҳкама ҳақларини олиб беради

(Тафсир муаллифи шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф)

\* \* \*

Шарафли ҳадисларда Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

“Аллоҳ таоло учта ишингизга ғазаб қилади: бўлар-бўлмас гапни нақл қилиб юрмоғингизга; кўп суриштираверишлик ва кўп тиланишликка; молни ноўрин ерларга сарф қилиб зое қилмоғингизга”.

\* \* \*

Набий мухтарам Сабаъ сурасидаги “Айтинг, “албатта, Раб-бим бандаларидан Ўзи хоҳлаганига ризқни кенг қилур ва Ўзи хоҳлаганига ризқни танг қилур. Бирор нарсани эҳсон қилсангизлар, бас, Аллоҳ унинг ўрнини тўлдирур”, калимасини айта туриб “исроф ҳам, танглик ҳам қилмасдан сарфлангиз” деб изоҳ берган эдилар.

\* \* \*

“Икки нарса борки, кўпчилик уларнинг қадрига етмайди: бири – соғлик, иккинчиси – бўш вақт”.

\* \* \*

“Банда қиёмат куни тўрт хислатидан сўралмагунича, бир қадам ҳам олдинга силжий олмайди: бу саволлардан биринчиси – умрини нима билан ўтказгани; иккинчиси – ёшлик даврида нима билан машғул бўлгани; учинчиси – мол-дунёни қай йўсинда (қай касб орқали) топгани ва нималарга сарфлагани; тўртинчиси – ўрганган илмига қандай амал қилгани сўралади”.

\* \* \*

“Агар мўътадиллик не эканини билмоқ истасанг, сақланишинг лозим бўлган хулққа назар сол. Бу хулқ ўзининг зидди бўлмиш бошқа бир хулқдан сенга ёқимли ва енгил бўлса, демак, сен сақланишинг лозим бўлган хулқ билан хулқлангансан. Масалан, мол-дунёни сарфлашдан кўра уларни тўплаш сенга лаззатли ва осон бўлса, демак, сенда бахиллик хулқи кўпроқ. Бас, мол-дунёнинг сарфлашга тириш! Агар мол-дунёни керагича сақлашдан кўра ноўрин сарфлаш сенга лаззатли ва енгил бўлса, демак, сенда исрофгарлик хулқи устун. Бас, молингни қўлда ушлаб туришни ўрган!”

\* \* \*

“Аллоҳ таолодан узоқлаштирувчи, ҳалокатга олиб борувчи бахиллик дардининг давоси молни сарфу инфоқ қилишдир. Лекин баъзида бу сарф исроф даражасига ўтиб кетади. Натижада бахиллик маразидан халос бўламан деб киши исроф дардини орттиради. Мисол учун, тананинг совуб кетиши ҳароратни кўтариш билан муолажа қилинади. Аммо, ҳароратни кўтариш ҳаддан ошса, бу ҳам касаллик. Аслида ҳарорат ва совуқлик ўртасида тенглик бўлиши лозим эди. Шунингдек, исроф ва бахиллик орасида ҳам мўътадилликни сақлаш керак. Токи бизга керак нуқта икки тарафдан бир хил узоқликда жой олсин”. (Абу Хомид Фаззолий)

\* \* \*

“Бир тақводор одамнинг ўғли отасининг фазилатларидан махрум эди. У амакилари қолдирган меросга эга бўлгач, мол-дунё ақлини олди-ю, босар-тусарини билмай қолди. Бу бойликни тежаб сарф қилмай, исрофгарчилик йўлини тутди, унинг қилмаган фисқу-фужури қолмади. Бир дафъа мен унга насихат қилиб айтдим:

– Эй ўғил, кирган бойлик оққан сувдай бўлса, харж тегирмон тоши айланишига ўхшаш бўлади. Даромади кўп бўлган кишигина кўп сарф этиши мумкин. Сен ҳою-ҳавасни қўй, ақл-адаб йўлига кир, молу дунёнг тамом бўлганидан кейин кўп машаққатларга дучор бўласан. Пушаймон фойда қилмайди.

Йигит сўзимга кирмади. Иккинчи марта танбех берганимда ҳам парво қилмай, ўзининг тутган йўлидан қайтмади. Шундан кейин насихат қилишни тарк этдим.

Орадан бир оз вақт ўтгач, унинг тиланчилик қилиб юрганини кўрдим. Шундай ҳолида ярасига туз сепиб, бир нарса дейишни ўзимга эп кўрмадим, ҳолига ачиниб, ўз-ўзимга хитобан дедим:

– Нодон одам ниҳоятда ғурур мастлиги туфайли бир кун муҳтожликка тушиб қолишини ўйламайди. Дарахтлар баҳор фаслида гулларини сочиб юборадилар, кишда хатто барглари ҳам қолмайди...

Бу ҳикматдан оладиган маъномиз шуки, “ёмғир ёғиб турмаса катта дарёлар ҳам қуриб қолар экан, даромадингни совурма. Муҳтожликка тушиб қолишни истамасанг, қўлингдаги мол-давлатингни беҳудага сарф қилма, исрофгарчиликдан сақлан, шундай қилсанг, бошқаларнинг мол-мулкига кўз олайтирмай, роҳатда яшайсан”.

\* \* \*

“Бир парҳезкор кишининг умри охирлаб, ажали яқинлашди. Унинг ёлғиз ўғли ҳали ёш, ҳаёт тажрибалари йўқ эди. У ўлими яқинлашганда ўғлини ҳузурига чақириб васият қилди:

“Аллоҳ таоло менга жон бериб, мол ва неъмат ато қилибди. Мен бу мол ва неъматни ранж ва машаққатлар билан қўлга киритганман. Аммо эндиликда бу моллар осонликча сенинг қўлингга ўтгуси. Лекин сен бунинг қадрига етмасдан, ноаҳиллар билан дўст бўлиб елга совурмаслигинг лозим. Исрофгарчиликдан ўзингни сақлашга ҳаракат қил! Балки мен ўлганимдан кейин сен ноаҳиллар билан дўстлашарсан ва улар сени фасод йўлига бошлаб, барча мол-мулкнингдан жудо бўларсан. Шунини эсингда тутки, мендан сенга қоладиган мол-мулкнинг ҳамма-



сини сотсанг ҳам, аммо уйни сота кўрма! Агар овқатинг тугаб, пулинг охирига етиб тирикчилигинг ўтмай қолса, дўстинг душманга айланади. Мабодо шундай аҳвол содир бўлиб қолса, зинҳор сен ўзингни ёмонотлиқ қилма. Кичик уйнинг шифтига арқон осиб, тагига курси қўйиб қўйганман. Сен ўша уйга кириб, курсига чиқиб, арқонни бўйнингга солгач, курсини тепиб юборишинг лозим. Зотан, душмандан эҳсон сўраб яшамокдан кўра ўлим минг карра афзалроқдир!..”

Ота шу васиятни қилгач, охират сафарига равона бўлди. Отасининг таъзиясини тугатгач, у мол-мулкни сотиб, совура бошлади. Оз муддат ичида барча мол-мулкдан ажралди. Ҳатто энг охирида эски теша-болтагача сотди. Унинг аҳволи шу даражага етдики, бир неча кеча-кундуз давомида ейишга бир нарса тополмай, оч қолди. Ҳеч ким унга бирор нарса бермади. Шундан сўнг отасининг васияти ёдига тушди. Бечора йигит ниҳоят, иложсизлик туфайли ўзига қасд қилмоқчи бўлди.

Отаси васият қилган уйга кириб курси устига чиқди ва ўз бўйнига арқон солиб, ҳаёт билан видолашгач, курсини оёғи остидан туртиб юборди. Гавдасининг оғирлигидан арқон солинган хари синиб кетди ва синган хари орасидан ўн минг динар олтин ерга тушди. Йигит бойликни кўриб, ниҳоятда шод бўлди. Билдики, отаси “ўғлим мендан кейин ранж-алам ва машаққат жомларидан татиб кўриб, энг сўнггида олтинларни топиб олса, унинг қадрига етади ва жойини билиб сарфлайди”, деган мақсадда дор тикиб қўйган экан.

Шундан сўнг йигит икки ракат намоз ўқиб, ғафлат уйқусидан уйғонди ва ҳушёр тортиб, замона билимдони бўлди.

(Муҳаммад Авфий)

*(Бу ривоятдан мақсад шуки, исрофгар киши барча мол-мулки қўлдан кетганидан сўнг ғафлат уйқусидан уйғонади)*

\*\*\*

“Исроф қилиш – сахийлик эмас; ўринсиз совуришни ақли одамлар сахийлик демас. Ҳалол молни куйдирганни – девона дейдилар; ёруғ жойда шам ёққанни ақлдан бегона дейдилар. Мақтаниш учун мол бермоқ – ўзини кўз-кўз қилмоқ ва шундай қилиб ўзини “сahий” демоқ – беҳаёлик билан ном чиқармоқ. Кимки халққа кўрсатиб эҳсон берса, у пасткаш, сахий эмас. Тилагандан сўнг беришлик ҳам саховатдан йироқдир, қисташ натижасида бергандан – бермаган яхшироқдир. Битта кулчани икки бўлиб, ярмини оч одамга берганни – сахий деб, ўзи емай, ҳаммасини муҳтож одамга берганни – ахий дўст деб бил”.

\* \* \*

“Ўт иши – қовурмоқ, ел иши – совурмоқ... Исроф сахо эмас ва итлофни (йўқотиши, барбод қилишни) маъно аҳли сахо демас”.

*Худо молиға қилмоқ исроф не?*

*Жунун аҳлидек мунча итлоф не? (Алишер Навоий)*

*(Яъни, исроф қилиш – сахийлик эмас, ўринсиз совришни ақлли одамлар сахийлик демаслар. Ҳалол молни кўйдирганни девона дерлар. Ёруғ жойда шамъ ёққанни ақлдан бегона дерлар)*

\* \* \*

“Исроф ўринсиз ва заруратсиз ерларга молни сарф этмақдир. Бухл энг зарурий ерлардан ҳам молни қизғанмоқ ва аямоқдур. Саховат эса ҳар иккисининг ўртаси бўлиб, молни зарур ва фойдалиқ ўрунларга сарф қилуб, зарурсиз, фойдасиз ўрунлардан сақламоқдур. Исроф ила бухл дин юзасидан ҳаром ва ақл юзасидан энг ёмон ва мардуд саналған ишлардандур. Саховат эса хуйларнинг энг яхшисидур. Исроф қилғувчини *мусриф* дейилур. Бухл қилғувчини *бахил* ва *хасис* дейилур. Саховат қилғувчини *сахий* ва *жўмард* дейилур. Мусриф киши ҳар қанча давлатлик бўлса ҳам, охир бир кун фақирлик ва хўрлик балосиға йўлиқади. Бухл киши ҳар қанча бой бўлса ҳам, молининг ҳузур-ҳаловати, тириклигининг лаззати ва шавкатидан қуруқ ва маҳрум қолур. Сахий кишининг кундан-кун моли кўпайиб, иззат ва обрўйи ортар. Ўз баробарлари орасида сўзи ўткур ва эътиборлик бўлур”.

\* \* \*

“Бир вақт Андижон шаҳрида қаттиғ зилзила бўлуб, ҳамма иморатлар йиқилди. Кўп кишилар том ва деворларнинг остида қолуб, ҳалок ва мажруҳ бўлдилар. Кўп фақиру бечоралар уйсиз, жойсиз, оч ва яланғоч қолдилар. Буларнинг фойдалариға ҳар тарафдан ионалар йиғилди. Ҳар шаҳардан ул бечораларға ақча, таом ва кийимлар юборилди. Ҳар ерда неча-неча кишилар иона йиғиб юбормоқға мутасадди бўлмиш эдилар. Шул мутасаддиларнинг баъзилари Тошканди иона сўрамоқ учун бир бойнинг уйиға бордилар. Бойни жаҳл ва ғазаблиқ ҳолда кўрдилар. Сўнгра ғазабининг сабабини билдиларки, хизматкори учи ёқилмаған бир гугуртни ерга ташлагани учун ондин койиб турган экан. Мутасаддилар бу ҳолни кўруб, бир-бирлариға боқуб: “Бир гугурт учун мунча ғазабланған, иона сўраб нима қилурмиз?”-дедилар. Лекин яна шунча ерга келиб, ҳеч нарса демасдан кетмоқни муносиб кўрмай, нима учун келганларини бойға билдирдулар. Бой эса тезлик ила ичкари кириб, беш юз сўм ақча чиқаруб, мутасаддиларнинг қўллариға берди. Мутасаддилар ҳайрон бўлишдилар.

Бой жаноблари буларга боқуб деди: “Нимага ҳайрон бўлурсиз? Агарда ман бир гутуртнинг бекор кетмоғига рози бўладурғон даражада мусриф бўлсайдим, ҳозирда бундай хайр ишларга бериладурғон ақчаларни қандай жамъ қилурдим? Сахий бўлурман, деган киши молнинг қадрини билур. Ерига қараб, пулига савдогарлик қилур. Ерига қараб, мингларча сўмнинг юзига боқмас”.

\* \* \*

“Бир бой ўғлини тўй қилмоқчи бўлди. Бир неча ёру дўстларини чақируб, маслаҳат сўради. Дўстлари уч-тўрт кун шаҳар ҳалқиға ош бермоқни, созанда ва ҳофизлар келтуриб, базм ва зиёфат қилмоқни маслаҳат кўрдилар.

Бой эса мол қадрини билгувчи эсли ва инсофли бир зот эди. Шул сабабли аларнинг берган маслаҳатларини ва кўрсатган йўлларини мувофиқ топмади ва аларга боқуб, ушбу сўзларни сўзлади: “Азиз биродарларим, тўй дегани бир саховатдур. Саховат эса фақир, муҳтож, оч ва яланғочларнинг ҳақларидур. Ош берганда шуларга бермоқ лозимдур. Ҳолбуки, орамиздаги урф-одатларга қарағанда, ман ошни сиз ҳурматлиларга ўхшаш, янги тўнли зотларга берсам керак. Агар урфу одатдан чиқиб, фақир ва муҳтожларни чақирсам, эҳтимолки, ҳар ердан ошга чақирилуб ўрғанған баъзи янги тўнлиларимизнинг кўнгиллари қолур. Ва агар фақирларни қўйиб, бойларни чақирсам, ўзимға ва ҳам аларга зиён еткурган бўламан. Чунки ўзумнинг қанча молим ўрунсиз сарф бўлур. Алар эса ошга борурмиз, деб ўз ишларидан қолурлар. Хусусан, муаллим ва мударрисларни чақириб, мактаб ва мадрасалар ишиға қанча шогирдларни мунтазир ва саргардонликларига сабаб бўлмоқни зўр гуноҳ деб ўйлайман, шул сабабли халқға ош бермоқ учун сарф қиладурғон ақчаларимни мактаб ва мадрасаларға, фақир ва муҳтожларға улашуб, ўғлимни суннатға мувофиқ хатна қилдирсам, дейман, шояд сиз ҳурматлилар ҳам мани айбға буюрмай, бу фикримға қўшилиб, ёрдам берсангиз”. *(Мунаввар қори)*

\* \* \*

“Вакиллари исроф касаллигига йўлиққан миллат, шубҳа йўқки, нобуд бўлади. Агар дунё тарихига назар солсангиз, дунёдаги қавмларнинг нобуд бўлиши сабабларидан бири шу исрофгарчиликдир”.

\* \* \*

“Муҳтож бўлмаганга садақа бериш исроф ҳисобланади”.

*(Абдурауф Фитрат)*



“Сафоҳат” деб бузук ва ғайри машруъ ерларга сарфи умру мол қилмакни айтилуру. Сафоҳат энг ёмон хулқлардан саналган бир сифати замимадурки, кишини дучори яъсу надомат этмакдан бошқа, шуҳрат ва эътиборини ер ила яксон қилуру ва ўринсиз ерга сарф қилинган нарсанинг қийматини қайтаруб олмак мумкин ўлмадиғи каби сафоҳат дунёсига исроф қилинган азиз умру ва ҳаётининг-да иодасининг имкони йўқдур. Инсон ҳар ҳолда ўз нафсининг идорасини таъмин қилуб, бахтиёрона бир маишатга қодир бўлса, ҳақиқатан масъудияти инсониясини йўлга солган бўлуру. Сафоҳат ёлғуз бир оиланинг эмас, бутун бир қавмининг мол ва сарватини маҳв этмакка қодирдур. Ҳатто номус ва фазилатига маҳсус бўлган ҳурмат ва риоятини ҳам барбод қилуру. Шунинг учун инсон кўрпасига қараб оёғ узатмаса, даромадига қараб харожат қилмаса, иқтисод йўлини риоят қилмаса, нафсининг ёқасини сафоҳат кўлидан қутқаролмас. Мол ва ҳаёт қадрини билмаган ва кўрнамаклик қилган бўладир. Сафоҳат балосига мубтало бўлган кишиларнинг бошларига шундай бир қора кунлар келадурки, “Оҳ сафоҳат, офатижон, балойи мол экансан”, деб фиғон қилмак фойда бермайдур. Афсуски, манбаи вужудимиз бўлган ёхуд ҳақиқий онамиз бўлган ватанимиз, яъни тупроғимизни озгина баҳога сотуб, пучак пуллар олғанимизга ўхшаш, осори атиқларимизнинг эвазина сохта ашёлара молик ўлдиғимиз каби бисотмизда бор илм ва маърифатимиз, мол ва сарватимизни ҳавойи нафсониятимиз учун “гардкам” уруб, бой беруб, кўзимизга зийнатлик либосга ўралмиш фоҳиша хотун каби жилвагар ўлуб кўринган сафоҳат бозоридан бузук ва фасод ишларни сотуб олурмиз. Ҳосили калом, инсон умриндан бир дақиқасини, молиндан биргина чақасини ўринсиз ва ғайри машруъ ерлардан бирига сарф қилса, бу дунёда хор, охиратда аламлик азобга гирифтор бўлишида шубҳа йўқдур.

*Сафоҳат офатижондир жаҳонда,  
Сафоҳат биздадур ушбу замонда.  
Юқумли бир мараздандур сафоҳат,  
Юқуб ондин туғулуру ҳар фалокат.  
Сафоҳат маҳв эдар умринг, ҳаётинг,  
Умид этма сафоҳатдин нажотинг.  
Сафоҳат айлагай молингни торож,  
Бўлурусан охири номарда муҳтож.  
Берубдур Ҳақ санга жуз ихтиёри,  
Ризо эрмас, бузук корингга бори.*

Азиз умрингни гафлатда кечурма,  
Сафоҳат жомини нафса ичурма.  
Шариат йўлида қил истиқомат,  
Сафоҳат охири ҳасрат, надомат.  
Душун, жони азизинг эҳтиёт эт,  
Мусаффо йўл пайғамбар ортидан кет.  
Сафоҳат, ўйлама, ороми жондур,  
Бутун виждон ила жонга зиёндур.  
Фақирликни пула сотуб олурсан,  
Душунгил, душмана муҳтож қолурсан.  
Сафоҳат душмани номус, шонинг,  
Буюк бир офати руҳи равонинг.  
Қабоҳатдур, сафолатдур, сафоҳат,  
На “Ҳижрон”лиғ, фалокатдур сафоҳат”.

(Абдулла Авлоний)

\* \* \*

“Вақт ҳамма нарсага ўз таъсирини ўтказади; йилларнинг поёнсиз ҳалқаси номни ҳам, қиёфани ҳам, феъл-атворни, ҳатто тақдирни ҳам ўзгартира олади”.

\* \* \*

“Арзимаган ва бефойда нарсаларга керагидан ортиқча вақт сарфлаш доно одам учун ниҳоятда оғирдир ва бу уни мислсиз ташвишга солади”. (Афлотун ҳақим)

\* \* \*

“Ўз истеъдодлари билан донг таратган кишилар вақтларини ўзлари ва авлодларига ҳурмат келтирадиган қилиб сарфлашлари керак. Агар авлодларга ҳеч нарса қолдирмасак, улар биз ҳақимизда нима деб ўйлашлари мумкин”. (Д. Дидро)

\* \* \*

“Вақтини бой бераётганида хуноб бўладиган одам энг доно одамдир”. (Данте)

\* \* \*

“Инсон бошига тушиши мумкин бўлган энг оғир йўқотиш вақтни бой беришдир”. (Теофраст)

\* \* \*

“Айни вақтини билиш, вақтни авайлаш демақдир, вақтида қилинмаган иш эса беҳуда қилинган ишдир”.

\* \* \*

“Вақтни бекорга бой бериш – аслида кўнгилсиз воқеа. Ватан, миллат, халқ учун жон куйдирмайдиган адабиёт ва санъат бундан ҳам баттар ёмонликни бошлаб келади. Бу ёмонлик – зеб-зийнат, дабдаба – у ҳам бекорчиликдан ва шухратпарастликдан келиб чиқади”.

\* \* \*

“Тубан ниятларни олий ниятларга қурбон қилиб борар экансан, маълум вақт учун, йил учун, ой учун, ҳафта учун, кун ва соатлар, лаҳзалар учун, бус-бутун ҳаёт учун мақсадинг бўлсин”.

\* \* \*

“Вақт ором нималигини билмайдиган ниҳоясиз ҳаракатдир – уни бошқача тушуниш мумкин эмас”. (*Л. Толстой*)

\* \* \*

“Ўртамиёна одам вақтни тез ўтказиш пайида бўлади, истейдод эгаси эса ундан фойдаланиб қолишга уринади”.

\* \* \*

“Қарта ўйнаш ақлий инқирознинг яққол нишонасидир. Одамлар фикр алмашишга қурблари етмаса, қарта ташлашади”. (*А. Шопенгауэр*)

\* \* \*

“Ҳеч бир ишни эртага қўйма – вақтнинг қадрига етадиганларнинг устунлиги ҳам, сири ҳам шунда... “Эртага” “бугун”нинг зўр душманидир; “эртага” бизни бор будимиздан айиради, фалолсизликда ушлаб, охир-оқибат нотавон қилади”. (*Э. Лабуле*)

\* \* \*

“Бирор кун ҳам ўз ниятингдан оғишма, вақтни узайтиришнинг воситаси шудир, боз устига, гарчанд ундан фойдаланиш мушкул бўлса ҳам, жуда тўғри восита ҳам шудир”.

\* \* \*

“Ҳар доим “вақтим йўқ” деб нолувчилар аслида ҳеч нарса қилмайдилар”. (*Г. Лихтенберг*)

\* \* \*

“Ўз вақтидан оқилона фойдалана олмайдиган одам ҳаммадан бурун вақт етмаслигидан нолийди: у кунларни кийинишга, овқатланишга, ухлашга, олди-қочди гапларга, нима қилиш керак, деган хаёлларга – ҳеч нима қилмасликка сарфлайди”.



\* \* \*

“Беҳуда ўтказилган вақт хусусида армон қиладиган кишиларга қолган вақтдан оқилона фойдаланиш ҳам муяссар бўлмайди”.  
(Ж. Лабрюйер)

\* \* \*

“Кимки бўш вақтини оқилона ўтказа олса, шахсий маданияти олий даражадаги кишидир”. (Б. Рассел)

\* \* \*

“Вақт ақллироқ, яхшироқ, етукроқ ва мукамалроқ бўлиб етишишимиз учун бизга инъом этилган қимматбаҳо совғадир”.

\* \* \*

“Ҳар бир кунни ўлча, сарфланган ҳар бир дақиқангни ҳисобга ол! Фақат вақт масаласидагина хасислик қилиш мумкин”. (Т. Манн)

\* \* \*

“Ўз вақтининг лоақал бир соатини беҳудага ўтказмоқчи бўлган кишини ҳаётнинг бутун қадр қимматини ҳали тушуниб етиш даражасига бормаган деса бўлади”. (Ч. Дарв)

\* \* \*

“Вақт бизнинг энг арзон ва шу билан бирга энг қимматбаҳо мулкимиздир, чунки вақт туфайли биз ҳамма нарсага эришамиз”. (Я. Райнис)

\* \* \*

“Вақтни оқилона тақсимлаш – ҳар бир ишнинг пойдевори”.  
(Я. Коменский)

\* \* \*

“Ўзинг ва ўзгаларнинг вақтини тежай билмаслик ўтакетган маданиятсизликдир”. (Н. Крупн)

\* \* \*

“Ишонадиган одам учун вақт – ҳамиша лаҳза. У бир неча йил бўладими ёки ўнлаб йилларми – муҳим эмас”. (Кобо Абэ)

\* \* \*

“Ҳаётдаги муҳим ишларга ҳар доим шундай шошилиш керакки, гўё бир дақиқа бой берилса, ҳамма нарса барбод бўладигандай туюлсин”. (В. Белинский)

**Аҳли дониш бисотдан:**

“Мол ақлсизнинг қўлига тушса, уни исроф қилади. На ўзи, на бошқалар фойдаланади”.

\*\*\*

“Вақтнинг исрофи – умрнинг исрофи, демак. Умр беҳуда сарф бўлдим, демак, одам яхши ишларни амалга ошира олмабди. Одамлар учун, жамият учун фойда бермабди. Вақтнинг исрофи – мевасиз дарахт каби умр кечиришдир”.

\*\*\*

“Вақт инсон эга бўлган нарсаларнинг энг нафисидир. Модоники, вақт тез ўтувчи ва ортга қайтмас экан ва уни бирон нима билан алмаштириб бўлмас экан, у инсон эга бўлган нарсаларнинг энг нафиси ва қийматлисидир. Вақтнинг нафислиги ҳар бир амал ва ишлаб чиқариш учун манба, асос бўлишидир. У ҳаётда хоҳ шахс, хоҳ жамият бўлсин, инсон учун асл сармоя ҳисобланади”.

\*\*\*

“Вақт ҳаётдир. Инсон ҳаёти эса унинг туғилган онидан токи вафот онигача яшаб ўтадиган вақтидир”.

542

\*\*\*

“Вақтни кадрлашнинг энг синалган йўли – яхши ишларни бажаришга интилиш ва шошилишдир”.

\*\*\*

“Кимнинг бугуни кечаги каби бўлса, у алдангандир ва кимнинг бугуни кечагисидан ёмон бўлса, у лаънатлангандир”.

\*\*\*

“Баъзан осойишта вақтларда фойдали кўринган сусткашлик синов соатларида ҳалокатли бўлиши ҳам мумкин”.

(А. Ламартин)

\*\*\*

“Сусткашлик осон ишни ҳам мушкуллаштиради, қийин ишни эса чорасиз бир аҳволга олиб келади”. (Ж. Лоример)

\*\*\*

“Молу пулинг кетса кетсин, бироқ, вақтинг зое кетмасин”.

## ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН:

- \* Аёл сўм қилар, эркак – чақа.
- \* Бир бошоқ дон – бир сават нон.
- \* Бирин-бирин минг бўлар, тома-тома кўл бўлар.
- \* Бозори яқин бойимас.
- \* Мозоринг яқин бўлса ҳам, бозоринг яқин бўлмасин.
- \* Бойлик ушоқдан йиғилар.
- \* Бўйдоқнинг бўйинини бит ер, топган-тутганини ит ер.
- \* Дарё-дарё қабул қил, томчи-томчи юбор.
- \* Дон аяган донга етар, нон аяган – нонга.
- \* Донни йиққан донодир.
- \* Ейишинг – кепак, кийишинг – ипак.
- \* Йиғсанг – етасан, совурсанг – кетасан.
- \* Йиғсанг – кўп, совурсанг – оз.
- \* Каллаклаб ёқсанг, қирқ йилга етар, кўпориб ёқсанг – бир йилга.
- \* Кам-кам есанг, доим ерсан, кўп-кўп есанг – нени ерсан?
- \* Озни бежа, кўпни тежа.
- \* Олаверсанг енгил бўлар, солаверсанг – оғир.
- \* Отанг тулки бўлса ҳам, аяб е.
- \* Отни аяган от минар, тўнни аяган тўн кияр.
- \* Оқ танганг ортиқ бўлса, қора кунингга асра.
- \* Пул бўлди – кул бўлди.
- \* Пулни топиш осон, сақлаш қийин.
- \* Пулни топган харжласин.
- \* Пулнинг онаси – тийин.
- \* Санокли мол йўқолмас.
- \* Соғиб ичсанг – минг кунлик, сотиб есанг – бир кунлик.
- \* Тежам еган – дармонда, тежамаган – армонда.
- \* Тежаган терга тушмас.
- \* Тежамаганнинг таги – танг.
- \* Тежоғлик иш – бежоғлик иш.
- \* Тежоғлик рўзғор – бежоғлик қўғирчоқ.
- \* Тийин қадрини билмаган сўм қадрини билмас.
- \* Товуқни есанг – бир ерсан, тухумини есанг – минг ейсан.
- \* Тома-тома кўл бўлар, оқа-оқа сел бўлар.
- \* Тўкилган тупроғи билан тўлмас.
- \* Тўкилгандан томчилаган ёмон.
- \* Тўқликда очликни ўйла, бойиганда – муҳтожликни.
- \* Чумолининг бир йил йиққани – туянинг бир ютгани.



- \* Эр топувчан бўлса, хотин тақувчан бўлар.
- \* Эр қоплар, хотин сақлар.
- \* Яхши ўғил бийлар ота молини, ёмон ўғил сочар ота молини.
- \* Ўтин ёрмаганга ўтин ёқтирма.
- \* Ўтин йиғсанг, пул бўлар, ўтга ёқсанг – кул бўлар.
- \* Ўғил уйлантирганга ўн йил, қиз узатганга қирқ йил ёндашма.
- \* Қиш киярин ёз кийса, ғариб қайдан бойисин?
- \* Қозонга кирган қайтиб қопга кирмас.
- \* Ҳамёнини қадрлаган ҳисобини пухта қилар.
- \* Ҳисобини билган – бир йил етим,  
Ҳисобини билмаган – ўлгунча етим.
- \* Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар.
- \* Вақтинг кетди – нақдинг кетди.
- \* Фурсат – олтин,  
Сен кўкрак кериб олтинингни сочиб борасан.  
Фурсат қувар,  
Унга чап бериб, сўроғидан қочиб борасан.
- \* Чўза берсанг пишиқ ип ҳам узилади,  
Иш вақтида қилинмаса бузилади.
- \* Отнинг кучи узоқ йўлда билинар,  
Одамнинг қалби – узоқ вақт ўтиши билан.
- \* Аввал келган ҳўкиз сувнинг тозасини ичар.
- \* Барвақт қилинган ҳаракат – ҳосилга берар баракат.
- \* Баҳорнинг бир куни йилга татир.
- \* Баҳорнинг бир куни қишни боқар.
- \* Бевақт кичқирган хўрознинг тожидан қон олинар.
- \* Бир кун бурун сочсанг, ҳафта бурун ўрасан.
- \* Бозордан қолган бир кун қолар,  
Экишдан қолган бир йил қолар.
- \* Бугунги ишни эртага қўйма.
- \* Вақиллаган вақтни ўтказар, қўлидан нақдни кетказар.
- \* Вақт ақчадир, ғофил бўлма, қочадир.
- \* Вақт кетди – бахт кетди, тожи сари тахт кетди.
- \* Вақт – омад.
- \* Вақт тоғни емирар, сув тошни кемирар.
- \* Вақт ўтгандан кейин қиличингни харсангга ур.
- \* Вақт – ғанимат, ўтса – надомат.
- \* Вақт – қози.
- \* Вақтдан ютдинг – бахтдан ютдинг.
- \* Вақтинг кетди – бахтинг кетди.
- \* Вақтли ҳаракат – охири баракат.

- \* Дардингнинг вақти ўтса табибдан ўпкалама.
- \* Ёзни қўйиб қиш дема, қишга яраша ишинг бор.
- \* Ёшлигингда одатлансанг – қариганда кўникасан,  
Қариганда одатлансанг – кўниккунча кўмиласан.
- \* Ёқут билан вақт топилмас, вақт билан ёқут топилар.
- \* Инсон умри – дарё суви.
- \* Йўқолган олтин топилар, йўқолган вақт топилмас.
- \* Нонни тандирнинг қизиғида ёп.
- \* Ош кутса ҳам, иш кутмас.
- \* Уч кун барвақт турган бир кун ютар.
- \* Эрта турган иш битирар, кеч турган кўп туртинар.
- \* Эрталабки вақт – нақдгина бахт.
- \* Ўтган вақт йўқолган олтиндан қиммат.
- \* Ўтган умр – отилган ўқ.
- \* Қирқида танбур олган ўлганда чалар.
- \* Ҳар бир ишнинг вақти бор, вақт билганнинг бахти бор.
- \* Ҳар мева ўз вақтида пишар.
- \* Фақат вақтгина киши қалбидаги нарсаларни охиригача очиб ташлайди (*Хитой мақоли*)

## “ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ”

“Мўъминлар ҳеч шак-шубҳасиз, оға-инидирлар. Бас, сиз икки оға-инингизнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар! Аллоҳдан қўрқинглар. Шояд, У зот томонидан бўладиган раҳматга эришсангизлар”.

*(Қуръони Карим маънолари таржимаси, Хужурот сурасидан)*

\*\*\*

“Огоҳ бўлингларким, Аллоҳнинг валийларига хавф йўқдир ва улар хафа ҳам бўлмаслар”. *(Аъроф сурасидан)*

\*\*\*

“Уларга ҳаёти дунёда ҳам, охиратда ҳам хушхабар бор...”  
*(Юнус сурасидан)*

\*\*\*

“Сиз ўзингизни эртаю кеч Парвардигорларининг юзини-розилигини истаб, Унга илтижо қиладиган зотлар билан бирга тутинг! Кўзларингиз ҳаёти дунё зийнатларини кўзлаб, улардан ўтиб (ўзга аҳли дунёларга боқмасин) Ва Биз қалбини Бизни зикр этишдан ғофил қилиб қўйган, ҳавойи нафсига эргашган ва қилар иши исрофгарчилик бўлган кимсаларга итоат этманг”.

*(Қаҳф сураси, 28)*

\*\*\*

### **Ҳадиси қудсийдан:**

“Эй Одам фарзанди! Менга ибодат қилувчиларни дўст тутишинг менинг сенга бўлган муҳаббатимни яқин қилади ва ибодат қилмайдиган кишиларни ёмон кўришинг сени балолардан аритади”.

\*\*\*

“Эй Одам фарзанди! Мен ердаги халқларга (осийликлари учун) азоб юборишни хоҳлайман. Агар (ўша вақтда) Мен учун бир-бирлари билан дўстлашиб, масжидларимни обод қилиб турганларга ва саҳарларда Мендан истиғфор сўраб ўтирганларга назарим тушса, улардан азобимни қайтараман”.

\*\*\*

“Эй Одам фарзанди, сен ихлос ва солиҳ амал билан менга хизмат қил. Зеро, мен яхши амаллар билан хизмат қиладиган кишини дўст тутарман ва унга ҳам солиҳ инсонларни хизматкор қилиб қўяман...”.



\* \* \*

“Эй Одам фарзанди, кимки менинг бирор дўстимга адоват ва душманлик қилса ва унга озор берса, билгилки, ундай банда менга қарши жанг қилишга қасдланганлардан бўлади”.

\* \* \*

“Эй бандам, агар Менга бир қарич яқин келсанг, Мен ҳам сенга бир қулоч яқинлашаман. Агар Менга қараб секин юрсанг, Мен сенга қараб қаттиқроқ югураман”.

\* \* \*

“Эй Одам фарзанди, мен сени дўст тутувчиман. Шундай экан, шул дўстлигим туфайли мени ҳам ўзингга дўст тутгил”.

*(Шарҳ: “Дўст тутгил” – яъни тоат-ибодат қил, дейилмоқчи. Имом Муҳаммад Ғаззолий ҳазратлари ибодатларни икки гуруҳга бўладилар. Биринчиси – биз билган ва бажараётган одатдаги ибодатлар: намоз, рўза, закот, ҳаж... Иккинчиси – одат тарзидаги ибодатлар. Одат тарзидаги ибодатларнинг энг ёқимлиси – дўстлик, биродарлик қилишдир. Одат тарзидаги ибодатларнинг энг ажойиби Аллоҳ учун севмоқ, Аллоҳ учун дўстлик ришталарини боғламоқликдир. Аллоҳ учун зиёрат қилишнинг улуғ савоби бор. Икки киши бир-бирларини Аллоҳ розилиги учун яхши кўрса, шубҳасиз ҳар иккови Аллоҳнинг севгисига мушарраф бўлади. Ислом одамларни бир-биридан йироқлатишга ундамайди, аксинча, дўстликни ҳаётда барқарор қилишга ундайди. Бу йўлда юришни истамаганлар эса Ҳадиси қудсийда таъкид этилганидай Аллоҳга қарши қасдланганлар тоифасидан бўлади ва шунга яраша жазо олади)*

\* \* \*

*Шарафли ҳадисларда Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:*

“Аллоҳ наздида энг яхши дўст деб одамларга доимо хайрли ишларни қилиб юрувчи кишига айтилади”.

\* \* \*

“Бир-бирингиз билан аччиқлашманг. Тескари қараб кетманг. Эй Аллоҳ таолонинг бандалари! Бир-бирларингиз билан ака-ука бўлинглар! Ҳеч бир мусулмон киши ўз биродаридан уч кечадан ортиқ аразлаб юриши жоиз эмасдир”.

\* \* \*

“Ҳеч бир киши ўз биродаридан уч кечадан ортиқ аразлаб юрмоғи ҳалол эмас. Иккаласи тўқнашиб, бири у ёққа, иккинчиси бу ёққа юз ўгириб кетмасин. Уларнинг яхшироғи аввал салом бергандир”.

\* \* \*

“Дўстлик мерос қолдирилади”. *(Яъни ота-она ким билан дўст бўлса, дўстлик алоқаларини сақласа, улар ўтгандан кейин ана шу дўстлик алоқаси фарзандларга мерос бўлиб қолади. Фарзандлар мазкур меросни давом эттиришлари керак бўлади)*

\* \* \*

“Рухлар тартибли кўшин кабидирлар. (Рухлар оламида) бир-бирлари билан танишганлар бу дунёда дўстлашадилар; бир-бирларига бегона бўлганлар эса ўзаро ихтилофга тушадилар”.

\* \* \*

“Ҳеч бир кишининг иккинчи мусулмон биродари билан уч кечадан ортиқ гаплашмай юриши жоиз эмас. Шу иккаласи шундай ҳолатда бўлган даврда Ҳақ йўлдан четлашган бўладилар. Улардан қайси бири аввал яхшилик, меҳр-шафқат қилиш томонига ўтса, гуноҳига каффорот бўлади. Улар шундай гаплашмай юрган ҳолича дунёдан ўтсалар, иккаласи ҳам жаннатга кирмайди. Агар улардан қайси бири салом берса, иккинчиси жавоб қайтармаса *(алик олмаса)*, салом берганига фаришта ва жавоб қайтармаганига эса шайтон жавоб қайтаради”.

*(Абу Харрош Суламийдан ривоят қилинган ҳадисда ким ўз биродари билан бир йилгача аразлашиб юрса, гўё унинг қонини тўккан бўлади)*

\* \* \*

“Икки киши Аллоҳ таоло учун ёки Исломда бўлганлари учун бир-бири билан дўст тутинган бўлса, битталаридан бир гуноҳ ўтиб қолган бўлса, бу нарса дарҳол уларнинг ораларини ажратиб юбормасин”.

*(Яъни, банда хато-камчиликлардан ҳоли бўлмайди. Дўстлари айбдорни дарров кечиришлари лозим. Дўстдан камчилик ўтиши биланоқ ажрашиб кетадиган дўстнинг дўстлиги ҳақиқий эмас)*

\* \* \*

Бир киши бошқа қишлоқда турадиган дўстини зиёрат қилиш учун йўлга чиқди. Аллоҳ таоло унга бир фариштани юборди. Фаришта ундан:

– Йўл бўлсин, қаерга боряпсан? – деб сўради.

– Шу қишлоқда яшайдиган дўстимни кўргани кетяпман, – деб жавоб қилди у.

– Дўстинг сенга бирор яхшилик қилган ёки ундан бирор манфаат кўрган бўлсанг керак-ки, ўшанинг хотираси учун бораётгандирсан? – деб яна сўради фаришта.

– Бизнинг орамизда манфаат йўқ. Мен уни фақат Аллоҳ таоло учун яхши кўраман, шунинг учун ҳам зиёратига кетяпман, – деб жавоб қилди у киши.

Шунда фаришта дедики:

– Мен Аллоҳнинг элчисиман. Аллоҳ таоло мени атай сенга юборди. Сен уни холисаниллоҳ севганинг учун Аллоҳ таоло ҳам сени севади.

\* \* \*

“Маҳшар куни ҳамма маҳшар майдонига йиғилганида барча даҳшатли қўрқув ичида, барча қайноқ тер ичида бўлади. Лекин баъзи инсонлар у кун Арши Аълонинг соясида, кўкда кўрадиган юлдузларимиздек юксакда, нурдан бўлган минбарларда юзларидан нур ёғилиб ўтиришади. Кийимлари нурдан, курсилари нурдан... Лекин улар пайғамбарлар эмас, шаҳидлар эмас”, – дедилар Пайғамбар алайҳиссалом.

“Улар кимлар, ё Расулаллоҳ!” – деб сўрашдилар. Дедиларки:

“Улар бир-бирларини Аллоҳ учун севган кишилардир”.

\* \* \*

“Бир киши дўстини зиёрат қилса, Аллоҳ таоло унга: “Ҳаётинг яхши ўтсин! Яхши иш қилдинг ва жаннатдан ўзинг учун жой ҳозирладинг”, – дейди”.

\* \* \*

“Дўстингни унга малол келадиган даражада эъзоз-икром қилма”.

\* \* \*

“Бир одамни жуда яқин олмагинки, у вақти келиб душман бўлиб қолиши мумкин”.

\* \* \*

“Кимки биродарига, унинг молига ёки обрўсига зулм етказган бўлса, динор ва дирҳам бўлмаган кунда ундан олинмасидан аввал у билан розилашиб олсин. Агар яхши амаллари бўлса, зулмига яраша яхшиликларидан олинади. Яхши амаллари бўлмаса, мазлумнинг гуноҳларидан олинади, унга берилади, кейин у дўзахга ташланади”.

\* \* \*

“Фақат Аллоҳ учун бировни дўст тутиш ва фақат Аллоҳ учун душман тутиш Аллоҳ таоло ҳузурда сеvimли амаллардандир”.

\* \* \*

“Инсон кимни дўст тутса, жаннатда ҳам ўша билан бирга бўлади”.



\* \* \*

“Киши ўз дўстининг дину диёнатига мослашиб кетади. Бинобарин, ким билан дўстлашаётганига қараб иш тутсин”.

\* \* \*

“Икки мусулмон учрашганда қўл бериб кўришиб, Худога ҳамду сано ва истиғфор айтсалар, ҳар иккиларининг ҳам гуноҳлари мағфират қилинур”.

\* \* \*

“Ким кимни дўст тутса, шу севгисини билдириб қўйсин”.

\* \* \*

“Биродаринг билан жанжаллашма ва ҳазил қилишма ҳамда ижро этолмайдиган нарсани унга ваъда қилма”.

\* \* \*

“Мўминлар ўзаро дўстлашишда, раҳму шафқатда ва меҳр-оқибатда гўёки бир тананинг аъзоларидир. Унинг бирор аъзоси оғриса, бошқа аъзолари ҳам бедорлик ва ҳарорат билан алам чекади”.

\* \* \*

550  
Қайси бир киши қишлоқдаги биродарларини кўриш учун йўл олса, Аллоҳ таоло унинг йўлига бир фариштани қойим қилиб қўяди. У йўловчидан: “Қаерга борурсан?”-деб сўрайди. У: “Мана шу қишлоқдаги биродаримни кўргани борурман”, деб жавоб беради. Яна сўрайдики: “Сенга бирор берадиган неъмат борми?” У: “Йўқ, лекин мен уни Аллоҳ йўлида дўст тутаман”, – деб жавоб беради. Шунда фаришта дейди: “Мен сенга Аллоҳ томонидан юборилган элчидирман. Сен биродарингни қанчалик яхши кўрсанг, Аллоҳ ҳам сени шунчалик яхши кўради, деган сўзларни сенга айтгани келдим”. (*“Сунани Термизий”дан*)

\* \* \*

“Яхши ўртоқ мушк-анбар соҳиби, ёмони эса олов пурковчи темирчи босқони кабидир. Мушк-анбар эгаси ё бу хушбўйликдан бир миқдорини сенга ҳадя этади ёки сен ундан харид қиласан ёхуд уни ҳидлаб фойда оласан. Аммо темирчи босқонидан чиқаётган аланга ё сенинг кийимингни ёндиради, ҳеч бўлмаса унинг ёқимсиз хидидан ҳидлашга мажбур бўласан”. (*“Саҳиҳи Бухорий”дан*)

\* \* \*

Довуд алайҳиссалом дедилар: “Сухбатдошингга бир нарса ваъда қилсанг, ўшани амалга ошир. Ваъда қилган нарсангни амалга

оширмасанг, орангизда адоват пайдо бўлади. Эслаган вақтингда сенга ёрдами тегмайдиган ва унутганигда сени эсламайдиган суҳбатдошдан паноҳ беришини Аллоҳ таолодан сўраб юр!”

\* \* \*

“Гуноҳларига пушаймон қиладиганлар билан дўст бўлинг. Зеро уларнинг қалби ҳар нарсадан юпқадир”.

\* \* \*

Ўзингга содиқ дўстлар танла, улар паноҳида яшайсан, чунки улар кенгчиликда зийнат, қийинчиликда қалқондир”.

\* \* \*

“Уч нарса дўстингга бўлган муҳаббатингни унинг юрагига янада яқин қилади: ундан олдин салом беришинг; ўзи яхши кўрган исми ёки лақаби билан чақиришинг; йиғилишларда унга атаб жой олиб қўйишинг”.

\* \* \*

“Ўзингга содиқ дўстни танла, улар паноҳида яшайсан, чунки улар кенгчиликда зийнат, қийинчиликда қалқондирлар”.

\* \* \*

“Дўстингдан эҳтиёт бўл, ишончлиси мустасно. Аллоҳдан кўрққангина ишончли бўлур”.

\* \* \*

“Дўстлар билан кўришиб-гаплашиб туринглар, ғам-қайғудан қутулишларингга восита бўлади”.

\* \* \*

“Биродарингдан сен ўйлагандек фойда келиши учун унинг ишини яхшилаб ўринлатиб қўй” (*Умар ибн Хаттоб*)

\* \* \*

“Ўзингизга душманлик қилганни афв этингиз. Лекин миллатингиз ва динингизга душманлик қилганни кечирмангиз”.

\* \* \*

“Ўзига дўст тополмаган киши одамларнинг энг ожизи саналади. Бундан ҳам ожизроғи эса олдиниغا бирорта дўст топади-ю, кейинчалик уни ҳам йўқотиб қўяди”.

\* \* \*

“Яхши қариндошлик чидамлилиқ билан юзага келади”.

\* \* \*

“Бир неча кимсага дўстлик кўрсатдим, бироқ улардан ҳеч бир дўстлик кўрмадим. Шунда ҳам дўстликдан воз кечмадим”.

\* \* \*

“Диққат қилинг: душманларимиз кичик ва аҳамиятсиз кўриниши мумкин, аммо сиз барибир яқинлашишига фурсат берманг”.

\* \* \*

“Мусулмоннинг мусулмон биродари устида ўттиз ҳақи борки, уларни адо этмай ёки розилик истамай масъулиятдан фориғ бўлмайди. Булар қуйидагилардир:

Янглишса – кечиради; кўз ёшларига раҳм қилади; очилишни истамаган сирини яширади; узрини қабул қилади; ёнида ғийбат қилинса, рад этади; керак бўлганда насихат қилишда давом этади; дўстлигини муҳофаза этади; зиммасидаги вазифаларга риоя қилади; касал бўлганида аҳволидан хабар олади; жанозасига қатнашади; даъватини қабул қилади; совғасини қабул этади; яхшилигига яхшилик билан жавоб қайтаради; яхшиликлар эвазига ташаккур билдиради; ёрдамини чиройли қилади; номусни ҳимоя этади; эҳтиёжини қондиради; орзу-ниязларининг амалга ошишида ёрдам беради; ражосини (илтимосини) қабул қилади; истакларини бекорга чиқармайди; аксирганида “ярхамукаллоҳ”, дейди; йўқотган нарсасини қидиради; саломига алик олади; суҳбатини ёқтиради; яхшилигини кўпайтиради; қасамларини тасдиқлайди; золим бўлса ҳам, мазлум бўлса ҳам ёрдам беради. Золимга ёрдами – уни зулмидан қайтаришдир. Мазлумга эса бировдан унинг ҳаққини олиш билан ёрдам беради; дўст бўлади, душман бўлмайди; уни ҳимоя этади, ёрдамсиз ёлғиз ташлаб қўймайди; ўзига раво кўрган яхшиликни унга ҳам раво кўради, ўзи учун истамаган ёмонликни унга ҳам раво кўрмайди”. (Али ибн Абу Толиб)

\* \* \*

Абу Дардо дедилар: “Бир мусулмон банда ўзи ухлаб ётган вақтида гуноҳи кечирилади”. Буни эшитиб, Умми Дардо сўрадиларким: “Бу қандайин гап-ки, ўзи ухлаб ётса-ю гуноҳи кечирилса?” Жавоб бердиларким: “Бир кишининг дўсти кечаси туриб таҳажжуд намозини ўқиб, Аллоҳ таолодан ўзининг ва дўстининг ҳам гуноҳини кечирмоғини сўради. Шу дуоси тўфайли Аллоҳ таоло ўзининг ҳам, дўстининг ҳам гуноҳларини кечириб юборади”.



\*\*\*

“Кимда саховат бўлмаса, дўсти бўлмайди. Кимнинг дўсти бўлмаса, давлати бўлмайди”. (Луқмони Ҳаким)

\*\*\*

“Душмандан кўра дўстдан эҳтиёт бўлиш лозим. Чунки одамлар орасида фисқу фасод кучайганда душманинг дўстингдан фойдаланади”. (Имоми Аъзам)

\*\*\*

“Ким билан дўст тутинай!?”, деб сўраган кишига Саҳл ибн Абдуллоҳ ат-Тусторий ҳазратлари шундай жавоб беради: “Сўфийлар билан дўст тугинишингни тавсия қиламан. Улардан асло айрилма. Зеро, улар сенга берган ёрдамларини асло миннат қилмайдилар. Камчиликларинг учун сени айбламайдилар. Ҳар бир ҳаракатингни сени маъзур кўриш шаклида кўрадилар”.

\*\*\*

Зуннуни Мисрий: “Ким билан дўст тутинай?” деб сўраган Юсуф ибн Ҳусайнга: “Қалби дунёга оид бир нарсага мойил бўлмаган, сенинг ҳеч бир ҳолингни айбламаган, уларга қарши қанчалиқ турланма, сенга қарши доимо бир хил муносабатда бўладиганлар билан дўст тутиш”, деб жавоб берган ва: “Чунки дўстларга муҳтож бўлган пайтинг, энг кўп турланган пайтингдир”, деган эдилар.

\*\*\*

“Биродарларимиз биз учун аҳли оиламиздан ҳам қимматлироқдир. Чунки аҳлимиз бизга нуқул дунёни эслатади, биродарларимиз эса – охиратни!”. (Ҳасан Басрий)

\*\*\*

“Дўст уч хил бўлади: биринчиси овқат кабидир улардан ҳеч ажраб бўлмайди. Иккинчиси дорига ўхшайди ва уларга гоҳ-гоҳ ишинг тушади. Учинчиси дардга ўхшайди ва улардан ҳеч қандай яхшилик келмайди”. (Муиниддин Жувайний)

\*\*\*

“Шу замонда инсонларнинг биродарлиги ошпазнинг шўрвасига ўхшайди. Ҳиди – ажойиб, аммо мазаси йўқ”. (Молик ибн Динор)

\*\*\*

“Ўз нафсини ўйлаб қилинган дўстликка жуда тез соя тушади. Дўстни фойда-зарар ичида синаш керак. Сен дўст учун оёқ кўйсанг, ўзингни маҳкам тут. Дўстнинг ҳақиқий дилини билмоқчи

бўлсанг, синаш учун унга тилингда ғазаб қилиб ёки юзингни ту-  
ғиб (*яъни қовоғингни солиб*) кўр. Дўстнинг сенга қанчалик муҳаб-  
бати борлигини билмоқчи бўлсанг, унинг энг яхши кўрган нарса-  
сини сўра. Шу иккаласидан сўнг ҳам у қовоғини солмаса, бундай  
дўстни бошга кўтариш, ширин жон билан баробар тутиш керак”.  
(*“Қутадғу билиг”дан*)

\* \* \*

“Душман сўзи билан дўст паймонин синдурдинг. Кўргилким,  
кимдин жудо бўлуб, ўзунгни кимга еткурдинг?”

\* \* \*

“Ҳар биродарким, ўз ишининг бандидадур, биродар эмастур”.  
(*“Гулистон”дан*)

\* \* \*

“Бир кишини зиёрат қилиб кирдим. У зот кичик бўйра устида  
ўтирар эдилар. Сурилиб, ёнларидан жой кўрсатдилар. Мен бу илти-  
фот учун раҳмат айтиб дедимки: “Бўйрангиз тор, мен ҳам ўтирсам  
сиз роҳатсизланасиз”. У зот дедиларким: “Бир-бирига гапи тўғри  
келмаган икки кишига бутун жаҳон ҳам танглик қилади. Аммо  
дўстлар учун бир қарич ер ҳам бемалол етади”. (*Асмаий*)

\* \* \*

“Агар сирларингни душман билмаслигини хоҳласанг, уни  
дўстингга айтма”.

\* \* \*

“Агар ҳамма одамнинг ўзингга дўст ва ошно бўлишини иста-  
санг, кўнглингда ҳеч кимга гина-адоват сақламагин”.

(*Жалолиддин Даввоний*)

\* \* \*

“Дўстга ҳам, душманга ҳам яхшилик қилиш яхшидир. Агар  
дўстингга ёмонлик қилсанг, у сенга душман, душманингга яхши-  
лик қилсанг, у сенга дўст бўлади”.

\* \* \*

“Дўстлик нишонаси балолардан, офатлардан, машаққатлар-  
дан хурсанд бўлиш эмасми? Дўст олтин кабидур. Бало эса оловга  
менгзайди. Ҳақиқий олтин олов ичида соф ҳолга келади”.

\* \* \*

“Ҳамма Унга муҳтож, ўзи эса ҳожатдан пок Аллоҳнинг зотига  
қасамки, ёмон илон ёмон ўртоқдан яхшидир. Чунки ёмон илон

инсоннинг фақат жонини олади. Ёмон ўртоқ эса инсонни жаҳаннамга судрайди, у ерни одамга бекат қилади”.

\* \* \*

“Ўзгага қилган мурувватингни айтиб, дўст олдида ҳам, душман ҳузурида ҳам мақтанма”. (Абулқосим Фирдавсий)

\* \* \*

“Ўз биродаринг сўзини сукут сақлаб эшит ва ҳурматини ўрнига қўй, гарчи уни эшитишга рағбат ва майлинг йўқ бўлса ҳам”.  
(Абулқосим Замахшарий)

\* \* \*

“Сўзлаган вақтимда оғзимдан ярамас, бўлмағур сўзлар ҳам беихтиёр чиқиши мумкин. Душман эса оғзимдан чиққан ёмон сўзларнигина териб олади. Чунки душмanning назари ёмондан бўлакка тушмайди”.

\* \* \*

“Ғаним сўзига кириш – хатолик, аммо унга тескари иш тутмоқ учун уни тингламоқ даркор. Бу чинакам ҳақ йўлдир”.

\* \* \*

“Нуқсонингни дўстдан сўраб юрма, у айтмайди. Яхшиси душманларингнинг нима дейишини бил”.

\* \* \*

“Сенга душманлик қила оладиган даражада дўстингга куч берма”.

\* \* \*

“Ҳамроҳини мушкул йўлда ташлаб кетган одам ҳеч ерда ҳаловат топмайди” (Саъдий Шерозий)

\* \* \*

“Дўстлар ва хайрихоҳлик қилувчилар ёмонни яхши қилиб кўрсатишга, ҳалал етадиган йўлни тўсишга, гўзалликни изҳор этишга ва яхшиликларга нисбат беришга тиришадилар”.

(Абу Райҳон Беруний)

\* \* \*

“Кўлга киритиш ҳар доим мен учун кўп нарсани ифодалайди, аммо энг кўп маънони англагани дўст топмоқдир”.

(Убайд Зоконий)



\* \* \*

“Ақлли, одобли, диёнатли одам билан дўст тутиниш керак. Бундай гўзал сифатларга эга одам самимий дўст бўлади. Самимий дўст эса ҳеч вақт сени унутмайди, сендан ёрдамини аямайди, хожатингни адо этади”. (Ибн Саммок)

\* \* \*

“Нафсинг учун ҳеч махлуқ билан хусумат қилмагин”.  
(Абу Али ибн Даҳҳоқ)

\* \* \*

“Кимки биродарликни хорласа, одамгарчилиги кетади, кимки султонни хорласа, дунёсидан бенасиб бўлади. (Суфён ибн Уйайна)

\* \* \*

“Самимий дўсти билан маслаҳатлашиб ишга тутиниш, душман билан муроса қилиш, аччиқ сўзни ютиш ва нафсни тийиш одамни баркамол қилади”. (Али Ризо)

\* \* \*

“Ҳисоб ва сарф муомала учун, узр ҳамда ихлос дўстлик ва муҳаббат учундир”.

\* \* \*

“Ким айбсиз дўст ахтарса – дўсти камаяди. Ким дўстини хатоси учун қийноққа олса – душмани кўпаяди”.

\* \* \*

“Оғир кунларда ёнингда турган одамгина инъомга сазовордир” (Муиниддин Жувайний)

\* \* \*

“Тўрт нарса борки, ози ҳам кўп: олов, душманлик, фақирлик ва хасталик”. (Жаъфари Содик)

\* \* \*

“Парвардигор бизга насиба қилиб яратган неъматлар ва рўёлар (бойликлар) ичида доим қадр-қиммат қилишимиз лозим бўлган, эъозлашимиз шарт бўлган олий фазилат – дўстлик ва меҳр-оқибатдир”. (Абу Лайс Самарқандий)

\* \* \*

“Уруш – ботирни, жаҳл – донони, йўқчилик – дўстни синайди”. (Ал-Хоризий)

\* \* \*

“Хайвонларнинг табиатида кушандаларидан нафратланиш, душмандан ўзини кўриқлаш бор”. (Абу Райҳон Беруний)

\* \* \*

“Агар дўстлик савдо-сотиққа ўхшаб, эҳтиёжга қараб ахтарилса, зарурат туғилмаган чоғда дўстни назарга илмай, ташлаб кетилса, бу қандай дўстлик бўлди энди?!”

\* \* \*

“Дўстимки, душманимга дўстлик қиларкан, уни мен дўст ҳисобламайман. Заҳарга қўшилган шакардан эҳтиёт бўл, ўлакса илон устига қўнган пашшадан ўзингни торт”.

\* \* \*

“Шодлик ва қайғули пайтларида дилини кудуратдан тозалаб, соф дўстликни сақлаб қолган киши чин дўст ҳисобланади”.

(Абу Али ибн Сино)

\* \* \*

“Тубан одам билан дўст туғиниб, ҳамсуҳбат бўлма, чунки унинг зарардан бошқа нафи тегмайди”.

\* \* \*

“Ясовулдан дўст танлама, чунки у ҳақиқатни тан олмайди. Сен унга минг марталаб нону сув тутқазсанг-да, ундан бир марта ҳам иссиқ (овқат) сўраб ололмайсан”. (Мажидиддин Хавофий)

\* \* \*

“Дўстлар дилини ранжитиш душманни муродига етказишдир”. (Ҳусайн Воиз Кошифий)

\* \* \*

“Дунёда энг ёмон иллат дўстларга қилинадиган макр билан хийладир”. (Муҳаммад Жабалрудий)

\* \* \*

“Улфати яхши кишининг ўзи ҳам яхши бўлур, яхши улфатли кишидан кўп яхшилик келур”.

\* \* \*

“Мингта дўстингдан бири чин эмас. Асал қаерда бўлмасин, араси биргадир”.

\* \* \*

“Мингта дўстинг бўлса, кўп кўрма, биргина душманинг бўлса, уни оз дема”.

\* \* \*

“Бу дунёнинг шу кунларида кишилик на қадар азиз, қани, эссиз, у ҳақиқий инсонлик қаерга йўқ бўлиб кетди? Қани аҳдга риоя, қани омонатга вафо, қани яхшилик?! Тўғрилиқ ва адолат келгунча яхшилик кетади”. (*Аҳмад Юғнақий*)

\* \* \*

“Ўзи табиатан дилкаш одам бўлса-да, қизикқон дўстга умид боғлама”. (*Абул Фароҳ*)

\* \* \*

“Дўстлар билан тотув яша, уришиб ундан айрилма. Қўлингдagi товукни чиқариб юбориб, яна бошқатдан қидирма”.

\* \* \*

“Арпасиз от қир ошолмайди, йўлдошсиз ботир жангда енголмайди (*Маҳмуд Кошғарий*)

\* \* \*

“Бу оламда яхшилар ила дўстлашишни ҳамма ҳам хуш кўради. Агар зўр бўлсанг, ёмонларни ҳам дўстга айлантира бил”.

(*Баҳоуддин Нақшбанд*)

558

\* \* \*

“Ҳар қанча яхшилик кўрсатилганда ҳам, душман кўлидан душманликдан бўлак иш келмайди”.

\* \* \*

“Душман лашкари ичида келишмовчилик бор экан, сен ўз шамширингни қинидан суғурмай қўябер”.

\* \* \*

“Оқил кишилар дўст билан душманни, душман билан дўстни алмаштирамайдилар”. (*Абдураззоқ Самарқандий*)

\* \* \*

“Замоннинг эврилишидан, дўстларнинг бевафолигидан қилаётган шикоятнинг гуноҳларингнинг сенга қолдирган меросидир”.

(*Фузайл ибн Йёз*)

\* \* \*

“Кўрдимки, энг ноёб неъмат ростгўйлик ва мардлик, энг оғир бало мунофиқ дўстлар экан”. (*Шайх Нажмиддин Кубро*)

\* \* \*

“Очкўз дўстдан нари юр, чунки унинг дўстлиги самимийлигидан эмас, очкўзлигидан; ҳасадгўй одамлар билан ҳеч қачон



дўстлашма, чунки ҳасадгўйлардан дўст чикмайди... Қадахбоз дўстларингни дўст дема, чунки сенга эмас, қадахингга дўст”.

\* \* \*

“Икки хил одамдан кўрқиш керак: биринчиси – ёвуз душман, иккинчиси эса маккор дўст”.

\* \* \*

“Нодон дўст дўст бўла туриб шундай кунларни бошга соладики, бу юзта доно душманингни ҳам қўлидан келмайди”.

\* \* \*

“Душманларинг билан апоқ-чапоқ бўлган дўстингдан қўлингни ювиб, қўлтигингга ур”.

\* \* \*

“Нафратимизга учраган кимсаларнинг ёрдамига мухтож бўлиш оғир мусибатдир”.

\* \* \*

“Душманинг макр айласа, ундан ҳийла билан қутил, агар темирни тузатмоқчи бўлсанг, темир босқон билан ур”. (*Аҳмад Дониш*)

\* \* \*

“Душман ҳам уч хил бўлади: душман, дўстингнинг душмани, душманингни дўсти”.

\* \* \*

“Айбсиз дўст қидирган киши яккаланиб қолади. Арзимас айб учун хафа бўлаверадиган кишининг дўстлари душманга айланаверади. Дўстининг ўзидан ўзиб кетаётганини кўра олмаган киши ғам остида юраверади”.

\* \* \*

“Киши душманидан қутулмагунича эркин нафас ололмайди”. (*Юсуфий*)

\* \* \*

“Ҳакимларнинг айтишича, синалмаган дўстга ва синалмаган душманга ишонмоқ катта хатодир”. (*Хожа Самандар Термизий*)

\* \* \*

“Азиз ўғлим, ёмонлар билан суҳбатдош, дўст бўлма. Улардан арслондан қочгандек қоч. Ҳаммага раҳм ва шафқат кўзи билан қара, нафсингни тий, ҳавойи ҳавасга берилма. Тамадан узоқлаш, очкўзликдан, бахилликдан, ўринсиз кулгилардан, масхарабо-

\* \* \*

“Бу дунёнинг шу кунларида кишилик на қадар азиз, қани, эссиз, у ҳақиқий инсонлик қаерга йўқ бўлиб кетди? Қани аҳдга риоя, қани омонатга вафо, қани яхшилик?! Тўғрилиқ ва адолат келгунча яхшилик кетади”. (Аҳмад Югнакий)

\* \* \*

“Ўзи табиатан дилкаш одам бўлса-да, қизикқон дўстга умид боғлама”. (Абул Фароҳ)

\* \* \*

“Дўстлар билан тотув яша, уришиб ундан айрилма. Қўлингдagi товукни чиқариб юбориб, яна бошқатдан қидирма”.

\* \* \*

“Арпасиз от қир ошолмайди, йўлдошсиз ботир жангда енголмайди (Маҳмуд Кошғарий)

\* \* \*

“Бу оламда яхшилар ила дўстлашишни ҳамма ҳам хуш кўради. Агар зўр бўлсанг, ёмонларни ҳам дўстга айлантира бил”.  
(Баҳоуддин Нақшбанд)

\* \* \*

“Ҳар қанча яхшилик кўрсатилганда ҳам, душман кўлидан душманликдан бўлак иш келмайди”.

\* \* \*

“Душман лашкари ичида келишмовчилик бор экан, сен ўз шамширингни қинидан суғурмай кўябер”.

\* \* \*

“Оқил кишилар дўст билан душманни, душман билан дўстни алмаштирмайдилар”. (Абдураззоқ Самарқандий)

\* \* \*

“Замоннинг эврилишидан, дўстларнинг бевафолигидан қилаётган шикоятнинг гуноҳларингнинг сенга қолдирган меросидир”.  
(Фузайл ибн Иёз)

\* \* \*

“Кўрдимки, энг ноёб неъмат ростгўйлик ва мардлик, энг оғир бало мунофиқ дўстлар экан”. (Шайх Нажмиддин Кубро)

\* \* \*

“Очкўз дўстдан нари юр, чунки унинг дўстлиги самимийлигидан эмас, очкўзлигидан; ҳасадгўй одамлар билан ҳеч қачон

дўстлашма, чунки ҳасадгўйлардан дўст чиқмайди... Қадахбоз дўстларингни дўст дема, чунки сенга эмас, қадахингга дўст”.

\* \* \*

“Икки хил одамдан кўрқиш керак: биринчиси – ёвуз душман, иккинчиси эса маккор дўст”.

\* \* \*

“Нодон дўст дўст бўла туриб шундай кунларни бошга соладики, бу юзта доно душманингни ҳам қўлидан келмайди”.

\* \* \*

“Душманларинг билан апоқ-чапоқ бўлган дўстингдан қўлингни ювиб, қўлтиғингга ур”.

\* \* \*

“Нафратимизга учраган кимсаларнинг ёрдамига муҳтож бўлиш оғир мусибатдир”.

\* \* \*

“Душманинг макр айласа, ундан ҳийла билан қутил, агар темирни тузатмоқчи бўлсанг, темир босқон билан ур”. (*Аҳмад Дониш*)

\* \* \*

“Душман ҳам уч хил бўлади: душман, дўстингнинг душмани, душманингни дўсти”.

\* \* \*

“Айбсиз дўст қидирган киши яккаланиб қолади. Арзимас айб учун хафа бўлаверадиган кишининг дўслари душманга айланаверади. Дўстининг ўзидан ўзиб кетаётганини кўра олмаган киши ғам остида юраверади”.

\* \* \*

“Киши душманидан қутулмагунича эркин нафас ололмайди”. (*Юсуфий*)

\* \* \*

“Ҳакимларнинг айтишича, синалмаган дўстга ва синалмаган душманга ишонмоқ катта хатодир”. (*Ҳожа Самандар Термизий*)

\* \* \*

“Азиз ўғлим, ёмонлар билан суҳбатдош, дўст бўлма. Улардан арслондан қочгандек қоч. Ҳаммага раҳм ва шафқат кўзи билан қара, нафсингни тий, хавойи ҳавасга берилма. Тамадан узоқлаш, очкўзликдан, бахилликдан, ўринсиз кулгилардан, масхарабо-



зликдан хазар қил, очик юзли, ширин сўзли, хушмуомалали бўл. Олим, фозил, одоб, ахлоқ, тарбия эгалари билан суҳбатлаш, уларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўл”. (Абдуҳолиқ Ғиждувоний)

\* \* \*

“Бу оламда яхшилар билан дўстлашишни ҳамма ҳам хуш кўради. Агар зўр бўлсанг, ёмонларни ҳам дўстга айлантира бил”.  
(Баҳоуддин Нақшбанд)

\* \* \*

“Энг вафодор дўстимиз соямиздир; аммо у ҳам йўлдошлик қилмоқ учун қуёшли ҳавони кутади”. (Жаноб Шаҳобиддин)

\* \* \*

“Тўзган пахта бўз бўлмас, қадимий ёв дўст бўлмас”.  
(Кўрқут ота)

\* \* \*

“Ёрга еткур, сабо, ким макр қилмишдир манга,  
Қилди эрса кимга макрин, қайтадир бир кунга анга”.  
(“Темур тузуклари”дан)

\* \* \*

560  
“Ҳар ким биров билан дўст-ёр бўлса, дўст-ёрлик даъвосини қилса, ўзига раво кўрмаганни унга ҳам раво кўрмаслиги керак. Баъзи нарсаларни ўзига раво кўрса ҳамки, ёрига раво кўрмаслиги лозим. Кўп машаққатлардан киши руҳига алам етади. Жисму жони бунга тоқат қилади. Аммо бундай машаққат дўсти бошига тушишини хаёлига ҳам келтира олмайди. Мабодо хаёлига келтиргудек бўлса, даҳшатдан ҳаёти сўнади.

Ёр улдурки, ҳар неким ўзиға  
Истамас, ёриға ҳам истамагай.  
Ўзи истарки, ёр учун ўлгай,  
Ани мундоқ шарик айламагай.  
(Ўзи дўсти-ёри учун ўлмоққа тайёр, аммо бу ишга дўстини шерик қилмайди.)

\* \* \*

“Дўстлар фикридин ва душманлар макридин бепарволиг жоиз эрмас ва бу иш надоматдин ўзга натижа бермас”.

\* \* \*

“Нохуш хабарни чин бўлса ҳам дўстингга етказма. Кўявер, ўша чин хабарни душман етказсин ва сен сабр қил. У айб жоҳросини душман қилсин”.

\* \* \*

“Нодон дўстни дўст сонига киритма; ақл шамини унинг беҳуда афсонаси ели билан ўчирма. Кўпгина гўдаклар яхши кўрганларидан оталарининг соқолларидан тортиб, мўйлабларини юлибдилар ва жойнамози устида адабсизлик қилиб намозига халал берибдилар. Кўпгина маст одамлар улуғ кишиларнинг оёғини ўпмоқ учун эгилибдилар ва беихтиёр қусиб, пок одамларнинг этагини ифлос қилибдилар. Ақлли душмандан фойда имкони бор, лекин, нодон дўстдан зарар имкони кўпроқ. Шунга кўра улар билан борди-келди қилмаслик керак”.

\* \* \*

Тут ул дўстингни сут устинда қаймоқ,  
Азиз жонингча кўргил, балки беҳрок.

*(Сен Аллоҳ таоло учун биров билан дўст тутинсанг, уни сут устидаги қаймоқдек кўргин. Уни азиз жонингча, балки ундан ҳам ортиқроқ кўргин.)*

Худонинг буйруғидан тойса ногоҳ,

Биродарлик ўшалдир қилсанг огоҳ... *(Сўфи Оллоёр)*

*(Аллоҳ таоло учун тутинган дўстинг беҳосдан Аллоҳнинг буюрганидан қайтиб, йўлдан чиқса, уни бу бузук ишдан огоҳлантириб, тўғри йўлга қайтаргин. Ҳақиқий биродарлик ана шундай бўлади.)*

561

\* \* \*

“Дўстлар икки ҳил бўладилар: биринчилари – ўз ихтиёрлари билан самимий дўст бўлганлар. Иккинчилари – мажбурият ва зарурият юзасидан аҳду-паймон боғлаганлар. Буларнинг мақсади фойда кўрмоқ ва зарардан қочмоқдир Лекин самимият ва садоқатга асосланган дўстлик ҳамиша, ҳар ерда ва ҳар шароитда ишончли бўлади. Зарурият ва мажбурият натижасида пайдо бўлган дўстлик эса ундай бўлмайди. У дарё каби гоҳ тошиб, атрофни босади, гоҳ қуриб, суви озайиб қолади. Зарурият юзасидан пайдо бўлган дўстликка ишониниш дуруст эмас. Зарурият ўртадан кўтарилиши замон дўстлик адоватга айланиши эҳтимол” *(“Калила ва Димна”дан)*

\* \* \*

“Икки киши дўст ва йўлдош бўлиб, сафарга чиқдилар. Йўлда бир айиқ чиқиб, буларга югуриб ҳужум қилди. Буларнинг бири ёш ва чаққон эди. Шу сабабли тезлик ила қочуб, бир ерга беркинди. Аммо иккинчиси ўзининг кексалиги ва кучсизлигидан қочолмай қолди. Начора, ўзини бир ерга ташлаб, ўликга ўхшаб қимирламай ётди. Айиқ келуб, буни искаб-искаб, ўлук

гумон қилиб, зарар еткурмай ташлаб кетди. Айиқ кетгандан сўнгра йўлдош беркинган еридан чиқуб келди ва кулиб айтдики: “Эй йўлдош, қулоғингга айиқ нима деб шивирлади?” Йўлдош жавоб берди: “Айиқ қулоғимга, бундай ожизлик вақтида сени ташлаб кетадурғон кишига бундан сўнг асло йўлдош бўлма, деб шивирлади”.

**Ҳисса:** Шундай кишилар ила дўст ва йўлдош бўлмоқ керакки, шодлигингга шод, хафалигингга хафа бўлсун. Ошга ўртоқ, бошга тўмоқ бўлмасун”.

\* \* \*

“Яхши муомалани дўст ва душманга баробар қилмоқ лозимдур. Чунки яхши сўз дўстларнинг дўстликларини орттирур. Душманларингни дўстликка айлантирур”. *(Мунаввар қори)*

\* \* \*

“Миллатимизни заиф аҳволга солган сабаблардан бири атрофимизда юрган дўст суратидаги ҳийлакорларга нисбатан соддалигимиздир. Ҳолбуки, инсон ҳар қандай ваъдага алданавермаслиги, ҳар бир йўл кўрсатувчига ишонавермаслиги лозим”.

*(Хикмат Зиё)*

562

\* \* \*

“Икки инсон орасидаги дўстлик руҳий яқинлик асари бўлса, ҳеч бир тўсиқ уларни ажрата олмайди. Нафсоний орзулардан туғилган дўстлик эса оддий сабаблар билан ҳам ажралиб кетади, руҳийлик ўртадан кўтарилади. Илоҳийлик йўлидан юришнинг ягона қонуни дўстликларнинг руҳий тамойиллар устига қурилишидир. Башарий ҳаётни юксалтириш ёки бўлмаса инқирозга учратиш асосан муҳаббат ва нафратга боғлиқдир”. *(Усмон Нурий)*

\* \* \*

“Бошқаларга яхшилик қилиш учун машғул бўлган киши ўзига ҳам яхшилик қилишни кафолат остига олади”.

\* \* \*

“Фойдали дўст учта ва зарарли дўст ҳам учта. Фойдали дўстлар – ҳаққоний дўст, самимий дўст ва кўп эшитган дўстдир. Зарарли дўстлар – икки юзлама дўст, хушомадгўй дўст ва маҳмадона (лакма) дўст”.

\* \* \*

“Ахлоқ нуқтаи назаридан сенга қараганда паст киши билан дўст тутинма”.



\* \* \*

“Дўстлар билан асабга тегадиган даражада муносабатда бўлсанг, улар сендан узоқлашишади”.

\* \* \*

“Менинг ўтитларим фақат шундай иборатки, соф қалбли бўлинг ва ўз яқинларингизни худди ўзингизни севганингиздай севинг”.

\* \* \*

“Фақат самимийлик бўлганида ҳамма нарсани тушунишга эришиш мумкин, ҳамма нарсани тушунганда эса самимийликка эришиш мумкин”

\* \* \*

“Бировларнинг сизга нисбатан қиладиган ишини хоҳламасангиз, сиз ҳам уларга шу ишни раво кўрманг”. (*Конфуций*)

\* \* \*

“Дўстингга йўлиққан вақтингда кулиб, очиқ юз билан кўриш. Яхши сўз билан унинг кўнглини кўтар. Ўстликнинг бошланиши мадҳ-сано биландир”.

\* \* \*

“Одам дўстлари наздида ўзи қандай баҳога лойиқлигини билса ва улар учун янада қимматлироқ бўлишга интилса, яхши бўлур эди”. (*Сукрот ҳаким*)

\* \* \*

“Дўстлик бебаҳогина эмас, гўзаллик ҳамдир: биз дўстларни ардоқлаган кишини шарафлаймиз, дўстга бой бўлиш аллақандай ажиб нарсадек туюлади, баъзилар эса ҳатто яхши одам билан дўстни мутлақо бир-биридан ажратмайдилар”.

\* \* \*

“Дўстлик – ҳаётдаги энг зарур нарса, чунки умри гарчанд роҳат-фароғатда ўтса ҳам, ҳеч кимса ҳаётини дўстсиз ўтказишни истамайди”.

\* \* \*

“Турмушдаги муносабатларда дўстлар ва таниш-билишлар илтифотини қозонмоқ учун уларнинг бизга қиладиган хизматини ўзлари ўйлагандан кўра юксакроқ баҳолашимиз, аксинча, ўзимиз қиладиган ишларни эса дўстларимиз ва таниш-билишларимиз ўйлагандан кўра камроқ дея ҳисоблашимиз керак”.

\* \* \*

“Дўст ҳам яхши кўринган, ҳам яхши бўлган инсондир”.

(Афлотун ҳаким)

\* \* \*

“Дўстларинг орасидаги баҳсни енгганингдан, душманларинг орасидаги баҳсни енгганинг афзал. Чунки ундан кейин дўстларингдан бири сенга душман, душманингдан бири эса дўст бўлиб қолади”. (Биант)

\* \* \*

“Дўстликни қариндош-уруғчилик алоқалари эмас, балки манфаатларнинг умумийлиги юзага келтиради”. (Қариндошлик муносабатлари эмас, қарашларнинг бирлиги дўстликка олиб келади. Дўстликни яқдиллик туғдиради)

\* \* \*

“Чинакам дўстлари салда безиб кетаверадиган одам – бадфеъл одам”.

\* \* \*

“Дўстга ўхшаб кўринган кўп кишилар аслида дўст эмас ва аксинча, айрим дўстга ўхшаб кўринганмаганлар аслида дўст”.

\* \* \*

“Битта фаросатли одамнинг дўстлиги ҳамма бефаросат одамларнинг дўстлигидан афзалроқдир”.

\* \* \*

“Биз дўстларнинг ёрдамидан кўра, ўша ёрдам бўладими-йўқми, шу ҳақдаги ишончга кўпроқ муҳтожмиз”.

\* \* \*

“Битта ҳам ҳақиқий дўсти бўлмаган одамга яшашнинг хожати йўқ”. (Демокрит)

\* \* \*

“Ҳамма нарсада мен билан келишаверадиган, бошини силкитиб, мен билан имо-ишора қилиб турадиган дўст менга керак эмас”.

\* \* \*

“Менга қараб ўзгариб турувчи ва ҳар бир ишорамни такрорловчи дўст менга керак эмас! Буни, ахир, соям ҳам ундан яхшироқ қилади-ку!” (Плутарх)

\* \* \*

“Дўстлик қанчалар хилма-хил имтиёзларни ўзида жамлаган! Қаёққа қараманг, у сизнинг хизматингизда; у ҳамма жойда мухайё; у ҳеч вақт жонингизга тегмайди, у ҳеч қачон шунчаки бир сабабсиз келмайди, у муваффақиятларга янгича мазмун бахш этади, у кўмаклашганда ҳар қандай омадсизликлар ҳам анча сусаяди”.

\* \* \*

“Дунёда дўстликдан афзалроқ ва ёқимлироқ ҳеч нарса йўқ; умрдан дўстликни ўчириб ташлаш дунёни қуёш нуридан маҳрум этиш билан баравар”.

\* \* \*

“Дўстликдан ҳурматни кўтарган унинг энг нафис безагини олиб ташлаган бўлади”.

\* \* \*

“Ҳақиқий дўст бизнинг иккинчи “мен”имиз бўлмоғи керак; у ҳеч қачон ўз дўстидан маънавий гўзалликдан бўлак нарсани сўрамайди; дўстлик бизга табиат томонидан қусурларимизнинг шериги сифатида эмас, жасоратларимизнинг кўмакчиси сифатида ато этилган”.

\* \* \*

“Чинакам дўстлик очикчасига, мунофиқлик ва хушомадгўйликдан ҳоли бўлмоғи шарт. Ирода, дид ва фикрларнинг тўла уйғунлиги дўстлик заминини ташкил этади”.

\* \* \*

“Маслаҳат бериш ва маслаҳат тинглаш самимий дўстликка хосдир”.

\* \* \*

“Фақат бир ҳолатдагина, қачонки дўстга ҳақиқатни айтиш ва шу билан унга ўз садоқатингни исботлашга тўғри келган вақтдагина уни хафа қилиб қўйишдан мутлақо қўрқмаслик керак”.

\* \* \*

“Дўстлик барча одамларнинг ҳаётига хос нарса, аммо уни сақлаб қолиш учун баъзида хафагарчиликдан ҳам кўз юмишга тўғри келади”.

\* \* \*

“Дўстлик руҳига қарши борувчи талабларни қўймаслик ва қилмаслик дўстликнинг зарур шартидир”.



\* \* \*

“Дўст ҳам яхши кўринган, ҳам яхши бўлган инсондир”.

*(Афлотун ҳаким)*

\* \* \*

“Дўстларинг орасидаги баҳсни енгганингдан, душманларинг орасидаги баҳсни енгганинг афзал. Чунки ундан кейин дўстларингдан бири сенга душман, душманингдан бири эса дўст бўлиб қолади”. *(Биант)*

\* \* \*

“Дўстликни қариндош-уруғчилик алоқалари эмас, балки манфаатларнинг умумийлиги юзага келтиради”. *(Кариндошлик муносабатлари эмас, қарашларнинг бирлиги дўстликка олиб келади. Дўстликни яқдиллик туғдиради)*

\* \* \*

“Чинакам дўстлари салда безиб кетаверадиган одам – бадфеъл одам”.

\* \* \*

“Дўстга ўхшаб кўринган кўп кишилар аслида дўст эмас ва аксинча, айрим дўстга ўхшаб кўринганмаганлар аслида дўст”.

\* \* \*

“Битта фаросатли одамнинг дўстлиги ҳамма бефаросат одамларнинг дўстлигидан афзалроқдир”.

\* \* \*

“Биз дўстларнинг ёрдамидан кўра, ўша ёрдам бўладими-йўқми, шу ҳақдаги ишончга кўпроқ муҳтожмиз”.

\* \* \*

“Битта ҳам ҳақиқий дўсти бўлмаган одамга яшашнинг ҳожати йўқ”. *(Демокрит)*

\* \* \*

“Ҳамма нарсада мен билан келишаверадиган, бошини силкитиб, мен билан имо-ишора қилиб турадиган дўст менга керак эмас”.

\* \* \*

“Менга қараб ўзгариб турувчи ва ҳар бир ишорамни такрорловчи дўст менга керак эмас! Буни, ахир, соям ҳам ундан яхшироқ қилади-ку!” *(Плутарх)*

\* \* \*

“Дўстлик қанчалар хилма-хил имтиёзларни ўзида жамлаган! Қаёққа қараманг, у сизнинг хизматингизда; у ҳамма жойда мухайё; у ҳеч вақт жонингизга тегмайди, у ҳеч қачон шунчаки бир сабабсиз келмайди, у муваффақиятларга янгича мазмун бахш этади, у кўмаклашганда ҳар қандай омадсизликлар ҳам анча сусаяди”.

\* \* \*

“Дунёда дўстликдан афзалроқ ва ёқимлироқ ҳеч нарса йўқ; умрдан дўстликни ўчириб ташлаш дунёни қуёш нуридан маҳрум этиш билан барабар”.

\* \* \*

“Дўстликдан ҳурматни кўтарган унинг энг нафис безагини олиб ташлаган бўлади”.

\* \* \*

“Ҳақиқий дўст бизнинг иккинчи “мен”имиз бўлмоғи керак; у ҳеч қачон ўз дўстидан маънавий гўзалликдан бўлак нарсани сўрамайди; дўстлик бизга табиат томонидан қусурларимизнинг шериги сифатида эмас, жасоратларимизнинг кўмакчиси сифатида ато этилган”.

\* \* \*

“Чинакам дўстлик очиқчасига, мунофиқлик ва хушомадгўйликдан ҳоли бўлмоғи шарт. Ирода, дид ва фикрларнинг тўла уйғунлиги дўстлик заминини ташкил этади”.

\* \* \*

“Маслаҳат бериш ва маслаҳат тинглаш самимий дўстликка хосдир”.

\* \* \*

“Фақат бир ҳолатдагина, қачонки дўстга ҳақиқатни айтиш ва шу билан унга ўз садоқатингни исботлашга тўғри келган вақтдагина уни хафа қилиб қўйишдан мутлақо қўрқмаслик керак”.

\* \* \*

“Дўстлик барча одамларнинг ҳаётига хос нарса, аммо уни сақлаб қолиш учун баъзида хафагарчиликдан ҳам кўз юмишга тўғри келади”.

\* \* \*

“Дўстлик руҳига қарши борувчи талабларни қўймаслик ва қилмаслик дўстликнинг зарур шартидир”.

\* \* \*

“Худди дўстлик сингари давлат ишларида ҳам муғамбирлик ва риёкорликка ўрин бўлмаслиги керак”.

\* \* \*

“Ақл баркамоллашиб, ёш улғайгандаги дўстликкина муштаҳкам бўлади”.

\* \* \*

“Сал эътибор берилса, алдамчи дўстни пайқаб ва билиб олиш мумкин. Бу ҳам покиза, чинакам нарсаларни усти ялтироқлик ва сохтагарчиликдан ажратиш мумкин бўлгандай гап”.

\* \* \*

“Кимки дўстидан ҳақиқатни эшитишни истаса унинг давоси йўқ”.

\* \* \*

“Биз билан биргалашиб ҳеч ким қувонмаса, бахтимиз ҳам нақадар ўз жозибасини йўқотган бўларди! Биз учун биздан ортиқроқ қайғурувчи дўстларимиз бўлмаганда, кулфатларга чидашимиз ҳам қанчалар оғир бўларди!” (Цицерон)

\* \* \*

566 “Янги дўстини эски дўстидан афзал кўрувчи одамга яқинлашиб юрма. Билки: бизга – синашта дўстларигаки хоинлик қилган кимса, бошқаларга ҳам қилади”. (Эзон)

\* \* \*

“Пул эвазига бериладиган, аммо қалбнинг улуғворлиги ва олижаноблик билан эришилмайдиган дўстликни сотиб олиш мумкин, бироқ уни сақлаб қолиш мумкин эмас”.

\* \* \*

“Яхши ишлар билан ҳам худди ёмон ишлар билан каби ўзингга душман орттиришинг мумкин”. (Н.Макиавелли)

\* \* \*

“Дўстлик – яхши об-ҳавода икки кишини, ёмон об-ҳавода бир кишини кўтарадиган қайиқ”. (А. Бирс)

\* \* \*

“Дўстларнинг орасидаги баҳсга ечим топишдан кўра, душманларнинг ўртасидаги низони ҳал қилиш осондир. Чунки дўстларнинг ўртасига тушсанг, бири сенинг душманингга айланади. Душманларнинг баҳсини ҳал қилсанг, улардан бири сенга дўст бўлиб қолади”. (Биант)



\* \* \*

“Олдин бир одамнинг кимлар билан дўстлашганини бил, сўнг у билан дўстлаш”. (*Эпихарм*)

\* \* \*

“Бўйсунадиганларинг билан кўпол муносабатда бўлма, акс ҳолда улар сенда ишлашни хохламай қолишади. Дўстларинг билан одобсиз бўлма, акс ҳолда дўстларинг сифатида нуфузи паст кишиларгина қолишади”. (*Хун Цзичэн*)

\* \* \*

“Дўстингиздан нимани бўлса ҳам сир тутиш ёмон, ҳеч нимани сир тутмаслик эса, ундан ҳам ёмон”.

\* \* \*

“Дунёда дўстдан мўл нарса йўқдир, дўст каби камёб нарса ҳам”. (*Ж. Лафонтен*)

\* \* \*

“Дўстларимиз учун шунча кўп бажарган ишимизни, ҳатто ўзимизга ҳам қилмаймиз”. (*Граф Сёдермере*)

\* \* \*

“Дўст деб ишониб юрган кишингни йўқотишдан оғирроқ ғам йўқ”. (*Р. Стивенсон*)

\* \* \*

“Аллома кишилар ҳам яқин дўстлари билан юзма-юз ўтириб суҳбат қуришганда кўпинча маза-матрасиз фикрларни гапиришлари ҳам мумкин, чунки дўст билан суҳбатлашганда мияга келган фикрни қайтариб ўтирмайсан”.

\* \* \*

“Дабдабасиз, камтарона дўстликнинг оқибати кўпинча фойдали. Шунинг учун ҳам мен доимо ўзини тута биладиган одам билан дўстлашни истардим”. (*Ж. Аддисон*)

\* \* \*

“Дўстлик ҳаётдаги тенгсиз қувончларнинг биридир; дўстликнинг тенгсиз қувончларидан бири эса ишониб сирингни айтишинг мумкин бўлган одамнингнинг борлигидир”. (*А. Мандзони*)

\* \* \*

“Дўстликка садоқат ва уни авайлашнинг энг яхши йўли биз нима иш билан машғуллимизни бир-биримизга айтиб туришимиздир. Одамлар ўз фаолиятлари туфайли бир-бирлари билан янада ахилроқ бўлиб кетадилар”.

\* \* \*

“Чинакам маслакдошлар узоқ вақт аччиқлашиб юролмайдилар; улар ахир бир кун ярашиб оладилар”.

\* \* \*

“Чинакам фаол дўстлик ўзаро бир-бирини синашдир. Дўстим менинг ниятларимни қувватлайди, мен эса уни қувватлайман, шу тарзда гарчанд фикрларимиз турлича бўлса-да, биз биргалашиб олга борамиз”.

\* \* \*

“Ака-укамни Худо яратди, аммо дўстларимни мен танладим”.  
(И. Гёте)

\* \* \*

“Дўст оғзидан чиққан танкидий фикрлар нақадар ширин; уларга ишонасан; улардан хомушланиб қоласан, чунки уларнинг тўғрилигига шубҳа йўқ, лекин улар жонни оғритмайди”.

\* \* \*

“Ўз-ўзига маҳлиёлик (манманлик) – дўстликни қийратувчи заҳар”. (О. Бальзак)

\* \* \*

“Доноликдан сўнг одамларга берилган энг қимматбаҳо тортиқ дўстликдир”.

\* \* \*

“Ўзимиз сақлай олмаган сирни очмасликни бошқалардан қандай талаб қилиш мумкин?”.

\* \* \*

“Хақиқий дўст энг буюк бойлик, айти пайтда у шундай бойликки, уни топиш учун жуда ҳам кам қайғуришади”.

\* \* \*

“Дўстларга ишонмаслик уларга алданиб қолишимиздан кўра уятлироқдир”.

\* \* \*

“Агар сизни дўстларингиз алдаса, уларнинг дўстлигига лоқайд қарасангиз ҳам, лекин бахтсизлигига ҳамдард бўлинг”.

\* \* \*

“Дўстларнинг кўнгли қолаётганини сезмаслик – уларнинг дўстлигини қадрламаслик деган гап”.

\* \* \*

“Дўстликнинг улуғ жасорати дўстга ўз нуқсонларимизни кўрсатишда эмас, балки дўстимизнинг нуқсонларини кўрсатиб, кўзини очишимиздадир”.

\* \* \*

“Биргаликда вақт ўтказишни, ишдаги ўзаро ёрдамни, бири-бирига хизмат кўрсатишни – қисқа қилиб айтганда, шахсиятпарастлик қандайдир манфаат келтиришини кўзлаб қилган муносабатларни одамлар одатда “дўстлик” дея атайдилар”.

\* \* \*

“Ҳақиқий муҳаббат камдан кам учраганидек, ҳақиқий дўстлик эса ундан ҳам кам учрайди”.

\* \* \*

“Дўстларимизнинг бизга зарари тегмайдиган камчиликлари-ни жуда ҳам осон кечирамиз”.

\* \* \*

“Ишинг чатоқми? Лекин у яна ҳам баттар бўлиши мумкин эди. Агар душманинг дўстинг бўлиб қолганида”.

\* \* \*

“Душман билан ярашиш, фақатгина курашишдан чарчагани ва қулайроқ вазиятни эгаллаш истаги борлигини билдиради”.

\* \* \*

“Душманларимизнинг биз тўғримиздаги фикри ўзимизникига қараганда ҳақиқатга яқинроқ бўлади”.

\* \* \*

“Душманларимизнинг бизга қилиши мумкин бўлган энг катта ёмонлиги – қалбимизни нафратга ўргатишдир”. (Ф. Ларошфуко)

\* \* \*

“Агар дўстинг у ёки бу камчилигингни таъна қилса, у ҳали ҳамма гапини сенга айтолмаганлиги ҳақида ўйла доимо”.

\* \* \*

“Инсон дўстсиз бахтли бўлолмас. Бахтсиз бўлишдан олдин дўстингизнинг қадрига етмайсиз”. (Т. Фуллер)

\* \* \*

“Ҳамма севикли бўлишни хоҳлайди, агар кимнидир ёқтирсангиз, буни сир сақламанг”. (М. Кей)



\* \* \*

“Сенга яхшиликни раво кўриб ширин хаёлларингдан уйғо-  
нишга мажбур этган ва ҳатто бундан бундан бир оз қаттиққўл ва  
кўполлик қилган дўстингдан хафа бўлма”. *(В. Скотт)*

\* \* \*

“Чинакам дўстликда саёз одамлар тушунмайдиган жозиба  
яширинган бўлади”.

\* \* \*

“Инсоннинг маънавий бурчи масаласига бир хилда ёндаш-  
ганликлари туфайли ҳам дўстлар ўзаро ҳамкорликдан завқ ола-  
дилар”.

\* \* \*

“Мартабаси улғайганда ҳам сиз билан алоқасини узмаса, унда  
сиз ҳақиқий дўст топгансиз”.

\* \* \*

“Бир-бирларининг майда-чуйда камчиликларини кечира ол-  
ган кишиларгина чинакам дўстлик иплари билан боғлна олади-  
лар... Агар дўстлар бир-бирларининг унча-мунча нуқсонларини  
кечиролмасалар, сирдош бўлиб кетмасликлари керак”.

\* \* \*

“Хаётда ҳақиқий дўстликдан кўра оташин муҳаббат кўпроқ  
учрайди”. *(Ж. Лабрюйер)*

\* \* \*

“Кексаликда дўст кўпаймайди: у пайтдаги айрилик абадий  
айриликдир”.

\* \* \*

“Сизнинг бутун сиру асерингизни билиб олиб, ўзиникини  
айтмайдиган кишидан ҳурмат ва ишонч кутмай кўя қолдинг”.

\* \* \*

“Яхши хислатларимизни қадрлаган ҳолда, камчиликлари-  
мизни ҳам рўйирост айтадиган дўстларимиздан биз у қадар хур-  
санд бўлмаймиз”. *(Л. Вовенарг)*

\* \* \*

“Бир-бирини билиш – бир-бири ҳақида ҳамма нарсани би-  
лиш деган сўз эмас; бу бир-бирига меҳр ва кўнгил бериб қараш,  
бир-бирига ишонишдир. Одам бегона қалбга зўрлик билан кир-  
маслиги керак”. *(А. Швейцер)*

\* \* \*

“Заиф одамга дўст бўлгандан кўра душман афзал”.

(Б. Шоу)

\* \* \*

“Ҳақиқий дўстни гар қўлдан бой берсак, бедаво бир дардга чалингай юрак”. (П. Корнель)

\* \* \*

“Ҳалол кишилар ёшлари бир ерга бориб қолганда бир-бирларининг хатолари, илгариги камчиликларини кечадилар ва уларни бир-бирларидан ётлаштириб келган жиловсиз эхтирослари ўрнини энди ёқимли меҳрибонлик эгаллайди”. (П. Бомарше)

\* \* \*

“Турмушдаги ҳар қандай роҳат-фароғатларимизни ҳам дўстлар билан баҳам кўрмай, ёлғиз ўзимиз фойдалансак, бари бир татимайди”.

\* \* \*

“Ўз дўстларининг заифлигидан кўз юмиш, камчилигини кўрмаслик, нуқсонларидан эса худди яхши нарсани учратгандай севиниш – бундан ҳам ортиқроқ аҳмоқлик борми ўзи?”

\* \* \*

“Дўст дўстнинг кулфатини билиб олиши керак”.

(Роттердамлик Эразм)

\* \* \*

“Хатоларингизни очиб ташлаган душман уларни хаспўшлайдиган дўстдан кўра анча-мунча нафли”. (Леонардо да Винчи)

\* \* \*

“Биз суҳбатлашганда ақл-фаросатни ишга солишга мажбурлайдиган одамларга кўпроқ яқинлашишга уринишимиз керак”. (Э. Фейхтерслебен)

\* \* \*

“Дўстлик – бу муқаддас сўз, илоҳий бир туйғудирки, у фақат хокисор одамлар ўртасидагина қарор топади ва ўзаро иззат-хурмат туфайли кучайиб боради”. (Э. Бозси)

\* \* \*

“Дўстларни фақат уларнинг юз-кўзи олдидагина эмас, бошқа пайтларда ҳам эслаб туриш керак”. (Фалес)

\* \* \*

“Сенга яхшилиқни раво кўриб ширин хаселларингдан уйғонишга мажбур этган ва ҳатто бундан бундан бир оз қаттиқкўл ва кўполлик қилган дўстингдан хафа бўлма”. *(В. Скотт)*

\* \* \*

“Чинакам дўстликда саёз одамлар тушунмайдиган жозиба яширинган бўлади”.

\* \* \*

“Инсоннинг маънавий бурчи масаласига бир хилда ёндашганликлари туфайли ҳам дўстлар ўзаро ҳамкорликдан завқ оладилар”.

\* \* \*

“Мартабаси улғайганда ҳам сиз билан алоқасини узмаса, унда сиз ҳақиқий дўст топгансиз”.

\* \* \*

“Бир-бирларининг майда-чуйда камчиликларини кечира олган кишиларгина чинакам дўстлик иплари билан боғлна оладилар... Агар дўстлар бир-бирларининг унча-мунча нуқсонларини кечиролмасалар, сирдош бўлиб кетмасликлари керак”.

570

\* \* \*

“Хаётда ҳақиқий дўстликдан кўра оташин мухаббат кўпроқ учрайди”. *(Ж. Лабрюйер)*

\* \* \*

“Кексаликда дўст кўпаймайди: у пайтдаги айрилиқ абадий айрилиқдир”.

\* \* \*

“Сизнинг бутун сиру асрорингизни билиб олиб, ўзиникини айтмайдиган кишидан ҳурмат ва ишонч кутмай қўя қолинг”.

\* \* \*

“Яхши хислатларимизни қадрлаган ҳолда, камчиликларимизни ҳам рўйирост айтадиган дўстларимиздан биз у қадар хурсанд бўлмаймиз”. *(Л. Вовенарг)*

\* \* \*

“Бир-бирини билиш – бир-бири ҳақида ҳамма нарсани билиш деган сўз эмас; бу бир-бирига меҳр ва кўнгил бериб қараш, бир-бирига ишонишдир. Одам бегона қалбга зўрлик билан кирмаслиги керак”. *(А. Швейцер)*



\* \* \*

“Заиф одамга дўст бўлгандан кўра душман афзал”.

(Б. Шоу)

\* \* \*

“Ҳақиқий дўстни гар қўлдан бой берсак, бедаво бир дардга чалингай юрак”. (П. Корнель)

\* \* \*

“Халол кишилар ёшлари бир ерга бориб қолганда бир-бирларининг хатолари, илгариги камчиликларини кечадилар ва уларни бир-бирларидан ётлаштириб келган жиловсиз эхтирослари ўрнини энди ёқимли меҳрибонлик эгаллайди”. (П. Бомарше)

\* \* \*

“Турмушдаги ҳар қандай роҳат-фароғатларимизни ҳам дўстлар билан баҳам кўрмай, ёлғиз ўзимиз фойдалансак, бари бир татимайди”.

\* \* \*

“Ўз дўстларининг заифлигидан кўз юмиш, камчилигини кўрмаслик, нуқсонларидан эса худди яхши нарсани учратгандай севиниш – бундан ҳам ортиқроқ аҳмоқлик борми ўзи?”

\* \* \*

“Дўст дўстнинг кулфатини билиб олиши керак”.

(Роттердамлик Эразм)

\* \* \*

“Хатоларингизни очиб ташлаган душман уларни хаспўшлайдиган дўстдан кўра анча-мунча нафли”. (Леонардо да Винчи)

\* \* \*

“Биз суҳбатлашганда ақл-фаросатни ишга солишга мажбурлайдиган одамларга кўпроқ яқинлашишга уринишимиз керак”.

(Э. Фейхтерслебен)

\* \* \*

“Дўстлик – бу муқаддас сўз, илоҳий бир туйғудирки, у фақат хокисор одамлар ўртасидагина қарор топади ва ўзаро иззат-хурмат туфайли кучайиб боради”. (Э. Бозси)

\* \* \*

“Дўстларни фақат уларнинг юз-кўзи олдидагина эмас, бошқа пайтларда ҳам эслаб туриш керак”. (Фалес)

\* \* \*

“Дўст учун хар куни пинҳона ўздан кечиш қандайдир қутилмаган шароитда дўст учун жон беришдан ҳам шарафлироқдир”.  
(*Стендал*)

\* \* \*

“Дўстим, сен аввал мени мушкул ахволдан қутқар, насиҳатингни кейин айтаверасан”. (*Ж. Лафонтен*)

\* \* \*

“Дўстга фойдаси тегмаган одам унинг учун бегонага айланади”. (*П. Гольбах*)

\* \* \*

“Дунёдаги бор иззат-икромлар биргина яхши дўстнинг ўрнини босолмайди”.

\* \* \*

“Биз ўз ҳузурида дўстини ёмонлашларига йўл қўйган кишини кўрқоқ деб ҳисоблаймиз”. (*Д. Дидро*)

\* \* \*

“Инсон характери ва ақлини у қандай китоб ва дўст танлашидан ҳам аниқ билса бўлади”.

\* \* \*

“Фақат дўстнинг қўлигина юракдаги тиканни суғуриб олиши мумкин” (*К. Гелвеций*)

\* \* \*

“Алоқа боғлаган одамларингиз билан эҳтиёткор бўлинг, ҳеч қачон даврани иккига бўлманг ва ўй-нияти сизга қоронғи бўлган шахсларга ҳеч қачон сиригизни очманг”. (*У. Колриж*)

\* \* \*

“Душманингни жиддий далилларини ҳазил билан, ҳазилларини жиддийлик билан рад эт!” (*Горгий*)

\* \* \*

“Аҳмоқлик ва донолик ҳам худди юқумли касалликдай тез юқади. Шундай экан, ўзингга дўст танлай бил”.

\* \* \*

“Дўстлик заифлашиб, совий бошласа, зўрма-зўраки хушмуомалалик кучаяди”.

\* \* \*

“Хайдалган ер каби дашном ҳам фойда, дашномсиз гуркираб ўсишинг қайда”.

\* \* \*

“Дўстнинг маслаҳати ғанимларга қарши энг яхши қалқондир”.

\* \* \*

“Дўстлик ақл билан йўғрилмас экан – уни аҳмоқлик тезда бузиб юборади”. (В. Шекспир)

\* \* \*

“Шухрат чўққисида туриб, бошингга кулфат тушганда дўст керак бўлишини унутма” .

\* \* \*

“Дўстларнинг бўлар-бўлмас мақтовлари баъзан ўша мақтовларнинг самимийлигига шубҳа туғдираркан, унда душманларнинг ҳасадига тўла ишониш мумкин”. (К. Иммерман)

\* \* \*

“Дўстликни ҳақоратлаш – доноликдан узоқлашиш демак. Ақлли одам ҳамма нарсасидан жудо бўлса ҳам, дўстидан воз кечмайди... Кимки оғир дамларда дўстини ташлаб кетса, ўзи ҳам кулфатга йўлиқади”. (Ш. Руставели)

\* \* \*

“Ким билан мулоқот қилаётганингни ҳеч қачон билмайсан: дўстингни ким эканлигини билиш учун эса, жиддийроқ ва катароқ ходиса рўй бериши керак, уни кутиш учун эса, вақт йўқ, ҳолбуки, ўша ходиса туфайлигина дўстинг ким эканлигини яхшироқ билиб оласан”.

\* \* \*

“Мен “ҳаммага дўст” одамлардан кўра нодўстроқ одамларни билмайман. Улар доимо ҳамма нарсадан завқланиб, доимий равишда ёвузларни рағбатлантириб келадилар ва ўзларининг жинояткорона олижанобликлари билан жамиятга доғ туширувчи иллатларга хушомадгўйлик қиладилар”.

\* \* \*

“Ҳақсизликни кўра туриб индамаслик – ўша ҳақсизликда қатнашиш билан баравар”. (Ж. Ж. Руссо)

\* \* \*

“Бировга ишонишда эҳтиёткорлик керак, аммо унга ишонмасликда эса яна ҳам эҳтиёткорроқ бўлиш зарур”. (И. Этвес)



\* \* \*

“Инсоний дўстлик кўп ҳолларда нохуш “агар” ва “лекин”ларга кўмилиб қолади ва охир-оқибат ўзаро дангал фикр юритишлар туфайлигина одатий дўстона муносабатларга айланади”.

(Н. Шамфор)

\* \* \*

“Дўстликдан ўтадиган ҳеч нима йўқ; шу боисдан дўст орттириш имкониятини сира қўлдан бой берманг”.

\* \* \*

“Ҳаммада ҳам камчилик бор – бировда кўпроқ, бировда камроқ. Шундай экан, бир-биримизни кечириш хислатимиз бўлмаганда эди, унда дўстлик ҳам, ёрдам ҳам, ўзаро муносабат ҳам бўлмас эди”. (Ф. Гвиччардини)

\* \* \*

“Ўртоқ – ғамингда ғамдош, хасталигингда шифокоринг, у ўлим хавфи чанг солиб турган лаҳзада ўзини қурбон беришга тайёр турувчи кишинг. Ўртоқ – энг юксак девор, мустаҳкам қўрғон, сув билан таъминланган ишончли қалъадир”. (С. Орбелиани)

\* \* \*

“Мен умрим давомида ихлосмандларимга қараганда танқидчи дўстларимдан, айниқса уларнинг танқиди мулойим ва дўстона суҳан билан изҳор этилганда кўпроқ фойда олганман”.

\* \* \*

“Дўстликнинг қўллари бир-биримизни дунёнинг бир учидан нариги учигача қучоқлай олажак қадар узундир”.

\* \* \*

Дўстлик кичкина яхшилик эвазига катта яхшиликлар олиш учун қилган савдомиздир”. (Ш. Монтескье)

\* \* \*

“Дўстларнинг кўпи дўстликдан, сўфийларнинг кўпи сўфийликдан бездирадлар”.

\* \* \*

“Дўстларимизнинг биздан совуганлари – уларга бўлган дўстлигимизнинг озлигига далолатдир”. (Л. Рожефуколд)

\* \* \*

“Бир-бирларимизнинг қусурларимизни хуш кўрайлик, токи дўстлик давом этсин”. (Л. Бруер)

\*\*\*

“Дўстдан кутилгани – нотўғри хатти-ҳаракатларимизда ёнимизда бўлишидир. Хатти-ҳаракатларимиз тўғрилигида ҳамма ёнимизда бўлади”.

\*\*\*

“Дўстлик шундай бир боғдирки, пул сўрамасанг, умр бўйи гуллаб туриши мумкин”.

\*\*\*

“Ўзингизни қувонтиришнинг энг осон йўли бошқаларни қувонтиришга қилган ҳаракатингиздир”.

\*\*\*

“Дунёнинг чегарасига боришни хоҳласангиз, дўстларингиз сонини орттиринг”.

\*\*\*

“Тез дўстлашма, дўст бўлдингми, бир умр дўстлигингча қолишга интил, нега деганда биронта дўсти бўлмаслик ҳам, дўстни ҳадеб алмаштиравериш ҳам бирдай уятдир”.

\*\*\*

“Дўстлар яхши кунларда фақат таклиф билан, бахтсизликда эса таклифсизроқ, ўзларича ташриф буюраверишлари керак”.

\*\*\*

“Бир одамникига ҳадеб бориб, эзилишиб ўтираверма, чунки ҳамма нарса ҳам жонга тегади”.

\*\*\*

“Дўстликнинг энг муҳим шартларидан бири дўстларнинг илтимос қилаверишининг олдини олишдир”. (Исоқрат)

\*\*\*

“Дўстникига ҳадеб бораверма, сендан кўнгли совиб, ёмон кўриб қолиши ҳам мумкин”. (Солон)

\*\*\*

“Учишни эсимиздан чиқарган пайтда бизни кўкларга кўтарган дўстларимиздир”. (К. Хоскин)

\*\*\*

“Дўстлик бирор кишига берганни унутишлик ва нима олганини эсидан чиқармаслиги билан мустаҳкамланади”. (Д. Йонгер)

\* \* \*

“Инсоний дўстлик кўп ҳолларда нохуш “агар” ва “лекин”ларга кўмилиб қолади ва охир-оқибат ўзаро дангал фикр юритишлар туфайлигина одатий дўстона муносабатларга айланади”.

(Н. Шамфор)

\* \* \*

“Дўстликдан ўтадиган ҳеч нима йўқ; шу боисдан дўст орттириш имкониятини сира қўлдан бой берманг”.

\* \* \*

“Ҳаммада ҳам камчилик бор – бировда кўпроқ, бировда камроқ. Шундай экан, бир-биримизни кечириш хислатимиз бўлмаганда эди, унда дўстлик ҳам, ёрдам ҳам, ўзаро муносабат ҳам бўлмас эди”. (Ф. Гвиччардини)

\* \* \*

“Ўртоқ – гамингда гамдош, хасталигингда шифокоринг, у ўлим хавфи чанг солиб турган лаҳзада ўзини қурбон беришга тайёр турувчи кишинг. Ўртоқ – энг юксак девор, мустаҳкам қўрғон, сув билан таъминланган ишончли қалъадир”. (С. Орбелиани)

\* \* \*

“Мен умрим давомида ихлосмандларимга қараганда танқидчи дўстларимдан, айниқса уларнинг танқиди мулойим ва дўстона суҳан билан изҳор этилганда кўпроқ фойда олганман”.

\* \* \*

“Дўстликнинг қўллари бир-биримизни дунёнинг бир учидан нариги учигача қучоқлай олажак қадар узундир”.

\* \* \*

Дўстлик кичкина яхшилик эвазига катта яхшиликлар олиш учун қилган савдомиздир”. (Ш. Монтескье)

\* \* \*

“Дўстларнинг кўпи дўстликдан, сўфийларнинг кўпи сўфийликдан бездирадлар”.

\* \* \*

“Дўстларимизнинг биздан совуганлари – уларга бўлган дўстлигимизнинг озлигига далолатдир”. (Л. Рожефуколд)

\* \* \*

“Бир-бирларимизнинг қусурларимизни хуш кўрайлик, токи дўстлик давом этсин”. (Л. Бруер)



\* \* \*

“Дўстдан кутилгани – нотўғри хатти-ҳаракатларимизда ёнимизда бўлишидир. Хатти-ҳаракатларимиз тўғрилигида ҳамма ёнимизда бўлади”.

\* \* \*

“Дўстлик шундай бир боғдирки, пул сўрамасанг, умр бўйи гуллаб туриши мумкин”.

\* \* \*

“Ўзингизни қувонтиришнинг энг осон йўли бошқаларни қувонтиришга қилган ҳаракатингиздир”.

\* \* \*

“Дунёнинг чегарасига боришни хоҳласангиз, дўстларингиз сонини орттиринг”.

\* \* \*

“Тез дўстлашма, дўст бўлдингми, бир умр дўстлигингча қолишга интил, нега деганда биронта дўсти бўлмаслик ҳам, дўстни ҳадеб алмаштиравериш ҳам бирдай уятдир”.

\* \* \*

“Дўстлар яхши кунларда фақат таклиф билан, бахтсизликда эса таклифсизроқ, ўзларича ташриф буюраверишлари керак”.

\* \* \*

“Бир одамникига ҳадеб бориб, эзилишиб ўтираверма, чунки ҳамма нарса ҳам жонга тегади”.

\* \* \*

“Дўстликнинг энг муҳим шартларидан бири дўстларнинг илтимос қилаверишининг олдини олишдир”. (Исоқрат)

\* \* \*

“Дўстникига ҳадеб бораверма, сендан кўнгли совиб, ёмон кўриб қолиши ҳам мумкин”. (Солон)

\* \* \*

“Учишни эсимиздан чиқарган пайтда бизни кўкларга кўтарган дўстларимиздир”. (К. Хоскин)

\* \* \*

“Дўстлик бирор кишига берганни унутишлик ва нима олганини эсидан чиқармаслиги билан мустаҳкамланади”. (Д. Йонгер)

\* \* \*

“Инсоннинг ўзи билан дўст бўлиши жуда муҳимдир. Чунки бундай дўстлик бўлмас экан, бошқалар билан ҳам дўст бўла олмайсиз”. (Т. Рузвельт)

\* \* \*

“Дўст бўлаётганингда ювош бўл, ўзгартираётганда эса янада ювош бўл”. (Б. Франклин)

\* \* \*

“Дўстларнинг тили сўзлар эмас, диллардир... Дўстлик бор жойда бойлик бор”. (М. Плаутус)

\* \* \*

“Ўзимни ёлғиз қолдирмаслик учун бутун кечани кўзгунинг қаршисида ўтказдим. Айбларингизни сизга айта оладиган дўст топинг”. (Н. Буало)

\* \* \*

“Яхши инсонлар билан дўст бўлинг. Ёмонлар билан дўст бўлишдан кўра ёлғизлик афзал”. (Ж. Вашингтон)

\* \* \*

576  
“Инсон янги-янги дўст топмас экан, ҳаёт ривожлангани сари, кўп вақт ўтмай ўзини ёлғиз ҳис қилади. Дўстлик ҳам тез-тез таъмирланиши керак”. (С. Жонсон)

\* \* \*

“Агар душман истасангиз, дўстларингиздан ўтиб кетишга интилинг. Дўст хоҳласангиз, уларнинг сиздан ўтиб кетишига имкон беринг. Агар дўстингиз муаммо ичида бўлса, “бирор ёрдам керакми?”-деб сўраманг, дарҳол унга ёрдам беринг”. (Э. Нова)

\* \* \*

“Душманларингизни севишдан кўра дўстингизга яхши муносабатда бўлинг”.

\* \* \*

“Менинг энг яхши дўстим энг яхши жиҳатларимни ҳаммага кўрсатганидир”. (Г. Форд)

\* \* \*

“Менга илтифот қилсанг – сенга ишонмайман. Мени танқид қилсанг – сени севмайман, аммо менга жасорат тухфа этсанг, сени асло унутмайман”. (У. Форд)

\* \* \*

“Ишларидан орттириб менга вақт топган дўстимни қадрлайман, аммо ишлари кўплигига қарамасдан мен учун вақт ажратган дўстимни ҳамма нарсадан устун қўяман”. (Р. Брижес)

\* \* \*

“Дўстлигимизни соғлом асос устига қуришни хоҳласак, дўстларимизни ўзимиздан зиёда севишимиз лозим”. (Ч. Бакстон)

\* \* \*

“Айрим одамлар энг яхши дўстларининг заиф томонларидан роҳатланадилар”. (Ф. Честерфилд)

\* \* \*

“Қийинчилик билан турмуш кечираётган дўстингизга тўкин ва бахтли ҳаёт кечираётган дўстингизга нисбатан яхшироқ муносабатда бўлинг”. (Чело)

\* \* \*

“Бир сўз демасдан бир-биридан завқлана олиш самимий ва чин дўстликдир”. (Г. Эберс)

\* \* \*

“Дўст – қалбимдаги қўшиқни эшитиб, уни менга айтиб бера олган одам”.

\* \* \*

“Дўст топиш учун бир кўзинг ёпилиши керак, уни сақлаш учун эса иккинчиси”. (Н. Дуглас)

\* \* \*

“Нуқсонларим ҳақида гаплаша оладиган дўстларимни севаман”. (У. Харлет)

\* \* \*

“Чин дўстлик икки инсоннинг орасида ноқулайлик туғилмаганда пайдо бўлади”. (Д. Генри)

\* \* \*

“Дўстлар келиб-кетиши мумкин, аммо душман йиғилади”.  
(Ж. Кауфман)

\* \* \*

“Икки инсон бир-бирини севгани учун доимо бирга ишлайди. Севинч қўшилганда муносабатлар янада кучаяди, қайғу эса иккига бўлинади”. (П. Галлисо)





\* \* \*

“Кувончли ва қайғули лаҳзаларда дўстларга эҳтиёж сезиллади”. (С. Питерсон)

\* \* \*

“Бир инсонни яхши билиш учун у билан дўстлашиш керак”.  
(Шуносий)

\* \* \*

“Яхши хулқни бизни севган дўстлардан, хатоларни биздан нафратланган душманлардан ўрганамиз. Ҳақиқий феъл-атворни эса дўстлардан осонгина ўзлаштира олмаймиз”. (П. Ричер)

\* \* \*

“Дўстимиз борлигини кашф қилган он энг қисқа, аммо ажойиб лаҳзадир”. (У. Рожерс)

\* \* \*

“Менга дўстингни айт, сенга кимлигингни айтаман”. (Сервантес)

\* \* \*

“Олдимда юрма, таъқиб этишим мумкин, орқамдан юрма, йўлбошловчи бўлишим мумкин, ёнимда юр ва фақат дўстим бўл”. (А. Жеймс)

\* \* \*

“Дўстларингнинг ахлоқини ҳар хил ҳолатларда синаб кўр, айникса улар ғазабланганда қандайлигига эътибор бер”. (Феогнид)

\* \* \*

“Виждони қалтис одамларга яқинлашма”. (Э. Делакура)

\* \* \*

“Алдамчининг дўстлиги бўрининг итга дўстлигига ўхшайди”.  
(Ж. Чэпмен)

\* \* \*

“Доим бирга яшайдиган одаминг билан аҳил яшамоқни истасанг, ўзингни у билан уч ойда атиги бир марта кўришаётгандек тут”. (Ж. Ренар)

\* \* \*

“Кимки ўзига дўст ахтарса, албатта топади; биронта ҳам дўсти йўқ одамда бундай истак ҳеч қачон бўлмаган”.

\* \* \*

“Дўстлик бурчини ўрнига қўйиш ундан фахрланишдан кўра хийла оғирроқ”. (Г. Лессинг)

\* \* \*

“Ким барчага дўст бўлса, уни дўстим деб ҳисобламайман”.

(Ж. Мольер)

\* \* \*

“Кўрқоқ дўст душмандан хавфлидир, чунки душмандан эҳтиёт бўласан, аммо дўстга ишонасан”.

\* \* \*

“Чинакам дўстлашиш учун одам бир-бирига ишониши керак”. (Л. Толстой)

\* \* \*

“Дўстлик қулга ҳам, ҳукмдорга ҳам зор эмас. Дўстликка тенглик керак”.

\* \* \*

“Агар сен дўстингга у ҳақда ўйлаганларингни тўппа-тўғри, ошкора, ҳатто сира тап тортмай айта олмас экансан, ёинки ундан ўзинг ҳақингда шундай ҳақ гапларни эшитишга қурбинг етмас экан, демак сизлар бир-бирларингга чинакам ишонмайсизлар, бир-бирларингни тушунмайсизлар ва ҳурматламайсизлар”.

(И. Гончаров)

\* \* \*

“Нуфуз ва дўстлик – ўт билан сув, турли хил, бир-бирига душман нарсалардир; дўстликнинг гарови – тенглик”.

\* \* \*

“Мен ҳақимда ҳақ гапни дўстим айтмаса, ким айтади, ўзингнинг қандайлигингни бегонадан эшитиш эса жуда ҳам керак”.

\* \* \*

“Ҳамма гапни айтишим мумкин бўлган кишим – менинг дўстим”.

\* \* \*

“Қаердаки очик самимият, тўла ишонч йўқ экан, қаердаки ҳатто қиттай бўлса-да, нимадир пинҳон тутиларкан, у ерда дўстлик йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас”. (В. Белинский)

\* \* \*

“Ошкора ҳақиқатга тоб беролмайдиган дўстлик ҳатто афсусланишга ҳам арзимади. Ундай дўстлик кетса ундан нарига”.

(Д. Писарев)

\* \* \*

“Бир-бирини кўролмайдиган икки кишига дўст тутинган киши икковидан ҳам яхшилик кутмасин”. (В. Ключевский)

\* \* \*

“Дўстликда дўстликнинг ўзидан бошқа биронта илинж ва режа-ниятлар йўқ”.

\* \* \*

“Ҳақиқий дўст ўзимга дахлдор ҳамма нарсаларни ўзимдан ҳам кўра кўпроқ ишонишим мумкин бўлган кишидир”. (М. Монтен)

\* \* \*

“Ўртоқчиликдан кўра муқаддас алоқа йўқ! Ота ўз боласини севади, она ўз боласини севади, бола ҳам ўз ота-онасини севади. Лекин, биродарлар, бу ҳали ҳеч гапмас: ҳайвон ҳам ўз боласини севади. Қондошлик туфайли эмас, қалб орқали яқин бўлиш фақат инсонга хосдир”. (Н. Гоголь)

\* \* \*

“Ҳақиқий дўстликни тарғиб қилиш қийин, ундан амалда ўрнак оладилар... Битта арқонни тутган ҳолда, кўплашиб қояга кўтариладиган кишиларгина ўртоқдир ва шунда улар иноқликка эришадилар”.

\* \* \*

“Биз яқин кишингни душмандан ажратиб турадиган аниқ чегара ўрнатиб бўлмайдиган даврда яшаяпмиз. Тиқилинч поездда беҳисоб душманларинг ҳар қандай энг яқин кишингга қараганда сени ўраб туради. Уйингга мактублар сифатида суқилиб кирадиган душманлар бор. Радио тўлқинларига айланиб, вужудингнинг ҳар бир тўқимасига заҳмат етказадиган душманлар мавжуд. Ана шундай шароитда ўзингни душманлар ўраб туриши одатий ҳол бўлиб қолди, энг яқин кишинг эса, сомон ичидаги йўқотилган игна сингари кўзга ташланмайди”.

\* \* \*

“Ҳиёнат қилувчилар ўзларини сотишлари мумкинлигидан ҳаммиша хавфсирайди – бу мантиқий”. (Кобо Абэ)

\* \* \*

“Фаровонлик истасанг, бахтли бўлганингда ҳам дўст-ёр ортириб ол. Денгиз тўлиб тошса ҳам, дарё сувига мухтождир”.



\* \* \*

“Кимларгадир қилаётган яхшилигингиз, фақатгина ўз бойликларингизни улашиш эмас, балки уларнинг бойликларини ўзларига кўрсатишдир”. (Б. Дизраэли)

\* \* \*

“Бермоқ ва олмоқ, сир айтмоқ ва эшитмоқ, зиёфатда бўлмоқ ва зиёфат бермоқ – шудир дўстликнинг олти шарти”.

\* \* \*

“Дўстларнинг яхшироғи ҳар вақт ҳамдамларни ўз шафқати соясида тутар ва қарам эшигини улар юзига очиб қўяр, тилақларини ва ҳожатларини юзага чиқарар”.

\* \* \*

“Оқил киши донога, олижаноб, ростгўй ва хушхўйга дўст бўлур; ёлғончи, хиёнаткор ва фосиқдан қочар”.

\* \* \*

“Кишилар муносабати ихлос ва вафодорлик билан сайқал топса ва ҳамжиҳатлик сарчашмасидан парвариш топса руҳий роҳатдир ва ишлар зафарли тугалланур”.

\* \* \*

“Кучли дўстлар фойдали, бироқ, ожиз дўстдан ҳам наф имкони бор”. (Ҳинд ҳикматларидан)

\* \* \*

**Аҳли дониш бисотдан:**

“Дўст меҳри ўликни тирилтиради, дўст хиёрати тирик қалбни вайрон этади”.

\* \* \*

“Аллоҳга иймон келтиришдан кейинги амалларнинг афзали одамлар билан дўстлашишдир”

\* \* \*

“Нодон дўстдан кўра ёлғизлик яхши. У дўст бўла туриб шундай кунларни бошингга соладики, кейин душман чангалидан қочиб қутула олмайсан”.

\* \* \*

“Сўраб-суриштирмай ҳар қандай одам билан дўстлашган кишининг ўзи нодон”.

\* \* \*

“Тахлика ва мусибатли куннинг фойдали томони шундаки, бир-бирларини танимаган одамларнинг танишиб, дўст бўлишларига йўл очиб беради”.

\* \* \*

“Душманларимиздан кўра баъзи дўстлар кўпроқ зарар етказдилар. Чунки душмандан эҳтиёт бўларсиз, аммо дўстларнинг душманлигидан қутилиш қийин”.

\* \* \*

“Олий химматли, мард одам бир лаҳзада дўст орттиради, пасткаш эса неча йиллик ошнализини бир лаҳзада барбод қилади”.

\* \* \*

Бир киши пулга муҳтож бўлиб дўстининг уйига келди-да, мулодини айтди. Ҳижолатлиги туфайли дўстининг таклифини қабул қилмади, уйига кирмади. Дўст ичкари кириб айтилган пулни олиб чиқиб бериб, биродарининг кўнглини кўтарадиган, хижолатликдан ҳоли қиладиган оқил сўзларни айтди. Муддаоси ҳосил бўлган киши изига қайтгач, дўст уйига кирди-ю йиғлай бошладди. Хотини «эрим кўпроқ пул бериб юбориб, ачиниб йиғлаяпти шекилли», – деган хаёлда «Бирор нарсани баҳона қилиб пул бермасдан қайтариб юборсангиз бўлмасмиди, энди пушаймонлигингиздан нима фойда?» деб таъна қилди. Шунда дўст деди-ки:

– Йиғлаётганим сабаби сен ўйлаганча эмас, мени ғафлат босибди, дўстим пулга муҳтож бўлиб қолганини билмабман. У келиб сўрамасидан аввал ўзим бориб, мушкулини осон қилишим керак эди. Дўстнинг ҳожатидан беҳабар мендай ғофилнинг дўстлигидан Аллоҳ рози бўлармикин?

\* \* \*

“Ножинс кишининг зарар етказишини ўйламай, у билан дўстлашиб, суҳбатдош бўлган одам, охири ғам-ҳасратга гирифтор бўлади”.

\* \* \*

“Яхши дўст кишига улуғ хазинадир. Баъзи одамлар сен билан ярим дўст бўладилар, улар билан ҳам яхши муносабатда бўл, яхшилик кўрсалар секин-секин сен билан бир тан-бир жон бўлиб, чин дўстга айланадилар. Дўстининг дўстларини ўз дўстларингдан, душманларни душманларингдан деб ҳисобла, дўстингга душман, душманингга дўст бўлган киши билан ва ақлсиз билан асло дўст бўлма, нодон дўст ақлли душмандан ёмондир”.

\* \* \*

“Эй фарзанд, тирик киши албатта дўстсиз бўлмайди. Ким билан дўст тутинсанг ҳам дўстлик қоидаларига риоя қил. Ҳар ким дўстини эсига олмаса, дўсти ҳам уни эсига олмайди. Кимнинг дўсти кўп бўлса, айблари ёпилади. Янги дўст топсанг, эски дўстларингдан юз ўгирма”.

\* \* \*

“Дўст тутилган кишининг қанча ўртоғи, қариндоши, яқини бўлса, ҳаммаларининг ҳақларига риоя қилиш керак. Шу ҳам дўстликка вафодир. Дўстнинг яқинларига ҳурмат кўрсатиш ва ҳақларига риоя этиш дўстининг ўзига ҳурмат ва риоятидан кўра кўпроқ аҳамият касб этади”.

\* \* \*

“Агар сен ғафлат ва жаҳолат қоронғулиги жиҳатидан бир кишини таний олмаётган бўлсанг, диққат эт, инсонлар бу кишини устоз ўрнидан кўриб, дўстлашмоқдаларми? Агар бу киши бир комил инсон билан дўст тутинган бўлса, демек бу киши ҳақиқатан ҳам тараққиёт йўлида бўлган кишидир”.

\* \* \*

Бир одамнинг қадрдон уч дўсти тақдир тақозоси билан уч шаҳарда яшар эди. У дўстларининг садоқатини синамоқни хаёл қилди. Аввал бирига хизматкорини жўнатди. Хизматкор хожасининг иши юришмай, қарзга ботганини айтди. Дўст уни юпатиб, у айтган қарзни тўлашга етгулик миқдордаги пулни бериб, изига қайтарди. Синовчи дўст биродарининг бу карамидан қувониб, хизматкорини иккинчи шаҳарга жўнатди. Иккинчи шаҳардаги киши ҳам дўстининг қарзга ботганини эшитиб ғоят қайғурди. Эртасига хизматкорнинг қўлига қарзни қоплайдиган ва яна ўн йил давомида тирикчиликка асқотадиган маблағ бериб жўнатди. Синовчи дўст бундан ҳам қувонди, шундай дўстларни берганига Аллоҳга шукрлар қилди. Учинчи шаҳарга жўнатишдан олдин хизматкорига қаттиқ тайинлади:

– Бу дўстим бадавлат эмас, ўзи олим одам. Унда илмдан бошқа нарса йўқ. Шу сабабли «хўжайинимнинг аҳволи хароб, катта қарзга ботган», деб ваҳима қилма. «Ишлари ёмон эмас, фақат беш тангагина қарзлари бор, Худо хоҳласа яқин кунларда қарздан қутилиб, ишлари авж олиб кетади», – дегин.

Хизматкор олим дўст ҳузурига бориб хожасининг буюрганини билдирди. Олим дўст бу хабарни эшитиб, бошини эгди. Сўнг



ўрнидан туриб, ташқарига чиқди. Хизматкор ўтирган уйига назар солди: йиртиқ палосу эски кўрпачадан бошқа ҳеч вако йўқ экан. «Ҳеч бўлмаса беш тангаси бордир», деб ўтирганида уйга нотаниш одам кирди-да:

– Хожаси беш танга қарз бўлиб қолган хизматкор сенмисан? – деб сўради.

– Ҳа, – деб жавоб берди хизматкор.

– Мана сенга беш танга, буни шу уй эгаси бериб юборди.

– Ўзлари қанилар?

– Ўзи меникида. У қул бозорида ўзини менга беш тангага сотди.

Бу гапдан хизматкор ҳам ажабланди, ҳам даҳшатга тушди. Қулдорга эргашиб унинг уйига борди ва олим дўст қаршисида тиз чўкиб:

– Ундай қилманг, пулни қайтариб берайлик, – деб ялинди.

– Мен бу одам билан шартлашиб, беш танга эвазига беш йил ишлаб беришга ваъда берганман. Ваъдамга хилоф қила олмайман. Дўстимни муҳтожликдан қутқариш учун беш йил ишлаб бериш мен учун ҳеч гап эмас, – деган экан олим дўст.

\* \* \*

“Шижоатли ва кучли ботирлар – урушда, хотин ва фарзандлар – камбағалликда, дўст ва биродарлар – бошга кулфат тушганда таниладилар”.

\* \* \*

“От билан эшак бир охурдан хашак есалар ҳам дўст бўлмайдилар”.

\* \* \*

“Ўз дўстларининг хатоларини кечирмасликнинг, уларга етказган зарарни унутмасликнинг одам учун нима фойдаси бор? У қандай инсонки, ўз дўстининг тавба ва узрини қабул этмасин ва уни севинч билан қарши олмасин”.

\* \* \*

“Олижаноб ва мард одам оғир кунларда дўстини ташлаб кетмайди. Ҳар қандай шубҳа ва гумонга асосланиб, ўртоқлик алоқларини узмайди. Бориш-келиш, салом-алиқни қанда қилмайди”.

\* \* \*

**Масал:** Қарға, оху, сичқон ва тошбақа дўст эдилар. Иттифоқо оху йўқолиб қолди. Қарға осмонга учиб, уни қидирди. Қарасаки, оху овчининг тўрига ўралиб, азоб чекиб нолалар қиляпти. Қарға сичқонни

фожа ерига бошлади. Сичқон тўр арқонларини қирқди, оху озод бўлди. Шунда оху дўсти тошбақага қараб, ажабланиб сўради:

– Сен нега келдинг? Овчи бу ерга қайтса, сичқон, тешикка кириб беркинади, қарга осмонга кўтарилади. Тўрдан қутулдим, энди мен ҳам қочиб қутула оламан. Сен-чи?

Тошбақа бу гапни эшитиб бошини чайқаганича дебди-ки:

– Биродар, қандай қилиб келмайин? Дўстлардан узоқда, фироқ ва хижронда кечган ҳаётнинг нима лаззати бор? Қандай ақлли одам айрилмоқни афзал кўради? Бахтсизлик юз берганида одамга тасалли берадиган, оғир кунларингда дардингни енгил қиладиган дўстлар билан бирга бўлиш лозим. Хижрон ўтида ёнган, дўстлардан узоққа тушган одамнинг дили ҳамиша ғам ва алам билан тўла, сиҳатлик унинг вужудидан йироқ бўлади. Сабр ва қаноат уни тарк этади. Ақл ва камолот ўз кучини йўқотиб, фойдасиз бўлиб қолади... Дўстдан ажралишдан ҳам оғирроқ мусибат борми дунёда? Фироқ алангаси етти дарёни қуритади...

\* \* \*

“Хоразмга сафар қилганимда бир киши менга йўлдош бўлди. Уни едириб-ичириб юрдим. У эса менга нисбатан бўлган мухаббат ҳам ҳамроҳ эди. Овқат қолдиқларини мен итга бериб турардим.

Йўлда икки ўғри бизга хужум қилди. Йўлдошим ўғриларни кўриб, мени ёлғиз ташлаб қочиб кетди. Ит эса мени ҳимоя қилди. Бир ўғрининг оёғидан тишлаб йиқитди, талади, оқибатда ўғри аранг қочиб қолди. Иккинчи ўғрини мен ўзим мағлуб этдим. Шундай қилиб, итнинг ёрдамида ўғрилардан қутулдим. Ҳамроҳим ўғриларнинг қочганини кўриб ёнимга қайтди, риёкорлик қилиб, ҳолимни сўради. Мен эса “Сен каби дўстдан шу вафоли ит яхшироқ”, деб уни ёнимдан нари қувдим.

\* \* \*

Бир донишманддан “Қанча дўстингиз бор?” деб сўрадилар. Жавобан дедики:

– Буни билмайман. Ҳозир туриш-турмишим яхши. Умрим фаровонлик билан кечиб турибди. Шунинг учун ҳамма менга хушомад қилиб, ўзларининг дўст эканликларини билдириб турибдилар. Мабодо давлатим қўлимдан кетса, у чоқда қанча самимий дўстим борлигини билиб оламан.

\* \* \*

Хорун Рашид Баҳлулдан “Энг яқин дўстинг ким?” – деб сўрадилар.

– Қорнимни тўйдирган киши, – деб жавоб берди Баҳлул.



– Қорнингни тўйдирсам, мени ҳам дўст деб биласанми? – деб сўрадилар Ҳорун Рашид.

– Дўстлик ҳам насия бўладими? – деди Баҳлул.

\* \* \*

“Дўстларга манфаат етказмасдан улардан манфаат кутиш, ерга уруғ сепмасдан туриб, дон олишни тама қилиш каби маъносиздир.

Киши ёндирмайин суҳбатда шамни,  
Ёруғликнинг нишонини кўролмас”.

\* \* \*

**Масал:** Туя билан тулки ҳар ишда ҳамдам ва ҳамдard бўлишга аҳду паймон қилишибди. Бир куни тулки ов қилиб юриб, шерга дуч келибди. Шер унга ташланмоқчи бўлганида тулки унга ёлворибди:

– Эй ҳайвонлар султони! Менга шафқат қилинг, бунинг эвазига шу яқин ўртада ўтлаб юрган азиз дўстим туяни кўрсатай. У сергўшт, мен эсам қоқсуякман.

Тулки туяни кўрсатибди. Аммо шер аввал унинг ўзини бурда-лаб, сўнг туяга ташланибди.

Қиссадан ҳисса шуки: дўст танлашда шошилмаслик керак. Аввало уни синаб сўнг эътимод этмоқ даркор. Киши дўстлик ипларини бевафолик, ғаддорлик болтаси билан узмасинки, ўз бошига ҳам хийлагар тулкининг куни тушгай. “Кимки дўстликни хор айлабди, уни қисмат жазолагай” – дейишлари бежиз эмас.

\* \* \*

“Кимки аччиқ бўлса ҳам ўз дўстлари насиҳатига қулоқ солмас экан, ишининг оқибати пушаймонлик бўлади. Бу – табиб буюрган дориларни ишлатмай, парҳез қилмай, ўзининг кўнгли тилаган таомларни еган, истаган ичимликларини ичган беморнинг ҳар дақиқа дарди оғирлашиб кетгани кабидир”.

\* \* \*

“Олий ҳимматли, мард одам бир лаҳзада дўст орттиради, пасткаш эса неча йиллик ошнализини бир лаҳзада барбод қиладди. Сен пасткашлардан бўлма. Фаровонликни истасанг, бахтли онларингда ҳам дўст-ёр орттириб ол. Биласанки, денгиз тўлиб тошса ҳам дарё сувига муҳтождир. Дўстлар қанча кўп бўлса, кишига бало шунча кам ёпишади”.



\* \* \*

“Эҳтиёж сезилмаганида ҳам ҳар бир ишда яқиндан ёрдам берувчи дўст – дўстларнинг энг яхшисидир”.

\* \* \*

“Тўшаги тикандан, ёстиғи илондан бўлган одамнинг уйқуси ширин бўла олмайди. Инсон идрокининг расолиғи, ақли комиллигининг аломати шуки, дўстларидан бири душманлик қилса ё ғурурланиб кетса бунга қарши дарҳол чора кўради”.

\* \* \*

“Фитначилар билан дўст бўлган кимса энг яхши одамлар ҳақида ҳам ёмон фикрда бўлади, вақт ўтганидан сўнг кўзлари мошдай очилиб, пушаймон ейди”.

\* \* \*

“Разил ва хоин одамларнинг дўстлиги илонни тарбия қилишдек бир нарса. Илон эгаси уни қанчалик яхши парвариш этса ҳам, пайт келганда бир кун ўз эгасининг ёруғ кунини қоронғи кечага айлантиради, ўз вафосизлигини намоён этади”.

\* \* \*

“Ҳар бир гулнинг тикони бўлгани каби, ҳар бир дўстнинг ҳам нуқсонни бўлиши мумкин”.

\* \* \*

Донодан сўрадилар: “Дўстларингдан қай бири барчадан кўра сенга кўпроқ ёқади? Қайси бирини чин биродарлик даражасига етган, деб ўйлайсан? Қайси бирига сенинг муҳаббатинг кучлироқ?” Донишманд жавоб бердиким: “Айб қилсам яширадиган ва узр сўрасам кечирадигани менга ёқиб тушади...”

\* \* \*

“Ариқ ва сой суви денгизга қуйилгунга қадар ширин бўлади. Қардошлик ва дўстлик муҳаббати разил одамлар орага тушгунча мустаҳкам бўлади”.

\* \* \*

“Оққуш қорақушга қўшилмайди. Одамлар гарчи бир хилга ўхшасалар-да, бирининг қалби оққуш иккинчисиники қорақуш каби-дир. Ҳаттоки учар қушлар ҳам ўз шерикларини ажратишни урдасидан чиқар экан, инсоннинг бунга амал қилмоғи мутлақо шарт:

Бўлмагил ҳар кимга жонинг бирла, йўлдош ўзгадир,  
Айтмагил ҳар кимсага сирингни, сирдош ўзгадир”.

\* \* \*

*Масал:* Кичкинагина, тажрибасиз сичқон боласи ҳеч кўркмасдан ҳар жойларга кириб-чиқаверарди. Бир куни у хўроз билан мушукка дуч келди. Хўрознинг қичқириғидан кўрқиб кетган сичқонча югурганича уясига қочиб кирди-ю онасига деди:

– Онажон, бугун икки ҳайвонни кўрдим. Бириси шундай ақлли, ёқимли ҳайвон эканки, уни қучоқлаб олгим келди. Иккинчиси катта қанотли, ёқимсиз шовқин соладиган гердайган ҳайвон экан. Хушфёъл, ипакдай майин жунли, ҳатто бизникидай думи бор ҳайвон билан дўстлашмоқчиман.

Она боласининг гапини эшитиб дакки берди:

– Болагимнам, ўша гўзал, хушфёъл кўринган ҳайвондан кўрқишинг керак. Қичқирган хўроз бизга егулик ҳозирлайди. У бизга зиён етказмайди. Сенга майин кўринган ҳайвон эса ўта маккордир. Мушукнинг ичи билан сирти бир ҳил эмас.

*(Қиссадан ҳисса: бу баёнда кишилар учун зарур ибрат бор. Кўпгина содда одамлар сезмаганликлари туфайли душманларини дўст деб эъзозлайдилар. Уларнинг ташқи кўриниши – зоҳирига қараб ақлли ва одобли, тоза қалбли деб ҳисоблайдилар. Бир шоир дўст бўлиб кўринувчи душман кимсалар тўғрисида шундай ёзган экан: “На гулдир ва на лола, оловдир, тегма, ёнарсан! Ҳаётда ҳам ташқи кўриниши худди гул, лола каби гўзал сувратли кишилар кўп. Аммо уларнинг ичлари ёмонлик оловига тўладир”.)*

\* \* \*

“Саҳар шабадаси дўстликка ўхшайди. Агар у гулзор томондан эсса – хушбўй бўлади. Нажосат бор ердан эсса – бадбўй бўлади”.

\* \* \*

“Тўғри ва соф одамлар дарров дўст бўлиб оладилар ва бу дўстлик узоққа чўзилади. Фитначи одамлар дарров дўстлаша олмайдилар, муносабатлари тез ва осон бузилади. Яхши ва олижаноб одамлар бир соатлик кўришиш ва бир кунлик танишиш муддатида одамнинг кўнглини овлайдилар. Аммо кўпдан бери танишиш ва дўст бўлиш орзусида юрган ичи қора одамлардан марҳамат ва лутф кўзлаб бўлмайди. Улар кўрқув ва ғараз туфайли дўст бўлишни истайдилар”.

\* \* \*

“Бу дунёнинг одамлари бир-бирларига дўст бўлишни истасалар, дўстлик йўлида ўз азиз жонларини ҳам аямайдилар. Бундай одамлар асл дўстлар ва садоқатли биродарлардир. Лекин бу дун-

ёда шундай тоифа одамлар ҳам борки, улар ёлғиз ўз вазиятларини яхшиламоқ, қўлга бир нарса киритмоқ, яхши кун кечирмоқ учун дўст бўладилар. Бундай одамлар мол-давлат дўстларидир. Улар қушларни тўйдириш учун эмас, тутиш учун дон сепадиган овчига ўхшайдилар. Дўсти учун жонини фидо этадиган одамнинг қадр-қиммати моли фидо этувчидан жуда ва жуда юксакдир”.

\* \* \*

“Чин душманнинг агарчи ҳийласи таъсир этмади, макр этмакдин ожиз бўлса, ҳийла била дўстлик мақомига келур ва ондин сўнг дўстлиги сурати била андоқ ишларни қилурким, ҳеч бир душман они қила олмас”.

\* \* \*

“Пўст мағизга қандайин яқин бўлса, дўст ҳам муҳаббатда сенга яқин бўлсин”.

\* \* \*

“Ким дўстларига нисбатан макру ҳийла билан иш тутса, дўстлари унга нисбатан ёлғонни “туҳфа” қиладилар. Душман билан яқинлашган кишидан унинг дўстлари қочадилар. Сўрасаларким: “Номуносиб дўстдан қандай қутулмоқ мумкин?” Жавоб шулдурким: “Зиёратига бормаслик ва бирон нарса сўрамаслик билан”. Сўрасаларким: “Жондин ҳам ширинроқ нарса надир?” Жавоб булдирким: “Беғараз дўст суҳбати”. Сўрасаларким: “Кимлар билан дўстлашмоқ мумкин?” Жавоб бундайдир:

\*Қаноатли кишилар; \*Ўз сўзидан қайтмайдиганлар; \*Олим ва ҳунар соҳибларини қадрлайдиганлар; \*Хиёнат ва номардликдан нафрат этадиганлар; \*Яхши хулқи назокатли кишилар; \*Ғазаб вақтида ўзини қўлга оладиганлар; \*Сахийлар; \*Бадахлоқ одамларнинг айшу-ишрат мажлисларидан нафратланувчилар билан дўст бўлувчиларнинг йўли саодат йўлидир.

Сўрасаларким: “Кимлар билан дўстлашиб бўлмайди?” Жавоб бундайдир:

\*Ақлдан маҳрум бўлганларнинг маслаҳатларига амал қилувчилар; \*Ўз сўзида турмайдиганлар, сўзидан тонувчи ва ёлғончилар; \*Буюк ишлардан сабри тез тугайдиганлар ва кам хафсалалилар; \*Нонкўрлар; \*Ёшининг катталигига қарамай одоб қонун-қоидаларига амал қилмайдиганлар; \*Осонликча хиёнат йўлига тушиб кетадиганлар; \*Пулни ҳаётдан афзал кўрувчи очкўзлар; \*Пасткаш ва майшатпарастлар; \*Ҳаёсизлар; \*Одамлардан сабабсиз шубҳаланиб, уларни асоссиз гуноҳкор қилувчилар; \*Ўзининг заиф эканини била



туриб, узок сафарга чиқишни қасд қилганлар; \*Ўз муаллимини ва бошлиғини танимаган худписандлар билан дўст тутинган кимсанинг йўли оқибат хорлик йўлидир.

Яна дейилдики:

– Сенинг ранж-аламингни баробар тортадиган, шодлигингга шодланадиган дўстни изласанг, бундай дўст ноёбдир. Сенга ўзини дўст қилиб кўрсатадиган тасодифий дўстлар эса жуда кўп.

Сўрасаларким: “Агар ҳақиқий дўст топиш менга муяссар бўлса, у билан қандай муомала қилишим керак?” Жавоб бундайдир:

– Ҳақиқий дўст топсанг, унга содиқ бўл, хиёнат қилма. Ҳамма вақт дўст тутмоқни одат қилгил. Зероки, ҳар кишининг дўсти кўп бўлса, айблари шунча сир тугилур ва фазилати кўпаяур. Ҳар кишики дўстларини ёд қилмаса, дўстлари ҳам уни ёд қилмаслар ва оқибат бу киши дўстсиз қолғусдир. Кўнглингдаги дўстлик муҳаббатини сўзинг ва ишинг билан кўрсат, дўстинг сирин ошкор қилишдан сақлан, унинг ёнида бошқаларни ғийбат қилма. Дўстинг муҳтожликда қолса, дарҳол унга ёрдам бер. Унда бирор айб содир бўлса, ҳоли жойда (!) айбини айтиб, юмшоқлик билан насихат қил. Агар дўстинг сенинг айбингни айтиб, насихат қилса, ундан миннатдор бўл. Ҳар дўстким, сендан ҳеч сабабсиз гинали бўлса, унинг дўстлигидан тама қилмагилки, жаҳонда ундан айблироқ ва ундан ёмонроғи бўлмагай. Билгилким, жаҳонда айбсиз одам бўлмас, аммо сен салоҳиятли, мурувватли бўл, чунки бундайларнинг айби кам бўлурлиги аён. Агар дўстингнинг кўнгли ҳеч гуноҳсиз сендин қолса, уни қайтаришга машғул бўлмагил, бундай таъмагир ва кекчи дўстдан узокроқ бўлганинг маъқулроқ. Бундайларнинг дўстлиги ҳақиқий саналмайди, балки тама учун бўлади. Ҳасадли кишилар билан яқинлашишдан ҳам парҳез қил, чунки ҳасадли киши дўстликка сира ҳам лойиқ эмас, чунки ҳосиднинг ҳасади ҳаргиз кетмас ва сендан гина қилишни сира қанда қилмас. Мурувватсиз, фазилатсиз кишини ҳам дўст тутмагилким, бундай кишининг хосияти бўлмас, уларни мол-дунё дўстлари сафида кўр, улар ор ва номус дўстлари қаторидан жой ололмаслар. Дўстингга ёлғон сўзлама. Унинг душмани билан дўстлашма. Дўстинг бошига бирор мушкул иш тушса, қайғули ҳодиса юз берса, уни шу мусибатдан қутқозишга жону дилинг билан кириш, дўстингнинг ота-она ва оила аъзоларига меҳрибон ва шафқатли бўл. Ҳар вақт янги дўст топсанг, эски дўстларни тарк этма ва воз кечма. Дўстинг ҳамиша кўп бўлаверсин, чунки яхши дўст киши учун бебаҳо хазинадир, деганлар. Одамлар билан дўстлигинг ўртача бўлгани маъқул.

Дўстим кўп деб барчасига умид билан кўнгил боғлаётвермагин, орқа-олдинга карагин. Дўстларингнинг эътиқодларидан ғофил бўлмагин. Уларни фароғатли ва ташвишли кунларингда имтиҳон қилгин. Агар ўзинг қашшоқ бўлсанг, боий дўст талаб қилмагин. Чунки қашшоқни дўст тутучилар кам бўлади. Абу Хамза Бағдиклардан бошқалар чиндай олмайдилар”. Ҳаётда кўп учрата-мизки, молдорлар қашшоқларни хуш кўрмаслар. Шу боис киши ўзига тенг дўст ахтаргани маъқул. Аммо киши молдор – боий бўл-саю қашшоқдан дўсти бўлса бу унинг аъло фазилатидир. Билмоқ жоизким, дўст уч хил бўлади: 1) дўст; 2) дўстнинг дўсти; 3) душ-манингнинг душмани. Душман ҳам уч хил: 1) душман; 2) дўс-тингнинг душмани; 3) душманингнинг дўсти. Энди билгилким, дўстларнинг дўстлари ҳам сенинг дўстларингдир. Эҳтимолки, унинг ўша одамга дўстлиги сенинг дўстлигингдан аълороқдир. Агар дўстинг сенинг душманингни севса, бундай дўстдан эҳтиёт бўл. Чунки бундай дўст душман тарафидан сенга ёмонлик қи-лишдан ҳам андиша қилмайди. Сенинг дўстингга душман бўлган-нингни душман тутмас, уни дўст демагин.

Яна сўрасаларким: “Тасодифий дўстлар билан қандай муно-сабатда бўлиш лозим?” Жавоб бундайдир:

– Тасодифий, юзаки дўстларга ҳам қўлингдан келганича ях-шилиқ қил. Лекин сиру асрорингдан хабардор этма, улар ёнида ҳар хил сўзлар сўзлашдан тилингни тий. Уларни юзаки муома-ла билан кувонтириб, кўнгилларини ўз тарафинга мойил қил. Улардан бири кўринмай қолса, бошқа шундай ошина-оғайнилар-дан унинг ахволини сўра, бироқ, мол-ашёларингни уларга айт-ма, ўз ахволингни яширин тут. Сенга ярим дўст бўлувчилар ҳам учрайди. Улар билан ҳам соз муносабатда бўл, улар сендан ях-шилиқлар кўравергач, яқдил дўст бўлишлари мумкин. Искандар-дан сўрабдиларким: “Оз сармоя билан бунча кўп мулкни қан-дай қўлга киритдингиз?” Искандар дебдики: “Раҳмдиллик билан душманларимни қўлга олдим, аҳдга вафо билан дўстларимни йўлга солдим”. Яхши ва ёмон одамни бир-биридан кўнгил кўзи-ила ажрата олгин. Уларнинг икковига ҳам дўстлик қилгин. Ях-шиларга кўнгил билан, ёмонларга тил билан дўстлик қилгилким, токи икки тоифанинг ҳам дўстлиги сенга нисбатан пайдо бўл-син. Чунки кишининг хожати бир дўст билангина раво бўлмас. Бир вақт бўлурким, кишининг хожати зарурат юзасидан ёмон-ларга ҳам тушиши мумкин. Демак ҳар икки тоифанинг дўстли-

гига эътибор қил. Нохуш хабарни чин бўлса ҳам дўстингга етказ-  
ма. Қўявер, ўша чин хабарни душман етказсин ва сен сабр қил. У  
айб можаросини душман қилаверсин. Чунки адоват қилмоқлик  
– душман хунаридир.

– Ақлсиз одамлар билан ҳаргиз дўст бўлмагил. Ақлсиз дўст  
ақлли душмандан ёмонроқдир. Чунки ақлсиз дўст шундоқ ишлар  
қилурки, ақлли душман уни қила олмас. Мурувватли, илмли ва  
вафоли кишилар билан дўст бўлсанг, уларнинг фазилатлари ту-  
файли сенинг ҳам шуҳратинг ортгай. Бемурувват, меҳр-шафқат-  
сиз, илму хунарсиз кишилар билан бирга бўлгандан кўра танхо-  
лик афзалроқдир. Дўстга лойиқ одамни икки нарсдан билса  
бўлур. Бири – дўстининг холи танг бўлиб қолса ёки қашшок-  
ликка юз тутса ундан юз ўгирмайди, балки молини ундан да-  
риғ тутмайди. Яна бири – дўсти вафот этганидан сўнг ҳам дўс-  
тининг фарзандлари, қариндошларини ва дўстларини зиёрат  
қилиб тургай. Уларга яхшлик қилгай. Дўстининг мазорига бо-  
риб зиёрат қилгай, хасрат чекиб дуолар қилгай. Ривоят қилур-  
ларким, Сукрот ҳакимга “Бутпараст бўл!” деб кўп айтдилар. Ул  
зот “Бундоқ сўзни айтурдин тил чекингларким, мен ҳаргиз ул  
ишни қилмасман!” – дедилар. Сукрот ҳакимни ўлдиришга олиб  
борардилар. Шогирдлари зорлиғ қилиб сўрадилар: “Эй ҳаким,  
энди ўлимга кўнгил қўймишсиз, айтинг, сизни қай ерга дафн  
этайлик?” Сукрот ҳаким бу саволни эшитиб, табассум билан деб-  
диларким: “Қай ерни кўнглунгиз тиласа, ул жойга дафн этинг,  
жасадим қайда бўлса сўнгақларим унда бўлғай. Сиз мени ёд қил-  
сангиз бас!”

*Аллоҳнинг мадади ила биринчи китоб ниҳоясига етди. Кейинги  
китобни меҳмондорчиликка доир суҳбат билан бошлаб, илм, ақл,  
донолик, саломлашиш одоблари каби мавзулардаги гурунг билан да-  
вом эттиражакмиз, инша Аллоҳ!*



## МУНДАРИЖА

Холис ният ила.....	5
Тарбия мезони – хусни хулқ.....	10
Халқ мақолларидан .....	53
Бирини ой англа, бирисин қуёш.....	56
Халқ мақолларидан .....	81
Оила – саодат саройи.....	84
Халқ мақолларидан .....	117
Севган суйганига этар итоат.....	119
Халқ мақолларидан .....	144
Вафо гули.....	146
Халқ мақолларидан .....	174
Силаи раҳм.....	176
Халқ мақолларидан .....	188
Яхшилик қил, дарёга сол.....	190
Халқ мақолларидан .....	228
Жаҳаннам калити .....	251
Халқ мақолларидан .....	256
Энг бебаҳо зийнат.....	259
Халқ мақолларидан .....	295
Ҳиммати йўқнинг ҳурмати йўқ .....	297
Халқ мақоллари .....	339
Заҳарли тикон .....	339
Халқ мақолларидан: .....	
“Пора канда бўлмаса, пароканда бўласан” .....	
Халқ мақолларидан .....	
Шайтоннинг энг ишончли қуроли .....	
Ясатилган келинчак.....	
Азалий насиба.....	
Халқ мақолларидан .....	530
Сабри таҳаммул .....	
Халқ мақолларидан .....	543
“У исроф қилувчиларини баққилас” .....	
Халқ мақолларидан .....	546
“Дўст билан обод уйинг” .....	

гига эътибор қил. Нохуш хабарни чин бўлса ҳам дўстингга етказ-  
ма. Қўявер, ўша чин хабарни душман етказсин ва сен сабр қил. У  
айб можаросини душман қилаверсин. Чунки адоват қилмоқлик  
– душман ҳунаридир.

– Ақлсиз одамлар билан ҳаргиз дўст бўлмагил. Ақлсиз дўст  
ақлли душмандан ёмонроқдир. Чунки ақлсиз дўст шундоқ ишлар  
қилурки, ақлли душман уни қила олмас. Мурувватли, илмли ва  
вафоли кишилар билан дўст бўлсанг, уларнинг фазилатлари ту-  
файли сенинг ҳам шуҳратинг ортгай. Бемурувват, меҳр-шафқат-  
сиз, илму ҳунарсиз кишилар билан бирга бўлгандан кўра танҳо-  
лик афзалроқдир. Дўстга лойиқ одамни икки нарсадан билса  
бўлур. Бири – дўстининг ҳоли танг бўлиб қолса ёки қашшоқ-  
ликка юз тутса ундан юз ўгирмайди, балки молини ундан да-  
риғ тутмайди. Яна бири – дўсти вафот этганидан сўнг ҳам дўс-  
тининг фарзандлари, қариндошларини ва дўстларини зиёрат  
қилиб тургай. Уларга яхшлик қилгай. Дўстининг мазорига бо-  
риб зиёрат қилгай, хасрат чекиб дуолар қилгай. Ривоят қилур-  
ларким, Сукрот ҳақимга “Бутпараст бўл!” деб кўп айтдилар. Ул  
зот “Бундоқ сўзни айтурдин тил чекингларким, мен ҳаргиз ул  
ишни қилмасман!” – дедилар. Сукрот ҳақимни ўлдиришга олиб  
борардилар. Шогирдлари зорлиғ қилиб сўрадилар: “Эй ҳақим,  
энди ўлимга кўнгил қўймишсиз, айтинг, сизни қай ерга дафн  
этайлик?” Сукрот ҳақим бу саволни эшитиб, табассум билан деб-  
диларким: “Қай ерни кўнглунгиз тиласа, ул жойга дафн этинг,  
жасадим қайда бўлса сўнгақларим унда бўлғай. Сиз мени ёд қил-  
сангиз бас!”

*Аллоҳнинг мадади ила биринчи китоб ниҳоясига етди. Кейинги  
китобни меҳмондорчиликка доир суҳбат билан бошлаб, илм, ақл,  
донолик, саломлашиш одоблари каби мавзулардаги гурунг билан да-  
вом эттиражакмиз, инша Аллоҳ!*

## МУНДАРИЖА

Холис ният ила.....	5
Тарбия мезони – хусни хулқ.....	10
Халқ мақолларидан .....	55
Бирини ой англа, бирисин куёш.....	56
Халқ мақолларидан .....	81
Оила – саодат саройи.....	84
Халқ мақолларидан .....	117
Севган суйганига этар итоат.....	119
Халқ мақолларидан .....	144
Вафо гули.....	146
Халқ мақолларидан .....	174
Силаи раҳм.....	176
Халқ мақолларидан .....	188
Яхшилиқ қил, дарёга сол.....	190
Халқ мақолларидан .....	228
Жаҳаннам калити .....	231
Халқ мақолларидан .....	256
Энг бебаҳо зийнат.....	259
Халқ мақолларидан .....	295
Ҳиммати йўқнинг ҳурмати йўқ .....	297
Халқ мақоллари .....	339
Заҳарли тикон .....	340
Халқ мақолларидан: .....	363
“Пора канда бўлмаса, пароканда бўласан” .....	365
Халқ мақолларидан .....	408
Шайтоннинг энг ишончли қуроли .....	410
Ясатилган келинчак.....	454
Азалий насиба.....	493
Халқ мақолларидан .....	503
Сабри таҳаммул .....	505
Халқ мақолларидан .....	527
“У исроф қилувчиларни севмас” .....	530
Халқ мақолларидан .....	543
“Дўст билан обод уйинг” .....	546



ТОҲИР МАЛИК

ТАФАККУР  
ГУЛШАНИ ИЧРА

*“Одамийлик мулки”га илова*

*(Биринчи китоб)*

Муҳаррир Алишер Назар  
Техник муҳаррир Екатерина Корягина  
Саҳифаловчи ва дизайнер Дилмурод Жалилов

Нашриёт лицензияси АІ № 290. 04.11.16 й.  
2017 йил 13 январда босишга рухсат этилди.  
Бичими 70x100  $\frac{1}{16}$ . Офсет босма.  
«PT Serif» гарнитураси. 48,27 шартли босма табағи.  
42,9 нашр табағи. Адади 5000 нусха.  
Буюртма № 207.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
Гафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа  
ижодий уйида чоп этилди.  
100128. Тошкент. Лабзак кўчаси, 86.

Телефонлар: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29  
Факс: (371) 241-82-69

[www.gglit.uz](http://www.gglit.uz)    [info@gglit.uz](mailto:info@gglit.uz)